Амалда мол-мулк солиғини қўлланиши корхонани ишлаб чиқариш фондларидан янада самаралироқ фойдаланишга даъват қилади; сармояларнинг самараси кам бўлган соҳалардан кўп самара берадиган соҳаларга оқиб ўтишига кўмаклашади. Нега деганда, қарор топаётган бозор иқтисодиёти шароитларида корхона ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан ниҳоятда манфаатдор бўлиши керак корхоналар мол-мулкига солинадиган солиқ эса, эскирган ускуналарни алмаштиришга рағбат ҳисобланади.

Умуман, мол-мулк солиғи самарали амал қилишида солиққа тортиш мақсадида мулк табақалашувининг асосланиши муҳим аҳамият касб этади (2-расм).

2-расм.Солиққа тортиш мақсадида мулк табақалашувининг асосланиши[6]



[4] Муаллиф ишланмаси
[5] Муаллиф ишланмаси

Мол-мулкни солиққа тортишнинг энг кўхна турларидан бири ер солиғидир. Давлатчилик ривожланишининг дастлабки даврларида мол-мулк солиқлари, қоидага мувофиқ у ёки бу мол-мулкка эга бўлган мулкдорнинг даромадга эришишига олиб келиши лозим эди. Даромад келтирувчи асосий, баъзан эса ягона манба ер ҳисобланарди. Ўша пайтдаги қишлоқ хўжалиги экинларининг бир турдалиги, экинлар парваришининг жуда оддийлиги шароитида мулкда бўлган ернинг умумий майдони солиққа тортиларди.

А.Темур давридаги солиқ тизимида ҳам ер ва мулк солиқлари мавжуд бўлганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Айнан шу вақтда хирож, молу жиҳот, қўналға, бож, пешкаш, совари ва шилон пули каби солиқлар амал қилиб, бўлардан "хирож"- асосий солиқ бўлиб, ернинг шароитига ва ер эгасининг жамиятда тутган ижтимоий-сиёсий мавқеъига қараб олинган ва ҳосилнинг ўндан бир, тўртдан бир ёки учдан бир қисмини ташкил этган бўлса, "молу жиҳот" солиғи (арабча "мол"-даромад ва "жиҳот"-сабаб) - умуман солиқ, у пул ёки натура шаклида тўланиши мумкин бўлган [3].

Маълумки, кейинги йилларда айнан маҳаллий солиқ ва йиғимлар маъмуриятчилигидаги кескин ўзгаришлар сабабли мамлакатимиз бюджет тизими бўғинлари даромадларида маҳаллий бюджетлар улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда (3-расм).



3-расм. Давлат бюджети даромадларида маҳаллий бюджетлар даромадлари улушининг ўзгариш динамикаси, фоизда[7]

Таҳлил қилинаётган 2010-2019 йилларда бошқа йилларга нисбатан маҳаллий бюджетлар даромадлари улуши 21,8-23,8 фоизни ташкил қилган. Республикада бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан иқтисодиётга солиқ юкини пасайтириб бориш изчил амалга оширилмоқда. Аниқ тасаввурга эга бўлиш учун 3-жадвал маълумотларига мурожаат этамиз.

3-жадвал. Ўзбекистонда солиқ тушумларининг ЯИМдаги улушининг ўзгариш динамикаси, фоиз ҳисобида[8]

Кўрсаткичлар	Йиллар									
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Жами солиқ тушумлари	22,0	21,9	21,5	22,0	21,9	21,3	20,6	19,9	19,4	21,9
Шу жумладан:										
Бевосита солиқлар	5,1	5,8	5,4	5,3	5,1	5,1	4,9	4,6	3,8	6,1
Билвосита солиқлар	11,3	11,4	11,7	11,3	11,6	11,2	10,6	10,5	10,1	9,2
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	3,4	3,4	2,9	3,3	3,0	2,8	2,7	2,8	3,1	3,8
Бошқа солиқли тушумлар	2,2	1,3	1,5	2,1	2,2	2,2	2,4	2,1	2,4	2,8

1. 2-жадвал маълумотларига биноан, ЯИМда жами солиқ тушумларининг салмоғи 2010 йилда 22,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йил якунларига кўра, 21,9 фоизни ташкил қилган. Хусусан, ресурс тўловлари ва мулк солиғи тушумида кескин ўзгариш рўй бериб, 0,4 фоизли пунктга ўсган. Ушбу ўсишнинг сабаби сифатида 2018 йилдан мамлакатимиз солиқ амалиётида мол-мулк солиғи ва ер солиғи маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни келтириш мумкин.

2. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 278-моддасига биноан ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади. Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдилар.

2020 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётида мол-мулк ва ер солиғи бўйича қуйидаги тартиб ўрнатилди: *Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича:*

Солиқ ставкаси 2 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда, қурилиши норматив муддатда тугалланмаган объектларга нисбатан солиқ ставкаси4 фоиз миқдорида белгиланмоқда. Бунда бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, нотурар жой бинолар, шунингдек қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича қонун ҳужжатларида оширилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали чоралар қўлланилиши мумкин ва мол-мулк солиғи бўйича солиқ имтиёзлари уларга нисбатан татбиқ этилмайди. Қуйидаги кўчмас

6 Муаллиф ишланмаси.

[7] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги расмий веб-сайтида эълон қилинган маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

[8] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги расмий веб-сайтида эълон қилинган маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

мулк объектларига нисбатан илгари берилган имтиёзлар ўрнига 0,2% миқдорида пасайтирилган солиқ ставкаси жорий этилмоқда: умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг консервация қилиш тўғрисида қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва қурилиши тугалланмаган объектлар.

Тўлиқ амортизация қилинган биноларга ҳар уч йилда камида бир марта қайта баҳоланган (бозор) қийматидан келиб чиқиб мол-мулк солиғи солиниши белгиланмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сақлаш учун ишлатиладиган, қишлоқ хўжалиги корхоналари балансидаги мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига солиқ солинадиган базани камайтириш кўринишида мол-мулк солиғи бўйича имтиёз жорий этилмоқда. Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари солиқни йилига бир марта ҳисобот давридан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай тўлайдилар.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича: Солиқ ставкалари 2019 йил даражасида сақлаб қолинди. Бунда 2020 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда, кадастр қийматидан солиқ суммаси 2019 йил учун ҳисобланган солиқ миқдоридан 30 фоиздан кўпга ошмаслиги керак. Солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларга тўловларни тўлаш тўғрисида билдиришнома тақдим этиш муддати 1 мартдан кечиктирмай белгиланади. Солиқни тўлаш муддати йилига икки марта 15 апрель ва 15 октябргача тенг улушларга бўлиб белгиланди.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича: 2020 йил учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкалари, шунингдек мева-сабзавот етиштирадиган қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундириладиган ер солиғи ставкалари "Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон Қонуни билан тасдиқланган. Қишлоқ хўжалиги ерлари учун солиқ ставкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг норматив қийматидан 0,95 фоиз миқдорида белгиланади. Қурилиши тугалланмаган объектлар эгаллаган ер участкалари учун, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, солиқ икки баравар солиқ ставкалари бўйича тўланади.

Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек қурилиши тугалланмаган объектлар эгаллаган майдонларига нисбатан қонун ҳужжатларида оширилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали таъсир чоралари қўлланилиши мумкин ва солиқ имтиёзлари уларга нисбатан қўлланилмайди. Ҳукумат томонидан таъкидлаб ўтилган айрим ҳолатлардаги ер участкалари учун солиқ ставкасига 0,1 коэффициент қўлланилади. Солиқ ставкаларига 0,1 коэффициенти илгари берилган имтиёзларнинг ўрнига киритилиб, белгиланган тартибда юридик шахсларга берилган ер участкаларига нисбатан қўлланилади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати яхшиланган тақдирда (бонитет бали ошганда), солиқ юридик шахслар томонидан тупроқ бонитировкаси ўтказилган йилдан кейинги йилнинг бошидан янги бонитет балидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати бўйича, агротехник тадбирлар тугаган даврларда қайта ҳисоб-китоб қилинмасдан тўланади.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича: Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда. Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномасини тақдим этиш муддати 1 мартдан кечиктирмай белгиланади. Солиқни тўлаш муддати йилига икки марта 15 апрель ва 15 октябргача тенг улушларга бўлиб белгиланди.

Хулоса ва таклифлар. 1. Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш ва унинг истиқболли резервларини топиш маҳаллий ҳокимиятлар муҳим ва ўта маъсулиятли вазифаларидан бўлгани боис янги шакллантирилган “Туман, шаҳар солиқ паспортлари”да мол-мулк солиғи ва ер солиғидан тушумлар алоҳида аҳамият касб этаётир. Ҳозирда маҳаллий солиқлар тушумларида деярли ярмини мол-мулк ташкил этиши, мазкур солиқнинг маҳаллий солиқларнинг барқарор молиявий манбаси деган хулоса чиқариш имконини беради. 2. Бугунги кунда ер участкаларида янгидан бошлаб юборилган қурилишлар қонунийлигини қисқа вақтда аниқлаш ёки ер участкалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганини аниқлаш мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун ер участкалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани ҳақида масъул давлат идораларига хабар берганларни пул мукофоти билан рағбатлантириш тизимини жорий этиш алоҳида заруриятга эга. Бунинг натижасида, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш, уларда ноқонуний объектлар қуриш ҳамда тегишли ҳужжатларда белгиланганидан ортиқча ердан фойдаланиш тўғрисида янги ҳолатларни аниқлаш имконини беради. 3. Тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда кўмаклашиш, мулк эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг уларга тегишли бўлган мулклардан ва фойдаланишдаги ерлардан самарали фойдаланиши йўлга қўйиш мақсадида бўш турган бинолардан фойдаланилмаган ёки етарли даражада фойдаланмаган ҳолатларда мулкдорларга нисбатан таъсир чоралари кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бу нарса фаолият кўрсатмаётган ва фойдаланилмасдан турган объектлар эгаларининг мазкур объектлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиши бўйича маъсулиятни кучайтириш ҳамда корхоналарни фаол хўжалик фаолиятига жалб этиш ва янги иш ўринларини яратилишига муҳим замин яратади. 4. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллашда ҳам, ушбу солиқни ҳисоблашда ҳам мол-мулкнинг қайси ҳудудда жойлашгани муҳим, чунки мол-мулк солиғи маҳаллий бюджетларга йўналтирилади. Бу эса ўз навбатида маҳаллий ҳокимият органларининг қизиқишларини ошириши зарур. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий ҳокимиятларнинг барча даражадаги бўғинларининг масъулиятини ошириш мақсадида юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича тушумларни

тўлиқ ҳажмда вилоят маҳаллий бюджетларига қолдириш, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича тушумларни туман маҳаллий бюджетларига қолдириш меъёрий ҳужжат орқали аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. 5. Мол-мулкнинг инвентар қийматини аниқлашда эскирган норматив баҳолаш тизимидан фойдаланилиши натижасида, кўчмас мулкларнинг ҳақиқий бозор баҳосидан анча катта оғишишларга ва солиқ базасининг сунъий равишда торайишига олиб келди. Ҳозирда жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган базаси сифатида унинг кадастр қийматини белгиланиши ва босқичма-босқич кадастр қийматини бозор қийматидан келиб чиқиб белгилаш амалиёти жорий этилди. 6. Қишлоқ хўжалиги мақсадларидан ташқари ерлардан фойдаланадиган юридик шахслар учун ер солиғи ставкаларини уларнинг фаолият турига қараб табақалаштирилиши мақсадга мувофиқ. Ер солиғи ставкаларини ерни хусусийлаштириш жараёнида ҳисоблаб чиқилган қийматга нисбатан қатъий фоизларда белгилаш, ер участкаларига хорижий мамлакатларда фойдаланилаётган солиқ солиш услубиятига яқинлашишига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси»даги ПФ-4947-сон Фармони. – www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5283 –сонли Фармони.
3. Temur tuzuklari. -T.: G‘.G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti. 1996. 14-bet.
4. Малис Н.И. Налоговая политика государства. Учебник. – М.: Юрайт, 2014. – 463с.
5. Черник Д.Г. Налоги: Учеб. пособие / Под ред. Д.Г.Черника – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2012. – 471 с.
6. Умаров Б. Корхоналар мол-мулкини солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. –Т.: БМА, 2002. – 22 б.
7. Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. – Т.: «Молия», 2017. – 195 б.
8. Исламкулов А.Х. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар барқарорлигини таъминлаш масалалари: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2012.–22 б.
9. Мусалимов Ш.И. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: ТМИ, 2020.–59 б.
10. Tommaso OLiviero, Annalisa Scognamiglo. Property tax and property values: Evidence from the 2012 Italian Tax Reform European Economic Review.http//www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0014292119301084.
11. Aldag, A.M., Kim, Y., Warner, M.E. Austerity urbanism or pragmatic municipalism? Local government responses to fiscal stress in New York State. www.scopus.com/results/results.uri?editSaveSearch=&sort=plf-f&src=s&st1=+ local+taxes+and +fees&nlo.
12. Chiades, P.A,Greco, L.B., Email Author, Mengotto,V.A, Moretti,L.C, Valbonesi, P.E Fiscal consolidation by intergovern mental transfers cuts? The unpleasant effect on expenditure arrears.www.scopus.com /record/ display.uri? eid=2-s2.0-85054804836&origin=resultslist&sort=plf

Маҳаллий бюджетлар даромадлари шаклланишида мол-мулк ва ер солиғидан тушумларнинг аҳамияти

Эшматов Ж.А. Мустақил илмий тадқиқотчи

Резюме. Мақолада Ўзбекистон Республикасида давлатнинг 2020 йилдаги самарали бюджет-солиқ сиёсати вазифаларидан келиб чиқиб маҳаллий бюджетлар даромадлари шаклланишида мол-мулк ва ер солиғидан тушумнинг аҳамияти, мазкур солиқлар бўйича амалиётнинг ҳозирги ҳолати, унинг муаммолари ва янги жиҳатлари ҳамда ушбу солиқлар маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш йўналишлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: маҳаллий бюджетлар, маҳаллий бюджет даромадлари, мол-мулк солиғидан тушумлар, ер солиғидан тушумлар, мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари, мол-мулк ва ер солиғи маъмуриятчилиги.

Значение поступлений от налога с имущества и земельного налога в формирование доходов местных бюджетов

Эшматов Ж.А. Самостоятельный соискатель

Резюме. В статье рассмотрены значение поступлений от налога с имущества и земельного налога в формировании доходов местных бюджетов в Республике Узбекистан, исходя из задач бюджетно-налоговой политики государства на 2020 год, современное состояние, проблемы и новации действующей практики по этим налогам, а также были рассмотрены пути повышения эффективности администрирования этих налогов.

Ключевые слова: местные бюджеты, доходы местных бюджетов, поступления от налога с имущества, поступления от земельного налога, плательщики налога с имущества и земельного налога, администрирование налога с имущества и земельного налога

The significance of receipts from a tax on property and land tax in formation of the income of local budgets

Eshmatov J.A.Independent Researcher

Summary. The article considers the importance of property tax and land tax revenues in the formation of local budget revenues in the Republic of Uzbekistan, based on the objectives of the state budgetary and tax policy for 2020, the current state, problems and innovations of the current practice on these taxes, and also considered ways improving the efficiency of the administration of these taxes.

Key words: local budgets, local budget revenues, property tax revenues, land tax revenues, payers of property tax and land tax, administration of property tax and land tax

ҚАРАМАЛШЫЛЫҚ ТАРМАҒЫН РАЎАЖЛАНДЫРЫЎДАҒЫ МАШҚАЛА ҲӘМ АЛДАҒЫ РЕЖЕЛЕРИ

Балташев Ж.М.

Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Бирлескен Миллетлер Шөлкеминиң Азық-аўқат ҳәм аўыл хожалығы (ФАО) шөлкеми қәнигелериниң пикиринше “Шаруўашылық секторы экономикалық жақтан глобал экономикада керекли рол ойнамасада, экономикалық ҳәм сиясий жақтан жүдә әҳмийетли саналады. Тармақ аўыл хожалығы жалпы өниминиң 40 пайызын қурайды, 1,3 млрд пуқараны жумыс пенен тәмийнлейди ҳәм бир миллиард кәмбағалларға жасаў ушын шараят жаратты. Шаруўашылық өнимлери инсаниятты ң үштен бир бөлегин протаин менен тәмийнлеген ҳалда тойып аўқатланыў мумкин болған қурал есапланады. Дүнья жүзинде гөш ислеп шығарыў 2001-жылдағы 229 миллион тоннадан 2050-жылда 465 миллион тоннаға, сут ислеп шығарыў болса 580 миллион тоннадан 1043 миллион тоннаға шекем көбейиўи анализ қылынбақта. Бунда бир бирлик шаруўашылық өнимлерин ислеп шығарыў есабынан қоршаған орталыққа жеткизилген зыян муғдарын ҳәзирги дәрежеде сақлап турыў ушын болса ислеп шығарыў көлемин еки есе кемейтириўди талап етеди[1]”.

Кейинги жылларда шаруўашылықты реформаластырыў, соннан, тараўдың басқарыў системасын жанеде жетилистириў барысында бир қатар Пәрман ҳәм Қарарлар қабыл қылынды. Усының натийжесинде республика, ўәлаят, район ҳам фермер хожалыклары бойынша шаруўашылық тараўында вертикал басқарыў системасы жаратылды. Республикамызда сут ҳәм гөш ислеп шығарыўға қәнийгелескен мыңнан артық ири шаруўашылық комплекслери иске түсирилди. Жуўмақланып атырған жылда болса бул жөнелисте 1,2 триллион сўмлық 600 жойбар әмелге асырылды. Шаруўашылықты раўажландырыў ушын қолай болған Ахангаран, Тахтакөпир, Қоңырат, Бозатаў, Мойнақ районлары бул тараўға қәнийгелестирилди ҳәм кластер усылында раўажланыўы жолға қойылды.

Мәмлекет халқын сыпатлы азық-аўқат өнимлери менен медициналық нормативлер дәрежесинде тәмийнлеў, тараўдың экспорт потенциалын асырыў ўазыйпасы қурамалы ҳәм кең қамраўлы болып, оның аҳмийетли себеплеринен бири республиканың барлық аймақларында бар болған имкәниятлардан толық ҳәм нәтийжели пайдаланыў, бар болған запасларды иске түсириў менен бир қатарда тармаққа жаңа инновациялық технологияларды енгизиў арқалы экономикалық натийжелиликти асырыўды талап етеди [2].

Гөш ҳәм сут ислеп шығарыў ең биринши шаруўашылықтың қарамалшылық тармағын раўажландырыў менен туўрыдан-туўры байланыслы. Өзбекстанның барлық аймақларында қарамалшылықты раўажландырыў ушын зәрур табиий шараятлар бар. Мәмлекетимизде шаруўашылық тармағын раўажландырыў бойынша алып барылып атырған реформалар натийжесинде шаруа маллары, соннан қарамаллардың бас саны көбейиў тенденциясына ийе. 1991-жылда қарамаллардың бас саны 5112,6 мың, сыйырлар 2120 мың басты қураған болса, 2000-жылда қарамаллардың бас саны 5353,4 мың басқа, сыйырлардың бас саны 2343,4 мың басқа жеткен. 2021-жылдың 1-январь ҳалатына келип, қарамаллардың бас саны 12814.1 мың, сыйырлар 4426 мың басқа жетти. 2019-жылда қарамаллар бас саны 1991-жылға салыстырғанда 2,5 есе, 2000-жылға салыстырғанда 2,39 есеге асқан. Шаруа, соннан қарамаллар бас санының артыўы менен сәйкес рәўиште шаруўашылық өнимлери көлеми артып бармақта. Лекин, халықты медициналық нормалар көлеминде сыпатлы гөш ҳәм сут өнимлери менен тәмийнлеў талап дәрежесинде емес. Шаруўашылық тараўын алатуғын болсақ, бул тараўда иске салынбаған үлкен имканиятлар барлығын атып өтиў орынлы. Дания ҳәм Қубла Кореяда сут саўып алыў бойынша орташа көрсеткиш 8-9,5 мың килограммды, Венгрия, Германия, Голландияда болса 6-7 мың килограммды қурап атырған бир пайтта, бизде кейинги бес жылда бул көрсеткиш 1,7 мың килограмм дәрежесинде сақланып қалмақта.

Бул ўазыйпаның шешими қарамалшылық өнимлерин жетистириў натийжелилигин тәмийнлеў ҳәм шаруўалардың финанслық мәплерин тәмийнлеў дәрежесине байланыслы. Әсиресе аймақлардың имкәниятларынан кең пайдаланыў талап етиледи. Имкәны барынша ҳәр бир аймақ халқын жергиликли шаруўашылық өнимлери менен тәмийнлеў зәрүр. Себеби қайта исленбеген гөш ҳәм сут өнимлери халыққа қысқа ўақытта жеткерип бериў лазым. Қалаберсе, ҳаўа температурасы ыссы болғанлығы ушын бир аймақтан екинши аймаққа гөш ҳәм сут өнимлерин тасыў арнаўлы музлатқыш яки суўытқышқа ийе транспорт пенен әмелге асырыўды талап етеди. Қәрежетлер артады, өнимлер қымбатласады. Аймақлардағы от-жем базасынан, шаруўашылық өнимлерин жетистириў маманлығына ийе мийнет ресурсларынан нәтийжели пайдаланыў зарүрлиги де аймақларда шаруўашылықты раўажландырыўды объектив талап ететуғын факторлардан бири есапланады. Бул факторларды инабатқа алмасақ, бар имкәниятлардан пайдаланбасақ, экономикаға үлкен зыян келтиреди.

Өзбекстан Республикасы Президенти Ш.М.Мирзиёев атап көрсеткениндей, “шаруўашылық тараўына тоқталатуғын болсақ, қарамал ҳәм қуслар санын көбейтиў, бул тараўда сыпат ҳәм өнимдарлыққа ерисиў ушын жетерли шараятлар жаратыўымыз зарүр. Жақын келешекте ҳәр бир районда қәнигелескен қарамалшылық комплексларин, жоқары технологиялық қусшылық фабрикаларын шөлкемлестириў лазым [3]”.

Сол себепли аймақларда қарамалшылықты раўажландырыў ҳәм оның экономикалық натийжелилигин асырыўды тәмийнлейтуғын илимий-изертлеўлер алып барыў, илимий-услублық ҳәмде әмелий тийкарланған усыныс ҳәм көрсетпелер ислеп шығыў бугинги күнниң ең әҳмийетли мәселелеринен бири саналады.

Бүгинги күнде қарамалшылық тармағын раўажландырыўда бир қатар машқалалар бар. Булар, ири шаруўашылық фермаларында шаруа бас санының кемлиги, шаруа бас саны менен оған от-жем етистириўдеги кемшилик ҳәм теңсизликлер, тармақтың илимий-техникалық раўажланыў ҳәм заманагөй техника қураллары

менен тәмийнлениўден арқада қалыўы, тармақта ислеп шығарылған өнимлер ҳәмде АСМның басқа тармақларындағы товарлар баҳалары ортасындағы айырмашылықлар ҳәм басқалар. Соның ушын бизиң пикиримизше, қарамалшылықты натийжели раўажландырыўдың шөлкемлестириў-экономикалық механизмин жетилистириў процессинде келешекте төмендеги машқалаларды сапластырыўға итибар қаратыў керек: халықтың азық-аўқат өнимлерин ҳәм санааттың шийки затқа болған талабын қандырыў ҳәмде аўыллық аймақларды турақлы раўажландырыў; мәмлекеттиң азық-аўқат қәўипсизлигин тәмийнлеў ҳәм беккемлеў; азық-аўқат өнимлери импортына болған қарамлықты қысқартырыў; аўыл хожалығы өнимлери ҳәм товар ислеп шығарыўшылардың бәсекеге шыдамлығын асырыў; аўыл хожалығы өнимлерин ислеп шығарыўшылар дәраматларын асырыў ис-илажларына айрықша дәрежеде итибар қаратыў; қарамалшылық тармағы инфраструктурасын раўажландырыў, азық-аўқат, шийки зат ҳәм аўыл хожалығы өнимлери базарын бир-бирине байланыслы тәризде өз-ара мәпли қатнасықлар шеңберинде нәтийжели басқарыў; нәсилшилик жумысларын заман талаплары дәрежесинде шөлкемлестириў; тармақты аймақлардың тәбиий-ықлым ҳәм топырақ шараятларынан келип шығып жайластырыў ҳәм қәнигелестириў; аўыл хожалығы өнимлерин ислеп шығарыўшылардың өз тутыныў товарлары менен ишки ҳәм сыртқы азық-аўқат базарларына еркин кириўи ҳәмде оларды экспорт қылыўы ушын шараят жаратыў, тийисли жеңилликлер бериў; тармақта кеңейтирилген тәкирар ислеп шығарыў имканиятын жаратыўшы экономикалық механизм элементлеринен натийжели пайдаланыў ҳәм рентабеллик дәрежесине ерисиў; аўыл хожалығы, соның ишинде қарамалшылық өнимлерин ислеп шығарыўшы фермер, дийхан хожалықлары ҳәм үй алды қыйтақ жер ийелериниң материаллық мәплерин асырыў; аўыл хожалығы өнимлерин ислеп шығарыўшыларды мәмлекет тәрепинен мәнзилли ҳәм мақсетли қоллап-қуўатлаў; қарамалшылық өнимлерин ислеп шығарыўшы субъектлер жумысын инновациялық техника ҳәм технологиялар тийкарында модернизациялаў ҳәмде диверсификациялаўдың инвестициялық жойбарларын ислеп шығыў, оларды әмелиятқа енгизиў; сырт ел мәмлекетлериниң шарўашылық, соның ишинде қарамалшылықты раўажландырыў, өнимлер сыпатын жақсылаў ҳәм қәрежетлерин кемейтириў менен байланыслы болған тәжирийбелерге ийе ахборот ресурслары менен тәмийнлеў, билимин асырыў ушын шет ел сапарларын шөлкемлестириў ҳәм т.б.

Қарамалшылықты раўажландырыўда ең биринши шарўа өнимлерин ислеп шығарыўшы хожалықлар ҳәм оларға хызмет көрсетиўши объектлерди ресурслар тәмийнаты менен туўры жайластырыў ушын барлық имканиятларды жаратыў зарўр. Объектлерди туўры жайластырыў жерден дурыс пайдаланыў, транспорт қәрежетлерин кемейтириў, капитал қойылмаларды тежеп жумсаў, тийкарғы қураллардан нәтийжели пайдаланыў, ислеп шығарыў нәтийжелилигиниң жоқары болыўына имкән жаратады. Яғный, ислеп шығарыў объектлерин жайластырыўда материаллық-техникалық тәмийнаты, өним ислеп шығарыўдан баслап, оны жыйнаў, сақлаў ҳам басқа хызметлердиң өз-ара байланыслығына ҳам избе-излигине итибарды қаратыў лазым.

Ҳәзирги ўақытта шарўашылық өнимлери тийкарынан дийхан хожалықларында жетистирип атырған болып, маллар нәсили ҳәм нәсилшилик өзгешеликлери сүт ҳәмде гөш өнимлерин кескин көбейтириў имкәнын бермейди. Соның ушын дийхан хожалықларындағы шарўа маллары нәсилин жақсылаў бойынша ис-илажлар ислеп шығыў лазым. Усы жөнелисте шарўа маллары нәсилин жақсылаў ҳәм халыққа нәсилли маллар жеткерип бериў системасын жаратыў менен бирге сыпатлы шарўа өнимлерин ислеп шығарыўға қаратылған факторларды иске салыў мақсетке муўапық.

Шарўашылық өнимлерине белгиленип атырған баҳалар ҳәм оларды жетилистириў ушын зарўр болған от-жемлер, сондай-ақ, санаат өнимлери баҳалары ортасындағы теңсизликти жумсартыў мақсетинде тармақ жумысында дотация ва субсидияларды мақсетли ҳәм мәнзилли қоллаў талап етиледи. Бүгинги күнде республикамыздағы қарамаллардың өнимдарлығы талап дәрежесинде емес. Буның тийкарғы себеплери – нәсилли маллардың кемейип кеткенлиги ҳәм нәсилли урықларын жеткерип бериў системасындағы монопол жағдай, малларды жасалма туқымландырыў орайлары ҳәм қәнигелердиң жетиспеўи, оларды көбейтириўдеги технологияның гөнергенлиги сыяқлы машқалаларға барып тақалады. Сонлықтан, тараўдағы бундай машқалаларды шешиў мәмлекет дәрежесинде ис-илажлар ислеп шығыў ҳәм оны әмелиятқа тезирек енгизиўди талап етеди.

Шарўашылық тараўы менен байланыслы заманагөй технологиялық әсбап-ускенелер, жоқары нәтийжели шүдигарлаў, егиў, қайта ислеў ҳәм орыў-жыйнаў техникалары, мини цехларды сатып алыў ушын фермер ҳәм дийхан хожалықларына жеңиллетилген, узақ мүддетли кредитлер ажыратыў нәтийжели илажлардан екенлигин айрықша айтып өтиў орынлы. Ири аўыллық орайлары ҳәм шарўашылығы раўажланған аймақларда жеке исбилерменлик тийкарында от-жем, қамыс-пишен ҳәм басқа турдеги азықлық егинлери, нәсилли малларды көбейтиў, соннан сырт елден алып келиў ҳәм сатыўға қәнигелескен аукцион базарлары, зооветеринария ҳәм нәсилшилик жумыслары, қусхана ҳәм басқа түрдеги хызметлерди көрсетиўге қәнигелескен шақапшаларды шөлкемлестириў ҳәм раўажландырыўды ҳәр тәреплеме экономикалық жақтан хошаметлеў зарўр. Шарўа малларын қамсызландырыў системасын жақсылаў, соннан сырт елден алып келинетуғын нәсилли шарўа малларын қамсызландырыў бойынша арнаўлы бағдарлама ислеп шығыў ҳәм онда қамсызландырыў төлемин тийкарынан нәсилшилик системасын раўажландырыў ис-илажларына сарыплаў, оның бир бөлегин мәмлекет тәрепинен қаржыландырыўды әмелге асырыў мақсетке муўапық. Бугинги күнде фермер ҳәм дийхан хожалықларын от-жем егинлериниң туқымлары менен тәмийнлеў мәселеси де өз шешимин таппаған, себеби олар зәрўр туқымлық материаллары қымбат баҳаларда тийкарынан жеке исбилерменлерден сатып алынбақта ҳәм айырымларын өзлери жетистирилмекте.

Сол себепли, тек ғана бул бағдарда емес, бәлким ҳәзирги шараятта республика ҳәм оның аймақлары кесиминде аўыл хожалығы кәрханалары дәраматларының төменлиги себепли нәсилшилик, от-жем егинлериниң урықшылығы, шарўашылық тармақларына зәрур заманагөй техника ҳәм технологиялар ислеп шығарыў тараўларында да миллий илимий-изертлеў ҳәм тәжирийбе жумысларын жетилистириў, бул әҳмийетли процести мәмлекет тәрепинен қаржыландырыў ис-илажлары ҳәм оларды әмелиятқа енгизиў мәселелерине айрықша итибар қаратыў лазым [4].

Жуўмақлап айтқанда, аўыл хожалығы өнимлерин ислеп шығарыў нәтийжелилигин анализ қылыўда, бизиңше, биринши нәўбетте, натурал көрсеткишлерден пайдаланыў лазым. Лекин, натурал көрсеткишлер аўыл хожалығы өнимлерин жетистириў нәтийжелигиниң тек ғана бир тәрепин көрсетеди ҳәмде кәрхана яки тармақ жумысын толық баҳалаў имкәнын бермейди. Қарамалшылық тармағын нәтийжели раўажландырыў ушын тәбиий-ықлым, биоэкологик, техник-технологик, шөлкемлестириў-экономикалық, социаллық-ҳуқықый жөнелислерди бирлестириўши ҳәм өз-ара байланыстырыўшы барлық керекли факторлардан ақылға муўапық пайдаланыў ис-илажларына тийкарғы итибарды қаратыў зарүр.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. http:www.fao.org/publications/card/en/c/9655af93-7f88-58fc-84e8-d70a9a4d8bec/
2. https://president.uz/uz/lists/view/3117
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.
4. Нурымбетов Т. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишлари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида) // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати http://library.ziyonet.uz/ru/book/download/108262

Қарамалшылық тармағын раўажландырыўдағы машқала ҳәм алдағы режелери.
Балташев Ж.М. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақалада қарамалшылық тармағының миллий экономикадағы әҳмийети, қарамалшылық тармағының раўажланыўына тәсир етиши факторлар, сондай-ақ усы тараўды раўажландырыўдағы қыйыншылықлар, олардың шешимлери ҳәм алдағы режелери талықланған.

Таяныш сөзлер: шарўашылық, қарамалшылық, агросанаат комплекси, рентабеллик, аўыл хожалығы кәрханалары.

Қорамолчилик соҳасини ривожлантиришдаги муаммо ва истиқболдаги режалари
Балташев Ж.М. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Ушбу мақолада чорвачилик соҳасининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти, чорвачиликни ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар, шуниндек, ушбу соҳани ривожлантиришдаги қийинчиликлар, уларнинг ечимлари ва истиқболдаги режалари муҳокама қилинган.

Калт сўзлар: чорвачилик, қорамолчилик, агросаноат мажмуаси, рентабеллик, қишлоқ хўжалиги.

Проблемы и перспективы развития животноводческой отрасли
Балташев Ж.М. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье обсуждается роль животноводства в национальной экономике, факторы, влияющие на развитие животноводства, а также проблемы в развитии этого сектора, их решения и планы на будущее.

Ключевые слова: животноводство, скотоводство, агропромышленный комплекс, рентабельность, сельское хозяйства.

Problems and prospects for the development of the livestock industry.
Baltashev J.M. Karakalpak State University

Summary. This article discusses the role of livestock in the national economy. The power factors influencing the development of the livestock sector, as well as the challenges in the development of this sector, connectivity solutions and future plans are also considered.

Key words: animal husbandry, livestock, agro-industrial complex, profitability, agriculture.

СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Маденова Э. Н.
Қорақалпоқ давлат университети

Стратегик жараён юқорида таъкидланганидек Қорақалпоғистон Республикасини ҳозирдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари, шаклланган иқтисодий салоҳият, мавжуд ва келажакда вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни (Орол денгизи фожиаси, иқлим ўзгариши, экологик вазият) аниқлаш, ички ва ташқи омилларни ўрни ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда аниқ мақсадни аниқлаш, стратегик сценарийларни ишлаб чиқиш ва танлаш, қабул қилинган стратегияни амалга ошириш ва мониторинг қилишдан иборат.

Стратегик режани аниқ белгиланган мақсад ва вазифалари ўз навбатида, уни амалга ошириш механизмини шаклланишида асосий ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг устувор йўналишлари, Орол бўйи минтақалари, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, расмий маълумотлар, тадқиқот давомида олинган натижаларни умумлаштирган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг стратегик режалаштиришнинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлаш мумкин[1]. Бизнинг фикримизча, Қорақалпоғистон Ресубликасини стратегик ривожлантиришнинг асосий мақсади, мавжуд ва келажакда вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни эътиборга олган ҳолда ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолини хавфсизлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилашдан иборат.

БМТнинг инсон хавфсизлиги концепциясига мувофиқ, унинг асосий маъноси аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш ва қулай яшаш шароитини шакллантиришдан иборат[3]. Минтақа стратегик режасининг асосий мақсадининг мазмуни аҳолини хавфсизлигини таъминловчи бир неча йўналишлар тизимидан иборат (1-чизма).

Иқтисодий хавфсизлик, аввалом бор маълум даромад билан аҳолини таъминланланганлиги, уни эҳтиёжлари учун етарли эканлиги билан белгиланади. Бунинг асосида бандлик, янги иш жойлари, тадбиркорлик, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва амалга оширилиши керак бўлган ислоҳотлар ётади. Аҳолини озиқ-овқат хавфсизлиги, уни керакли озиқ-овқатлар билан таъминланганлиги, мавжуд тўлов қобилияти бўлиши кераклигини кўрсатади.



1-чизма. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини яшаш хавфсизлигини таъминлаш тизими.

Муаллиф томонидан Ўзбекистон, айниқса Қорақалпоғистон Республикаси учун жуда долзарб бўлган демографик ва ижтимоий хавфсизликни алоҳида кўриш зарурлиги таклиф этилган. Демографик хавфсизлик, ишсизлик даражаси, ташқи ва ички миграция, аҳоли таркибининг шаклланиши билан белгиланади[4]. Ижтимоий хавфсизликка аҳоли соғлиғини таъминлаш билан бир қаторда уларни керакли уй-жой, ичимлик суви, электроэнергияси, иссиқлик, таълим тизими объектларини талаб ва эҳтиёж даражада бўлиши киради.

Молиявий хавфсизлик ҳам алоҳида ажратиб олинган ҳолда таклиф этилиб, унинг асосий мақсади инсон эҳтиёжларини қондиршдан иборат.Бу ўринда маҳаллий бюджетлар салоҳиятини кескин оширишнинг аҳмияти юқори. Юқорида инсон хавфсизлигини таъминловчи таклиф этилган омиллардан ташқари ҳалқаро ташкилотлар томонидан шахсий хавфсизлик, жамият хавфсизлиги ва сиёсий хавфсизликлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Умуман олганда стратегик режанинг асосий мақсади бўлган инсон хавфсизлигини Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириш бевосита ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча йўналишлари билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширилишини талаб қилади: янги иш жойларни ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инвестициялар жозибадорлигини ошириш; сув билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, аҳолининг тоза сифатли сувга бўлган эҳтиёжини қондириш; санитария ва чиқиндиларни қайта ишлаш; ободончиликни таъминлаш, транспорт, инженер-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш; аҳолини ижтимоий ҳимоясини кучайтириш; аҳоли саломатлигини таъминлаш; таълим, маданият ва фан тизимини ривожлантириш; чўллашувга қарши курашиш ва сув ресурсларини бошқариш.

Стратегияни мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек ажратиб олинган сценарийга мувофиқ, асосий амалга ошириладиган чора-тадбирларни иккита йўналишда умумлаштирилган ҳолда кўриш мумкин. (2-чизма). Стратегияни амалга оширишда турли даражада барча минтақаларнинг ўзига хос ўрни бўлиши мақсадга мувофиқ [2]. Орол денгизи фожиаси ва унинг оқибатида вужудга келган экологик хавф-хатар юқорида таъкидлаб ўтилгандек ҳалқаро аҳамиятга эга бўлиб, барча жаҳон ҳамжамиятининг ишитирокини таъминлаш зарур. Биринчи навбатда БМТ ва унинг ташкилотлари, нуфузли ҳалқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Осиё ривожланиш банки ва бошқалар) турли ҳалқаро экологик ва нодавлат тузилмалари, хорижий давлатларнинг ёрдами зарур.

1995-2018 йилларда ҳалқаро донорлар томонидан ажратилган кредитлар 2,7 млрд. долларни, грантлар эса 550 млн. долларни ташкил этган. Лекин уларнинг самарадорлик даржаси, яъни Орол фожиаси салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўзлаган натижаларни бермаган. Шу сабабли ҳалқаро ҳамжамиятнинг, жумладан Қорақалпоғистон Республикасини стратегик режаларини амалга оширишдаги фаоллигини кучайтириш керак. Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда халқаро даражада ёрдам ва ҳамкорликни асосий йўналишлари қуйидаги аниқ чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади: янги инновацион технологияларни жалб этиш асосида сув билан таъминлаш ва канализация тизимини қайтадан ташкил қилиш; ернинг унумдорлигини ошириш ва унинг шўрланиш даражасини камайтириш мақсадида сув хўжалиги инфратузилма объектларини тубдан реконструкция қилиш ва техник қуроллантириш; мавжуд сув заҳираларидан самарали фойдаланиш учун фан ва техниканинг энг илғор ютуқларини амалиётда жорий қилиш; Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий қисмида (Орол денгизини қуриб қолган қисми, Амударё ҳавзаси) табиатни ҳимоя қилиш зонасини ташкил қилиш, самарали қишлоқ хўжалиги юритишнинг таркибини шакллантириш; экологик чеклашларни ҳисобга олган ҳолда бой минерал хом-ашё конларини қидириш, топиш ва ўзлаштириш ишларини кенгайтириш; Орол денгизини қуриб қолиши ва чўллашув жараёнларини ижтимоий- иқтисодий ривожланишига таъсирини доимий мониторингини ташкил қилиш, ушбу соҳада илмий ишларни (фундаментал ва амалий) кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; сув инфратузилмаси объектларида ва маҳаллий хом-ашё асосида ташкил қилинадиган саноат корхоналарида ишловчи юқори малакали инженер-ирригаторлар, инженер-технологлар, менежментлар тайёрлашни ташкил қилиш. Ўзбекистон ҳукумати ҳам бевосита Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегик режасини амалга оширишда асосий етакчи куч бўлиб хизмат қилиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикасини стратегик режалаштиришнинг асосий мақсад ва вазифалари ўрта муддатда ишлаб чиқилаётган дастурларда ўз аксини топиши лозим.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг минтақани келажакда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини амалга оширишдаги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак: ҳалқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиб бериш; стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (корхоналарни) ривожлантириш ва жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, жумладан ёқилғи-энегетика, кимё, машинасозлик, транспорт, информатика соҳасини модернизациялаш, янгиларини барпо этиш, экспорт салоҳиятини янада ошириш; Қорақалпоғистон Республикаси ва қўшни ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш; аҳолини давлат томонидан белгиланган меъёрлар асосида турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш. Минтақалараро даражада стратегик режа қўшни Хоразм вилояти ва қўшни Туркманистон ва Қозоғистон ҳудудлари билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Стратегик режани бажаришда энг асосий оғирлик Қорақалпоғистон ҳукумати ва унинг аҳолисига тушади. Чунки стратегияни амалга ошириш ҳар бир шаҳар ва туманнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олишни талаб қилади. Стратегик жараёнга маҳаллий хокимликлар, юқори кенгаш ва ҳалқ депутатлари кенгашларини жалб этиш лозим. Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг бевосита механизмлари қаторига қонуний-хуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ташкилий ва институционал тузилмаларни шакллантириш, хориж ва маҳаллий тадбиркорларни минтақага инвестицияларни олиб кириши учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини инновацион ривожланиши учун кенг йўл очиб бериш киради.

Ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга қаратилган қонуний- ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда Қорақалпоғистон Республикаси Жуқори Кенгаши ташаббускор бўлиши, биринчи навбатда Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва Вазирлар Маҳкамаси Кенгаши фаолияти доирасида керакли қарорлар қабул қилишни ташкил қилиши керак. Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегияси асосида маҳаллий Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва камбағалчиликни қисқартириш вазирлиги томонидан қуйидаги ўзаро бир- бирига боғлиқ прогноз ҳужжатларини тайёрлашни таклиф қилинади: ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг йиллик прогнози; сув ресурслари чекланган шароитда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни амалга ошириш дастури; мажмуали барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг уч йилга мўлжалланган дастури; 2030 йилгача мўлжалланган иқтисодиётда инновацион ва рақамли технологияларни қўллашнинг мақсадли дастури; 2050 йилгача иқлим ва экологиянинг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда аҳолини жойлаштириш тизимини (схемасини) ишлаб чиқиш.

Иқтисодий механизмлар қаторига Қорақалпоғистон Республикасидаги ноқулай экологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда давлатнинг бошқа минтақаларга нисбатан ёрдами ва қўллаб-қувватлаши юқори бўлиши лозим. Бу маблағлар давлат бюджети орқали амалга ошириладиган инвестициялардан иборат бўлиб, улар асосан саноат корхоналарини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Иқтисодий механизмларнинг аниқ кўриниши солиқ, кредит ва божхона тўловлари бўйича белгиланадиган қулайликлардан иборат. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги қарорларини айтиб ўтиш даркор: нефть ва газ конларини қидириш ва қазиб олишга тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар; тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари; саноатда янги ташкил қилинадиган кичик корхоналар ва микрофирмаларни ягона солиқ тўловидан озод қилиш (Муйнақ, Шуманай, Канликўл, Тахтакўпир ва Чимбай туманларида 1 январь 2027 йилгача, қолган туманларда 1 январь 2022 йилгача); 1 февраль 2017 йилдан бошлаб ойлик ота-оналарни боғчалар, махсус мактаб интернатлар, маданият ва дам олиш марказларига тўлови ўртача мамлакатда ўрнатилгандан 2 марта кам тўлаш; 1 февраль 2017 йилдан бошлаб кам таъминланганларга тўланадиган моддий ёрдам миқдорини 2 тадан 5 тагача минимал иш ҳақи миқдорида тўлаш; 1 февраль 2017 йилда Қорақалпоғистон Республикасида яшовчиларга ҳаво ва темир йўл транспортидан фойдаланишда махсус имтиёзли тарифлар ўрнатиш; Орол бўйи минтақаларини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражаси сифатини яхшилаш мақсадида аниқ молиялаштириш манбаини шакллантириш учун Орол бўйи минтақаларини ривожлантириш жамҳармасини ташкил этиш .

Юқоридагилардан қўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикасини стратегик режасини амалга оширишнинг энг асосий механизми бу инвестицияларни жалб қилишдан иборат. Бунинг учун мавжуд рақобат афзалликларини, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган Орол денгизи фожиаси оқибатларини халқаро ташкилотлар, хориж инвесторлар ўртасида тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишдаги чораларга табиий-иқтисодий салоҳиятга, халқаро аҳамиятга эга бўлган туризм ва спорт ўйинларига бағишланган йирик тадбирлар, анжуманлар, симпозиумлар ва кўргазмаларни ташкил қилишни кўрсатиш мумкин.

БМТ тасарруфида бўлган ва Ўзбекистон миқёсида махсус траст жамғармаларини ташкил этиш, мавжуд Оролни қутқариш ҳалқаро жамғармаси ва Оролбўйи минтақаларини ривожлантириш жамғармаси самарадорлигини ошириш лозим ва шўрланиш шароитида биодеҳқончилик ҳалқаро марказининг илмий-техник кўмагида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Орол бўйи ҳалқаро инновация маркази ташкил этилганлигини (16 октябрь 2018 йил) таъкидлаш лозим[4]. Минтақа иқтисодиётининг асосий ўсиш нуқталари сифатида Нукус ва Қўнғирот шаҳарлари таклиф қилиниб, улар стратегик режани амалга оширишда

катализатор бўлиб хизмат қилади. Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда алоҳида ажратиб олинган механизмига иқтисодиётнинг барча соҳаларида инновацион фаолликни ошириш ва фан-техниканинг энг илғор ютуқларидан унумли фойдаланиш киради.

Умуман таклиф этилаётган ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг йўналишлари ва механизмлари табиий салоҳиятнинг салбий ва ижобий омилларидан унумли фойдаланишга, келажакда кутилаётган хавф-хатарларнинг олдини олишга, Қорақалпоғистон Республикасини барқарор иқтисодий ўсишни ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун замин яратади.

АДАБИЁТЛАР

1. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида ”Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент, 2017 йил 8 сентябр, ПФ-5185-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қорақалпоғистон республикасини 2020-2023 йиллар комплекс ривожлантириш давлат дастури”2020 й 10-ноябрь.
3. Проведение социально-экономического обследования потребностей и нужд в регионе Приаралья. Краткий отчет ПРООН, 2017, с-14.
4. Маденова Э.Н., Назарбаев О. 2019й. Минтақани барқарор ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш йўллари. Монография.

Стратегик режалаштиришни амалга ошириш механизмлари
Маденова Э. Н. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Маколада Қорақалпоғистон Республикасини ҳозирдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари, шаклланган иқтисодий салоҳият, мавжуд ва келажакда вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни (Орол денгизи фожиаси, иқлим ўзгариши, экологик вазият) аниқлаш, ички ва ташқи омилларни ўрни ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда аниқ мақсадни аниқлаш, стратегик сценарийларни ишлаб чиқиш ва танлаш, қабул қилинган стратегияни амалга ошириш ва мониторинг қилишдан иборат.

Таянч сўзлар: Минтақа, экология, иқлим, стратегия, тахлил, прогноз, демография.

Механизмы реализации стратегического планирования
Маденова Е.Н. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье определены современные тенденции социально-экономического развития Республики Каракалпакстан, существующий экономический потенциал, текущие и будущие угрозы (трагедия Аральского моря, изменение климата, экологическая ситуация), роль и значение внутренних и внешних факторов, разработка и выбор стратегических сценариев, реализация и мониторинг принятой стратегии.

Ключевые слова:регион, экология, климат, стратегия, анализ, прогноз, демография

Mechanisms for implementing strategic planning
Madenova E.N. Karakalpak State University

Summary. The article identifies the current trends in socio-economic development of the Republic of Karakalpakstan, the existing economic potential, current and future threats (theAral Sea tragedy, climate change, environmental situation), the role and importance of internal and external factors, developing and selecting strategic scenarios, implementing and monitoring the adopted strategy.

Key words: region, ecology, climate, strategy, analysis, forecast, demography

---

АЎЫЛ ХОЖАЛЫҒЫ КӘРХАНАЛАРЫНЫҢ ФИНАНСЛЫҚ ТӘМИЙНАТЫН ҚАМСЫЗЛАНДЫРЫЎ

Каленов К.
Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Аўыл хожалығы - бул адамлардың биринши дәрежели материаллық мүтәжликлерин қанаатландырыў менен байланыслы болған социаллық тараўларының бири. Сондай ақ, бул тараўдың өзине тән өзгешеликлери қатарқында жоқары тәўекелшилк дарежесиниң барлығын айрықша айтып өтиў зәрүр. Бундай ҳалат көп ҳалларда қамсызландырыў компанияларының аўыл хожалығы қамсызландырыўына болған қызығыўшылығын пәсейтеди. Бирақ көплеген раўажланған мәмлекетлерде әмел қылатуғын аўыл хожалығы қамсызландырыўының жағдайына итибар қаратқанымызда қамсызландырыў компанияларында бул тараўды қамсызландырыўға болған қызығыўшылықты асырыўға ерисиў мүмкинлигин көрсетип береди.

Аўыл хожалығы мәмлекетимиз экономикасының тийкарғы өндирис тармақларын және де раўажландырыў мәмлекет экономикасына сезилерли дәрежеде унамлы тәсир көрсетеди. Соның менен бирге, айтып өтиўимиз керек, аўыл хожалығы тәбийғый ҳәм басқа да стихиялы ҳәдийселер тәсирине көбирек ушырайтуғын тармақ есапланады, бундай ҳәдийселер нәтийжесинде көрилетуғын зыянды өз ўақтында қаплаўды тәмийнлеўши фактор сыпатында қамсызландырыў хызметлеринен кең пайдаланылады. Аграр тараўды қамсызландырыў оны тәбийғый ҳәдийселерден қорғаўшы элементи сыпатында өткен әсирдиң 20-жылларында пайда болып, қатар мәмлекетлерде жоқары дәрежеде раўажланыўға еристи. Дүньяда аграр қамсызландырыў дәстүрлериниң бир неше түри болса да, олардың биреўиде ҳәм анық ҳәм исенимли мағлыўматлардан пайдаланбастан турып амелге асырылмайды. Соның менен бирге бул система мәмлекеттиң мағлыўматлар селекциясы ҳәм жамлениўи сыяқлы әҳимийетли жөнелисте қоллап-қуўатлаўсыз ҳәрекет жүрите алмайды. Аўыл хожалығындағы актуал есап-китапларды әмелге асырыў ушын болса аграр өндирис ҳәмде ҳаўа-райы ҳаққындағы мағлыўматлар зәрүр.

Қамсызландырыў шөлкеми көз-қарасынан, аўыл хожалығы тараўындағы жоғалтыўлардан қорғаныў дәрежесин таңлаў ушын, тәреплер аўыл хожалығы қамсызландырыўын амелге асырыў процесинде дус келетуғын шығынлар қурамы, өзине тән өзгешеликлери, көлеми ҳәм частотасы ҳаққында анық пикирлеўге ийе

болыўы лазым. Қамсызландырыў пулы ставкалары тек ғана өндирис ушын қолай болыўы, қамсызландырыў мәжбүриятларын жүргизиў ҳәм қамсызландырыў қапламаларын әмелге асырыў имканияты көз-қарасынан қолланылыўы мақсетке муўапық болыўы керек. Қамсызландырыў тарифлерин есаплап шығыўда аграр өндирис тәрепинен қамсызландырыў ҳаққындағы қарарына қандай факторлар тәсир етиўи мүмкинлигин есапқа алыў айрықша әҳимийетке ийе.

Аўыл хожалығы өндирисинде аўыл хожалығы қамсызландырыўы тәўекелшиликлерди басқарыўдың айрықша усылларынан пайдаланыў ҳаққындағы қарардың қабыл етилиўине тәсир етиўши қатар факторларды ажыратып көрсетиў мүмкин. Бундай факторлар қатарында биринши нәўбетте өндирис процессиниң нәтийжеси бойынша хожалықтың пул қаржылары айланбасы ҳәм күтилген дәраматтың болыўы мүмкин болған зыян көлемине салыстырмалы ажыратып көрсетиў мүмкин.

5. Меерович М.И. Технология творческого мышления: практическое пособи / М.И. Меерович, Л.И. Шрагина. –Минск: Харвест, 2003. - С. 15-19.
6. Иванова, И.П. Развитие творческого мышления студентов в условиях проблемно-деятельностного обучения / И.П. Иванова. – Ставрополь, 2002.

O'rta maktabda o'qish jarayonida ijodiy fikrlashni rivojlantirish
Numonova D.U. Navoiy davlat pedagogika instituti

Rezyume. Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasi oliy o'quv yurtlari talabalari o'rtasida ijodkorlikni rivojlantirish masalasi muhokama qilinadi. Diqqat ijodkorlikni rivojlantirishga kompleks yondashuv, shu jumladan o'quv jarayonida o'quv materialini tashkil qilishning yangi usullaridan foydalanish, ta'lim muassasasi bazasida ochiq ta'lim maydonini yaratish, ijodkorlikning ichki motivatsiyasini shakllantirish zarurligiga qaratiladi. Maqola muallifi kollej o'quvchilari o'rtasida ijodkorlikni kompleks rivojlantirishning texnologik jihatlarini yoritib beradi va ochib beradi.

Kalit so'zlar: vazifa, echim, ijodiy fikrlash, ijodiy shaxs, ijodkorlik, echim nazariyasi, ijodkorlik, rivojlanish, qobiliyat, talaba, kuchli fikrlash, izlanish

Развитие творческого мышления в процессе обучения в высшей школе
Нумонова Д.У. Навоийский государственный педагогический институт

Резюме. В данной статье рассматривается вопрос о развитии креативности у студентов высших учебных заведений Республики Узбекистан. Акцентируется внимание на необходимости комплексного подхода к развитию креативности, включающего использование в образовательном процессе новых способов организации учебного материала, создание открытого образовательного пространства на базе учебного учреждения, формирование внутренней мотивации к креативности. Автор статьи выделяет и раскрывает технологические аспекты комплексного развития креативности у студентов высшего учебного заведения.

Ключевые слова: задача, решение, креативное мышление, творческая личность, творчество, теория решения, креативность, развитие, способность, студент, сильное мышление, исследование

Developing creative thinking in the process of higher education
Numonova D.U. Navoiy State Pedagogical Institute

Summary. This article deals with the development of creativity among students of higher educational institutions of the Republic of Uzbekistan. Attention is focused on the need for an integrated approach to the development of creativity, including the use of new ways of organizing educational material in the educational process, the creation of an open educational space on the basis of an educational institution, and the formation of internal motivation for creativity. The author of the article identifies and reveals the technological aspects of the integrated development of creativity among students of a higher educational institution.

Key words: task, solution, creative thinking, creative personality, creativity, decision theory, creativity, development, ability, student, strong thinking, research

---

СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ СЕМЕЙНОГО ВОСПИТАНИЯ

Мурадова Д. Д.
Навоийский государственный педагогический институт

В последние годы в обществе растет интерес к семье и семейному воспитанию. Этому способствуют как политические решения, так и усиление роли частной жизни во многих общественных процессах. Развитие семьи в Узбекистане рассматривается на глобальном уровне в рамках Целей устойчивого развития Организации

Объединенных Наций, а также в рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах.

Это всколыхнуло общество на разных уровнях, обнажив спектр научных, социально-юридических и государственных проблем, связанных с семьей и детьми [1]. Для науки изучение семьи всегда имело амбивалентный характер, так как семья является относительно закрытой, а сегодня еще и автономной системой. Вмешательство государства в дела семьи происходило только в том случае, если семья становилась деструктивной. Поэтому многие проблемы, которые могли быть решены еще на этапе их зарождения, к моменту вынужденного интереса государства имели уже разрушительный характер, как для семьи, так и для ее отдельных членов.

Воспитание - часть социализирующего образования. Воспитание - это специально организованный процесс предъявления социально одобряемых ценностей, нормативных качеств личности и образцов поведения, то есть это процесс приобщения человека к общему и должному. На формирование личности ребенка значительное воспитательное влияние оказывает семья. Семья - это первая общественная ступень в жизни человека. Она с раннего детства направляет сознание, волю, чувства ребенка. Под руководством родителей дети приобретают свой первый жизненный опыт, умения и навыки жизни в обществе.

Дошкольное образовательное учреждение и школа не может ни заменить, ни полностью компенсировать то, что получает формирующаяся личность от родителей. Необходимо педагогически целенаправить, обогатить, усилить положительные внешкольные влияния, включить их в систему своей воспитательной деятельности, а также в допустимых пределах нейтрализовать отрицательные влияния, используя профессиональные возможности.

Одной из важнейших ценностей в странах Средней Азии, в том числе и в Узбекистане является семья. Сегодня, в эпоху глобализации, в быстро развивающемся мире, когда многие традиционные ценности теряются, в Узбекистане семья все также социально значима.

В настоящее время в Узбекистане насчитывается 4 млн. семей, 2,2 млн. - жители села. В стране 12% семей имеют 10 и более детей. А основами семьи узбекистанцы считают: брак это святое и каждый должен чувствовать большую ответственность за свою семью; родители ответственны за воспитание детей; дети должны знать о долге перед родителями; в семье должна царить атмосфера взаимного уважения и согласия; перед тем, как начать что -то делать, каждый член семьи должен думать не повредит ли это чести и достоинству его семьи [4]. Семейные обряды и традиции все еще имеют большое значение, браки совершаются в основном с согласия родителей, почти каждый в Узбекистане считает, что достижение материальной независимости очень важный момент в создании семьи. Поэтому то и в Узбекистане много прочных семей. Но огромное количество проблем все же обозначились и у нас.

Процесс воспитания в семье - это важнейшее средство обеспечения существования преемственности поколений, это исторический процесс вхождения подрастающего поколения в жизнь общества.

Многие родители, приводя своего ребенка в 1-й класс, думают: “Мы его воспитали до школы, а теперь задача школы – воспитывать моего ребенка, научить его читать, писать, считать, уважать старших, заботиться о младших, быть хорошим товарищем для одноклассников”. Когда этого не происходит, то они начинают обвинять учителей, в том, что они не смогли привить любовь к учебе, к людям. Обвиняя всех в бедах своего ребенка, они забывают предъявить обвинение в первую очередь себе. Ведь каждый ребенок идет в школу из семьи, где были заложены свои принципы, жизненные устои, которая либо смогла, либо нет, привить ребенку начальные навыки общения со сверстниками, взрослыми людьми, сформировать желание учиться.

Семья - это первая общественная ступень в жизни человека. Она с раннего детства направляет сознание, волю, чувства ребенка. Под руководством родителей дети приобретают свой первый жизненный опыт, умения и навыки жизни в обществе. Семья может выступать в качестве как положительного, так и отрицательного фактора воспитания. Положительное воздействие семьи на личность ребенка состоит в том, что никто, кроме самых близких для него людей - матери, отца, бабушки, дедушки, брата, сестры, не относится к ребенку лучше, не любит его так и не заботится столько о нем. И вместе с тем, никакой другой социальный институт не может потенциально нанести столько вреда в воспитании детей, сколько может сделать семья.

В связи с особой воспитательной ролью семьи возникает вопрос о том, как сделать так, чтобы максимизировать положительные и свести к минимуму отрицательные влияния семьи на воспитание ребенка. Для этого необходимо точно определить внутрисемейные социально-психологические факторы, имеющие воспитательное значение. Каждый из родителей видит в детях свое продолжение, реализацию определенных установок или идеалов. И очень трудно отступает от них.

Семья для ребенка является одновременно и средой обитания, и воспитательной средой. Именно семья формирует содержание общества: какова типичная семья - таково и общество. Отсюда следует, что важнейшей социальной функцией семьи является воспитание гражданина, патриота, будущего семьянина, законопослушного члена общества. Школа не может ни заменить, ни полностью компенсировать, то, что получает формирующаяся личность от родителей.

В настоящее время наше общество переживает последствия ценностного кризиса, связанного с изменением общественно-политического строя, интеграцией Узбекистана в мировое сообщество. В последнее время с семьей происходят радикальные изменения, отражающие общецивилизационные тенденции и преобразования в нашем обществе. Исследователи говорят о формировании нового типа направленности личности, характеризующегося ориентацией на такие ценности, как материальная обеспеченность,

предприимчивость, собственность, независимость, супруги всё более стремятся к самоактуализации, саморазвитию, самосовершенствованию за пределами семьи, что, по мнению ряда учёных, создаёт угрозу дестабилизации семьи, приводит к росту числа неблагополучных семей [4]. Подобные изменения в системе ценностно-смысловых ориентаций родителей детей влияют на функционирование семьи, и в первую очередь - на воспитательную функцию. В подростковом возрасте ребенок стремится к автономии, но в то же время нуждается в родителях, их помощи и эмоциональной поддержке. Нарушения же семейного воспитания, фрустрирующие данные потребности ребенка, в этом возрасте напрямую связаны с негативными последствиями для эмоционального состояния ребенка, для его психического и личностного развития.

В центре внимания исследователей оказываются те аспекты в стиле воспитания, которые вызывают отклонения от нормального, гармоничного развития личности ребенка, то есть нарушения воспитания: гипер- или гипопротекция, потворствование или игнорирование потребностей ребенка, непоследовательность в отношениях родителей с детьми, завышение или недостаточность требований, ограничительство, чрезмерность запретов или их недостаточность, чрезмерность санкций или полное их отсутствие и т.д.

Главное в воспитании маленького человека - достижение душевного единения, нравственной связи родителей с ребенком. Родителям ни в коем случае не стоит пускать процесс воспитания на самотек и в более старшем возрасте, оставлять повзрослевшего ребенка наедине самим с собой [2].

В каждой семье складывается определенная, далеко не всегда осознанная ее членами, система воспитания или стиль семейных взаимоотношений. Строгость и чрезмерная требовательность родителей нередко оборачиваются тем, что ребенок не хочет учиться, создается тревожное отношение к оценкам, похвале, порицанию. Находясь под страхом наказания и оскорбления, многие из таких детей вырастают неряшливыми, пугливыми, неспособными постоять за себя. В некоторых случаях у детей появляется стремление к самоутверждению через агрессивность или конфликтность.

Не менее типичной является ошибка в наших семьях, когда ребенок захватывает в семье привилегированное положение. Ему все дозволяется, каждое его желание немедленно исполняется. Бабушки и дедушки, а иногда мамы и папы оправдывают такое отношение к ребенку тем, что «им досталось много трудностей и невзгод, так пусть хоть дитя поживет в свое удовольствие». И растет в семье эгоист, тиран, баловень. Когда это заметят, становится очевидным, что необходимо принимать самые строгие меры.

Еще одна ошибка, допускаемая родителями, попытка всячески способами уклониться от занятий с детьми. Подход примитивный: отмахнуться, а порой откупиться от своих чад. Детям предоставляется полная свобода, которой они, понятно, еще не умеют пользоваться. Детская безнадзорность, оказывается, не всегда является следствием занятости родителей. Это отсутствие необходимого присмотра за ними.

Абу Али ибн Сина выступал за использование человеческих ценностей при формировании личности ребенка в своих психолого-педагогических взглядах и призывал родителей обучать своих детей на личном примере, а не с помощью суровых наказаний. При этом он особенно выделял роль матери, которой, по мнению писателя, принадлежит «величайшее дело начального воспитания» [3]. Изменение положения женщины в обществе вызвало противоречие между ее социальными ролями, которое нередко порождает напряженность и конфликты в семейных отношениях и негативно сказывается на воспитании детей. Занятость женщины в сфере общественного производства ведет к ослаблению контроля за поведением детей, недостаточному вниманию к их воспитанию. Определенную трудность составляет воспитание ребенка в условиях полного достатка, а порой избытка. Материальные блага часто обращаются во вред детям, если родители не воспитывают у них здоровые духовные потребности.

Говоря о современной семье, нельзя обойти молчанием такую проблему, как возрастание количества разводов. Причины разводов разные: противоречия между профессиональной и семейной ролями женщины; стремление супругов к максимальной справедливости в распределении прав и обязанностей в семье, что порождает внутрисемейные коллизии, ссоры, конфликты. Здесь имеется в виду и бытовая перегрузка женщины, которая неблагоприятно сказывается на супружеских взаимоотношениях, создает напряженность в общении с детьми. В связи с этим возникает проблема воспитания ребенка в неполной семье [2, 8-10]. Дети из неполных семей чаще, чем их сверстники, растущие в полной семье, совершают аморальные поступки, правонарушения.

С изменением социально-экономического и политического развития общества изменяются и его требования к нравственно-воспитательной деятельности семьи. Если семейное воспитание не согласуется с требованиями общества, то допускаются серьезные просчеты в формировании личности ребенка. Общественное, семейное и школьное виды воспитания осуществляются в неразрывном единстве.

ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан « Об утверждении концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан» от 28.06. 2018
2. Сулейманова Ф.М., Шмакова Е.В. К проблеме семейного воспитания дошкольников. –М.: ООО «АР-Консалт», 2015.
3. Шоумаров Г.Б., Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. –Ташкент.: Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1994.
4. Э.Р.Юзликаева, С.А.Мадьярова, Э.Э.Янбарисова, И.В.Морхова. Теория и практика общей педагогики. – Ташкент 2013г

Шаңарақта балалар тәрбиясының заманагөй мәселелери

Муродова Д. Д. Наўайы мәмлекетлик педагогикалық институты

Резюме. Мақалада заманагөй жәмийет ушын әҳмийетли болған, жәмийеттеги экономикалық ҳәм социаллық өзгерислерге байланыслы болған шаңарақтағы тәрбия мәселелери қарап шығылған. Автор шаңарақтың бала тәрбиясында унамлы максимал дәрежеге көтериў ҳәм минималластыртыў ушын қандай жол тутыў кереклиги мәселесинде анализлер

жүргизеди. Сондай ақ, тәрбияның шаңарақ ҳам мектеп, жамийет пенен биргеликтеги амелге асырылыўы анализлер тийкарында тастыйықланған.

Таяныш сөзлер: шаңарақлық педагогика, шаңарақ машқаласы, шаңарақта тарбия роли, ана роли, аке роли.

Оилавий таълимнинг замонавий муаммолари.
Муродова Д.Д. Навоий давлат педагогика институти

Резюме. Мақолада замонавий жамият учун аҳамиятли бўлган жамиятда иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга боғлиқ оиладаги тарбия масалалари кўриб чиқилган. Муаллиф оиланинг бола тарбиясида ижобий максимал даражага кутариш ва минималлаштириш учун қайси йўлни танлаш кераклиги масаласида тахлил қилади. Шунингдек тарбиянинг оила ва мактаб, жамият билан ҳамкорликда амалга оширилиши тахлиллар асосида тасдиқланган.

Таянч сўзлар: оилавий педагогика, оила муаммоси, оилада тарбия роли, она роли, ота роли.

Современные проблемы семейного воспитания

Мурадова Д. Д. Навоийский государственный педагогический институт

Резюме. В статье рассматриваются вопросы семейного воспитания, связанные с важными для современного общества экономическими и социальными изменениями в обществе. Автор анализирует вопрос о том, каким образом семье следует ожидать и минимизировать позитивный максимум в воспитании детей. Анализ также подтверждает, что образование осуществляется в сотрудничестве с семьей, школой и обществом.

Ключевые слова:семейное воспитание, семейная педагогика, семейные проблемы, ролевое воспитание в семье, роль матери, роль отца

Modern problems of family upbringing
Muradova D.D. Navoiy State Pedagogical Institute

Summary. The article examines the issues of family upbringing associated with economic and social changes in society that are important for modern society. The author analyzes the question of how the family should expect and minimize the positive maximum in the upbringing of children. The analysis also confirms that education is carried out in collaboration with family, school and community.

Key words: family upbringing, family pedagogy, family problems, role upbringing in the family, the role of the mother, the role of the father

---

МОБИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УСЛУБИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Есемуратов Б. А.
Қорақалпоқ давлат университети

Рус ва хорижий илмий адабиётларда сиз "мобил таълим" каби концепциянинг турли таърифларини топишингиз мумкин. Уларнинг барчасини эса икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ таърифлари фақат таълим воситаларининг технологик томонига қаратилади. Улар, биринчи навбатда, муайян меъёрий ҳужжатларда, шунингдек, мобил қурилмалар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқувчи компанияларнинг реклама ва ахборот ресурсларида берилади. Иккинчи гуруҳ таърифлари тушунчанинг икки ажралмас таркибий қисмига эътиборни қаратади: а) ўқув мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган мобил қурилмаларнинг технологик хусусиятларини акс еттириш; ва б) мобил қурилмаларнинг дидактик хусусиятлари ва услубий имкониятларини акс еттириш. Бу таърифлар одатда психология ва педагогика соҳасидаги тадқиқотчилар томонидан таклиф етилади. Баъзи таърифларни яқиндан кўриб чиқамиз ва атамани чет тилларни ўқитиш методикасига нисбатан тушунишимизни билдирамиз. ЮНЕСКО мобил таълимни "ноутбук компютерлари, MP3 плеерлар, смартфонлар ва мобил телефонлар каби мобил технологиялар орқали ўрганишни қўллаб-қувватлашнинг замонавий усуллари" деб белгилайди (ЮНЕСКО, 2012). Ушбу таъриф фақат техник воситаларга тегишли технологиянинг бу турини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари кўрсатилмаган ҳолда. Половникова [3, 241-252] ўз ишларида "мобил таълим" тушунчасининг бир неча таърифларини таклиф етади:1) "мобил таълим- WAP ёки GPRS технологияси (яъни интернетга кириш) ёрдамида mobil қурилмага (телефон ёки портатив компьютер) 2) "мобил таълим-масофавий таълим тури бўлиб, ундан шахсий талаба қурилмаси (ноутбук, ёки мобил телефон учун" [3, 205]. Биринчи гуруҳ таърифлар фақат мобил қурилмалар имкониятларининг технологик томонини акс еттиради; бир-биридан ўқув жараёни учун фойдаланиш мумкин бўлган мобил алоқа қурилмалари рўйхатида фарқ қилади; бундан ташқари, у педагогик жиҳатларни ўз ичига олмайди. Бироқ бу таърифлар икки асосий нуқта билан бирлаштирилган: а) мобил таълим mobil кўчма қурилмалар асосида ўрганилмоқда; б) мобил таълим Интернетга киришни ўз ичига олади. Бу икки технологик омил Россияда ҳам, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам кенг қўлланиладиган мобил таълим ва бошқа масофавий таълим турлари ўртасидаги асосий фарқларни белгилаб беради.

"Мобил таълим" атамасининг иккинчи гуруҳ таърифлари, албатта, тушунчанинг технологик жиҳатига қаратилган. Бу ерда ўқув жараёнининг педагогик томонига муҳим ўрин берилади. Хусусан, В. А. Куклев мобил таълимни "мобил қурилмалар ёрдамида, вақт ва жойдан мустақил равишда, фанлараро ва модулли ёндашувларнинг педагогик асосида махсус дастурий таъминот ёрдамида електрон таълим" деб белгилайди [4:89]. Унинг ичида, С. В. Титова мобил таълимни "WAP ёки GPRS технологиялари ёрдамида таълим маълумотларини ҳар қандай кўчма қурилмага узатиш ва қабул қилиш" деб белгилайди Интернетга кириш, материаллар олиш ёки топиш, форумдаги саволларга жавоб бериш, тест олиш ва ҳоказо mobil қурилма."[6, 4].

Мобил таълим - бу" ихчам, кўчма мобил қурилмалар ва технологиялар орқали мунтазам равишда амалга ошириладиган ва ўқувчиларни мулоқот қилиш, қабул қилиш ёки ахборот яратиш орқали янада самарали бўлишга имкон берувчи фаолиятдир " (E-Learning Guild, 2012). Мобил таълим - "таълим ва ўқув жараёнларини

осонлаштириш, қўллаб-қувватлаш, оптималлаштириш ва кенгайтириш учун ҳар доим мавжуд бўлган қулай кўчма мобил қурилмалар ва симсиз технологиялардан фойдаланиш" (Mobile Learning Network, 2012).

Юқоридаги таърифларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина муаллифлар ўз таърифларида "мобил таълим" тушунчасининг турли педагогик жиҳатларига еътибор қаратганлар. С. В. Титова, Векслер С уларнинг таърифларида мобил қурилмаларга таълим воситаси сифатида эътибор беришади, улар асосида мета-мавзу ваколатларини шакллантириш мумкин (ахборотни олиш ва қайта ишлаш учун актдан фойдаланиш), кейин В. А. Куклев [4, 46-89] таълим ёндашувлари, усуллари ва мазмунини созлаш зарурлигига еътибор қаратади. Дарҳақиқат, чизиқли бўлмаган технологияларга асосланган ўқитиш (китобга асосланган оммавий ахборот воситалари емас) ахборот беришнинг чизиқли бўлмаган шаклини талаб қилади. Шунга кўра материални тақдим етишнинг модулли шакли optimal бўлади.

"E-Learning Guild" ташкилотининг таърифи С. В. Титованинг таърифларига қараганда, ўқув жараёнининг самарали томонини таъкидлайди, бу ҳам мобил технологияларнинг ахборот ва маълумот салоҳиятига ишора қилади. Бундан ташқари, С. В. Титова ўз таърифида моби технологияларнинг муҳим хусусиятларидан бири – кўникма ва малакаларни шакллантириш даражаси асосида назоратни амалга оширишни ҳам эслатиб ўтади. Бу дидактикага муҳим қўшимча таълимни ахборотлаштиришнинг асосий йўналишлари, жумладан, тил таълими билан тўлиқ бирлаштирилган mobil таълим салоҳияти [5, 120-133].

Таърифлар таҳлили шуни кўрсатадики, мобил таълим кўп қиррали тушунчадир. Олимлар ўз мақсадларига қараб, уларнинг таърифларида мобил таълимнинг турли жиҳатларига еътибор қаратдилар, аксинча, бир-бирларини тўлдирдилар.

Хусусан, Герасименко Т. Л., Ковалчук С. В., Мокҳова О. Л. (2013) ишида" чет тилини ўрганиш жараёнида M-learning (мобил таълим) фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари", мобил таълим "талқин қилиш умумий педагогика нуқтаи назаридан жуда анъанавий бўлган "мобил таълим" ҳар қандай вақтда ва ҳар бир жойда WAP ёки GPRS технологиялари асосида mobil қурилмалар ёрдамида содир електрон тармоқ таълим " (Герасимчук. Бекмансурова В. А. "мобил педагогикага асосланган чет тилини ўқитиш" асарида ҳам жуда умумий таъриф берилади: "мобил таълим-бу ихчам кўчма мобил қурилмалар ва технологиялар орқали амалга ошириладиган фаолият бўлиб, у ўқувчиларни мулоқот, қабул қилиш ёки ахборот яратиш орқали янада самарали бўлишга имкон беради" [1, 11]. Шу муносабат билан чет тилини ўқитиш методикасига нисбатан "мобил таълим" атамасига умумий таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлиб, у чет тилининг ўзига хос хусусиятларини мавзу сифатида акс еттирар еди. Чет тилини мобил ўрганиш-мобил алоқа қурилмалари (смартфонлар, планшет компьютерлар ва бошқалар) дан фойдаланишга асосланган ўқув-назорат жараёнини ташкил етиш шаклидир.), ўқувчиларда тил кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштириш, нутқ малакаларини ривожлантириш (синхрон ва синхрон мулоқот воситалари асосида синхрон мулоқот), ижтимоий, маиший ва касбий соҳаларда мулоқот воситаси сифатида чет тилидан фойдаланиш мақсадида ижтимоий-маданий ва маданиятлараро компетентликни шакллантириш. Ишнинг яна бир асосий муддати-бу атама "масофавий таълим". Ўқитувчининг ўқувчи ва талабалар билан ўзаро муносабатлари масофада амалга ошириладиган ва таълим жараёнига хос бўлган барча таркибий қисмларни (мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакллар, ўқув воситалари) акс еттирадиган таълим шакли тушунилади. Масофавий таълимни амалга ошириш воситаларига қараб, уни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: а) қоғозда босма материаллардан фойдаланиш асосида масофадан ўқитишни амалга ошириш учун сиртқи модел; б) босма, мултимедиали материаллар, видео, аудио материаллар, локал компьютер дастурларини ўрганишга асосланган мультимедиа модели; в) теле-тренинг телесистемалар ёрдамида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида алоқани ўрнатишга асосланган. Ушбу модел қуйидаги алоқа турларини ўз ичига олади: аудио-телеконференсалоқа, видеоконференсалоқа, аудиографик алоқа ва радиоешиттириш; д) Интернет асосида таълим, Интернет томонидан таклиф таълим мазмунини алоқа ва тақдимот воситалари турли орқали амалга оширилади. Моделда Интернет ресурслари ва интерактив мултимедиалардан фойдаланиш имконияти мавжуд. е) таълим жараёнининг барча иштирокчилари ўртасида интерактив мультимедиа, Интернет ресурсларидан фойдаланиш ва компютер алоқасини ўз ичига олган ақлий таълим модели. Кўриниб турибдики, мобил таълим масофавий таълимнинг енг сўнгги шакли (интелектуал модели) ҳисобланади.

Шундай қилиб, чет тилини ўқитишда масофавий таълим моделларининг тавсифи ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга бағишланган қатор ишларнинг таҳлили мобил технологияларнинг дидактик хусусиятлари, дидактик вазифалари ва услубий вазифаларини аниқлаш имконини берди.

АДАБИЁТЛАР

1. Бекмансурова В. А. Мобил педагогика асосида чет тилини ўқитиш / / илмий қидирув, 2013, № 4.1, ПҚ. 11-12.
2. Герасименко Т. Л., Ковалчук С. В., Мокхова О. Л. Чет тилини ўрганиш жараёнида M-LEARNING (мобил таълим) дан фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари. "Педагогика" Туркуми. 2013. 1. с. 61-64.
3. Голицына И. Н., Половникова Н. Л. Таълим янги технология сифатида мобил таълим / / таълим технологиялари ва жамият. 2011. № 1. С. 241-252.
4. Куклев В. А. Очиқ масофавий таълимда мобил таълим тизимини шакллантириш. Диссертацияларнинг абстрактлиги. педагогика фанлари доктори илмий даражаси учун. –Ульяновск, 2010.
5. Сысоев П. В. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари: дидактик хусусиятлари ва вазифалари // тил ва маданият. 2012. С. 120-133.
6. Титова С. В. Бугунги кунда мобил таълим: стратегиялар ва истиқболлар // Москва университети ахборотномаси. Series 19: Тилшунослик ва маданиятлараро алоқа. 2012. № 1. С. 4-23.

Мобил технологияларнинг дидактик хусусиятлари ва услубий вазифалари
Есемуратов Б. А. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақола чет тилини ўрганишнинг енг долзарб муаммоларидан бири – mobil таълим ва қулай кўчма мобил қурилмалар ва симсиз технологияларни қўллаш, таълим ва таълим жараёнларини осонлаштириш, қўллаб-кувватлаш, оптималлаштириш ва кенгайтириш учун мўлжалланган.

Таянч сўзлар: мобил таълим, кўчма мобил қурилма, Интернет, мобил технологияларнинг дидактик вазифалари ва услубий вазифалари.

Дидактические особенности и методические задачи мобильных технологий

Есемуратов Б.А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Статья посвящена одной из актуальных проблем при освоении иностранного языка – мобильномуобучениюи использованию удобных портативных мобильных устройств и беспроводных, доступных всегда технологий, для облегчения, поддержки, оптимизации и расширения процессов обученияи изучения.

Ключевые слова: мобильное обучение, портативное мобильное устройство, сеть Интернет, дидактические функции методические функции мобильных технологий.

Didactic features and methodological tasks of mobile technologies

Esemuratov B.A. Karakalpak State University

Summary. The article is devoted to one of the most pressing problems in learning a foreign language – mobile learning and the use of convenient portable mobile devices and wireless technologies that are always available to facilitate, support, optimize and expand teaching and learning processes.

Key words: mobile learning, portable mobile device, Internet web, didactic functions and methodological functions of mobile technologies.

УДК 34 (575.1)

ГЕНДЕР ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Отақулов Ш.М.

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахасисларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти

Кириш. Анъанавий жамиятда шахснинг ҳар томонлама ривожланишдан манфаатдор бўлган сиёсий ташкилотлар асосан тарбияланувчиларнинг кейинги босқичларига кўпроқ аҳамият берадилар. Ушбу мақсадга катта миқёсдаги иқтисодий, интелектуал ва маънавий ресурслар йўналтирилади. Тараққиётнинг бугунги даври мазкур стериотипни қайта қуришни, яъни тарбия учун сарф қилиниши керак бўлган ресурсларнинг 70 фоиздан ортиқроғини болаларнинг мактабгача ёшидаги шаклланиш даврига қаратилиши лозимлигини тасдиқламоқда. Болалар психологияси ва педагогикасига оид тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, икки ёшдан бошлаб кичик ёшдаги болаларга йўналтирилган информациялар уларнинг онг ости борлиғидан ўрин олади ва у маълум даражада шахснинг онгсиз ва онгли фаолиятини унинг умрининг охирига қадар бошқариб боради.

Мамлакат тарихида биринчи марта институтционал характерга эга бўлган мактабгача таълим тизими шаклланди. Махсус вазирлик ва унинг негизида мактабгача таълим ташкилотлари тизими вужудга келди. “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги”[1-7] қонуни қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 5 963 та - давлат, 802 та - нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, 725 та - давлат хусусий шерикчилик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, ва 6626 та - оилавий асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари - жами 3-7 ёшли 1404 695 нафар болаларни ўз бағрига қамраб олган 14143 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда[2]. Ушбу ташкилотлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйган давлат талаблари асосида яратилган “Илк қадам” мактабгача таълим ташкилотларининг давлат ўқув дастури бўйича таълим-тарбия ишларини олиб бормоқдалар.

Мазкур тизимда-таълим тарбия жараёнини ташкил этувчи ва амалга оширувчи мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари, методисти, тарбиячиси ва психологи ҳисобланади. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болаларда таълим тарбия самарадорлигини бошқариш фақат ва яна фақат юқорида келтирилган субъектлар зиммасига юкланади. “Илк қадам” дастурининг мазмуни биринчи галда, болаларда инсонийликни, фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган.

Болалар ривожланиш соҳаларининг асосий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган жисмоний ва соғлом турмуш тарзини шаклланиши, ижтимоий ҳиссий ривожланиш, нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари, билиш жараёнининг ривожланиши, ижодий ривожланиш кабилар ўйин асосида ташкил қилинсада, унинг мақсади инсонни севиш, ота-онага меҳр-муҳаббат, ватанга садоқат кабилар ҳисобланади. Бу мураккаб вазифаларни амалга ошириш учта жиддий муаммони ҳал қилиш билан узвий боғлиқдир. Тарбия қанчалик кундалик ҳаёт, унинг муаммолари, ташвишлари ва қувончлари билан боғланган бўлса тарбия жараёнида келтирилаётган мисоллар уларнинг ҳаётидан олинган бўлса таълим-тарбия жозибадорлиги шунча ошган бўлади. Миллий тарбиямизнинг ғоявийликка одоб-ахлоқ, гўзаллик, диний маънавий-маърифий ва меҳнат қадрига йўналтирилган жиҳатлари ҳали тўлиқ очилмаган. Биз замонавий мактабгача таълим тарбия тизими ҳақида гапирганимизда биринчи галда, миллатнинг қалби бўлган ушбу миллий маънавий қадриятларни 3-7 ёшли болалар қалбига сингдириш педагогикаси ва психологиясининг замонавий назарияси ва услуби устида ишласак миллий ва умуминсоний қадриятлар гармонясига муҳим ҳисса қўшган бўламиз.

Иккинчи муаммо, бу бевосита мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалардир. Мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган бугунги таълим-тарбия жараёни умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш ва бунда миллий қадриятларни замонавий руҳ билан озиқлантирган ҳолда такомиллаштириш асосида ҳаётийлик индексларини глобал

даражага олиб чиқишни талаб қилмоқда. Бу соҳада Республика Президенти Ш.Мирзиёевнинг модели нафақат ривожланаётган мамлакатлар учун, балки ривожланган мамлакатлар учун ҳам андоза ролини ўйнамоқда. Демак сиёсатнинг дунё миқёсида шакллантирилиши унинг алоҳида олинган бир мамлакатдаги уюшқоқлиги ва кучини намойиш этади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда бугун биз мамлакатдаги барча мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини "Илк қадам" дастури бўйича олиб бормоқдамиз. Бунда кичик мактабгача ёш 3-4 ёшгача, ўрта мактабгача ёш 4-5 ёшгача, катта мактабгача ёш 5-6 ёшгача мактабга тайёрлов ёши 6-7 ёшдаги болаларга мўлжалланган машғулотлар тўрт йўналиш бўйича - коммуникатив компитенция, ўйин компитенцияси, ижтимоий компитенция ва билиш компитенциясини шакллантиршга қаратилган таълим-тарбия жараёнлари амалга оширилган[3-18]. Мавжуд дастур мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интелектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун яратилган шароитлар асосида олиб борилмоқда.

Албатта, Ўзбекистондаги мактабгача таълим тизими энди шаклланаётган тизимдир, лекин у мутлоқ бўм-бўш жойда вужудга келгани йўқ. Унинг заминида миллатнинг узоқ тарихи, бой тажрибаси ва миллий педагогикаси ётибди. Бугун Ўзбекистонда мана шу бой тарих ва миллий педагогикани жаҳон аудиториясига олиб чиқиш имконияти вужудга келди. Масалан, мана оналар алласи асосида фолклор туризимини шакллантириш ва Республикамизда Фарғона, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё "оналар аллалари" марказларини ташкил этиш ва уларни жаҳон ҳамжамиятига таништириш технологияларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб маслаларидан биридир. Яратилган янги услуб ва услубиятлар миллий педагогика ривожи учун андоза эмас, балки восита ролини ўйнаши керак. Бунинг учун эса мактабгача таълим тизимининг барча бўғинларида масалага шундай қарашни шакллантиришни талаб қилади. Албатта, мактабгача таълим ташкилотларида болаларда шаклланаётган маънавий қадриятлар жаҳон халқлари маънавий қадриятлари билан қанчалик уйғунликда амалга оширилса унинг самарадорлиги шунча ортади.

Мактабгача болалар гендер тарбиясида жинсий ва гендер тарбиясини фарқлаш муҳим масала ҳисобланади. Жинсий тарбия боланинг жинсий физиологик ривожланиш хусусиятларини билиш асосида амалга ошади. Одатда жинсий тарбия билан тиббиёт ходимлари шуғулланиб келганлар. Мазкур тарбия кенг жараён бўлиб у ўз ичига болани жинсий ҳаёт асослари билан таништиришни, унда гигиеник кўникмаларни шакллантиришни, болани ўз танаси тузилиши билан таништиришни, эркак ва аёл организмларининг ўзига хослигини, уларнинг анатомик, физиологик фарқланишини билиши кабиларни олади. Жинсий дифференциацияланиш боланинг ўз жинсига таълуқли эканлигини билиши ва ўзлаштиришидир.

"Гендер тарбия"си тушунчасидан эса педагоглар фойдаланади. Бунда биз "гендер" деганда тарбия жараёнида шахснинг эркаклар ва аёлларга хос руҳий, ижтимоий ва маданий фарқланишини ўз ичига олган ижтимоий жинсни тушунишимизни, шу асосдаги мавжуд хусусият ва муносабатларни эса гендер муносабатлари дейишимизни педагогик жараёнларга асос қилиб оламиз. Таълимда гендер ёндашуви одатда боланинг ўзи эканлигини намойиш қилишига индивидуал ёндашиш ҳисобланади. Гендер ёндашуви болаларнинг қандай жинсга таълуқли эканлигидан қатъий назар уларга тенглик тамойили қоидаларига кўра ўз имкониятларини, интилишларини, янгича баҳолаш, ҳаётий мақсадлари, шахсий ресурсларини амалга ошириш имконини беради.

Гендер тарбиясини амалга оширишда қиз ва ўғил болаларнинг анатомик, физиологик ўзига хосликлари, уларнинг руҳий фарқлари, имкониятлари асосини ташкил этишини ҳисобга олиш керак. Ушбу руҳий фарқ ижтимоий омиллар – ижтимоий муҳит, тарбия таъсирида шаклланади. Натижада биз қиз ва ўғил болалар тарбиясини уларнинг туғилишидан аниқ бўлган ҳодиса деб эмас, балки табиий имкониятлар ва шунга мос ва хос ижтимоийлашувнинг мураккаб алоқадорлиги натижасида вужудга келадиган ҳодиса сифатида қараш имконига эга бўламиз.

Юқорида айтилганлардан ташқари ушбу нозик масалада яна бир муҳим жиҳат бор. Бу - ушбу тарбия жараёнидаги миллий-маданий назариянинг, дунёқарашнинг ўрни. Биламизки, ўзбек оилаларида кўпчилик ҳолларда жинс, жинсга алоқадор ҳолатлар бениҳоя сир тутилади. У ҳақда гаплашиш, уни муҳокама қилиш уят ҳисобланади. Шу сабабдан ўғил ва қиз болаларимиз ҳаётга кўрган, кузатган, эшитган гап сўзлари ҳолатларига кўра кириб келадилар ва натижада айрим ҳолларда бир қатор нохуш муаммоларга ҳам дуч келадилар. Ваҳоланки, жинсий тарбия, жинсий маданият, жинсий муносабат маданияти ижтимоий ҳаётнинг асосий заминларидан бири ҳисобланади. Инсоннинг бахтли ҳаёт асосларидан бири бўлган ушбу тарбияга уялиб қараб келдик. Бугун гендер тарбияси масаласи бутунлай бошқача қарашни, дунёқарашни талаб қилмоқда. Биринчидан, ўғил ва қизлар бир хил бола, улардаги жинсий фарқлар улар ўртасидаги инсоний муносабатларни янада мазмунли, қизиқарли қилиши учун хизмат қилиши керак. Қиз бола қиз бола бўлгандигидан ғурурланиши, ифтихор туйғулари билан яшаши керак. Она бўлиш бахти авлодлар давомийлигини ҳаракатга келтириш бахти, миллат, ватан рамзи бўлиш бахти қизларимизда белгиловчи қадрият бўлишига эришмоғимиз керак. Улар ўзларидаги шу қадриятларга хос сифатларини ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида намойиш қилишига интилишлари лозим.

МТТларда гендер тарбияси биринчидан, болаларда гендер ўзига ўзи мослигининг, ўз вақтида шаклланишини таъминлашга қаратилиши керак. Бола ўз жинсига хос бўлмаган ўйинчоқлар билан ўйнамаслиги, ўйинларни маъқул кўрмаслиги керак. Уларни ўз жинсига мос кийинишга, юриш туришга ўргатиш, ўғил бола-ўғил бола, қиз бола-қиз боладек бўлишга интилиш кўникмасини шакллантириш лозим. Ҳозирги давр қизлардан фақат анъанавий сифатлардан ташқари жиддийликни, чўрткесарликни, ташаббукорликни, ўз манфаатларини ҳимоя қила олишликни, натижага эриша олишликни, ўғил болаларда эса нафақат эркакларга хос, балки тоқатли

бўлишни, одамларга ёрдам беришга интилишни ҳар қандай масалада лаббай деб, жавоб беришга тайёр бўлишни тарбиялаш керак.

Ўғил ва қиз болаларнинг гендер ўзига ўзи мослигини шакллантиришда уларнинг ўзаро бирлик, ҳамкорлик муҳити яхши натижалар беради. Ушбу муҳитда қиз ва ўғил болалар бир-бирлари билан эркин, дўстона гаплашишади, ўйнайдилар, ҳазиллашади, меҳнат қилади, ўзларининг индивидуал гендер хосликларини намоён қиладилар. Шундай қилиб, гендер ўзига хосликни шакллантирувчи муҳим омил кўп функционалли ривожланувчан предметли муҳитни тобора такомиллаштириб бориш керак [4, 1757]. Кўпчилик ҳолларда болалар ўйинлари, улар ўртасидаги ҳамкорлик, жамоа бўлиб ишлаш, ижобий натижага эришиш тамоили асосида ташкил этилади. Бунда қизларнинг ҳам иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Ўғил болалар қизлар кўз ўнгида ўзларининг жасур, чаққон, эпчил, кучли эканликларини намойиш қилгиси келади. Қизлар ўйинлари нисбатан торроқ давраларда ўтади. Улар ўйинларида агрессивлик камроқ кузатилиб кўпроқ ўзаро ишонч, ҳамкорлик, ҳамдўстлик ҳукумронлик қилади. Қизлар ўйинларида кўпчилиик ҳолда уларнинг ўғил болаларсиз ўтишлиги ҳам ўринлидир. Қизлар ўйинларида қизларга хос бўлган қизлар сири ҳам иштирок этади.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб педагоглар ўғил болаларга қизларни наъмуна сифатида келтирадилар ва бундай намуна ва сифат қиз ва ўғил болалар ўратасида келиб чиқадиган конфликтларга сабаб бўлади. Бунда педагог ўғил болалар атайин шовқин-сурон кўтармаслигини, уларнинг табиати жўшқин, фаоллик билан тўйинтирилганлигини тушунишлари лозим. Уларда ахлоқий сифатлар тортинчоқлик, уялиш, ўзини тортиб туриш кабилар эртароқ шаклланади. Бундан ташқари қиз болаларда руҳий ривожланиш ўғил болаларникига нисбатан юқори бўлса, ўғил болаларда жисмоний ривожланиш қизларникига қараганда тезроқ. Шунинг учун ҳам қизлар ўқиш ва ижодиётда ўғил болаларга нисбатан илғордирлар. Болалар эса жисмоний тарбия, меҳнат ва шунга ўхшаш ҳаракатли фаолиятларда қизларга нисбатан устунлик қиладилар. Шунинг учун ўқув тарбия ишларини шундай ташкил этиш керакки ўғил болаларнинг ўз, қиз болаларнинг ўз фаолият жабҳалари бўлсин.

Умуман ушбу ҳолатлар болалар тарбиясида жуда жиддий аҳамиятга эга. Болаларга тарбия жараёнида берилган баҳо, танловларда совринларнинг нохолис берилиши, ўйинларда ролларнинг адолатсиз танланиши ва бошқалар боғча ёшиданоқ болаларда умр бўйи тузатиб бўлмайдиган нохолис қарашнинг шаклланишига сабаб бўлади. Болаларда толерантликни шакллантириш оддийдан мураккабликка йўналтирилган мураккаб жараёндир. Мазкур жараён ўз ичига жуда кўп воситаларни, услубият ва усулларни, шаклларни олади. Булар орасида муҳим ўрини ўйин воситаси эгаллайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки болаларда бағрикенгликни шакллантиришда ҳар бир ўйиннинг ўз ўрни бор. Шунинг учун ўйин дарсларини ўтказишдан олдин тарбиячи ўйиндан кўзланган мақсадни, уни амалга ошириш учун керакли воситаларни тайёрлаши хамда уни бажариш усулларини обдон режалаштирмоғи лозим. Агар тарбиячи ўйин давомида болаларда толерантликни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган бўлса, демак ўйин воситалари, усуллари, шакллари ҳам шунга мос бўлмоғи лозим. Тарбияда яна шунга аҳамият бериш керакки қиз болалар эшитиб шаклланади ва эшитиш стимули улар камолотида устуворлик қилади. Ўғил болалар эса кўпроқ кўриш, намойиш қилинишга асосланган визуал идрокга кўпроқ аҳамият беради. Шунинг учун таълим тарбияда биз фақат айтиб, тушунтириб эмас, жонли кўргазмали восита-муносабатлардан кенг фойдаланишимиз керак.

Ҳаётий фаолиятнинг турли ҳолатларида фойдаланиш мумкин бўлган барча хилма-хил ролли билим улардан самарали фойдаланишни шакллантириш, МТТ тарбияланувчиларида ўзбек халқининг ўғил ва қиз фарзандлар тарбияси тўғрисидаги анъаналарини билиши, болаларда ботирлик, чўрткесарлик, жасурлик, ишонч, қизларда сезгирлик, яхшилик, нафислик, қайғуриш каби ахлоқий сифатларни ривожлантиришда қўл келади. Ўғил ва қиз болаларда ўзларига нисбатан инсон сифатида муносабатда бўлишни, ўз ички дунёсини намоён қила олиш ва уни ҳаракатга келтира олиш қобилиятларини шакллантиришни, фарқланувчи жинслар ўртасида толерантлик маданиятни шакллантиришни мактабгача ёшдаги болалар тарбиясини ташкил қилишда асосий тамоиллардан бири сифатида олишимиз керак.

АДАБИЁТЛАР

1. “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ЎРҚ-595-сон 16.12.2019.
2. www/mdo.uz.
3. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури –Тошкент, 2018 йил. 18-бет
4. Отақулов Ш.М. (2020)Гендерное равенство и политическая жизнь. Вопросы Политологии, 6(58). –М.: 2020. 1757 стр.

Гендер қадриятларнинг шаклланишига доир замонавий ёндашувлар

Отақулов Ш.М. Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахасисларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти

Резюме. Мақолада таълим тарбия жараёнларида мактабгача таълимда маънавий тарбия, гендер тарбия каби қадриятларни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий тарбия имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш масалалари замонавий ёндашувлар орқали ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: компитенция, тарбия, ҳуқуқий тарбия, гендер қадриятлар, гендер тарбия, гендер тенглик, миллий қадрият, оила, шахс, жамият, ижтимоий муҳит.

Современные подходы к формированию гендерных ценностей

Отакулов Ш.М. Институт переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных организаций

Резюме. В статье освещаются вопросы широкого и эффективного использования национальных образовательных возможностей в формировании и развитии гендерного воспитания в дошкольном образовании.

Ключевые слова: компетентность, образование, правовое воспитание, гендерные ценности, гендерное образование, гендерное равенство, национальная ценность, семья, личность, общество, социальная среда

Modern approaches to the formation of gender values
OtakulovSh.M. Institute for retraining and advanced training of leaders and specialists of preschool educational organizations
Summary. The article highlights the issues of wide and effective use of national educational opportunities in the formation and development of gender education in preschool education.
Key words: competence, education, legal education, gender values, gender education, gender equality, national value, family, personality, society, social environment

---

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ВА УЛАРДА ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Худайбергенова Г. Х.
Нукус давлат педагогика институти

Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган шароитда нафақат жамият ва давлат, балки ҳар бир шахснинг ҳам жисмонан, ҳам рухан етуклиги, ҳар қандай муаммоли шароитларда ечим топишнинг турли – туманлиги, тафаккурнинг эгилувчанлиги ва мослашувчанлигини шакллантириш замон талабидир. Бунинг учун ўсиб келаётган ҳар бир инсонни ижодкорликка тайёрлаб бориш ва унда креативликни шакллантириб бориш зарур ҳисобланади. Айниқса, болаларни кичиклигидаёқ, яъни, илк болалик ва мактабгача бўлган ёш даврида бунга катта эътибор бериш зарур. Бу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан ҳам болаларни илк ёшлигиданоқ соғлом, психик томондан ривожлантириш бўйича бир қанча қарор ва қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ- 2707-сон «2017 -2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ—3955-сон “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391 – сонли «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарор ва Фармоишлар асосида мактабгача таълимга қуйиладиган Давлат талаблари ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: болаларнинг соғлом ва ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлаш ҳамда унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиш; болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун интеграл таълимни ташкил этиш; шахсга йўналтирилган таълим-тарбияни амалга ошириш; болаларда ижтимоий-коммуникатив, ахлоқий, эстетик, интеллектуал, жисмоний сифат ва салоҳиятларни уйғотиш ҳамда ривожлантириш; болаларда мустақиллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик хислатларини шакллантириш; болаларга дунё ҳақида тушунчалар бериш ва тасаввурларини кенгайтириш; болаларнинг ёши, индивидуал, психологик ва жисмоний хусусиятлари ҳамда қобилиятини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш.

Ушбу вазифаларни бажариш орқали болаларнинг маънан етук, жисмонан соғломлигига эришишимиз кафолатланади. Онтогенезда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврни боғча ёши ёки мактабгача ёш даври ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инобатга олган ҳолда 3 даврга: (3-4 ёш) кичик мактабгача давр (кичик боғча ёши), (4-5 ёш) ўрта мактабгача давр, (ўрта мактаб ёши, (6-7 ёш) катта мактабгача давр (катта боғча ёши)га ажратилади. Бу ёшдаги болалар ўзининг ҳаракатчанлиги ва тақлидчанлиги билан бошқа даврлардан фарқланиб туради. Бола ривожланишида унинг ҳаракатчанлигини ҳисобга олишнинг зарурлиги психологиянинг муҳим тамойили – онг ва фаолиятнинг бирлиги тамойилидан келиб чиқади. Онг фаолиятда намоён бўлади ва ривожланади. Боланинг ҳаракатчанлиги турли шаклларда намоён бўлиб: тақлид қилишдан тортиб то ижодий фаоллик, ташаббускорликкача бориши мумкин. Аммо боланинг ҳаракатчанлиги қайси шаклда бўлмасин, у атроф муҳитни, дунёни билиш, унинг ривожланиши учун зарур ҳисобланади. Ҳаракатда бола ўзини намоён қилади ва ривожланиб боради [5, 142].

Ривожланишнинг самарали бўлиши бола фаоллигининг катталар томонидан бошқарилишига боғлиқ бўлади. Бола фаоллиги ва ҳаракатини ривожланишнинг барча босқичларида бошқариб бориш муҳимдир. Бола фаоллигини ташкил қилишининг асосий формаси эса – таълим ва тарбия ҳисобланади. Ўз вақтида ва тўғри кўрсатилган таълим – тарбия боланинг психик шаклланишида, ундаги бор ички имкониятларининг юзага чиқиши ва шаклланишида катта аҳамиятга эга.

Мактабгача ёшидаги бола психикаси ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи болада бир қанча эҳтиёжлар ривожланиши билан вужудга келувчи қарама-қаршиликлар, зиддиятлардир. Уларнинг энг муҳимлари: 1. Мулоқатга бўлган эҳтиёж. Унинг ёрдамида ижтимоий тажриба ўзлаштирилади. 2. Ташқи таассуротларга бўлган эҳтиёж. Унинг натижасида билиш қобилиятлари ривожланади. 3. Ҳатти-ҳаракатга бўлган эҳтиёж. Бу эҳтиёж турли-туман кўникма ва малакалар тизимини эгаллашга олиб келади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача ёш даври инсонниятнинг барча ташқи маълумотларни ўзлаштириш ва ўзининг бор имкониятларини ҳақийқийлигича юзага чиқарадиган давр ҳисобланади. Мактабгача ёш даври ижодкорлик, яратувчанлик сифатларининг шаклланиши учун сензитив давр ҳисобланади. Болаларга атрофда бўлаётган ҳар хил ҳаракатлар, овозлар уларда қизиқиш ўйғотади ва унда бола ўзича нимнидир кўра олади. Чунки, болалар ва катталар дунёга ҳар ҳил қарашда қарайдилар, болалар учун нарсаларнинг баҳоси, унга сарф қилинадиган ҳаражат миқдори эмас, балки уни яратишга кетган, ўзининг

сармоя қилинган ҳатти – ҳаракати, меҳнати муҳимдир. Дунёни тушуниш учун болага уни бўлакларга бўлиб ўрганиш керак.

Мактабгача ёш даври – бу биринчи ижодий тажрибаларини кўрсатиш, келажакда ривожланиш ва ўз ҳаётий позициясини ва ижтимоий ҳаётди ўзини тасдиқлаш учун, қобилият ва белгиларни шакллантириш учун энг қулай вақт ҳисобланади. Ижодкорлик бола шахсининг ривожланишидаги энг аҳамиятли элементларидан бири бўлиб, унинг ривожланиши каталарнинг қизиқишлари ва уларнинг кичиклигиданоқ болаларга таъсир қилишига боғлиқ.

Катталар ва болаларда ижодкорлик принципиал фарқларга эга бўлади. Катталар учун ижодкорлик натижаси, унинг ўз қўли билан яратилган ва ижоднинг бевосита мақсади бўлган нарсалар: расм, бино, китоб, самолёт ёки ракета бўлса, бола учун бу фақат асосий натижанинг ён маҳсулоти – унинг шахсиятини яратишдир. Яъни, расм чизаётиб, мусиқага ўйнаши, хаёлига шу пайтда келган сўзларни куйлаши, ўз фикрича қўшиқ яратиш ва ухлашидан олдин хаёлга берилиш орқали бола ўзини ўрганади ва ўз атрофига мослашиб, дунёни ўрганиб боради [4, 2].

Ёш даврларида креативликнинг ривожланиши камида 2 босқичдан ўтиши аниқланган: 1 босқич: «Бошланғич» креативлик, ҳаётнинг ҳеч бир соҳасига ихтисослаштирилмаган умумий ижодий қобилиятлар сифатида ривожланади. Бу жараённинг сензитив даври 3 – 5 ёш. Бу вақтда креативликни шакллантириш механизми – ўзига аҳамиятли катталарга креатив модел сифатида тақлид қилиши. Болаларнинг адабий ва бадиий ижодкорлиги бу ёшда энг ёрқин даражада намоён бўлади. Билимининг етишмаслигини бола фантазияси билан тўлдиради. Мактабгача ёшдаги болаларда ҳали мавжуд бўлмаган стереотипларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлмаган, боланинг табиий ҳатти – ҳаракатларини акс эттирадиган креативлик намоён бўлади. 2 босқич. 13 – 20 ёшларда «ихтисослашган» креативлик пайдо бўлиб, яъни «бошланғич» фарқланмаган креативлик учун қўшимча ва альтернатив сифатида, маълум бир фаолият соҳасидаги креатив қобилият. Ушбу босқичда профессионал наъмуна, оила ва тенгдошларининг қўллаб – қувватлаши алоҳида аҳамиятга эга. Бу креативлик М.Олехнович таъкидлаганидек, шахсни ривожланиш жараёнида аста – секин шаклланадиган тафаккурнинг маълум бир тури билан боғлиқ.

Х.Гарднер фикрича, болаларда ва ўсмирларда креатив қобилиятнинг ривожланиши U – шаклида, яъни, мактабгача ёш даврида ривожланиш, бошланғич синфда пасайиши ва ўспиринлик даврида яна ривожланиши билан кўринади. Креативликнинг мактабгача ёш даврида ривожланиб, бошланғич синфда пасайиб кетишини қуйидагича тушунтирилади. 2 ёшдан 7 ёшгача бола ўз маданиятининг ҳар хил рамзий тизимларини ўзлаштириб боради. Уларни 5 – 6 ёшида етарлича яхши ўзлаштирганидан сўнг, у нарсалар билан ўйинда ёки сўзлар билан тажрибаларда бўлгани каби, улар билан ҳам турли комбинацияларни қуришда ўйнашни бошлайди. Бунинг натижасида баъзида катталарни ҳайратга соладиган мўл – кул болалар расмлари ва аниқ метафоралар пайдо бўлади. Аммо, мактабга кириши билан у аста секин қаттиқ қоидаларга бўйсинишни бошлайди, натижада у рамзий тизимлар билан тажриба ўтказишни тўхтатади. Шу пайтдан бошлаб ўз – ўзидан пайдо бўлган ижодий фаолиятнинг пасайиши бошланади. Кейин у ўрта мактабда яна кучаяди, лекин бошқа когнетив асосида [3, 285].

Айрим муаллифларнинг таъкидлашича, болаларда ижодий ривожланиш асосан 3 та даврга ажратилади: биринчи давр – оғзаки ижод, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда, иккинчи давр – ёзма ижод, 7 ёшдан ўсмирлик давригача ва учинчи давр, адабий давр, ўтиш даврининг охири ва ёшлик даврига тўғри келади. Бу даврлаштириш ҳақийқатга яқин келади, чунки оғзаки нутқ доимо ёзма нутқдан аввал ривожланади [1, 52].

Мактабгача ёшдаги болаларда креативлик қобилиятларини ривожлантириш учун қуйидагича педагогик шароитларни ажратиш мумкин: мактабгача ёшдаги боланинг психологик ва ёш хусусиятларини инобатга олиш; педагоглар томонидан шахсга йўналтирилган ёндошув ва инклюзив таълим тамойилларини амалга ошириш; нутқни ривожлантириш дарсларида ижодийликни ривожлантириш учун мотивацион муҳит яратиш; ўқув жараёни ва ўйин фаолияти давомида эмоционал томондан қўлай ва ижобий муҳит яратиш; дидактик воситалар тизимини ривожлантириш (тарбиячининг креативлиги, технологик ўқиш воситалари тизими ва ҳ.к.)

Болаларда креатив қобилиятларни шакллантириш учун уларда хаёл ва тасаввурларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Хаёл деб одамнинг онгида илгаридан бор бўлган вақтли алоқаларнг (ассоциацияларни) қайтадан тикланиши ва бир – бири билан янгича қўшилиши орқали нарса ва ҳодисаларнинг янги образларини ҳосил қилишга айтилади. Хаёлнинг ривожланиши учун болани турмуш тажрибаси, тасаввури ва жуда кўп билимлар зарур бўлади. Хаёл жараёнлари инсоннинг тажрибаси ва билим доираси, шунингдек ўтмиш тажрибалари билан белигланади. Хаёлни ривожлантириш бевосита бир бутун шахсни ривожлантириш билан боғлиқ. Хаёл бўйича тадқиқот ишларини олиб борган француз психологи Рибо хаёлни ривожлантириш қонуниятлари бўйича ўзининг изланишларини келтириб ўтган. Рибонинг таъкидлашича, ижодий хаёл ўзининг ривожланишида учта даврни ёки фазани босиб ўтади. Биринчи давр – болалик, ўсмирлик ва ёшликни қамраб олади – бу ўйинлар, эртаклар, романтизм, хаёлотнинг ҳукмронлик даври. Иккинчи давр бадиий уйдурмаларнинг, субъектив хаёлнинг объектив тафаккур билан тўкнашуви, оқилона бўлиш билан тавсифланади. Ва ниҳоят учинчи даврда хаёл ақлга тўлиқ буйсинади ва унинг ўрнига бошқаси келади [6, 43].

Хаёл процесининг дастлабки кўринишлари болада 2 ёшга келиб, 3 ёшга қадам қўйганида кўрина бошлайди. Икки ёшли болаларда кўринадиган дастлабки хаёл маълум бир мақсадни кўзламайдиган ихтиёрсиз хаёлдир.

Боғча ёшидаги болаларда хаёл бир ҳилда ривожланмайди. Агар кичик ёшдаги боғча болаларида асосан тикловчи хаёл ўсган бўлса, ўрта ва ката ёшдаги боғча болаларида хаёлнинг ижодий тури ҳам ўса бошлаган бўлади [2, 84].

Шундай қилиб, давлатимизнинг ҳозирги кундаги олиб бораётган сиёсатининг асосий мақсадларидан бири ёш авлодни баркамол, келажакда ўзининг куч ва билимларини жамият тараққиёти ва самараси учун сафарбар қиладиган иқтидорли, тажрибали инсонларни етиштириб чиқариш экан, бу асосда мактабгача ёш даврида, яъни инсоният тараққиётининг асосий пойдевори қуриладиган пайтда уларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштиришига етарли шароитларни яратиб бериш лозимдир. Бу ёшдаги болаларда креатив тафаккур ва фикрлаш кенглигини шакллантириш учун уларга таълим ва тарбия берадиган атрофидаги катталар ва ўқитувчиларнинг ностандарт фикрлай олиш қобилияти ва креативлигини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Выготский Л.С. Воображений и творчество в детском возрасте: Психол.очерк:-М.:Просвещение, 1991.-93с.
2. Зуфарова М. ва бошқ. Болалар психологиясининг муаммолари. Т. 2008
3. Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. –СПб.: «Питер», 2009. – 433 с.
4. Николаева Е.И. Психология детского творчества. 2-е изд. –Санкт-Петербург, 2010 г.
5. Нишанова З.Т. ва бошқалар. Ривожланиш психологияси. Педагогик психология. –Тошкент, 2017
6. Петровский А.В. Роль фантазии в развитии личности: -М.; «Знание», 1961.

Мектепке шекемги балалар психологиясы ҳәм оларда креатив қәбилийетлерди раўажлантырыў шәрт – шәраятлары
Худайбергенова Г. Х. Нөкис мәмлекетлик педагогикаинституты

Резюме. Мақалада мектепке шекемги жастағы балалардың психологиялық өзгешеликлери ҳәм оларда креативликтиң раўажланыў басқышлары ҳәм өзгешеликлери ҳаққындағы мәселелер көрсетип берилген.

Таяныш түсиниклер: креативлик, индивидуаллық, мектепке шекемги жас дәўири, дөретиўшилик активлилик, киши мектеп жасы, өспиримлик жасы, ойлаў, сензитив дәўир.

Мактабгача ёшдаги болалар психологияси ва уларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш шарт – шароитлари
Худайбергенова Г. Х. Нукус давлат педагогика институти

Резюме. Мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг психологияк хусусиятлари ва уларда креативликнинг ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари ҳақидаги масалалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: креативлик, индивидуаллик, мактабгача ёш даври, ижодий фаоллик, кичик мактаб ёши, ўсмирлик даври, тафаккур, сензитив давр.

Психология дошкольников и условия развития их творческих способностей
Худайбергенова Г.Х.Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В статье рассматриваются психологические особенности дошкольников, этапы и особенности развития у них творческих способностей.

Ключевые слова: креативность, индивидуальность, дошкольный возраст, творческая активность, младший школьный возраст, подростковый возраст, мышление, сенситивный период

Psychology of preschoolers and the condition for the development of their creative abilities
KhudaybergenovaG.Kh.Nukus State Pedagogical Institute

Summary. The article examines the psychological characteristics of preschoolers, the stages and features of the development of their creative abilities.

Key words: creativity, individuality, preschool age, creative activity, primary school age, adolescence, thinking, sensitive period.

БАЛА ТӘРБИЯСЫ ҲӘМ ХАЛЫҚ ПЕДАГОГИКАСЫ

Разов Б.

Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Президентимиз Ш. Мирзиёев 2017-жыл 15-июнь күни Ташкентте болып өткен «Социаллық турақлылықты тәмийинлеў, муқаддес динимиздиң пәклигин сақлаў – дәўир талабы» атамасындағы конференцияда шығып сөйлеўинде жас әўлад тәрбиясы ҳаққында: «Бизлерди ҳәмийше ойландырып келетуғын ең әҳмийетли мәселе – бул жасларымыздың әдеп-икрамлылығы, жүрис-турысы, бир сөз бенен айтқанда, дүньяқарасы менен байланыслы. Бүгин заман жүдә тез раўажланып атыр. Бул өзгерислерди ҳәммеден де көп сезинетуғын ким – жаслар. Мейли, жаслар өз заманының талабы менен уйғын болсын. Лекин, әйне пайытта өзлигин де умытпасын. Бизлер ким боламыз, қандай уллы ата-бабалардың әўладымыз, деген сезим олардың қәлбинде бәркулла болып, өзлигин сақлап қалыўға шақырып турсын. Буған нениң есабынан ерисемиз? Тәрбия, тәрбия ҳәм тек тәрбия есабынан» [1, 2] – деген еди.

Бүгин тәрбияға итибар қаратыў ҳәр қашанғыдан да әҳмийетли! Солай екен, тәрбияның тийкарғы ошағы барлық дәўирде шаңарақ болып келген. Шаңарақ – жәмийеттиң басланғыш таянышы. Шаңарақ тыныш екен, жәмийет раўажланып, бақытқа ериседи. Шаңарақ қурыўдан тийкарғы мақсет инсан нәсилиниң даўамыйлығын сақлаў. Тәрбия мәселеси атам заманнан бери ең әҳмийетли ҳәм жанға жағымлы ата –ана жуўапкершилиги болып келген.

Қураны кәриймде: «Аспанлар ҳәм Жердиң ҳүкимиранлығы Аллаҳтики. (Ол) қәлеген нәрсесин жаратар. Қәлеген бендесине қызларды ҳадя етер ҳәм қәлеген бендесине улларды ҳадя етер. Яки оларға уллар ҳәм қызларды қосып берер ҳәм қәлеген бендесин перзент көрмейтуғын қылып қойғай. Әлбетте, Ол (буның ҳикметин) Билиўши, (өзи қәлеген нәрсесин жаратыўға) **Қәдир»**[3, 488] - делинип неъматқа шүкир ҳәм мүсийбетке сабыр етиў талап етилген.

Перзент – инсан өмириниң мазмуны, нәсилин даўам еттириўшиси, шаңарақтың беккем шынжыры. Жақсы перзент – ата-ананың бахыт-ығбалы. Перзентлер «Жәннет райҳанлары» деп сәўлелендирилиўи бийкарға емес.

Бирақ, ол әдепли, жақсы пазыйлетлер ийеси, итаатлы ҳәм қабыл болғанда ғана ата-анасына раҳмет алып келеди. Қураны кәриймде «Аллаҳ сизлерге өзлериңизден жуплар жаратып, жупларыңыздан сизлер ушын перзентлер ҳәм ақлықлар қылды ҳәм де сизлерди пәк нәрселерден ырысқыландырды. Бас (перзентлериңиз олар?) батыл (бутлар) ға ийман келтирип Аллаҳтың неъматын инкар етеди ме?!» [3, 274] - деп айтылады. Буннан көринип тур, перзент мейли ол ул яки қыз перзент болсын, Аллаҳ тааланың бендесине берген баҳасы жоқ неъматы ҳәм аманаты болып табылады. Инсан Аллаҳтың бул неъматына шүкирсизлик етпеўи ҳәм қыянет етпеўи зәрүр.

«Шаңарақ – неке мүнәсибетлерин, туўысқанлық мүнәсибетлерин тәртипке салыў зәрүрлиги менен жүзеге келеди. Шаңарақ – жәмийеттиң бирлемши ядросы, бөлеги. Саналы шаңарақ болып жасаў барлық жанзатлар ишинде тек ғана инсанға тийисли»[4, 36]. Соның ушын да, шаңарақ қурыў, жақсы перзентлер көриўди арзыў етпеген инсан баласы болмаса керек. Перзенттиң жақсы, әдепли, мийнет сүйгиш, саламат болып өсиўи ҳәр тәреплеме ата-анаға байланыслы болады. Муқәддес динимиз көрсетпелеринде шаңарақ тәрбиясынан келип шығып, болажақ келинди таңлаўға айырықша итибар қаратады. Соның ушын да қыз перзенттиң тәрбиясына шаңарақ ағзалары, атап айтқанда анасы көп итибар берип, атасы мудамы серли болыўы лазым.

Пайғамбарымыз саллаллаҳу алайҳи ўа саллам мәрҳәмат қылып айтады: «Кисиниң өз перзентин шырайлы әдеп-икрам менен тәрбиялаўы көп муғдардағы нәпил (ықтиярый) садақа бериўден жақсырақ» (Термизий рәўияты) – деп ескертти. Егер перзентке жақсылық үйретилсе, ол кәмалға жетеди дүньясы ҳәм ақырети абат болады. Ал, өз ҳалына таслап қойылса бахытсыз болады.

Әбиў Ҳурайра разыяллаҳу анҳудан рәўият қылынады: «Пайғамбарымыз саллаллаҳу алайҳи ўа саллам ким перзентине кел, мине буны ал !- десе, оған ҳеш нәрсе бермесе, ол жалғаншы» - деп ата-ананы расгөйликке, перзентлерин ҳақыйқатлық пенен шынлықта тәрбиялаўға шақырды. Өз перзентиниң адамлар менен жақсы мәмиледе ҳәм рас сөйлейтуғын, аманатқа қыянет етпейтуғын, үлкенлерге ҳүрмет ҳәм кишилерге иззетли болыўы, жаман минез қулық, унамсыз ис ҳәрекет ҳәм жаман иллетлерден пәк болып көргенли тәрбия алыўына ата-ана жуўапкер.

Динимиз барлық тарбия түрлерин муқәддес деп санап, перзент тәрбиясында оларға руўхый, ақылый, социаллық ҳәм жыныслық тәрбия түрлерин бериўге айрықша дыққат аўдарады. Көпшилик уламаларымыздың мийнетлерин үйренгенимизде олардың төмендеги тәрбия түрлери ең зәрүрли тәрбия түрлери деп саналғанлығы көзге түседи [5, 60-64] олар: **Биринши дене тәрбиясы;** перзентти физикалық тәреплен күшли етип тәрбиялаў, тазалық, пәклик, үнемлиликке үйретиў (заманагөй тил менен айтқанда – санитария-гигиена, экология, экономика), спорт ҳәм дене тәрбия шынығыўлары көнликпелерин қәлиплестириў киреди. **Екинши руўхый тәрбия;** перзенттиң дүнья қарасы, мақсети, ийман-итиқадлы болыўы, оның ҳақыйқый инсаний, (жақсы ҳәм жаман ҳаққында түсиниклер арқалы) гөззаллық пазыйлетлерин жетилистириў болып табылады. **Үшинши ақыл ҳәм пикир тәрбиясы;** перзенттиң пикирлеўи, зәкаўаты, ядлаў қәбилетин раўажландырыў ушын шынығыўлар өткериўден ибарат. **Төртинши әдеп-икрам тәрбиясы; перзентке** ең дәслеп ата-анасы әдеплилик тәреплен өрнек болыўлары тийис. **Нәпси тәрбиясы;** перзенттиң диянаты (дене ҳәм жан саламатлығы) күшли болып жетилисиўинде өз нәпси менен гүресиўди үйретиўден ибарат. **Сөйлесиў тәрбиясы;** перзентке дурыс сөйлеўди, мәнили, шырайлы ҳәм ҳикметли сөйлеўди, уятсыз сөзлерди айтпаўды үйретиўлерди өз ишине алады. **Мийнет тәрбиясы;** перзентке бунда, ҳадал мийнет бахыт босағасы екенлигин үйретиў.

Перзенттиң ақылы қәлиплесе баслаўы менен оған ҳадал ҳәм ҳарамды, гүнә ҳәм саўаптан тәлим бериў. Пайғамбарымыз саллаллаҳу алайҳи ўа саллам: «Жас балаларыңызға биринши болып «Лә иләҳә илаллаҳ» кәлиймасын еситтириң» деген. Перзентлериңизге өзгелер менен болған мәмиле мәдениятында, ғыйбат етиў, көре алмаўшылық, кемситиў, менсинбеў т.б. сыяқлы иллетлерди әдепсизликтиң белгилеринен екенлигин жақсылап түсиндириң. Жақсы ҳәм әдепли перзентлер ата-аналарын ҳәмийше басына көтереди, айтқанларын қылады ҳәм дуўаларын алады. Ал, перзентине жақсы тәрбия бере алмаған ата-аналардың перзентлери буның керисин қылады.

Негизи шәрият көрсетпесине көре, перзент тәрбиясына ата-ана бирдей жуўапкер. Менталитетимизде шаңарақ басшысы әке (ата) есапланады. «Жети атаңды бил», «Атаңдай сыйла», «Атаңдай уллы» деген ибаралар бийкардан келип шықпаған. Бирақ, перзентлер тәрбиясы менен аналар көбирек шуғылланады. Соның ушын да перзент тәрбиясына аналар жуўапкердей, ал әке шаңарақ тәмийинлеўшисиндей түйилип қалған. Бизиң пикиримиз ҳәм нийетимиз, бул салада ақылға муўапық ақыл, сабыр-тақәәт, күш, жигер, үгит, нәсият ҳәм үлгиси менен тийкарғы жуўапкер әке болса, перзент тәрбиясы менталитетимиз түсинигине ҳақыйқат туўры келер еди. Пайғамбарымыз саллаллаҳу алайҳи ўа саллам әкениң перзентине қылатуғын материаллық тәмийнатынан руўхый тәмийнаты үстин турыўын атап өтип, былай дейди: «Ҳеш бир ата-ана өз перзентине гөззал әдептен, артық ҳадя (саўға) бере алмайды». (Термизий рәўияты)

Ислам дини қыз перзент тәрбиясына оғада терең жантасып, оның тәрбиясына мудамы үлкен әҳмийет бериўге шақырады. Ул балалар менен бир қатарда қыз перзентлердиң тәрбиясында да өрнекли болып қатаң турыўымыз бизлерди еки дүньяда да алғысқа бөлейди. Қыз перзент бахытсызлығы – ата-ана, ҳәттеки миллет бахытсызлығы десек асыра айтқан болмаймыз. Себеби тәрбияны тийкарынан иске асырыўшы күш – пидайы Ана. Бул кәлийма жүдә аўыр. Себеби, қолымызда перзентлеримизден зәрүрлирек нәрсе қалмады. Ҳәр қанша дүнья-мал топламаң, әмеллерге көтерилмең, перзентлериңиз сизлер қәлегендей болмаса, әсиресе қыз перзентлериңиздиң тәрбиясында кемислик болып келин болып түскен мәканында жасап кетпесе жүдә аўыр жағдай .

Инсан кәсибиниң ең абзалы, перзент тәрбиясы. Соның ушын кәсиплердиң ең уллысы, өзлеримизден соң қалатуғын перзентлер тәрбиясына жетерлише итибарлы болыў. Қәдирдан ата-ана, қылған әмеллериңиздиң ең

әҳмийетлиси перзентлердиң әсиресе, қыз перзентлердиң ийманлы, шырайлы минезли, илимли, билимли, дени саў етип ғана емес, инсаний, интеллектуал ҳәм психикалық тәреплерденде саламат етип тәрбиялаўыңыз! «Ағартыўшылық тараўында бослық деген нәрсениң өзи ҳеш қашан болмайды. Себеби, инсанның қәлби, мийи, санасы ҳәм пикирлери ҳеш қашан хабар алыўдан, пикирлеўден, тәсирлениўден тоқтамайды. Демек, бәркулла мәнәўий, тәрбиялық азық керек. Егер сол азықты өзи жасап атырған орталықтан таба алмаса, бундай азықты ол әсте-ақырын басқа тәреплерден излей баслайды»[2, 21].

Перзент тәрбиясы ата-ананың парызы болып табылады. Рәўиятта келтирилиўинше, бир қыз болып, әкеси оған тәрбия бермейди. Өз гезегинде қыз әдепсиз болып, Қыямет күни дозаққа ҳүким етиледи. Сонда, ол қыз Рәббул иззаның алдында тоқтап, ҳәй Рәббим! Меннен алдын әкем дозаққа кирмегенинше, мен де кирмеймен. Себеби, ол мениң бахытсызлығыма себеп болған еди – дейди. Аллаҳ Сизлерге Қураны кәриймде перзентлериңиз ҳаққында «Ҳәй ийман келтиргенлер! өзлериңизди ҳәм шаңарағыңызды жанылғысы адамлар ҳәм таслар болған дозақтан сақлаң!»- дейди. [2, 560].

Қыз перзенттиң руўхый ҳәм интеллектуал пазыйлетлерин, тийкарынан оның алған тәрбиясы, жасаған орталығы белгилеп береди. Жақсы тәрбия қыз перзенттиң ең қымбат байлығы болса, надурыс тәрбия оның ушын бахытсызлық гилти. Қыз балаға ҳәр тареплеме қанша жақсы тәрбия бере алсақ көплик етпейди. Данышпан уламаларымыз бул мәселеде «Қыз балаларыңыз өнерли болсын. Олар ең кеминде үш өнерди – тазалық, дене ҳәм үй тазалығын, ҳәр қыйлы шийрин таамлар таярлап билсин, тигис, дым болмағанда әпиўайы тигис сырларын терең үйренсин, булар қызыңызға өмирде қол келеди.» - деп нәсият етеди. Ҳаял-қызларға ислам дининде жоқары ҳүрмет ҳәм итибар менен қаралады. Ислам дининиң муқаддес китабы Қураны кәриймде сүрелердиң бири «Ниса» яғный «Ҳаяллар» - деп аталыўы ҳаялдың дәрежеси, оның турмыстағы орны, ҳақ-ҳуқықлары кеңнен баян етилиўи ҳаял-қызларға болған итибардың айқын көриниси болып есапланады. Әсиресе, бизлердиң ҳаял-қызларымыздың көриниси, әдеп-икрамлылығы, мәнәўий әлеминиң қәлиплесиўинде ислам дининиң тәсири теңсиз шаңарақ басшысы болған еркекке ҳүрмет, ийбе, итаатлы болыў, сабыр, ҳәм шыдам бәрше дәўирлерде бизлердиң ҳаялларымыздың әҳмийетли пазыйлети есапланған. Ислам дини тәлийматларында ҳаялларды ҳүрметлеў, оларға жақсы мүнәсибетте болыў, олардың ҳақ-ҳуқықларын аяқ асты етпеў принциплери белгиленген.

Ҳәдиси шәрийфлерде ҳаяллар ҳаққында мынадай делинген: ***«Аллаҳ таала ҳаялларға жақсы мәмиле етиўиңизди буйырады, себеби олар аналарыңыз, қызларыңыз, әжапаларыңыз»*** (Табараний рәўияты). Басқа бир ҳәдисте: ***«Жәннет аналар аяғы астында»*** - деген (Ибн Мажа рәўияты). Және бир ҳәдисте Пайғамбарымыз саллаллаҳу алайҳи ўа саллам: ***«Аллаҳтың алдында бенделердиң ең жақсысы өз әҳли ҳаялына пайдасы көбирек тийетуғын адам***» - деген. (Имам Аҳмад рәўияты). Ҳаялдың еркектеги ҳақлары күйеўи оны аўқатландырыўы, өзи жаңа кийим кийсе, ҳаялына да кийим алып бериўи, жүзине урмаў, сөкпеў, қапаласып қалғанда узақ кетип емес, ал тек төсегин бөлеклеў. Имам Муслим рәўиятында: ***«Ҳаяллар ҳаққында Аллаҳ тааладан қорқың. Себеби, сизлер оларды аманат сыпатында алғансыз»*** - делинеди.

Демек, бул ҳәдиси шәрийфлерден көринип турғанындай, хаял қызлардың тәрбиясында, олардың кәмалға жетилисўинде ҳәм мүнәсип ана болыўында негизги берилген тәрбияның кәмиллигинде, десек асыра айтқан болмаймыз. Мың әттең, базы аналар ушын перзент тәрбиясы жәмийетлик жумыслар алдында итибарсыз нәрсе болып қалмақта. Ҳаяллар қаншелли жоқары мәртебелерге ериспесин, перзентлерине жақсы тәрбия бермесе, өзин, динин, миллетин, Ўатанын жақсы көриўди үйретпесе, аналық ҳаққын орынламаған болады. Муҳаммад ибн Муҳаммад Жамий айтады: «Ҳәр бир ата-ананың перзент алдында миннети бар. Ҳәр бир ата өз перзентин намыслы анадан туўылыўына ҳәрекет етсин. Себеби, перзент туўылғанынан кейин жаман сөзлер менен оған дақ салмаўы ушын». Қыз бала ертеңги –Ана. Ана бир қолы менен бесик тербетсе, екинши қолы менен дүньяны тербетеди. Бүгинги қыз бала, адамзаттың ертеңги бахты ҳәм тахты. Солай екен, қыз бала тәрбиясы ата-ананың ең әдиўли жуўапкершилиги екенин умытпайық!

Перзенттиң қандай болып кәмалға жетилисиўи тиккелей оның ата-анасына байланыслы. Соның ушын да дана халқымыз; «Қус уясында көргенин қылады» – деп бийкарға айтпаған. Перзентлердиң келешекте гөззал қулықлы ҳәм шырайлы әдепли болыўында ата-ананың перзенти ҳаққына қылған дуўасының да тутқан орны гиреўли. Перзентлеримизге Аллаҳтан дуўа сорап, олардың дурыс тәрбиясы жолында пидә болайық!

Аллаҳ таала ҳәр бир исимизде Өзинен жәрдем сораўын жақсы көреди. Ата-ананың перзенти ҳаққына қылған дуўасы қабыл болады. Әбиў Ҳурайра разыяллаҳу анҳудан рәўият қылынған ҳәдисте, Пайғамбарымыз саллаллаҳу алайҳи ўа саллам:«Үш инсанның дуўасы қабыл болады: ата-ананың перзенти ҳаққына еткен дуўасы, қайғыға батқан адамның дуўасы ҳәм жәбиркештиң дуўасы» -деген.

Нәбий алайҳиссалам: «Аллаҳқа тақўа етиңлер ҳәм перзентлериңиз арасында әдалат етиңлер!» (Бухарий, Муслим, Әбиў Даўыт, Насаий рәўият еткен). Ҳәттеки, перзентлер арасында мыйық тартыўда да әдил болыў керек. Айырым жағдайларда әкелер өзи сезбеген жағдайда көбирек ул перзентлерине итибарлырақ болады. Бул, әлбетте унамсыз жағдай болып, ол әке қыз перзентиниң кеўилин қалдырғанын, жанын аўыртып, ол перзентиниң өмириниң ақырына шекем бул жағдайды умытпаслығында билмейди. Ислам тәлийматында жас әўладтың физикалық ҳәм руўхый тәрептен күшли болып кәмалға жетилисиўине итибар қаратылған. Бул ҳаққында Пайғамбарымыз саллаллаҳу алайҳи ўа салламның: «Перзентлериңизге жүзиў ҳәм оқ жай атыўды, қызларға жип ийириўди үйретиңлер» (Байҳақий рәўияты) ҳәм «Үш қыз тәрбиялап камалға келтирген инсан - бейиши» - дегенин умытпайық!

Халқымыздың 65% жаслар қурайды. Олардың ержетип, кәмил инсан болып жетилисўинде, мәмлекетимиз барлық зәрүр болған материаллық ҳәм мәнәўий шәраятларды жаратты. Спорт комплекслери, дем алыў, мәдений

ҳәм саяхат орынлары жаслардың ықтыярына берип қойылды. Мәмлекетимиздиң барлық аймақларында «Саламат әўлад ушын», «Меҳир нуры», «Сен жалғыз емессең», «Меҳир-мүриўбет ҳәм саламатлық» ҳәм «Өзбекстан балалар спортын раўажландырыў» сыяқлы шөлкемлердиң алып барып атырған ислери мақтаўға ылайық болса, «Жасларға тийисли мәмлекет сиясаты ҳақында»-ғы Нызам келешегимиз болған жасларымыздың кәмил инсанлар болып жетилисиўине хызмет етпекте..

Жуўмақлап айтатуғын болсақ, перзентлеримизге сондай тәрбия берейик, яғный ата-бабаларына, тарийхына, Ана-Ўатанына, ана-тилине, өз миллети уллылаған тулғаларына ҳәм муқаддес Ислам дини ҳүкимлерине садық болып өсип-раўажлансын, Кәмил инсанлар болып қәлиплессин!

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Мирзиёв Ш. (UZA / Өзбекстан миллий ахборот агентлиги. 16.06.2017)
2. Мирзиёв Ш. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. – Тошкент, «Ўзбекистон». 2017. Б-21.
3. Қураны Кәрийм мәнилериниң қарақалпақ тилиндеги аўдармасы ҳәм тафсири. Баҳауддинов Ш. –Тошкент, «Ózbekiston» БПДУ 2019.
4. Нажмаддинова К. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. – Тошкенти, «Адолат».
5. Алимов У. Оилада фарзанд тарбияси. – Тошкент–2014. «Movarounnahr».

Бола тарбияси ва ва халқ педагогикаси

Разов Б. Нукус давлат педагогика институти

Резюме. Мақолада оилада фарзанд тарбиялаш йўналишида фикрлар тахлил этилган. Оилада фарзанд тарбияси ҳақида диний таълимотлар, соҳага тегишли адабиётлар асосида тахлил этилган. Шунингдек, фарзанд тарбиясида халқ педагогикаси намуналари асосида тарбия усулларининг натижалилиги кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўзлар: фарзанд тарбияси, комил инсон, маънавий етуклик, интеллектуал қобилият.

Воспитание детей и народная педагогика

Разов Б. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В статье анализируются традиционные взгляды на воспитание детей в семье. На основе соответствующей литературы проанализированы религиозные учения о воспитании детей в семье. Также показана эффективность методики обучения в воспитании детей на примерах народной педагогики.

Ключевые слова: воспитание детей, совершенный человек, духовная зрелость, интеллектуальные способности

Education of children and folk pedagogy

Razov B. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. The article analyzes the views on the upbringing of children in the family. Religious teachings on raising children in families are analyzed on the basis of relevant literature. The effectiveness of teaching methods in raising children is also shown on the examples of folk pedagogy.

Key words: raising children, perfect person, spiritual maturity, intellectual abilities

---

OLIY TA’LIM JARAYONIDA TALABALAR IJTIMOIY FAOL FUQAROLIK KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH

Jaliev T. J.

Qoraqalpoq davlat universiteti

Keyingi yillarda Yer yuzida keskin geosiyosiy o‘zgarishlar ro‘y berdi, xalqaro miqiyosda xavfsizlik va barqarorlik tizimi izdan chiqmoqda. Globallashuv jarayonining tobora shiddatli tus olishi nafaqat insoniyat imkoniyatlarini kengaytirmoqda, balki ziddiyatlarning keskinlashuvi, rivojlangan va qoloq davlatlar o‘rtasidagi tafovutning o‘sishiga olib kelmoqda. Buning oqibatida tinchlik va barqarorlikka raxna solayotgan, mohiyati va ko‘lamiga ko‘ra transmilliy xususiyatga ega turli xatti-harakatlar sodir etilmoqda.

Dunyo shiddat bilan o‘zgarib, barqarorlik va xalqlarning mustahkam rivojlanishiga raxna soladigan turli yangi tahdid va xavlar paydo bo‘layotgan bugungi kunda ma`naviyat va ma`rifatga, axloqiy tarbiya, yoshlarning bilim olish, kamolga yetishga intilishga e`tibor qaratish har qachongidan ham muhimdir [1]. Shu nuqtai nazardan, oliy ta’lim muassasalari o‘quv jarayonida talabalar ijtimoiy faol fuqarolik kompetentligini shakllantirish alohida ahamiyatga egadir.

Fuqarolik - bu shaxsning o‘zi tegishli bo‘lgan jamiyat: davlat, oila, professional yoki boshqa jamoat oldida o‘z huquqlari va manfaatlarini har qanday tajovuzlardan himoya qilishga va himoya qilishga tayyorligi borasidagi burch va masuliyatni his qilishida ifodalangan axloqiy pozitsiya. Filosoflar, psixologlar, sotsiologlar, o‘qituvchilar yoshlarning fuqarolik va vatanparvarlik qadriyatlari inflyatsiyasi bizning davrimizning tashvish beruvchi alomatlaridan biri ekanligini xavotir bilan ta’kidlaydilar. Bu nafaqat yoshlarning qadriyatlar yo‘nalishidagi jiddiy deformatsiyalar haqida, balki fuqarolarning ongida va xulq-atvoridagi spontan jarayonlarni tartibga soluvchi davlatning o‘ziga xos faoliyat turi sifatida fuqarolik, vatanparvarlik tarbiyasi tizimini qayta tiklash zarurligidan dalolat beradi.

Shu munosabat bilan shaxsning ijtimoiy rivojlanishining asosiy vazifasi - bu ijtimoiy faol fuqarolik kompetentsiyasini shakllantirishdir, bu shaxsning ma’lum madaniy asosda ma’lum bir davlat fuqarolari jamoasiga mansubligini anglashidir [2]. Ijtimoiy faol fuqarolik kompetentsiyasini shakllantirish inson ongi va xulq-atvorining qadrli yadrosi sifatida siyosiy faoliyatga, fuqarolik funktsiyalarini amalga oshirishga bevosita ta’sir qiladi, ya’ni bu shaxsning ijtimoiy-siyosiy madaniyatining asosidir. Pedagogik lug‘atda "fuqarolik kompetensiyasi" tushunchasi shaxsning axloqiy fazilati sifatida belgilanadi, bu fuqarolik burchlari va davlat, jamiyat, odamlar oldidagi ongli va faol bajarilishini belgilaydi; ularning fuqarolik huquqlaridan oqilona foydalanish, mamlakat qonunlariga qat'iy rioya qilish

va hurmat qilish. Ijtimoiy faol fuqarolik kompetentligini shakllantirish yoshlarni uyg‘un rivojlantirish vazifasi bo‘lib, uni maqsadga muvofiq ta’limsiz hal etish mumkin emas [3].

Fuqarolik kompetentlikni tarbiyalash - bu shaxsning fuqarolik madaniyatini, asosiy mafkurasini, siyosiy va axloqiy e'tiqodlarini shakllantirish, kasb tanlash va hayot istiqbollarini shakllantirishning maqsadga muvofiq jarayonidir. Ta’lim muassasalaridagi o‘quv jarayonini tahlil qilishda fuqarolik kompetentlikni shakllantirish bo‘yicha maqsadli, tizimli ish olib borilmaganligi aniqlanadi [4] va ijtimoiy hayot hodisalariga nisbatan munosabatlarni qadrlaydi. Bu fuqaroga ta’lim berish bo‘yicha puxta o‘ylangan strategiyaning yo‘qligi, gumanitar o‘quv fanlari ta’lim potentsialidan etarli darajada foydalanilmayotganligi va yoshlarning ijtimoiy faol ishlarga jalb etilishining pastligi bilan namoyon bo‘ladi.

Mavjud amaliyotni pedagogik tahlil qilish talabalarning ijtimoiy faol fuqarolik kompetentsiyasini shakllantirishning quyidagi vazifalarini hal qilishni ilgari suradi: 1. Talabalarning ma’naviy-axloqiy tarbiyasi - insonparvarlik va axloqning ustuvor qadriyatlarini shakllantirishga, o‘zini o‘zi qadrlashga qaratilgan; ijtimoiy faoliyat, masuliyat, o‘z xatti-harakatlarida axloq normalariga rioya qilish istagi, ularning buzilishiga toqat qilmaslik. 2. Tarixiy ta’lim-tarbiya - Vatan tarixidagi asosiy voqealar va uning qahramonlik o‘tmishi to‘g‘risida bilimlarni, O'zbekistonning jahon tarixidagi o‘rni to‘g‘risida g‘oyalarni shakllantiradi; tarixiy xotirani va g‘urur hamda qahramonlik o‘tmishidagi voqealarga daxldorlik hissini shakllantirish, mintaqa tarixidagi asosiy voqealarni bilish. 3. Siyosiy-huquqiy ta’lim - shaxsning O'zbekiston davlati va siyosiy tuzilishi haqidagi g‘oyalarini shakllantirishga qaratilgan; davlat ramzlari, fuqaroning asosiy huquqlari va majburiyatlari; shaxsning huquqlari va majburiyatlari; mamlakatda va dunyodagi asosiy ijtimoiy va siyosiy voqealar to‘g‘risida ma’lumot berish; huquqiy kompetentsiya. 4. Vatanparvarlik tarbiyasi - Vatanga muhabbat va o‘z xalqiga daxldorlikdan faxrlanish, milliy ramzlar va ziyoratgohlarga hurmat, davlat bayramlarini bilish va ularda qatnashish, ommaviy tadbirlarda qatnashishga tayyorlik tuyg‘ularini shakllantirishga qaratilgan; asosiy identifikatsiya qilish mexanizmi - vatanparvarlik - bu fuqarolik jamoasiga sadoqat hissi, uning muhim qiymatini anglash. 5. Mehnat ta’limi - mehnat sub'ektini o‘zgartiruvchi inson faoliyati mahsuli sifatida madaniyat dunyosining manzarasini shakllantiradi; kasblar dunyosi, ularning ijtimoiy ahamiyati va mazmuni bilan tanishtiradi; mehnatga vijdonan va masuliyatli munosabatni, odamlar mehnatiga hurmatni va inson mehnati bilan yaratilgan moddiy va ma’naviy madaniyat ob'ektlariga nisbatan ehtiyotkor munosabatni shakllantiradi.

Bizning fikrimizcha, shaxsning fuqaroligi tarkibiga quyidagi tarkibiy qismlar kirishi kerak: kognitiv (ma’lum ijtimoiy jamoaga mansubligi to‘g‘risida bilim); qiymat-ma’no (ijobiy, salbiy yoki noaniq munosabat); hissiy (shaxsga tegishli bo‘lganlikni qabul qilish yoki rad etish); faoliyatga asoslangan (aloqa va faoliyatda fuqarolik pozitsiyasini amalga oshirish, fuqarolik faollik, jamoat ahamiyatidagi ijtimoiy tadbirlarda ishtirok etish).

Fuqarolikning ajratilgan tuzilmasiga binoan talabalarning ijtimoiy faol fuqarolik kompetenligini shakllantirish natijasida fuqarolik ko‘rsatkichi sifatida ko‘rib chiqilishi mumkin bo‘lgan quyidagi talablar belgilanishi mumkin: tarixiy-geografik qiyofani yaratish, shu jumladan O'zbekiston hududi va chegaralari, uning geografik xususiyatlari, davlatchilik va jamiyat taraqqiyotidagi asosiy tarixiy voqealar to‘g‘risida g‘oya; mintaqa tarixi va geografiyasi, uning yutuqlari va madaniy an'analarini bilish; ijtimoiy-siyosiy tuzilma g`oyasini shakllantirish - O'zbekiston davlat tashkiloti g‘oyasi, davlat ramzlarini (gerb, bayroq, madhiya) bilish, bayram kunlarini bilish; O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini, fuqaroning asosiy huquq va majburiyatlarini bilish, davlat-jamoat munosabatlarining huquqiy makoniga yo‘nalish, huquqiy ongni shakllantirish; millati, milliy qadriyatlar, an'analar, madaniyat rivoji, O'zbekiston xalqlari va etnik guruhlari to‘g‘risidagi bilim; O'zbekistonning umumiy madaniy merosi va jahon madaniy merosini egallash; vatanparvarlik hissi va o‘z mamlakatidan faxrlanish, tarixga, madaniy va tarixiy yodgorliklarga hurmat; shaxsni va uning qadr-qimmatini hurmat qilish, boshqalarga nisbatan xayrixoh munosabat, har qanday zo‘ravonlikka toqat qilmaslik va ularga qarshi turishga tayyorlik; axloqiy o‘zini o‘zi qadrlash va axloqiy hissiyotlarni shakllantirish - axloqiy me'yorlarga rioya qilishda mag‘rurlik hissi, ular buzilganida sharmandalik va aybdorlik tajribasi.

Shu nuqtai nazardan, faoliyat yondashuvi insonning fuqarolik ongini tarbiyalash shartlarini belgilaydi va talabalarning ijtimoiy faol fuqarolik kompetentligini shakllantirishga oid psixologik-pedagogik tavsiyalar tizimi sifatida ko‘rib chiqilishi mumkin: talabalarning o‘zini o‘zi boshqarishida ishtirok etish (yoshlar jamoat tashkilotlari, oliy ta’lim muassasalari va oliy ta’lim muassasalaridan tashqari ijtimoiy xarakterga ega tadbirlarda ishtirok etish); talaba hayoti normalari va talablariga, talabaning huquq va majburiyatlariga rioya qilish; teng munosabatlar va o‘zaro hurmat hamda qabul asosida muloqotlar o‘tkazish qobiliyati; nizolarni konstruktiv ravishda hal qilish qobiliyati; oliy ta’lim muassasasida, uyda, sinfdan tashqari ishlarda kattalar va tengdoshlariga nisbatan axloqiy me'yorlarni bajarish; jamoat hayotida ishtirok etish (xayriya tadbirlari, mamlakatdagi va dunyodagi voqealarga munosabat, madaniy tadbirlarga tashrif buyurish - teatrlar, muzeylar, kutubxonalar, sog‘lom turmush tarzini amalga oshirish); aniq ijtimoiy, tarixiy, siyosiy va iqtisodiy sharoitlarni hisobga olgan holda hayot rejalarini tuzish qobiliyati.

Bugungi kunda jamiyatimiz yangilanishi taqdiri ko‘p jihatdan talabalarning faol fuqarolik pozitsiyasiga, ijtimoiy-siyosiy va ma’naviy-axloqiy yo‘nalishga bog‘liq. Jamiyatning hayotiyligi va uning izchil rivojlanishining sharti yoshlarning hozirgi va kelajakdagi mavqei va faoliyatidir. Zamonaviy yoshlar qanday qadriyatlarni qabul qilishadi va nimani rad etishadi, ular qanday qilib keksa avlodlarning qadriyatlariga mos keladi - bu amalga oshirilgan an'analarning davomiyligi - bu muhim savollar, javobsiz, bizning fikrimizcha, nafaqat talabaning ijtimoiy faol fuqarolik kompetentlikni shakllantirish, balki muammolarni hal qilish umuman shaxsning umumiy fuqarolik madaniyatidir.

ADABIYOTLAR

1. Мирзиёв Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. -592 б.
2. Асмолов А.Г. Как будем жить дальше? Социальные эффекты образовательной политики / Лидеры образования. –М., 2007. №6. –С.7.

3. Гусейнов А.З. Педагогический потенциал и перспективы двухуровневой системы образования в вузе // Известия Саратовского университета. Новая серия. 2012. Том 12. Серия Философия. Психология. Педагогика. Выпуск 4. –С. 106.
4. Собкин В.С., Ваганова М.В. Политические ориентации подростков и проблема толерантности // Проблема толерантности в подростковой субкультуре. Труды по социологии образования. Том VIII. Выпуск XIII. –М., Центр социологии образования РАО. 2003. –С. 12.

Oliy ta'lim muassasalari o'quv jarayonida talabalar ijtimoiy faol fuqarolik kompetentligini shakllantirish

Jaliev T.J. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume. Maqolada oliy ta'lim muassasalari o'quv jarayonida talabalarning ijtimoiy faol fuqoralik kompetentligini shakllantirishda: ma'naviy-axloqiy tarbiya, tarixiy ta'lim, siyosiy-huquqiy ta'lim, vatanparvarlik tarbiya, mehnat ta'limi vazifalarini hal qilish ilgari surilgan. Shuningdek maqolada talabalarni faol fuqoralik kompetentlikni shakllantirishda ilmiy manbalarga asoslanib takliflar berilgan.

Tayanch so'zlar: fuqoralik, vatanparvarlik, ijtimoiy faol fuqoralik kompetentlik, ma'anaviy-axloqiy tarbiya, tarixiy ta'lim, siyosiy-huquqiy ta'lim, mehant ta'limi.

Формирование социально активной гражданской компетентности студентов в образовательном процессе высших учебных заведений

Жалиев Т.Ж.Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье утверждается, что высшие учебные заведения играют важную роль в формировании социально активной гражданской компетентности студентов в образовательном процессе: духовно-нравственное воспитание, историческое воспитание, политико-правовое воспитание, патриотическое воспитание, трудовое воспитание. В статье также представлены предложения, основанные на научных источниках, по формированию активной гражданской компетентности студентов.

Ключевые слова: гражданственность, патриотизм, социально активная гражданская компетентность, духовно-нравственное воспитание, историческое воспитание, политико-правовое воспитание, трудовое воспитание

Formation of social-active civil competence in students in the educational process of higher educational institutions

Jaliev T.J.Karakalpak State University

Summary. The article argues that higher educational institutions play an important role in the formation of socially active civic competence of students in the educational process: spiritual and moral education, historical education, political and legal education, patriotic education, labor education. The article also presents proposals based on scientific sources on the formation of active civic competence of students.

Key words: citizenship, patriotism, socially active civic competence, spiritual and moral education, historical education, political and legal education, labor education

---

ФИЗИКАНИ МУСТАҚИЛ РАВИШДА ЎРГАНИШДА ФИКРИЙ ЭКСПЕРИМЕНТЛАРНИНГ РОЛИ

Хусанов З.Ж.

Навоий давлат кончилик институти

Ўқувчиларни барча фанларни, хусусан физика фанини етарли даражада ўрганишлари учун уларда назарий фикрлаш савияси ва малакаси етарлича бўлиши керак. Ўқувчининг назарий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг усул ва услублари кўп бўлишига қарамай, бу аспект ҳамон муаммо бўлиб келмоқда. Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини риқожлантиришнинг шаклларидан бири – бу фикрий эксперимент билан шуғулланишдир. Фикрий эксперимент – бу традицион амалий-эмпирик экспериментдан фарқли бўлиб, у фанни назарий билиш сатҳининг босқичидир. Бошқача қилиб айтганда, фикрий эксперимент-назарий фикрлашнинг махсус тури дейиш мумкин. Масалан, ўқувчига бир жисмнинг оғирлигини пружинали тарозида Ернинг қутбида ва экваторда ўлчаганда қандай натижалар олинади? – деган савол берилса, у дарҳол тажрибани кўз олдига келтириб, аниқ жавобни топа олади. Демак, фикрий экспериментда ўзининг малака ва кўникмасини, реал эксперимент қилмасдан, "виртуал олам"да ривожлантиради. Бундай усул ўқувчининг фақат назарий фикрлаш қобилиятини оширмасдан, балки реал эксперимент учун керакли моддий техник муаммоларини ҳал қилишга имкон беради.

Анализ ва синтез – бу назарий фикрлашдаги энг аҳамиятли фикрлаш аспектларидан бўлиб, улар ўзаро чамбарчас боғланган. Улар биргаликдагина реалликан тўла тасаввур қилишга имкон беради. Анализ (таҳлил) – бу объект, жараён ёки ҳодисаларни айрим бўлакларга ажратиш-бўлаклаш ёки унинг алоҳида хоссалари, тавсифлари ва сифатларини ажратиш. Синтез – бу шу кўрилаётган объект бўлакларини фикрий бир-бири билан боғлаш ёки уларнинг хоссалари ва хусусиятларини бирлаштириш. Бу методлар билан, масалан, қаттиқ жисмни иссиқликдан кенгайиши уни ташкил топган зарраларининг ҳаракати ва ўзаро таъсири асосида тушунтирилади.

Физикада реал экспериментни қўллаш кўпинча муаммоларга иқтисодий, техник муаммоларни ҳал қилишга боғлиқ бўлиб, қатор ҳолатларда бунга имкон бўлмай қолади. Шунингдек, реал эксперимент техника ва технологиянинг ривожланиш савияси билан боғлиқ бўлгани учун исталган натижаларга эришмаслик мумкин. Фикрий экспериментлар ривоят қилиб тўқиладиган ақида эмас. У илмий назарияда текширилган талаб ва тамойилларга таянган ҳолда ишлаб чиқиладиган фикрий "операциядир". Бу ҳар бир "операция"лар илмнинг объектив қонунларидан келиб чиқадиган қоидаларга бўйсинади. Бу эса фикрий эксперимент натижаларининг юқори илмий даражада бўлишини таъминлайди.

Бизнингча, фикрий экспериментнинг ютуқлари қўйидагилар: биринчидан, амалиётда амалга ошириб бўлмайдиган ёки ошириш муаммоли бўлган ҳолларни тадқиқот қилишга имкон беради; метериал-натурал эксперимент ўтказмасдан туриб, объектни билишни амалга оширишга ва билимларни ҳаққонийлигини

текширишга имкон беради. Лекин, амалиётда фикрий эксперимент натижалари одатда натурал экспериментда ёки амалиётда текширилиб кўрилади; Физика ривожланиши тарихида фикрий эксперимент катта роль ўйнаган. Унинг биринчи босиқичи албатта Галило Галилейнинг илмий фаолияти билан боғлиқ. У эски оламнинг тузилиш назариясини бузиб, янги-гелиоцентрик системани таклиф қилган. Шунингдек, у фикрий экспериментлар асосида классик механикага асос солди: ҳаракатнинг нисбийлиги, жисмнинг инерция бўйича ҳаракати, эркин тушиш, шарнинг қия текисликдан тушиш, кема каютасидаги пашшанинг ҳаракати кабиларни тавсифлади. Иккинчи босқич-бу Рене Декартнинг асосий ишлари билан боғлиқ бўлган дунёни ўрганишнинг картезианчилик (фалсафий оқим) таълимнинг босқичидир. Учинчи босқич-дунёнинг ягона манзарасини яратиш бўйича қилинган тадқиқотлар бўлиб, бу Оламнинг гелиоцентрик моделини физик-математик қонунлар асосида тушунтиришдан иборат бўлиб, бу асосан Ньютоннинг қонун ва назарияларда иборатдир. Шунингдек, бу назарияда Ньютоннинг сувли челакни айлантиришдаги фикрий эксперименти ҳам катта роль ўйнади.

Кейинги босқичларда фикрий эксперимент суюқлик ва газларнинг ҳаракатини механик назариясини яартишда кенг қўлланилди. Кучларнинг ўзаро мувозанати, системанинг бирор элементар қисмга қўшни элементар қисмларнинг таъсир кучларини ҳисобга олиш бўйича қилинган фикрий экспериментлар Лаплас формуласини келиб чиқишига асос бўлди, яъни суюқлик сиртининг эгрилашини ва қўшимча босимнинг – Лаплас босиминг вужудга келиши тушунтирилди. Кейинчалик фикрий экспериментлар асосида диффузия, иссиқлик ўтказувчанлик, торнинг тебраниши тенгламлари ишлаб чиқилган. Фикрий экспериментнинг ютуқларидан бири-бу термодинамика назариясининг ривожланишидир. Назарий термодинамиканинг вужудга келиши Карнонинг фикрий эксперименти билан боғлиқ десак, муболаға бўлмайди. У иссиқлик двигателига асос солди (Карно цикли) ва бу асосда термодинмиканинг асосий катталиклардан бири-энтронияга асос солинди ҳамда термодинамиканинг II қонуни энтропиянинг ортиб бориш қонуни кашф қилинди.

Фикрий эксперимент физика таълимида катта ҳам роль ўйнайди. Сабаби, у идеал физик модель базаси асосида тузилган, реал физик эксперимент структурасига эга бўлган ҳамда уларнинг ишлаши физика ва мантиқ қонунларига бўйсунадиган фикрий эксперимент асосида объект ёки ҳодисани билиш жараёнидир.

Юқорида қайд қилагнимиздек, фикрий экспериментлар амалда тажрибада ўрганиш муаммо бўлган физик жараёнларни ўрганишда қўлланилади. Физика тарихида ёркин ютуқга эга бўлиб, “машҳур” бўлган фикрий экспериментлардан қўйидагиларни келтиришимиз мумкин: 1) Архимед экспериментлари – жисмнинг сузиш шартини кашф қилиниши; 2) Идеал иссиқлик двигателининг модели (Карно цикли); 3) Максвелл “Демони”-абадий дивигателнинг иккинчи турини яратиш ғояси; 4) Больцман “Демони”-Максвелл демонига қарама-қарши бўлиб, Термодинамиканинг II қонунининг тасодифий характерда эканлигининг исботи; 5) “Эгизаклар парадокси”- ҳар-хил саноқ системаларида вақт интерваллариниг турличалиги; 6) Эйнштейн лифти-Эйнштейннинг эркин тушувчи лифтнинг фикрий эксперименти бўлиб, унда гравитацион ва инерт массанинг эквивалентлиги таърифланиб, нисбийлик назариясига асос солинган; 7) Шредингер “мушуги” - квант механикасининг рисолали эмаслигини кўрсатувчи фикрий эксперимент; 8) Гейзенбергнинг гамма микроскопи - ноаниқлик тамойилини тасдиқловчи фикрий эксперимент. Булардан ташқари иллюстратив фикрий экспериментлар бор. Уларнинг мақсади физик назариянинг хулосаларини кўргазмалироқ тасвирлашга имкон беради. Физикани ўрганишнинг бошланғич этапида ана шундай - иллюстратив фикрий экспериментлар катта роль ўйнайди. Чунки физика табиатни, табиат ҳодисалари ва жараёнларини абстракт идеал моделлар асосида ўрганади ва уни характерлаш учун математик аппарат қўлланилади. Ўқувчилар маълумотни асосан ҳис-туйғу шаклида қабул қилади. Шунинг учун физика таълимида маълумотларни ўқувчиларнинг ҳис туйғусига таъсир этувчи белги, символика, модель, схематик шаклда бериш керак. Шунинг учун бу ерда абстракт физик реалликни ўқувчиларнинг кўз ўнгида намойиш бўладиган кўринишга келтиришда фикрий эксперимент қўл келади. Физикани ўрганиш жараёнида, фикрий экспримментда, идеал физик моделлар билан ўтказилган тажрибаларни реал жараёнлар билан образлар ва символика асосида кўргазмали боғланиш ҳосил қилинади. Фикрий эксперимент реал ҳолдаги абстракт идеал ҳолларда ўтишга имкон беради, лекин олинган натижа асосида реал ҳол тушунтириб берилади.

Фикрий эксперимент жараёнида, қўйидаги билиш муаммолари ҳал қилинади: жараён, ҳодиса ёки объектнинг, уни реал ҳолини тасвирловчи идеал моделлар тузиш; ишлаб чиқилган, тақлид қилинган модель асосида физик ҳодиса ёки жараённинг алоҳида томонлари ўрганилиб, унинг физик маъносини тушунтириш ҳамда моделни қўлланишини шарт-шароитларини аниқлаш; реал физик объектлар, жараёнлар тўғрисида тўпланган маълумотлар, уларнинг хосса ва хусусиятлари асосида содда, ҳаётий тушунча ва тассавурларни шакллантириш; кузатиш натижалари, реал тажрибалар натижалари асосида илк физик қонун ва принципларни таърифлаш, ифодалаш; муҳим физик назарияларнинг фундаментал хулосаларни физик маъносини чуқурроқ англаш, тушуниб етиш; реал экспериментни тайёрлаш ва ўтказиш ҳақида кўрсатма бериш ва уни назарий асослаш кўникмаси ҳамда малакасини шакллантириш; у ёки бу физик ходиса, жараённи ўрганиш методлари ҳақида изланиш.

Тадқиқ қилинаётган жараён ёки физик ҳодисани фикрий экспериментда ўрганиш даражаси ва чуқурлиги ҳар хил бўлиши мумкин, лекин уни ўрганишдаги ижобий натижа биринчи ўринда бўлади. Фикрий эксперимент методи - бу кўрилаётган физик муаммони, назарий ўрганиш методидир. Бу методга физика фанининг шаклланиш даврида (Архимед, Г. Галилей, И.Ньютонлар) асос солган бўлиб, у ўзининг аҳамиятини бугунги кунда ҳам йўқотгани йўқ!

Физика таълимининг тараққиёти жараёнида фикрий экспериментнинг қўйидаги шаклланган технологиялари вужудга келди: а) реал физик жараён, ходиса ёки объектни, унинг асосий ва зарурий физик

хусусиятларига эга бўлган модель билан алмаштириш; б) идеаллаштириш қоидаси бўйича идеал моделда “Идеаллашган” асбоб ва ускуналарни ишлатиш; в) физик объектнинг моделида унинг бир ёки бир неча объектларини бошқа хоссаларини ҳисобга олмаган ҳолда ўрганиш; г) физик объектни турган муҳитини, унга таъсирини ҳисобга олувчи моделда унинг миқдорий ва сифатий характеристикаларини вариациялаб ўзгартириш; д) кўрилаётган физик объектни унинг хосса ва характеристикаларини ҳисобга олувчи моделнинг янги шарт-шароитларида қандай ўзгаришини башорат қилиш; е) фикрий эксперимент натижасида идеал моделда олинган натижаларни ва янги билимларни аналог кўринишида реал объектга қўллаш ёхуд шунга ўхшаш объект, жараёнларга тадбиқ этиш.

Демак, фикрий эксперимент билиш жараёнининг энг кучли қуролидир. Реал модель ўрнига идеал моделда физик ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда янги билимларни олиш ҳамда реал объектнинг энг муҳим ҳосса–хусусиятларини ўрганишга имкон беради. Фикрий эксперимент ўзининг тузилиши, қўлланилиши ва “ташлаб юборилиши” (ўзини оқламаган ҳолларда) идеал моделда идеал ҳолларда фаолият кўрсатади ва бу ўрганаётган шахснинг ҳаётий–ижодий фаолиятини тавсифлайди. Фикрий эксперимент бу идеал моделни реал ҳар хил экспериментал вазиятларга қўйиб, унинг хосса ва хусусиятларини ўрганиш операциясидир. Моделни берилган физик шарт-шароитларда ўзини тутиши, унга аввалдан унинг хусусиятларига қўйилган қонун ва қоидалар асосида башорат қилинади.

Фикрий экспериментнинг имкониятли усуллари қўйидагича: жисм ёки система, жараён айрим қисмларга ажратилади, сўнгра улар бир бутун системага (жисмга) йиғилади. Масалан, қаттиқ жисмларнинг иссиқликдан кенгайиш жараёнини жисмни айрим зарраларга хаёлий ажратиб, улар орасидаги масофаларнинг ортиши орқали тушунтирилади; оламни ҳаёлан моделини тузиб, ундаги ҳодисалар тушунтирилади. Планеталарнинг ҳаракати қонунияти, уларнинг хоссалари, ундаги эркин тушиш катталиклари, уларда математик маятникнинг тебраниш ҳаракати ва бутун олам тортиш қонунлари тушунтирилади; ўрганилаётган системадаги жисмлардан бирини агрегат ҳолати ўзгариши натижасида системанинг хусусиятларини ўзгариши. Масалан, сувнинг қисми музлаганда унда Паскаль қонунини ўзгариши, суюқлик ҳаракатини ўзгариши; чегаравий шарт-шароитларда фикрий эксперимент ўтказиш. Кўрилаётган физик система, ҳодиса ёки жараён учун унинг математик модели характеристикалари (параметрлари)дан бирини аста-секин максимал чегаравий қийматгача ортириш ёки минимал чегаравий қийматларгача камайтириш асосида моделнинг реал шарт-шароит ёки ҳодисалар учун яроқлилиги текширилади. ўрганилаётган система ёки ҳодисаларда ҳар хил турдаги симметрияларни хаёлан ажратиш. Масалан, электр занжирларда токларнинг ўтиши ёки кучланиш бир хил бўлган участкаларни ажратиб, система ўрганилади. Фикрий экспериментларда ишлаб чиқилган математик моделларни компьютер техникаси асосида, яъни компьютерда моделлаштирилиши асосида текшириш катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Компьютер техникасининг беқиёс имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қисқа вақтда моделнинг “Яроқли” ёки “Яроқсиз”лиги аниқланади. Физика таълимининг ҳозирги таррақиёти босқичида моделлаштиришга икки хил ёндашилади: 1. Моддий элементлардан ташкил топган ва реал табиий қонунлар асосида ишлайдиган моделлар тузиш. Улар объект (система) нинг структурасини тиклашда кўрилаётган физик жараёнларнинг моҳияти ва рўй беришини тавсифлаш (масалан, электродвигателнинг ишлайдиган модели, самолёт қанотининг модели, кристалларнинг фазовий структураси, сув ва газ оқимида уюрма ҳосил бўлиши ва ҳакозо.) да қўллаймиз: 2. Фикрий равишда идеал модель яратилади. Уни расмлар, схематик кўриниш, анимация, танланган белгилар ва символлар асосида “Фиксация” қилиш мумкин.

Интерактив компьютер моделлари, электрон дарсликнинг бир қисми бўлиб, у беқиёс билим савияси ва илмийлиги хамда самарадорлиги билан фарқ қилади. Шунинг учун улар хам физика таълимида қисқа жараён ва ҳодисалар ҳамда лаборатория ишларини виртуал шаклда ўргатишни амалга ошириш кенг қўлланилмоқда.

Шундай қилиб физикани мустақил равишда ўрганишда фикрий экспериментлар, фикрий ва виртуал моделларнинг роли катта. Унда физик ҳодиса, жараёнларни физик моҳиятини чуқурроқ ва тез ўрганишга имкон яратилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Шамова Т.И. Мысленный эксперимент в преподовании физики. –М.: “Просвещение”, 1987. – 96 с.
2. Жарова Л.В. Учить самостоятельности. – М.: “Просвещение”, 1993. - 205 с.
3. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. –СПб.: Питер, 2013. – 713 с.
4. Хусанов З. Ж., Турсунметов К.А. Турдиев. Н.Ш. Физикадан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказиш шакллари. Физика, Математика, Информатика. –Тошкент, 2012. №2. –Б71-76.
5. Бекжонов Р., Комолхўжаев Ш., Ризаев Х. Физикадан русча-ўзбекча атамалар луғати – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1991. – 296 б.
6. Ҳабибуллаев П.Қ. ва б. Физикадан изоҳли луғат. –Тошкент: “Энциклопедия”, 2002. -304б.
7. Турсунметов К.А. ва б. Физикадан глоссарийнинг мазмуни, аспектлари. // "Uzluksiz ta’lim” журнали, 2014. №3, - Б. 61-65.

Физикани мустақил равишда ўрганишда фикрий экспериментларнинг роли

Хусанов З.Ж. Навоий кончилик институти

Резюме. Мақолада ўқувчиларнинг элементар физика курсини мустақил ўрганишда фикрий экспериментларнинг роли, фикрий эксперимнтларнинг физика фанини ровожланишидаги аҳамияти, физика фанида мажуд булган фикрий экспериментлар ёритилган.

Таянч сўзлар: физика қонунлари, қонуниятлари, физикадан масалалар, эксперимент, модел, абстракт.

Роль мыслительных экспериментов в самостоятельном изучении физики

Хусанов З.Ю. Навоийский горный институт

Резюме. В статье описывается роль мыслительных экспериментов в самостоятельном изучении элементарной физики, а также роль мыслительных экспериментов в развитии физики.

Ключевые слова: законы физики, законы, проблемы физики, эксперимент, модель, абстракт.

The role of thinking experiments in independent study of physics

Khusanov Z.Yu. Navoiy State Mining Institute

Summary. The article describes the role of thinking experiments in the independent study of elementary physics, the role of thinking experiments in the development of physics.

Key words: laws of physics, laws, problems of physics, experiment, model, abstract.

СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ОИД ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Махмудов Ш.А.

Самарқанд давлат университети

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”, – деб таъкидлаган эди [1]. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда барча соҳалар каби давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатимиз самарадорлигини оширишга ҳам янгича ёндашувлар талаб этилмоқда. Бу каби ёндашувлардан бири сиёсий жараёнлар самарасини ошириш мақсадида замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланишдир.

Сиёсий технологиялар – бу сиёсий соҳада кутилган муваффақиятли натижаларга эришиш ва сиёсий жараённинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда қўлланиладиган тартиблар, усуллар ва йўлларнинг йиғиндисидир [2]. Мамлакатимизда сиёсий технологиялар муайян сиёсий лойиҳаларни амалга оширишда, сиёсий ҳокимиятни шакллантиришда, сайлов жараёнлари ва сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини оширишда, шунингдек, ижтимоий фикрни ривожлантиришда қўлланилмоқда. Сиёсий технологияларни такомиллаштириш ва уларни амалиётга жорий этиш йўналиши сиёсатшунослар, файласуфлар, социологлар ва психологлар томонидан илмий тадқиқотларнинг объектига айланган. Мазкур йўналишдаги илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, мамлакатимизда ҳам сиёсий технологияларнинг турли қирраларини тадқиқ этиш борасида бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Н.Умарова ва У.Исломбековлар томонидан тайёрланган “Сиёсий технологиялар” ўқув қўлланмасида сиёсий ҳаётни самарали ташкил этишга хизмат қиладиган технологияларнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ муҳим масалалар ёритилган [3]. Қўлланмада мамлакатимизда демократик жараёнларга фаоллик бағишлашга қодир имкониятлар, механизмлар ва мавжуд технологиялар ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази томонидан хорижий давлатларда сиёсий партиялар кенг қўллайдиган ва сайлов кампанияларини ташкил этишда самарали восита сифатида намоён бўлувчи сайлов технологиялари ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари ўрганилган [4]. Мазкур мавзу бўйича О.Юлдашев томонидан ҳозирги даврда сайловлар тизими ва кампанияларига кириб келаётган сайлов технологияларининг мазмун-моҳияти, усуллари, уларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этилган, шунингдек, Ўзбекистондаги сайлов жараёнларига кириб келаётган сайлов технологиялари тавсифланган [5]. Бундан ташқари, глобаллашув шароитида содир бўлаётган жараёнларнинг шиддат билан ўзгариши натижасида замонавий ҳарбий можароларда кенг қўлланилаётган “гибрид уруш”лари масалалари мавзусида ҳам илмий тадқиқотлар амалга оширилган [6]. Ҳозирги вақтда сиёсий технологиянинг шаклларидан бири “юмшоқ куч”дан халқаро муносабатларда ва мамлакатимиз имижини оширишда фойдаланишнинг айрим қирралари миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ўрганилган [7].

Юқорида қайд қилинган тадқиқотлар доирасини кенгайтириш ва сиёсий технологиялар борасида хорижий давлатлар тажрибаларини қиёслаб ўрганишга етарли даражада эътибор қаратиш лозим. Ривожланган хорижий давлатларда сиёсий технологлар томонидан мазкур йўналиш чуқур тадқиқ қилинган, жумладан, сиёсий технологияларни кенг кўламда қўллаш, ижтимоий технологияларни жамият ҳаётининг турли соҳаларига мослаштириб жорий қилиш масалалари яхши йўлга қўйилган. XXI асрга келиб Ғарб давлатларининг сиёсий технологлари томонидан ишлаб чиқилган технологиялар нафақат ички сиёсий жараёнларда, балки халқаро доирадаги сиёсий жараёнларга ҳам таъсир кўрсатишда фаол фойдаланилмоқда. Бугунги кунда Ғарб давлатлари қўллаётган сиёсий технологияларни тадқиқ этиш ва илғор тажрибаларни мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларга қўллаш мақсадга мувофиқ. Шуни таъкидлаш ўринлики, Ғарбда қўлланилаётган сиёсий технологиялар борасидаги тажрибаларни жорий этишда миллий манфаатларимиз ҳисобга олинмаса, сунъий равишда “мослаштириш” амалга оширилса, кўзда тутилган сиёсий натижага эриша олмаймиз.

Сиёсий жараёнлар самарадорлигини таъминлашда сиёсий технологияларнинг янада долзарб аҳамият касб этаётганлиги, шунингдек, миллий манфаатларимиз устуворлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги уч йўналишда илмий тадқиқотлар амалга оширилишини муҳим деб ҳисоблаймиз: мамлакатимизда олиб борилаётган ички сиёсатнинг самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсий технологиялар; ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга оширишда қўлланиладиган сиёсий технологиялар; миллий хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган манипулятив технологиялар йўналиши.

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

мақсадида ўтказилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишда сиёсий технологияларнинг ўзига хос ўрни бор. Ушбу йўналишида хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда сайлов технологияларини такомиллаштириш, сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини ошириш, сиёсий фаолликни ривожлантириш, ижтимоий фикрни шакллантириш, сиёсий барқарорликни таъминлаш бўйича қуйидагилар долзарб тадқиқотларнинг мавзулари ҳисобланади: сиёсий партиялар имижини оширишга қаратилган сиёсий технологиялар; сайлов жараёнларида номзодлар имижини шакллантириш технологиялари; сайлов кампаниялари самарадорлигини оширишда қўлланиладиган PR технологиялар; аҳолининг электорал маданиятини ошириш технологиялари; сиёсий технологиялар ёрдамида фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари; сиёсий технологиялар ижтимоий фикрни шакллантиришнинг омили сифатида; республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини фуқароларга етказишда ОАВлари ролини ошириш масалалари; мамлакатимизда фуқароларарo, миллатлараро ва динлараро тинчлик ҳамда тотувликни таъминлашга хизмат қилувчи сиёсий технологиялар; ОАВлари ва глобал Интернет тармоғида тарғибот-ташвиқотга йўналтирилган сиёсий технологиялар; замонавий сиёсий технологиялар воситасида сиёсий ҳокимият барқарорлигини таъминлаш масалалари; жамият барқарорлигини таъминлашда сиёсий технологияларнинг ўрни. Ушбу мавзулардаги тадқиқотлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ички сиёсатнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида давлат мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш борасида ташқи сиёсий фаолиятни олиб бормоқда. Ушбу жараёнларда сиёсий технологиялардан, жумладан, мамлакатнинг тарихий, маданий, этник ўринга эгалиги ҳисобга олиниб “юмшоқ куч”дан фойдаланилиши ташқи сиёсат фаолиятнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Мазкур йўналишда қуйидаги мавзуларда тадқиқотларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ: Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини ривожлантириш; халқаро муносабатларда мамлакатимизнинг имижини ошириш йўллари; Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар моҳиятини кенг жаҳон оммасига етказишда ОАВлари ролини ошириш масалалари; миллий манфаатлар устуворлигини таъминлашда “юмшоқ куч” сиёсати; – “юмшоқ куч” сиёсий конфликтларнинг олдини олиш воситаси сифатида.

3. Ғарб сиёсий технологлари томонидан ишлаб чиқилган технологиялар нафақат сиёсий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатишда, балки турли сиёсий конфликтлар, “рангли инқилоблар”, сиёсий инқирозларни юзага келтиришда восита ҳисобланиб, Ғарб давлатларининг манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Бу сиёсий технологиялар, асосан, Интернет тармоғи ва ОАВларининг имкониятларидан фойдаланиш орқали глобал сиёсий технологиялар сифатида кенг омманинг сиёсий манипуляция қилиш орқали амалга оширилаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, миллий манфаатларимизга зид бўлиши мумкин бўлган деструктив сиёсий технологияларни тизимли таҳлил қилиш, уларнинг салбий таъсирларидан ҳимояланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимдир. Шунингдек, ушбу йўналишда қуйидаги мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим саналади: ОАВлари орқали амалга ошириладиган сиёсий манипуляциялар; Интернет тармоғи орқали сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиш ва сиёсий манипуляция қилиш масалалари; ижтимоий тармоқларда амалга оширилаётган сиёсий технологиялар; виртуал бирлашмалар фаолияти сиёсий технология сифатида; конституциявий тузумни ўзгартиришга қаратилган сиёсий технологиялар; радикал тузилмаларга қарши курашда қўлланиладиган сиёсий технологиялар ва бошқалар. Юқорида белгиланган сиёсий технологияларни тадқиқ этишга оид мавзулар бугунги кун нуқтаи назаридан долзарб мавзулар ҳисобланади. Таъкидлаш ўринлики, сиёсий жараёнларнинг ўзгариб бориши, Интернет технологияларнинг таъсирида сиёсий технологияларнинг янги шакллари пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Шу сабабли сиёсий технологиялар борасидаги тадқиқот мавзулари ҳам ўзгаришларга мос равишда такомиллашиб бориши лозим.

Сиёсий технологиялар борасидаги тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги ишларнинг олиб борилиши долзарб ҳисобланади: сиёсий партиялар ва сайлов жараёнлар самарадорлигини оширишда қўлланиладиган PR технологиялар ҳамда республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини фуқароларга етказиш технологияларига оид тадқиқотларни ривожлантириш; Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини назарда тутган ҳолда “юмшоқ куч” билан боғлиқ сиёсий технологияларни таҳлил қилиб бориш; Ғарб давлатлари томонидан қўлланилиб келинаётган глобал сиёсий технологияларнинг салбий таъсирларини мониторинг қилиш; сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш масалаларига оид диссертацион тадқиқотларни амалга ошириш ва республика миқёсида илмий-амалий конференция ва семинарлар ташкил этиш; сиёсий технология бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; сиёсий технологиялар бўйича ўтиладиган фанларнинг ўқув дастурларини миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб такомиллаштириш.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, сиёсий технологияларга оид тадқиқотлар республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан бир қаторда миллий манфаатларимизга қаратилган сиёсий таҳдидларни аниқлаш, баҳолаш ва уларга қарши курашда кенг имкониятлар яратади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017.
2. Анохин М.Г. Современные технологии эффективной политики: Учеб. пособие. – М.: РУДН, 2008. – 239 с.
3. Умарова Н., Исломбеков У. Сиёсий технологиялар (Ўқув қўлланма). – Т.: «Академия», 2007. – 148 б.

4. Замонавий сайлов технологиялари ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари (методик қўлланма). – Т.: «Navro‘z», 2014. – 112 б.
5. Юлдашев О. Сайловларда сиёсий технологиялардан фойдаланиш тажрибаси. – Т.: «Янги аср авлоди», 2013. – 72 б.
6. Хамидов С. Гибридная война через призму международного права / Особенности современных международных отношений и приоритеты внешней политики Республики Узбекистан». Сборник статей республиканской конференции. – Т.: УМЭД, 2017. – С. 37-41; Каримов Д.М. «Гибридная война» как современный вид агрессии / Особенности современных международных отношений и приоритеты внешней политики Республики Узбекистан». Сборник статей республиканской конференции. – Ташкент: УМЭД, 2017. – С. 58-65.
7. Таджиев Ш.Ш. Исползование инструментария «мягкой силы» в международных отношениях // Международные отношения – УМЭД, 2018. № 2 – С. 107-117.; Махмудов Ш.А., Таджиев Ш. Мамлакат имиджини ошириш борасида хорижий тажрибалар // Миллий тараққиёт: хавфсизлик, барқарорлик ва аҳл қўшничиликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари: республика илмий-амалий конференция материаллари (2019 йил) – Фарғона, 2019. – Б. 198-203.

Сиёсий технологияларга оид илмий тадқиқотларни ривожлантириш масалалари
Махмудов Ш.А. Самарқанд давлат университети

Резюме. Ушбу мақолада мамлакатимизда сиёсий технологияларга оид амалга оширилган илмий тадқиқотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, сиёсий жараёнлар самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларнинг йўналишлари белгилаб берилган.

Таянч сўзлар: сиёсий технологиялар, сайлов технологиялари, “гибрид уруш”лари, манипулятив технологиялар, “юмшоқ куч”, сиёсий конфликтлар, “рангли революциялар”.

Вопросы развития научно-исследовательских работ по политическим технологиям
Махмудов Ш.А. Самаркандский государственный университет

Резюме. В статье проанализированы исследования о политических технологиях, реализованных в нашей стране, а также определены направления научных исследований по повышению эффективности политических процессов.

Ключевые слова: политические технологии, технологии выборов, «гибридные войны», манипуляционные технологии, «мягкая сила», политические конфликты, «цветные революции»

The issues of development of scientific research works on political technologies
Makhmudov Sh.A. Samarkand State University

Summary. This article analyzes the research on political technologies implemented in our country, as well as identifies areas of scientific research to improve the effectiveness of political processes.

Key words: political technologies, election technologies, “hybrid wars”, manipulation technologies, “soft power”, political conflicts, “color revolutions”.

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Саидова Г. Ҳ.
Тошкент давлат педагогика университети

Замонавий таълим стратегияси ҳар қандай ўзгаришларга ижодий ёндаша оладиган, мавжуд муаммоларни ноанъанавий и сифатий ҳал эта оладиган инсонларни тарбиялашдан иборат. Барча тахсил олувчиларга шахснинг ижодий йўналганлигини ривожлантириш ва ижодиёт тажрибасини шакллантириш учун ўз салоҳиятини намоён қилишга имкониятларни тақдим қилиш зарурияти гуманистик таълим парадигмаси оқимида мутахассис касбий тайёргарлигини амалга оширишга йўналтиради. Бу инсон қадриятлари, ижодда намоён бўладиган ноёбликка аҳамият беришни кўзда тутади. Ҳақиқий ижодиёт ўз табиатига кўра инсонийдир, сабаби у ижодкор ва ривожланиш ва шахс мустақил ривожланишига олиб келади. Барча инсонарвар моделларга қуйидаги умумий талаблар қўйилади: шахс томонидан ижодий ўзини намоён қилиш усулларининг эркин танланиши содир бўладиган маданий-тарбиявий муҳитни яратиш, маданий қадриятларда иштирок этиш, мустақил ривожланиш ва ҳар бир болани социумга ва ҳаётда ўз ўрнини топишга мослашишида социал-педагогик муҳофаза, ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашни амалга ошириш.

Ижодкорликнинг ўзи нима эканлигини аниқлагандан сўнг ижодий фаолиятни ташкиллаштириш мезонини танлаш мумкин. “Ижодкорлик” тушунчаси кўпгина фанларнинг таҳлилий асоси саналади. Уни аниқлаш тафовути ушбу қобилиятнинг серқирра эканлигини акс эттиради. Тадқиқот доирасида, энг аввало, муаммонинг асосий тушунчалари- “ижод”, “ижодкорлик”, “педагогик ижодкорлик” кабиларнинг мазмун-моҳиятини аниқлаштиришга қаратамиз ва уларнинг айримларини келтириб ўтамиз: “Ижод деганда кенг маънода шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ва маънавий оламни инсоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг ёҳтиёжлари, истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкор фаоллиги” тушунилади.

Ижодкорликнинг ноёб эканлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Махсус адабиётларда ижодкорлик тушунчасининг у ёки бу талқинлари мавжуд, ижодий жараённинг моҳияти, тузилиши, инсоннинг ижодий қобилиятларининг шаклланиши борасида турли фикрлар келтирилади. Мана шу ерда эътиборни “ижодкорлик” тушунчаси қўлланилишининг серқирралигига қаратиш лозим. У “фаоллик”, “фаолият”, “жараён”, “фаолият тури”, “фаолият кўриниши” сифатида талқин қилинади. Унинг турли томонлари “ижодиёт аввали”, “ижодий имконият”, “ижодий қобилият”, “ижодий имконият”, “ижодий тафаккур”, “ижодий фаоллик”, “ижодий муносабат”, “ижодий фаолият”, “ижодий меҳнат”, “ижодкор шахс”, “ижодий ўзига хослик” тушунчаларида акс этади. Сўнги йиллар мобайнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим-тарбия жараёнидаги фаолияти ва ўқувчининг билим олиш самарадорлигини ривожлантириш методикаси доирасида Республикамизда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

М.Р.Ҳазратқуловнинг “Адабий таълимда иншонинг ўрни ва уни ташкил этишнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида иншони ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятлари, методик тамойилларини белгилаш, иншо турлари, уларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ҳамда иншоларни текшириш, баҳолаш бўйича илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқишган. Айниқса, иншо ёзишда модулли инструкциялардан фойдаланиш ўқувчиларда ёзма нутқ малакаларининг ривожланишига, мустақил фикрлаш кўникмасининг ошишига асос бўлиши аниқланган, бошланғич синфларда оғзаки ва ёзма иншоларни ташкил этишда жамоавий, эркин ва индивидуал ёндашув ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш билан бир қаторда уларнинг ақлий, руҳий, маънавий юксалишига таъсир этиши асосланган ҳамда умумтаълим мактабларида иншо ёзишнинг мақсади, шакли, мавзуси ва жанрига кўра турлари таснифланган, иншони ташкил этишда ўқитувчи компетентлилиги муҳим ўрин тутиши далилланган; иншони таҳрир қилиш, текширишнинг адабиёт дарсларига хос тартибқоидалари ишлаб чиқилган ҳамда уларни баҳолаш мезонлари такомиллаштиришга кенг эътибор қаратилган. [1, 45 б.].

Ғ.Ҳ.Ҳамроевнинг «Умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш» номли Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларнинг методик таъминотини такомиллаштириш ёритилган. Жумладан, фонетика ўқитиш жараёнида талаффузи ва имлоси қийин нутқ товушларини ўзлаштиришда одатлантирувчи машқлардан фойдаланиш адабий талаффуз кўникмасини ривожлантириб, имловий саводхонликни оширган, фонетикага доир ўқув материалларини такомиллаштиришда талаффузнинг ҳудудий муаммолари инобатга олиниб, фонетик таҳлил учун танланган ўқув материаллари полифоник, полифункционал бўлганда самарадорлик юқори бўлиши исботланган; машқ ва топшириқ тушунчалари компетециявий ёндашув нуқтаи назаридан фарқланиб, уларнинг асосий қўлланилиш ўринлари белгилаб берилган, нутқий компетенцияни ривожлантириш учун фонетика бўлимини ўқитиш жараёнида ўқувчилар қатъий ёд олиши лозим бўлган ва ёддан билиши лозим бўлмаган ўқув материалларининг чегараси аниқлаган ҳамда фонетикага доир ўқув материаллари методик таъминотининг мазмун, усул ва воситалари фонетик компетенцияни ривожлантириш нуқтаи назаридан такомиллаштирилган [2, 52].

Г.Ш.Файзуллаеванинг “Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш (V-IX синфлар мисолида)» мавзусидаги Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш мазмуни, шакли, восита ва методлари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Айниқса, умумий ўрта таълим босқичларида адабиёт ўқитиш жараёни бадиий асар мутолааси билан ўзаро узвийлигига эришиш, бунда ўқувчилар ёши билан боғлиқ ўзгаришларни ҳисобга олиш орқали ўқувчи ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг педагогик парадигмалари аниқланган, адабий таълимнинг узвийлиги воситасида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, бадиий-эстетик тафаккурини ўстириш методлари ва адабий таълим узвийлиги модели “кеча-бугун-эртага” ўқитиш тизими орқали такомиллаштирилганлиги далилланган, ахборотлар ҳажмининг тўхтовсиз ўсиб бориши шароитида ўқувчиларда шакллантириладиган адабий таълимга доир компетенцияларнинг узвийлиги, тадрижийлиги, модуллилиги, интегративлиги, мавзулараро боғлиқлиги омиллари очиб берилган ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дастури мавзуларининг синфлар кесимида ўзаро мувофиқлиги ҳамда компетенциявий ёндашув асосида адабий таълим узвийлигини такомиллаштиришга доир илмий методик тавсиялар ишлаб чиқишга эришилган [3].

Х.С.Бакиеванинг «Бошланғич синф ўқувчиларида мустақил таълим орқали нутқ ва тафаккурни ривожлантириш методикаси» номли педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида бошланғич синфларнинг она тили таълимида мустақил ишлар орқали ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу ўринда, бошланғич синфларнинг она тили таълимида мустақил ишлар воситасида ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантириш мазмунининг педагогик (педагогик тренинг, пинбоард, прагматизм, эргономика) ҳамда психологик (праксиология, перцептив) хусусиятлари интерактив ва технологик омиллар (off-line, операцион ўйинлар) таҳлили мисолида аниқлаштирилган, бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга доир компетенциявий ёндашув мезонлари аниқлик, изчиллик, натижавийлик, самарадорлик, қиёсийлик, мантиқийлик, долзарблилик тамойиллари асосида тизимлаштирилган, бошланғич синфларнинг она тили таълимида техник воситалар ёрдамида ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантириш мазмуни, амалий ва натижавий таркиби мотивацион, коммуникатив-когнитив ёндашув асосида такомиллаштирилган ҳамда бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси технологиялари ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган қарашлар, усуллар ва тавсиялар асосида электрон таълим ресурси яратилганлигини ҳам келтириб ўтиш жоиз [4, 50].

М.У.Туйчиеванинг “5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш тизими” мавзусидаги Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мақсади 5–7-синф адабиёт дарсларида берилган ўқув материалларини тадқиқ этиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий- методик асосларини белгилаш атрофлича ёритилган. Жумладан, 5–7-синф адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув мазмунининг психологик (қизиқиш, идрок, характер, мулоқот, ирода, хотира), педагогик (фаолиятни бошқариш, эмоционал-иродавий стимул ҳосил қилиш, интеллектуал фаолиятни ривожлантириш) ва дидактик (кетма-кетлилик, онглилик, кўрсатмалилик) жиҳатлари ўқув материалларини такомиллаштириш тизими асосида аниқланган, 5–7-синф адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини шакллантиришда ўсмирлик ёш даври хусусиятлари ҳамда адабий

таълимнинг креатив компонентининг аналитик тафаккурни ривожлантириш кўрсаткичлари асосида бадиий матнни ўзлаштириш методикаси такомиллаштирилган, 5–7-синф адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштиришнинг самарали шакл, усул ва воситалари "Ўқишлиликнинг Флеш индекси"асосида тизимлаштирилган ҳамда адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини жаҳон талаблари – "Ўқишлиликнинг Флеш индекси"га мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган [5, 52].

А.Т.Балтаеванинг "Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш технологияси" номли педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатишга йўналтирилган методик тизимни аниқлаш, назарий жиҳатдан асослаш, ҳамда назарий эмпирик тавсиялар ишлаб чиқилган. Асосан, ўқувчиларда танқидий тафаккурни шакллантириш орқали уларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш жараёни методик муаммо сифатида илмий асосланган, адабиёт дарсларида ўқувчиларни асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатишга йўналтирилган маъруза, суҳбат, семинар-тренинг, мунозара, амалий машқлар устида ишлаш каби дарс турлари ишлаб чиқилган, адабиёт дарсларида асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш жараёнининг технологик асослари ўқувчиларнинг маънавий-интеллектуал, когнитив кўникмалари, таянч компетенцияларини ривожлантириш мисоллар асосида далилланган ҳамда ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш жараёнининг технологик асослари ишлаб чиқишга кенг эътибор қаратилган [6, 50].

Ф.А.Раҳматованинг «Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини такомиллаштириш» номли Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини компетенциявий ѐндашув асосида такомиллаштиришдан имкониятлари ёритилган. Айниқса, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккури, касбий тайѐргарлигининг (фаолиятли, инновацион, амалиѐтга йўналганлик) ташкилийтузилмавий компонентларини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари "Математика ўқитиш методикаси" фанини амалиѐтга йўналтириб ўқитишда имитацион технологиялар (дебат, тренинг, ишбилармонлик ўйинлари, ролли ўйинлар)га устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган, математик тафаккурни ривожлантирувчи компетенцияларни (математик саводхонлик, мантиқий тафаккур, математик билимларни амалиѐтда қўллаш) креатив ѐндашув асосида такомиллаштиришга имкон берувчи замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш ("Математика ўқитиш методикаси" фани мисолида) йўллари ишлаб чиқилган ва талабаларнинг касбий тайѐргарлик жараѐни такомиллаштирилган, математик тафаккурни такомиллаштириш тизимли-функционал моделининг ташкилий-методик компоненти сифатида инновацион ўқитишнинг коллоборатив (гуруҳий мунозаралар, ҳамкорликда ўқиш, ўқув лойиҳалари), когнитив (касбий билимга йўналганлик), педагогик фаолиятга шахсий муносабатни акс эттирувчи ҳиссий (касбий муносабат ва эҳтиѐж) муносабатни қарор топтиришнинг компонентлари интеграцияси устуворлиги асосида аниқланган ҳамда математик тафаккурни такомиллаштиришга қаратилган педагогик, касбийпедагогик креативликни, дидактик, технологик интегратив топшириқларни бажариш методларини (вариантларни танлаш, морфологик таҳлил, моделлаштириш) қўллаш интерфаол таълим технологиялари (кейс-стади, "CMAPT технология") ва дидактик воситалар ("IQ" тестлари, муаммоли видеотопшириқлар, муаммоли масалалар) асосида такомиллаштирилган, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [7, 47].

Д.М.Элмуратованинг «Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш (Табиатшунослик ўқитиш методикаси мисолида)» номли педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайѐрлаш методикасини такомиллаштиришдан иборат. Жумладан ушбу мақсадни амалга оширишда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион касбий фаолияти (ташқи рағбатлантириш, обрўни сақлаш, касбий, шахсий ривожланиш) мотивлари, креатив, технологик ва дидактик мақсадлари (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) касбий фаолиятга оид параметрларни аниқлаштириш, фаол ахборот алмашиниш, ўқув материалларини тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантириш асосида аниқлаштирилган, "Табиатшунослик ўқитиш методикаси" фанининг назарий, амалий, методик, дидактик, технологик кўрсаткичлари, даражалари ва баҳолаш мезонлари (ностандарт, креатив ўқув ва тест топшириқлари) таркиби табиийилмий саводхонликни баҳолашга оид талабларни (рефлексив баҳолаш, ўзлаштирган билимларни амалиѐтда қўллаш, инновацион фаолият) белгилаш асосида аниқланган, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини табиатшунослик фанидан инновацион касбий фаолиятга тайѐрлаш сифати дидактик материаллар (креатив фикрлашга оид мисол ва масалалар,тестлар ва кроссвордлар) табиий-илмий саводхонлик даражасига қўйиладиган талаблар (англаш, тушуниш, амалиѐтга татбиқ этиш) асосида аниқлаштирилган ҳамда "Табиатшунослик ўқитиш методикаси" фанини ўқитиш мазмунининг дидактик, методик имкониятлари PEST таҳлили воситасида замонавий таълим технологиялари (муаммоли, интерфаол)дан фойдаланишга устуворлик бериш асосида такомиллаштириш атрофлича асосланган [8, 48].

Юқорида илмий таҳлили келтирилган тадқиқотларда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий фаолиятларини ривожлантириш борасида қатор илмий-методик ёндашувларга дуч келамиз. Масалан ўқув материаллари билан ишлашда ижодий фаолиятни ривожлантириш борасида: иншонинг ўрни ва уни ташкил этишнинг илмий-методик асослари; фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш; ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш; ўқув материалларини такомиллаштириш тизими; бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш технологияси; бадиий

матн орқали интеграциялаб ўқитиш каби илмий тадқиққотлар ўзининг амалий аҳамияти билан етакчи ўрин эгаллайди.

Бошланғич синф ўқитувчиларнинг таълим тизимида олиб бориладиган ижодий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш борасида қуйидаги илмий ёндашувларнинг амалий аҳамитини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: бошланғич синф ўқувчиларида мустақил таълим орқали нутқ ва тафаккурни ривожлантириш; бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини такомиллаштириш; бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш; бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришга тайёрлаш тизимини; бошланғич синф ўқитувчиларининг репродуктив маданиятини такомиллаштириш; бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини; бошланғич синф ўқиш дарсларида матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш методикасини; бошланғич синф ўқувчиларида математик компетенцияларни шакллантириш тизимини; бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш; бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур тезлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари; бошланғич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш; бошланғич таълим ўқитувчиларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш тизимини такомиллаштириш; бошланғич таълим самарадорлигини оширишда интеграциялашган технологиядан фойдаланиш

Ушбу илмий таҳлиллардан шу нарса аён бўлдики бошланғич синф ўқитувчиларининг она тили фанида ижодий фаолиятларини ривожлантириш методикаси доирасида етарлича тадқиқотлар мавжуд эмас ва бугунги тараққиёт замонида бошланғич синф ўқитувчиларининг она тили фанида ижодий фаолиятларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этиши билан фарқланади. Чунки, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқувчида она тилга бўлган илк меҳрни мустаҳкамловчи, ривожлантирувчи ҳамда такомиллаштирувчи шахс сифатида намоён бўлади. Бу аҳамиятли вазифани амалга оширишда аввалambор ўқитувчининг ижодий фаолияти яхши шаклланган бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. М.Р.Ҳазратқуловнинг “Адабий таълимда иншонинг ўрни ва уни ташкил этишнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.
2. Ғ.Ҳ.Ҳамроевнинг «Умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш» номли Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.
3. Г.Ш.Файзуллаеванинг “Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш (V-IX синфлар мисолида)» мавзусидаги Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.
4. Х.С.Бакиеванинг «Бошланғич синф ўқувчиларида мустақил таълим орқали нутқ ва тафаккурни ривожлантириш методикаси» номли педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.
5. М.У.Туйчиеванинг “5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш тизими” мавзусидаги Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.
6. А.Т.Балтаеванинг “Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш технологияси” номли педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.
7. Ф.А.Раҳматованинг «Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини такомиллаштириш» номли Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.
8. Д.М.Элмуратованинг «Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш (Табиатшунослик ўқитиш методикаси мисолида)» номли педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий фаолиятларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати
Саидова Г. Ҳ. Тошкент давлат педагогика университети

Резюме. Мақолада ижод ва ижодкорлик тушунчаларининг таҳлилий асосолари, бошланғич синф ўқитувчиларнинг таълим тизимида олиб бориладиган ижодий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш борасида илмий ёндашувларнинг амалий аҳамияти, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий фаолиятларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: ижодиёт аввали, ижодий имконият, ижодий қобилият, ижодий имконият, ижодий тафаккур, ижодий фаоллик, ижодий муносабат, ижодий фаолият, ижодий меҳнат, ижодкор шахс, ижодий ўзига хослик.

Современное состояние развития творческой деятельности будущих учителей начальных классов
Саидова Г.Х. Ташкентский государственный педагогический университет

Резюме. В статье рассматриваются аналитические основы концепций творчества, практическая значимость научных подходов к совершенствованию творческой и педагогической деятельности учителей начальных классов, современное состояние развития творческой деятельности будущих учителей начальных классов.

Ключевые слова: творческое начало, творческая возможность, творческие способности, творческие возможности, творческое мышление, творческая деятельность, творческое отношение, творческая деятельность, творческая работа, творческая личность, творческое своеобразие

The current state of the development of the creative activity of future primary school teachers
Saidova G.H. Tashkent State Pedagogical University

Summary. The article examines the analytical foundations of the concepts of creativity, the practical significance of scientific approaches to improving the creative and pedagogical activity of primary school teachers, the current state of development of the creative activity of future primary school teachers.

Key words: creativity, creative opportunity, creative abilities, creative opportunities, creative thinking, creative activity, creative attitude, creative activity, creative work, creative personality, creative originality

ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ИШ ТУРЛАРИ

Алкарова Ф. Н.
Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти

Ўқувчиларнинг амалий фаолликларини ташкил этиш жараёни технология дарсларининг ўзига хос хусусиятларга эгалигини кўрсатади. Технология дарсларида ДТС талабларига амал қилган ҳолда меҳнат қуролларини ва иш материалларини ўрганиш жараёни ўқувчи шахсиятини шакллантиришнинг асосини ташкил этишига ишонч ҳосил қилдик. Технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий ҳамда ижодий фаолликларини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун технология таълимининг амалий қийматини оширишга эътибор қаратиш лозим. Чунки материалларни ўрганиш асосида ўқувчиларнинг уларни идрок этишлари жадаллашади. Бунинг учун технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий фаолликларини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион усуллар ва методлардан фойдаланиш талаб этилади. Бу жараёнда ўқувчилар нафақат алоҳида касбий билимларни ўзлаштирадилар, балки улар муайян ҳаракатнинг ўзига хос жиҳатлари, ўзбек халқининг касб-ҳунар соҳасидаги тажрибалари, аньаналари ҳақидаги ўзига хос билимларни ўзлаштириш, янги билимларни мустақил излаш, уларнинг моҳиятини чуқур тушуниш имкониятига эга бўладилар [1,158].

Шу билан бир қаторда, ўқувчилар репродуктив фаолият билан ҳам шуғулланадилар. Технология ўқитувчиси ўқувчиларнинг репродуктив фаолият тажрибасини эгаллаш билан боғлиқ бўлган методларни ҳам қўллаши лозим. Ўқувчиларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш жараёнида ўқув материаллари мазмуни ва таркибига ўқитувчи томонидан тақдим этилган ўқув материалларини такрорлаш, улар устида ишлаш, мазкур материаллар асосида саволлар тузиш каби топшириқларни ҳам киритиш лозим. Технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий фаолиятларини ташкил этишда уларнинг тафаккурини шаклланишига алоҳида эътибор қаратилади. Агар ўқитувчи бундай машғулотлар жараёнида ўқувчиларга касбларга оид билимлар ва ахборотларни тизимли тарзда тақдим этса, уларни мустақил излаб топиш йўлларини кўрсатмаса, уларнинг амалий кўникмалари етарлича фаоллашмайди.

Амалий фаолиятнинг турли кўринишларда ўқувчиларнинг касбий тафаккурларини шакллантириш, технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш турли нуқтаи назарлар, далилларга нисбатан турлича қарашларни қиёслаш ва танқидий фикрлашни ривожлантириш орқали амалга ошади. Ўқувчилар шуни англаб етишлари керакки, улар тафаккурининг асоси универсал характерга эга эмас. Шахс дунёқарашининг бошқа турли тизимлари ҳам мавжуд. Ҳар бир ўқувчи шахсий нуқтаи назар ва қарашга эгалигини тушуниб етиши лозим. Уларни асослаш кўникмасини эгаллаш вазиятида ўқитувчилар амалий ишларини тизимли тарзда ташкил этишлари ва ўқувчиларга ўз фикрларини, ҳаракатларини асослаш усуллари, методлари ва йўлларини кўрсатиб беришлари керак [3, 43].

Бугунги кунга келиб ўқувчилар амалий кўникмаларини фаоллаштиришнинг муҳим шаклларидан бири – материаллар билан ишлашга йўналтирилган амалий машғулотлардир. Амалий кўникмаларини ҳосил қилувчи машқлар, методик қўлланмалар мазмунида ўз ифодасини топиши лозим. Уларнинг мазмунида ўқувчиларнинг амалий фаолликларини таъминлашга хизмат қиладиган савол ва топшириқлар, муаммоли саволлар, ижодий машқлар, мустақил, ижодий фикрлашга ундовчи мавзуларни такрорлашга йўналтирилган саволлар, фикрий операцияларни амалга ошириш кўникмаларини ишга соладиган иш турлари акс этиши лозим. Бундай методик воситалар, айниқса иш турлари ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Амалий топшириқларини тўлақонли тарзда шакллантириш ўқитувчиларнинг амалий фаолиятларида алоҳида аҳамиятга эга Амалий топшириқлар амалий фаолиятнинг турли даражаларида ўқувчиларнинг харакатларини бошқариш имконини беради.

5-СИНФ

ТЕХНОЛОГИЯ ВА ДИЗАЙН ЙЎНАЛИШИ

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси бўлими

Мавзу: **Стикер қоғозларидан суньий гуллар ишлаб чиқариш технологияси**

Дарс мақсади:

Таълимий: ўқувчиларга суньий гуллар ясаш усуллари, бунда қўллаш мумкин бўлган хом-ашё турлари, қўлланадиган асбоблар ҳақида маълумот бериш;

Тарбиявий: ўқувчиларга техника хавфсизлиги қоидалари, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш лозимлигини уқтириш, ўқувчиларни тез ва озода ишлашга ўргатиш, ўқувчиларда тежамкорлик фазилатларини шакллантириш;

Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг суньий гулларни тайёрлаш босқичларини бажаришга оид кўникма ва малакаларини шакллантириш, илмий изланишга, техник ижодкорликка йўналтириш, сабр-тоқат, дид ва фантазиясини шакллантириш.

Дарс типи: Янги билим берувчи, кўникма ва малакаларни шакллантириш; **Дарс шакли:** Назарий ва амалий машғулот; **Дарс методи:** Оғзаки, мунозара, кўргазмали амалий;

Моддий техник жиҳатдан жиҳозлаш ва кўргазмали қуроллар: Кўргазма, намуна материаллар, модел, макет, стенд, проекцион материаллар, видеоматериаллар, электрон материаллар, компьютер, плакатлар.

Фойдаланиладиган методлар: Оғзаки, кўргазмали, гуруҳларда ишлаш, “ БББ”, “Ақлий хужум”, каби интерактив методлар.

Режа: 1.Ташкилий қисм-5; 2.Ўтилган мавзуни такрорлаш-10; 3.Янги мавзунинг баёни-30; 4.Янги мавзуни мустаҳкамлаш-40; 5.Уйга вазифа бериш-5

Машғулотнинг бориши: Сунъий гуллар тарихи милоддан аввалги II-III асрларга бориб тақалади. Сунъий гуллар ҳақидаги биринчи эсталиклар Қадимги Хитой ва қадимги Миср билан боғлиқ.

Қадимги Хитойда гуллар ипакдан тайёрланган бўлиб, атрофдагиларни гўзаллиги ва нафислиги билан лол қилган. Таъкидлаш жоизки, суньий гуллар ишлаб чиқариш учун нафақат ипак, балки фарфор, чинни ёки металлдан ҳам фойдаланишган. Мисол учун, яшаш хоналарида декоратив лойдан, пергамент, патлар ва бошқа материаллардан тайёрланган гуллар қўлланилган. Ўша пайтларда матодан тайёрланган сунъий гуллар нафақат биноларни, балки кийим-кечакларни ҳам безарди (хонимлар бош кийими, зодагонлар кийимлари).

Қадимги Мисрда, аёллар соч турмакларини ҳам сунъий гул билан безатишган, бу эса уларга янада жозибадорлик ва назокат бахш этган.






XIII аср охирида заводларда гуллар қўл билан тайёрланган. Бу жуда арзонга тўланадиган анча машаққатли иш еди. Аёллар ва болалар асосан гул ишлаб чиқаришда ишлашган. Ўша кунларда зарарли бўёқлар гуллар ёки қоғоз учун матоларни қоплаш учун ишлатилган, чунки улар ходимларнинг соғлиғига зарарли бўлган зарарли таркибий қисмларни ўз ичига олган.

Тайёр квадрат шаклидаги ранг-баранг стикер қоғозидан суньий гуллар ясаш кетма-кетлиги (Технологик харита)





Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш учун ижтимоий меҳнат вазиятларини ўқув жараёнига оли б кириш лозим. Бундай ёндашув ўқувчиларнинг ижтимоий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш имконини беради. Натижада муайян фаолиятни амалга оширишга йуналтирилган ижтимоий вазиятлар имитациялаштирилади. Бу жараёнда ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида воқеликнинг моҳиятини англаб, у ҳақидаги ўз нуқтаи назарларини таркиб топтирадилар.

Ўқитувчи фаолияти бевосита ўқувчилар фаолияти таркибига киради. Шунга кўра, унинг натижаларига ҳам таъсир кўрсатади. Шуни алоҳида изоҳлаш керакки, бундай шароитда ўқитувчи фаолияти ҳам, ўқувчи фаолияти ҳам билиш субъекти ҳисобланади. Улар ўзаро алоқадорлик асосида субъект-объект муносабатларини тартибга солади. Шунинг учун ҳам билишнинг қуйидаги алгоритмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро муносабатларининг уйғунлиги ва алоқадорлигини англаган ҳолда педагогик муносабатлар йўналишини аниқлайди, ўқув жараёнини ташкил этиш усуллари ва воситаларини танлайди. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш майлларини ҳисобга олади ва мазкур жараённи мақсадга мувофиқ тарзда йўналтиради. 2. Ўқитувчи ўз педагогик фаолиятининг мақсади, вазифалари, воситалари, шарт-шароитларини англаган ҳолда уни ижтимоий-педагогик вазиятлар билан уйғунлаштиради,

ўқувчиларнинг билиш жараёнларини режалаштиришга ўзини улар ўрнига қўйишга ҳаракат қилади. 3. Ўқитувчи ўқувчиларга ўз билимларини амалий фаолиятларда қўллаш ўрни ва ҳолатларини кўрсатади, турли усуллар ёрдамида уни намойиш қилишга одатлантиради. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўз билимларини амалда тадбиқ этиш учун шароит яратади.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб педагогик-психологик омиллар орасида ўзаро субъект-субъект муносабатлари билан бир қаторда, уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ўқувчилар сабаб-оқибат боғланишларини тушунишга интиладилар. Лекин бунинг учун уларда ижодий тафаккур етарлича шаклланмаган бўлади [2,56]. Ўқувчиларнинг диққатлари ва қизиқишларини босқичма-босқич амалий ишлар ёрдамида барқарорлаштириш талаб қилинади. Бу эса ўқувчиларнинг ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштиришларига имкон беради. Бунинг учун ўқувчиларнинг амалий кўникмалари моҳиятини ойдинлаштириш, уни кўникмага айлантириш учун муайян машқларни ташкил этиш талаб қилинади. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши лозим.

Бунда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда топшириқларини табақалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Чунки уларнинг ёш хусусиятлари билиш имкониятларини белгилайди. Шунинг учун ҳам уларда мустақилликка интилиш истаги кучли бўлади. Бунинг натижасида уларда умумий тарздаги ҳаракат фаоллиги кузатилади. Улар мустақилликка кўпроқ интила бошлайдилар. Дунёқарашлари борган сари кенгаяди. Фикрий фаоллик кўрсата бошлайдилар. Бу эса уларда ижтимоий тафаккурнинг шаклланишига асос бўлади. Шу асосда ўқувчиларнинг ҳиссий кечинмалари, ҳис-туйғулари яққол намоён бўлади. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишда уларга хос бўлган бундай хусусиятлар ижодий топшириқларни бажаришларига таъсир кўрсатади. Масалан, ўқувчиларда тайёр билимлар ва жавобларга салбий муносабат, репродуктив фаолиятни хушламаслик, барча нарсалар ҳатто уй вазифаларини "ўзим бажараман" деган қатъий ёндашув қарор топади. Бу билишнинг шакллантирувчи даражасига ўтишга сабаб бўлади. Ўқувчиларда бир ёқлама иш турларидан қониқмаслик кузатилади. Улар қатъий назорат шаклларига кескин қарши чиқадилар. Бу эса мазкур даврда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш учун турли-туман методик воситаларни қўллашни тақозо қилади. Худди мана шу босқичда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини самарали фаоллаштириш учун технология дарсларини табақалаштирилган ёндашув асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда қуйидаги ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олиш талаб қилинади: 1. Шакллантирувчи даражада ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ташкил этиш репродуктив усулда эгалланган билимлар уларнинг мустақилликларини таъминлаш мақсадида янги шаклга кўчирилади ва ижодий изланиш даражасида такомиллашади. 2. Технология дарсларида таълим беришга оид турли дидактик ёндашувларни уйғунлаштириш ўқув жараёнига компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш имконини бериб, амалий кўникмаларини ташкил этиш ва фаоллаштириш усуллари ва методларини интеграциялашга кўмаклашади. 3. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари сирасига ўқув топшириқларининг компетенциявий ёндашув принципига амал қилган ҳолда танлаш зарурлигини кўрсатиш мумкин. Бу принципдан ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш усуллари ва методларини танлашда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [4, 113].

Юқорида айтилган фикрлар қуйидагиларни таъкидлаш имконини беради: 1. Технология дарсларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муайян изчилликда ташкил этиладиган ҳаракатларига боғлиқ. Бунда ўқитувчи муайян методик воситалар йиғиндисидан фойдаланади. Мазкур методик воситалар ўқувчиларнинг амалий фаолликларини таъминлаш учун қулай дидактик шарт-шароитларни вужудга келтириб, билимларни унумли ўзлаштирилишларини таъминлайди, Технология таълими мазмунини ўзлаштириш асосида зарур кўникмаларини эгаллаш имконини беради. 2. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш имконини берадиган илмий методик йўналишлар компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараёнида қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга эришиш сохасидаги ёндашувлар ва механизмларни мазкур мақсадга йўналтириш, шу асосда ўқувчиларнинг қизиқишлари, хоҳишлари, диққатлари, қарашлари, изланишлари, ҳаётий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш, бунда билиш жараёнини субъект-субъект муносабатлари асосида ташкил этиш, ўқув жараёнига муаммоли вазиятларни олиб киришга эришиш; компетенциявий ёндашувга асосланган таълим амалиётига ўқитиш алгоритмини жорий қилиш, шу орқали назарий материаллар билан илмий далиллар орасидаги ўзаро муносабатни таъминлаш; компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув жараёнида репродуктив усуллар билан изланишга асосланган усуллар орасидаги алоқадорликни таъминлаш мақсадида умуминсоний маданият намуналарини тақдим этишга хизмат қиладиган, шу асосда ўқувчиларнинг ижтимоий меҳнатга оид тафаккурини ривожлантиришга имкон берадиган махсус ўқув усуллари ва иш турларини қўллаш.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ифодаловчи кўрсаткичлар дидактик нуқтаи назардан уларнинг зарур билимлар билан қуролланишларига хизмат қилади. Бу эса уларнинг жадал фикрлашлари кўрсаткичи бўлиб, ўқув жараёнида ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва компетенцияларининг сифатини ифодалайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Маҳмудов М.Ҳ. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари. Пед. фан. докторлик. дисс..–Тошкент, 2003.
2. Педагогика. Энциклопедия. III жилд. Жамоа // Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017.

3. Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. Докт.. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2015.
4. Тожибоева Х.М. Ўқувчи-ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик тизими: фалсафа доктори (PhD) даражаси олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент. – 2018.

Технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга хизмат қиладиган иш турлари
Алкарова Ф. Н. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти

Резюме. Ушбу мақолада технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий фаолликларини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион усуллар ва методлардан фойдаланиш мухим ахамиятга эга эканлиги ёритилган. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб педагогик-психологик омиллар ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: амалий фаолият, репродуктив фаолият, касбий тафаккур, умуминсоний маданият намуналари.

Виды работ по активизации практических навыков учащихся на уроках технологии
Алкарова Ф.Н. Научно-педагогический исследовательский институт Республики Узбекистан

Резюме. В данной статье подчеркивается важность использования инновационных методов и приемов, которые служат для обеспечения практической деятельности учащихся на уроках технологии. Обсуждаются многие педагогические и психологические факторы, способствующие развитию практических навыков учащихся.

Ключевые слова: практическая деятельность, репродуктивная деятельность, профессиональное мышление, примеры общечеловеческой культуры

Activities relevant to use of practical skills of students in technology classes
Alkarova F.N. Uzbekistan Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences

Summary. This article emphasizes the importance of using innovative methods and techniques that serve to ensure the practical activities of pupils in technology lessons. Many pedagogical and psychological factors that contribute to the development of practical skills of pupils are discussed.

Key words: practical activity, reproductive activity, professional thinking, examples of common human culture

---

FIZIKANI O‘QITISHDA TIZIMLI-FAOLIYATLI YONDASHUV

Seytimbetova G.A
Qoraqalpoq davlat universiteti

Amaldagi davlat ta’lim standarti «talabalarning faol o‘quv va bilim faoliyati, o‘z-o‘zini rivojlantirishga va uzluksiz ta’limga tayyorlikni shakllantirishni» ta’minlaydigan tizimli-faoliyatli yondashuviga asoslangan. Faoliyatli yondashuvi oliy o‘quv yurtlarida fizikani o‘qitish jarayonida ustuvor ahamiyatga ega, chunki u ko‘plab metodik muammolarni hal qilish uchun maqbuldir.

Oliy ta’lim tizimidagi fizika bo‘yicha zamonaviy o‘quv jarayonining muammolari orasida turli maktablardan oliy ta`lim muassasalariga kirayotgan talabalarning ko‘pchiligining umumta’limiy harakatlari va politexnik ko‘nikmalarini shakllantirish darajasining pastligi; bir tomondan, texnik profildagi mutaxassisliklar bo‘yicha ham o‘quv rejasidagi predmet bo‘yicha soat sonining doimiy ravishda qisqarishi va boshqa tomondan fizika bo‘yicha davlat ta’lim standartining yuqori talablari. Predmetlar bo‘yicha test natijalari shuni ko‘rsatadiki, maktabda eksperiment o‘tkazishda amaliy ko‘nikmalarni shakllantirishga etarlicha e'tibor berilmaydi. Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, taxminan 60% talabalar uchun o‘lchov vositasining, masalan, o‘lchagichning bo‘linish narxini hisoblash yoki asbobdan, masalan, termometrdan aniq ko‘rsatkichlarni olish, o‘lchovlarning ishonchliligini baholash, qisqa, aniq xulosani shakllantirish va va boshqalar. Boshqacha qilib aytganda, ko‘plab talabalar, shu jumladan o‘rtacha balli shahodatnomaga ega bo‘lganlar, «kundalik darajadagi» kompetentsiyalarga ega emaslar. Shu munosabat bilan fizika bo‘yicha ish dasturi, o‘quv vaqtining 30% laboratoriya amaliyotiga bag‘ishlangan va ushbu turdagi mashg‘ulotlar samaradorligini oshirish uchun dars jadvali bo‘yicha umumiy guruh ikki kichik guruhga bo‘linadi [4, 111-114].

Tizimli-faoliyatli yondashuvining quyidagi didaktik tamoyillariga muvofiq fizikadan laboratoriya praktikumini tashkil etish masalasi haqida batafsil to‘xtalamiz: 1. Faoliyat tamoyili - shundan iboratki, talabalar bilimlarni tayyor shaklda emas, balki laboratoriya ishlarini bajarishda o‘zlari olishadi, chunki Suqrot aytganidek: «Noyni chalishni faqat, o‘zing o‘ynash orqali o‘rganish mumkin». 2. Uzluksizlik tamoyili - laboratoriya mashg‘ulotining barcha bosqichlari orasidagi soddalikdan murakkabga qaray uzviylik [2, 144]. Laboratoriya praktikumining kirish darsida laboratoriya ishi paytida fizika xonasida xavfsizlik bo‘yicha ko‘rsatmalar beriladi, o‘lchov xatolarini baholash algoritmi ko‘rib chiqiladi, ish bo‘yicha hisobot tayyorlash qoidalari belgilanadi va talabalarning boshlang‘ich tartibga soluvchi o‘quv harakatlaridagi bilim darajasini aniqlash uchun eng oddiy «Nisbiy namlikni o‘lchash» mavzusidagi laboratoriya ishi olib boriladi. mavzu. Bu jarayonda talabalar «O‘lchov vositasining bo‘linish narxini qanday hisoblash mumkin?», «Qurilmadan ko‘rsatkichni qanday olish kerak?», «Ishlash uchun xulosani qanday qilib to‘g‘ri shakllantirish kerak?» qoidalarini eslab qoladilar va kerak bo‘lganda daftarga yozadilar [3, 352]. 3. Butunlik tamoyili - tabiiy ilmiy bilish usullari (kuzatish, o‘lchash, tajriba) tizimini o‘zlashtirish. 4. Minimaks tamoyili - talabaning tanlagan ixtisosligi va fan bo‘yicha asosiy tayyorgarlik darajasini hisobga olgan holda davlat bilim standartining minimal miqdorini o‘zlashtirishiga imkon berish, darsda o‘qituvchining ishini minimallashtirish va talabaning faolligini oshirish. 5. Psixologik qulaylik tamoyili - laboratoriya ishlarini amalga oshirish juftlik bilan amalga oshiriladi, bu esa o‘quv jarayonining stressni shakllantiruvchi omilining pasayishiga olib keladi, talabalarning mustaqil ishi va o‘qituvchining pedagogik birga ishlash g‘oyalari asosida o‘qituvchining konsultatsiya berish faoliyati natijasida dars do‘stona muhitda o‘tkaziladi. Laboratoriya ishi davomida talabalarning o‘zaro yordami umumiy muammolarni hal qilish, ularning monologik va dialogik nutqlarini takomillashtirish uchun jamoada konstruktiv munosabatlarni o‘rnatish qobiliyatini rivojlantirishga, boshqa nuqtai nazarni tushunish va boshqa fikrga bo‘lgan huquqni tan olish qobiliyatiga yordam


beradi. 6. O‘zgaruvchanlik tamoyili - talabalarning individual ta’lim traektoriyalarini shakllantirish uchun laboratoriya ishlarini bajarish uchun ko‘p darajali uslubiy ko‘rsatmalarni ishlab chiqish. Talaba oldiga qo‘yiladigan amaliy vazifa uning intellektual qobiliyatiga mos kelishi kerak, shuning uchun uchta mustaqillik darajasining tavsiyalari tayyorlandi: o‘qituvchi ishning maqsadini aniq shakllantirganda, amalga oshirish bo‘yicha batafsil ko‘rsatmalarni taqdim etganda va talaba erishishi kerak bo‘lgan yakuniy natijani ko‘rsatganda; o‘qituvchi ishning maqsadini aniq shakllantirganda va tadqiqotning asosiy yo‘nalishlarini ko‘rsatganda, talabalar o‘z harakatlari tartibini belgilashi, bilvosita o‘lchovlar va xatolarni baholash uchun formulalarni topishi kerak; o‘qituvchi yakuniy natijani shakllantirmasdan muammoni ko‘rsatganda, jihozlar ro‘yxatini taqdim qilganda va talabalarning vazifasi ishning maqsadini shakllantirish, eksperimental muammoni hal qilish uchun umumiy g‘oyani topish, tadqiqotni rejalashtirish, ishni bajarish, natijalarni qayta ishlash va xulosani shakllantirishdir. 7. Ijodkorlik tamoyili - yuqori bilim faolligi bo‘lgan talabalar uchun sharoit yaratishdir, chunki darsda laboratoriya ishining mavzusi darsdan tashqari loyiha faoliyati bo‘lishni to‘xtatadi.

Laboratoriya ishini tashkil etishda talabalar bilim olishni qanday xohlashlari va bilishlari uchun o‘quv jarayonini faollashtirish uchun sharoitlar yaratish kerak. Fizika o‘qituvchisining vazifasi talabaga u yoki bu faktning to‘g‘riligiga shubha bilan qarashni o‘rgatishdir, «bilim bilan hamkorlikda tug‘ilgan shubha, bilim dunyosida fikr uchun yo‘l ochadi, ishonch va shaxsiy mustaqillikni keltirib chiqaradi», ya’ni, faktlarni, hodisalarni, hodisalarni tahlil qila oladigan, mustaqil ravishda baholay oladigan va olingan bilimlar asosida dunyoga o‘z qarashlarini shakllantiradigan insonni tarbiyalash [6, 63].

Fizikadan ish dasturiga kiritilgan fizikaning laboratoriya ishi didaktik maqsadlari bakalavr darajasining fizik bo‘lmagan yo‘nalishi talabalari uchun quyidagilarni ajratish mumkin:

1. To‘g‘ridan-to‘g‘ri va bilvosta o‘lchovlarni o‘tkazish va ularning xatolarini baholash, shuningdek, eng oddiy elektr zanjirlarini yig‘ish qobiliyatini rivojlantiradigan fizik miqdorni o‘lchash:

- «Rezinaning Young modulini o‘lchash»;




1-rasm

- «O‘tkazgichning solishtirma qarshiligini o‘lchash»;
- «Tok manbaining EQK va ichki qarshiligini o‘lchash»;
- «Difraksion panjara yordamida yorug‘lik to‘lqin uzunligini o‘lchash».

2. Fizik qonuniyatlarni tekshirish, har xil o‘lchov vositalaridan to‘g‘ri foydalanish, eksperimental ma’lumotlarni tahlil qilish va umumlashtirish ko‘nikmalariga amal qilinganda, miqdorlarnii o‘lchash xatolari baholanadi:

- «Boyl-Mariott qonunini eksperimental tasdiqlash»;
- «Ideal gaz uchun holat tenglamasini tekshirish»;
- «O‘tkazuvchilarning ketma-ket ulanishini o‘rganish» (2 a-rasm);
- «O‘tkazuvchilarning parallel ulanishini o‘rganish» (2 b-rasm).

A) b)




2-rasm.

3. Fizik kattaliklarning bog‘liqligini aniqlash, bu jarayonda nafaqat elektr zanjirlarini yig‘ish va o‘lchov natijalarini jadval va grafik usullar bilan ko‘rsatish qobiliyatlari, balki nutq qobiliyatlarini shakllantirish (fizik atamalar va tushunchalar yordamida o‘z fikrlarini bildirish, fikringizni aniq ifodalash) va ham mustahkamlash:

- «O‘tkazuvchilardagi tokning uning uchlaridagi kuchlanishga bog‘liqligini tekshirish»;
- «Yarimo‘tkazgichli diodni o‘rganish».

4. Kuzatuv, diqqatlilik, bilish va qiziqishlari rivojlanadigan fizik hodisalarni muammoli o‘rganish, miqdoriy qonuniyatlarni o‘rnatish, laboratoriya ishi jarayonida olingan hodisaning xarakterli xususiyatlarini aniqlash, oddiy mantiqiy harakatlarni bajarish qobiliyati: «Elektromagnit induktsiya hodisasini o‘rganish»; «Yorug‘likning qaytishi hodisasini o‘rganish»;

- «Yorug‘likning sinishi hodisasini o‘rganish»;



3-rasm. Ikki muhit chegarasida yorug'likning sinishi va qaytishi.

- «Dispersiya hodisasini o'rganish» [1, 81-88].



4-rasm.

5. Qurilma bilan ishlash va qurilmaning ishlash printsipi Bilan tanishadi, o'zlarining ilmiy tadqiqot faoliyatini mustaqil ravishda tashkil etish ko'nikmalarini rivojlantirish uchun asosiy intellektual operatsiyalardan (gipoteza, tahlil va sintez, taqqoslash, umumlashtirish, tizimlashtirish, sabab-oqibat aloqalarini aniqlash, o'xshashlarini qidirish, ilmiy xulosalarni shakllantirish) qo'llanilishi: «Zanjirdagi tok va kuchlanishni sozlash»; «Transformatorning ishlash printsipini o'rganish»; «Yarimo'tkazgichli fotoelementni tadqiq qilish»; «Radiatsion fonni o'lchash».

Shunday qilib, fizika bo'yicha laboratoriya mashg'ulotlari jarayonida talabalar faoliyatining tizimli ravishda ishlab chiqilishi mumkin: kognitiv (nazariy va eksperimental muammolarni hal qilishning etarli usullarini o'zlashtirish), o'z ta'lim faoliyatini axborot-kommunikativ, oqilona tashkil etish (maqsadlarni belgilash, maqsadlar va vositalarning optimal nisbati) va refleksiv faoliyatlar (ularning faoliyatini kuzatish va baholash ko'nikmalarini egallash, harakatlarning mumkin bo'lgan natijalarini oldindan bilish qobiliyati. Qurilmalar va jihozlar bilan ishlashda talabalarning kelgusidagi kasbiy faoliyatida va kundalik hayotida, shuningdek tanlangan kasbiy faoliyatda qo'shimcha mashg'ulotlarga va malaka oshirishga tayyorligi hamda bunda fizik kompetentsiyalarning roli to'g'risida xabardor bo'lishiga, o'zlarining intellektual rivojlanish darajasini, o'z-o'zini baholash, g'oyalar yaratish va ularni amalga oshirish uchun zarur vositalarni aniqlash qobiliyati.

ADABIYOTLAR

1. Axmedov A.A. Fizika mashg`ulotlari jarayonida talabaning eksperimental kompetentligini ta'minlash // Pedagogika. – Тошкент: 2018. – № 1. – Б. 81-88.
2. Беспалько В.П., Татур Ю.Г. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. –М.: Высшая школа. 1989. -144 с.
3. Джораев М., Саттарова Б. Физика ва астрономия ўқитиш назарияси ва методикаси. – Т.: Фан ва технология, 2015. -352 б;
4. Карлыбаева Г.Е. Физикадан билим бериш самарадорлигини оширишнинг баъзи омиллари ҳақида // Муғаллим ҳам үзликсиз билимлендириў. –Нукус: –2018. –№1. -Б. 110-114.
5. Махмудова С.Ю. Мактаб физика таълим мазмунини намойишли тажрибалар асосида такомилллаштириш. Пед.фан.номз…дисс автореферати. –Тошкент: 2004. -20 б.
6. Хуторский А.В. Системно-деятельностный подход в обучении: Научно-методическое пособие. –М.: Изд. «Эйдос», 2012. – 63 с.

Fizikani o'qitishda tizimli-faoliyatli yondashuv
Seytimbetova G.A. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume. Tizimli-faoliyatli yondashuvi fizikani o'qitish jarayonida ustuvor ahamiyatga ega, chunki ko'plab metodik muammolarni hal qilish uchun maqbuldir: talabalarning o'zini rivojlantirish va uzluksiz ta'limga tayyorligini shakllantirish, asosiy intellektual operatsiyalarni rivojlantirish, tabiatshunoslik usullari (kuzatish, o'lchash, eksperiment) tizimini o'zlashtirish.

Tayanch so'zlar: tizimli-faoliyatli yondashuvi, laboratoriya praktikumi, fizika, tadqiqot, kuzatish, o'lchash, tajriba.

Системно-деятельный подход в обучении физике
Сейтимбетова Г.А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье обосновывается, что системно-деятельный подход является приоритетным в процессе обучения физике, т.к. является оптимальным для решения многих методических проблем: формирование готовности студентов к саморазвитию и непрерывному образованию, развитию основных интеллектуальных операций, овладению системой методов естественнонаучного познания (наблюдение, измерение, эксперимент).

Ключевые слова: системно-деятельный подход, лабораторный практикум, физика, исследование, наблюдение, измерение, эксперимент

Systemic-activity approach in training physics
Seytimbetova G.A. Karakalpak State University

Summary. The system-activity approach is a priority in the process of teaching physics, because it is optimal for solving many methodological problems: the formation of students' readiness for self-development and continuous education, the development of basic intellectual operations, mastering the system of methods of natural science (observation, measurement, experiment).

Key words: system-activity approach, laboratory practice, physics, research, observation, measurement, experiment.

ЎРТА МАСОФАЛАРГА ЮГУРУВЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИ ҲОЛАТИ

Олимов М. С.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Долзарблиги: Юрт келажаги бўлган ёшларни ватанпарвар, мамлакат тараққиётига даҳлдор, ижтимоий масъулятли қилиб тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт асосий восита бўлиб ҳизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш, жисмоний тарбия ва спорт мутахасисларини рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлаш, уларни билим ва малакаларини такомиллаштириб бориш асосий вазифаларимиздан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон Қарорида оммавий спорт турларини ривожлантириш асосида иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларида мақсадли тайёрлаш вазифалари кўрсатиб ўтилган. Барчамизга маълумки, ушбу қарор ва фармонларни ижросини таъминлаш, амалиётга жорий этиш зарур. Ўрта ва узоқ масофага югурувчиларни жисмоний ривожланиши албатта муҳим омиллардан саналади. Қолаверса, уларни тана тузилишида тана узунлиги, оғирлиги, қўл ва оёқ узунлиги, функционал кўрсаткичларидан ўпканинг тириклик сиғими, юрак уриш сони артериал қон босими ва бошқа физиологик кўрсаткичлар яхши шаклланган бўлиши керак. Чунки ушбу кўрсаткичлар ўрта ва узоқ масофага югурувчиларда спорт натижасини юқори даражада кўрсатишга имкон берадиган асосий омиллар саналади. Бундан ташқари ўрта ва узоқ масофага югуришда юқори спорт спорт натижасини кўрсатишга ҳизмат қилади. Бундан ташқари жисмоний ривожланиши ўрта ва узоқ масофага югурувчиларни қадамлар узунлиги ва частотасига қолаверса, югуриш тезлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шунинг учун ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларни саралашда ушбу кўрсаткичларни эътиборга олиш лозим. Қолверса, улар билан ўтказиладиган машғулот юкламаларини режалаштиришда жисмоний ривожланиш ва функционал кўрсаткичларини бошқа омиллар сингари инобатга олиш бугунги кунда соҳада ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалардан саналади.

Ўрта масофаларга югурувчиларни жисмоний ривожланиши спортчиларни организими ёш бўлганлиги сабабли ўсиш ва ривожланиш жараёнининг давом этаётгани билан тавсифланади, у нисбатан хотиржам ва бир маромда алохида аъзолар ва тизимларда ўсиш сурати кузатилиши билан ифодаланади, шунингдек бир вақтда жинсий етилиш ҳам якунига етади. Шу муносабат билан гавда тузилишидаги ўзгаришлар организмнинг жинсий ва индивидуал фарқланиши ҳам аниқ намоён бўлади. Бу ёшда тананинг бўйга ўсиши секинлашади ва унинг ҳажми энига қараб ўса бошлайди. Ўсмир йигитлар ва қизлар ўртасидаги тана шаклидаги фарқланишлар максимал даражага етади. Ўсмирлар бўйининг ўсиши ва тана вазни бўйича қизларни қувиб ўтишади. Ўсмирларни (ўртача) қизларга нисбатан 10 – 12 см. га баланд ва 5 – 8 кг.га оғирроқ бўлиб, уларнинг мушаклари массаси бутун тана массасига нисбатан 13 фоизга оғирлашиши ва тери ости ёғ тўқималари массаси эса қизларникига қараганда 10 фоизга камлиги билан ифодаланилади. Шунингдек ўсмирларнинг гавдаси бир оз калтароқ, қўл ва оёқлари қизларникига нисбатан узунроқ бўлади. Инсон организми ривожланишининг сўнгги якунловчи босқичи бошланиши 18-20 ёшдан 25-28 ёшгача давом этади. [А.И. Икрамов, В.И. Дубровский ва бошқалар]

Тиббиёт амалётида 15 дан 18 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар деб ҳисобланади. Биологик нуқтаи назардан эса жинсий етуклик бошланишидан то охригача бўлган даврдир. Ўғил болалар ва қизлар ўртасида вояга етиш жараёнлари ҳамда ривожланишида тафовутлар борлиги, бундан ташқари, организмнинг ривожланишида жуда катта индивидуал тебранишлар мавжудлиги билан ифодаланилади.

Ўсмирлик даврида организмнинг эркак ёки аёл жинси бўйича гормонал қайта қурулиши ва шаклланиши ва ўз якунини топади. Ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида жинсий тафовутлар аниқ номоён бўлади. Ўғил болаларда тана тузилишининг ўзига хос хусусияти кенг елкалар ва кўкрак қафаси, тор чаноқ ҳисобланади. Қиз болаларнинг қоматига юмалоқликка хос, сонларнинг айланаси елка камари айланасидан фарқланишлари билан яққол кузатилади. Ўсмирларни суяклари бир мунча йуғон ва мустахкам бўлади, бироқ суякланиш жараёни бутунлай тўхтайди. Умуртқа поғонаси бир мунча бақувватлашади, кўкрак қафаси эса жадал ривожланида давом этади, бу йилларда улар деформатцияга камроқ учрайди, ҳатто бир мунча оғирликдаги куч келиши зўриқишларни кўтаришга қодир бўлади. [А.А. Баранов 2012 й.]; [И.И. Саттибаев 1998 й.]

Бу даврда мушак тизимининг ривожланиши асосан тугалланади.

- Қиз болаларда эса мушак оғирлиги 15ёш гача шаклланса ўғил болаларда эса 18 ёшларгача келиб катталарнинг кўрсаткичларига яқинлашади. Бунда ўғил болалардек мушаклар кучи қиз болаларникидан тахминан 30 фоизга кўп бўлади. Мушакларнинг чидамлилиги 20-30 ёшгача орта боради. Пубертат олди ва пубертат ёшда ўсиш ҳамда ривожланишдаги кечадиган жараёнлар, айрим ҳолларда ўсмир саломатлигига ноқулай таъсир кўрсатиш эҳтимоли ҳам бор. Ушбу даврда юзага келадиган тиббий муаммоси ҳам ана шунда. Шу боиси, айрим тана аъзолар ва тизимларининг ривожланиши бир вақтнинг ўзида бир хил ривожланмайди. Айрим аъзоларининг етилиши умумий ривожланишининг боришидан илгарилаб, бошқаларида эса аксинча кечикади, бунинг натижасида организмнинг оптимал фаолият кўрсатиши вақтинча бузилади. Бундай ҳолатни физиологларнинг айтишича: кўпинча юрак – томирлар тизими фаолиятида номоён бўлади ва юракнинг ўсиши томир тизимининг ривожидан илгарилаб кетганда ёки ундан орқада қолганда кузатилишини В.И. Дубровский ўз тадқиқотларида исботлаб берган. Кўпчилик ҳолатда, организмнинг шаклланиши тугалланган сўнг бу функционал бузилишлар барҳам топади.

Ўрта масофага югурувчи 17-20 ёшли спортчи қизларда. ЎТС ўрта ҳисобда 3200 мл дан 4200 мл гача, йигитларда эса 4000 мл дан 4900 мл гача ташкил қилади. Уларда ўпканинг максимал вентилцияси ва ҳам кўпаяди ва дақиқасига 81 ва 75 мл.га чиқади. Ўпканинг мутлақ ва нисбий кўрсаткичи қийматлари ошишда давом этади. Бинобарин, катта ёшдаги спортчиларда ўпка ва нафаси органларини захира имкониятлари катталиги билан ифодаланилади. Спортчилар тайёрлаш тизимида ўрта масофага югурувчиларни жисмоний ривожланиши ёки морфологик кўрсаткичларини ўрганиш учун кўпчилик олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Улардан В.Д. Сячин берган маълумотда тана узунлиги 18-20 ёшли ўрта масофага югурувчиларни ўртача 176,87 ± 4,51 см ни ташкил этишини кўрсатган бўлса, тана оғирлиги 66,61 ± 5,1 кг тенглиги кўрсатиб ўтилган.

Кўкрак қафас кенглиги бўйича эса ўрта масофага югурувчилар 92,84 ± 2,71 тенглигини кўрсатади. Оёқ узунлиги у берган маълумот бўйича 95,37 ± 3,49 см ни ташкил этган. Сон айланади 53,71 ± 2,35 см ни ташкил этганлигини кўрсатган. Ушбу олинган маълумотларни тадқиқотга жалб этилган спортчилар билан қиёсий таҳлил этганимизда тадқиқотга жалб этилган 24 нафар ўрта масофага югурувчиларда тана узунлиги ўртача 173,9 ± 238 см га тенглиги кузатилди. Тана оғирлиги эса ўртача 60,3 ± 3,49 кг тенг эканлиги тадқиқотда аниқланди. Тананинг бел узунлиги 90,5 ± 2,23 см га тенг эканлиги тадқиқотда аниқланди. Навбатдаги оёқ узунлиги бўйича ўтказилган тажрибада 83,9 ± 2,40 см га тенг эканлигини кўрсатди. Оёқ узунлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотда бошқа спортчиларга қараганда бизнинг спортчиларда бел қисми оёқ қисмига нисбатан узунлиги аниқланди. Бу спортчини келиб чиқишига, географик жойлашувига ва иқлим шароити билан боғлиқлигини кўрсатади. Кўкрак қафас кенглиги эса 90,5 ± 2,38 см га тенг эканлиги кузатилди.

Биз томонимиздан жисмоний ривожланганлигини аниқлаш бўйича олинган натижалар. 1- жадвалда берилди.

1-жадвал. Тажриба гуруҳи синалувчиларининг тадқиқот олдида жисмоний ривожланиш динамикаси.

№	Кўрсаткичлар / Ф.И.Ш	Тана узунлиги (см)	Тана вазни (кг)	Бел қисми узунлиги (см)	Оёқ узунлиги (см)	Нафас олганда (см)	Нафас чиқарганда (см)	Тинч холатда (см)
1	Х.А.	178	64	96	82	97	94	96
2	Р.Ш.	174	63	90	84	93	88	90
3	С.Б.	172	61	87	85	91	86	88
4	М.З.	173	56	89	84	93	87	90
5	А.Х.	177	58	91	86	96	91	92
6	Р.Ж.	175	67	95	80	97	91	93
7	Ж.Ф.	172	57	90	82	93	87	90
8	А.К.	170	56	89	81	91	86	89
9	Б.Ў.	176	62	93	83	94	88	91
10	А.П.	176	64	92	84	95	89	92
11	О.Р.	173	59	90	83	92	86	89
12	Р.Н.	171	56	89	92	90	84	87
13	Ж.Н.	173	61	91	82	94	94	96
14	А.Г.	176	62	90	86	93	88	90
15	А.М.	171	58	89	82	90	86	88
16	М.Н.	170	55	87	83	88	87	90
17	О.Т.	176	60	91	85	92	91	92
18	Н.И.	172	58	89	83	91	91	93
19	Б.А.	177	60	92	85	96	87	90
20	А.С.	172	60	91	84	93	86	89
21	Д.Ф.	174	58	88	86	92	88	91
22	Р.К.	177	64	91	86	96	89	92
23	Х.С.	175	68	91	82	93	86	89
24	С.Х.	174	62	89	85	93	84	87
Ўртача кўрсаткич		173,9±2,38	60,3±3,49	90,5±2,23	83,9±2,40	93,0±2,31	88,0±2,72	90,5±2,38

Олинган натижаларни В.Д. Сячин берган маълумотлар билан қиёсий таҳлил этилганда, тана узунлиги бўйича 3 см га ортда қолаётган бўлсак, тана оғирлиги бўйича 6 кг фарқ борлиги кузатилган бўлса, кўкрак қафас кенглигида сезиларли фарқ йўқлиги аниқланди. Тадқиқот жараёнида асосий фарқлар оёқ узунлигида кузатилди. В.Д. Сячин берган оёқ узунлиги бўйича маълумотлардан 10-12 см фарқ борлиги аниқланди. Тананинг бел қисмини ривожланганлигини аниқаш бўйича ўтказилган тадқиқотда уларда 81,5 см ташкил этса, Бизнинг спортчиларда бу кўрсаткич 90,5 ± 2,23 см га тенг эканлиги кузатилди. Тадқиқотда асосий фарқ тананинг бел узунлигида 9,0. см гача ташкил этиши билан фарқланади. Ўтказилган тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, спортчиларимизнинг жисмоний ривожланганлиги тана узунлиги ва бел қисмини узунлиги билан бошқа спортчиларга нисбатан тана узунлиги фарқланди. Демак, бу 800 м масофага югурувчиларни оғирлик марказини бошқа спортчиларга нисбатан пастроқ жойда жойлашганлигини кўрсатади. Бу спортда муҳим аҳамиятга эга бўлиб қадамлар узунлиги частотаси, югуриш тезлигига ўз таъсирини кўрсатади. Чунки 800 м масофага югуришда спорт натижасининг самарадорлии тўғридан-тўғри жисмоний ривожланиш билан ҳам боғлиқ, 800 м масофага югурувчи спорт усталигига номзод спортчилардан бутун масофа бўйлаб югуришида ўртача 7,15 м/с тезликда югурса, қадамлар узунлиги 165-172 см ташкил этади. Қадамлар частотаси эса ҳар сонияда 4,10-4,05 м тенг бўлади. Старт бошлангандан кейинги югуришда югуриш тезлиги ўртача 7,20

м/с тенг бўлса, қадамлар узунлиги 165-173 см ни ташкил этади, қадамлар частотаси эса ҳар сонияда 4,10-4,05 га тенг бўлади. Масофанинг сўнгида маррага кириб келишда югуриш тезлиги 7,20 м/с тенг бўлса қадамлар узунлиги ўртача 168-175 см ни ташкил этади. Қадамлар частотаси эса ҳар сонияда 4,12 - 4,06 ташкил қилади. Албатта бунда спортчининг жисмоний ривожланганлиги бошқа омиллар қаби спортчини спорт натижаларини ўсишига ҳизмат қилади.

Хулосалар. Ўтказилган жисмоний ривожланганликни аниқлаш бўйича педагогик тажриба натижалари қуйидаги хулосаларни қайд этиш имконини берди: Илмий услубий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 800 м масофага югурурчи спортчиларни жисмоний ривожланганлик ҳолатини тавсифлаш бўйича етарлича адабиётлар ишлаб чиқилмаган. Ўрта масофага югурувчи спортчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларига йўналтиришда шуғилланувчилар ичидан иқтидорли спортчиларни саралаб олишни тўғри йўлга қўйишни талаб этади. Чунки ўрта ва узоқ масофага югурувчиларни тайёрлаш тизимида уларни тана узунлиги, кўкрак қафас кенглиги кенг бўлган, оёқ узунлиги белга нисбатан узун бўлган спортчиларда қадамлар узунлиги частотаси ва қадамлар сони муҳим аҳамият касб этиб, юқори спорт натижаларига эришишига имкон яратади.

Ўрта масофага югурувчиларни 800-1500 м масофага йўналтиришда энг аввал антропометрик кўрсаткичларини эътиборга олиш лозим. Бу эса спортчилар тайёрлаш тизимида машғулот юкамаларини режалаштиришда жисмоний ривожланганлигини бошқа омиллар каби эътиборга олиш лозим. Чунки ушбу омиллар режалаштириш билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бу эса эртанги кун учун заҳира спортчиларни тайёрлаш самарадорлигини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон Қарори.
2. Брин В.Б. Физиология человека в схемах и таблицах. – СПб., 2017.
3. Волцит П.М., Тело человека. Анатомия. Физиология. Здоровье. Иллюстрированная энциклопедия / сост.. – М., 2012.
4. Граевская Н.Д., Долматова Т.И. Спортивная медицина. Курс лекций и практические занятия. – М., 2018.
5. Козлов А.И., Вершубская Г.Г., Антропометрические показатели физического развития и пищевого статуса в практике отечественной гигиены // Вопр. питания. 2019 г. Т.88, № 5. С. 5-16. doi: 10.24411/0042-8833-2019-10048.
6. Никитушкин В.Г., Суслов Ф.П. Спорт высших достижений: теория и методика. – М., 2017.
7. Сапин М.Р., Сивоглазов В.И. Анатомия и физиология человека (с возрастными особенностями детского организма). – М., 2002.

Ўрта масофаларга югурувчиларнинг жисмоний ривожланиши ҳолати

Олимов М. С. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Резюме. Мақолада ўрта масофага югурувчи спортчиларни жисмоний ривожланишини аниқлаш, етакчи олимлар томонидан берилган маълумотлар билан қиёсий таҳлил натижалари ва жисмоний ривожланишни, қадамлар узунлиги, частотаси ва югуриш тезлигига таъсири очиб берилган.

Калит сўзлар: Жисмоний ривожланиш, спортчи, ўрта масофага юриш, антропометрик кўрсаткичлар, қадамлар узунлиги, қадам частотаси ва югуриш тезлиги.

Состояние физического развития бегунов на средние дистанции

Олимов М.С. Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Резюме. В статье описаны результаты сравнительного анализа с данными, предоставленными ведущими учеными, для определения физического развития бегунов на средние дистанции и их влияние на физическое развитие, частоту шагов и скорость бега.

Ключевое слова: физическое развитие, спортсмен, бег на средние дистанции, антропометрические показатели, длина шагов, частота шагов, скорость бега.

The physical condition of middle distance runners

Olimov M.S. Uzbek State University of Physical Culture and Sports

Summary. This article reveals the results of a comparative analysis with the data provided by leading scientists to determine the physical development of middle-distance runners and their effects on physical development, step frequency, and running speed.

Key words: physical development, athlete, middle-distance running, anthropometric indicators, step length, step frequency, running speed.

ОЦЕНОЧНЫЕ НОРМЫ ИНДИВИДУАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЛЬНОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ ФУТБОЛИСТОВ

Исмагилов Д. К.

Узбекский государственный университет физический культуры и спорта

Индивидуальная подготовленность определяется уровнем тренированности, которые основываются на оценочных нормах общей, специальной физической подготовленности и соревновательной деятельности, которые нами разработаны и представлены.

Спортивная подготовка является важным стимулом для молодых спортсменов, повышает стремление тренироваться упорно и настойчиво, выкладывать все силы в достижении цели. В то же время систематические занятия спортом - это мощный фактор способствующий развитию лучших человеческих качеств, воспитанию смелых, сильных, выносливых и закалённых молодых людей подготовленных к труду и защите отечества [3].

В свою очередь повышению эффективности организации процесса физического воспитания студентов могут служить занятия физической культурой по принципу спортивных специализаций. Преимущество подобной формы состоит в праве выбора у студентов того вида спорта, которым они хотели бы заниматься. А

широкий выбор спортивных специализаций обеспечивает интерес к подобной форме проведения занятий у студентов. Учебно-тренировочные занятия на основе избранного вида спорта, повышает уровень психоэмоциональною состояния и мотивации молодых людей, способствует развитию физических качеств и двигательных способностей, пользуется популярностью у занимающихся [2].

В условиях неблагоприятных факторов внешней среды, экстремальной зоны Приаралья у студентов футбол пользуется особой популярностью. Во внеучебное время в университете организовано отделение спортивного совершенствования по футболу. Проведён констатирующий педагогический эксперимент по определению параметров физического развития (масса тела, длина тела, индекс массы тела); физической подготовленности (прыжки в длину с места, подъём переворотом); специальной физической подготовленности (удар на дальность сильнейшей ногой, бег на 3000 м, бег 7х50м, бег 10х10 м, вбрасывание мяча на дальность).

Из математической статистики использованы данные: среднее значение, процент разброса, значимость данного показателя. Все расчёты проведены на персональном компьютере с использованием программы Microsoft Excel. В среднем масса тела составляет X=66,7±4,0 кг, разброс V=6,0%, а значимость высокая R=20, больше среднего значения по данным массы тела имеют 22 футболиста (55%).

В длине тела среднее значение составило X=175±3,8 см наибольшее значение имеет один спортсмен -182 см, наименьшее -170 см, выявлен высокий ранг влияния R=22. В одной из характеристик телосложения ИМТ выявлен в среднем показатель x=21,7±1,1 кг/м^2, что соответствует норме.

№	Параметры	5	4	3	2	1
1	Масса тела, кг	68	67,5	67	66,5	66
2	Длина тела, см	179	177	175	173	171
3	Индекс массы тела кг/м^2	24	23	22	21	20
4	Удар на дальность, м	42	39	35	31	27
5	Прыжки в длину с места, м	284	264	244	224	204
6	Подъём переворотом, раз	12	11	10	9	8
7	Бег 3000м, мин, сек	12.66	12.69	12.72	12.75	12.78
8	7×50м, мин, сек	1.05	1.06	1.07	1.08	1.09
9	Бег 10×10 м, сек	23,5	24,1	24,7	25,3	25,9
10	Вбрасывание мяча на дальность, м	17	16	15	14	13
11	Бег 100 м, сек	11,2	11,4	11,6	11,8	12,0
12	Всего действий, к-во	49	45	41	37	33
13	Эффективность действий, %	76	73	70	67	64
14	Передачи мяча, к-во	34	31	28	25	22

В общей физической подготовленности студенты показывают следующие результаты. В беге на 100 м в среднем показатель X=12,82±0,6 сек. И высоком ранге влияния R=21, из них 55% пробегают эту дистанцию по времени больше среднего результата. В прыжках в длину результат в среднем X=223±36,2 см. Ранг влияния R=22. Лучший показатель - 250 см, а слабый - 210 см. В беге на 3000 м, R=22. Один из студентов показывает результат 12 минут 02 сек, а слабый -14 минут 03 сек, в среднем X=12,72 сек.

По специальным тестам «Алпомиш» нормативы для II ступени (18-34 года) в беге на 100 м на значок -13,1 сек, зачёт -14,0. Практически все сдают на зачёт и 8 студентов сдают на значок. В прыжках в длину 5 (37,51) студентов сдают на значок и 13 (72,5) юношей не сдают на зачёт.

Таблица 1. Оценочные нормы по параметрам физического развития, общей и специальной физической подготовленности студентов отделения спортивного совершенствования

Сравним приведённые данные с показателями юношей Томского юридического института МВД РФ (длина тела X=174,5±0,31, масса тела X=66,3±0,36 кг, челночный без 10х10 м. X=27,38±0,05 сек, прыжки в длину X=242,93±0,75 см).

У автора [1] приводятся параметры студентов Ташкентского государственного экономического университета (длина тела X=175,7±1,1 см; масса тела X=61,3± 1,6кг; индекс массы тела X=20,9±0,4 кг/м).

Таблица 2. Оценочные нормы параметров соревновательной деятельности студентов с учётом игровой функции

№		5	4	3	2	1
	Защитники					
1	Передачи мяча, к-во	34	31	28	25	22
2	Всего ТТД, к-во	49	45	41	37	33
3	Эффективность ТТД, %	76	73	70	67	64
	Полузащитники					
1	Передачи мяча, к-во	41	38	35	32	29
2	Всего ТТД, к-во	52	49	45	41	37
3	Эффективность ТТД, %	82	79	76	73	70
	Нападающие					
1	Передачи мяча, к-во	37	34	31	28	25
2	Всего ТТД, к-во	47	45	43	41	39
3	Эффективность ТТД, %	74	73	72	71	70

Контроль интегральной подготовленности студентов и оценочные нормы игровой деятельности спортсменов

Чтобы управлять тренировочным процессом, вовремя вносить коррективы, необходимо вести контроль интегральной подготовленности студентов. Каждый студент обладает определенными двигательными качествами - силой, быстротой, выносливостью, координацией движения. В свою очередь футболисты разных амплуа - защитники, полузащитники, нападающие, в силу своих функций, выполняют свойственные специализации технико-тактические действия.

Значит, прежде всего, надо уметь определить уровень интегральной и соревновательной подготовленности с учётом игровой специализации. Снижение результатов в тестовых упражнениях и спортивных достижениях указывает на неправильную, недостаточно рациональную тренировку. Они не соответствуют уровню двигательной и соревновательной подготовленности занимающегося и его индивидуальным особенностям. На основе данных экспериментальной группы, разработаны оценочные нормы интегральной и соревновательной подготовленности футболистов (таблицы 1,2).

Планирование годичного образовательного цикла отделения спортивного совершенствования студентов по футболу, на основе инновационной методики совершенствования технико-тактических действий с использованием ситуационного метода, с учётом игровой функции, обеспечивает позитивное влияние на эффективность соревновательной деятельности.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Дадабаев О.Ж. Использование модульного обучения в образовательном процессе по физическому воспитанию студентов. / Мат. проф. – преп. конф. –Ташкент, 2009 Т.1.с. 36-38.
2. Кошбахтиев И.А. Управление подготовкой футболистов. –Ташкент, 2001.-110- с.
3. Исмагилов Д.К. Инновационная технология подготовки юных футболистов групп начальной специализаций: Учебное пособие. – Ташкент, 2015. -80с.

Футбочиларнинг индивидуал интегралли тайёргарликларини баҳолаш нормалари
Исмагилов Д. К. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Резюме. Футболчиларнинг индивидуал тайёргарлигининг тахминий меъёрлари берилган, бу эса футболчиларни тайёрлаш воситаларини асосли равишда тузатишга ёрдам беради. Интеграл таълим, футболчиларнинг рақобатбардош фаолиятда тайёргарликнинг барча жиҳатларини тўлиқ амалга оширишга қодир эканлигини таъминлашга қаратилган.

Таянч сўзлар: individual ma'lumotlar, taxminiy me'yorlar.

Оценочные нормы индивидуальной интегральной подготовленности футболистов
Исмагилов Д.К. Узбекский государственный университет физический культуры и спорта

Резюме. В статье приводятся оценочные нормы индивидуальной подготовленности футболистов, способствующие обоснованной коррекции средств подготовки футболистов**.** Отмечено, что интегральная подготовка направлена на то, чтобы футболисту целостно реализовать в соревновательной деятельности все стороны своей подготовленности.

Ключевые слова: индивидуальные данные, оценочные нормы

Evaluation standards of individual integral fitness of football players
Ismagilov D.K. Uzbek State University of Physical Culture and Sports

Summary. There are given evaluation standards of individual preparedness of football players, contributing to the reasonable correction of means of training football players. It is stated that integral training is aimed at ensuring that the player is able to holistically implement all aspects of fitness in competitive activities.

Key words: individual data, estimated norms.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИ СПОРТ МАЛАКАЛАРИГА ЎРГАТИШ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТАКТИК-СТРАТЕГИК МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Казаков Б., Табынбаев А.
Қорақалпоқ давлат университети

Мустақиллик даварида давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишлари доирасида жадал тараққий этиб келаётган жисмоний тарбия ва спорт сўнгги йилларда Юртимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси ва унинг бевосита раҳбарлигида тамомила янги босқичга кўтарилди. Бу борада бир қатор концептуал фармон ҳамда қарорлар қабул қилинди ва изчиллик билан амалда ўз ифодасини топиб келмоқда. Юртбошимиз томонидан 2017 йил 3 июньдан жорий этилган “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарорида белгиланган стратегик вазифалар, кўрсатмалар ва талаблар соҳа мутасаддилари, мутахасис-тренерлари ҳамда олимларига спортчилар тайёрлаш амалиётида мавжуд муаммоларни бартараф этиш, машғулотлар ўтказиш, ўргатиш ва такомиллаштириш жараёнларини илғор маҳаллий ва ҳорижий тажрибалар, мувофиқ инновацион технологиялар, илмий жихатдан мақсадли ишлаб чиқилган дастурлар асосида ташкил қилиш масъулиятини юклайди. Тан олиш лозимки, айни кунда мазкур йўналишда ҳам амалга оширилиши зарур бўлган муаммолар, бартараф этилиши керак бўлган камчиликлар мавжуддир. Бундай муаммолар аксарият спорт ўйинлари амалиётида, айниқса юқори малакали, рақобатбардош волейболчилар тайёрлашга ихтисослашган спорт мактаблари, спорт клублари, олий спорт маҳорати мактаблари ва, албатта, терма жамоалар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Замонавий волейболнинг устувор хусусиятларидан бири шуки, очко олиш мақсадида ижро этиладиган барча техник-тактил уссулларнинг финал фазаси фақат қўллар ҳаракати билан амалга оширилади.Инсон ҳаётида амалга ошириладиган барча фаолият турлари (уй-рўзғор, меҳнат, санъат, ҳарбий хизмат, сиёсат, спорт ва ҳ.) муайян мақсадга қаратилади. Ушбу мақсадни фойдали натижа билан якунлаш чораси эса бош мия фаолиятига асосланган тактико-стратегик имкониятлар заҳирасига боғлиқдир.

“Стратегия” ва “тактика” – тушунчалари қандай маънони англатади, улар психофизиологик жиҳатдан инсоннинг қайси функционал органларида ўз аксини топади ва нимани эвазига режалаштирилган фаолиятни мақсад сари амалга оширишга хизмат қилади? – деган саволлар туғилади. “Стратегия” – юнонча сўздан олинган бўлиб, ҳарбий соҳада, сиёсат, спорт ва бошқа жараёнларда вазиятни олдиндан ўрганиш асосида режалаштирилган мақсад сари етакловчи энг самарали ҳаракат йўлини англатади. “Тактика” атамаси ҳам юнонча сўздан ташкил топган бўлиб, ўзбек тилида “тартиб” ёки “тартиблаштириш” маъноларини ифодалайди.

Стратегия ва тактика спорт амалиётида ўта муҳим ҳамда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Спортчи жисмоний, морфофункционал ва техник жиҳатлардан юксак тайёргарликка эга бўлса ҳам, агар унинг ихтиёрида “спорт разведкаси” орқали тўпланган рақиб, мусобақа ўтказиш жойи ва шарт-шароитлари ҳақидаги стратегик маълумотлар бўлмаса, мусобақада ғалабага умид боғлаш пучга чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Ушбу масала жамоали спорт ўйинлари турларида, айниқса замонавий волейбол мусобақаларида, устувор аҳамият касб этади.

Маълумки, 1998 йилдан бошлаб волейбол бўйича ўтказиладиган мусобақа қоидаларининг тубдан ўзгартирилиши (ҳужум чизиқларини ён чизиқлардан 178 см.га узайтирилиши, “либеро” ўйин функциясини жорий этилиши, ҳисобни тай-брейк принципида олиб борилиши ва ҳ.) тамомила янги техник-тактик усуллар авлодини “ихтиро” қилинишига сабаб бўлди. Орқа (ҳимоя) зоналардан “ёйсимон-диагонал” йўналишда сакраб ҳужум ҳаракатларини амалга ошириш, сакраб ўйинга тўп киритиш, сакраб ёки жойдан биринчи тўпни қабул қилиш ва мўлжалга етказиш усуллари қайд этилган фикрга мисол бўлаолади.

Ўйин шиддатини кучайтириш ва уни узоқ муддат давомида узлуксиз кечишини таъминлаш мақсадида жорий этилган “тай-брейк” тизими, “Либеро” ўйин функциясининг жорий этилиши, биринчи тўпни қабул қилишда техник хатога эътибор қаратилмаслик ҳолати ва албатта корт тенниси ҳамда баскетбол майдонидан кичик бўлган волейбол майдони ярмида (9х9м) 6 ўйинчининг ўзаро ҳаракат қилиши спортчиларда тезкор фикрлаш, қисқа фурсат ичида вазиятни фарқлаш, таҳлил қилиш, таққослаш, фойдали қарорни қабул қилиш ва уни ижро этиш имкониятларини янгича ёндошув асосида шакллантириш зарурлигига эътибор қаратади.

Қайд этилган фикр-мулоҳазалар волейболга хос ўйин малакаларига ўргатиш, уларни такомиллаштириш ҳамда ўзлаштириш давомида стратегик ва тактик омилларни назардан четда қолдирмасликни тақозо этади (1,2,4,5,6).


Кузатувлар шуни кўрсатадики, бугунги спорт амалиётида ўргатиш ва такомиллаштириш жараёнлари “тренер – спортчи” принципида ташкил этилиши одат тусига кирган. Бошқача қилиб айтганда ушбу жараёнлар тренер ва спортчининг ўзаро ижодий ҳамкорлигида амалга оширилмайди, ўргатиш ва такомиллаштириш давомида ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) омиллар, уларга таалуқли бўлган стратегик маълумотлар ва вазиятга мос тактик хусусиятларга урғу берилмайди. Ўргатиш машқларини ўзлаштириш суръатига таъсир этиши, ўрганувчи организмида қандай функционал, жисмоний, техник-тактик ва психологик ўзгаришлар рўй берганлиги объектив тестлар ва замонавий услублар ёрдамида мунтазам назорат қилинмайди, яъни спортчиларни тайёрлаш жараёнида “тренер – спортчи – тренер – спортчи” ижодий-стратегик тизимига устуворлик берилмайди.

Ваҳолангки, бугунги кунда юқори малакали, рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш бўйича тўпланган халқаро тажрибаларга кўра, ҳаракат малакаларига ўргатиш, уларни такомиллаштириш ва ўзлаштириш, айниқса спортчиларни мусобақага тайёрлаш жараёнларида барча ички ва ташқи тактико-стратегик маълумотларни эътиборга олиш фойдали натижага эришиш имкониятини яратади. Бинобарин, дастлабки тайёргарлик давридан бошлаб кўп йиллик спорт тренировкасининг барча босқичларида ўргатиш ва такомиллаштириш жараёнларини мавжуд ички ва ташқи тактико-стратегик омилларга мувофиқ (ёки уларнинг асосида) ташкил қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилганидек, малакали волейболчиларни тайёрлаш жараёнида муҳокама этилаётган муаммоларга урғу бериш маълум даражада мушкулдир. Гап шундаки, биринчидан, замонавий ўргатиш назарияси ва услубиятига биноан ўргатилаётган ўйин малакаси (масалан волейболда сакраб зарба бериш ёки тўсиқ қўйиш) табиий ҳолатда (мусобақада) қандай ижро этилса, уни спортчида шундай нусҳада шакллантириш тавсия этилади. Бу эса, айниқса сакраб бирор-бир ўйин усулини ижро этишда қарши тактик вазиятларни (тўсиқ зичлиги, рақиб майдонида ўйинчиларни жойлашиши ва ҳ.) тезкор таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилиш жараёнини мушкуллаштиради, натижада стратегик режа фойдали амалга ошмайди. Шундай экан “табиий шартли ҳаракат рефлексига” ўргатиш ва уни шакллантиришда вазиятни ўта тезкор таҳлил қилиш (афферент синтези), маълумотларни таққослаш, фойдали қарорни танлаш ва қабул қилиш, тактико-стратегик жиҳатдан самарали ҳаракатни ижро этиш қобилиятларини такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратади (3).

Маълумки, волейболда сакраб ижро этиладиган ҳужум зарбалари, уларнинг тури (усули), қайси зонадан ҳамда қандай тезликда, йўналишда ва баланд-пастликда узатилган тўпга нисбатан ижро этилишига қараб сакраш кўникмасининг таркибий фазалари, координцион ва биомеханик нусҳаси (мазмуни) ўзига хос ихтисослашган хусусиятлар билан фарқланади. Ана шундай ҳужум зарбаларига ўргатиш жараёнида тактик ҳаракатнинг психофизиологик компонентлари (хотира, диққат, онг, идрок, тафаккур, вазиятни пайқаш, таҳлил қилиш, фарқлаш, таққослаш, қарор қабул қилиш ва фойдали ҳаракатни ижро этиш) алоҳида эътиборга олинмоғи даркор. Биз, волейболга хос ҳужум усулларига ўргатиш ва уларни такомиллаштириш жараёнида эътиборга олинадиган ҳамда дидактик тартибда қўлланиши зарур бўлган психофизиологик компонентлар андозасини ишлаб чиқдик.


1-расмда спорт малакаларига ўргатиш, уларни такомиллаштириш ва спортчиларни мусобақага тайёрлашда қўлланиладиган умумий психофизиологик компонентлар андозаси акс эттирилган. Ушбу жараёнларда дастлабки стратегик “разведка” орқали бўлажак рақиб (жамоа ва жамоа ўйинчилари), мусобақа ўтказиладиган жой шарт-шароитлари (ҳарорат, намлик, атмосфера босими, жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги ва ҳ.)ҳақида тўлиқ маълумотларни тўплаш, уларни онгли равишда диққат билан хотирага киритиш ва сақлаш лозим. Хотирада сақланган маълумотлар видеослайдлар ва видеофильмлар ёрдамида кўриш-эшитиш рецепторлари орқали мукаммаллаштирилади. Сўнгра шу мукаммаллаштирилган маълумотлар ташқи ва ички стресс-қўзғатқичлар таъсирида реал тактик машқлар орқали синов-танловдан ўтказилади, таҳлил қилинади, таққосланади, ҳар бир тактик вазифа бўйича энг фойдали қарорлар қабул қилинади. Кейинги босқичда ушбу жараёнлар муайян тактико-стратегик мақсадга мувофиқ моделлаштирилган ўқув машғулотларида такрорланади ва такомиллаштирилади.



1-расм. Ўргатиш ва такомиллаштириш жараёнида қўлланиладиган психофизиологик компонентлар андозаси.

Қайд этилган жараёнларнинг сўнгги босқичида белгиланган тактико-стратегик мақсад "бўлажак рақиб ва рақиб-жамоа" ўйин тактикасига қарши моделлаштирилган амалий машғулотларда ҳал этилади. Бунда жамоанинг ҳар бир ўйинчиси стратегик "разведка" маълумотларига асосан ўз имконияти ва "рақиблар" имкониятини таққослайди, ўзи ва рақибнинг устун ҳамда заиф жиҳатлари хотирага киритилади (2-расм). Сўнг "рақиб" майдонидаги вазият – ўйинчиларнинг жойлашиши, "заиф" ўйинчилар эътиборга олиниб, хотирада реал асосланган тактик режа лойиҳаси тузилади. Ушбу тактик режага асосан ташқи ва ички стресс-қўзғатқичлар таъсирида ҳар бир ўйин вазиятида ижро этиладиган тактик ҳаракат бўйича ирода "кучи" билан фойдали қарор қабул қилинади ва бу қарор реал вазиятга мос келса (агар фойда келтирса), у дарҳол амалга оширилади.

Фикримизча, техник-тактик малакаларга ўргатиш ва уларни такомиллаштириш, айниқса спортчиларни мусобақага тайёрлашда таклиф этилаётган стратегик маълумотлар ҳамда психофизиологик компонентлардан иборат андозалардан ижодий ёндошув асосида фойдаланиш рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш ва мусобақаларда юксак натижага эришиш имкониятини яратади.



2-расм. Волейболга хос ўйин усулларига ўргатиш ва уларни такомиллаштиришда қўлланиладиган психофизиологик компонентлар андозаси.

АДАБИЁТЛАР

1. Ayrapetyants L.R., Pulatov A.A. Voleybol nazariyasi va uslubiyati. –T.: "Fan va texnologiya" , 2012. – 208b.
2. Анохин П.К. Узловые вопросы теории функциональных систем. –М.: «Наука», 1980. - 200с.
3. Беляев А.В., Савин М.В. Волейбол. –М.: «Фон», 2000 – 368с.
4. Железняк Ю.Д. Волейбол: У истоков мастерства. –М.: «ПРЕСС». 1998 –336 с.

5. Клещев Ю.Н. Волейбол. –М.: «Спорт Академ Пресс», 2003. – 189 с.

Волейболчиларни спорт малакаларига ўргатиш ва уларни такомиллаштиришда тактик-стратегик маълумотлардан фойдаланиш

Казаков Б., Табынбаев А.Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Ушбу мақолада волейбол мисолида спорт малакаларига ўргатиш ва уларни такомиллаштиришда ташқи ва ички тактик-стратегик маълумотлардан фойдаланиш аҳамияти очиб берилган. Жумладан, спорт малакаларига ўргатиш, уларни такомиллаштириш, ўзлаштириш ва спортчиларни мусобақага тайёрлашда фойдаланиладиган тактик-стратегик омиллар андозалари ишлаб чиқилган ва уларни спорт амалиётига жорий этиш афзаллиги таъкидланган.

Таянч сўзлар: стратегия, тактика, ҳужум зарбаси, спорт разведкаси, ташқи ва ички стресс-таъсирлар, психофизиологик хислатлар, ўргатиш, такомиллаштириш, мусобақага тайёргарлик кўриш.

Приоритетность использования учета тактико-стратегическойинформации при организации процесса обучения и совершенствования спортивных навыков

Казаков Б., Табынбаев А. Каракалпакский государственный университет

Резюме.В статье на примере волейбола показана значимость использования комплекса внешних и внутренних тактико-стратегических информаций при обучении и совершенствовании спортивных навыков. В частности, обоснованы важность и приоритетность реализации разработанных тактико-стратегических блок-схем не только при организации учебно-тренировочного процесса, но и для целенаправленной подготовки спортсменов к соревнованиям.

Ключевые слова: стратегия, тактика, наступательный удар, спортивный интеллект, внешние и внутренние стресс-эффекты, психофизиологические качества, тренировка, совершенствование, соревновательная подготовка

Priority of using tactical and strategic information accounting when organizing the learning process and improving sports skills

Kazakov B., Tabynbaev A. Karakalpak State University

Summary. Using volleyball as an example, the article shows the importance of using a complex of external and internal tactical and strategic information in teaching and improving sports skills. In particular, the importance and priority of the implementation of the developed tactical and strategic block-diagrams are substantiated not only in the organization of the educational and training process, but also for the purposeful preparation of athletes for competitions.

Key words: strategy, tactics, offensive strike, sports intelligence, external and internal stress effects, psychophysiological qualities, training, improvement, competitive training

---

ДИДАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ УЧАЩИХСЯ ИНОЯЗЫЧНЫХ ГРУПП

Кабулов С. Т.

Каракалпакский государственный университет.

Сўнгги йилларда аждодлар меросини ўрганиш, тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифалари сифатида қайд этилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистонни барпо этишда мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ватанимиз ёшларининг билим олиши, юксак маънавиятли бўлиб улғайиши учун зарур шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларнинг таълим-тарбия масаласига алоҳида эътиборини қаратган. Мисол учун юртбошимиз 2017 йил 15 июнь куни пойтахтимизда ўтказилган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқида "Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан"[2], деб таъкидлаб ўтдилар.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш жараёнларига турли маънавий таҳдидларнинг салбий таъсири ошиб бораётган бугунги кунда маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишлари

мамлакатимиздаги янгиланиш суратлари, ислоҳотлар таълабидан ортда қолмоқда. Бу эса ёшлар таълим-тарбияси жараёнига янгидан-янги устувор вазифаларни қўймоқда.

Бугунги кунда педагогик адабиётларда “маънавий таҳдидлар” тушунчаси кенг ишлатиб келинмоқда. Аввало бу тушунчанинг моҳиятини англаб олиш зарур. Маънавий таҳдидлар — шахс ахлоқий онгида салбий тушунчалар, туйғулар, хусусиятлар ва сифатларни ҳосил қилувчи иллатлар мажмуидир. Чунки “таҳдид” сўзи ҳавф-хатар, хуруж ва бузиш маъноларини англатади. Шу маънода маънавий таҳдидлар шахсни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган мақсадли хуружлар хисобланади [3]. Жамиятимиз олдида маънавий таҳдидларни олдини олиш ёшларимизнинг таълим-тарбиясини шу каби таҳдидлардан асраш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда. Ёшларимиз маънавий оламини турли мазмундаги маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш учун таълим-тарбия жараёнида қуйидаги вазифалар ечимига эътиборни кучайтириш лозим:

Биринчидан, Ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини янада кучайтиришга қаратилган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини замон талабларига мос ҳолатда олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу бўйича Президентимизнинг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160 сонли қарорида “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат “Маърифат” тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш”[4] каби вазифалар белгилаб қўйилди.

Бу эса ўз навбатида маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб боришни тақозо этади. Ёшларимизда ватанпарварлик ҳиссини янада кучайтириш учун таъсирли ва самарали бўлган методлардан кенг фойдаланишни такомиллаштириш, бунда бугунги замон технологияларидан оқилона фойдаланиш катта самара беради. Ёшларимиз қизиқиб томоша қиладиган ватанпарварлик мавзусидаги филъмлар ва мултфилимларни савиясини ошириш энг таъсирчан усуллардан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бугунги глоббаллашув даврида ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Президентимизнинг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисидаги қарорда “дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш”[5] бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган.

Биз ёшларимизни фан-техника, ахборот технологиялари ютуқларидан, кенг бахраманд бўлишини ҳоҳлаймиз лекин шу билан бирга бу даврнинг таҳдилари уларнинг онгини заҳарлашини ҳам ҳоҳламаймиз.

Учинчидан: Миллий қадриятларимиз ва аждодларимиздан қолган миллий маънавий меросларимизга нисбатан ёшларда ҳурмат руҳини тарбиялаш “оммавий маданият” тарзидаги турли таҳдидларга қарши курашда алоҳида ўрин тутади. Бу соҳада ўрнак бўла оладиган давлатларнинг тажрибасидан фойдаланиш. Президентимизнинг 2017 йил 23 июнда қабул қилинган “**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида ёшларни миллий ва диний қадриятлар руҳида тарбиялаш масалалари ечимига атрофлича тўхталиб ўтилган.** Қарорда **“**жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари мумтоз адабиёт ва санъат намояндалари ижодининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш“[6]га алоҳида муҳим вазифа сифатида айтиб ўтилган. Бу алломаларимизнинг ижтимоий-фалсафий меросида ватанга муҳаббат, меҳнат, тинчлик мавзуси, ижтимоий ҳамкорликка оид қарашлари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу соҳада ривожланган давлатларнинг, Япония, Ҳитойнинг миллий қадриятларини асрашдаги бой тажриба ва методлардан фойдаланиш уларнинг бу соҳадаги ютуқларидан фойдаланиш.

Тўртинчидан, Ёшларимизга таълим-тарбия беришда ислом динининг манбалари Қурони Карим оятлари ва ҳадислардан оқилона фойдаланиш, ёшларда аҳлоқий қадриятларни юксалтиришда диний ташкилотлар имкониятдиан унумли фойдаланиш ҳар қачонгидан муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 23 июндаги “**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида “**ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Муин Насафий, Қаффол Шоший, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, уларнинг илмий-маънавий жасорати, улуғ инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш”[7] бўйича вазифалар белгилаб берилган.

Бешинчидан: Ёшларимизнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини ошириш ишларига алоҳида тўталиб ўтиш зарур. Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"[8] ги қарори бу соҳадаги энг ахамиятли ишлардан бири бўлди. Бу қарор халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этишга ҳизмат қилиб келмоқда.

Бу вазифаларни жамиятда ижросини таминлаш учун давлатимиз барча шароитларни яратиб келмоқда. Ёшларимиз маънавий оламини турли мазмундаги бузғунчи таҳдидлардан ҳимоя қиилишда буюк аждодларимиз меросини тарғиб қилишда оила-маҳалла-таълим-нодавлат ташкилотлари фаолиятини фаоллаштириш, тарғибот тизимининг ниституционал тузилмаси фалоятини янада уйғунлаштиришга эришиш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида
2. Ш.Ш.Мирзиёев. 2017 йил 15 июнъ "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқи.
3. https://www.hidoya.uz/251/maqolalar/_manaviy_tahdid.html
4. "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (ПҚ-3160) 28 июль 2017 йил
5. "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (ПҚ-3160) 28 июль 2017 йил
6. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2017 йил 23 июнь
7. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2017 йил 23 июнь
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида" ги қарори 2017 йил 13 сентябрь

Жасларда интернет қәўпине қарсы идеялық пикирлеўлерди тәрбиялаў ўазыйпалары
Муйдинов А. Низамий атындағы Ташкент мәмлекетлик педагогика институты

Резюме. Мақалада ҳәзирги глоболласыў шәраятында адамлар санасына көрсетилип атырғын түрли информациялық тәсирлер, жасларды ҳәр қыйлы идеялар тәсиринен қорғаў, жаслар тәрбиясында әмелге асырылыўы зәрүр болған ўазыйпалар ҳаққында сөз етиледи.

Таяныш сөзлер: глоболласыў, ғалаба хабар қураллары, ғалабалық мәденият, мәнаўий қәўиплер.

Ёшларда интернет таҳдидларга қарши ғоявий салоҳиятни тарбиялаш вазифалари
Мўйдинов А. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Резюме. Мақолада ҳозирги глобаллашув шароитида кишилар онгига кўрсатилаётган турли ахборий таъсирлар, ёшларни ҳар хил ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, ёшлар тарбияси борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар хусусида сўз юритилади.

Таянч сўз: глобаллашув, оммавий ахборот воситалари, "оммавий маданият", маънавий таҳдид.

Задачи воспитания устойчивости молодёжи к деструктивным Интернет идеям
Муйдинов А. Ташкентский государственный педагогический университет

Резюме. Статья посвящена различным видам информационного воздействия на сознание людей в современных условиях глобализации, задачам воспитания, защиты населения, особенно молодежи от различного рода деструктивных идей.

Ключевые слова: глобализация, средства массовой информации, «массовая культура», духовная угроза

Tasks of cultivating ideological potential in young people against Internet threats
Muydinov A. Tashkent State Pedagogical University

Summary. In the article tells about the different types of information influence on people's minds in modern conditions of globalization, tasks of education, protection of the population, especially young people from the various types of destructive ideas.

Key words: globalization, mass media, "mass culture", spiritual threat

---

TALABA-YOSHLARDA UMUMMADANIY KOMPETENSIYALARNI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI

Dadajonova F. A.
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat Pedagogika Universiteti

XXI asr bo'sag'asida insoniyat tarixida jahonshumul voqea sodir bo'ldi. Dunyoning ikki qutbga bo'linishi barham topib, postsovet hududida mustaqil davlatlar vujudga keldi. Jumladan, O'zbekiston ham o'z milliy davlatchiligi poydevorini qurishga kirishdi. O'zbekiston milliy mustaqilligini mustahkamlashning hozirgi bosqichi jamiyat hayotining barcha bo'g'inlarida tub sifat o'zgarishlarni amalga oshirishni taqozo etmoqda. Ma'lumki, jamiyat ijtimoiy hayotini isloh qilishning ustuvor yo'nalishi ma'naviy hayotni sog'lomlashtirish va takomillashtirish, inson omiliga jiddiy e'tibor berishdan iboratdir. Xalqimizning asrlar osha shakllangan, tadrijiy rivojlangan, sayqal topgan ma'naviyati,

ma’rifati, an’analari, urf-odatlari va qadriyatlari negizida ro‘yobga chiqishi tarixiy zaruriyat bo‘lgan bu jarayon, albatta, milliy istiqlol g‘oyasi va mafkurasi bilan uzviy bog‘liqdir.

Tarixning guvohlik berishicha, ezgu g‘oyalar va xalq manfaati in’ikosi bo‘lgan mafkura jamiyatning barqarorligi va ravnaqini ta’minlaydi. Shuning uchun mustaqillik sharofati tufayli O‘zbekiston o‘z oldiga ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot barpo etish, demokratik, odil, fuqarolik jamiyati qurish, jahon sivilizatsiyasi silsilasida munosib o‘rin egallash kabi eegu maqsadlarni qo‘ydi. Bu milliy g‘oyaning zamirida mamlakatimiz sarhadlari yaxlitligi va xavfsizligini ta’minlash, fuqarolarimizda mafkuraviy immunitetni shakllantirish, jamiyatni barqarorlashtirish va takomillashtirish kabi masalalar ham mujassamdir. Xalqaro maydonda mafkuraviy, g‘oyaviy va informatsion kurash kuchayib borayotganligi, bu kurashning xarakteri yangi mazmun kasb etayotganligi, taktikasi va strategiyasi o‘zgarayotganligi, shuningdek, jahon tinchliksevar kuchlariga katta tahdid solayotganligi hozirgi murakkab va tahlikali sharoitda ma’naviy-ma’rifiy ishlarni davr talablari asosida tashkil qilish dolzarbligini ko‘satmoqda. Shuning uchun O‘zbekiston Prezidenti SH.M.Mirziyoyev “Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma’naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz” [1]1 , - deb ta’kidlaydi.

Xalqimizning hayotga ongli munosabatini shakllantirish, atrofda sodir bo‘layotgan voqealarga daxldorlik hissini oshirish, xususan yoshlarimizni tashqi mafkuraviy xurujlardan himoya qilish muhimdir. Shu bilan qatorda Vatanimiz mustaqilligining ma’naviy asoslarini mustahkamlash, milliy qadriyatlarimiz, an’ana va urf-odatlarimizni avaylab-asrab, xalqimiz, ayniqsa, yosh avlod qalbi va ongiga ona yurtga muhabbat, istiqlolga sadoqat tuyg‘ularini chuqur singdirish dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Chunki mustaqil hayotga qadam qo‘yayotgan yoshlar jamiyatdagi mavjud g‘oyalar ta’sirida tarbiya topadi, voyaga yetadi, bu g‘oyalar ularning dunyoqarashi, e’tiqodini oziqlantiradi. Shu nuqtai nazardan olganda g‘oya yoshlarni muayyan maqsadga yetaklaydigan, safarbar etadigan xususiyatga egadir. Ammo olijanob insonparvar, ezgu g‘oyalarning inson, xususan, yoshlar ongiga kirib borishi silliqqina amalga oshmaydi. Buni ayniqsa, yoshlarning turli g‘oyalarga qiziquvchanligi va osongina beriluvchanligi bilan izohlash mumkin. Shuning uchun ham milliy istiqlol g‘oyasi va mafkurasi mamlakatimizga qarshi qaratilgan informatsion xurujlar, undan mafaatdor bo‘lgan kimsalar va kuchlarning maqsadlarini fosh qilishga, yoshlarimizni ogohlikka da’vat etishda katta yordam beradi.

Ma’lumki, mamlakatimiz yoshlarini katta qismini qamrab olgan soha oliy va o‘rta maxsus bilim yurtlari tizimi hisoblanadi. Bu tizim doirasida ham ma’naviy-ma’rifiy tarbiya ko‘lami, salohiyati, samaradorligini oshirish, maqsadga muvofiq va ilmiy jihatdan tashkil etish umumdavlat siyosatiga molik vazifa hisoblanadi.

Talaba-yoshlar tarbiyasining muhim yo‘nalishi-g‘oyaviy tarbiyadir. Ijtimoiy ongning shakllari bo‘lgan fan, din, falsafa, san’at, badiiy adabiyot, axloq va huquq g‘oyaviy tarbiyaning manbalari va asosi hisoblanadi. Ular orqali g‘oyaviy tarbiyani maqsadli olib borish jarayonining amalga oshishi reallikka aylanadi. Shuningdek, olib borilayotgan ta’lim va tarbiya jarayonlari talabalarning dunyoqarashini kengaytirish, ularning ongini dunyoviy, ilmiy bilimlar bilan boyitishga yo‘naltirilgach, bu ularning faol hayotiy mavqega ega bo‘lishlariga ko‘maklashadi. Shu ma’noda, g‘oyaviy tarbiya mafkuraviy tarbiyaning poydevori deyishga asos bor.

Xalq qahramonlari bosqinchilarga qarshi kurashib, ozodlik, erk masalalarini kun tartibiga qo‘ydilar, Vatan mustaqilligi va diniy qadriyatlarni tiklash g‘oyasini ilgari surdilar, ma’rifatparvarlar jamiyatni isloh qilish g‘oyasi bilan maydonga chiqdilar. Bularning hammasi yurtimizda milliy istiqlol g‘oyasi mazmun va shakl jihatidan shakllanib borganligining tarixiy isbotidir. Milliy istiqlol g‘oyasi tarixiy xotirani shakllantirishni taqozo etadi. Buning asosida g‘oyalar va mafkuralar to‘g‘risidagi bilimlarni yuzaki egallashga intilish emas, balki ijtimoiy hodisa sifatida ularni tarixiy taraqqiyotning muhim tarkibiy qismi ekanligini yaxlit tushunish yotadi. Respublikamiz Prezidenti Shavkat Mirziyov ta’kidlaganidek, “Buyuk tarixda hech narsa izsiz ketmaydi. U xalqlarning qonida, tarixiy xotirasida saqlanadi va amaliy ishlarida namoyon bo‘ladi. Shuning uchun ham u qadriyatlidir. Tarixiy merosni asrab- avaylash, o‘rganish va avlodlardan avlodlarga qoldirish davlatimiz siyosatining eng muhim ustuvor yo‘nalishlaridan biridir” [2, 29].

Agar talaba-yoshlarimiz nasl-nasabi, ajdodlarning jahon sivilizatsiyasiga qo‘shgan hissasini obektiv tarzda anglasa, tarixiy qadriyatlarimizni to‘g‘ri baholay olsa, bugungi mustaqillik va istiqlolga osonlik bilan erishilmaganligini teran tarzda mushohada qilish darajasidagi intellektual salohiyatga ega bo‘ladi. Natijada yoshlarmiz ongida milliy iftixor va g‘urur bilan birga vorislik, Vatan taqdiri va kelajagi uchun ma’naviy mas’ullik hissi barqaror bo‘ladi. Shundagina yoshlar ongida mamlakatimizda bozor iqtisodiyotiga o‘tish jarayonlarini nigilistik tushunish barham topib, Sharq demokratiyasining muhim tamoyili bo‘lgan jamoaviylikning individuallik bilan muvozanati ta’minlanadi.

Ilmiy bilimlar talabalarning dunyoqarashini shakllantirishga xizmat qiladigan falsafiy tafakkurning muhim qismidir. Yoshlarni g‘oyaviy tarbiyalashda birinchidan, jahon falsafiy tafakkuridagi umuminsoniy qadriyatlar, ikkinchidan esa Markaziy Osiyoda yashab, ijod etgan mutafakkirlarning ma’anaviy merosidagi falsafiy-axloqiy tafakkur o‘z mavqeiga egadir. Buyuk allomalarning adolatli jamiyat, insonnning ijtimoiy munosabatlar silsilasidagi o‘rni to‘g‘risidagi ta’limotlari, tasavvuf namoyondalarining komil inson haqidagi g‘oyalari, diniy-axloqiy qarashlari Turonzamindagi falsafiy g‘oyalarning yorqin namunasidir. Bu g‘oyalarni puxta egallash o‘zbek xalqi mentalitetiga xos bo‘lgan ota-ona, jamoa, kattaga hurmat, kichikka izzat, sabr-qanoat, mehr- oqibat, shafqat, oilani e’zozlash, ona tiliga muhabbat, ayol zotiga ehtirom, halollik va mehnatsevarlik kabi xislatlarning yoshlar ongi va qalbining muhim komponenti bo‘lishini ta’minlaydi. Ta`lim muassasalarida darslar birinchi navbatda, yosh avlodni vatanparvarlik, el-yurtga sadoqat ruhida tarbiyalash, ularning qalbiga milliy-ma’naviy qadriyatimizga mos insonparvarlik va odamiylik fazilatlarini singdirishda beqiyos o‘ringa ega. Bu esa o‘z o‘rnida umummadaniy kompetensiyalarning asl mohiyatini tashkil etuvchi tushunchalardir.

1. Shuningdek, jamiyatimizda o‘quvchi-yoshlarni yuksak ma’naviyatli qilib tarbiyalash jarayonida, ularda huquqiy madaniyatni rivojlantirish muxim hisoblanadi. Konstitutsiyamizda jamiyatimizning barcha qatlamlari qatorida yoshlarning ham siyosiy, shaxsiy, ijtimoiy, iqtisodiy huquq va erkinliklari kafolatlangan, ularning ta’lim-tarbiya olishi, o‘z iqtidorini namoyon qilishi, salomatligini mustahkamlashi belgilab qo‘yilgan.

Bosh qomusimizning mazmun-mohiyatini o‘rganish yoshlarning huquqiy madaniyatini yuksaltirish bilan birga ularda vatanparvarlik, yurtga sadoqat tuyg‘ularini mustahkamlashda muhim ahamiyatga ega. Bosh qomusimizda onalik va bolalik davlat himoyasida, farzandlar ota- onalarining nasl-nasabi va fuqarolik holatidan qat’i nazar, qonun oldida tengligi belgilangan. O‘zbekiston Respublikasining Konstitusiyasi 65- moddasida “Farzandlar ota-onalarining nasl-nasabidan va fuqarolik holatidan qat’i nazar, qonun oldida tengdirlar. Onalik va bolalik davlat tomonidan muhofaza qilinadi” –deb belgilab qo‘yilgan. Talabala-yoshlarga darslarni olib borish jarayonida Bosh qomusimizda mavzularga oid ma’lumotlarni qo‘llab borsak, o‘quvchilarning huquqiy savodxonligi va madaniyati yuksaltirishda muxim hissa qo‘shamiz [3]. Bugungi kunda “Adolat – qonun ustuvorligida” degan tamoyil asosida jamiyatimizda qonunga hurmat, huquqbuzarlik holatlariga murosasizlik hissini kuchaytirishga qaratilgan ishlar jadal davom etib kelmoqda. Bu g‘oyaning darslarda qo‘llanilishi talabalarni qonunga hurmat ruhida tarbiyalashda va ular o‘rtasi turli tartibsizlar, e’tiborsizliklarning oldini olishda muxim ahamiyat kasb etadi. Bir so‘z bilan aytganda, jamiyatda yuksak ma’naviyat fazilatlarni kamol toptirish, milliy mafkurani shakllantirish, yoshlarni boy madaniy merosimiz, tarixiy an’analarimizga, umuminsoniy qadriyatlarga hurmat, Vatanga muhabbat, istiqlol g‘oyalariga sadoqat ruhida tarbiyalash mamlakatimizda amalga oshirilayotgan barcha islohatlarning hal qiluvchi omilidir.

Zotan, har bir millatning kamoloti dunyodagi barcha xalqlarning madaniyati, ma’naviyatidan bahramand bo‘lish bilan bog‘liqdir. O‘z milliy qobig‘iga o‘ralashib qolgan millatning kelajagi mahdudlikka mahkumdir. O‘zbekiston xalqi ham turli davrlarda xorijiy mamlakatlarda shakllangan umuminsoniy ma’naviyatning sarchashmalaridan oziqlanib kelgan. Ayniqsa mamlakatimiz davlat mustaqilligiga erishgach, jahon integratsiyasi madaniy va ma’naviy boyliklarini milliy xususiyatimizga mos keladigan jihatlari yoshlarimizni turmush va tafakkur tarzida o‘z nufuziga ega bo‘lib bormoqda. Yoshlarimizni bilimli qilib tarbiyalash jaholatdan uzoqlashish, madaniyatli, ma’naviyatli va ma’rifatli bo‘lib voyaga yetishishlari mezonidir. Shuning uchun hozirgi davrda mamlakatimiz ravnaqi yoshlarimizning intelektual salohiyati va ma’naviy kamolotiga bog‘liq ekanligi muhimdir.

Talaba-yoshlarda umummadaniy kompetensiyalarni rivojlantirish metodikasini tadqiq etish jarayoni quyidagi xulosalarni chiqarish imkonini berdi: 1. Talaba-yoshlarda umummadaniy kompetensiyalarni rivojlantirish uchun eng avvalo ularga zaruriy bilimlarni o‘qituvchi hamkorligida maqsadli ravishda bosqichma-bosqich singdirilib talabalarning ijodiy qobiliyati shakllantirib borilsa, ularning mustaqil fikrlashi va ilmiy-ijodiy faoliyat ko‘rsatish darajasi ortadi. 2. Yoshlarda umummilliy va jamiyat manfaatlarini shaxsiy manfaatlardan yuqori qo‘ya olishlari, jamiyat va millat oldidagi insoniy burchlarini to‘laqonli anglashlari, xalq baxt-saodati hamda yurt farovonligi yo‘lida mehnat qilishlariga erishish uchun ijtimoiy va psixologik sharoit yaratilsa ularda umummadaniy kompetensiyalar rivojlanib borishi uchun zamin hozirlanadi; 3. Talaba yoshlarda umumumadaniy kompetensiyalarni rivojlantirishda interfaol ta’limning alohida o‘rni bor. Shunday ekan, zamonaviy o‘qituvchi, murabbiy ta’lim-tarbiya jarayonida yangi innovatsion texnologiyalar, interfaol metodlarning samarali usullaridan foydalanishi, yanada yangi qirralarini qidirib topishi, bu borada hamkasblarining, buyuk ma’rifatparvarlarning ulkan tajribalariga tayanishi lozim. 4. Ma’lumki, bugungi kunda zamonaviy pedagogdan quyidagi xususiyatlarga ega bo‘lish talab etiladi: Mahoratni egallashga jon-dilidan intilish, mehnatga mas’uliyat, o‘z ishiga sodiqlik, mustaqil ijodiy intilishiga qiziqish, manmanlik, bamaylixotirlik kabi salbiy xarakterga berilmaslik, xayrixohlik va ishda o‘rtoqlarga yordam berishga hozirlik, talabalar bilan samimiy munosabat o‘rnata olish, yangilikka intiluvchan bo‘lish, zamonaviy o‘quv vositalaridan (AKT) foydalana olish va h.k.

Talabalarda ana shu xususiyatlarni tarbiyalab borish ham o‘z o‘rnida umummadaniy kompetentlikni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

ADABIYOTLAR

1 Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Тошкент, 2000, 5-6 бетлар.

2. Мирзиёев Ш.М.Таълим ва маърифат-тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон” 2017. 29-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2012.

Bugungi kunda talaba-yoshlarda umummadaniy kompetensiyalarni rivojlantirish bilan bog‘liq muammolar, istiqboldagi vazifalar

Dadajonova F.A. Nizomiy nomidagi Toshkent davlat Pedagogika Universiteti

Rezyume. Ushbu maqolada bugungi kunda talaba –yoshlarda umummadaniy kompetensiyalarni rivojlantirish zaruriy bilimlarni o‘qituvchi hamkorligida maqsadli ravishda bosqichma-bosqich singdirilib talabalarning ijodiy qobiliyati shakllantirib borish bilan bog`liq muammolar ularning bartaraf etish choralari va istiqboldagi vazifalari ochib berilgan.

Kalit so‘zlar. Kompetensiya, kompetent yondashuv, amaliy faoliyat, shaxsiy tajriba, texnologiya.

Проблемы, связанные с развитием межкультурных компетенций у студентов сегодня, задачи на будущее

Дададжонова Ф.А. Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Резюме. В статье речь идет о формировании общекультурной компетенции у студенческой молодёжи. Особо подчеркивается роль и совместной деятельности студента и преподователя для достижения и развития творческой способности у молодежи, отмечаются условия их решения, определяются задачи.

Ключевые слова:компетентность, грамотный подход, практическая деятельность, личный опыт, технологии

Problems related to the development of intercultural competencies among students today, future tasks

Dadajonova F.A. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Summary. This article reveals the problems associated with the formation of students' creative abilities, their solutions and future tasks, the gradual assimilation of the necessary knowledge in the development of general cultural competencies of students today in collaboration with the teacher.

Key words:competence, competent approach, practical activity, personal experience, technology

---

ТАЛАБАЛАРГА НАЗАРИЙ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА КУРСИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ережепов М. Т.

Қорақалпоқ давлат университети

Талабаларнинг назарий электротехника курсини муваффақиятли ўрганиши учун биринчи курсда ўрганилган аввалги фанларни, хусусан, математиканинг дифференциал тенгламаларини ечиш, баъзи функцияларни интеграллаш ва дифференциаллаш каби бўлимларини, Лаплас алмаштириши, Фурье қатори ва физиканинг электр ва магнетизм бўлимларини яқши ўзлаштирган бўлиши керак.

Ўрта таълим олаётганда ҳам базавий тушунчалар белгиланиши керак. Бироқ, талабаларнинг ўрта маълумот даражаси жуда фарқ қилади ва биринчи курсда таълим олиш вақтида турли сабабларга кўра уни керакли даражага етказа олалмойди. Кредит системаси бўйича «Назарий электротехника» фанини ўкитишда соатлар ҳажмининг қисқариши шароитида бўлажак мутахассисларни тайёрлашда талабалар билим даражасининг бундай хилма хиллиги методикада сезиларли ўзгаришларни талаб қилади. Шубҳасиз, юқарида айтиб ўтилганларнинг барчаси етарли даражада тайёргарликка эга бўлмаган талабаларни махсус "Ўқитиш" вазифасининг муҳимлигини кўрсатади ва улар ҳозирги кунда кўплаб ўқув гуруҳларнинг аксарият қисмини ташкил қилади.

Талабаларга қўшимча фаол таълим беришнинг педагогик усуллари анчадан буён маълум – бу, биринчидан, кўп марта такрорлаш, батафсил таҳлил қилиш ва хатоларни тузатиш, ўқув материалининг мураккаблашиб бориши, ҳафталик уй вазифаларни доимий назорат қилиш орқали билимни текшириш, мустақил иш, тестлар ва талабаларга ўзлаштириш натижалари бўйича жорий рейтингни олишга ёрдам берувчи оралиқ баҳосини тақдим этиш. Педагогикада «юқори даражадаги мураккабликда ўргатиш» фойдали деб ҳисобланади, сабаби ҳар бир мавзудаги мураккабликлар таҳлил қилинганда, бу, курснинг долзарб масалаларини чуқур ўрганишга имкон беради. Бу энг яқши талабаларга жуда қизиқарли бўлади. Бироқ, назарий электротехника курси ҳажмнинг кескин пасайиши сабабли, талабалар билимларни яқшилашдаги ушбу самарали усулдан фойдаланиш ниҳоятда қийин, аммо юқори мураккабликдаги (олимпиада даражасидаги) масалаларни ечиш орқали талабарни қизиқтириш имконияти мавжуд, яний тўғри ечим учун мумкин бўлган максимал баллнинг 5 балли эмас, балки, масалан, 7-8 балл тавсия этилади. Билим даражаси "Ўртача" талабалар учун программа-минимумни аниқлаш керак, бу уларни "Қониқарсиз" баҳодан асрайди, масалан, назорат саволларидан фойдаланиб [3, 6], зарурият бўлганда уларнинг жавобларини адабиётлар [1, 2, 4, 5, 7], маърузалар, амалий ва лабратория машкларидан топиш мумкин.

Ҳар хил даражадаги талабалар гуруҳлари билан ишлаш жараёнида назарий электротехника ўқитиш бўйича иккита ёндашув ишлаб чиқилди, улардан бирини тезроқ қўллаш (1-2 дарсларда) курснинг охирида яқши натижаларга эришишга имкон беради. Бу ёндашувни амалга оширишда, биринчи дарсда электротехника бўйича асосий тушунчаларига ажратилган 30 дақиқа вақт ишида талабалар синовдан ўтказилади. Синов сифатида мактаб ўқув дастурида талабаларга маълум бўлган мавзулар ва биринчи курс материаллари бўйича назарий электротехникаги тегишли бир нечта тест саволлари тавсия этилади масалан, токнинг ҳосиласи сифатида индуктив ғалтакдаги кучланишни, токдан олинган интеграл сифатида сиғимдаги кучланишни топиш, занжирнинг характеристик полиномининг илдизларини топиш учун квадрат тенгламани ешич, параллел ёки кетма-кет уланган резистив элементларнинг умумий қаршилиғин, улар каср қийматларга эга бўлган ҳолат учун топиш ва ҳ. з. Ўқитувчи синов натижалари асосида талабаларнинг бошланғиш тайёргарлиги тўғрисида дастлабки хулоса чиқариши мумкин ва кўпчиликнинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда предметни ўқитиш методикасини танлайдилар. Талабалар учун тест натижалари ўзларининг билим даражасини аниқлашга ва курснинг маълум бўлимлари бўйича тайёргарлик даражасини ошириш заруриятини кўрсатади, тест курс мавзуси ҳақида дастлабки ғояни беради.

Гуруҳдаги 60-70% талабаларнинг тест натижалари яхши бўлса, юқори даражали мураккабликдаги ўқитиш методикаси қўлланилади. Бу куйидагидан иборат, яни амалий машғултларда мавзудаги асосий материаллар батафсил муҳокама қилинади, кейин мавзунинг одатий масаласи батафсил таҳлил билан ечилади, дарснинг қолган вақтида мавзунинг барча нюансларини тучунтирадиган юқори мураккабликдаги қушимча масала ечилиши мумкин, буларнинг барчаси талабаларнинг уй вазифалари билан мустаҳкамланади [3, 6], бу ўқитувчи томонидан текширилиши шарт ва ечим нотўғри бўлганда хатоларни тузатиш ва қайта текшириш учун шарҳлар берилади. Талабаларнинг материални ўзлаштирганлигини назорат қилиш учун кейинги дарсларда баҳолаш шарт билан мустақил ёки текширув ишини ёзиш тавсия этилади, агар талаба мавзуни етарлича ўзлаштира олмаган бўлса, қониқарсиз баҳоланишга йўл қўймаслик учун ўқитувчининг маслаҳат соатларида бу ишни ёзиши мумкин. Ушбу методикани қўллаш натижасида яхши тайёргарликка эга талабарни янада қизиқтириш мумкин, яни уларга юқори мураккабликдаги олимпиада масалаларни ечишга [3, 6] ва назарий электротехника бўйича минтақавий, республика ва халқаро миқёсидаги олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этишга имконият бериш. Талабар аксариятиниг тест натижалари паст бўлган гуруҳларда иккинчи методика

қўлланилади. Бундай гуруҳларда, асосий материални ўрганиш билан бирга, фанлардан дастлабки олинган билимларнинг бўшлиқларин тўлдириш ва кейинги техник фанларни муваффақиятли ўрганиш учун вақтнинг кўпчилигин уларни тўлдиришга бағишлаш керак. Албатта, билим даражасини ошириш учун университетларда қўшимча соатнинг имконияти бўлса яхши бўлар эди, лекин кўпинча бундай ишларни амалга ошириш электротехника фанини ўрганиш учун ажратилган соатга тўғри келади.

Ушбу метод аввалгисидан тубдан фарқ қилади яни амалий дарсларда, аввало, мавзу бўйича асосийлари муҳокама қилинади ва ёздирилади, кейин ўқитувчи муаммони батафсил тушинтиради ва мавзу бўйича асосий саволларни ёздириб масалаларни ечади, шундан сўнг қолган вақт ичида билимларни баҳолаш шарти билан талабалар осонроқ масалаларни ечади, олинган билимлар уй вазифасини бажариш жараёнида мустаҳкамланади [3, 6] (яхшиси дарсни ўтган кунида ёки эртаси куни), бу биринчи ҳолатда бўлгани каби, ўқитувчи томонидан текширилади ва нотўғри бўлса хатоларни тузатиш ва қайта текшириш учун мавзуга шарҳлар берилади. Шундай қилиб, бир-икки кун давомида материални уч марта такрорлашга замин ёратади, натижада ўқув тизимини бузмаган ҳолатда кўпчилик талабалар асосий материални муваффақиятли ўзлаштиради. Бу гуруҳнинг деярли барча талабалари учун, тизимнинг энг муҳим "Ютуғи" бўлади, аммо у яхши тайёргарликка эга талабаларнинг ривожланишига имкон бермайди. Бундай гуруҳларда ижодий ёндашувчи, олимпиада даражасидаги масаларни ечишга қодир талабалар йўқ. Бу методика сиртқи бўлим талабари билан ишлашда яхши натижалар беради.

Электр энергетикаси бакалавр йўналиши талабаларига «Назарий электротехника» фанини ўқитиш жараёнида шунга ўхшаш метод узоқ вақтдан бери қўлланилиб келинмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Атабеков Г.И. Основы теории цепей. –СПб.: Лань, 2009
2. Amirov S.F., Yoqubov M.S., Jabborov N.G. Elektrotexnikaning nazarii asoslari. I-III qismlari. –Toshkent. 2007. -426 b
3. Amirov S.F., YOqubov M.S., Jabborov N.G., Sattorov X.A., Balġaev N.E. Elektrotexnikaning nazarii asoslaridan masalalar tóplami.–T. Adabiyot uchqunlari. 2015. -420 b
4. Бессонов Л.А. Теоретические основы электротехники. Ч.1,2– М.: Высшая школа, 1991.- 528 с.-231 с.
5. Демирчан К.С., Нейман Л.Р., Корвкин Н.В., Чечурин В.Л. Теоретические онсновы электртехники. – СПб. «Питер», 2003.– 462 с.
6. Ibadullaev M. Nazariy elektrotexnikaning asoslari, Masala va mashqlar tóplami I–qism. –T. «Ózbekiston», 2015.–328 b.
7. Каримов А.С. Назарий электротехника. Дарслик. – Тошкент, «Ўқитувчи», 2003.–422 б.

Бошланғич тайёргарлиги суст бўлган талабаларга назарий электротехника курсини ўқитиш методикаси
Ережепов М.Т. Қорақалпоқ давлвт университети

Резюме. Мақолада университетларнинг техник йўналишларида назарий электротехника фанини ўрганишда талабаларнинг ўзлаштиришининг сустлиги сабаплари таҳлил қилинган, таълим сифатини ошириш ва асосий билимларни ўзлаштириш имкониятлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: ўзлаштириш, ўқитиш, базавий тайёргарлик, техник мутахассислик.

Методы преподавания теоретической электротехники студентам с плохой базовой подготовкой
Ережепов М.Т. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Анализируются причины слабой успеваемости студентов технических направлений при изучении теоретической электротехники, рассматриваются возможности улучшения качества обучения и усвоения базовых знаний.

Ключевые слова: успеваемость, обучение, базовая подготовка, технические специальности

Methods for teaching Theoretical Electrical Engineering to students with poor basic training
Erejepov M.T.Karakalpak State University

Summary. The authors analyze the reasons for the poor performance of technical students in the study of Theoretical Electrical Engineering, and consider the possibilities of improving the quality of training and mastering basic knowledge.

Key words: educational achievement, study, basic training, technical education

---

ОИЛАЛАРДАГИ АЖРАЛИШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК САБАБЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ибрагимова Р. Ж.

Нукус давлат педагогика институти

Оилаларнинг ажралиб кетиши – жамият учун офатдир. Оила алоҳида психологик тизим сифатида жамият ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг асосий негизидир, чунки у жамиятнинг асоси бўлмиш инсонни дунёга келтиради, ўстиради, тарбиялайди ҳамда қайта шакллантиради[4]. Шу сабабли республикамизда ҳар бир хонадоннинг тинч-тотувлигини, оилаларда фарзандларнинг бахтли, баркамол ўсишини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сохаларда тараққиёт учун имкониятлари кун сайин кенгаймоқда. Бу имкониятлардан фойдаланиш кўп жиҳатдан инсон омилига, у эса оила институтининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Оила мустаҳкам бўлмас экан мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланишига ўз салбий таъсирини ўтказмай қўймайди. Минг афсуски, охирги пайтларда оилавий тотувлик ҳар хил ижтимоий- маданий омиллар таъсирида хавф остида қолмоқда. Бундай хавфлардан бири ажрим. Ажрим – афсуски бизнинг жамиятимизнинг объектив, кўп учраб турадиган кўриниши ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда нафақат республикамиз балки бутун дунёда оила никоҳ муносабатларининг энг жиддий муаммоларидан бири – оиланинг бузилиши, ажралиш десак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда ажралиш сабабларига, ва унинг олдини олишни психологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш масалаларига катта эътибор берилаётганининг асосий сабаби ажралиш билан боғлиқ бўлган бир қатор нохуш ижтимоий-психологик

ҳодисаларнинг рўй бераётганлиги, нотўлиқ оилалар сонининг ортиб бориши, тирик етим ва тарбияси оғир болалар, ота ёки она меҳрига зор бўлиб улғояётган болаларнинг кўпайиб бориши каби салбий воқеаларнинг кузатилаётганидир. Мамлакатимизда оила мустаҳкамлигига ҳар доим эътибор бериб келинган, ҳозирги кунда оила мустаҳкамлиги масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бежиз эмас, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқатидаги ажримлар масаласига алоҳида тўхталиб, айнан ёшлар орасида ажралишларнинг юқорилигини таасуф билан тилга олганлигини айтишимиз мумкин.

2019 йилнинг 11 ойи давомида мамлакатда 277 минг 420 та никоҳ қайд этилган. Бироқ 28 минг 755 та оила, асосан ёшлар ўртасида ажримлар юз берган. Президент бу ҳолатни «жуда ачинарли» деб атади ва бу муаммонинг ечимини топиш учун ўз таклифларини билдирди, яъни «Йилнинг намунали ёш оиласи» республика танловини 2020 йилдан бошлаб ўтказишни, шунингдек, ёш оилалар ўртасида ажримларнинг олдини олиш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» маркази, Республика Маҳаллалар кенгаши, «Нуроний» фахрийларидан иборат «Фахрийлар ибрати» маслаҳат кенгаши фаолиятини самарали йўлга қўйишни таклиф этди. Маълумки, бу муаммоларни ечиш учун давлатимиз бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда. 2018-йил Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг айрим моддаларига ўзгартиришлар киритилган, шу жумладан 7 бобининг тегишли моддаларига, айнан ажралиш механизмига ўзгартиришлар киритилган.

Ўзгартиришлар Оила кодексининг айнан 40 ва 128-моддаларига нисбатан қўлланилган. Бу чоралар суд томонидан ярашиш учун ажратилган вақтдан мақсадли фойдаланилмаётганлиги сабабли қўлланилмоқда экан.

Бундан ташқари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июньда Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор қабул қилиниши «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг масъулиятини янада оширди. Ҳозирги вақтда Республикамизнинг ҳар бир вилоятида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида ҳам «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази бошқармаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолияти бир сўз билан айтганда оилаларнинг муаммоларини ўрганиш, уларнинг сабабларини аниқлаш, муаммоларнинг олдини олишдан иборат. Ҳозирда, бу марказларнинг номланиши ва фаолиятига ўзгартиришлар киритиш ишлари амалга оширилмоқда. Шундай экан, ажралишларнинг сабабларини аниқлаш, унинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқиш, буларнинг ҳаммаси бу борада илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш кераклигини кўрсатади. Бунинг учун биз ажралиш муаммоси бўйича чет эл тажрибаларини чуқур ўрганишимиз мақсадга мувофиқ.

Ажримлар тарихидан, ажримларнинг сабабларини тадқиқ қилишларидан бизга маълумки, ажрим муаммосини тадқиқ қилишда энг биринчи ва кучли мактаб, бу уни ўрганишда ташқи ижтимоий омилларнинг сабабини ўрганишдан бошлаш дастури ҳисобланади. П.А.Сорокиннинг ишларида ёзилишича патриархал никоҳ ўзининг диний тўкислигини ва ижтимоий-тарихий асосини йўқотсагина, ижтимоий институт сингари бузилишни бошлайди [2]. Кейинчалик Т. Парсонс ажрим сабабларини, унинг беқарорлигини жамиятдаги иқтисодий ўзгаришлар билан боғлаб тушунтиради. Умуман ажримларнинг европа ва америка тадқиқотларида иккита тадқиқот йўналиши кузатилади: биринчиси - ажримга олиб келувчи омилларни қидириш, ва иккинчиси – ажримга етарли даражада сабаб бўлувчи эр-хотинлик муносабатларини таҳмин қилишдан иборат.

Д.Личер, С.Саус ва К.Ллойдларнинг лонгитюд тадқиқотларидан олинган статистик маълумотларга кўра, ажримларнинг кўпайиш даражасига маълум бир даврда яшаётган авлодларда эр-хотинлик алтернативаларининг кўплиги сабаб бўлади дейилган [1, 488]. Ажримларнинг сабабларини тизимли тарзда ўрганиш америкали социолог У.Гуд томонидан амалга оширилган. Кейинчалик бу феноменнинг сабаблари динамикасини Дж.Левингер, Г.Китсон ва М.Сассман ишлаб чиққанлар. Россияда эса бу муаммонинг ўрганилганлигини АГ.Харчев, А.И.Антонов, В.А.Борисов, В.Н.Архангелский, В.В.Елизаров ва бошқалар ишларида кўришимиз мумкин [2]. Кўриб турганимиздек бутун дунёда ажрим масаласи долзарб муаммо ҳисобланади ва йил сайин ажримлар сони ортиб кетмоқда, яъни никоҳ борган сари бир беқарор институтга айланиб бормоқда.

Охирги йилларда Россия, Европа ва АҚШ мамлакатлари бўйича ажримларнинг бир қатор сабаблари аниқланган [3]. Масалан, Европада ажримларнинг асосий сабабларидан бирини олимлар халқнинг яшаш аҳволининг анча яхшиланиши деб белгилаган, яъни эр ва хотинлар ёлғизликда ҳам, болалари билан ҳам ўз қийинчиликларини ўзлари енга олади деб топилган. Шунинг учун хам кўпчиик жуфтлар муносабатларини расмийлаштирмасдан фуқоралик никоҳда яшаётганлиги маълум қилинган. Ажримларнинг сабабларининг ҳар бир мамлакатда қай даражада эканлигини кўриб чиқадиган бўлсак, улар қуйидагича: масалан Европада ажримларнинг биринчи сабаби: одамларнинг ёлғиз бўлиш бу жуда қулай, фойдали деган шиор остида яшашлари. Бу ҳолат асосан кўпроқ Белгияда кузатилган, бу ерда энг кўп фоиз, яъни 71% ажрим шу сабабдан эканлиги аниқланган, ўрганишлар натижасида шуни аниқлашганки, бу ерда юқори маълумотли кишилар босим кўпчиликни қамраган, улар ўзларини ўзлари таъминлай олади. Иккинчи сабаб: хиёнат ва бир-биридан узоқлашиш, бир-бирларига венерик касалликларни юқтириш ва ҳ. Учинчи сабаб: ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйиш. Тўртинчи сабаб: гомосексуал алоқалар. Бешинчи сабаб: бепуштлик ёки бола кўришни ҳохламаслик. Олтинчи сабаб: компьютерга қарамлик, бу сабаб охирги ўн йилда пайдо бўлган ва кўплаб учраб турган. Ўзбекистон Республикаси бўйича ажримларнинг асосий сабаблари ҳақида берилган маълумотларга қараганда бугунга келиб ажрим ҳолатларининг умумий кўрсаткичлари -31930 та, бир йил аввалги кўрсаткич эса -29647 тани кўрсатган, уларнинг аксариятига оиладаги ўзаро келишмовчиликлар сабаб қилиб кўрсатилган.

Республикамизда 2018 йилда қайд этилган ажримларнинг сабаблари қуйидагича деб аниқланган: ўзаро келишмовчилик -67, 4 %; бошқа оила қуриб яшаётганлиги -6 %; фарзандсизлик -4,7 %; тарафнинг бошқа давлатга чиқиб кетганлиги -3,8 %; узоқ вақт бирга яшамаганлиги -2,9 %; хиёнат ва бошқа сабаблар -2,8%,

лекин бу кўрсаткичлар айрим худудларда пасайганлиги ҳам айтилган. Шу боисдан ажралишларнинг сабабларини худудий ўрганиш масаласи кўтарилди, ва буни амалга ошириш мақсадида ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида ажралишларнинг ижтимоий-психологик сабаблари ва профилактикаси мавзусида илмий тадқиқот иши олиб борилмоқда. Ишни бошлашдан аввал бизга бу худуддаги ажралишлар ҳақида маълумот керак бўлган эди. Изланишлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича қуйидагича демографик кўрсаткичларга эга бўлдик.

№1 жадвал. *) *Қорақалпоғистон Республикасининг статистик ахборотномаси*

	Халқ сони(минг)		Никоҳдан ўтганлар		Ажрашганлар	
	2017-й.	2018-й.	2017-й.	2018-й.	2017-й.	2018-й.
Қорақалпоғистон Республикаси	1842,3	1869.7	14109	14450	1309	1340

Бу рақамларнинг асил сабабларини янада чуқурроқ ўрганиш учун тадқиқот иши Нукус шахар ва туманлараро фуқоралик ишлари бўйича суди архивида ажрим ишларини йиллар кесимида ўрганишдан бошланди. У ерда 2016, 2017, 2018, 2019 йиллари хужжатларидан 100 тадан ажрим ишлари хужжатлари ўрганиб чиқилди. Хужжатларда асосан эътиборимизни ажралишга талабгор ким (эр ёки хотин), уларнинг оилавий стажи, маълумоти, ишлайдими ёки ишсизми, эр хотинларнинг ёшлари нечада, ва ниҳоят энг асосийси оилаларнинг ажралиш сабаблари нималар эканлигига қаратдик ва қуйидагича натижаларни олдик.

№2 жадвал. Ажрашишга талабгарлар кўрсаткичи

2016		2017		2018		2019	
эр	хотин	эр	хотин	эр	хотин	эр	хотин
47%	53%	50%	50%	40%	60%	33%	66%

№3 жадвал. Ажрашаётганларнинг ёш кўрсаткичлари (энг юқори фоизлари)

2016		2017		2018		2019	
ёши	%	ёши	%	ёши	%	ёши	%
24-26	27%	30-32	27%	27-29	67%	33-35	30%

№4 жадвал. Ажрашганларнинг оилавий стажлари (энг юқори фоизлари)

2016		2017		2018		2019	
стажи	%	стажи	%	стажи	%	стажи	%
1-2 йил	37%	5-6 йил	33%	3-4 йил	30%	7-8 йил	20%

№5 жадвал. Ажралишларнинг сабаблари (ажрим ишлари хужжатларида мавжудлари)

Т/р	Ажралиш сабаблари	2016	2017	2018	2019
1	ўзаро келишмовчилик	64%	40%	36%	30%
2	молиявий етишмовчилик	3%	10%	7%	7%
3	меҳнат миграцияси	10%	13%	23%	23%
4	ичкиликбозлик	3%	7%	7%	7%
5	жиноятчилик	3%	7%	6%	7%
6	хиёнат	14%	20%	20%	25%
7	юқимли касаллик борлиги	3%	3%	1%	1%

Шу билан бир қаторда ажрашганларнинг деярли 90% ўрта маълумотли ва ишсиз эканлиги аниқланди.

Демак, бу кўрсаткичларнинг аксарияти қандай сабабдан эканлигини аниқлаш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз ҳисобланади, шундон сўнг ажримларга айнан кўпроқ сабаб бўлаётган муаммоларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай чора-тадбирлар мустаҳкам оилаларни барпо қилишга, соғлом муҳитли оилада баркамол авлодни дунёга келтириб, ўстириб улғойтиришга, камолотга етказишга, мустақил, эркин фикрловчи жамиятни, энг илғор ривожланган мамлакатни қуришга ёрдам беради.

Шундай экан, бу кўрсаткичларнинг асил сабабларини чукурроқ ўрганиш, ажрашаётганларнинг ҳолатларини кузатиш, қўшимча маълумотлар олиш мақсадида ажрим суд жараёнларига қатнашилиб ишлар ўрганилмоқда ва кўплаб маълумотлар тўпланиб таҳлил қилинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ажралиш жуда жиддий ижтимоий-психологик муаммо ҳисобланади, яъни бу муаммо ўз ечимини топишни ва эътиборни талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Аронс К. Развод: крах или новая жизнь? / Пер. с англ. –М.: МИРТ, 1995. 448 с.
2. Лактюхина Е.Г., Антонов Г.Б. Причины развода в современной России (науч. статья) //Народонаселение №4-2016
3. Статистика разводов и браков в России // Интернет-служба мировой статистики [Электронный ресурс] – Режим доступа: http://www.sta-t.ru/obshestvo/statistika_razvodov_i_brakov
4. Шнейдер Л.Б. Психология семейных отношений. –М., 2000. С. 512

Оилалардаги ажралишларнинг ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш

Ибрагимова Р. Ж. Нукус давлат педагогика институти

Резюме. Мақолада чет ва бизнинг эл психологиясида ажралишлар и ва ажралиш сабабларининг ўрганилганлиги ёритиб берилган. Шунингдек ажралишлар бўйича тадқиқотлардан олинган айрим статистик маълумотлар келтирилган ва тахлилга тортилган.

Таянч сўзлар: оила, ажралиш, ажралиш сабаблари, тадқиқот, чет эл психологияси, статистик маълумот.

Изучение социально-психологических причин разводов в семьях

Ибрагимова Р.Дж. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В статье рассматриваются разводы и причины разводов, освещенные в зарубежной и нашей психологической науке. Также включена и анализирована некоторая статистика из исследований по разводам, осуществленная в республике.

Ключевые слова: семья, развод, причины развода, исследование, зарубежная психология, статистика

To study the socio-psychological reasons for divorce in families

Ibragimova R.J. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. The article deals with divorces and the reasons for divorces highlighted in foreign psychology. Also there are included and analyzed some statistics from studies on divorce carried out in the republic.

Key words: family, divorce, reasons for divorce, research, foreign psychology, statistics.

ТИББИЙ ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Мелибаева Р. Н.

Тошкент тиббиёт академияси

Психологиянинг тараққиётида психодиагностикага фани ва амалиётининг ўзига хос йўналиши деб қаралади. Унинг моҳияти шахснинг руҳий ва самотик саломатлиги билан боғлиқ ҳолатларда хусусиятлари ва имкониятларини ташхислаш, ҳар бир инсоннинг таълим-тарбияси ва шахсий ўзига хослигини инобатга олиб, профилактика ва даволаш мақсадида амалий тадбирларни ташкил этишдан иборатдир.

Психодиагностика моҳиятини тўлақонли тушуниш учун психология фанининг назарияси ва методологияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши муҳимдир. Бу борадаги фандаги мавжуд илмий методология катта амалий салоҳият, турли психологик фанларни интеграциялаштириш ва инсон руҳиятининг тизимли механизмларини, биологик ва психосоциал муносабатларни аниқлаш имкониятини беради. Мазкур муносабат психодиагностиканинг замонавий назарий, клиник ва профилактик тиббиёт билан уйғун ривожлантиришни таъминлаш учун жуда муҳимдир.

Психология фанининг, хусусан, психодиагностиканинг тиббиёт учун асосий аҳамияти ҳақида гапирганда, тиббиёт психодиагностикасининг ўзига хос хусусиятлари қатор муаллифлар томонидан муаммога доир тушунчалари, қарашлари ҳақида ишонч билан фикр юритиш мумкин. Мазкур масалаларнинг ёритишда инсон руҳиятининг ўзига хос қонуниятлари ва тамойилларини акс эттирувчи илмий қарашларга (З.Фрейд, К.Юнг, Л.С.Виготский, Б.Г.Ананьев, Б.Ф.Ломов, А.Адлер, В.Н.Мясищев, В.Франкл ва К.Роджерс) таянишга тўғри келади. Шу боис тиббий психодиагностика психология фанининг назарияси ва методлари асосида касалликларнинг этиологияси, патогенези, даволаш ва олдини олишда психологик омилларнинг ролини ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этади. Бу эса тиббий психодиагностикани психиатрия, неврология ва нейрохирургия, наркология, психосоматик тиббиёт каби руҳий саломатлик билан боғлиқ тиббий фанларнинг бевосита ривожланитиришда муҳим боғловчи омилларидан бири ҳисобланади. Тиббий психодиагностика инсон мослашишининг умумий тиббий тамойилларга боғлиқ ҳолда касалликнинг шахс ва шахснинг касалликка таъсири қонуниятларини очиб беради.

Рус олими В.Н.Мясищевнинг шахслараро муносабатга доир илмий қарашлари инсоннинг муҳитга молашувида когнитив, эмоционал ва хулқ атворга тизимли ёндашувнинг аҳамиятини ёритиб беришга хизмат қилишини кўрсатади. Мазкур муносабатлар назарияси тиббий психодиагностика ёрдамида тадқиқот предмети бўлган саломатлик ва касалликнинг шахсий маъноларини замонавий тушунишга имкон беради [11]. Тиббий психодиагностикага бўлган талаб жамиятнинг замонавий ҳаётидаги кўплаб, масалан, нейропсихиатрия касалликлари, психосоматик патология ва умумий тиббий амалиётда соматопсихик касалликлар, мия шикастланиши, болалар ва ўсмирлардаги аномал ривожланишлари, хулқ-атвордаги оғишлар ва бошқаларнинг психологик сабаблари билан тиббий даволаш ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи омилларга эга. Тиббий психодиагностика тиббиётнинг ҳар қандай соҳасида долзарб бўлиб, тиббиётнинг муайян соҳаси вазифалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўз вазифаларини ҳал этади.

Тиббиётда психодиагностика психология фанининг назарияси ва усулларига асосланиб, касаллик шароитида ёки деярли соғлом инсонлардаги руҳий саломатлик бузилишига таҳдид соладиган ҳолатларда руҳий функциялар, жараёнлар, ҳолатлар, шахс ва хатти-ҳаракатларнинг хусусиятлари ва бузилишлари ҳақида маълумот олиш имконини беради. Унинг ёрдамида клиник текширишнинг умумий тизимидаги беморларнинг нозологик ва синдромологик хусусиятлари аниқланади, психологик коррекция, психотерапия ва реабилитацияга оид тадбирлар шакллантирилади. Л.И.Вассерман ва О.Ю. Щелковалар [5] соматик клиникада психологик диагностика ва коррекция масалаларини таҳлил этган бўлиб, уларнинг назарича психология ва тиббиёт соҳалари сингари тиббий психодиагностика ҳам ўз методологияси ва методологик тамойилларига эга. Бу ерда эса тиббиётдаги психодиагностикани шахс ўзгаришлари моҳиятини ўлчаш ва саралаш усули сифатида тушуниш ҳамда ундан фойдаланиш мумкин эмаслигини таъкидлаш зарур. Умуман психодиагностика ва айниқса тиббий психодиагностика мураккаб тизимли фаолият ҳисобланади Психодиагностик жараён тиббиёт психологиясидаги тизимли ёндашувларга бўйсуниб, у психодиагностик тадқиқот натижалари асосида сабаб-оқибат муносабатларини таҳлил қилишда клиник ва экспериментал, сифат ва миқдорий ўлчаш тадбирларини акс эттиради. Рус психологиясида Б.Д. Карвасарский [9] томонидан клиник тиббиётда психологик диагностиканинг ролини алоҳида таъкидланган бўлиб, унда терапевтик, диагностик ва реабилитация жараёнларининг зарур элементи сифатида таъкидланган. Психодиагностика фаол психологик аралашувлар ва фармакотерапиянинг натижасини баҳолаши қайд қилинган.

Л.И Вассерман., Е.А Трифонова., О.Ю Щелковаларнинг [4; 5] изланишлари тиббиёт ва соғлиқни сақлашдаги психодиагностиканинг аҳамиятини ўрганишга бағишланган. Улар психодиагностика тадқиқотнинг умумий қонунларини, дифференциал ва экспериментал психологиянинг тамойилларини, ўрганилган психологик ҳодисалар тузилишига доир билимлар ва психологик тадқиқот жараёнининг қонуниятларини,

психодиагностика воситалари хусусиятларини психологнинг ахлоқий жиҳатларини бир бирига боғлиқ жараён сифатида қараш муҳимлигини эътироф этишган. Уларнинг ёндашувига кўра, замонавий илм-фан ақлий меъёр ва патология, биологик ва ижтимоий, инсон руҳиятининг онгли ва онгсиз соҳалари ҳақидаги ғояларига таянади. Шунингдек, руҳий касалликлар этиологияси ва патогенези миянинг умумий ва маҳаллий, органик ва психоген омилларни ўзаро боғлиқлиги, беморларни даволашда, психотерапия ва ижтимоий реабилитацияда психологик омилларнинг роли ҳақида клиник фикрларга асосланади. Шу ўринда яна бир бор айтиш керакки, тиббий психодиагностика табиий равишда тиббиётдаги диагностиканинг ажралмас қисми сифатида қаралиши муҳимлиги изоҳланган. Ўтган давр мобайнида тиббий психодиагностика мураккаб шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтиб, ўзининг методологик тамойиллари ва усуллари тизимини шакллантирди. Бироқ психодиагностика методологияси ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамон долзарб муаммо сифатида қолмоқда. Агар жаҳон билан маҳаллий тажрибаларни солиштиришга тўғри келганда, тиббий психодиагностика соҳасида ҳам назарий, ҳам амалий ишланишларга зарурат борлигини англатади.

Шу ўринда, психолог-олим В. Н. Мясищев ўз изланишларида тиббиёт психологияси ҳозирги кунда нафақат психологик, балки тиббиёт фани ва амалиётининг жадал ривожланаётган ва мустақил ижтимоий аҳамиятга эга соҳаси сифатида ўзини намоён этишини кўрсата олган. Ўз навбатида олим беморнинг диагностикаси, даволаш ва реабилитацияси жараёнида тиббиёт ва соғлиқни сақлашнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган мутахассислар касбий мафкурасининг инсонпарварлик ва шахслилик тамойилларига мувофиқ шакллантиришни талаб қилишини баҳолай олган [12]. Шундай қилиб, тиббий психодиагностиканинг умумий назарий асослари, методологик тамойиллари ва амалий татбиқларини ягона қонуний асосларга таяниб кўриб чиқилиши лозим. Бу эса руҳий саломатлик масалаларига психиатрия, неврология, наркология, нейрохирургия, соматика, инқироз психологияси, конфликтология, тиббий педагогика ва бошқалар билан узвийликда ёндашганда ўз табиатини тўлақонли ифодалайди. Юқоридаги мулоҳазалардан кўринмоқдаки, тиббий психодиагностика шахс ожиз қолган, руҳий ва соматик соғлиқ муаммоларига мослашишда қийинчиликларга дуч келадиган шахсларга психологик ёрдам беришнинг муҳим босқичи бўлиши керак. Беморнинг шахслилик қирраларини сақланиб қолган жиҳатларига асосланиб, индивидуаллик хусусиятлари, ҳаёти мазмуни ва қадриятлар тизимини ўз ичига олган ҳолда, клиник психолог касаллик стрессини бартараф этишнинг реалистик ва конструктив усулларини шакллантиришга ёрдам бериши лозим.

В. М Воловик [6] психик касалликларнинг функционал диагностикаси ва М.М.Кабанов [8] психосоциал реаблитация ва социал психиатрия муаммоларини ўрганишга эътибор қаратган. Уларнинг изланишларига кўра, тиббий психодиагностиканинг объекти унинг системали, асосан психосоциал тушунчасида мослашиш қийинчиликлари мавжуд бўлган шахсдир. Патологик касалликларда кўп ўлчовли ташхисни амалга ошириш жуда муҳим бўлиб, бу касалликнинг қўзғатувчи анча мураккаб полифакториал психологик таъсирни аниқлаш билан бирга даволашда, бемор онгида касалликка ва унинг оқибатларига муносабатни, касалликнинг руҳий таъсирлар орқали енгиш механизмларини, ижтимоий қўллаб-қувватлаш омилларини ҳисобга олиш имконини берар экан. Буларнинг барчаси илгари руҳий касалларга нисбатан йўналтирилган функционал ташхис ва реабилитациянинг умумий тиббий концепцияси шакллантирилганлигидан далолат бермоқда.

Руҳий саломатлик ва касалликни баҳолашга биопсихосоциал ёндашувнинг асосий методологик тамойилларидан бири инсон мослашув масаласидир. Ушбу концепцияга кўра инсон руҳият билан биосоциал омиллар таъсири масаласи тадқиқ қилинган бўлиб, бу тушунча умумий биологик ва умумий тиббий характерга эга эканлиги маълум. Мослашиш тушунчаси ва унинг тизимли тушунишни биопсихосоциал яхлитлиги инсон ҳаётининг динамик жиҳатларини, соғлиқни сақлаш барқарорлигини ёки патология шаклланишининг асосий қонунларини очиб беради. Бу йўналишда Л.И., Вассерман, Е.А., Трифонова,О.Ю.Щелкова [3;4;5], М.М.Кабановларнинг [8] изланишлари муҳимдир. Уларнинг изланишлари тиббиётда ва айниқса, тиббий психологияда мослашиш концепциясининг асосий қоидаларини ишлаб чиқиш, ташхис қўйиш ва даволашда анъанавий носоцентрик ёндашувни мослашиш билан алмаштиришга олиб келди. Шу боис Ю.А.Александровский [1] , Л.И., Вассерман, М.А., Беребин, Н.И Косенков [2] ва Ф.З. Меерсонлар [10] ҳозирги вақтда турли тадқиқот соҳалари (биокимёвий, психофизиологик, психологик, ижтимоий ва бошқалар) доирасида инсон мослашуви) шахснинг атроф-муҳит билан барқарор ўзаро алоқасини сақлашга қаратилган яхлит кўп даражали (биопсихосоциал) ва ўз-ўзини бошқарадиган тизим сифатида талқин қилганлар.

Инсон мослашувини ташкил этишнинг турли даражаларида кўп ўлчовли (биокимёвий ва ижтимоий-психологик) юзага келадиган тизимли жараён сифатида тушуниш нафақат клиник тиббиётда, балки инқирознинг олдини олишда ҳам мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва амалга оширишга имкон беради.

Ҳар бир алоҳида беморда симптомларни шакллантиришда руҳий ва соматик омиллар ўртасидаги муносабатни тўғри ташхислаш адекват ва самарали даволаш йўналишини танлашнинг зарур шартидир. Аммо, бу алоҳида ҳолат, масалан, сурункали соматик патология ҳолатларида, руҳий, соматик ёки соматоформ белгилари мураккаб ва ноаниқ психосоматик-соматопсихик боғлиқликлар натижасида ривожланганда, айниқса, баҳолаш янада қийиндир.

Психосоматик ва соматопсихик бузилишларни ҳисобга олган ҳолда, психологик ва соматопсихик муносабатлар ҳақида гапириш методологик жиҳатдан муҳимдир. Шунинг учун бу икки ҳолат сабаб-оқибат муносабатларининг ўзида ифодалайди. Бу ерда ўзаро таъсирнинг асосий омиллари жуда мураккаб бўлса-да, умумлаштирилган шаклда, бу "шахс-касаллик" ва "касаллик-шахс" муаммолари нуқтаи назаридан муҳокама қилинишини тақозо қилади. Кўплаб илмий тадқиқотлар ва тажрибалар шуни кўрсатадики, психосоматик тиббиётда ҳиссий омилларнинг устуворлик роли бугунги кунда касалликнинг бошланиши ва унинг баъзан

зиддиятли клиник кўриниш олишларига шубҳа туғдирмайди. Шу билан бирга, узоқ муддатли касалликлар ёки беморларнинг анъанавий даволаш шаклларига чидамлилиги билан клиник ва психологик жиҳатдан бундай патология соматопсикик муносабатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак. Л.И. Вассерман, Б.В. Иовлев, Е.А. Трифоновалар [11] ўз изланишларига кўра шахс билан касаллик муносабатининг келиб чиқиши, диагностикаси ва даволаш якунини моделли ифодалашга эришганлар. Уларнинг нуқтаи назарича, "шахс—касаллик—шахс" схемаси методологик жиҳатдан ўринлидир. Замонавий тиббий психодиагностика ва тиббиёт фани ўртасидаги боғлиқлик ҳамда улар томонидан касалликни ташхислаш, даволаш ва реабилитацияси масаласи юқоридаги методологик моделга мувофиқ ҳаракатни амалга оширилишини талаб қилади.

Республикамизда тиббий психодиагностика ва унинг методологик масалалари борасидаги изланишларнинг бир кўринишини ўзбек олими З.Р.Ибодуллаевнинг изланишида кузатилади [7]. Муаллиф томондан олиб борилган изланишларнинг ўзига хослиги маҳаллий тиббий тажрибаларда психологик диагностика методикаларини татбиқига эътибор қаратилганлиги билан характерланади. З.Р.Ибодуллаев томонидан “Психик статусни баҳолашнинг қисқа шкалси”, “Цунга сўровномаси”, “Спилбергер-Ханин сўровномаси”, “Хавотирланиш ва депрессиянинг госпитал шкаласи” ва “Гамильтон шкаласи” каби методикаларнинг амалиётда татбиқ этиш тизими тақдим қилинган [7, 411-432]. Бу ҳолат мамлакатимизда тиббий психодиагностика масаласига қаратилган тиббиёт соҳаси мутахассисларининг ижобий мурожаати деб баҳолаш мумкин. Бизнинг тадқиқотимизда илгари сурилаётган асосий ғояда ҳам тиббий психодиагностика тизимида қўлланилаётган методикаларнинг татбиқ этиш хусусиятлари ва маҳаллий тиббиёт амалиётдаги аҳамиятини тадқиқ этишга бағишланганлиги билан характерлидир. Юқоридаги таҳлилий ҳолатларга таяниб қуйидагича хулосага келиш мумкин: 1.Тиббий психодиагностиканинг ривожланиши учун методологик асос сифатида хизмат қилувчи илмий асослар етарлича мавжуд бўлиб, бу соҳанинг ривожланиши йўналишини белгилашга хизмат қилади. 2. Касалликни ташхислаш, даволаш ва реабилитацияси учун тиббий психодиагностика тиббиёт амалиётининг ажралмас қисми эканлиги ҳаётий талаб эканлиги аниқ бўлиб қолди. 3. Касалликнинг психосоматик ва соматапсихик хусусиятлари психология билан тиббиёт фанларининг интеграцияси ҳамда касалликни ташхиси ва даволашнинг самарали ечимини таъминлашнинг муҳим шарти эканлигини кўрсатмоқда. 4. Тиббий психодиагностика ва тиббиёт тадбирлари “шахс-касаллик-шахс” муносабат тизимидаги ўзининг асл табиатини ифодалайди. 5. Тиббий психодиагностиканинг ҳар қандай локал муҳитда қўллаш аниқ ўлчаш воситаларига таянади.

АДАБИЁТЛАР

1. Александровский Ю.А. Пограничные психические расстройства. – М.: Медицина, 2000. – 496 с.
2. Вассерман Л.И., Беребин М.А., Косенков Н.И. О системном подходе к оценке психической адаптации // Обозрение психиатрии и медицинской психологии им. В.М. Бехтерева. – 1994. – № 3. – С. 16–25.
3. Вассерман Л.И., Трифонова Е.А. Гуманистическая психология, качество жизни и ценностное сознание личности // Сибирский психологический журнал. – 2011. – № 40. – С. 129–135.
4. Вассерман Л.И., Трифонова Е.А., Щелкова О.Ю. Психологическая диагностика и коррекция в соматической клинике: научно-практическое руководство. – СПб.: Речь, 2011. – 270 с.
5. Вассерман Л.И., Щелкова О.Ю. Медицинская психодиагностика: Теория, практика, обучение. – СПб. – М.: Академия, 2003. – 736 с.
6. Воловик В.М. О функциональной диагностике психических заболеваний // Новое в теории и практике реабилитации психически больных: сб. науч. тр. / под ред. М.М. Кабанова и др. – Л.: Ленингр. н.-и. психоневрол. ин-т. им. В.М. Бехтерева, 1985. – С. 26–32.
7. Ibodullaev Z.R. Tibbiyot psixoologiyasi.-Toshkent.:”ZAMIN NAShR”, 2019.-494 в.
8. Кабанов М.М. Психосоциальная реабилитация и социальная психиатрия. – СПб.: СПб НИПНИ им. В.М. Бехтерева, 1998. – 255 с.
9. Медицинская психология. – Л.: Медицина, 1982. – 271 с.
10. Меерсон Ф.З. Адаптация, стресс и профилактика. – М.: Наука, 1981. – 280 с.
11. Методологические основы психологической диагностики в клинике соматических расстройств / Л.И. Вассерман, Б.В. Иовлев, Е.А. Трифонова [и др.] // Сибирский психологический журнал. – 2010. – № 38. – С. 24–28.
12. Мясищев В.Н. Проблема личности в психологии и медицине // Актуальные вопросы медицинской психологии: труды ЛНИ ПНИ им. В.М. Бехтерева / под ред. М.М. Кабанова и И.М. Тонконогого. – Л., 1974. – Т. LXXII. – С. 5–25.

Тиббий психодиагностиканинг методологик муаммолари
Мелибаева Р. Н.Тошкент тиббиёт академияси

Резюме. Мақола тиббий психодиагностиканинг методологик муаммоларига доир таҳлилий материалларга бағишланган. Тиббий психодиагностиканинг методологик муаммоларини ёритишда инсон руҳиятининг ўзига хос қонуниятлари ва тамойилларини акс эттирувчи илмий қарашларга, психология фанининг назарияси ва методлари асосида касалликларнинг этиологияси, патогенези, даволаш ва олдини олишда психологик омилларнинг ролини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш тиббиёт ва психология фанлари ривожида ўта муҳим эканлигига мақолада асосий эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: психодиагностика, табиийий психодиагностика, методология, психосоматик , биосоциал.

Методологические проблемы медицинской психодиагностики
Мелибаева Р.Н. Ташкентская медицинская академия

Резюме. Статья посвящена аналитическим материалам по методологическим проблемам медицинской психодиагностики. В ней подчеркивается важность решения методологических задач медицинской психодиагностики в развитии медицинских и психологических наук, отражающих специфические закономерности и принципы психики человека, изучение роли психологических факторов в этиологии, патогенезе, лечении и профилактике болезней.

Ключевые слова: естественная психодиагностика, методология, личность, болезнь, психосоматика, биосоциальность

Methodological problems of medical psychodiagnostics

Melibaeva R.N. Tashkent Medical Academy

Summary. The article is devoted to analytical materials on methodological problems of medical psychodiagnostics. The importance of the solution of methodological problems of medical psychodiagnostics in development of the medical and psychological sciences reflecting specific regularities and the principles of mentality of the person, studying of a role of psychological factors in an etiology, pathogenesis, treatment and prevention of diseases is emphasized.

Key words: natural psychodiagnostics, methodology, personality, disease, psychosomatics, biosocial.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАНАЁТГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Қадиров Қ.
Нукус давлат педагогика институти

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиб, суверен давлат сифатида тараққий этиш жараёнида тарихан қисқа, бироқ асрларга тенг вақт мобайнида улкан ютуқларни қўлга киритди. Ана шундай туб бурилишли ислоҳотлардан бири ёш авлодни ҳар томонлама етук, ўз ватанига садоқатли, юксак салоҳиятли баркамол авлодни вояга етказиш масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги бўлди.

Бугун жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш учун истеъдод эгаларини аниқлаб, тарбиялашнинг манбалари ва воситаларини замон андозалари асосида қайта кўриб чиқиш, давлат ва нодавлат, олий ва ўрта махсус, халқ таълими ва бошқа тармоқ вазирликлари ҳамма соҳаларидаги аҳлоқий тарбия масалаларини комплекс ечиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлар мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини тезроқ оширишни даврнинг ўзи тоқазо қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сонли қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу соҳа бўйича ислоҳотлар олиб борилишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг маънавий-маданий асосларини ўрганиш ва таҳлил этиш заруратини келтириб чиқармоқда. Ушбу ривожланиш дастурида маънавий бойликларни тиклаш, миллатнинг ахлоқий намунасини такомиллаштириш ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган [1].

Ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этар экан, улар жамиятимизнинг асосий қатлами сифатида мамлакатимизнинг ишонч ва эътиқодига айланишлари билан бир қаторда, жамиятнинг илғор ташаббускори ва мустақиллик неъматларини келажак авлодга етказувчилари ҳисобланадилар. Ёшлар қанчалик илмли, дунёқараши кенг, миллий ғоя ва мафкура билан қуролланган ва уни англаб олган бўлса, жамият шунчалик тараққиётга эришади. Ёшларимиз ғоявий жиҳатдан чиниққан, ватанпарвар, замонавий билмларни эгаллаши ва уларда ана шундай хислатларни шакллантиришда таълим муассасаларининг барча бўғинларида фаолият кўрсатувчи педагог ходимларнинг ўрни беқиёс. Мамлакатимиз келажаги кўп жиҳатдан ҳозирги талаба ёшларнинг билим ва иқтидори, рақобатбардошлиги, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги билан боғлиқдир. Талабаларнинг ижтимоий фаоллиги уларнинг етук мутахассис ва юксак фуқаролик сифатларига эга шахс бўлиб етишишига ижобий таъсир қилувчи муҳим омилдир. Ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб бораётган бир даврда, олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир. Шу билан биргаликда бугунги кунда ёшларимизга муносиб таълим бериш, ҳар томонлама зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш давлат сиёсати даражасидаги энг асосий масалалардан бир ҳисобланади.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳар доим ҳар бир мамлакат учун етук кадрлар тайёрлаш муҳим вазифалардан бири эканлиги, олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратиш, педагог кадрларга янада эътиборни кучайтириш, мутахассислар тайёрлашни янги босқичга кўтариш лозимлиги таъкидлаб ўтилди [2]. Ўзбекистонда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси ўтган даврда 9-10 фоиз бўлган бўлса, сўнгги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли бу кўрсаткич 15-20 фоиздан ошди. Лекин дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади. Шунинг учун келгуси йилларда бу борадаги ишларни янада изчил давом эттириб, 50-60 фоизга ошириш муҳим вазифа эканлиги белгилаб берилди [2]. Мурожаатномада олий таълим муассасаларига, реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қабул квоталарини мустақил белгилаш тизими жорий этилиши, таълим бериш ва илмий фаолиятни амалга оширишда университет ва институтларнинг мустақиллигини кенгайтириш

лозимлиги қайд этилдики, айни ҳолат олий таълим муассасаларининг ҳар томонлама янада кенгроқ фаолият олиб бориши учун замин бўлиши, шубҳасиздир.

Шунингдек, 2019 йилдан бошлаб таъсис этилган ва 2020 йилда айни жараён янада такомиллаштирилган ҳолат - ёшларимизнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имконияти берилиши уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади. Жорий ўқув йилида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш имкониятлари янада кенгайтирилади. Шу мақсадда 2019 йил 4 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида 2019-2021 йилларда "Эл-юрт умиди" жамғарма стипендиялари ҳисобидан кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш дастурлари бўйича 4000 та мутахассисни тайёрлаш режалаштирилаётгани алоҳида таъкидланди. Таъкидлаш лозимки, уларнинг 20 фоизи магистратура ва докторантурада таҳсил олишади. Бу ҳолатни Мустақиллик ва Ватан тараққиёти ғояларига содиқ бўлган янги инсонни тарбиялаш ва вояга етказиш бугуннинг муҳим вазифаси сифатида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг бири сифатида баҳолашимиз мумкин. Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда **2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили",** деб ном берилди ва жорий йилнинг 2 март куни Давлат Дастури қабул қилинди [3].

Давлат дастурида 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишилиши белгиланган. Хусусан, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказилиши учун ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади. Бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади. 2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади. Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимининг жорий этилиши ўтган тарихимиз давомида илк бора кузатилаётган ҳолатдир. Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифати қайта кўриб чиқилиб, янада такомиллаштириш кўзда тутилди. 2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш ишлари бугундан бошланди, бу учун 348 та таянч мактаб белгиланиб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчининг малакаси ошириладиган бўлди. Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилиши мамлакатимиз ёшлари учун яратиб берилаётган мислсиз имкониятларнинг яна бириси сифатида таъкидлашимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Таъкидлаш лозимки, ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Мурожаатномада, олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратилади. Бу борада шуни унутмаслик керакки, олий таълим қамровини ошириш тўлов контрактига боғлиқ бўлиб қолмаслиги алоҳида таъкидландир. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, қизларимиз учун алоҳида грантлар ҳам ажратиладиган бўлдики, айни ҳолат билимли, иқтидорли, турли соҳа ва йўналишларда юқори натижаларга эришаётган қизларимиз учун яратилган имконият бўлдики, бу ишларни мувофиқлаштириш, қизларни танлаш ва саралаш хотин-қизлар қўмитасига юклатилди. Шу билан бир қаторда, жорий ўқув йилидан бошлаб, ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим тизимидан андоза олган ҳолда, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ҳам оптималлаштириладиган, енгиллаштириладиган бўлди. Бу билан эса, асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратишга эришишдир .

Жорий ўқув йилидан бошлаб, таълим тизимимиз тарихидида илк бор, шу пайтгача фақатгина хорижий тиллар учун амал қилиб келаётган ҳолат, энди она тили бўйича ҳам билимни баҳолашнинг миллий тест тизими яратиладиган бўлди. Яъни, ёшлар исталган вақтда имтиҳон топшириб, тегишли гувоҳнома олса, олий ўқув юртига ўқишга кираётган пайтда она тили бўйича қайта синовдан ўтишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайдиган бўлди. Шунингдек, жорий ўқув йилидан, олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Энг асосийси, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилиши белгиланди. Айни ҳолат ёшларимизнинг танлаган мутахассисликлари бўйича чуқур ва фундаментал билим олишга, ортиқча вақт сарфламасдан, ўз устида мустақил ишлаш имкони яратилди. Айни ҳолат, бора-бора ривожланган мамлакатлар таълим тизимига хос бўлган ўқув жараёнини кредит-модул тизимига ўтказиш босқичма-босқич амалга ошириладиган бўлди.

Олий таълим тизимида яна бир муҳим янгиликлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 27 февраль кунги «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ - 4623-сонли Қарори асосида жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та: жисмоний маданият, чақириққача ҳарбий таълим, мусиқий таълим, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, бошланғич таълим ва мактабгача таълим

йўналишлари бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланди. Айни ҳолат ҳам юртимизда мазкур йўналишлар бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш, талабанинг ортиқча умри, сарф-ҳаражатининг тежалиши билан эътиборга молик иш бўлди [4]. Президентимиз томонидан Мурожаатномада мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олиш лозимлигини, ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бир йўла тараққий эттира олмаслиги алоҳида таъкидлаб, ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш лозимлиги бўйича кўрсатма бердилар. Гувоҳи бўлганимиздек, орадан сал вақт ўтмасдан, жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотларни фаоллаштириш ҳамда айни йўналишда фаолият олиб борувчи олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги фикримиз далилидир. Муҳими шундаки, жорий йилдан бошлаб, ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари янада кенгайтирилди. Фикримиз исботи сифатида келтиришимиз мумкинки, жорий йилнинг ўзида “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилиши режалаштирилгани, келгусида грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари кўламини кенгайтириш белгиланган соҳа вакиллари дилидаги тарихий воқеа бўлди.

Қабул қилинган Давлат дастури асосида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ҳам туб бурилиш қилиниши белгланки, бу биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш бўйича чоралар белгиланган [3]. Шунингдек, Президентимиз томонидан “Электрон ҳукумат” тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институтсионал масалаларни комплекс ҳал этиш зарурлиги бўйича топшириқлар белгиланиши, соҳа мутахассислари олдига янада изланишни ҳамда масъулиятни юклайди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз томонидан Парламентга қилинган Мурожаатномаси ва шу асосда қабул қилинган Давлат дастури ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларини қамраб олганлиги ҳамда нафақат жорий йилда, балки кейинги беш йилликда амалга оширилиши лозим бўлган устувор масалаларга қаратилганлиги билан ҳам қимматлидир. Ҳақиқатдан ҳам шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги ахборот оламида, айниқса бугунги кунда, ёшларимизни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишимиз, улар онги ва қалбида ота-онага бўлган меҳр, Она Ватанга бўлган садоқат, шарқона одоб-аҳлоқ меёрларини ўзида мужассамлаштирган, мустақиллик ғоялари билан суғорилган комил инсонлар қилиб тарбиялаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 2 март куни “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 27 февраль кунги «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ - 4623-сонли Қарори.

Интернет материаллари

1. www.ziyonet.uz
2. www.ziyo.uz
3. www.gov.uz

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида модернизацияланаётган олий таълим
Қадиров Қ. Нукус давлат педагогика институти

Резюме. Мақалада давлат дастурида таълим бери шва илимий фаолиятни амалга оширишда университет ва институтларининг мустақиллигини кенгайтирищ лозимлиги қайд этилганлиги ва таълим муасасаларининг янада кенгроқ фаолият олиб бориш учун замин бўлиши ҳар томонлама ёритилган.

Таянч сўзлар: олий таълим, модернизациялаш, устувор йўналишлар, электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт.

Модернизированное высшее образование на новом этапе развития Узбекистана
Кадиров К. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме. В статье речь идёт о повышении самостоятельности университетов и институтов в реализации высшего образования научной деятельности, намеченной в государственной программе Республики Узбекистан. Отмечается, что новые меры, направленные на модернизацию высшего образования, служат базой для дальнейшего его развития.

Ключевые слова: высшее образования, модернизация, пререгативные направления, электронного правительство, цифровая экономики.

Modernized higher education at a new stage of development of Uzbekistan
Kadirov K. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. The article deals with increasing the independence of universities and institutes in higher education scientific activities outlined in the state program of the Republic of Uzbekistan. It is noted that new measures aimed at modernizing higher education serve as a basis for its further development.

Key words: higher education, modernization, preregular areas, e-government, digital economy.

TALABALAR TURISTIK FAOLIYATIDA IJTIMOIY-MADANIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH

Nafasov D.
Urganch davlat universiteti

O'zbekistonning boy madaniy merosi avlodlarda milliy g'urur, vatanparvarlik, e'tiqod va insonparvarlikni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Ma'naviy merosimizni dunyo bo'ylab targ'ib qilish, sayyohlarni jalb qilish, ularni yoshlarning ongiga etkazish, muqaddas qadamjolar bilan tanishtirish juda muhimdir. Bunday maskanlar mamlakatimizning turli hududlarida joylashganligi sababli bu joylarga turistik sayohatlar uyushtirish talaba - yoshlar turistik faoliyatida ijtimoiy - madaniy kompetensiyalarni yuksaltirish bilan birga o'z millati, xalqi, allomalari, qadriyatlari bilan faxrlanish tuyg'usini ham tarbiyalaydi.

O'zbekiston xalqining umummilliy boyligi hisoblanadigan madaniy merosimizni muhofaza qilish, ilmiy o'rganish va undan foydalanish borasida mamlakatimizda qator ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, Buxoro, Samarqand, Xiva va Shahrisabz shaharlarining tarixiy markazlari YUNESKOning Umumjahon madaniy merosi ro'yxatiga, "Boysun madaniy muhiti", "Shashmaqom musiqasi", "Navro'z", "Katta ashula", "Askiya", "Palov madaniyati va an'analari" nomzodlari Insoniyat nomoddiy madaniy merosi reprezentativ ro'yxatiga, Usmon Qur'oni, Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik institutining qo'lyozmalar to'plami, Xiva xonligi devonxonasi hujjatlari Jahon xotirasi ro'yxatiga kiritilgani yurtimiz madaniy merosining dunyo miqyosida e'tirof etilganiga yorqin misol bo'la oladi. Qadimiy yozma manbalarni saqlash, tadqiqot va targ'ibot qilish tizimi yanada takomillashtirildi, Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida O'zbekistonga oid xorijdagi madaniy boyliklarni tadqiq etish markazi va O'zbekistondagi Islom sivilizatsiyasi markazi tashkil etildi. Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish, ilmiy o'rganish, ulardan oqilona foydalanish va yurtimizning sayyohlik salohiyatini oshirishda ularning o'rni va ahamiyatini oshirish hamda moddiy madaniy meros sohasidagi davlat nazoratini tubdan takomillashtirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi huzurida Madaniy meros departamenti tashkil etildi [1,1].

Turizm sohasini rivojlantirishga oid 2019 - yil 18-iyulda «Turizm to'g'risida» gi Qonun Prezident tomonidan imzolandi. Qonun bilan turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi turizm sohasidagi vakolatli davlat tashkiloti etib belgilandi. Jismoniy va yuridik shaxslarga turizm obyektlari to'g'risida ma'lumot beruvchi hamda ularni targ'ib qiluvchi turistik axborot markazlari tashkil etiladi. Qonunga muvofiq, turoperatorlik va turagentlik faoliyati, shuningdek, sayohatlar tashkil etishga doir boshqa faoliyat turistik faoliyat hisoblanadi. Turoperatorlar va turagentlar faoliyati litsenziya asosida amalga oshirilishi hamda litsenziya amal qilish muddati cheklanmagan holda berilishi nazarda tutiladi. Shuningdek, ekskursiya xizmatlari ko'rsatuvchi yakka tartibdagi tadbirkor bo'lgan jismoniy shaxslarga turistik faoliyatni amalga oshirish huquqi uchun litsenziya olish talab qilinmaydi. Gidlar (gid-tarjimonlar), ekskursiya yetakchilari va yo'riqchi - yo'l boshlovchilar qo'mita tomonidan beriladigan sertifikat olganidan keyin, yuridik shaxs tashkil etmasdan mustaqil ravishda xizmatlar ko'rsatishi mumkinligi qayd etilgan [2,3]. O'zbekistonning Milliy turistik belgisini ishlab chiqishadi. Albatta bularning barchasi O'zbekistonning turistik salohiyatini oshiradi, mamlakatda ichki va xalqaro turizmni jadal rivojlantirishga, talabalar turistik faoliyatida ijtimoiy-madaniy kompetentligini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Turizm sohasiga oid O'zbekiston Qonunchiligidagi islohotlar yoshlarimizga keng imkoniyatlar yaratib bemoqda. Shuning bilan birga ularda turizmga qiziqishni oshiradi, yangi mutaxassislarni tayyorlaydi, mamlakatimizga tashrif buyurayotgan chet ellik mehmonlarga hurmat, mehmondo'stlik fazilatlarini, o'z vatanining milliy boyliklaridan g'ururlanish hissini tarbiyalaydi, ularda turistik madaniyatni yuksaltiradi. Demak, bugungi kundagi islohotlar zamirida, talaba – yoshlarimizda turizm, turistik faoliyat, ekoturizm, gastroturizm, mehmonxona turizmi, ziyorat turizmi borasidagi bilimlarni tarkib toptirish bilan birgalikda ularda insonparvarlik, mehmondo'stlik, samiymiylik, mehr – oqibatlilik kabi ijtimoiy – madaniy kompetensiyalarni ham rivojlantirishni nazarda tutadi. Talabalarning turistik faoliyatida ijtimoiy - madaniy kompetensiyalarini rivojlantirishda O'zbekistonning madaniy - tarixiy meroslarining ahamiyati katta**.**

Mamlakatimizda ajdodlarimizdan qolgan madaniy tarixiy merosga e'tibor kuchaydi, tarixiy yodgorliklar davlat nazorati ostiga olindi. Istiqlol yillarida Buxoro, Samarqand, Termiz, Xiva, Toshkent, Qo'qon, Shahrisabz kabi shaharlarda ulug' ajdodlarimizning yuksak iste'dodi bilan bunyod etilgan obidalar o'zining haqiqiy qadr-qimmatini topdi, ularni ta'mirlash va asl qiyofasini tiklash davlatimiz siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi. Toptalgan tariximiz, qutlug' qadamjolar, hatto nomlari ham unutilayotgan obidalar ta'mirlandi, qayta tiklandi. Imom al Buxoriy, Imom at-Termiziy, Abu Mansur al-Moturudiy, Ahmad al-Farg'oniy, Burhoniddin al-Marg'inoniy, Mahmud az-Zamaxshariy kabi ulug' allomalarimizning sha'nlariga munosib yodgorlik - majmualar yaratildi. Toshkent, Samarqand va Shahrisabzda sohibqiron Amir Temur, Toshkentda Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy, Urganchda Jaloliddin Manguberdi, Termizda Alpomish haykallari qad ko'tardi. Bugungi kunda mamlakatimizda yetti mingdan ortiq yodgorlik, shu jumladan, 2500 ta me'moriy obida, 2700 dan ortiq monumental san'at asari davlat muhofazasiga olingan. 1991 yildan Xivadagi Ichonqal'a qo'riqxonasidagi, 1993 yildan Buxoro shahri markazidagi, 2000 - yildan Shahrisabz shahri markazidagi yodgorliklar YUNESKOning "Umumjahon madaniy merosi" ro'yxatiga kiritildi.[3].

Mustaqillik yillarida qayta tiklangan muqaddas qadamjolardan biri bo'lgan Oqmasjid yodgorligi Navoiy viloyati Xatirchi tumanida joylashgan. Bu masjidni ulug' zotlardan biri Sayyid ota bunyod etganlar. Qariyalarning aytishiga ko'ra, 1380-1390 yillarda bunyod etilgan Oqmasjid istiqlol davrida xalqimizning muqaddas ziyoratgohiga aylanib, yaxshilik va ezgulikka, tinchlik va osoyishtalikka, o'zaro ahil va hamjihat bo'lishga xizmat qilmoqda. Masjid 1920 -

yillargacha musulmonlarning eng sevimli maskaniga aylangan. Bu masjidda Buxoro madrasalarini tamomlab kelgan mudarrislar, ulamolar dars berganlar, namozxonlarga shariat va tariqat yo'llaridan saboq berganlar, ularni halollik va poklikka, tinchlik va osoyishtalikka da'vat etganlar. Ushbu muqaddas qadamjolarga talaba – yoshlarni turistik sayohatga jalb qilish, ularda ulug' bobokalonlarimizdan faxrlanish tuyg'usini yuksaltiradi. O'tmishimizni avaylash, tarixiy obidalarni e'zozlash, osori - atiqalarni, qolaversa, xalqimizning buyuk o'tmishi, yashayotgan ijtimoiy hayoti va kelajagi bilan bevosita bog'liqdir. Bu xususiyatlar millatimiz va xalqimizning milliy qadriyati bo'lib, azaldan ularning qon-qoniga singib ketgan. Bularning barchasini o'sib kelayotgan yoshlarimiz ongiga singdirish, ijtimoiy – madaniy kompetensiyalarni rivojlantirish muhim vazifalaridan biri hisoblanadi.

Talabalarning turistik faoliyatida ijtimoiy - madaniy kompetentligini rivojlantirishda O'zbekistonning madaniy - tarixiy meroslarining o'rni katta. *Talaba - yoshlarimizga, shuningdek, chet ellik talabalarga taklif etiladigan turistik muqaddas qadamjolarimizdan biri Samarqandda joylashgan Imom al-Buxoriy yodgorlik majmui — Samarqanddagi me'moriy yodgorlik, ziyoratgoh. Imom al-Buxoriy dafn etilgan Chelak tumani Xartang qishlog'idagi qabriston musulmon ahlining eng tabarruk va aziz ziyoratgohlaridan bo'lib kelgan. O'zbekiston mustaqillikka erishganidan so'ng Imom al-Buxoriy kabi butun umrini iymon va e'tiqod, ilm-ma'rifat, diyonat yo'lida baxshida etgan ulug' zotlar xotiralarini e'zozlash, ular nomlari bilan bog'liq joylarni obodonlashtirishga alohida e'tibor berila boshlandi. Majmua, avvalambor, ziyoratgoh, muqaddas qadamjo, so'ng kundalik, juma, hayit namozlari o'qiladigan joy vazifasini o'taydi. Bu yerda hadis ilmini o'rganish va boshqa ma'rifiy ishlarni amalga oshirish ham ko'zlangan. Talabalar ushbu maskandan o'zlari uchun islom ta'limotiga oid ko'plab ma'lumotlar olishlari mumkin. Bunday turistik sayohatlar talabalarda iymon, e'tiqod, ishonch kabi ijobiy fazilatlarni tarbiyalaydi, o'z vatanidan g'ururlanish tuyg'ularini shakllantiradi umuman olganda ularda* ijtimoiy - madaniy kompetensiyalarini rivojlantiradi. *Yana bir maskan* 2019 - yil 5 - sentyabrdan O'zbekiston musulmonlari idorasi muassisligida tashkil etilgan Hadis ilmi maktabi hisoblanadi. Samarqandda joylashgan hadis maktabi Sh.M.Mirziyoyevning 2018-yil 16-apreldagi "Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoniga ko'ra tashkil etilgan [4]. Maktabda hadisshunoslik fanlari bilan bir qatorda Qur'oni karim, fiqh, aqida, tafsir, islom tarixi kabi fanlar hamda xorijiy tillardan chuqur bilim beriladi. Oliy diniy ta'lim muassasasi Islom dini va hadis ilmi rivojiga hissa qo'shgan ajdodlarning boy merosini chuqur o'rganish, ular tomonidan asos solingan hadis maktablari faoliyatini qayta tiklash, tatqiq qilish va rivojlantirishda muhim rol o'ynaydi.

Talaba – yoshlarning turistik faoliyatida ijtimoiy – madaniy kompetentligini rivojlantirishda Samarqanddagi o'z davrining eng yirik oliy ta'lim muassasalari bo'lgan *Ulug'bek madrasasi, Sherdor madrasasi, Tillaqori madrasalari muhim rol o'ynaydi. Ulug'bek madrasasi — Samarqanddagi me'moriy yodgorlik (1417-1422 yillarda qurilgan), Registon ansamblining g'arbida joylashgan Sherdor madrasasi (1619—1636 yillarda qurilgan), Registon ansambli tarkibida Yalangto'sh Bahodir qurdirgan Ulug'bek madrasasining ro'parasida joylashgan Tillaqori madrasasi — Samarqanddagi me'moriy yodgorliklardir. Tillaqori madrasasidan shahar jome - masjidi va madrasa sifatida foydalanilgan [5, 96-103]. Ushbu maskanlarga uyushtiriladigan turistik sayohatlar talabalarni o'tmish silivizatsiyasi bilan tanishtiradi, O'rta Osiyodagi ilk oily ta'lim muassasalari va ularning faoliyatlari haqidagi bilimlar bilan boyitadi.*

Talabalarning turistik faoliyatida ijtimoiy – madaniy kompetentligini rivojlantirishda *hizmat qiluvchi madaniy obidalarimizdan yana biri* Buxoro shahrida joylashgan. Buxoro eng qadimiy shaharlardan biri bo'lib, YuNESKOning "Butun jahon me'moriy merosi" ro'yhatiga kiritilgan. Turli davrlarda bunyod etilgan nafis san'at va me'morchilik durdonlaridan iborat shahar 1997- yilda o'zining 2500 yilligini nishonladi.Bugungi Buxoro shahri boshqa shaharlarga nisbatan, shubha yo'qki, katta ustunlikka ega: jumladan, o'zga joylarning tarixiy hududi faqat qadimiy obidalardan iborat bo'lib, mahalliy millat vakillari yashamagani bois "Ochiq osmon ostidagi muzey" tarzida e'tirof etilsa, Buxoroi sharifda hozirda shahar ahli bir necha asrlar ilgarigiday o'ziga xos turmush tarzini o'tkazmoqdalar. O'z o'rnida bu sayyoh talabalar uchun qisman bo'lsada, bu muqaddas dargohning o'lmas o'tmishini xayolan tasavvur qilishga imkon beradi. 2500 yillik tarixga ega Buxoroning ilonizi ko'chalarida zavq bilan kezishingiz va albatta, moviy rang gumbazli, hashamatli imoratlar hamda pastqam loysuvoq uylardagi turmush tarzining o'zgacha qiyofasidan bahramand bo'lishingiz mumkin. Qadimiy arxitektura yodgorliklari shamol yoki dovullar, yomg'ir yoki qorlarga, zilzila-yu dushmanlar tomonidan otilgan zamabark o'qlariga ham bardosh berib, necha yuz yillardan buyon qad ko'tarib, salobat to'kib turibdi va u talaba – yoshlarimizga o'z o'tmishin so'zlab berishga tayyor.

Bugungi Buxoro ham qadimgidek sayyohlar uchun sergavjum shahar bo'lib, faqat endilikda har xil G'arb tillarida so'zlayotgan xorijliklar va tarjimonlarni, maftunkor mehmonxonalarni, Sharq milliy me'morchilik san'atini zamonaviy bunyodkorlik uslublari bilan uyg'unlashtirgan go'zal inshootlarni ko'rish mumkin.Shuni eslatib o'tish kerakki, Buxoroi sharifda sayyohlar tashrif buyurishi mumkin bo'lgan qadamjolar son-sanoqsiz. Barcha me'morchilik yodgorliklari bilan tanishib chiqish uchun bir necha kun kerak bo'ladi. Zero, eski shaharda o'rta asrlarga aloqador 140 taga yaqin katta me'morchilik obidalari mavjud. Talaba- yoshlarni imkon qadar ularning orasidan ko'rishlari shart bo'lganlari bilan tanishtirishimiz mumkin. Bulardan: Govkushon madrasasi, Nodir Devonbegi madrasasi, Ismoil Somoniy maqbarasi, Abdulazizxon madrasasi, Mir Arab madrasasi va boshqalar. Mir Arab madrasasi bugungacha o'sha davrdagi kabi Islom ilmi ixlosmandlarining eng sevimli maskanlaridan biri bo'lib qolmoqda. Bo'lg'usi imomlar ta'lim olishga qaratilgan mazkur madrasa sobiq sovetlar davrida beto'xtov faoliyat yuritgan yagona diniy ilm maskani hisoblanadi.

Xiva o'zining xozirgacha saqlanib kelayotgan boy moddiy – madaniy tarixiy obidalari bilan talaba – yoshlarni o'ziga jalb qilib kelmoqda. Xiva – Xorazmning qadimiy shaharlardan biri bo'lib, o'rta asr sharq me'morchiligining tengsiz javohiridir. O'zbekiston Fanlar akademiyasi tomonidan 1984-1993- yillarda Xiva shahrida o'tkazilgan arxeologik qazishmalar natijasi shuni ko'rsatadiki, "Ichan Qal'a" hududi eramizdan avvalgi V asrda paydo bo'lgan.

Xiva shahri Xitoydan Rimgacha olib boruvchi Buyuk Ipak yo'lining eng muhim chorrahalaridan birida joylashgan. Xiva shahri 1990 - yil 12 - dekabrda YUNESKOning Markaziy Osiyoda birinchi bo'lib «Butun jahon merosi» sifatida ro'yxatga olingan. Xiva «Ichan-Qal'a» Davlat muzey - qo'riqxonasi O'zbekistonning eng ko'hna muzeylaridan biridir. Qo'riqxona hududida 54 ta qadimgi tarixiy me'moriy binolar mavjud. Xiva «Ichan - Qal'a» tarixiy me'moriy Davlat muzey - Qo'riqxonasi bisotida Xorazmning 3000 yildan ko'proq uzoq tarixini, uning ma'naviy va moddiy madaniyatini yorituvchi 40.000 ga yaqin nodir, asosiy fond eksponatlari saqlanmoqda *[5, 215]*. O'zbekistonning ma'naviy va moddiy madaniyatini yorituvchi manbalar bilan yoshlarimizni tanishtirish, tarixiy ma'lumotlarni o'zlashtirishlari ularning ijtimoiy – madaniy faolliklarini oshiradi.

Xulosa o'rnida shularni keltirishimiz mumkin, O'zbekistondagi muqaddas qadamjolarga, tarixiy obidalarga tashrif buyurgan har qanday inson ushbu maskandan ma'naviy zavq, adabiyot va san'at, tarix va boshqa yuksak madaniy yodgorliklarga aloqador ma'lumotlarga ega bo'ladi. O'zbekiston yoshlari va butun dunyo talaba - yoshlarini Toshkent, Samarqand, Buxoro, Xiva shaharlarida joylashgan moddiy – madaniy obidalarga, muqaddas qadamjolarga, nodir me'moriy obyektlarga sayohatga jalb qilish, ularda turistik madaniyatni, ijtimoiy – madaniy kompetentligini rivojlantiradi, yuksak taraqqiy etgan ilmiy, ma'naviy - axloqiy dunoqarashni tarkib topdiradi. Bunday turlar davomida talabalarda quyidagi umummadaniy kompetensiyalar rivojlanadi: Vatanga sadoqatli, insonlarga mehr-oqibatli hamda umuminsoniy va milliy qadriyatlarga e'tiqodli bo'lish; badiiy va san'at asarlarini tushunish, ta'sirlana olish; orasta kiyinish, yurish-turishda madaniy me'yorlarga va sog'lom turmush tarziga amal qilish, umumbashariy ahamiyatga ega bo'lgan qadriyatlarni (urf odatlar, marosimlar, milliy-madaniy an'analar va.h.k.) bilish, unga hurmat bilan munosabatda bo'lish; o'zgalarga nisbatan mehr-muruvvat, saxiylik, o'zgalarning dunyoqarashi, diniy e'tiqodi, milliy va etnik hususiyatlari, an'ana va marosimlarini hurmat qilish; xalqining tarixiy, ma'naviy va madaniy merosini avaylab asrash, jamiyatda o'rnatilgan odob-axloq qoidalariga rioya qilish va h.k.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston respublikasi prezidenti Sh. Mirziyoyev. Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida. Toshkent sh., 2018-yil 19-dekabr,PQ-4068-son.
2. O`zbekiston Respublikasining — Turizm to`g`risidagi qonuni. (O'RQ–549, 18.07.2019 y.)
3. Жаҳон туризм ташкилоти. //www.unwto.org/ru
4. O'zbekiston respublikasi prezidenti Sh. Mirziyoyev. Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida. Toshkent sh., 2018-yil 16-aprel.
5. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi .-T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti,2000.

Talabalar turistik faoliyatida ijtimoiy-madaniy kompetentligini rivojlantirishning tarixiy-madaniy shart-sharoitlari.
Nafasov D. Urganch davlat universiteti

Резюме. Ushbu maqolada talabalarning turistik faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari, O'zbekistonning boy madaniy - tarixiy merosining tarbiyaviy ahamiyati, talabalarda ijtimoiy - madaniy kompetensiyalarini rivojlantirishda O'zbekistonning boy madaniy - tarixiy meroslarining o'rni keltirilgan.

Tayanch so'zlar: turistik faoliyat, ijtimoiy – madaniy muhit, ijtimoiy kompetensiya, turoperatorlar, turagentlar, tarixiy yodgorliklar, muqaddas qadamjolar, obidalar.

Историко-культурные условия развития социокультурной компетентности студентов в сфере туризма
Нафасов Д. Ургенческий государственный университет

Резюме. В статье рассматриваются особенности студенческого туризма, образовательной ценности культурного и исторического наследия Узбекистана, а также о месте и значении их в развитии социальных и культурных компетенций у студенческой молодежи.

Ключевые слова: туристическая деятельность, социокультурная среда, социальная компетентность, туроператоры, турагенты, исторические памятники, святые места, памятники

Historical and cultural conditions of development of students'socio-cultural competence in tourist activities
Nafasov D. Urgench State University

Summary. This article presents the peculiarities of student tourism, the educational value of Uzbekistan's rich cultural and historical heritage, and also theirplace and role of student youthin the development of social and cultural competences.

Key words: tourist activities, socio-cultural environment, social competence, tour operators, travel agents, historical monuments, sacred sites, monuments

---

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА АҲАМИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР ВА СОҒЛОМ МУҲИТ ЯРАТИШ: ИЛМИЙ МУАММО ВА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

Ойбеков О. О.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси

Ўзбекистонда Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган Харакатлар стратегияси модели асосида амалга оширилаётган ислоҳотларни жадал ривожланиши мамлакатимиз тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, кадрлар тайёрлашда горизонтал ва вертикал ёндашишлар кўп асрлар давомида изланишар предмети бўлиб келди. Вертикал бошқариш шарқ давлатлари тарихида, шу билан бирга, Ўзбекистондаги уч минг йиллик давлатчилик бошқарувининг асосий усули бўлиб келди. Бундай бошқариш Ғарб давлатларида ҳам демоктратик тамойиллар ижтимоий соҳаларда мустаҳкам жойлашмагунча давлат ва жамият бошқарувининг асоси бўлган. Демократик қоидаларнинг жамият томонидан қабул этилиши вертикал бошқариш хажмларининг қисқариши ва

горизонтал бошқаришнинг кучланишига асос яратди. Бугунги ривожланган давлатларда горизонтал бошқариш қанча кучли бўлса, иш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади деган позиция устун.

Мавзунинг долзарблиги. Давлат бошқарувида, унинг таркибий тузилмалари (вазирлик, ҳокимият, корхона, ташкилот ва ҳ.к.)да ёш, инновацион фикрлайдиган, ташаббускор, ватанга содиқ янги авлод кадрларини тарбиялаш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш янгиланаётган Ўзбекистон мамлакатининг энг муҳим вазифаларининг бири ҳисобланади. Чунки, давлат мустақиллиги, жамият тараққиёти шу мамлакатда яшайдиган, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият юритаётган мутахассис кадрларнинг касбий билим ва малакаларига бевосита боғлиқ.

Давлат органлари тизимида ҳам, халқ хўжалигининг турли корхона ва ташкилотларида ҳам давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати - бу тузилмаларга раҳбарлик қилаётган кадрларнинг касбий билими, тажрибаси, фикрлаш доирасидан ташқари жамоа (инсонлар) билан ишлаш, уларни ягона мақсад сари етаклаш каби хислатларига ҳам боғлиқ. Жамоадаги соғлом муҳит иш унумдорлигига, қўйилган масалаларни ўз вақтида бажарилишида бирламчи омил (рол)ни ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига киришган биринчи кунлардан бошлаб кадрлар салоҳиятига, уларни халқ билан ишлай олиш қобилиятига алоҳида эътибор қаратди. Янгича фикрлайдиган, инновацион билим ва тафаккурга эга бўлган, хорижий мамлакатларда таълим олган ёш, иқтидорли кадрларни давлат бошқаруви органларига, корхона ва ташкилотларга, таълим муассасаларига раҳбар этиб тайинлаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Чунки, шиддат билан ўзгариб бораётган замон, давр талаби бошқарув кадрларининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролига мутлоқ бошқача талабларни қўйди. Айниқса, бугунги кунда дунёда юз бераётган иқтисодий-ижтимоий, экологик, диний ва этник муаммолар қаторига коронавирус пандемиясининг кириб келиши нафақат инсонлар соғлиғини сақлаш, шунингдек, уларни пандемия шароитида ишлаши, оиласини боқиш муаммолари ҳам давлат, жамият олдида яна бир муаммо сифатида кўндаланг қўйилди.

Ана шу шароитда раҳбар кадрларнинг ўрни, роли биринчи ўринга чиқди. Давлат бошқарув органлари, ташкилот ва корхоналарни раҳбар кадрларнинг янги авлоди билан таъминлашда бир қатор муаммолар йиғилиб қолганлиги яққол кўриниб қолди, жумладан: Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва демократик жамият қуриш талабларига жавоб берадиган раҳбар ҳамда бошқарув кадрлар етишмаслигини ва бу жараён тизимли йўлга қўйилмаганлиги; собиқ иттифоқ давридаги «партия мактаби»нинг раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимидан воз кечилиб, мамлакатимизда марказлашган ва энг муҳими коммунистик ғоялардан холи бўлган, ўзимизга хос миллий, демократик ривожланиш тамойиллари ва талабларига жавоб берадиган, раҳбар ва бошқарув кадрларни тайёрлашнинг янги тизимининг яратилмаганлиги; мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш, бозор инфраструктурасини қарор топтириш, иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар талабига жавоб берадиган янги раҳбар ва бошқарув кадрларни тарбиялаб вояга етказиш ва ўз ўрнига қўйиш методологиясининг ишлаб чиқилмаганлиги; республикада бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик шаклидан демократик усулларига ўтишда ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишларини бозор муносабатларига мувофиқлаштирида раҳбар ва бошқарув кадрларнинг тутган ўрни ҳамда мавқеини ўрганиш ва баҳолашнинг ижтимоий-иқтисодий мезонларининг яратилмаганлиги; миллий ғояни давлат ва жамият қурилишининг барча бўғинларида ишлаётган раҳбар кадрларнинг қалби ҳамда онгига сингдириш, уларнинг меҳнат ва ҳаётий фаолиятининг дастуриламалига айлантириш зарурати ва ҳ.к.[2].

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси- илмий муаммо сифатида. Сиёсий фанларда давлат бошқарувида кадрлар тизимининг шаклланиши ва ривожланиши жамият тараққиёти, ҳокимият, ижтимоий-сиёсий жараёнларга доир масалалар билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиб келинган. Унда сиёсий элита ва сиёсий етакчилик билан боғлиқ илмий-назарий концепция ва қарашлар, Ғарб ва Шарққа хос мактаблар мавжуд бўлганлигини таъкидлаш лозим. Бу таълимотлар Ўзбекистоннинг давлат бошқарув тизимида раҳбар ва бошқарув кадрлари шаклланиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда муҳим назарий ва амалий асос сифатида хизмат қилади.

Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк алломалар Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Шарофиддин Али Яздий, Низомулмулк, Хондамир, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Наршахий, Самандар Термизий асарларида миллий давлатчилигимиз тарихида кадрлар масаласи “ҳоким”, “шаҳар ҳокими”, “раҳбар”, “раҳбарлик” тушунчалари орқали сиёсий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида янги авлод кадрлари, хусусан, юқори бошқарув бўғинидан тортиб ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари, таълим муассасалари(мактабгача таълим, умумтаълим, олий таълим) раҳбар кадрларини тарбиялашни хорижий тажрибалар асосида йўлга қўйиш, бу жараённинг иқтисодий-ҳуқуқий ва методологик асослари баён этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2016-2021 йилларда олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий давлат сиёсатида кадрлар муаммоси, уни ҳал этиш биринчи ўринга чиқарилди. Бу борада янги ғоялар илгари сурилди, муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3901-сон ва 2019 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4365-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги “Бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 745-сонли қарори шулар жумласидандир.

Биз бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 3 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини келтиришимиз мумкин. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат органлари ва ташкилотларида инсон ресурсларини ривожлантириш ҳамда ходимларни бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат фуқаролик хизмати ишлари бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади. Мазкур Қарорни қабул қилиниши Янги Ўзбекистонда-янгича раҳбар кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш энг муҳими кадрлар сиёсатида шаффофликни таъминлашга қаратилди.

Инсонларни бир жамоа мақсади йўлида самарали меҳнатга жалб қилиш, қолаверса, раҳбар – ишчи ходим ўртасидаги ўзаро ишончли муносабатларни шакллантириш, ҳар бир шахснинг ўзига хос руҳий, ижтимоий хусусиятлари атрофлича ўрганиш, юқори даражадаги самарали персонални бошқаришга эришиш, ўта долзарб масала ҳисобланади. Чунки инсонлар билан ишлаш, инсон фаолиятининг энг мураккаб ва кўпқиррали шаклларидан биридир. Меҳнат жамоаларида самарали бошқаришни ташкил этиш учун, ишчиларнинг ўз қобилиятларини намоён қилишга, астойдил меҳнат қилишга ва ишлаб чиқариш ресурсларини унумли фойдаланишга ундовчи мотив ва рағбатлар тизими зарур. Ушбу тизимни эса шахслар психологияси ва жамоани ривожланишининг ижтимоий-психологик қонуниятларини ҳисобга олмасдан яратишнинг иложи йўқ.

Жамоада соғлом муҳитни яратиш ва бу жараёнда раҳбар кадр ва ишчи – ходим муносабатлари, ишчи ходимларни, шунингдек, ишлаб чиқаришни бошқариш ва режалаштиришда турли усул ва механизмлардан фойдаланиш, самарали бошқарув фаолиятини шакллантириш масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқот ва изланишларни хорижий олимлар қаторида ўзбек олимлари ҳам жадал олиб боришмоқда,Қ.Абдурахмонов, Ш.Холмўминов, Э.Набиев, А.Ҳайитовлар ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизда кадрлар сиёсати муаммолари бўйича тадқиқотлар сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар: А.Бегматов, Р.Жумаев, Т.Жўраев, У.Идиров, Н.Комилов, Қ.Назаров, С.Отамуродов, Ш.Пахрутдинов, Б.Тўйчиев, А.Холбеков, О.Ҳусанов, И.Эргашев, М.Қуроновларнинг илмий изланишларида давлат сиёсати ҳамда демократиялашиш жараёнлари, маънавият, миллий ғоя, ҳуқуқ муаммоларининг кадрлар сиёсатига бевосита ёки билвосита боғлиқ жиҳатлари ўрганилган.

Ушбу соҳадаги изланишлар ва кадрлар сиёсатини ўрганиш билан боғлиқ илмий-оммабоп асарлар ҳам тадқиқотимиз нуқтаи назаридан муҳим илмий аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқотларда собиқ иттифоқ давридаги кадрлар сиёсатини танқидий баҳолаш ва унинг салбий жиҳатларини аниқлаш, мустабид тузум шароитида республикада кадрлар масаласи бир томонлама, партиявийлик тамойили асосида ҳал этилгани, маҳаллий кадрларга ишончсизлик билан қараш туфайли уларга холисона ва жиддий эътибор берилмагани таҳлил этилган. Мустақиллик туфайли давлат кадрлар сиёсатининг янги методологиясини яратиш, янгича тамойиллар, қарашлар, умумбашарий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил этиш имконияти вужудга келди. Бу эса барча соҳалар каби кадрлар сиёсатига доир умуминсоний илмий ютуқларни ўрганиш ва уларни мамлакатимиз миллий тараққиёти хусусиятларига мослаб қўллашни тақозо этади. Шу маънода, кадрлар сиёсати масаласи бўйича турли давр ва мамлакатларда илмий изланишлар олиб борган олимлар — П.Де Брюйн, Г.А.Шредер, Ф.Тейлор, Л.Зингер, Р.Хофтстедтер, С.Паркинсон ва бошқалар эришган ижобий натижалар ҳам муҳим аҳамият касб этади [2].

Алоҳида қайд этиш керакки, Давлат ва жамият қурилиши академиясида тайёрланиб, Ғафур Ғулом номидаги нашриётда “Раҳбаршунослик ва бошқарув” рукнида чоп этилган “Давлат қурилиши ва бошқаруви”, “Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти”, “Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш” қўлланмаларида мамлакатимиз олимларининг давлат бошқарувида раҳбар кадрлар тизимининг шаклланиши борасидаги ислоҳотлар муаммоларини бошқа масалалар таркибида кўриб чиқишида дастлабки уриниш юзага келди. Бундан ташқари, тўрт жилдлик “Ҳуқуқий давлат – мустақиллик, миллат, иқтисодиёт, мафкура, сиёсат” [3] монографиясининг бўлимларидан бири “Давлат кадрлар сиёсати ва уни халқнинг интеллектуал имкониятларидан келиб чиқиб рўёбга чиқариш”га бағишланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда кадрлар сиёсатини шакллантириш, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва миллий тикланишда алоҳида ўрин тутиши асосланган, кадрлар сиёсатининг муҳим йўналишлари кўрсатиб берилган.

Шунингдек, мустақиллик даврида муаммонинг сиёсатшунослик ва сиёсат фалсафаси нуқтаи назаридан илмий таҳлил этиш борасида ҳам талайгина тадқиқотлар амалга оширилди. Масалан, сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик соҳасида ёқланган докторлик ва номзодлик диссертациялари, чунончи, Т.Алимардонов, Ж.Баҳромов, М.Бойдадаев, Р.Жумаев, Б.Иминов, У.Идиров, И.Каримов, А.Холбеков, О.Ҳусанов, И.Эргашев ва бошқаларнинг илмий изланишлари шулар жумласидандир.

Аммо ушбу изланишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мустақил Ўзбекистоннинг давлат бошқарувида, хусусан, корхона ва ташкилотларда соғлом муҳит яратишда раҳбарнинг роли мавзуси шахснинг ижтимоий-иқтисодий билимлари билан бир қаторда унинг жамоада ишлаш, кишиларни бошқаришда уларнинг ижтиомий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва психологик замонавий миллий кадрлар тизимининг шаклланиши ва

ривожланиши билан боғлиқ муаммолар алоҳида тадқиқот мавзуи сифатида ўрганилмаган. Жамиятда, корхона ва ташкилотларда соғлом муҳитни шакллантириш борасида бугунги кунда бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда ва ушбу қилинаётган ишлар ўзининг самарасини кўрсатмоқда.

Биринчидан, жамиятда соғлом муҳит яратиш борасида бугунги кунда ҳокимликлар томонидан қатор ижобий ишар амалга оширилиб, аҳолининг кўплаб ижтимоий муаммоларини ҳал қилиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириққа асосан, ҳудудлардаги муаммоларни бартараф этиш бўйича яратилган янги тизим яъни "Маҳаллабай" ишлаш тизими орқали, маҳаллалардаги, хонадонлардаги ишсиз, кам таъминланган хотин-қизлар рўйхатлари шакллантирилиб, "Аёллар ва Ёшлар дафтари"га киритилмоқда.

Ушбу "Темир дафтарлар"га киритилган оилаларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал қилиш мақсадида ташкилотлар томонидан тикувчилик машиналари бериш орқали уларнинг бандлиги таъминланмоқда, уй-жойлари таъмирга муҳтож бўлган оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун маблағ ажратилмоқда ҳамда эҳтиёжманд, фуқароларнинг саломатликларини тиклаш мақсадида санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратилиб келинмоқда. Ушбу қилинаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад Халқимизни рози қилиш, жамиятда соғлом муҳитни шакллантириш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, секторлар раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлар томонидан ушбу яратилган янги тизим бўйича "Маҳаллабай" ишлаш орқали, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларларга имтиёзли кредитлар ажратиш, касб-ҳунарга ўқитиш марказларида 5 турдаги мутахассисликлар бўйича 360 соатлик ўқув дастурлари асосида касб-ҳунарларга ўқитилиб, уларга сертифкат берилиб, мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилиб келинмоқда.

Албатта ушбу амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад аҳолимизни рози қилиш, уларни эртанги кунда эмас бугун фаровон ҳаётда яшашларига кўмак бериш орқали жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдан иборат.

Меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни яратишдаги тавсиялар. Юқорида жамиятда соғлом муҳит яратиш ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Энди корхона, ташкилот ёки муассасаларда, меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни яратиш бўйича қуйидагиларга эътибор қаратиб ўтамиз. Ҳар бир меҳнат жамоасида соғлом муҳитни яратиш биринчи навбатда раҳбар кадрларга ва раҳбар кадрлар томонидан танлаб олинган ишчи ходимларга боғлиқ. Раҳбар меҳнат жамоасида соғлом ва муносиб иш шароитни яратиш орқали иш самарадорликни оширишни мақсад қилган экан, аввалambор раҳбарнинг ўзи, бугунги раҳбарга қўйиладиган талабларга мос келиши керак.

Яъни, раҳбар маънавиятли, тезкор в тўғри қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши, етакчилик ва лидерлик қобилиятига эга бўлиши, жамоада тўғри ишлашни билиши, қарор қабул қилишда ходимларнинг фикрини инобатга олиши ҳамда қўл остидаги ходимларни мотивация қилишини билсагина жамоада соғлом ва самарли иш жараёнини ташкил қилишга эришади. Бундан ташқари, раҳбар жамоани шакллантиришда, кадрларни адолатлик танлашга эътибор бериши лозим. Яъни бугунги кунда Энг муҳим самарадорлик кўрсатгичлари (KPI) орқали, танлов асосида ишга қабул эн самарали усул ҳисобланади ва бу ўз натижасини беради.

Айрим ҳолларда, раҳбар янгидан ташкилот ёки корхонага раҳбар лавозимига киришган бўлса, айрим ходимлари узоқ йиллардан бери ушбу ташкилотларда ишлаётган бўлса, ушбу ходимлар билан янгидан ишга қабул қилинган ходимлар ўртасида ишга бўлган муносабат, уларнинг дунё қараши ва фикрлаши ўртасидаги фарқ айрим ҳолларда ўзаро низони келтириб чиқаришига сабаб бўлади.

Мазкур ҳолатларда, ёки шунга ўхшаш вазиятларда раҳбар вазиятни тўлиқ қўлга олиши ва низони бартараф этиши учун юқорида санаб ўтилган мезонлардан ташқари ҳаётий тажриба ҳам муҳим оимл бўлиб саналади. Яъни, корхонада эскидан ишлаб келаётган ходим ва янги ишга келгина ёш мутахассисларни ўртасида иш тақсимоти, уларнинг кунлик, ҳафталик иш режаси амалга ошириётган ишлари ва эришилган натижаларини таҳлил қила олиши ва тўғри хулоса чиқара олиши талаб этилади. Меҳнат жамосида шунга ўхшаш низоли вазиятларни олдини олиш мақсадида, раҳбар барча ходимлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, ходимларни жамоа бўлиб ишлашни ўрагитиши, барча ходимлар ўртасида мулоқот маданияти, ишлаш маданияти, ташкилот маданият ва урф одатларини шакллантириши ва уларга тўғри тушунтириб бериши лозим.

Аслида, буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте айтганидек, турли-туман тарбиявий ҳикоятлар, ҳикматли сўзларни жамлаш тенгсиз давлатдир. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида «Энг катта бойлик — бу илм, энг катта мерос — яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — билимсизлик» [4] деб ҳақ гапни айтган. Қолаверса, бугунги кунда жамиятимизда раҳбар кадрлар фаолиятида кузатиладиган энг катта ва мураккаб муаммолардан бири – бу ўз ташкилоти ва тармоғи учун кадр танлай олиш ва уларни бошқариш лаёқатининг етишмаслигидир. Бу борада афсуски, раҳбарларда HR (инсон ресурсларини ривожлантириш) борасидаги билимларнинг пастлиги сақланиб қолмоқда. Инсон ҳуқуқларига зид равишда, шунингдек, инсон ресурслари мамлакатнинг миллий бойлигига айланиши шароитида ташкилотга келган янги раҳбар томонидан олдиндан ишлайдиган ходимларга нисбатан «бутунлай тозалаш» операциясига мойилликнинг мавжудлиги ва бу жамиятда катта норозиликларга сабаб бўлишини эса минг афсуски, кўплаб раҳбар англаб етмаган ва бундай номақбул ишларни амалга оширмоқдалар. Ходимларга паст назар билан қараш, гоҳида ўзининг тор мезонлари ёрдамида уларни саралаш, ўзининг яккаҳокимлигига таяниб, хоҳлаган кадрларини ишлатиб ва қолганларини бўшаб кетишга мажбур қилиш, «нотаниш» ходимлардан хавфсираш, уларни душман

сифатида қараш руҳиятидан озод қилиш масаласи соҳадаги энг долзарб вазифалардан бўлмоғи шарт! Айниқса, ходимларнинг ноҳақ бўшатилиши, уларга доимий руҳий босим ўтказилишидан ҳимоя қиладиган ҳуқуқий механизм ёки тизимни яратиш энг устувор вазифа сифатида тезда ечимини топиши лозим. Демак замонавий раҳбарлар юқоридаги келтирилган салбий ҳолатларни келтириб чиқармаслиги учун, юқори компетент ва ахборот маданияти шаклланган бўлиши лозим. Чунки, замонавий раҳбар кадрлар замон билан хамнафас бўлиши, таварак атрофдаги сиёсий жараёнларни тизимли таҳлил қила олиши лозим. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун раҳбар кадрларда аввало, иш жараёнини ташкил қилиш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, турли анъанавий услублардан воз кечиб, креатив ишлаш механизмларини, кўникмаларини амалий шакллантириш масалаларига эътибор қаратиш керак.

Хулоса. Бугунги давр давлат хизматчилари олдига янгича талаблар қўймоқда. Мамлакатимизни замонавий босқичда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни рўёбга чиқариш учун бошқарув усулларини қайта кўриб чиқиш, фаолият самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу боис, Ўзбекистон жамиятининг қайси бўғинидан қатъий назар соғлом муҳитни яратишда биринчи даражали раҳбар масъулдир. Бунинг учун, биз содиқ, масъулиятли, халқ манфаати ва тинчлигини, фаровонлигини ўйлайдиган, унинг ғамини ейдиган, ишнинг кўзини биладиган, замонавий фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга, муносиб раҳбарларни топиш, тарбиялаш, масъул лавозимларга тайинлаш, фаолиятини доимий мониторинг қилиш сингари вазифаларни давлат сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида белгилаб олсаккина, олдинга қўйилган мақсадларимизга эришамиз. Чунки, замоннинг ўзи, бизни тараққиёт йўлида йўқотилган вақт ўрнини тўлдиришга, халқимизнинг дарду-ташвишларини бартараф қилишга, эртанги куннинг муносиб авлодларини тайёрлашга ва улар олдида масъулиятни янада чуқур ҳис қилишга ундамоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Қуранбоев Қ. Давлат бошқарув кадрлар тизими: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари (сиёсий-ижтимоий жиҳатлари). Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Т. 2008.]/
2. П.Де Брюйн «Управление по результатам в государственном секторе» М-ИКСИ-2005, Г.А.Шредер Интервью из газеты «Зюддойче цайтунг» 17.02-2005, Ф.Тейлор «Принципы научного менежмента» СПб-Санкт-Петербург-2001, Л.Зингер «Техногия профессионального успеха» М-Библиос-2001, Р.Хофтстедтер «Социал дарвинизм в американской мысли» М-Библиотека Алия-2000, С.Паркинсон, М.Рустомджи «Искусство управления» –М.; «Форм пресс», 2001.
3. Ҳуқуқий давлат — мустақиллик, миллат, иқтисодиёт, мафкура, сиёсат. – Тошкент, “Адолат”, 1994.
4. Мирзиёев Ш. М. 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси

Кадрлар тайёрлашда аҳамиятли вазифалар ва соғлом муҳит яратиш: илмий муаммо ва амалий тавсиялар

Ойбеков О. О. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси

Резюме. Мақолада Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув тизимида кадрлар салоҳиятини ўрганиш механизмини такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Шунингдек, маҳаллий бошқарув тизимида кадрлар салоҳиятини ўрганиш механизмини такомиллаштириш масалалари тахлил этилган. Унинг натижаларига кўра ушбу ишларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш самарадорлиги тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: махаллий бошқарув, кадрлар салоҳияти, давлат ҳокимияти.

Важные задачи и задачи и создание окружающий среды при подготовке кадров

Ойбеков О. О. Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Резюме. Актуальной проблемой в Узбекистане является совершенствование механизма изучения потенциала человеческих ресурсов в системе местного самоуправления. В статье проанализирована концептуальная идея совершенствованию механизма изучения кадрового потенциала в системе местного самоуправления. По его результатам проверена эффективность предложений по совершенствованию этих работ.

Ключевые слова: местное самоуправление, человеческие ресурсы, государственное управление.

Important tasks in learning and creating a healthy environment: a scientific problem and practical recommendations

Oybekov O.O. Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Resume. An urgent problem in Uzbekistan is the importance of improving the mechanism for studying the potential of human resources in the local self-government system. The article analyzes the conceptual idea and goal of improving the mechanism for studying human resources in the local government system. Based on its results, the effectiveness of the development of proposals for improving these works was checked.

Key words: local government, human resources, public administration.

ИСТОРИЯ. СОЦИОЛОГИЯ. ФИЛОСОФИЯ. ЮРИСПРУДЕНЦИЯ.

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ

Бердимуратова А.К., Бердимуратова С. П.
Каракалпакский государственный университет

Современная культура стремительно преображает окружающую среду, общество, быт людей, поэтому она оценивается как фактор творческого жизнеустроения, неиссякаемый источник общественных нововведений. Отсюда стремление выявить потенциал культуры, ее внутренние резервы, отыскать возможности ее активизации. Рассматривая культуру как средство человеческой самореализации, самовыражения, можно обнаружить новые неистощимые импульсы, способные оказывать благотворное воздействие на исторический процесс, на самого человека. Гуманистический смысл построения демократического, гражданского общества в нашей республике заключается в том, чтобы реально, а не декларативно утвердить человека в качестве самодовлеющей, высшей ценности жизни. Сделать человека подлинным субъектом социокультурного процесса – значит осуществить гуманизацию нашего общества.

Утверждая идеологию национальной независимости, необходимо решительно избавиться от ложной идеологичности. Ведь подлинная культура человека – это способность оперировать несколькими вариантами решения той или иной задачи, это диалогическое сознание, в основе которого – свободный выбор и самостоятельная ориентация в потоке событий, фактов и оценок.

Особенность современной цивилизации в том, что возрастает социокультурное значение всех социальных процессов, событий, явлений и соответственно усиливается значимость учета социокультурных последствий человеческой деятельности. Сегодня культурное преобразование становится главным творческим фактором построения нового общества, а культура – стержнем воспитания личности. Культура, включающая наряду с разнообразными знаниями также нормы и ценности, выделяется в одну из основных сфер жизни общества. Именно ценности и нормы составляют ядро любой культуры. Если ценности означают идеалы, предпочтения, закрепившиеся в общественном и индивидуальном сознании, то под нормами понимаются «можно» и «нельзя» социальной жизни, те правила, которые необходимо соблюдать для поддержания общественного порядка. Например, здоровый образ жизни может выступать как ценность. Нормой же, способствующей реализации этой ценности, будет, в частности, запрет на курение в общественных местах. Воспитание культурой и культура воспитания – взаимосвязанные стороны единого процесса гуманизации общества. Нормы культуры становятся универсальными критериями оценки любого вида деятельности и ее результатов, критериями оценки качества любого продукта материального и духовного производства. Так Цицерон в своих научных трактатах использовал словосочетание «культура души», подразумевая под ним «возделывание» духовности. Столетия спустя в работах английского философа Фрэнсиса Бэкона встречаются «культура и удобрение умов». В аналогичном смысле слово «культура» в научной литературе первым употребил немецкий юрист XVII в. С.Пуфендорф, определивший культуру как результат работы человека над собой и окружающим миром, как нечто, противостоящее природной стихийности. В такой трактовке термин «культура» обозначал примерно то же, что сегодня слова «образованность», «воспитанность».

Противоречиями культуры нашего общества являются противоречия между имеющимся духовно-интеллектуальным потенциалом общества и недостаточностью его использования в целях воспитания людей, прежде всего молодых, противоречия между экстенсивным и интенсивным развитием культуры, между ее информационной и воспитательной функциями. Культура любого общества полноценно развивается и функционирует тогда, когда в ней существует равновесие двух состояний: с одной стороны, единства многообразия, с другой – многообразия единства. Единство, лишенное многообразия означает мертвое единство. Оно, в свою очередь, порождает апатию мысли. Многообразие же, не связанное единством цели, общей гуманистической ориентацией, может привести к разрушению целого. Сложные и неоднозначные процессы современной социокультурной ситуации вызывают обоснованное беспокойство. Одной из глобальных проблем развития социума является эрозия духовной культуры, возникающая в результате пропаганды насилия, несоблюдения как правовых, так и нравственных норм. Речь идет о многочисленных, стремительно возникающих «субкультурах» (культура отдельных социальных групп, в ней общие культурные черты получают специфические формы выражения, появляются особые, свойственные только данной группе культурные черты), особенно молодежных, когда они противопоставляются народной культуре. Обезличенная культура пагубна. Не менее опасен и групповой фанатизм культурного предпочтения, не желающий ничего знать и признавать за пределами этого предпочтения. Чтобы сохранить и развить культуру, необходимо достаточно ясно представлять себе основные тенденции ее саморазвития.

Одна из основных тенденций внутреннего развития культуры связана с изменением баланса физических и умственных затрат человека в пользу последних. Интенсивное развитие в современном мире средств массовой информации и пропаганды, связи, транспорта, рост международного туризма, расширение обмена произведениями искусства не только создают более благоприятные возможности для приобщения молодых людей к сокровищнице мировой культуры, но и усложняют выбор молодыми людьми подлинных духовных

ценностей. Даже в условиях доступности шедевров искусства молодой человек способен предпочесть произведения невысокого идейно-эстетического достоинства. Поэтому надо с юных лет развивать художественные задатки каждой личности. Это, кстати, в массовом масштабе давно делается в Японии, где отлажена система эстетического всеобуча. Не случайно производственный брак там не превышает одного процента: чувствующий красоту человек просто не может плохо работать при любых условиях. В этой связи надо отметить, что гуманистическая человеческая мысль выявила великую преобразующую силу и смысл созидательного труда каждого члена общества. Еще древнегреческий писатель Эзоп утверждал, что истинным сокровищем для людей является умение трудиться. «Единственным титулом истинного благородства» считал труд Р.Роллан. Знание трудового воспитания объясняется, с одной стороны, тем, что только в труде и его результатах наиболее полно материализуются личностные качества человека, а с другой стороны, тем, что возрастающие масштабы и уровень развития экономики нашего государства предъявляют высокие требования не только к профессиональной подготовке людей, но и к их организованности, трудовой дисциплине. Формирование такого отношения к труду требует постоянного совершенствования как самих условий труда, его организационно-технической и экономической стороны, так и всей воспитательной системы. Воспитать человека в труде – сегодня это значит воспитать в нем рабочую честь, гордость, достоинство, по-хозяйски заинтересованное и ответственное отношение к производству.

Среди тенденций развития духовной культуры молодежи нашей республики можно отметить следующие: увеличивается объем и удельный вес творческой деятельности молодых людей в индивидуальной форме (семейной, домашней); расширяется диапазон занятий молодежи в свободное время; изменяется соотношение между общественно организованными и индивидуальными видами деятельности в пользу последних, что связано с улучшением социально-бытовых условий, развитием средств массовой коммуникации; происходит сближение уровней культуры сельской и городской рабочей молодежи за счет усвоения тех культурных ценностей, которые пропагандируются средствами массовой информации. Вместе с тем увеличивается отставание названных двух общественных групп молодежи от представителей молодой интеллигенции, особенно творческой, более интенсивно осваивающей сокровища мировой культуры; усиливается потребность в межличностном общении по интересам, которая зачастую удовлетворяется примитивным образом. В связи с этим объективно возрастает значение деятельности ассоциаций молодежи.

Другая внутренняя тенденция эволюции духовной культуры – это переход от конфронтации «локальных», «групповых» культур к их диалогу. В качестве структурной единицы диалога между культурами, по выражению Ю.Лотмана, «обслуживающей сферу социального общения», выступает язык [2, 5-6]. Следовательно, диалог между культурами осуществляется как символическая коммуникация и заключается в раскрытии смысла и значения одной культуры для другой. Это – обмен информацией, выраженной в виде определенных символов, обладающих смыслом и значением. Согласно такому пониманию, к культуре относится в широком смысле все, что в рамках символической коммуникации закрепляется в виде системы знаков. При этом, диалог культур – это не обмен знаками в их первичной форме, а обмен смыслами, то есть текстом. Как справедливо отмечал М.Бахтин: «Всякая система знаков (т.е. всякий язык)… принципиально всегда может быть расшифрована, т.е. переведена на другие знаковые системы (другие языки)… Но текст (в отличие языка как системы средств) никогда не может быть переведен до конца, ибо нет потенциального единого текста текстов.

Событие жизни текста, т.е. его подлинная сущность, всегда развивается на рубеже двух сознаний, двух субъектов» [1, 300-301]. Отдельный человек как существо социальное, вступая в коммуникацию с представителем другой культуры, всегда «диалогизирует» от имени своей культурной общности, социального «мы», в рамках которого произошло его становление как личности. Еще одна тенденция эволюции культуры может быть выражена как преодоление конфликта между традиционной культурой и культурой актуальной. Эта тенденция находит воплощение в культуре постмодернизма, в котором вырабатывается «консенсус» стремлений сберечь традицию и не отстать от времени.

Наконец, последняя из выделяемых тенденций эволюции культуры на современном этапе отражает процесс изменения личности как субъекта культуры. Многообразие культуры из внешнего личности становится внутренним, превращается в важнейшую характеристику ее внутренней жизни.

Созидание личностью современной культуры предполагает удаленность как от попыток отказаться от стремления к целостности, так и от фальшивой имитации цельности. Внутреннее противоречие и стремление его разрешать – естественное состояние духовной жизни личности как субъекта культуры. Ф.Достоевский считал, что красота спасет мир. Имеется в виду, что истинная красота – всегда сестра доброты и обе они выступают мощной созидательной силой. Подлинная духовность, которую мы хотим видеть у нашей молодежи, имеет в себе нравственность, потребность творить добро, и на наш взгляд, она означает стремящуюся к определенности и непротиворечивости систему императивов, а также связанных с ними представлений, откуда бы эти императивы и представления ни исходили и чем бы они ни были подкреплены. К представлениям, связанным с императивами, прежде всего, относятся представления о причинности, а также представления о наилучших доступных результатах. Пользуясь выражением Л. Толстого, можно сказать, что человек духовен в той мере, в какой он «живет своими мыслями и чужими чувствами». Воспитание такого человека становится главным вопросом нашего сегодняшнего дня.

ЛИТЕРАТУРА

1. М.Бахтин. Эстетика словесного творчества - М.: Искусство, 1986 – 445 стр.

2. Ю.Лотман. Беседы о русской культуре - СПб.: Искусство, 1994 – 489 стр.
3. Бердимуратова А.К. Массалық мәденият социаллық қубылыс сыпатында. Бердақ атындағы Қарақалпақ Мәмлекетлик университетиниң Хабаршысы. 2017. №1. 52-55 Б.
4. Келле В.Ж. Интеллектуальная и духовная составляющие культуры // Вопросы философии. 2005. -№10. – С.47-58.
5. Гуревич П.С. Культурология – М.: ЮНИТИ, 2008 – 327 стр.
6. Франк С.Л. Духовные основы общества. М., Республика. 1992. 381 стр.
7. Маркарян Э.С. Культура как системаю. // Вопросы философии. 1984. №1. С.49-55.

Заманагөй жәмийеттеги жаслардың руўхый мәдениятының раўажланыў өзгешеликлери
Бердимуратова А.К., Бердимуратова С.П. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Берилген мақалада руўхый мәденият оған кириўши ҳәр қыйлы социаллық субъектлердиң мәдениятларының шексиз көп түрлилигинен туратуғын пүтин қубылыс сыпатында алып қаралған. Ашық система сыпатындағы жәмийеттиң руўхый мәдениятының ҳәзирги ҳалатындағы тийкарғы қарсылықлар бөлип көрсетилген. Бизиң жәмийетимиздиң жасларының руўхый мәдениятының раўажланыўының тийкарғы тенденциялары мәденият, тәбият ҳәм барлық ҳақыйқылықтың өз-ара тәсир етисиў нызамлықлары менен тығыз байланыста анализленген.

Таяныш сөзлер: мәденият, руўхый мәденият, субмәденият, мәдениятлар диалоги, қәдрият, мийнет тәрбиясы

Замонавий жамиятда ёшларнинг маънавий маданиятининг ривожлантириш хусусиятлари
Бердимуратова А. К., Бердимуратова С. П. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мазкур мақолада маънавий маданият унга кирувчи ҳар хил ижтимоий субъектлар маданиятларининг чексиз хилма-хилликдан ташкил этиладиган бир бутун ҳодиса сифатида кўриб чиқилади. Очиқ тизим сифатида жамият маънавий маданиятининг замонаий ҳолати ривожланишидаги асосий қарама-қаршиликлари белгиланган. Бизнинг жамиятимиз ёшларининг маънваий маданияти ривожланишининг асосий тенденциялари маданият, табиат ва борлиқнинг ўзаро таъсирининг ташқи қонуниятлари билан тиғиз боғликда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: маданият, маънавий маданият, субмаданият, маданиятлар суҳбати, қадрият, меҳнат тарбияси.

Особенности развития духовной культуры молодежи в современном обществе
Бердимуратова А.К., Бердимуратова С.П. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье духовная культура рассматривается как целостное явление, образуемое из бесконечного многообразия входящих в нее культур различных социальных субъектов. Были выделены основные противоречия в развитии современного состояния духовной культуры общества как открытой системы. Проанализированы основные тенденции развития духовной культуры молодежи нашего общества в тесной связи с внешними закономерностями взаимодействия культуры, природы и всей действительности.

Ключевые слова: культура, духовная культура, субкультура, диалог культур, ценность, трудовое воспитание

Features of the development of the spiritual culture of youth in modern society
Berdimuratova A.K., Berdimuratova S.P. Karakalpak State University

Summary. In this article, spiritual culture is considered as a holistic phenomenon formed from an infinite variety of cultures of various social subjects included in it. There were highlighted the main contradictions of the modern state of the spiritual culture of society as an open system. There were analyzed the main trends in the development of the spiritual culture of the youth of our society in close connection with the external laws of the interaction of culture, nature and all reality.

Keywords:culture, spiritual culture, subculture, dialog of cultures, value, labor education

---

СЎФИЙЛИК ФАЛСАФАСИДА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ҒОЯЛАРИ

Ҳайдаров К. Д.
Самарқанд давлат университети

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида маънавий меросни ҳар томонлама ўрганиш билан боғлиқ масалаларга тўхталиш баробарида буюк муҳаддис Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насафий мероси, шунингдек, диний бағрикенглик мавзуларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманлар, буюк аллома Баҳовуддин Нақшбандниng 700 йиллик таваллуд айёми ўтказилишини таъкидлади [1, 1]. Зеро, Марказий Осиё халқларининг фалсафий мероси дунё эътиборини тортаётгани бежиз эмас.

Ўлка тарихидан маълумки, XII асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ҳудудида тасаввуф (сўфийлик) фалсафаси кенг тарқалди. Ушбу оқим Шарқ халқлари ижтимоий фикри тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Олимларнинг сўфийлик оқимининг келиб чиқиши ва манбалари ҳақида фикрлари ҳар хил. Биз уни бир бутун ғоявий доктрина сифатида кўриб чиқамиз. Қатор сўфийларнинг қарашлари эклектик мазмунда, баъзиларники эса ҳур фикр тарзида бўлган. XI асрда сўфийлик Шарқни бутунлай қамраб олди. Реакциянинг авж олишига қарамай мафкуравий кураш кескинлашиб борди. Таниқли аллома *Ибн Халлож* ўзининг ўткир мушоҳадалари учун 922 йилда қатл этилди. Шунингдек, файласуф, "Ҳикмат ал-шират" (Фалсафий лаззат) асарининг муаллифи Шаҳобиддин Яҳё ҳам инквизиция қурбони бўлди. У, Абдураҳмон Жомийнинг гувоҳлик беришича, юнон фалсафасига садоқати учун бидъатда айбланиб, халқнинг олдида қатл қилинди. Қатор сўфий алломалар ортодоксал инквизиция қурбони бўлдилар. Шу боисдан Шарқдаги, хусусан Марказий Осиёда яшаган кўплаб аллома ва мутафаккирлар ўз фикрини "сўфийлик қобиғида" баён қилар эдилар. Ўз эркин фикрини илгари суришда улар сўфийлик атамаларидан фойдаланар ва шу йўл билан қатағондан қутилиб қоларди.

Жабр-зулм ҳаддан ташқари кучайиб кетган вақтда сўфийлик ижтимоий ҳаётда чуқур илдиз ота бошлади. У давр руҳига монанд гоҳ мистик, гоҳ бидъат шаклида, гоҳ қуролли қўзғолон кўринишида намоён бўлди. Сўфийлик тизими олам кўплаб кўринишларда мавжуд бўлса-да, фақатгина Худога хосдир, деган ақидадан

бошланади. Худо сўфийлик нуқтаи назаридан соф борлиқ, чунки у соф эзгулик ва мутлақ гўзалликдир, шу боис у суюклидир.

Агар Ислом учун яккахудолик (тавҳид) "Аллоҳдан бошқа худо йўқдир" дегани бўлса, сўфийлар учун эса "Худодан бошқа нарса йўқдир" деган ғояни билдиради. Ҳар бир нарса ўзининг қарама-қаршилиги орқали билинади, масалан ёруғлик қоронғилик орқали, эзгулик ёвузлик орқали, соғлик касаллик орқали билиб олинади. Шу боис, худонинг борлиғи унинг йўқлиги бўлиб туюлиши мумкин. Худо гўзаллигининг мазмун–моҳияти ўзини намоён қилиш истагидадир. "Мен ёпиқ хазина эдим,- дея талқин қилинади Худо сўфийлар назарида, - мени билиш мумкинлигини истадим, - яратган нарсаларимни ҳам билиш мумкин деб яратдим".

X аср охири XI аср бошларига келиб сўфийлик таълимоти хуросонликлар томонидан нисбатан кенг кўламда ишлаб чиқилди, у тез ва фаол тарғиб қилинди. Ушбу гуруҳда *Абу Абдураҳмон Муҳаммад ас-Суламий* (1021 йилда вафот этган), унинг шогирди *Абу ал-Қосим ал-Қушайрий* (986-1072), *Абу Саййид* (967-1049), *Абу Ҳасан Хораконий*лар бор эди.

Бу даврда аҳоли турли қатламларининг вакиллари сўфийликка келиб қўшила борди. Давр шу қадар нотинч эдики, салжуқийлар таъсирида тарқоқлик ва бўлиниш кучли эди. Ашъарийларнинг нозик фаолияти ҳам, перипатетикларнинг неоплатончилик билан муросага келиш йўлидаги ҳаракатлари ҳам фойда бермади. Илғор кишиларнинг эртанги ёруғ кунларга, ёрқин дунёқарашга бўлган ишончлари ҳам сўна борди. XI асрга келиб сўфийлик серқирра ва зиддиятли таълимотга айланди. Унда кўплаб оқим ва йўналишлар юзага келди.

Мустақилликдан олдин, совет фалсафий адабиётида сўфийлик бир ёқлама, хусусан, таркидунёчилик фалсафаси сифатида олиб қаралар эди. Бошида сўфийлик зулмга қарши курашнинг энг "қулай" шаклига айланди. Ундаги хилма-хил ва қарама-қарши оқимлар ташқи кўринишидан "сўфийлик ниқоби"ни кийишга уриндилар. Шу боисдан сўфийлар орасида феодал давлатга қарши фикрларни илгари сурган довюрак вакиллари ҳам бор эди. Айниқса инсонпарварлик ва илмий ғояларни тараннум этган сўфийлар феодал мусулмон реакцияси тазйиқига учраб, ҳатто қатл этилдилар. Бундай сўфийлар даҳрий деб эълон қилиниб, қораландилар. Юқорида номи зикр этилган Мансур Халлож: "Мен ҳақман! Менинг қалбимда Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқ!"деб хитоб қилгани учун қатл қилинди.

Шайх Мансур Халложнинг ихлосманд ва шогирдлари кўп эди. Улардан бири Абул Фузайл Ибн Муҳаммад даҳрий деб эълон қилиниб, 1138 йилда Ҳамадондаги ўзи сабоқ берган мадраса дарвозасига осиб ўлдирилди. Ҳиротлик шайх *Абдуллоҳ Ансорий* (1006-1088) тақдири ҳам ана шу тариқа фожиали якунланди. Насаби ансорларга доир бўлганлиги учун Ансорийнинг тахаллуси шундай эди (ансор – арабча – ёрдамчилар).

Ансорий араб ва форс тилларида ижод қилди. Асарларининг аксарияти дидактик характерга эга бўлиб, уларда вужудиюнга мойиллик сезилиб туради. Маълумки, вужудиюн ўрта асрлар Яқин ва Ўрта Шарқида кенг тарқалган пантеистик таълимот бўлиб, Аллоҳ ва реал борлиқ бутун бир вужуд – мавжудотни ташкил этади. Аллоҳ билан реал борлиқни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди – улар ўзаро сабаб-оқибат занжири билан боғланган.

Ансорий ўз асарларида одамларнинг илму маърифатга, гўзалликка интилишини улуғлаган, ҳукмдорларни адолатга чақирган, халққа таянч бўлиш, унинг хизматида бўлиш, инсонийлик каби фазилатларни тарғиб қилган. Шу сабаб Ҳиротда Ансорийнинг обрў-эътибори янада ошиб кетади ва Шайх ул-ислом даражасигача кўтарилади, халқ орасида "Пири Ҳирот" деб аталади. Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий уни "Муқарраби борий" (Тангрининг яқини) деб тилга олади. Бойсунғур Мирзо Ҳиротда унинг қабрига муҳташам мақбара бунёд этган, Навоий у ерда хонақоҳ қурдириб, атрофини янада обод қилган"[2, 61-62].

Таниқли шайхлардан бири бўлган *Ибн Арабий* (1165-1240) сўфийликда ўзига хос доктрина ишлаб чиқди. Унга кўра дунё икки хил бўлади – нарсалар ва ғоялар дунёси. Нарсалар дунёси ғоялар дунёсининг маҳсулидир. Ғоялар дунёси ягона, ўзгармас ва абадий дунё. Ибн Арабий Андалусия ва Шимолий Африка бўйлаб қилган сафар чоғларида ўша даврнинг машҳур аллома ва мутафаккирлари билан суҳбатда бўлган. Шарқнинг машҳур сўфий алломаларидан бўлмиш Харроз, Ҳаким Термизий, Ҳаллож, Ғаззолий ва бошқаларнинг асарларини ўрганган. Унинг "Футуҳот ал-Маккийя" (Макка илҳомлари) номли асарини "Сўфийликнинг қомуси" деб аташган. Замонасининг қомусий билим эгаси сифатида танилган Ибн Арабий "Фусус ал-ҳикам" (Ҳикматлар дурдонаси) номли асари билан янада машҳур бўлди.

Исломда сўфийликни "қонунийлаштирган" ва мусулмон оламида катта обрўга эга бўлган *Абу Ҳамид Зайниддин Муҳаммад Ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий*ни (1058-1112) етакчи сўфийлар "Ислом исботчиси" деб атар эдилар. Ғаззолий анча йиллар мутакаллимлар ғояларини ҳимоя қилиб, Форобий ва Ибн Сино қарашларига қарши бўлиб келди, ашъарийча илоҳиётни ёқлади. 1091 йилда салжуқийлар вазири Низомулмулк уни Бағдоддаги машҳур "Низомия" мадрасасига мударрис этиб тайинлайди. Мадрасада тезда обрў-эътиборга эришди. Сўнгра Ҳаж сафарини адо этгач, роса ўн бир йил дом-дараксиз, ҳеч кимга кўринмай зоҳидликда яшади. Ўн бир йилдан сўнг узлатдан қайтиб келган Ғаззолийни 1106 йилда Низомулмулкнинг вазир бўлган ўғли Фахрулмулк яна "Низомия»га мударрис этиб тайинлади.

Унинг асосий асарлари "Ал-Мунқиз мин-аз-залал" (Залолатлардан қутқарувчи китоб), "Таҳофут ул-фалосифа" (Файласуфларга раддия), "Мақосид ул-фалосифа" (Файласуфларнинг мақсадлари), 5 жилдлик "Иҳйа алулум ад-дин" (Диний илмларни тирилтириш), "Кимё-и-саодат" (Саодат кимёси), "Ар-Рисолат ал-қудсия" (Қудсия рисоласи), "Қавоит ал-Ақоид" (Ақидаларнинг қоидалари), "Жавоҳир ул-Қуръон", "Мушкот ул-анвор" ва б. Европа олимлари (Жон Беняьн, Франческо Петрарка, Август Толук ва б.лар) нинг эътироф этишларича, Ғаззолий дин ва фалсафада шундай юксак фазилатларни топдики, улар ёрдамида барча ҳақ динларнинг замири, ички маъно, моҳиятидан келиб чиқиб, дин – барча файласуфларга сув ва ҳаводай зарур

маънавий озиқ беришини далиллаб, илми ғайб, тасаввуф ва фалсафанинг умумий илдизларини очиб берган. Ғаззолий талқин ва тафсир этган Қуръон ғоялари яҳудий ва масиҳийлик динлари учун ҳам азиз эканини исботлаб берди.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да ёзишича, Ғаззолийнинг “Жавоҳир ул-Қуръон” ва “Мушкот ул-анвор” асарлари атоқли авлиёлар, сўфийларнинг хонақоҳларида асосий сабоқ китобларидан ҳисобланган. Ғаззолийнинг жаҳон фалсафа тараққиётига муҳим таъсир кўрсатган “Таҳофут ул-фалосифа” (Файласуфларга раддия) асари асрлар давомида Шарқ ва Ғарб файласуфлари ва илоҳиётчилари Фома Аквинский, Франческо Петрарка, Рене Декарт, Гегель ва бошқаларнинг фалсафий қарашларига жиддий таъсир кўрсатди. У сўфийлик йўлидаги камолот фақат танланган, нодир инсонларга хосдир, барча мусулмонлар Ҳаққа яқинликка муносиб эмас, деб ҳисоблади. Шу сабабли, у авом халққа бошқа сўзларни айтади ва ҳол илмига доир билимларни барчага айтишга рухсат йўқ, деб тушунтиради. Чунки, Ғаззолий фикрича, авом одамлар олий ҳақиқатларни билишга тоқатлари етмайди. Айни вақтда у, тасаввуфга кириш учун барча йўл очиқ, лекин кўпчилик бу йўлнинг машаққат–риёзатларига чидамайди, дейди мутафаккир. Ғаззолий ислом илоҳиётини фалсафий жиҳатдан асослашга уринди. Суннийлик ақидаларини тасаввуф ғоялари бирга қўшиб талқин қилиш баробарида Ғаззолий ислом фалсафий тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшди. Шу боис замондошлари уни “Ҳужжат ул-ислом” (Ислом далили) деб аташган.

XIII аср Эрон илоҳиётчиси *Шаҳобуддин Яҳё Ҳабаш (Суҳравардий)* сўфийлик қоидаларини янада бойитди. Суҳравардий ғоялари “ишроқ (ваҳийлик) фалсафаси” деган ном қозонди ва, асосан, перипатетиклар ғояларига қарши қаратилди. Унингча, ҳақиқатга эришиш манбаи ақл ҳам эмас, интуиция ҳам эмас, балки ички ваҳийдир. У баъзи руҳонийларни диний лўттибозликка айблаб, ёлғон ва шубҳали хулосаларни исботлашда эпчил эканлигига шаъма қилди. Шу боис Суҳравардий бидъатда айбланиб, 1191 йилда 36 ёшида халқ кўзи ўнгида қатл этилди. Суҳравардийнинг қарашлари Эрон файласуфлари орасида кенг тарқалиб кетди. Таъкидлаш жоизки, Эроннинг шимоли-шарқидаги Суҳравард шаҳридан икки буюк сўфий аллома чиққан, уларнинг бири буюк дипломат, ҳуқуқшунос *Шаҳобуддин Умар Суҳравардий* (1144-1235) бўлиб, Шайх Саъдий “Бўстон” номли асарида уни “ўзининг устози деб атаган, сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳам у ҳақда илиқ фикрларни келтирган” [4, 269]. Шундай қилиб, XII асрга келиб сўфийлик ислом билан узил-кесил қўшилиб кетди. Сўфийлар нафсга эрк бермаслик, уни жиловлай олиш инсоннинг маънавий етуклик гарови, деб тушундилар. Нафс ва ғазабнинг кушандаси – билим. Билим инсонни барча бало-қазолардан қутқаради. Ҳақиқий, чинакам билимга эга бўлмоғи учун инсон ўзини ўзи бошқариши, турли номаъқулчиликдан ўзини ўзи тия олиши зарур. IX асрдаги сўфийлардан бири Абу Бакр аш–Шаълий айтганидек, сўфий ёлғон гапирмаслиги, ўғирлик ва зино қилмаслиги, рўза тутиб жонини қийнаши, жисмини тоза тутиши, бойликка интилмаслиги, Тангрини улуғлаб, доимо тоат-ибодат қилиши зарур. Булар туфайли инсон танаси покланади, ҳиссиёти нозиклашиб, ҳайвоний одатлардан тозаланади.

Сўфийликнинг яна бир нуқтаи назарига кўра фақат худо реал борлиқ бўлиб, теварак-атрофдаги нарсалар ва воқеа-ҳодисалар эманация (илоҳий қудратнинг кўринишлари) деб эътироф қилинади. Инсон руҳининг худо билан мистик қўшилиши – олий мақсад. Бу қўшилиш эманация босқичлари орқали содир бўлади. Эманация босқичлари соф ёруғлик ва мутлақ борлиқ - худодан борган сари узоқлашиб ва хиралашиб боради. Буни “пастлашиб бориш жараёни” дейиш мумкин. “Юқорилаб бориш жараёни” ҳам борки, инсон ўзининг дастлабки уйига худо билан “қўшилиб кетганидан сўнг” қайтиб келади. Динга ишонувчи киши экстазда, яъни жазава билан зикр-самога тушгандагина худонинг жамолини кўришга муяссар бўлади. Сўфийларнинг этикаси, инсонпарварлик фалсафаси аслида ана шундан бошланади.

Инсон оламни билиши орқали гуноҳлардан тозаланиб боради. Бу билиш кўп босқичли бўлиб, сўфийлар ибораси билан айтганда, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборатдир. Буларнинг ҳар бири, ўз навбатида, ўнта шартни ўз ичига олади. Масалан, шариатнинг асосий шарти худонинг ягоналиги ва мавжудлигига ишончдан иборат. Тариқатнинг ўнта шартларига тавба-тазарру, пири ёки устозига қўл бериш, худодан қўрқиш, тангрининг марҳаматига ишонч, роҳат-фароғат ва шаҳвоний нафсдан ўзни тийиш, пирга хизмат қилиш, пирнинг рухсати билан гапириш, пирнинг панд-насиҳатларига амал қилиш, тарки дунёчилик, узлатда бўлиб туриш киради. Маърифатнинг ўнта шартлари эса фано, зоҳидлик, сабр-чидам, барча соф ва рухсат этилган нарсаларни излаш, билимли бўлиш, шариат ва тариқатнинг барча қоидаларига амал қилиш, дунё роҳатларидан тийилиш, келажак ҳаёт ҳақида қайғуриш, экстаз босқичига эришиш, ҳақиқатга интилишдан иборат.

Ҳақиқатнинг асосий шартлари - эзгулик ва ёвузликнинг фарқига бориш, экстаз (жазава) сирларини динсизлардан асраш, шариат, тариқат ва маърифат шартларини билиш ва бажариш. Сўфийлик амалиётига кўра, баркамол инсон юқоридаги қоидаларга оғушмай амал қиладиган, ақли ва заковатини ҳар нарсадан устун қўя оладиган, қалби яхшилик ва эзгулик билан лиммо-лим бўлган инсондир. Бундай одамлар бу фоний дунёда қанчалик кўп бўлса, ҳаёт шунчалик барқарор ва осойишта бўлади.

Мусулмон Шарқи фалсафаси тарихида Хожагон ҳаракати катта ўрин тутади. Ушбу ҳаракатнинг барча аъзолари сўфийлар эдилар. Ҳаракатнинг ижтимоий мазмуни ва мафкуравий моҳияти бошдан оёқ халқпарварлик эди. Ҳаракат халқ хўжалигини тиклаш, халқнинг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам ушбу ҳаракат кенг қулоч ёйди, Марказий Осиё, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа минтақа ва давлатларнинг маънавий ҳаётига чуқур кириб борди. Хожагон тариқатнинг асосий намояндалари Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Али Ромитаний, Амир Кулол ва бошқалар эдилар.

Тасаввуф тариқатларининг тадқиқотчиларидан бири, таниқли олим Хуррам Баракаев Мовароуннаҳр тасаввуф аҳли намоёндалари тарихини ёзиб қолдирган муаррих Фахриддин Али ас-Сафий (вафоти 1532 йил)нинг "Рашаҳоти айнул-ҳаёт" (Ҳаёт булоғидан қатралар) деган асарига таяниб, Хожагонлар силсиласининг 47 нафар вакилини баён қилди [3, 54-55]. Хожагон тариқатининг намоёндалари мўғуллар ҳукмронлиги давридаёқ зўравонликка қарши курашдилар. XVI аср биринчи ярмининг охири, иккинчи ярмининг бошларида улар раҳбарлигида деҳқонлар, ҳунармандлар ва қуллар қўзғолони бўлди, у "сарбадорлар» (дор тагидан қочганлар) қўзғолони сифатида тарихдан жой олди. Сарбадорларнинг шиори шундан иборат эдики, агар улар ғолиб чиқсалар, зулм ва зўравонликка барҳам берилиб, озодлик таъминланади, бордию мағлуб бўлсалар, унда дор тагига бориб, осиладилар. Ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида Сарбадорлар қўзғолони фақатгина қуйи табақаларни эмас, балки мўғул зулмига қарши бўлган маҳаллий майда феодалларни ҳам ўзига бирлаштирган эди. Қўзғолончилар кўпгина ҳудудларда ҳокимиятни эгаллаб, ўз қўлларида маҳкам тутиб турдилар.

Мусулмон Шарқида "Тасаввуф" (сўфийлик) номи билан машҳур бўлган Хожагон ҳаракати VIII асрнинг охири ва IX асрнинг бошларида вужудга келди. Сўфийлик ва унинг турли-туман шакл ва кўринишлари ҳақида кўплаб фаразлар мавжуд. Хатто "сўфий" атамаси ҳақида ҳам нуқтаи назарлар кўп [5.134]. XV асрнинг машҳур шоири Абдураҳмон Жомий ўзининг "Нафаҳот ал-унс мин Хадарат ал-Кудс" ("Муқаддас кўшкдан эсган дўстлик шабадаси") деган асрида 604 нафар сўфийнинг номини тилга олади. Юқорида қайд қилинганидай, "сўфий" сўзи биринчи марта куфалик Абу Ҳошимга (766 йилда вафот этган) нисбатан қўлланган. "Худо йўли худди инсон жони сингари сон-саноқсиздир", дейдилар сўфийлар. Шу билан бирга улар "Хитойгача борсанг-да, илм изла!" деб ҳам таъкидлайдилар.

Сўфийлик фалсафаси, том маънода айтганда, дин, унинг табиати ва функциялари, Тангрининг мавжудлигини асослаш, унинг инсон ва табиатга муносабати тўғрисидаги долзарб фалсафий муаммолар ва нуқтаи назарлар йиғиндисидир. Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ижтимоий-фалсафий фикри тарихида пантеизм, калом ва исмойлизм таълимотлари билан бир қаторда диний-фалсафий таълимот - сўфийлик ҳам муайян ўрин тутади.

XIII-XIV асрларда ижтимоий-фалсафий жабҳада янги ғоялар ва таълимотлар шаклланди. Адабиёт ва санъат арбоблари, файласуфлар аввалги даврларда яратилган ғоявий меросни ўрганиш, шарҳлаш ва уларни тарғиб қилиш билан машғул бўлдилар. XIII асрнинг мутафаккир шоири *Саъдий Шерозий* (1203-1292) узоқ йиллар мобайнида Шарқ мамлакатларига сафар қилди. Бундай сафарлар туфайли Саъдий кўп юртларни кўрди, ҳаётий тажрибаси ортди, диний ва дунёвий илмларни эгаллаб, тасаввуф адабиётининг ёрқин намояндаси бўлиб етишди. Сафарлар натижаси ўлароқ ўзининг машҳур "Гулистон" ва "Бўстон" номли асарларини ёзди, уларда ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва машаққатларини ёритиб берди. "Саъдий икки тилда ёзиладиган шеър тури – муламмаъ (ширу шакар)нинг ҳам асосчиси ҳисобланади. Араб тилини яхши билганлигидан у арабча масра ва байтларни форсий билан уйғунлаштириб, ушбу шаклни ихтиро қилган" [6, 160].

Сўфийлик ҳаракатининг вужудга келиши, ёйилиши ва эришган муваффақиятлари хусусида қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин: минтақа халқлари ҳаётида ўзига хос мистик-аскетик йўналиш сифатида майдонга келган сўфийлик XII асрга келиб ислом билан узил-кесил қўшилиб кетди. Сўфийлар таълимотининг ғоявий-фалсафий манбаи жуда кенг бўлиб, улар ўзларидан аввал яшаб ўтган мутафаккирлар ва фалсафий мактабларнинг таълимотларидан фойдаландилар – юнон ва ҳинд фалсафаси, зардўштийлик ҳамда христианлик таъсирида шаклландилар (масалан, сўфийларнинг Тангри ва унга яқинлашиш воситалари ҳақидаги тасаввурлари мусулмон фалсафасидан олдинги таълимотларни эслатади). Сўфийлар нафсга эрк бермаслик, уни жиловлай олиш инсоннинг маънавий етуклик гарови, деб тушундилар. Билим – ҳар қандай балонинг, нафс ва ғазабнинг кушандаси. Ҳақиқий билимга эга бўлмоғи учун инсон ўзини ўзи бошқариши, турли номаъқулчиликдан ўзини тия олиши зарур.

Мовароуннаҳр бутун дунё сўфийлик тарихида бир йўла тўрт буюк тариқатнинг маскани бўлди. Бу тариқатларнинг ҳар бири шарқона маънавият шаклланишида, ривожланишида муҳим ўрин тутди. Ушбу жараённи ҳар томонлама тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё халқлари маънавий тараққиётидаги ўрнини холисона аниқлаш ва баҳолаш билан Мовароуннаҳр халқлари тарихининг қоронғи саҳифаларини ёритиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси//"Халқ сўзи", 2020 йил 25 январь.
2. Ислом. Энциклопедия. –Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2017.
3. Баракаев Х. Тасаввуф. –Самарқанд, "Суғдиён" нашриёти 1997.
4. Даминов Э. Шаҳобуддин Умар Суҳравардий//Буюк юрт алломалари / тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. –Т.: "O'zbekiston", NMIU, 2016.
5. Каттаев К. Самарқанднома. –Тошкент, "Mashhur-press", 2017.
6. Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. –Тошкент, "Ўзбекистон", 2012.

Сўфийлик фалсафасида маънавий тарбия ғоялари
Ҳайдаров К. Д. Самарқанд давлат университети

Резюме. Мақолада илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалган сўфийлик фалсафаси, унинг асосий тариқатлари, намояндалари, ғоявий-фалсафий манбалари, ушбу таълимотнинг маънавий баркамолликка эришишга қаратилган устувор ғоялари ҳақида мушоҳада юритилади.

Таянч сўзлар: сўфийлик, калом, тариқат, эманация (жилоланиш), экстаз (жазава), тарбия.

Идеи духовного воспитания в философии суфизма
Хайдаров К.Д. Самаркандский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается философия суфизма, широко распространенная в Центральной Азии в ранние средние века, освещаются ее основные течения, идейно-философские истоки, приоритетные идеи, направленные на достижение духовного совершенства человека.

Ключевые слова: суфизм, калом, течение, эманация, экстаз, воспитание

Ideas of spiritual education in Sufi philosophy
Khaydarov K.D.Samarkand State University

Summary. This article examines the philosophy of Sufism, which was widespread in Central Asia in the early Middle Ages, its main trends, ideological and philosophical origins, priority ideas aimed at achieving spiritual perfection of man.

Key words: Sufism, kalom, flow, emanation, ecstasy, education

---

«ТӘБИЯТ-ЖӘМИЙЕТ» СИСТЕМАСЫН ИЗЕРТЛЕЎДИҢ ҲӘЗИРГИ ДӘЎИРДЕГИ ТИЙКАРҒЫ МЕТОДОЛОГИЯЛЫҚ УСЫЛЛАРЫ ҲАҚҚЫНДА

Мухаммадиярова А.
Қарақалпақ мәмлекетлик университети.

Кейинги ўақытлары адамзат бизиң планетамыздың ҳәр бир турғынының, барлық халықлардың өмирлик әҳмийетке ийе болған мәплери менен байланыслы болған бурын көрилмеген масштабтағы ҳәм характердеги глобаллық проблемалардың унамсыз ақыбетлериниң көриниў дәрежесин түсинип жетпекте. Бундай глобаллық проблемалардың қатарына «тәбият-жәмийет» системасында пайда болатуғын экологиялық проблема да киреди. Глобаллық проблемалардың иерархиялық системасында ол орайлық орынлардың бирине ийе.

Шынында да, соңғы жыллары, айырықша, күнделикли баспа сөзде «экологиялық кризис», «экологиялық проблемалар», «экологиялық сиясат», «экологияластырыў» ҳ.т.б. сөз дизбеклери жийи–жийи өз көринисин таппақта. Әлбетте, буларда адам менен қоршаған ортаның мүнәсибетиндеги сәйкессизликке байланыслы мәлим ситуацияны сезиў мүмкин. Оның үстине, бул проблема бойынша газета, журналлардағы мақалаларды, радио ҳәм телекөрсетиўлерди есапқа алмағанның өзинде, республикалық, регионаллық, халықаралық масштабта, бир неше конференция ҳәм симпозиумлар шөлкемлестирилди. Олардың ҳәммесинде де бир ҳаўаз жаңлайды` планетаға антропогенлик тәсир ҳәзир геологиялық процесслерге бара бар, ҳәттеки олардан өтип ҳәм баратыр. Ең қәўиплиси сол экологиялық апатшылық – бул ертеңги күн емес. Ол бүгин-ақ изине қайтпайтуғын ҳақыйқатлыққа айналып отыр.

«Тәбият-жәмийет» системасы динамика ҳалатында өзгеретуғын элементлердиң жыйнағын береди, өзгериўши структура өзгерип атырған объекттиң сапасын анықлайды. Системаның берилген мазмунда түсинилиўи қәлеген қатнасықлар арасындағы қатнасықларды турақлылық жақтан да, өзгерис тәрепинен де алып қарайды. Сол себепли системалық усылдың зәрүрли методологиялық тийкарлары ретинде диалектика теориясының төмендеги принциплерин` онтология, гносеология ҳәм праксеологияның бирлигин, тарийхыйлық ҳәм логикалықтың бирлигин, ондағы диалектикалық бийкарлаў принципин бөлип көрсетиўге болады. Солай етип, тәбият ҳәм жәмийет, бириншиден, белгили дәрежеде системалы шөлкемлескен ҳәм өзин раўажландырыўға уқыплы, екиншиден, олар бир биринен ғәрезсиз жасамайды, ал көплеген туўры ҳәм қыя байланыслар менен байланысқан, үшиншиден, дүньяның бирлиги тек «ҳәр қыйлы системалылықты» емес, ал олардың «бир системалылығын да» беккемлеў мүмкиншилигин береди.

Берилген ҳалатлардың анаў яки мынаў тәреплерине дыққаттың қаратылыўына байланыслы, тәбият ҳәм жәмийеттиң өз-ара тәсир етисиўин үйрениўде ҳәзирги заман экологиялық жағдайының кескинлескен басқышын есапқа алған ҳалда бир неше тийкарғы методологиялық усылларды бөлип көрсетиўге болады.

Биринши усыл искерлик-өзгертиўши усыл болып, ол тәбияттың системалы шөлкемлескенине бағдарланған, тийкарғы дыққат биосфераның эволюциясына, оның адам искерлигиниң тәсири астында жаңа сапаға өтиўине аўдарылады. Бул сапа ноосфералық раўажланыўдың еки вариантының бар болыўын көрсетеди. Биринши вариантқа тийкарланған ҳалда, ноосфера деп жасалма түрде басқарылатуғын биосфера түсиниледи. Жасалма цивилизацияның дөретилиў мүмкиншиликлери де биосферадан ғәрезсиз болып, адамның өмириниң сол цивилизацияның дөреткен жағдайларынан ғәрезли екенлигин көрсетеди. Бирақ раўажланыўдың бул көрсетилген варианты утопиялық характерге ийе болып, тасландыларсыз өндиристиң жасалма системасын дөретиў, келешек илиминиң шексиз мүмкиншиликлеринен пайдаланыў тәбият айланбалығының қурамалылығын түсиниўден еле узақта. Бул усылды критикалай отырып, М.Виноградов, Г.Михайловский ҳәм А.Монинниң берген пикирин қоллап-қуўатлаўға болады. Олардың пикиринше, адамзат эволюция процессинде биосфера тәрепинен туўылған ҳәм өзиниң өмирин биосферасыз, қандайда бир жасалма орталықта көз алдына келтире алмайды [1]. Биосфера адамсыз жасаўы мүмкин, бирақ адам биосферасыз жасай алмайды. Адам биосферадағы өз өмириниң характерин ҳәм өзиниң ҳалатын өзгертиўи тийис, бул адамлар орынлаўы тийис болған постулат. Тәбиятқа қайтыў да реаллыққа ийе емес. Себеби адамзатты «жабайы тәбияттың» биогеохимиялық цикллериниң структурасына қайтарыўдың өзи мүмкин емес.

Екинши вариантта ноосфералық қурылыстың контекстинде тәбият ҳәм жәмийеттиң өз-ара қатнасы проблемасының сыпатламасына дыққат аўдарылады. Бул жерде В.Вернадскийдиң концепциясына тийкарланатуғын идеялар басшылыққа алынады. Леруа ҳәм Тейяр-де-Шарден тәрепинен илимий айланысқа киргизилген, кейин ала В.Вернадский тәрепинен раўажландырылған ноосфера түсинигин улыўмалық ҳаққындағы философиялық тәлимат контекстинде алып қарасақ мақсетке муўапық болады. Леруа ҳәм Тейяр-де-Шарденниң ноосфера ҳаққындағы тийкарғы пикирин төмендегише бериўимизге болады: адамның пайда

болыўы менен физикалық эволюция өзин тоқтатады, сол себепли биосферадан кейин ноосфера келеди, яғный кейинги эволюция «руўхый усыллар» жәрдеминде иске асырылыўы мүмкин. Оған жәмийет, индустрия, тил, ақыл ҳ. б. киреди [2, 3-16]. В.Вернадскийдиң мийнетлеринде «ноосфера» түсиниги жигирмаланшы әсирдиң 30-жыллары пайда болады. Оның пикиринше, биосферада уллы геологиялық, космослық күш болып…ол жәмийетлик мақлуқат сыпатындағы адамның ақылын, оның бағдарланған ҳәм шөлкемлескен еркин аңлатады [3, 270] . Тейяр-де-Шарден, Э. Леруа ҳәм В.Вернадский ноосфераны «ойлайтуғын қатлам» сыпатында алып қарайды. Атап айтсақ, оны өсимликлер ҳәм ҳайўанатлар дүньясының, биосфераның үстинде (Тейяр-де-Шарден) [4] пайда болатуғын, биосферадан бөлинип шығатуғын «еркин ҳәм интеллектуаллық сана» (Э.Леруа), адам болмысының планеталық характери менен байланыслы биосфераның жаңа (В.Вернадский) геологиялық ҳалаты деп көрсетеди.

Ҳәзирги ўақытта анық көзге тасланып атырған пикирди биринши рет В.Вернадский айтады: «Адам биринши мәрте өзиниң планетаның турғыны екенин ҳәм жаңа планеталық аспектте ойлаў ҳәм ҳәрекет етиўин реал түсинди. Ол, барлық тири жан заттай, планеталық аспектте тек ғана тиришилик тараўында – биосферада, өзи менен тығыз, нызамлы … байланыста болған белгили жер қабығында ойлаўы ҳәм ҳәрекет етиўи мүмкин» [5, 270]. Ноосфераға ерисиўде үш аспектти бөлип көрсетиў, бизиң пикиримизше зәрүр. Биринширден, ноосфера ҳақыйқыйлықтың өзгеше тараўы, оның пайда болыўы ҳәм өмир сүриўи адамның ақылый искерлиги менен анықланады. Екиншиден, ноосфера адамның күшлери сарпланатуғын жаңа предмет болып табылады, онда өзлестирилетуғын ҳақыйқыйлық ретинде өз бетинше статусқа ийе болған адам ақылы ҳәм оның интеллектуаллық дөретиўшилигиниң жемислери алып қаралады. :шиншиден, ноосфераның өзи де қайта өзгериске ушырайтуын тараў сыпатында өмир сүреди. Бул жерде, шәртли түрде еки бөлекти бөлип көрсетиўге болады. Биринширси адамның биосферадағы орнын түсиниў менен, Жердеги адам искерлигин анализлеў, оның әсиресе негатив, изертленилмеген нәтийжелерин түсиниў менен байланыслы.

Екинширси конструктивлик идеяларды береди, олардың ишинде ең баслысы ретинде бир пүтин планеталық ойлаўды ислеп шығыўды бириктириў тийкарында адамзат ақылы өзи келтирип шығарған биосфераның глобаллық катастрофасынан қутылыўы мүмкин.

Ноосфераны қурыў мүмкин, себеби, биринширден, адам искерлиги өзиниң масштаблары бойынша геологиялық күш пенен теңлести, сол себепли биосфераны өзгерте алады. Екиншиден, техника ҳәм байланыс усылларына байланыслы адамзат пүтинге айланды, ҳәм бул сапада ноосфераны қурыўдың улыўмапланеталық субъекти сыпатында алып қаралады. :шиншиден, илимий ой диний ҳәм идеологиялық шеклеўлерден еркин болған планеталық қубылысқа айланды, усыған байланыслы адам искерлигин биосфераны «ақыл тараўына» айландырыўды тәмийинлейтуғын илимий дәлилленген принциплер тийкарында шөлкемлестириўге мүмкиншилик береди. Ноосфералық раўажланыўдың ҳәзирги басқышы адамның тәбияттағы глобаллық искерлигиниң нәтийжеси ҳаққында экологиялық кризисти бийкарлайтуғын пикирлерден турыўы тийис. Ең алды менен экологиялық кризис адам санасында шешилиўи керек. Тәбият ҳәм жәмийеттиң коэволюциясына тийкарланған дүньяның образы ислеп шығылып, кейин ол жәмийетлик қатнасықлар системасында иске асырылыўы тийис [6]. Ҳәзирги заман экологиялық жағдайын изертлеўдиң кейинги екинши усылы тарийхый-материалистлик болып, ол жәмийеттиң системалық шөлкемлесиўине бағдарланады, тәбиятты «өз бетинше баҳалық» ретинде алып қарамайды, ол жәмийетлик системаның қәлиплесиўиниң базиси, оның тийкары сыпатында түсиндириледи. Жәмийеттиң раўажланыўы менен бул тийкар жаңа тараўларды қамтыў арқалы кеңейеди, жәмийеттиң раўажланыўының жаңа шәртлерин (алдын өндирислик-экономикалық, кейин социаллық) дөретеди.

Кейинги социаллық-экологиялық усылда тәбият ҳәм жәмийет арасындағы байланыслар системасы ҳаққында, субъекттиң ҳәр қыйлы тәреплериниң қайта өзгертиў процессине избе-из кириўи ҳаққында сөз етиледи. Тийкарғы тастыйықлаўды жәмийетти социаллық қайта қурыў үстинлиги (приоритети) ҳаққындағы тезис қурайды. Ноосфералық қурылысқа өтпестен бурын, адам жәмийетлик қурылысты өзгертиўи тийис. «Организм» ҳәм «орталық» арасындағы баслы байланыс, оларды таңлаўға байланыслы яки тәбийий, яки социаллық, яки материаллық-нәрселик (цивилизация) болыўы мүмкин. Сол себепли адам экологиясында биринши гезекте адам ҳәм тәбияттың биологиялық байланысына тийкарғы күш бериледи, ал ноосфералық проблематикада өзгеше дыққат адамның автотрофлық принципине аўдарылады. Социаллық экологияда тийкарғы тастыйықлаў ретинде жәмийетти социаллық қайта қурыўдың үстинлиги (приоритетлиги) ҳаққындағы тезис алып қаралады. Цивилизация экологиясында ноосфералық раўажланыўдың тийкарғы шәртин мәдений жетискенликлер, техникалық системалар ҳ.б. түринде адам тәрепинен топланған цивилизациялық баҳалықлар береди. Усыларды басшылыққа алған ҳалда ХХ-әсирдиң 80-жылларынан баслап дүнья жүзи мәмлекетлериниң басым көпшилиги «үзликсиз раўажланыў» стратегиясын тийкар етип алды. Кейин ала оны «турақлы раўажланыў» (Рио-де-Жанейро, 1992-ж.) идеясы менен алмастырды. Бул концепцияның алға сүрилиўи адамзаттың экологиялық кризистен шығыўға болған умтылысын ҳәм раўажланыўдың дәстүрий моделин түсинип жетиўдиң нәтийжеси болып табылады. Бул концепция тек ғана турақлылық моментин өз ишине киргизип қоймастан, экологиялық ҳәм экономикалық раўажланыўдың динамикасын да, руўхый тараў ҳәм сиясий системаның өзгешеликлерин де есапқа алады. Ол адамның ноосфера дәўирине қарай жолын, стратегиясын реализациялаўды береди, яғный тәбият-жәмийет коэволюциясы ҳалатын аңлатады [7].

Солай етип, теңдей дәрежеде биосферадан ноосфераға өтиў жолы техносфераны да, социосфераны да қайта қурыў арқалы өтеди. Олардың ҳәр бири өз нызамлықларына ҳәм раўажланыў тарийхына ийе. Бул процессти тереңнен түсиниў, бизиң пикиримизше, искерлик-қайта қурыў усылының екинши вариантына сай

иске асырылады анық турақлы раўажланыўдың жетилистирилген ноосфералық-технологиялық сценарийсине байланыслы жүз береди. Бул жерде тек тәбиййий орталық ғана адам искерлиги тәсири астында өзгерип қоймастан, жәмийет те социотәбиййий системаның нызамлықларының тәсири астында қайта қурылады ҳәм берилген мазмунда адам тәрепинен социотәбиййий орталықты билиў процессинде эмоционаллық, интуитивлик ҳәм рационаллық бөлеклердиң бириктирилиў өлшемине де айрықша әҳмийет бериледи. Себеби биринши еки бөлек көпшилик жағдайда екинши дәрежели деп саналып, олар дүньяны ақылый өзлестириўге кесент береди деп түсиндириледи.

Бирақ әмелият олардың ақылды альтернативлик шешимлерди излеўге мәжбүрлейтуғынлығын көрсетеди. Буған қосымша, ақылый шешимлердиң санаға сиңдирилиў процесси эмоциялар тийкарында дүзилген «келешек образының» мүмкин болған вариантын түсиниў арқалы иске асырылады. Сол себепли ақыл берилген системаны билиўде үш қурам бөлектиң ҳәммесин өз ишине қамтыйды, ҳәм «мақсетке сай» мазмунды ийелейди. Солай етип, раўажланыўдың ҳәзирги заман басқышында жәмийет ҳәм тәбият коэволюциясы эмоционаллық мазмунды есапқа алыўшы әдеп-икрамлылық тийкарда иске асырылады. Усыған байланыслы қоршаған тәбиятты пайдаланыўдың баслы нәтийжесин руўхый талапларды, яғный тутыныў ориентациясына қарсы туратуғын руўхый баҳалықларды дөретиўге ҳәм өзлестириўге болған адамлардың ҳәм жәмийеттиң мүтәжликлерин реализациялаў береди. Себеби руўхыйлық генетикалық планда жәмийетлик практиканың дөретпеси болып, тарийхый жақтан социумның қәлиплесиўин тамамлайды. Бундай жағдайда, әлбетте, жәмийетлик қатнасықларды гуманизациялаў, бизиң жәмийетлик дүзимге жаңа сапалы көринисти бериў, басланған руўхый жаңаланыў процесси экологиялық жағдайға тәсирин тийгизиўи тийис, баҳалықлар ҳәм идеалларды қайта түсиниў тийкарындағы диалектикалық процесс сыпатында тәбиятқа жаңа гуманистлик қатнасықты қәлиплестириўи керек.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Виноградов М., Михайловский Г. Монин А. Вперед к природе// ИВ РАН. 1994. №9.
2. Горшков В., Кондратьев К., Шерман С. Устойчивость биосферв и сохранение цивилизации//Природа. 1993. №3. С. 3-16.
3. Вернадский В. Научная мысль как планетное явление. М., 1991. С. 270.ҲТейяр-де-Шарден П. Феномен человека. М., 1987. С.1550158.
4. Вернадский В. Научная мысль как планетное явление. М., 1991. С. 270
5. http: www/ Russian.globalclub. com/gw 02 11 a/htm Доклад А.Вебер. Глобализация и устойчивое развитие: проблемное поле и возможные сценарии. (с), 2001, А.Вебер.
6. Қараңыз` Встреча на высшем уровне «Планета Земля». Программа действий. Повестка дня на XXI век и другие документы конференции в Рио-де-Жанейро в популярном изложении. Женева. 1993.

«Тәбият-жәмийет» системасын изертлеўдиң ҳәзирги дәўирдеги тийкарғы методологиялық усыллары
Мухаммадиярова А. Қарақалпақ мәмлекетлик университети.

Резюме. Мақалада «Тәбият-жәмийет» системасының динамикасын изертлеўде соңғы дәўирде пайда болған социаллық-философиялық қатнаслар ҳаққында сөз етиледи, биосфера, носфера, «Турақлы раўажланыў» түсиниклерине ҳәр тәреплеме анықлықлар бериледи.

Таяныш сөзлер: тәбият, жәмийет, экологиялық машқалалар, носфера түсиниги.

«Табиат-жамият» тизимини тадқиқ этишнинг ҳозирги даврдаги асосий методологик усуллари
Мухаммадиярова А. Қорақалпоқ давлат университет.

Резюме. Мақолада «Табиат-жамият» тизими динамикасини тадқиқ қилишда сўнгги пайтларда юзага келган ижтимоий-фалсафий қарашлар ҳақида сўз юритилади, биосфера, носфера, «Доимий ривожланиш» тушунчаларига ҳар томонлама аниқликлар берилган.

Таянч сўзлар: табиат, жамият, экологик муаммолар, носфера тушунчаси.

Об основных современных методах изучения системы «Природа-Общество»
Мухаммадиярова А.Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье охарактеризированы новые социально-философские подходы к изучению динамики системы «природа-общество», раскрыта сущность и содержание понятий биосфера, носфера, «устойчивые развитие».

Ключевые слова: природа, общество, экологические проблемы, концепция ноосферы

On the main modern methods of studying the "Nature-Society" system
Mukhammadiyarova A. Karakalpak State University

Summary. The article characterizes new socio-philosophical approaches to the study of the dynamics of the "nature-society" system, reveals the essence and content of the concepts of biosphere, nosphere, "Sustainable development".

Key words: nature, society, environmental problems, the concept of the noosphere

---


МИЗДАХКАН ЁДГОРЛИГИДА 2018 ЙИЛДАГИ АРХЕОЛОГИК ҚАЗИШ ИШЛАРИ

Қдирниязов М.-Ш., Қдирниязов О.-Ш., Алимбетов А., Сайпов С.
Қорақалпоқ давлат университети

Миздахкан археологик мажмуаси Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли шаҳри жанубий ғарбида 6 км масофада жойлашган. Амударёнинг ўнг соҳилидаги антик, илк ва ривожланган ўрта аср даврига оид шаҳар маданияти марказларидан бири. Умумий майдони 200 га яқин худудни ташкил қилади. Ўрта асрга оид асосий тадқиқотлар Қорақалпоқ давлат университети археологлари томонидан Жанубий Оролбўйида қадимги даврлардан шаклланган, ўрта асрларга келиб воҳадаги мумтоз урбанистик марказ даражасига кўтарилган Миздахканда 1985 йилдан то ҳозирги кунгача олиб борилмоқда [6. 93-104]. Араб-форс тарихий-жуғрофик

адабиётларида Миздахкан илк бор ал Истахрий (930-933), ал Макдисий (985-987) хотираларида эслатиб ўтилади. Макдисий ўзининг «Ахсан ат такасим фи-марифат ал-акалим» асарида «Миздахкан катта шаҳар-унинг атрофида 12 000 руста бор» - деб ёзади [9. 187]. X асрга келиб Миздахкан катта қишлоқ хўжалиги маркази бўлган. Ушбу худуд Гурганж ва Миздахқан орасидан ўтувчи Дарёлиқ ирмоғи (кейин Курдар канали) шахобчалари орқали суғорилган. Ушбу давр ёзма манбаларида Бухоро атрофида-700 (Наршахий), Уструшанада-400 (Якуди) руста бўлган. Рустак бу ўша илк ўрта асрдаги шаҳар атрофидаги қишлоқларнинг кўшк масканлари ҳисобланади. Ёдгорлик тарихи археологик тадқиқотлар якунига кўра, Хоразм воҳасидаги кангюй даврида шаклланиб, ўрта асрларда катта қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо ва диний ибодат маскани бўлган. Умуман, шаҳар ёши 2400 йилни ўз ичига олади [15. 11]. Ёдгорликда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети археологлари катта кўламда илмий тадқиқот қазиш ишларини ташкил қилди. Бу тадқиқотларнинг Жанубий Орол буйи урбанизацион жараёнлари, жумладан антик (мил. авв. IV-III аср), илк ўрта аср (VI-VIII аср), хоразмшохлар (XI-XIII аср боши), Олтин Ўрда (XIII-XIV аср), Амир Темур ва Темурийлар (XIV-XV аср) давридаги ваҳодаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётни урганишда, тадбиқ қилишда ўрни катта. Бу ноёб ёдгорлик уч қисмдан: Гавр қалъа илк ўрта асрлар даврига оид қўрғон-шаҳар (1), Олтин Ўрда, Темурийлар даври шаҳар қурилишлари (2) ва катта некрополь-қабристондан шаклланган (3). Ёдгорликнинг қадимий Гавр қалъа қисми ва унинг атрофида антик даврдан (кангюй ва кушон, мил. авв. IV-III аср), илк ўрта аср (африг,VII-VIII аср) ва хоразмшохлар маданий қатламлари, моддий топилмалар археологик тадқиқотлар вақтида кашф этилган [5. 49-50]. Лекин, ёдгорликнинг илк ўрта аср (VII-VIII аср боши) археологик маданият тарихи махсус ўрганилган эмас. Кейинги йилларда тадқиқотлар натижасида Гавр қалъа кўрғони девор ташқарисидаги, шарқий тамонда африғлар, хоразмшохлар ва Олтин Ўрда даврига оид катта қурилиш иншоатлари ҳар томонлама илмий асосда ўрганилмоқда (тўрор-жойлар, масжид, кулол хумдони ва санитар-гигиеник тармоклар) [2. 74]. Тадқиқотлар ёдгорликнинг (Гавр қалъа) мудофаа девори, ҳарбий буржли девор ва хандаклардан ташқари, алоҳида жойлашган тепаликнинг рабод қисмидаги қурилиш иншоатларининг вужудга келишини аниқлаш мақсадида ташкил қилинган. Миздахкан ҳам ўрта аср шарқ шаҳарлари каби анъанавий уч қисмдан иборот бўлиб арк, шахристон ва работга эга [8. 242-245]. Ўмуман Миздахкан Жанубий Оролбўйи мумтоз шаҳарлари сингари воҳанинг урбанистик цивилизация культурогенез тарихини ўрганиш, шаҳарсозликнинг ривожланиш жараёнларин ёритишда аҳамиятга эга.

2018 йилги археологик тадқиқотлар Миздахканнинг Гавр қалъа қурғон ёдгорлигининг жанубий-шарқида алоҳида жойлашган рабод қисмида улчамлари 8 х 44,25 м ташкил қилган турор жой хоналарида қазиш ишлари олиб борилди. Қазишма майдонлари кенгайтирилиб, умумий олтита бўлмалардан ташкил топган комплекс ўрганилди. Умумий майдани 445,3 кв.м. (расм.1.). Ушбу жой олдинги йиллардаги қазишларнинг давоми бўлиб, тадқиқот мақсади катта турар-жой, маҳалла масжиди жойлашган тепаликнинг жанубий ён бағридаги маданий қатламларни аниқлашдан иборат бўлди. Мазкур тепаликта маҳалла шаклида қўрилган яхлит бир қурилиш қолдиқлари борлигини аниқлаш кўзланган эди. Олдинги қазиш пайтда илк давр қурилишларнинг антик ва африғ даврига мансублиги хисобга олинди. Турар жойнинг шимолий-шарқий қисмида узинлиги 2,45 м, ени 50 см бўлган илитиш (кан) объекти очилиб, у олтин ўрда ва айрим ҳолатда хоразмшохлар даврига оид булган пишиқ ғиштлардан қурилганлиги аниқланди [11. 17]. Кан бошида сопол ўчоқ бўлиб, лекин яхши сақланмаган, ёнидаги закромлар эса 1х1 м, кўламга эга.



Расм.1. Миздахкон «Жанубий маҳалла» 2018 йилги археологик тадқиқотлар тархи ва кесими.

Қазиш жойининг ер усти, кундузги кўриниши сопол, баъзида бутун пишган ғишт ва парчаларидан, суяқ, тош ва оқизақ кум ва шўр-тупроқ қоришма аралашмасидан иборат эди. Шўрли оқова қатлам экологик вазият билан боғлиқ бўлиб атрофдаги ер ости сувининг кўтарилиш жараёни ва ёмғирдан пайдо бўлган. Топилган

сопол парчалари африғ, хоразмшохларнинг кул ранг сирсиз керамикасига тааллуқли. Лекин кўрсатиш жоиз, қазишмаларнинг устки қавати фақат бир қурилиш даврига, хоразмшохлар даврига оидлигини кўрсатади.

Жанубий томондаги ички қурилишларни қуршаб турувчи сиртқи деворнинг пастки қисми аниқланди. У жануб-ғарб йўналишида чўзилиб кетган. Деворнинг юқоридаги қадимги, дастлабки кўринишин тўла сақланмаганлиги сабабли аниқлаш қийин. Яъни деворнинг устки қисми қияликка боғлиқ ювилиб кетган. Деворнинг сақланган пастки қисм баландлиги 0,87 м, узунлиги 2,40 м, эни 0,80 м. Қайд қилинган девор қисм таги ҳажми 35х35х5; 36х36х 6 см пишган ғиштдан барпо этилган. Унинг устги қатлами хажми 28х28х5; 30х30х6; 36х36х6 см пишган ғиштдан 11 қатор терилган (расм.1.).



Расм.2. 2018 йил археологик тадқиқотлар натижасида топилган артефактлар.

Бу сақланган девор унинг ички тарафидан қурилган африғ даврининг хом ғиштдан тикланган асосий девори ташқаридан, унинг тепа қиялигида ювилиб кетмаслиги учун пандус шаклида барпо этилган. Натижада бу ерда ўзига хос тарихга эга бўлган меъморчилик қолдиқлари мавжуд эканлигин кўрамиз. Ички асосий девор 0,73 м баландликта кўзатилиб эни 2,80 м. Бу девор қолдиги хом ғиштдан терилган. Ғиштни бириктирувчи лой шу атрофтаги қурилишлар таркибидан фарқ қилиб, у сарғиш рангдаги қумдан қорилган. Бу сарғиш рангдаги ёдгорлик атрофидаги қумликдан олиниб, лента услубида қурилган. Ғиштнинг тупроғи эса албатта Гавр қалъа қўрғони хандакларидан олинган тоза тупроқдан таёрланган [12. 23].

Расм.3. 2018 йил қазишма жараёнида топилган археологик артефактлар.

Казишма ишлари олиб борилган жанубий қисм томонида квадрат шаклдаги 4х 4,20 м булган № 1-турор жой бўлмаси ўрганилиб, унинг шарқий девори мустаҳкам капитал қурилмали қалинлиги 55 см булган ташқи деворга эга. Бўлманинг пол қисмига ҳар хил ўринларда пишиқ ғишт бўлакларидан иборат тусалмалар бор, хонанинг шимолий- шарқий бурчагида кулами 20х25х4,5; 27х28х4 пишиқ ғиштлардан терилган квадрат шаклдаги конструкция мавжуд бўлиб, қалинлиги 50 см лик пишиқ ғишттан ишланган девор №2 турар жой хонасидан ажратиб туради.



№2 хона шарқдан- ғарб томонга чўзилган бўлиб, унинг узунлиги 5,0 м ени эса 3,80 м ташкил этади. Хонанинг шарқий бурчагида сопол яма жойлашган, шимолий-ғарбий бурчагида кўлами 23х23х5,5; 24х24х5,0 см булган пишиқ ғиштлардан терилган умумий кулами 1,75х 1,65 м бўлган закром сингари қурилма мавжуд. Полнинг узи дастлаб пишиқ ғишт синиқлари билан текисланган, шимолий деворда пахса девор орасида пишиқ ғишт намуналари куринади. Бу ердан сопол идишлар фрагментлари ва қизил лойли хум парчалари айниқса, гардиш қисмлари топилган. №3 хона №2 хонадан шимолда жойлашиб, уларни 45 см қалингликдаги девор ажратиб туради, бўлманинг ички қурилишлари қаттиқ бузилишга учраган, унга кириш оғзи жанубий-ғарбий бурчакда жойлашган ва чорбоғ томонга қараган. Ш имолий ва ғарбий деворнинг бир қисми сақланиб қолған. Ушбу булманинг шарқий бўлимида ичида органика қолдиқлари сақланган диаметри 32 см бўлган сопол ўчоқ топилган. Бу турар жой хонаси деворлари мустаққам асосга солинган бўлиб, унинг деворлари ғиштлари кўламлари 30х30х4,5; 24х30х4,5 см кўламларга эга.

№4 хона поли нотекисликка эга булиб, биринчи қурилиш даври деворларини текислаш натижасида барпо қилинган. Хонанинг ғарбий томонида суфа таризли қурилиш хом пахсадан ишланган, унга яқин жойда диаметри 40 см бўлган сопол тандир жойлашган, суфанинг шарқий томоннинг бир қисми пишиқ ғишт бўлакларидан терилган. Хонанинг шимол қисми бузилишга учраган, суфанинг шарқий томонида иккита бир бирига ёпиштириб қурилган диаметри 40 см ва 36 см булган сопол хумлар жойлашган.

№5 хона 6х 4 м кўламдаги майдонни эгаллаб хонанинг шимолий-шарқий қисмида узунлиги 2,45 м ени эса 55 см бўлган пишиқ ғишттан ишланган илитиш ускунаси (кан) жойлашган. Унинг жанубий чеккасида сур рангли сополдан ишланган диаметри 42 см бўлган хум аниқланган. Бўлмада кан- илитиш атрофида кўлами 1,30х 1,30 кўламдаги закрома қурилишлари жойлашган (расм.4).



Расм.4. №9 Археологик объект. Шимол томоннан куриниши.

Бу булманинг ғарбий қисмида №6 турар жой хонаси жойлашган. Хонанинг ғарбий ва шимолий деворларини аниқлаш имкони булмаган. Хонада шимолдан жанубга иккита ўчоқлар билан таъминланган диаметри 40 см бўлган сопол ўчоққа эга узунлиги 2,60 м ени 65 см бўлган кан жойлашган, унинг кулами 25х25х4,5; 24х24х5,0; 30х30х4,5 см бўлган пишиқ ғиштлардан терилган. Каннинг жанубий қисмида кўлами 1,0х 1,5 м бўлган закром, унинг марказида диаметри 36 см сопол хум жойлашган (расм.4). Хонада бундан ташқари бузилган холатдаги суфа кўлами 2,5х 1,70 м. Археологик материаллардан хона пол қисмидан шарқий бурчакдан кичик кўламдаги сур рангли сопол кувшинчик (сумакчали-чайник) ва болалар уйинчоқлари намуналари топилган (расм.2.7.). Хонанинг жануб қисми олдинги йилларда қазиб ўрганилган хоналарга бориб қўшилади. Археологик объектнинг жанубий- ғарбий қисми кенг кўламга эга двор (чарбоқ) типига эга бўлиб, унинг кўлами олдин аниқланганидан анча катта худудни эгаллаши маълум бўлди.

Ушбу, жойда асосан африғ даврининг моддий-маданият ашёлари: кулоллик буюмлари: хум бўғизи гардишлари, катта ҳажмли тоғоролар, кул рангли товоқ, хурмача, косалар дигирь парчалари ва майда кулол парчалари учрайди. Археологик қазишларнинг асосий боғловчи қисмлари марказий бўлимлар (сектор) ҳисобланади. Бу қисмда хоразмшохлар даври деворлари қисман яхши сақланган бўлиб асосан шаклсиз, аралаш-куралаш тикланган тош плиталар ва пишган ғиштдан терилган (25х25х5; 28х28х5 см). Марказий қисмдаги шарқий девор антик даврга хос бўлган 40х40х10; 43х43х12 см ҳажмдаги хом ғиштдан терилган. Антик давр стандартига хос хом ғиштлар воҳанинг чегара шаҳарларининг мудофаа иншоатларида кўпроқ қадимги даврда қурилган шаҳар деворлари устига таьмирлаш пайтида фойдаланган (Ярбекир қаъла, Шах Санем). Бу каби қурилиш материалларида антик давр меъморчилик таркибий қисмида (компоненти) хос катта ҳажмдаги хом ғиштлар фойдаланилганлиги С.П.Толстов фикрича «бу илгариги архитектура анъаналарининг уйғониши «ренессанс» тушунчасига мос келади»[13, 129].

Умуман олганда 2018 йилги давом этган қазиш жараёнида Миздахканнинг Гавр қалъа қурғон ёдгорлигининг жанубий-шарқида алоҳида жойлашган рабод қисмига хос бўлган турор-жойлар қисмлари аниқланди. Хона деворлари ва унинг ички интерьерлари суфа, ўчоқлар, тандир ва кан қурилишлари яхши сақланган. Жумладан суфалар жанубий қисмларида қайд қилинди. Супалар эни асосан 2.5 м дан 4,5 м бўлиб, баландлиги 0, 34-0.50 м, уст юзлари лой билан сувалган. Мазкур суфалар қазиш объектининг марказий қисмидаги ҳали тўла очилмаган хоналарда шаркий, жанубий деворлари бўйлаб кузатилади. Суфалар бир ғишт эни қалинлигида деворчалар билан маҳкамланган. Бундай кўринишдаги суфа Африғ ва Кердер шаҳарларида қайд қилинади [1. 20,27]. Иситиш тармоқларига тааллуқли булган ўчоқ ва тандирлар икки кўринишда қурилган. Биринчи ҳолатда хона полига (едан) ўрнатилган ярим айланма тақа шаклида ва иккинчи типи суфа четига мослоштирилган оддий турдаги иситиш тармоқлардир. Биринчи хилдаги ўчоқлар илк ўрта асрдан бошлаб кўплаб учратилади ва қайд этилади [10, 77; 4, 117]. Иккинчиси эса хоразмшох мамунийлар ва ануштагинлар давридан Хоразм-джучидлар даврида кўп учрайди ва маҳсус хумча шаклидаги сополлардан таёрланган [4. 110]. Булардан ташқари махсус тандирлар ҳам учрайди (расм.4).

Шундай қилиб, Миздахкан Гавр қалъасининг жанубий-шарқида алоҳида жойлашган рабод қисмига хос бўлган турар-жойлар мавжудлиги катта ҳажмдаги қазишлари бу жойдаги қурилиш ечимлари ўрта асрга хос бўлган талаб ва анъаналарига жавоб берган ва маҳаллий маданиятнинг культурогенез кўрсаткичларидан шаклланган. Ушбу тадқиқотларда ашёвий маълумотларга асосланган артефактлари тўпланди.

Пастки ўт ёқиш қисми устки тарафида саккизта катта диаметрдаги (18-26 см) иссиқ утказиш тешикчалардан турган том билан ажралади. Пастки оловхона қисми диаметри 2,45 м, ички тарафи – 2,10 м баландлиги 1, 60 м. **П** шаклда қурилган ўт ёқадиган оғзи-60х50 см,ғарб томонда жойлашган. Оғиз атрофи 0,45х0,55х 0,15-0,17 м тош плиталардан махкамланиб қурилган. Оғиз ер сатҳидан 0,85 м баландда. Хумдон деворлари 24х24х5; 27х27х5; 30х30х5 см турли ҳажмдаги хом ғиштдан тикланган. Бу хумдон ҳам олдинги маданиятларнинг ўрта аср ҳунармандчилик соҳасидаги маданий ютуқларни йиллардаги қазилган хумдонлар билан қатор маҳаллий археологик культурогенез кўрсаткичлари аниқлаш, таҳлил қилишда қўшимча артефакт ҳисобланади [7, 93]. Аввалambор, горизонталь қазишманинг устки қаватидан олинган артефактлар ягона қурилиш даврига тааллуқли бўлиб, биттадан пол сатҳига эга. Уларнинг жойлашиши қазиш жойида ҳаёт ўрта асрнинг илк даврида бошланиб, маълум вақтдан кейин эса, яъни ўрта асрнинг хоразмшохлар даврида, балким илк хоразм-джучи даврида ҳам бирон-бир йирик таъмирларсиз қисман тикланган. Шунинг учун ҳам траншея пол сатҳида ва тепа устидаги тупроқ ва тасодифий топилмаларда XI-XIII аср боши сопол буюмлари ва бошқа ашёвий топилмалар учрайди (расм.2.4,6-7).

Траншеянинг жанубий қисми пастидаги топилмалар, антик даврига эга хом ғиштларнинг in siti ҳолатида (яъни қурилиш жиҳатдан иккинчи марта) устки қаватда қўлланиши қадимий маҳаллий цивилизация ютуқларининг «Хоразм ренессанси» даврида қўлланганлигин исботлайди. Бу бошқа стратиграфик қазишмалардан олинган маълумотлар билан бирга Миздахкан шаҳар ёдгорлигининг бунёд этилган тарихий даври қадимийроқ эканлигидан шаҳодат беради. Бу эса мазкур ёдгорлик артефактларининг сифатининг юксаклашиш жараёнларида аҳамиятин ўрганишда қўл келади.

Археологик қазишма жараёнида топилмалардан кулол маҳсулотлари парчалари анча кўп учрайди. Шулардан кул ранг сирсиз сапол идиш-товақ, чиғир, хумча, қизил лойдан ишланган куза ва дигир қисм парчалари оммавий артефактлардан ҳисобланади (расм.3.1-2).

Бутун шаклдаги топилмалардан қизил рангли лойдан таёрланган горшок-ғулчалар мавжуд. Уч бурчак шаклдаги оғизга эга қизил ранг кўза катта дастага эга бўлиб XII-XIV аср билан саналанади (расм.3.3), чироқ-плошка эса XI-XIII, XIV асрларда кенг қўлланилган. Кул ранг лойдан таёрланган косалар ва чойнакча (расм.2.7) Оролбўйи ёдгорликларда кўп ўчрашиб XIII-XIV асрга таълуқлидир (расм.2.5,6) [3. 180-181]. Сирли, бўёқли ошхона идишлари чизма-граффито, рангли нақшлар билан безалган (расм.2.4-5). Хоразмшохлар даврига оид туйгин кўк рандаги кузача (расм.3.4) айниқса ахамиётли хисобланиб, объектнинг шу даврга таллуқли эканлигини кўрсатади [4. 101]. X-XI асрларга тегишли сопол қоппоқ 2-хона поли юзасидан олинган (расм.3.7.) темир парчаларидан теча булаги, қозик ва бронза езгиш (давильня) (расм.2.1-3) топилган.

Умуман Гавр қалъа қурғони шаркий тарафида ташкил этилган тўрт бурчак, траншея шаклидаги қазиш жойида хоразмшохлар даври моддий маданият намуналари – ривожланган ўрта асрга хос бўлган қурилиш материаллари пахса, хом ғишт, тошлардан фойдаланиб тикланган девор, турар жой қисмлари, ўчоқлар, суфа, ура (яма) каби археологик конструкциялар ва кўп сонли топилмалар аниқланди. Кўпчилик жиҳатдан аниқланган хона деворлари эски қурилишлардан бузилиб олинган хом, пишган ғишт бўлаклари ва пахса лойдан тикланган. Деворларнинг қалинлиги – 0,60 м (шимолий) ва 1,6 м (жанубий) гача. Яъни жануб ташқи тараф қурлишда асосан хом ғиштдан тикланган қалин девор қўлланган. Ғишт ва пахса қоришиб, аралаш фойдаланилган. Бу услуб илк ўрта асрдан Хоразм ёдгорликларида маьлум. Деворларнинг асосан пастки қисми пахсадан 1,45- 1,60 м. баландликда сақланган. Устки қаваттаги хом ғишт девор эса ёмғир, қор ва шамол туфайли ювилган ва сунъий тепанинг пастки жойларига оқиб тушган. Деворлар орасига пишган ғиштан ташқари тош плита ва парчалари ҳам қушилган. Очилган катта хонанинг устки қатлами эсма қум, оқизиқ қатламлар, лой-тупроқ коришмаси ва кулол парчалари, суяклардан туради. Уларни тозалаш пайтида пишган ғишт ва унинг ярим синиқларидан қоплонган пол-едан усти аниқланди. Умуман бу қазишмаларда аниқланган қурилиш наъмуналари Хоразмшохлар-Ануштагинлар даври билан саналанади.

Хулоса қилиб айтганда, археологик тадқиқот натижасида турор жой ўрнида олтита ҳўжалик хоналари қазилип ўрганилиб, ўлардаги моддий маданият номуналари илк Олтин Ўрда даври маданиятига мос келади. Якунида кўрсатиш жойиз- бу жойда XI-XIII аср бошида эски африғ даври қурилиш, маданий қатламлари устига янги тўрар жойлар яьни хоразмшохлар даври моддий маданияти асосида интерьерлар қурилган ва мўғуллар даврида бўш қолганлигини кўрсатади. Хоналар функциональ ахамиёти бўйича: яшаш учун турор жойлар, хужалик хоналари, болалар булмалари ва уларнинг интерьерлари билан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР

1. Антропология и культура Кердера. –Ташкент, 1973.
2. Қдырниязов М.-Ш. Раннесредневековый Миздахкан//Вестник ККО АН РУз. №2.2009.
3. Қдырниязов М.-Ш, Сайпов С.Т, Алимбетов А.К, Қдырниязов О.-Ш. Археологические работы в Миздахкане 2013 г.// АИУ.-Вып..Х. – Самарканд, 2014.
4. Қдырниязов М.-Ш. Культура Хорезма в XIII-XIV вв. –Самарканд, 2015. -320 стр.
5. Қдирниязов О.-Ш. Хоразм воҳаси урбанистик цивилизация тарихи (илк ўрта аср).-Ўқув-услубий қулланма.-Нукус, 2015.-С.49-50.
6. Қдырниязов М.-Ш, Қдырниязов О.-Ш, Искандерова А.Д. Миздахканской археологической экспедиции 30 лет // Археология Узбекистана. № 2 (11). 2015. –С.93-104.

7. Кдырниязов М.-Ш, Кдырниязов О.-Ш, Саипов С. Керамическое ремесло Миздахкана // Археология Узбекистана. 2015. № 2 (11). –С.93-104.
8. Кдырниязов М.-Ш, Ягодин В.Н, Мамбетуллаев М.М, Сагдуллаев А.С, Кдырниязов О.-Ш. История цивилизации Хорезма. Нукус, 2017. –285 с.
9. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Том I. –М.-Л., 1939.
10. Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). –М., 1976.
11. Отчет об археологических работах кафедры «археологии» КГУ на городище Миздахкан в 2013 г.
12. Отчет об археологических работах кафедры «археологии» КГУ на городище Миздахкан в 2017 г.
13. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. –М., 1948.
14. Туребеков М., Исследование квартала №3 городища Миздахкан -История и археология Турана, №1, Самарканд, 2013.
15. Ходжейли- древнейший город Каракалпакстана. – Ходжейли, 1998.

Миздахкан естелигинде 2018 жылдағы археологиялық қазыў ислери
Қдырниязов М.-Ш., Қдырниязов О.-Ш., Алимбетов А., Сайпов С.. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақалада 2018-жылы орта әсирлер Миздахкан қаласында алып барылған археологиялық қазыў жумыслары нәтийжелери ҳаққында сөз барылады. Дала изертлеўлери нәтийжесинде табылған артефактлар анализленип, ашылған объекттиң қайсы дәўирге тийисли екенлиги ҳәм қандай хызметте пайдаланғанлығы дәлийлленеди.

Таяныш сөзлер: Гәуир қала, Миздахкан, интерьер, суфа, кан, артефакт, гүлəл буйымлар, гүзе, хум, шанақ, тандыр, темир буйымлар.

Миздахкон ёдгорлигида 2018 йилдаги археологик қазиш ишлари
Қдирниязов М.-Ш., Қдирниязов О.-Ш., Алимбетов А., Сайпов С. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада 2018 йилги ўрта асрлар Миздахкон шаҳрида олиб борилган археологик қазишма ишларининг якуний хулосалари ҳакида сўз боради. Дала тадқиқотлари пайтида топилган артефактлар тахлил қилиниб, ўрганилган объектнинг қайси даврга оидлиги ва қанақа мақсадларда фойдаланилганлиги исботланади.

Таянч сўзлар: Гавр қалъа, Миздахкон, интерьер, суфа, кан, артефакт, сопол идишлар, куза, хум, шанок, тандир, темир буйимлар.

Археологические раскопки памятника Миздахкан в 2018 году
Қдырниязов М.-Ш., Қдырниязов О.-Ш., Алимбетов А., Саипов С. Каракалпакский государственный университет

Резюме: В статье обсуждаются итоги археологических раскопок 2018 г. в средневековых городищ Миздахкан. Анализируются артефакты, найденные в ходе полевых исследований, доказываются к какому периоду относятся исследуемый объект и какова была её функциональное назначение.

Ключевые слова: Гаврkала, Миздахкан, интерьер, суфа, кан, артефакт, керамика, кувшин, хум, чаши, танур, металлические изделие.

Archaeological excavations of the Mizdahkan monument in 2018
Qdirniyazov M.-Sh., Qdirniyazov O.-Sh., Alimbetov A., Saypov S. Karakalpak State University

Summary: The article discusses the results of archaeological excavations in 2018 in the medieval settlements of Mizdahkan. The artifacts found in the course of field research are analyzed, it is proved to which period the researchable object belongs and what was its functional purpose.

Key words: Gavrkala, Mizdahkan, interior, sufa, kan, artifact, ceramics, jug, hum, bowls, tanur, metal products.

УДК 930.26 (575.172)

АМУДАРЁ ДЕЛЬТАСИ ЧАП ҚИРҒОҒИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИ ТАДҚИҚОТ ТАРИХИ (Тарихий ва ёзма манбаларда)

Толыбаев М. Е.
Қорақалпоқ давлат университети

Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланадиган маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш борасида мамлакатимизда қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4068-сон қарори қабул қилинди [10, 1-10]. Ушбу қарор моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ва юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишда уларнинг ўрнини топиш ҳамда моддий маданий мерос соҳасидаги давлат назоратини тубдан такомиллаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ҳозирги давр археология фанида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишда инновацион технология ютуқларини самарали фойдаланишни тақоза этмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Қорақалпоқ халқининг бетакрор табиати, қадимги тарихи ва бой маданияти ҳусусида фикр билдириб «…ўз юрти, ўз заминига, ота-боболарининг мозорига ҳамиша садоқат кўрсатиб яшаётган мард ва матонатли қорақалпоқ элининг мустаҳкам иродасига тан бериб, бундай халқ билан ҳар қандай фахрлансак арзийди»,- деб таъкидлаган эди [11, 212]. Республика Президентининг бу фикрлари ва бошқа қатор чиқишлари Ватанимизда тарих фанининг, шу жумладан, археология - қадимшуносликнинг ўтмишдаги сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётни ўрганишдаги ҳақиқий ўрнини кўрсатишга ёрдам берди. Тарихда цивилизация марказлари икки дарё оралиғида вужудга келганидек, Жайхун ва Сайхун оралиғидаги ерлар муқаддас хисобланади. Геродот бутун Мисрни «Нил хадяси» деб хисоблаганидек, Истаҳрий «Хоразм Жайхуннинг бутун фойдасини ола билган мамлакатдир» деб таъкидлаб утади. Чунки, тарихий манбаларда Амударё баланд қояли тоғлар орасидан ва кўллардан оқиб ўтади ва ҳар километр масофада беш метр пастга тушади, шу сабабли у жуда тез ва ҳайқириб оқади ҳамда ўзи билан жуда кўп миқдорда минерал жинсларни лойқа ҳолда оқизиб олиб келган [20, 19].

Ушбу дельта паст текисликлардан иборат бўлиб, уни шарқ ва жануби-ғарб томондан Қорақум ҳамда Қизилқум саҳролари ўраб туради. Ғарбда ва шимоли-ғарбда уни Устюрт қирлари, шимолда эса Орол денгизи ўраб туради. Минг йиллар давомида воҳаларда яшовчи халқлар дарё бўйлаб босиб келаётган кўчма қумларга ва сув сатҳининг ўзгаришига қарши шиддатли кураш олиб борганлар. Улар саҳро ва дарёларни ўзларига бўйсундириб, гуллаб-яшнаган воҳаларни барпо этиш йўлида самарали меҳнат қилганлар. Жанубий Оролбўйи қадимги маданий марказларидан бири бўлиб, бу ерларда тарихимиз ва маданиятимизнинг бешиги яратилган. Амударёга Сурхон келиб қўшилган жойининг қуйидан бошлаб, у ҳеч қандай ирмоқсиз жазирама саҳролар ичидан оқиб ўтади ва шу ердан унинг ҳаётбахш фаолияти бошланади деб таъкидлайди Я.Ғуломов. Жумладан, Амударёнинг Оролбўйи дельтаси - жанубда қадимги Гяур-қалъа, Хужайли (Миздахкан) аҳоли манзилгоҳларидан, шимолда Орол денгизи қирғоқларигача, шарқда Амударё қирғоқларидан, Устюрт текислигигача бўлган ҳудудда жойлашган бўлиб, ўзига хос цивилизация маркази ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ҳудуд тарихи махсус адабиётларда таъкидланади. Амударё дельтаси чап қирғоғи археологик ёдгорликлари ҳақида ёзма манбалар асосан араб, эрон географлари ва саёҳатчиларидан Ал-Истахри, Ал-Макдиси, Ибн-Русте [7, 150] томонидан ҳамда «Худудал-алем» асарларида кенг ёритилган [18, 216]. Бу ердаги биринчи йирик қидирув йўллари 1945-1947 йилларда Хоразм археологик ва этнографик экспедицияси томонидан амалга оширилган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоқ илмий-тадқиқот институти дельтанинг археологик жойларини ўрганишни давом эттирган.

Кўчманчи ва ўтроқ аҳолининг маданий ҳудудларини ўзига бирлаштирган Оролбўйи дельтасининг ўтмиши тарих бетларида ўзига хос ўрин эгаллайди. Амударё дельтаси чап қирғоғи археологик ёдгорликлари тарихи, унинг шаклланиши, ҳудудий чегаралари, товар-пул муносабатлари тарихчи, қадимшунослар С.П.Толстов, Т.А.Жданко, М.А.Итина [13, 6] ва Я.Г.Гулямов [19, 154]., 1960 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон Тарих, тил ва адабиёт институти томонидан яна иккита маршрутли илмий тадқиқот ишлари ўтазилиб, улардан бири В.Н.Ягодин раҳбарлигида Оролбўйи дельтасининг чап қирғоғини текширади [5, 73-97]. Шунингдек, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети «Археология» кафедраси проффессори., т.ф.д М.-Ш.Қдырниязов раҳбарлигида 2003-2016 йилларда Пулжой ёдгорлигида, доцент., т.ф.н. М.Туребеков раҳбарлигида 1997-1999 йилларда Тўпроқ-қалъа ва 1998-2003 йилларда Бўғрохон археологик ёдгорлигида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари ушбу худуддаги археологик ёдгорликлар ҳақидаги маълумотларни илмий жиҳатдан янада бойитишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Амударёнинг қуйи оқими аҳолиси бепоён саҳролар билан ўраб олинган воҳа учун дарёнинг қандай аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунган, чунки Амударёни ҳурматлаган ва қадрлаганлар. Масалан, Хива хонлигидаги сарой тантаналарида ва оммавий ибодат вақтларида «…Дарё серсув бўлсин ва ўз ўзанида оқсин» деган иборани айтиш шарт бўлган [20, 30]. Қадимги греклар Ўрта Осиёнинг ҳар иккала катта дарёсини Ўкуз (Окус, Оксос –Амударё ва Яксарт (Яксартос)-Сирдарёни билганлар. Окус, Ўкуз номлари Амударёнинг маҳаллий сак-массагет номилари бўлиб, ўрта асрнинг энг сўнги давригача Укуз номи билан сақланиб қолган ва ҳозирда ҳам унинг дельтасидаги битта тармоғи Ўкуз деб номланади. Жайхун номи эса тавротдаги «Гихон»нинг араблаштирилган формаси бўлиб, араблар томонидан киритилган [4, 71]. Шунингдек, Ибн Ховқал берган маълумотларда Ўкуз номининг қулланилиши X асрда ҳам ишлатилганлигидан дарак беради. Мўғуллардан кейинги даврга тегишли бир қанча Ўрта Осиё тарихий манбаларида ва ҳужжатларида Амударё кўпинча "Ўкуз" номи билан тилга олинган. XV асрда эски ўзбек тилида тузилган Зангиота шажарасида «шайх Жалил бобонинг қабри Ўкуз қирғоғидадир» деб келтирилади [Я.Ғ.Гуломовнинг шахсий тўплами]. Шундай қилиб, Ўкуз-Амударёнинг маҳаллий номи деб хулоса чиқариш мумкин.

«Ғит (Жит),- деб ёзади Мақдисий, — катта рустоқлари бўлган йирик шаҳардир, у чўлда бўлиб, ғузлар билан бўлган чегарада деворлар билан ўраб олинган чегара қўрғони ҳисобланади [9, 289]. Ғит ғузлар мамлакати чегарасидаги сўнги (ғарбий) пунктдир [9, 303]. Я.Гулямов бу уринда келтирилган Ғитни Буғрохондан 30 км ғарбда Устюрт қирининг бурнидаги Пулжой шаҳари харобаларига тенглаштиради [20, 158]. Пулжой эски карвон йўлида бўлиб, бу йўл воҳа ичидан бошланади, чўлга, ғузлар юртига кириб боради. Бу йўл Хоразм аҳолиси ўртасида «Қораумбат йўли» номи билан машҳурдир. Бу йўл ҳақида XIX аср Хива солномаларининг авторлари кўп ёзганлар. Бу жойни қачонлардир узоқ вақт сув босган, унинг излари ҳамма ерда шаҳар харобасида ҳам, рустоғида ҳам яхши кўриниб туради.

Пулжой (Ғит) Девкескан (Вазир) сингари икки ярус бўлиб, қалъа Устюрт қири муйилишида ниҳоятда қулай пунктга жойлашган. Бу ердан унинг кенг қири ва дельта ҳосил қилган текислик кўриниб туради. Қалъа унча катта эмас ва у IX-X асрларда қурилган қалъалар туридандир. Қир этагида кўпгина иморат изларига эга бўлган катта очиқ қишлоқ бор. Қишлоқнинг бутун майдони IX-XV асрлар сопол идиш синиқлари ва ғиштларининг парчалари билан қопланган.

Ёдгорлик бир неча қисмдан иборат. Устюрт платосининг четида минора харобалари жойлашган., ундан пастга 15-20 м пасайиш бор. Текисликда пастда улкан турар-жой жойлашган. Миноралар тўртбурчаклар шаклида, кесилган тошлардан қурилган. Деворлари вайрон қилинган ва баланд лой гумбазларга айланган. Тўртбурчак ва ҳар бир деворнинг ўртаси пахсадан қилинган миноралар билан мустаҳкамланган. Деворлардаги миноралар режада ярим доира шаклида жойлашган. Шимоли-ғарбий девор бўйлаб хандақ сақланиб қолган. Кириш битта деворда. Қурилиш учун пахсадан ташқари 22 х 22 х 4 см ўлчамдаги тош плиталар, хом ва куйган ғиштлар ишлатилган.

Пулжой ёдгорлигида Қорақалпоқ давлат университети археолог олимлари томонидан 2015-2016 йилларда қазиш ишлари амалга оширилади. Унда Пулжой аҳоли пунктидаги жамоат характеридаги меъморий мажмуа

ўрганилган. Катта ва кичик хоналари бўлган каран-саройнинг кўп хонали биносидан ташқари, меъморий қурилиш атрофида бошқа қўшимча қўрилиш излари аниқланган. Карвонсаройларнинг дизайн хусусиятлари Хоразм ҳунармандлари томонидан Хоразмдан Волга бўйигача бўлган йўллар бўйлаб қурилган Устюрт ёдгорликлари асосида ўрганилган [8, 63-65]. Шубҳасиз, карвонсарой жамоатчиликнинг элита қатламига хизмат қилган. Бу шаҳар таркибининг шаҳар ривожланишининг бир қисмидир.

Мадминия шаҳрининг жойлашган ўзанини биз Кўнғирот шаҳридан 10 км шимоли-ғарбида жойлашган **Буғрохон шаҳари** харобаси билан тенглаштирамиз. Ёдгорлик цитадель, шахристон ва мудофаа деворига эга бўлмаган катта работдан иборат. Умумий майдони 80 га. Шахристон 250х200 м куламга эга бўлиб, марказда жойлашган ва мудофаа девор билан уралган. Цитадель шахристоннинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган [16, 356., 17 62]**.** Буғрохон шаҳар харобаси ёки Хованд XIX аср хроникаларида Ҳаким ота Бақирғоний мақбараси билан Кўнғирот ўртасидаги шаҳар харобалари сифатида тез-тез қайд қилинган. Мунис-Огаҳий фикрларига қараганда шаҳар харобасининг ҳақиқий номи – Хованд деб аталган, лекин у Буғрохон номи билан маълумдир [12, 14]**.** Тахминан 250х200 м майдонга эга аҳоли пункти қўрғони шахристон ва улкан работдан иборат. Қалъа шаҳристоннинг шимолий-шарқий деворида жойлашган. Иккинчиси тўртбурчак шаклга эга, иккита бурчак минораси - шарқий ва жанубий миноралардан иборат бўлиб, деворлари 3-4 м баландликда шишган деворлар шаклида сақланиб қолган. Унинг дарвозалари шимолий бурчакдан жанубда, шимоли-ғарбий деворда жойлашган. Турар-жойнинг бутун ички қисмида паст текис тепаликлар шаклида сақланиб қолган доимий биноларнинг излари бор. Шимоли-ғарбий деворнинг ўртасида, унинг ички томонида сопол идишлар излари сақланиб қолган. Худди шу девор яқинида, шаҳристоннинг шимолий бурчагига яқинроқ жойда баландлиги 5 м бўлган конус шаклида тепалик бор, унинг асоси диаметри 18-20 гача бўлган минора қолдиқлари сифатида тадқиқотчилар томонидан аниқланган. Шаҳристоннинг шимолида тахминан 25 гектар майдонга эга, баландлиги 1 м баландликда шишган ясси тепаликлар кўринишидаги рабод жойлашган бўлиб, улардан бирида работнинг жанубий қисмида, шаҳристоннинг шимолий деворидан унча узоқ бўлмаган жойда теранлиги 2,5 м бўлган чуқур топилган.

Шаҳар катта текисликда Мачон кўли номли кўлга яқин ерга жойлашган, шунинг учун ҳам шу кўл тошқини содир бўлганда тез-тез уни сув босиб турган. Шаҳар арк, шаҳристон ва катта работдан иборатдир. Шаҳарнинг умумий плани яхши сақланиб қолган. Шаҳристон арк билан бирликда 35000 кв м дан кўпроқ жойни эгаллайди. Маданий қатламнинг шаҳристон ичидаги қалинлиги 3,5 метрга етади. Маданий қатлам Кўҳна Урганчдаги каби IX-XIV асрларга оид археологик материалларга бой ёдгорлик.

Аркдан жануби-шарқда XI—XII асрдаги катта бинонинг излари сақланиб қолган, афтидан бу минорали жоме мачити бўлса керак. Миноранинг пойдевори икки метр баландликда сақланиб қолган (Минора XIX асрнинг охирида яхши кўринишда бўлган бўлса керак, у А.В.Каульбарснинг картасида кўрсатилган [1, 1881]. Работ майдони шаҳристон майдонидан 4-5 марта каттадир. Сувнинг бир неча бор босиши натижасида работнинг катта қисми ботқоққа айланиб, қамишзор бўлиб кетган. Шаҳар харобасининг умумий кўриниши шаҳарнинг ўтмишда обод, аҳолиси кўп бўлганлигидан, Амударё этакларида савдо-ҳунармандчилик маркази сифатида –катта аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Археологик рекогносцировка кўрсатишига биноан, Буғрохондан қуйида (дарё оқими бўйлаб) X аср шаҳар харобалари бўлмаган. Шундай қилиб, Буғрохон(Хованд)ни X асрдаги Мадминиядир дейишга кўпроқ асос топилмоқда. Шаҳар харобалари 992-йилда Мовароуннаҳрни босиб олган қораҳонийлардан чиққан Буғрохон номига қўйилган.

1998-2003 йилларда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети тадқиқот гуруҳи томонидан Бўғрохон ёдгорлиги ўрганилган. Улар рабод, шаҳристон ва қўрғондан иборат жойларида тадқиқот ишларини олиб боради. Тадқиқот натижалари бўйича 250-200 м ўлчамдаги Шаҳристон ёдгорлик марказида жойлашган бўлиб, унинг атрофида қалъа девори билан ўралган. 60х50 м ўлчамдаги қалъа шаҳристоннинг шимолий-ғарбий қисмини эгаллайди. Бўғрохоннинг умумий майдони 60 гектардан ортиқ майдонни эгаллаши аниқланган.

Шаҳар Шаҳристони мудофаа девори билан ўралган. Унинг шарқий қисмида материкка стратиграфик қисм олиш учун хандақ қазилган. Материк сатҳидан юқорида VII-VIII асрларга оид керамика билан қалинлиги 0,4х0,6 м бўлган қатлам бўлган. Юқорида IX-X асрларнинг маданий қатлами аниқланган ва унинг устига ўлчамлари 32 х 32 х 4 см бўлган хом ғиштдан 0,8 м қалинликдаги девор қурилган. Сақланиб қолган девор баландлиги 2,3 м, қалинлиги 4,1 м, ички коридорнинг кенглиги 1,6 м ташкил этади.

Шундай қилиб, археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Қоракўл дарёсининг ўнг қирғоғида VII-VIII асрларда ярим ўтроқ қишлоқ аҳоли пункти пайдо бўлган. Топилмаларга қараганда, X асрда шаҳристон мудофаа девори билан ўралган. XI-XII асрларда қудуқ қурилган. Моддий материалларига қараганда, шаҳар минораси шаҳристон деворларидан бироз кечроқ, X-XI асрларнинг охирларида қурилган. Айни пайтда ёки бироздан кейин мақбара қурилган. Эҳтимол, бу вақтда шаҳарнинг работи пайдо бўлган бўлиши мумкин. XII асрда мақбара кенгайтирилиб, унга қишки масжид қўшилган. Шаҳарнинг гуллаб-яшнаши XI-XIII аср бошларига тўғри келади. Бўғрохон Кўнғиротнинг эски шаҳри сифатида Қоракўлнинг ўнг қирғоғида жойлашган ушбу воҳанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказига айланади [14, 265, 269]. Кўнғиротдан 12 километр жанубий-ғарбда, Устюрт қирига кўтарила беришда Тупроқ-қалъа ҳаробалари бор. Истахрий Гитдан 5 фарсах Куджаг кишлогининг жойлашганлигини таъкидлайди [2, 303]**.** 1905 йилнинг картасида у Кутен-Кала деб кўрсатилган, XIX аср хроникаларида эса, кўпинча Куҳтан қалъаси деб юритилган [12, 166, 202]**.** Қалъа унча катта эмас, лекин жуда мустаҳкамланган. Ички майдони 6400 кв.метрдан иборат. Унга жануб томондан кирилган. Қалъа дарвозаси олдида катта майдон бўлиб, бу қишлоқ қолдиғидир. Унда IX-XIII асрнинг сопол ва ғишт парчалари сочилиб ётади. Бу майдонда кулолчилик ва шиша ясайдиган жуда кўп устахоналарнинг пойдеворлари кўзга

яхши ташланади. Шаҳар харобасининг майдони жануби-шарқдан келувчи унча катта бўлмаган канал билан суғорилган. Каналнинг йўналишига қараб ҳукм қилинса, унинг сақоси Қўнғиротдан 25 километр жануброқда бўлган. Кўҳтан қалъаси (Тупроқ-қалъа) масофаси ва санаси бўйича Истаҳрийнинг Куджоғига бутунлай тўғри келади.

Ёдгорлик Қўнғиротдан 13-14 км жануби-ғарбда жойлашган. 1946 йилда Хоразм археологик ва этнографик экспедицияси томонидан топилган ва археологик харитага киритилган. 1959 йилда ўша экспедиция уни суратга олди, тавсифини белгилади ва материалларини тўплайди. 1960 йилда ушбу ёдгорлик Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Тарих, тил ва адабиёт институтининг чап соҳил археологик экспедиция гуруҳи томонидан ўрганилган. У тахминан 120 х 100м. текис тепаликнинг тепасида тўртбурчаклар шаклида қурилган. Дарвоза жанубий деворда жойлашган деб таҳмин қилинади. Ичкарида, шимолий деворга яқин жойда катта бинонинг қолдиқлари бор [6, 93-94].

Археологик маълумотларга қараганда, IX-X асрларда саҳро кўчманчиларидан воҳа чегаралари хавфсизлигини таъминлаш учун барча чоралар кўрилган. Устюрт кирининг ҳамма баландликларида қалъалар бўлган. Уларнинг олдида хабар берувчи динглар бўлиб, улар тошлардан терилган. Улар шундай қилиб қурилганки, хоҳ кечаси, хоҳ кундуз бўлсин хавф якинлашаётганда олов ёки тутун билан хабар бериш мумкин бўлган. Сигнал берилгач бир соат ичида ҳар қандай шароитда ҳам чегарадаги ҳамма гарнизонлар қўзғатилган. Гарнизонлар Орол денгизидан Сариқамишгача бўлган барча қалъаларда бўлганлар. Шундай қалъалар ёнида яшаш анча хавфсиз бўлганлиги туфайли, уларнинг ён-атрофида секин-аста аҳоли тўплана бориб, очиқ қишлоқлар пайдо бўларди. Бу аҳоли пунктларига каналлар ўтказиларди ва чўл-биёбон секин-аста гуллаётган рустоққа айлана борарди.

Хоразмнинг барча шаҳарлари яхши мустаҳкамланган бўлиб, шаҳарларнинг дарвозалари темир билан қопланарди. Бу дарвозалар тепасида ҳавоза устида тош отувчи машиналар турарди [3, 288-289].

Қалъа атрофи сув тўлдирилган хандақ билан ўраб олинарди. Қалъа ташқаридагилар билан кечаси кўтариб қўйилиб, кундузи яна тушириладиган осма кўприк орқали алоқа қиларди. Қалъалар улар атрофидаги рустоқлар учун яккаю ягона сақланиб қолиш жойи бўлиб ҳисобланган. Қалъа деворидан у ёқда кенг, аҳолиси зич бўлган қишлоқлар жойлашиб, улар ҳам девор билан ўраб олинарди. Бундай шаҳарларнинг ички истеҳкомлари (кўпинча антик даврда) сувни одатда дарвозанинг ташқари томонига яқин кавланган қудуқ ёки сунъий ҳовузлардан олган; қамал вақтларида мудофаачилар ва аҳоли олдиндан қудуқ ва ҳовузларга сувни ғамлаб олган бўлар эди. Баъзан қалъаларда «обдўзлар» (сув тўлдирилган хандаққа олиб чиқадиган яширин йўл) қазиларди. Ташқари шаҳар ҳар доим оқар сувга эга бўларди. Бу ҳолни фақат Хоразм шаҳарларидагина эмас, балки Шарқнинг барча мамлакатларида учратиш мумкин.

Маъмуннинг ўғли Али (907-1004 йиллар) ва унинг укаси Маъмун ўғли Маъмун (1004-1017 йиллар) Хоразмни мустақил идора қила оладиган булиб қолган эдилар. Бу даврда бутун Устюрт қирларида кўчманчи ғўзлар чегараси бошланган ерларда чегара қалъалари қурилди. Булар атрофида ўз навбатида анчагина савдо-ҳунар қишлоклари вужудга келади. Устюрт бўйлаб йўналган саҳро йўллари қатор қудуқлар, Белеули типидаги карвон саройлар билан таъминланган эди. Кўчманчи чорвадорлар - ғузлар ва бижноқлар бу карвон савдосига муҳтож эдилар, улар ўзларига зарур бўлган молларга кўчманчи хўжалик маҳсулотлари ва юк ташувчи ҳайвонларни олмаштирганлар. Бу савдога қудратли Хоразм давлати ҳам йўл қўйган, бу давлат иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлиш билан бир қаторда, воҳа ва саҳро ўртасида тинчлик муносабатлари яхши йўлга қўйилишига эришган. Бу нарса ҳамма вақт муваффақиятли чиқа бермаган, албатта: айрим кўчманчи қабилалар ва уларнинг иттифоқлари вайронагарчилик келтирувчи ҳужумларни тез тез уюштириб турганлар. Айниқса чегара олди рустоқлар кўп зарар кўрган. Устюрт қалъаси чегараларининг вайроналари ва араб географларининг берган маълумотлари ўтроқ воҳа ва кўчманчи саҳро уртасидаги жиддий ўзаро қарама-қаршиликни етарли даражада тасвирлаб беради.

Тўпроқ-қалъадан 8-10 км шимолда Тумар-кул (XII-XIV аа.) ёдгорлиги жойлашган. 1960 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Тарих, тил ва адабиёт институтининг Чап соҳилидаги археологик экспедиция гуруҳи томонидан кашф этилган ва текширилган. Ушбу ёдгорликда ўрта аср суғориш тармоғининг қолдиқлари, кичик биноларнинг қолдиқлари ва учта Тумар 1,2, 3 турар жойи сақланиб қолган. Тахминан 1 гектар майдонга эга бўлган Тумар-1 аҳоли пункти атрофдаги текислик устига 1,5 м баландликка кўтарилган бўлиб, режада тўртбурчак шаклида жойлашган. Эҳтимол, жанубий деворда кириш жойи бўлган ва шарқий деворга қандайдир бинолар туташган бўлиб, балким турар-жой атрофида хандақ бор бўлиши мумкин.

Тумар-2 аҳоли пункти Тумар-1 аҳоли пунктидан 120-130 м масофада жойлашган бўлиб, унинг майдони ва жойлашуви жиҳатидан деярли бир хил.

«Тумар-3» аҳоли пункти дастлабки иккитадан жанубда жойлашган ва вайрон қилинган. Тадқиқотчиларнинг аҳоли пунктларида олиб борилган кичик қазишмалари натижасида, уларнинг ички қисми чорвачилик учун чорва сифатида ишлатилганлиги, мустаҳкамланган қишлоқ жойи эканлиги ҳақидаги маълумотларни кўлга киритган [6, 92-93].

«Эски Укуз» (Эски Амударё)номи шуни кўрсатадики дарё оқими Сариқамишда кучайган, у ўзига чуқур очиб олган, қадимги, яъни Орол ўзани қуриб қолган. Бу нарсанинг ўзи шуни ифода этадики, тахминан XIV асрнинг ўрталарига келиб қуйи дельтанинг ғарбий қисмида ҳаёт сўна бошлаган. Мадминия (Бўғрохон), Ғит (Пулжой), Куджог (Тупроқ-қалъа) ва шу каби шаҳарлар бутунлай бўшаб қолган [20, 180]. XIV асрнинг охирида Амударёнинг қуйи оқими каналидаги ўзгаришлар билан Бўғрохон, Тўпроқ-қалъа ва Тумар-калъада ҳаёт

тўхтайди ва воҳа аҳолисининг аксарияти ҳозирги Қўнғирот шаҳри ва унинг атрофига кўчиб ўтишади [15, 158-161].

Умуман олганда, Амударё дельтаси чап қирғоғи археологик ёдгорликлари ўзига хос моддий маданият анъаналарини сақлаб қолди. Шу билан бирга маданий алоқалар қадимдан шаклланган моддий маданият таркибига янги кўринишдаги буюмлар, қурилиш ва иш услубларини олиб келган. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, халқимизнинг бой маданий мерослари бугунги кунда ўз тарихини яхши билишига хизмат қилмоқда. Маданий мерослар ҳақидаги илмий янгиликлар «Ватан» деган буюк тўйғу билан ҳамоҳанг ҳолда ҳар бир инсон қалбида теран ўрин олиб, ҳаётининг мазмунига айланиб бормоқда. Улкамизнинг тарихий ва маданий мерослари – халқимизнинг ўтмишини кенгроқ ўрганишга, келажак авлодларни Ватанга муҳаббат туйғусида тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Каульбарс А.В. Низовья Аму-дарьи. –Спб. 1881.
2. Ал-Истахри. Китаб месалик ал-мемалик. МИТТ, –Тошкент, I.
3. Ал-Макдиси. Ахсан -ат-Такасим фи-маърифат ал-акалим. МИТТ, –Тошкент, I.
4. Бартольд В.В.. К истории орошения Туркестана. –СПб. 1914.
5. Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Аму-дарьи. МХЭ. Вып.7. –М, 1963.
6. Материалы к своду памятников истории и культуры Каракалпакской АССР. Вып.1, ответственные редакторы Ягодин В.Н., Малияров С.М. –Нукус, 1985.
7. Ибн-Русте. Китаб ал-алак ан-нафиса. МИТТ. –Тошкент, I.
8. Кдырниязов М.-Ш. //«Вестник» Каракалпакского Государственного университета им.Бердаха №1 (38) –Нукус, 2018.
9. Макдисий, Ахсан ат-Такасим фи-маърифат ал-акалим BGA, т. III, 1872.
10. Мирзиёев Ш.М. «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 19 декабрь ПҚ-4068-сон қарори.
11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. –Тошкент, «Ўзбекистон» 2017.
12. Мунис Огахий, Гулшан ид-Давла қўлёзма ЎзФАнинг Шарқшунослик институти, №68.
13. Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АНСССР в 1958-1960 гг. МХЭ. Вып. 6. –М.; 1963.
14. Туребеков М. Городище Богрохан. «Древности Отрара и Отрарского оазиса, Казахстана и Евразии» материалы международной научно-практической конференции, 18-19 октябрь 2011 г. –Алматы, 2012.
15. Туребеков М., Алимбетов А. Раскопки городища Богрохана. Археологические исследования в Узбекистане 2000 год. –Ташкент, 2001.
16. Туребеков М. Археологическая исследования городище Богрохан. Марказий Осиё халқлари тарихи ва тарихнавислиги масалалари Республика 5-илмий конференция материаллари. –Тошкент, 2003.
17. Туребеков М., Сапаров Н. Тальковый осветительный прибор из городища Богрохан. Вестник МИЦАЙ. –Самарканд, №6, 2007.
18. Худудал-алем МИТТ. –Тошкент, I.
19. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма. –Ташкент, 1957.
20. Гулямов Я. Хоразмнинг сўғорилиш тарихи. –Тошкент, 1959.

Әмиўдәрья дельтасы шеп жағалығы археологиялық естеликлери изертлениў тарийхы (Тарийхый ҳәм жазба дереклерде)

Толыбаев М. Е. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақлада Жайхун ҳәм Сайхун аралығындағы естеликлердиң материаллық мәденияты, изертлениў тарийхы, жазба дереклерде келтирилген мағлыўматлары қарап шығылған. Боғрахан, Топыраққала, Пулжай ҳәм басқа естеликлерде изертлеўлер алып барған алымлар ҳаққында да сөз етиледи.

Таяныш сөзлер: археологиялық естеликлер, жазба дереклер, материаллық мәденият, мәдений мийрас, көшпели ҳәм отырықшы халық, мәдений аймақлар.

Амударё дельтаси чап қирғоғи археологик ёдгорликлари тадқиқот тарихи (Тарихий ва ёзма манбаларда)

Толыбаев М. Е. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада Жайхун ва Сайхун оралиғидаги ёдгорликларнинг моддий маданияти, тадқиқот тарихи, ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар кўриб чиқилган. Бўғрохон, Тўпроқ-қалъа, Пулжой ва бошқа ёдгорликларда тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: археологик ёдгорликлар, ёзма манбалар, моддий маданият, маданий мерос, кўчманчи ва ўтроқ аҳоли, маданий ҳудудлар.

История изучения археологических памятников левого побережья дельты Амударьи (в исторических и письменных источниках)

Толыбаев М.Е. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье исследуется материальная культура памятников между Джайхун и Сайхун, история исследований и сведения из письменных источников. Даны сведения об ученых, которые проводили исследования в Богрохане, Топрак-кале, Пульджае и других памятниках.

Ключевые слова: археологические памятники, письменные источники, материальная культура, культурное наследие, кочевники и переселенцы, культурные территории

History of studying archaeological monuments of the left coast of the Amudarya Delta (in historical and written sources)

Tolibaev M.E. Karakalpak State University

Summary. The article examines the material culture of the monuments between Djaykhun and Saykhun, the history of research, and information from written sources. It is spoken aboutscientists who have done research at Bograkhan, Toprak-kala, Puldjay, and other monuments.

Key words: archeological monuments, written sources, material culture, cultural heritage, nomads and settlers, cultural areas

ВЛИЯНИЕ УЧЕНИЯ СУФИЗМА НА ДУХОВНУЮ ЖИЗНЬ КАРАКАЛПАКСКОГО НАРОДА

Атамуратова М. Ж.

Нукусский государственный педагогический институт

Достижение нашей Родиной независимости, реализация демократических принципов, свободы совести дали широкие возможности для объективной оценки учений суфизма. Тасаввуф (суфизм) является философским учением в исламе, которое поднялось до уровня человеческого достоинства. Это течение сформировалось в конце VIII начале IX века на почве протеста против накопления богатства, потворствуя несправедливости и алчности и превращения пищи в главную цель (в культ). Тасаввуф(суфизм) – это учение в исламе, направляющее человека к духовному и нравственному совершенству. Его суть - путь человеческого совершенства, духовной зрелости, а его цель заключается в очищении сердца от различных зол, приближении к Богу и получении Его одобрения.

Сторонники суфизма призывали людей к честности, порядочности, равенству и уважению человеческого достоинства. Они указали на необходимость того, чтобы все мусульмане были равны, зарабатывали на жизнь честным трудом, не использовали чужую силу и соблюдали принципы социальной справедливости. Суфийские учения глубоко проникли в социальную и духовную жизнь восточных мусульманских стран в течение веков: они оказали положительное влияние на развитие науки, культуры и литературы. Начиная с XI века все известные поэты и писатели, мыслители и ученые Востока были вдохновлены его гуманитарными идеями. Имея это в виду, известный ученый Е.Э.Бертельс сказал - “Невозможно получить представление о культурной жизни Востока в средние века без изучения литературы суфизма. Трудно понять Восток, не зная этой литературы”[5:4]. Одной из наиболее важных задач сегодняшнего дня является воспитание нашей молодежи в духе независимости посредством просветительских, гуманитарных идей суфизма и развитие религиозных учений наряду с мировыми знаниями.

Учение суфизма были широко распространены среди каракалпаков в XIX веке. Каракалпакские ученые, которые получали образование в Бухаре, Хиве, Иране и на Ближнем Востоке построили свои собственные школы и медресе, основанные на мусульманской науке. В XIX веке на нынешней территории Каракалпакстана функционировали 15 престижных медресе [3:239]. Среди них медресе Каракум-Ишан, Аимбет-Ишан в Чимбайском районе, Кум-Узяк-Ишан в Халкабаде, Асамаддин-Ишан в Кунграде были религиозными, образовательными центрами, прославленными своими муллами, знатоками религиозных знаний, ишанами, достигшими уровня духовного наставника, муридами (суфиями), которые служили делу истины.

Учение восточных мыслителей, идеи учения суфизма, являющегося проявлением исламской философии оказали влияние также на формирование мировоззрений у таких выдающихся представителей каракалпакской национальной духовной культуры, как Кунходжа, Ажинияз, Бердах и др. Вдохновленные учениями суфизма видные представители классической литературы каракалпакского народа Кунходжа, Ажинияз, Бердах в своих произведениях развивали их идеи.

В ряде стихотворений Кунходжи, таких как «Бийшара көңлим қыл талап (Мое бедное сердце требует)», «Сен хожамсан, мен қулыңман (Мой господин, я твой раб)», «Яранлар (Друзья)», «Көринбес (Не видать)», мы видим, что поэт считая Бога создателем мира, взывает к нему, молится ему. И в суфизме создателем мира считается только Бог. Например, в таких строках стихотворения «Көринбес (Не видать)» как: «Дәргайыңа йығлап нала етемен (Я взываю к богу, плача и моля) / Хорлықтан мақсетке қашан жетемен (Когда же я избавлюсь от унижения)» [6, 42] - можно увидеть мольбу к Богу, взывание к жалости.

Ажинияз Косыбай улы является великой фигурой в истории литературы и общественно философской мысли каракалпакского народа. Ажинияз достиг звания ахуна, и его мировоззрение было сформировано учением суфизма в исламской религии. Ажинияз хваля Всемогущего Аллаха, который все создал, хранит и благословляет всех, писал: «Йоқдан бизди бар әйлегин қудайым (О Аллах, благослови нас всех), // Барча бәлалардан сақлағай дайым (Храни нас ото всех невзгод)»[2.96].

В произведениях Ажинияза, которые выражают его мировоззрение, суфийская наука часто упоминается с уважением. В летописи стихотворения «Демишлер (Говорят)» пишет об успокоении и очищении мусульман с помощью Корана: «Мусылманлар тутып Қуран тағбурын, (говорят, что мусульмане чтут заповеди Корана) // Мухаммед үммети Қуда бирлигин (Единого Бога и Мухаммеда - его пророка) // Шуның билен жуўып кеўилдиң кирин (И этим достигая душевного очищения) // Ҳақ ҳәмирин машқул еткен демишлер (исполняют веление, ниспосланное Богом».

Ажинияз как поэт - суфист, дает глубокое описание религиозных званий. Его чин был выше чина ахуна ишана, и он не отрицает суфизм. Тем не менее, он также указывает на трудность и тернистость его пути: «Суўпылықтың жолы кем болур. // Нәпси өлмесе жәҳил менен тең болур» [2, 85]. Ажинияз, опираясь на учения суфизма, говорит, что необходимо изучать науку, чтобы познать Бога. Особенно в стихотворении «Демишлер (Говорят)»: «Илми бирле билмек екки дуньяны (Говорят, что знание науки двух миров) // Инсанның парызы ўә қарызы демишлер (это долг и обязанность человека)»- пишет он, подчеркнув необходимость изучения науки не только ради своего блага, но и для блага общества, социальной жизни. Совершенное овладение Ажиниязом учением суфизма, его взгляды на науку и образование закладывают основу для духовного роста каракалпакского народа.

Поэт Бердах, являющийся талантливым, образованным мыслителем своего времени, также находился под влиянием суфизма. Он принял суфизм в последние годы своей жизни. В стихотворении «Излер едим (Искал)» и

в ряде других работ он называет имена великих суфийских поэтов и пишет, что многому научился у них. Бердах освоил учение суфизма от улемов медресе Каракум ишана. Судя по содержанию произведений Бердаха, их философские учения, знакомые с такими широко распространенными в Центральной Азии тарикатами (учениями) суфизма как Яссавия, Накшбандия, Кубравия, широко использовались в идейном мире произведений великого мыслителя. Конечная цель в учениях суфизма – достичь Бога, присоединиться к нему. Размышляя в этом направлении, Бердах в стихотворении «Теңиз балығын бермеди (Море рыбы своей не дает)» пишет:«Әй ағалар, ығбал болғай, Ҳақ нурына мийрим қанғай (Братья, я желаю всем счастья, чтобы не обездолил нас Бог». В «Шежире» - («Родословная») он подчеркивая, что является суфием и заявляет.

Ўужуўдимдин дәрйа ташты, - (В душе волнуется море) // Дәрбәнд йықылды, йол ачты - (Снесло все, открывая дорогу) // Худа тақдир еткен ишти – (того, что предначертано богом) // Тәбдил етмак йалған екән. – (нельзя никак миновать) // Бул сөз илаҳийдин келди, - (Эти слова пришли из небес) // Келиб көңлиме жай болды, - (расположились в душе моей) // Ичим, ташым бәри толды, - (мое нутро наполнилось) // Андин соң айтылған екән. – (и я выплеснул их наружу).

А в стихотворении «Излер едим (Искал)» пишет: «Бердимурат изле-изле (Бердимурат, ищи-ищи), // Ҳақ жолыны туўры гөзле(следуя по пути истины), // Ҳақ дийдарын излер едим(Лик истины я искал)».

Смысл стихотворных строк многих произведений Бердаха похож на мудрые высказывания Ходжи Ахмада Яссави. Например; Ахмад Яссави с горечью пишет, что тирания и высокомерие алчных, несправедливых правителей, лицемерие и ненасытность двуличных шейхов, вызывали взаимное неуважение и жестокость в людях, и в результате они даже потеряли чувство благочестия и родства: «Әҳли дүнья, халқымызда сақаўат жоқ (во всем мире, в народе нет милосердия); // Патшаларда, ўәзирлерде әдалат жоқ (Падишахи и визиры не справедливые); // Дәрўишлердиң дуўасында ижабат жоқ (Нет ответа на молитвы дервишей); // Түрли бәле халық устине жаўды, дослар (разные беды настигли народ, друзья)».

Именно в таком контексте и поэт Бердах разоблачает негативные явления, протестует против несправедливости в обществе, просит у Бога справедливости, честности, наказания угнетателей: «Байда сақаўат қалмады, (у богача нет милосердия) // Ханда әдалат қалмады,(у хана нет справедливости) // Сонда да гүли солмады (и все же процветают они) // Тилегимди ҳеш бермеди (бог не услышал мои молитвы)».

Бердах верит, что создателем мира является единый Бог, и признает, что он «умма Расула (пророка), слуга истины (слуга бога). Почти все свои произведения он заканчивает словами: «Бердимурат ҳақтың қулы (Бердимурат раб истины)». В стихотворении «Излер едим»-(«Искал») он считает, что Бог является единственным создателем. Всё в мире: земля, вселенная, небо, пространство были созданы Богом. Об этом Бердах пишет: «Бог сотворил землю и небо». Термины «земля, небо» используются в том же значении, что и в произведениях Яссави. Что касается сотворения человека, Бердах в своем эпосе «Хорезм» утверждает, что «бог создал человека из глины, дал ему тело и душу». Эти идеи соответствуют философии суфизма.

Когда Ахмад Яссави написал: «Басым топырақ, өзим топырақ, жисмим топырақ (Голова из глины, сам (тело) из глины, душа из глины)», а Бердах: «топырақтан жаратты инсан (человек создан из глины)», они ещё раз подтверждали, что человек был создан благодаря милости Бога, он является частью Бога, и следовательно человек имеет величия над всеми вещами в мире, вся вселенная создана Богом, каждый человек должен достичь совершенства и стать достойным божественного значения.

По словам Ибрагима Хаккулова, известного ученого в области суфизма, каждый из четырех элементов, обсуждаемых в философии суфизма, обладает четырьмя качествами, принятыми от четырех состояний: первое, от глины –терпение, надежда; второе, от воды-радость, милосердие; третье, от ветра-ложь, лицемерие; четвертое, от огня-высокомерие, тщеславие, зависть. «Кроме того, в суфизме земля (почва) - сияющий свет Бога, вода- источник жизни, воздух –знак Его величия, а огонь – Его гнева. Земля и вода – это рай, ветер и огонь – стихии ада». Следовательно, если как сказал наш предок Бердах, суть мира является в этих четырех вещах, напрашивается такое пантеистское заключение о том, что существует неразрывное единство между Богом и Бытием, и общий для них смысл. Бог, природа и человек образуют целостность. Они неразделимы. Мир вокруг нас – это не только творение Бога, но и Его материальное существование (становление как Бытия). Всё в природе является проявлением Бога, Бог есть во всех материальных вещах.

Основываясь на этой философской концепции, Бердах во всех своих трудах отводит место проблемам человека, являющегося дитем Бога, его жизни, достоинства, прошлого, настоящего и будущего. В произведениях Бердаха наблюдается, что он руководствуется указаниями ученика Ахмеда Яссави, духовного наставника, уважаемого простым народом, великого суфи Хакима Сулеймана Бакыргани: «Каждого, кого увидишь, считай Хызыром, каждую ночь считай как ночь аль- Кадр».

Говоря о суфизме Бердаха, необходимо отметить следующее. Бердах, как некоторые суфийские поэты, не придерживается идеи и практики аскетизма, отрешения от всего мирского и посвящения себя поклонению. Говоря, что мир мимолетен, Бердах в качестве основного правила принял принцип Бахоуддина Накшбанди из тариката Накшбандия: «пусть ваше сердце думает о Боге, а руки будут заняты трудом». А также, в его стихотворениях наблюдается то, что он руководствовался идеями Нажмиддина Кубро, основателя тариката Кубравия, о том, что человек должен быть совершенен, что у него должны быть чистые и прекрасные чувства, и что он должен избегать духовной порочности и алчности.

В целом, в то время, когда в нашей стране восстанавливаются религиозные ценности, влияние суфийских учений на духовную, религиозную и культурную жизнь каракалпакского народа является одной из задач, которая требует дальнейшего исследования.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Ахмад Яссави. Ҳикматлар (Мудрости) –Ташкент., «Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма»,1991.
2. Избранные произведения Ажинияза. –Нукус, «Каракалпакстан». 1975, стр.59.
3. Алеўов У. Формирование и развитие образовательных идей в Каракалпакстане. –Нукус, «Билим», 1993 стр.293.
4. Бердах. Избранные произведения. –Нукус., «Каракалпакстан». 1997.
5. Базарбаев Ж. Философкий очерк о мировоззрении поэта Ажинияза. Очерк. –Ташкент, «Gold Print Nashr», 2019 г.
6. Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент., «Movarounnahr»- «Ózbekiston», 2009
7. Кунходжа. Ел менен (С народом) (Сборник избранных стихотворений) «Каракалпакстан». 1984.
8. Худайбергенов К. Мировозрение Бердаха. – Нукус. «Каракалпакстан» 1987.

Қарақалпақ халқының руўхый турмысына суфизм тәлиматының тәсири
Атамуратова М. Ж. Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Резюме. Мақалада суфизм тәлиматы ҳәм оның XIX әсирде қарақалпақларға кең тарқалыўы миллий руўхыйлығымызға тәсири мәселелери көрип шығылған. Суфизм тәлиматының ағартыўшылық, инсанпәрўарлық идеяларының қарақалпақ халқының классик шайырлары Күнхожа, Әжинияз, Бердақ шығармаларына тәсири үйренилген.

Таяныш сөзлер: ислам, суфизм, ишан, ахун, тариқат, шариат, руўхыйлық.

Қорақолпоқ халқининг маънавий ҳаётига суфизм таълимотининг тасири
Атамуратова М. Ж. Нукус давлат педагогика институти

Резюме. Мақолада сўфизм таълимоти ва унинг XIX асрда қорақалпоқлар орасида кенг тарқалиши ва миллий маънавиятимизга таъсири масалалари тадқиқ қилинган. Тасаввуф таълимотининг маърифий, инсорпарварлик ғояларининг қорақалпоқ халқи классик шоирлари Кунхожа, Ажинёз, Бердоқ асарларига таъсири урганилган.

Таянч сўзлар: ислом, тасаввуф, эшон, охун, тариқат, шариат, маънавият.

Влияние учений суфизма на духовную жизнь каракалпакского народа
Атамуратова М.Ж. Нукусский государственный педагогический институт

Резюме: В статье рассматривается учение суфизма и его распространение среди каракалпаков в XIX веке, а также его влияние на нашу национальную духовность.Изучено влияние просвещения и гуманистических идей суфизма на творчество поэтов-классиков каракалпакского народа Кунходжи, Ажинияза, Бердаха.

Ключевые слова: Ислам, суфизм, ишан, ахун, тарикат, шариат, духовность

The influence of the teachings of Sufism on the spiritual life of the Karakalpak people
Atamuratova M.J. Nukus State Pedagogical Institute

Summary. The article examines the teachings of Sufism and its spread among the Karakalpaks in the 19th century and alsoits impact on our national spirituality.The influence of enlightenment and humanistic ideas of Sufism on the work of the classical poets of the Karakalpak people such asKunkhoja, Ajiniyaz, Berdakh is studied.

Key words: Islam, Sufism, ishan, akhun, tarikat, sharia, spirituality

---

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ЯНГИЧА ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Байрыева А.Қ.

Қорақалпоқ давлат университети

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожлантириш борасида кўплаб амалий ишлар ва ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Маҳалла институти ва ёшлар масаласи юртимиз ҳаёти ва тараққиётида муҳим ўрин тутувчи йўналишлар ҳисобланади. Шу боисдан мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тарбиялаш ҳамда уларга кўмаклашиш борасида янги ислоҳотлар тизимини бошлади. Аввало, маҳалла институти фаолиятини ривожлантииш борасида фикр юритсак.

Мамлакатимиз Президенти бошчилигида охирги йилларда маҳалла тизимини ислоҳ қилиш, уни халқчил тузилмага айлантириш, унда адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришга жиддий эътибор қаратилаётгани маҳаллага нисбатан эътиборни юксалтирди. Бу йўналишда амалга оширилаётган барча эзгу саъй-ҳаракатлар фақат бир мақсад – шу юртда яшаётган одамларни ҳаётдан, давлатдан рози қилиш, халқимизнинг бахтли яшашини таъминлашга қаратилмоқда. Чунки жамиятда адолат ва ҳақиқат чинакамига қарор топгандагина халқ ҳаётдан рози бўлиб яшайди. Шу боис маҳалла тизими ходимлари аҳоли билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, уларга бугунги ислоҳотларни оддий, содда, халқона усулда тушунтириб бориши зарур. Энг муҳими, аҳолининг дарду ташвишларига шерик бўлиб, уларнинг муаммоларини масъуллар иштирокида ҳал этиш орқали эртанги кунга бўлган ишончини ошириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, ҳар бир маҳаллада “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизим жорий этилди. Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Фармонга мувофиқ ушбу вазирлик мамлакатимиздаги ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига ёрдам кўрсатадиган кўмакчи давлат органи сифатида фаолият олиб боради.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди эса ушбу вазирликка бўйсунмайди, у алоҳида нодавлат жамоат ташкилот сифатида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Унинг молиявий манбаи ҳар доимгидек, ҳар йили ўтказиладиган умумхалқ хайрия хашаридан тушадиган тушумлардан шакллантирилади.

Вазирлик тизимига Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳудудий

бошқармалари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари, «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси, Хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар, «Маҳалла» газетаси, «Маҳалла кўзгуси» журнали, «Оила ва жамият» газетаси, «Саодат» журнали, «Нуроний» газетаси, «Кексалар гашти» журнали, «Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила» халқаро илмий журнали каби ташкилотлар киради[1].

"Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисида"ги Низомда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг мақоми, асосий вазифалари, фаолият йўналишлари, функциялари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муносабатлари белгиланган.

Жумладан, Низомда вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг вазифа ва функциялар қуйидагича кўрсатилган: жамиятда миллий қадриятларни ривожлантириш, тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa, маросимлар ўтказилишини тартибга солишда ижтимоий адолат ва қонунийлик, миллий урф-одат ва анъаналарга содиқлик, бошқа дин ва миллат вакилларининг урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олиш тамойилларига риоя этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлайди ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этиш, хотин-қизлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликларга доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш; хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан иш олиб бориш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш; маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш; ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш чораларини кўриш; идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, уларнинг фаолиятини таҳлил қилади, мувофиқлаштиради, мазкур ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамасига маҳалла ва оила институтлари билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ҳамда кўмакдошига айлантириш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш бўйича мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш каби кўплаб вазифалар юклатилган.

Шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамияти институти сифатида фаолияти давом этмоқда, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳам жамоат ташкилоти сифатида мавжуд, фақатгина Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигига кўмакчи давлат органи сифатида ташкил этилди. Бу эса фуқаролик жамияти институти бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллик ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигини кучайтиришда катта рол ўйнайди.

Энди биз ёшлар сиёсати соҳасидаги ўзгаришлар хусусида фикр юритадиган бўлсак, ҳар қандай мамлакат аҳолисининг ижтимоий таркиби, айниқса, ёшлар қатлами нисбатан тез ўзгарувчан, динамик ўсувчи ва мунтазам шаклланиб бориши сабабли доимий йўналтириб ва қўллаб-қувватлаб туришни тақозо этади. Ҳар бир давлат ўзининг келгуси истиқболи давомчиси бўлган ёш авлодни демократик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбия қилишнинг уддасидан чиқиши, уларни ижтимой жиҳатдан етарли даражада қўллаб-қувватлаши энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Жамият ўз истиқболи, равнақи, ривожланишини, биринчи навбатда, табиий захиралари, қазилма ва бошқа бойликларидагина эмас, балки илмий салоҳияти, интеллектуал қобилияти, ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб етишида деб билади. Ёшларга оид давлат сиёсати, аввало, ҳар бир давлатнинг ички сиёсати бўлиб, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни мақсадга мувофиқлаштирилишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда айнан ёшлар ҳаёти, уларнинг тақдири билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2016 йил 14 сентябрь куни ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

2017 йил республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни

таъминловчи, «Ёшлар – келажак бунёдкори» шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилма Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Сўнгги йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ўзига хослиги ёшлар билан ишлашга оид давлат тизими ишлаб чиқилганлиги, ёшлар билан ишловчи нодавлат ташкилотлар тармоғи фаолияти йўлга қўйилганлиги ва ёшлар иши борасидаги ресурслар интеграциясини амалга оширувчи давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлик тизимининг мавжудлигидир.

2020 йил 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди. Агентликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Аммо, шуни алоҳида таъкилаш лозимки, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкилоти ўз фаолиятини аввалгидек давом эттирмоқда. Ёшлар ишлари агентлиги эса, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Илгари давлат ёшларга оида давлат сиёсатини амалга оширишда нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигига таянган бўлса, эндиликда алоҳида давлат органи бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширади.

Агентлик олдига ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!» ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш; иқтидорли ёшларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларига таълим олиш учун юбориш, халқаро танловларда иштирок этишини таъминлаш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва истеъдодини ривожлантириш; ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-ҳунарлар, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмаклашиш; ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш, хорижда таълим олаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш; ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари, донор-мамлакатлар ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш каби масъулиятли ва катта вазифалар қўйилди[2]. Ёшлар ишлари агентлиги ҳам эндиликда ёшлар сиёсати соҳасида фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтларининг вакиллик ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни кучайтириш борасида муҳим аҳамият касб этиши тайин.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистонда кўп йиллар мобайнида жамият тараққиёти учун муҳим бўлган соҳалар - маҳалла институтини ривожлантириш, ёшларни келажакка тайёрлаш каби вазифаларни нодавлат тизимга топширилди ва уларга ёрдам қилиб келинди. Аммо, ўтган йиллар мобайнида нодавлат ташкилотлар жамият кутган натижадорликни таъминаб бераолмади. Шу боисдан ушбу икки соҳани ҳам ривожлантириш учун алоҳида давлат органлари ташкил этилди. Бу ислоҳотлар келажакда ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

АДАБИЁТЛАР

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.02.2020 й., 06/20/5938/0187-сон; 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.07.2020 й., 07/20/4768/1020-сон

Өзбекстанда пуқаралық жәмийети институтлары искерлигин қоллап-қуўатлаў бойынша жаңаша мәмлекетлик сиясаты

Байрыева А.Қ. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақалада Өзбекстанда пуқаралық жәмийети институтларын раўажландырыў бойынша әмелий ислер, реформалар ҳәмде пуқаралық жәмийети институтлары искерлигин қоллап-қуўатлаў бойынша әмелге асырылып атырған жаңаша мәмлекетлик сиясаты ҳаққында сөз жүритиледи.

Таяныш сөзлер: Пуқаралық жәмийети, реформалар, мәҳәлле, шаңарақ, министрлик, мәмлекетлик емес шөлкемлер, өзин-өзи басқарыў органлары, мәмлекет сиясаты, жаслар сиясаты.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятшини қўллаб-қувватлаш борасидаги янгича давлат сиёсати

Байрыева А.Қ. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасидаги амалий ишлар, ислоҳотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятиини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган янгича давлат сиёсати ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: Фуқаролик жамияти, ислоҳатлар, маҳалла, оила, вазирлик, нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат сиёсати, ёшлар сиёсати.

Новая государственная политика по поддержке деятельности институтов гражданского общества в Узбекистане

Байрыева А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматриваются практические работы по развитию институтов гражданского общества в Узбекистане, реформы и новая государственная политика по поддержке деятельности институтов гражданского общества.

Ключевые слова: гражданское общество, реформы, махалля, семья, министерство, неправительственные организации, самоуправление, государственная политика, молодежная политика

New state policy to support the activities of civil society institutions in Uzbekistan

Bayryeva A.Q. Karakalpak State University

Summary. The article discusses the practical work on the development of civil society institutions in Uzbekistan, reforms and new state policies to support the activities of civil society institutions.

Keywords:civil society, reforms, neighborhood, family, ministry, non-governmental organizations, self-government, public policy, youth policy.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Мирзаев Ж. З. , Саидахматов Ш Т.

Термиз давлат университети,

Термиз-Сурхондарё вилоятининг маркази, Ўзбекистоннинг қадим замонлардан ўзининг шакл-шамоилларини сақлаб қолган шаҳарларидан биридир. У Марказий Осиёнинг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида турли жойларга кўчиб юрувчи шаҳарлари жумласига киради. Бинобарин, Термиз деганда турли қисмлари Амударё ва Сурхондарё оралиғидаги, шимолда Каттақум билан чегараланган учбурчак шаклдаги кенг ҳудудга ёйилган қурама шаҳарни тушуниш керак. Бундай қурамалик Марказий Осиё шаҳарларининг ўзига хос хусусияти бўлиб, улар урушлар, иқтисодий инқироз туфайли ёки сув танқислиги оқибатида бир жойдан иккинчи жойга кўчишган.

Термиз қадимги Бақтриянинг қоқ марказида, тарихнинг афсонавий даврларида Ўкуз номи билан юритиладиган Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Бундан бир неча минг йиллар аввал дарёнинг иккала қирғоғида Бақтирия цивилизацияси шаклланди ва у кейинчалик Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро қоришмасини вужудга келтирди. Юнон анъанасида “минг шаҳарли мамлакат” номини олган Бақтриянинг кўпчилик шаҳарлари тарих чархпалагида ўтмишда мангулик қаърига равона бўлдилар. Айрим масканлар эса тарих чиғириқларидан ўтиб, замонавий шаҳарларга айланишди. Улар орасида, тарих Термизга бошқа Бақтрия шаҳарларидан кўра кўпроқ марҳамат кўрсатди. У ўзининг аҳамиятини қадимда ҳам, ўрта асрларда ҳам, янги замонда ҳам сақлаб қолди. Мустақиллик йилларида эса Термиз тараққиётининг янги босқичига ўтаётган Ўзбекистоннинг жанубий дарвозасига айланди.

XXI асрда жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва ижтимоий - иқтисодий интеграция жараёнлари жамият ҳаётида шаҳарлар ролининг ортиб бориши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашуви, аҳолининг ижтимоий, демографик таркиби, миграция, экология соҳасида, турмуш тарзи ва маданиятида туб ўзгаришларга олиб келмоқда. Жамият тараққиётига оид давлатлар томонидан олиб борилаётган урбанизация сиёсати жаҳон амалиётида аниқ мақсадга йўналтирилган фаол саноатлашув, шаҳарларнинг комплекс ривожланишини рағбатлантириш, аҳоли турмуш шароитини изчил ошириб бориш каби қатор чора - тадбирлар билан уйғунликда олиб борилмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили бўлган урбанизация жараёнларининг барқарор ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Шаҳарлар ва шаҳарликлар сонининг ортиб бориши, ўзига хос шаҳар маданиятининг шаклланиши ва йирик мегаполисларнинг юзага келиши ривожланган мамлакатлар тараққиётининг муҳим омили бўлиб, жаҳон урбанизация жараёнларида катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубида урбанизация жараёнлари шаҳарсозлик маданиятининг тарихан ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш қонуниятлари ва анъаналари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. XIX асрнинг охирларидан бошлаб мамлакатимиз жанубий ҳудудида урбанизация жараёнларининг ўсиши, шаҳарлар сони ва унинг аҳолиси салмоғи ошиб бориши кузатилади. Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи янги ишланмаларни яратиш ва шаҳарлар бошқарувининг барча соҳаларини либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда [1]. Улар жумласига, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари қаторида Термиз шаҳрида юз бераётган жараёнларни ҳам киритиш мумкин.

Урбанизация жараёнлар жамият тараққиётининг ривожланиши, тараққий этиш ва юксалиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг асосида шаҳарларни пайдо бўлиши, ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий ҳаётига тааллуқли тарихий асослари мавжуд.Урбанизация жараёнлар таъсирида алоҳида ҳудудларда, давлатларда шаҳарлар ва шаҳар аҳолиси салмоғининг кўпайиб бориши асос бўлиб хизмат қилади [2, 13-14]. Ана шу нуқтаи назардан, олиб қараганда, Ўзбекистонда ҳам урбанизация ўз тарихий ривожланиш босқичларига эга.. Урбанизация – тарихий ривожланиш асосида шаклланган, жамият босқичлари ва ҳудудий меҳнат тақсимоти натижасида содир бўлган кўп қиррали ижтимоий-иқтисодий, демографик ва географик жараёндир. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари шаҳарлари ҳам ўзининг қадимийлиги ва замонавийлиги билан ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, урбанизация жараёнларнинг ҳамма босқичларига хос тарихга эгалиги билан ажралиб туради.

Термизнинг асосчилари зийраклик кўрсатиб, Ҳиндистон ва Марказий Осиёни боғлаб турувчи энг қулай йўлнинг Амударё кечувида манзилгоҳ учун жой танлашган. Кейинчалик Термиз вужудга келган жойнинг табиати бой бўлган: дарё тўла балиқ, тўқайда турли ҳайвон ва паррандаларни учратиш мумкин бўлган. Ён атрофда деҳқончилик учун яроқли унумдор ерлар ястаниб ётган [3, 56]. Афтидан шу омиллар тош давриданоқ бўлажак шаҳар теварагида одамлар келиб ўрнашиши учун сабаб бўлган бўлиши керак. Тош даврига оид топилмалар, мазкур даврданоқ Амударё бўйларида одамлар яшаганлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Лекин ўша даврга оид маданий қатламлар сақланмаган, улар кейинги даврлардаги бунёдкорлик натижасида вайрон бўлган бўлиши мумкин. Умуман, қадимий одам маскани Тешиктош ғори, илк санъат намунаси Зараутсой расмлари, энг қадимги пахса ва хом ғиштдан қурилган қишлоқларнинг қолдиқлари топилган ҳудудда илк шаҳар маданияти шаклланиши тараққиёт жараёнининг мантиқий натижасидир. Шаҳарларнинг ривожланиши ўзаро узвий боғланган босқичлардан иборат. Дастлаб, ҳудудда шаҳар монанд маскан Сополитепа ёдгорлигининг тарихий давомчиси Жарқўтонда милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида том маънодаги илк шаҳар вужудга келади. Унда, ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли масканида алоҳида ажратилган арк ва шаҳар, мудофаа деворлари, саждагоҳ ва қароргоҳ, ҳунармандчиликнинг турли тармоқларига ихтисослашган устахоналар мавжуд бўлган. Кейинчалик, милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида ҳозирги Термиз ҳудудида Қизилтепа, Жондавлаттепа, Хаитободтепа сингари қадимги шаҳарлар пайдо бўлади. Нихоят, милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Термиз ва Далварзин шаҳарлари шаклланади. Ўша даврда, бундан 2500 йил аввал Шимолий Бақтрияда тоғ олди минтақасининг аҳолиси катта дарёларнинг водийларига кўча бошладилар. Натижада Амударё бўйларида аҳоли манзилгоҳлари кўпайди. Уларнинг бири ҳозирги Термизнинг қоқ марказида, Термиз Давлат университетининг янги биноси атрофида бўлган. Шундай манзилгоҳлардан яна бири, дарё соҳилида ястаниб ётган табиий қумлоқ тепаликда, бўлажак шаҳарнинг ўрнида пайдо бўлган. Археологик топилмаларга кўра аҳоли деҳқончилик, балиқчилик ва овчилик билан шуғулланган. Аҳоли маскани йириклашгани сари Амударёнинг икки соҳили ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайиб борган, кечувнинг аҳамияти ўсган сари, бу омил унинг ҳаётида белгиловчи бўлиб қолган. Шу тариқа Термиз ўз тарихининг дастлабки даврлариданоқ муҳим Амударё кечувини, ҳалқаро савдо йўлини қўриқловчи қалъа вазифасини ўтай бошлади. Шаҳарнинг стратегик жойлашуви унинг турмуш тарзини белгилаб берди. Буюк Ипак йўлининг шаклланиши билан Термиз унинг таркибидаги муҳим занжирга айланади.

Энг қадимги даврлардан шаҳар номининг ўзаги ўзгармай келади. Фақатгина совет даврида Термизга Сталин номини беришга самарасиз уриниш бўлган. Тарихан эса араблар шаҳарни, уларнинг алифбосида “е” ҳарфининг йўқлиги учун Тирмиз, форслар Тармуз ёки Тармад, хитойлар Тами ёки Талими, арманлар Дрмат, ҳиндлар Венумати атамалари билан юритишган. 1877 йилда австро-венгериялик олим В.Томашек Термиз номи санскрит тилида “taro-maetho” - “дарёнинг нариги бетидаги манзилгоҳ” маъносини англатиши тўғрисидаги мулоҳазани билдирди. Ислом динининг ёйилиши жараёнида Термиз Амударёнинг шимолий томонидаги биринчи исломий шаҳарга айланади. Афтидан, “Моваройннаҳр” - “дарёнинг нариги томонидаги ер” атамаси, араблар томонидан Амударё ва Сирдарё оралиғига берилган ном, Термиз номининг кўчирмаси бўлиши мумкин [4, 45]. Милоддан аввалги II асрдан ҳудудда давлатчилик рамзи сифатида ой тимсоли устиворлик қилади. Термиз тарихида турли туман эътиқодларнинг, масалан, оташпарастлик, христианлик, яҳудийлик изларини кузатиш мумкин. Лекин, Буюк Кушон подшоси Канишка давридан бошлаб Термиз мафкуравий марказ вазифасини бажариб, Марказий Осиёда биринчи навбатда буддизм таълимотининг асосий таянчи бўлиб қолади. Бу ердан Будда динининг даъватчилари, унинг таълимотини ён-атрофга ҳам, Хитой ва Тибет ўлкаларида ҳам ёйилиши учун хизмат қиладилар. “Термиз ноғаралар ва найлар садосида қурилган”, дерди қадимгилар. Минтақанинг қадимги аҳолиси эътиқодида устиворлик қилган буддавийлар учун бу энг эҳтиромли мезондир. Буддавийлик ақидалари инсонни нирванага, яъни маънавий қайта туғилиш сари етаклар экан, айтиш мумкинки, милоднинг биринчи асрлариданоқ Термизда комил инсон орзуси шаҳар ғоявий муҳитида устиворлик қила бошлаган.

Ислом таълимоти ёйилиши натижасида юзага келган маънавий янгиланиш жамият ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади. Аввалига бу ўзгаришлар Шарқ сиёсий харитасида, кейинчалик ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида намоён бўлади. Термиз тузилиш жиҳатидан ҳам, ғоявий жаҳатдан ҳам ўзгаради. Шаҳар маркази қалъадан масжидга кўчади. Унинг янги қисми работ-савдо ва ҳунармандчилик маркази пайдо бўлади. Термизда шундай ижодий ва ғоявий муҳит шаклландики, у улкан салоҳиятли алломалар етишиб чиқадиган масканга айланади. Жумладан, Имом Термизий ва Муҳаммад Ҳаким Термизий, Саййид Бурҳониддин Термизий, Саййид Али Шоҳ Термизий каби алломалар бутун мусулмон дунёсида ном қозониб, ислом маънавиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Ўзининг муҳим мафкуравий марказ аҳамиятини Термиз ўрта асрлар давомида ҳам сақлаб қолди. Термиз саййидлари хонадонининг вакиллари салоҳияти бутун ислом дунёсида эъзозланиб келинди. Термизга берилган “Ҳазрати Термиз” таҳаллуси унинг турмуш тарзидан, мавқеъидан келиб чиқади. У ислом дунёсининг гуллаб яшнаётган ғоявий марказларидан бирига айланади. Шаҳар ҳаётининг юксак тараққиётининг намунаси сифатида Термизда XI асрда Ғазнавийлар даврида Амударё устидан қурилган кўприкни, XII асрда саййидлар нақиби ва шаҳар ҳокими Абул Қосим Саййид Мажидиддин томонидан қурилган расадхонани ва Термиз ҳокимлари саройини келтириш мумкин [5, 47-49].

Муғуллар истеълоси натижасида шаҳар хаёти вақтинча барҳам топиб, вайрон бўлган Термиз XIII аср мобайнида янги жойда қаддини тиклаб, янги “Мадинат ар-рижол” тахаллуси билан юритила бошланади. Мазкур тахаллуснинг келиб чиқиши тасаввуфнинг Термиздан чиққан энг машҳур намояндаси Муҳаммад Ҳаким

Термизий номи билан боғлиқ ҳакимия жамоаси билан, унинг турли мақом ва даражаларига эга бўлган авлиёларнинг маҳфий тизими рижол ал-ғойиб билан боғлиқ. Ҳар ҳолда, ўрта асрларда шаҳарнинг гуллаб-яшнашини тараннум этган шоирлар, унинг муҳитини сўфийлар фаолияти билан чамбарчас боғлайди. Тасаввуф унинг сир-асрорларига шерик бўлганларга расмий эътиқод етиша олмайдиган саодатли мангуликни, Ҳаққа етишишни ваъда беради. Расмий оммавий эътиқоддан фарқли равишда тассаввуф алоҳида илоҳий аҳамият касб этади. У эътиқодга шахсий эркинлик ғоясини, инсон табиатини ўзгартириш, уни қайта дунёга келтириб, илоҳий даражага етказишга даъвогарлик қилади [6, 14].

XIV-XV асрлар шаҳар ҳаётининг энг юксак даври бўлди. Янги Термиз эски шаҳардан майдони жиҳатидан тўрт баробар катта эди. Дунёнинг кўплаб шаҳарларни кўрган испан элчиси Рью Гонсалес де Клавихо Термизнинг улкан ҳудудини кўриб ҳайратга тушган эди. Унинг учун Самарқанд подшолиги Термиздан бошланган. Темурийлар даври шаҳарларини, жумладан Термизни тасвирлаган хитойлик саёҳатчилар, улардаги мўл кўлчилик ва ободончиликни алоҳида қайд этганлар. Жумладан, куну-кеча фаолият кўрсатадиган дўконлар ва ошхоналар, ўзига хос ҳаммомлар хорижликларни лол қолдирган. Маҳаллий аҳоли гуручни ҳам ёғда пиширib ейди, деб ёзади, паловни назарда тутиб, хитойлик сайёҳлар. Араб сайёҳи Ибн Батуттани эса Термизда аҳоли сочини қатиқ билан ювиши ҳайрон қолдирган, унинг таъкидлашича қатиқ сочни тоза ва майин қилар экан, бошқа жойларда буни билишмайди [7, 51]. Амир Темур ва унинг авлодлари даврида Марказий Осиё, минтақа тарихи тадқиқотчилари таъкидлаганидек, тараққиётининг энг юқори босқичини бошдан кечиради. Термизийлар эса темурийлар давлатининг сиёсий-ғоявий таянчларидан бирига айланишди [8, 113-117]. Амир Темур ўз давлатчилигининг рамзий тимсолларини ноғара ва туғни ҳам Саййид Барака қўлидан Термизда олган эди. Бу давр шаҳар маданиятининг ёрқин намуналарига архитектура ёдгорликлари билан бир қаторда, Термиздан чиққан энг машҳур рассом Мир Саййид Али ижодини ҳам кўрсатиш мумкин. У ўзининг ички дунёсини акс этувчи Жудоий тахаллуси билан шеърлар ёзган, чунки умрининг катта қисмини Ватандан йироқда, Ҳиндистонда ўтказишга мажбур бўлган. Рассомнинг асарлари ҳозирги кунда жаҳоннинг турли музейларида сақланади [9, 68-74].

Темурийлардан кейин ҳокимият тепасига келган шайбонийлар даврида Термиз Қўнғирот улусининг марказига айланди. XVIII асрнинг ўрталаригача ўзининг мавқеини сақлаб турган Термиз, ўзаро урушлардан инқирозга учраб, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг истилоси натижасида умуман таназзулга юз тутади. Шаҳар ҳаёти тўхтаб, фақатгина унинг бир қисми бўлган Саловотда одамлар яшаб қолади. Мозийдаги шон-шуҳратли саҳифалар ўтмишга айланади. “Термиз аҳолиси бетинчлик оқибатида ўзининг қадрдон шаҳрини ташлаб кетмоқда. Термиз жаҳаннамга ўтиш жойига айланди”, деб ёзган эди ўша давр тарихчиси. Айтиш жоизки, ўша пайтда Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида, жумладан, Бухоро ва Самарқандда ҳам шаҳар ҳаёти таназзулга юз тутди. Лекин, уларда шаҳар ҳаёти кўп ўтмай тикланган бўлса, Термизда бу жараён фақатгина XX асрда рўй берди.

Шу тариқа шаҳарнинг XX асрда устиворлик қилган салбий тимсоли ўзининг илдизларига эга бўлиб, у шаҳар маданиятининг йўқолиши ва узоқ вақт тикланмаганлиги билан боғлиқдир. Фақатгина янги давр воқеалари минтақа ҳаётига ўзгаришлар олиб келди. XIX асрнинг иккинчи ярмида минтақа Бухоро амирлигини тасарруфига киритган Россия ва Афғонистонни босиб олган Буюк Британия империяларининг ўртасидаги рақобат майдонига айланади. Шу аснода шаҳар ҳарбий аҳамиятини янги даврда ҳам сақлаб қолди. Чор Россияси Афғонистон орқали Ҳиндистонга юриш режалари асосида Термизни ўзининг форпостига айлантирган эди. Совет даври мобайнида шаҳардан бир неча бор Афғонистонга хуруж қилинган эди. 1979 йилда бошланган тўлақонли уруш Совет империяси инқирозининг муқаддимаси бўлди [10, 18-20].

Термизнинг XX асрдаги сиймосини биринчи навбатда унинг ҳудудида амалга оширилган тарихий обидаларни ёппасига вайрон қилиш сиёсати билан белгилаш мумкин: 1904 йилда минтақадаги ягона уч қаватли мадраса, 1934 йилда минтақадаги энг қадимги минора, 1945 йилда Термиз ҳокимлари саройи қолдиқлари, 1950 йилларда Саловотдаги масжид ва бошқа кўплаб ёдгорликлар йўқ қилиб ташланди. Шу билан бир вақтда Термизда олиб борилган археологик тадқиқотларда иштирок этган олимлар фан оламида ном қозондилар. Улар шаҳар тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар, шаҳар ҳам уларнинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Жумладани, машҳур олим, академик Б.Пиотровский Термизга қилган сафарида, шаҳарга кечаси етиб келиб, қоронғуда археология экспедициясининг базасидаги хонага жойлашади. Эрталаб кўзини очганда олим хонанинг ўзи Ироқда ўрганаётган қадимги Ассирия иморатларига ўхшашлигидан ҳайратда қолади. Эсдаликларида Термизни жуда ёқимли, чойхона ва кўкатларга бой кичкина шаҳарча сифатида таърифлаган олим, маҳаллий турмуш тарзининг асосий хусусиятини кўк чойни чексиз ичиш мумкин билан белгилайди. Рус шоираси Анна Аҳматова эса Термиздаги пешин пайтидаги жазирамани Осиё тимсоли сифатида тараннум этади.

Мустақиллик йилларида Термиз, ўтмишдаги барча синовлар ва изтиробларга қарамай, ўзининг анъанавий аҳамиятини сақлаб қолиб, ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Термиз ривожланаётган саноат ва қишлоқ ҳужалиги ҳудудининг маданий ва таълим марказига айланмоқда. Шаҳар турмуш тарзидан келиб чиқадиган салбий таасуротлар маиший хусусиятга эга бўлиб, ривожланмаган инфраструктура ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги оқсоқланишдан келиб чиқади. Турли янги иморатлар қурилмоқда, уларнинг айримлари, масалан, Термиз Давлат университетининг тарих факультети биноси, Бахт уйи, таъминланаётган тарихий обидалар катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир. Шундай қилиб, шаҳарнинг совет давридаги файзсиз қиёфаси, ёрқин ва ўзига жалб этувчи иморатларнинг йўқлиги билан боғлиқ камчилига бартараф этилмоқда. Мустақиллик йилларида Муҳаммад Ҳаким Термизий - “Термиз ота” шахсига ихлос қайта тикланди. Одамлар алломани авлиё сифатида қабул қилади, у комил шахс сифатида ўрнак ва ибрат тимсоли бўлиб қолмоқда. Бағрикенглик ва

миллатлараро уйғунлик тимсоли сифатида кенг кўламли таъмирлаш ишларидан кейин тикланган Фаёзтепа буддавий ибодатхонасини келтириш мумкин. Ҳар бир тарихий давр ўзидан кейин нафақат ёдгорликлар, балки уларга бўлган муносибат изларини қолдиради. Бугун тарихий ёдгорликларни сақлаш, қадриятларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Натижада, туризм соҳасидаги имкониятлар, балки, мазкур соҳанинг шаҳар келажагида асосий омил бўлишини таъминлаши мумкин. Қандай бўлмасин, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатлар Термиз олдида кенг қамровли келажак уфқларини очиб бермоқди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлар тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда; 20-сон, 354-модда; 23-сон, 448-модда; 37-сон, 982-модда.
2. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2007. 30-31 март. 1-қисм. –Б.173;Аҳмедов. Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 1991.
3. Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. –Тошкент, «Шарқ», 2001.
4. Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. –Тошкент, «Шарқ», 2001.
5. Жалолиддин Мирзо.Термиз расадхонаси қаерда жойлашган? Термиз тарихидан лавҳалар. –Тошкент, 2008.
6. Жалолиддин Мирзо. Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди. –Тошкент, «Санъат журнали нашриёти», 2007.
7. Жалолиддин Мирзо.Ибн Батутта Термиз ва Термизийлар ҳақида. “Жамият ва бошқарув”. 2000 №4.
8. Жалолиддин Мирзо. Амир Темур ва темурийлар даврида Термиз. Ижтимоий фикр. // Инсон ҳуқуқлари. 2004. № 3.
9. Жалолиддин Мирзо, Азимов М. Мир Саййид Али-термизлик улуғ мусаввур. Термиз тарихидан лавҳалар. -Тошкент,2008.
10. Мирзаев Дж.З. Военные конфликты в Афганистане: Термезский плацдарм. Сборник докладов международной научно-практической конференции. //«Слинские чтения» памяти профессора М.Ф. Слинкина. Таврический национальный университет имени В.И.Вернадского. –Симферополь, 2013.С.18-20.

Марказий Осиёдаги урбанизация жараёнларида Термиз шаҳрининг ўрни ва аҳамияти
Мирзаев Ж. З. , Саидахматов Ш Т. Термиз давлат университети,

Резюме. Мақолада марказий Осиёдаги урбанизация жараёнларида Термез шахрининг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Термиз Ўзбекистоннинг қадим замонлардан ўзининг шакл-шамоилларини сақлаб қолган шаҳарларидан бири эканлиги тахлил этилган. Урбанизация – тарихий ривожланиш асосида шаклланган, жамият босқичлари ва ҳудудий меҳнат тақсимоти натижасида содир бўлган кўп қиррали ижтимоий-иқтисодий, демографик ва географик жараёни эканлиги тахлил этилган.

Таянч сўзлар: урбанизация, тарихий жараён, ислоҳотлар, географик жараён.

Роль и значение Термеза в процессе урбанизации Центральной Азии
МирзаевДж.З.,Сайдахматов Ш.Т. Термезский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается роль и значение города Термез в процессе урбанизации Центральной Азии. Отмечается, что Термез – один из городов Узбекистана, сохранивший свой облик с древних времен. Обосновывается, что урбанизация - это многогранный социально-экономический, демографический и географический процесс, сформированный на основе исторического развития, возникшего в результате развития общества и территориального разделения труда.

Ключевые слова: урбанизация, исторический процесс, реформа, географический процесс

The role and significance of Termez in the process of urbanization in Central Asia
Mirzaev J.Z., SaidakhmatovSh.T. Termez State University

Summary. The article examines the role and significance of the city of Termez in the process of urbanization in Central Asia. It is statedthat the center of Termez is one of the cities of Uzbekistan that has retained its appearance since ancient times. Urbanization is a multifaceted socio-economic, demographic and geographical process formed on the basis of historical development that arose as a result of the stages of development of society and the territorial division of labor.

Key words: urbanization, historical process, reform, geographical process.

ҚЎНҒИРОТЛАР ДАВРИ ХИВА ХОНЛИГИ СОЛНОМАЛАРИДА ТИМСОЛЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯВИЙ ҚАРАШЛАР ИФОДА ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Каландарова М.А.
Урганч давлат университети

Солномаларда таълим-тарбиявий ва ахлоқий, шунингдек, ижтимоий-сиёсий қарашлар ифода воситаларидан бири, албатта, бу тимсоллардир. Тимсоллар, поэтонимлардан фарқли равишда луғавий бирликлар ҳисобланади. Луғавий бирликнинг тимсол сифатида ишлатилаётганининг асосий белгиси шундаки, ўша сўз орқали ўқувчи (тингловчи) шуурида ўз луғавий маъносидан олдин унинг тимсолий маъноси гавдаланади. Масалан, *бўри* сўзи ишлатилган матнда ўқувчи кўз ўнгида маълум жонивор гавдаланиши унинг луғавий бирлик сифатида, золим инсон ёки зулм тушунчасининг реаллашган шаклда гавдаланиши унинг тимсол сифатида қўлланганидан дарак беради.

Айни шу мулоҳаза исботини солномаларнинг ўзида қўришимиз мумкин: “*Қўй галасиға қурт* дохил бўлғандек ҳамул корвон аҳлиға аралашиб, кўб муҳораба ва музораба русумидин сўнг даст топиб барчасин қатлиом қилдилар”.[1,25.] Кўриб турганимиздек, мазкур ўринда “қўй галаси”, “қурт” сўзлари соф луғавий бирлик сифатида ишлатилмоқда. Энди унинг тимсол сифатида ишлатилган ўринларга эътибор қаратайлик:

Қурт агар бўлса *гала чўпони*,
Бўлмас анда саломат имкони...[2,252.]

...Қўзи-ю, қуртнинг мухолитати,
Эйлаким, ақрабо муволифати. [2,68.]

Маълум бир луғавий бирликнинг тимсол сифатида ишлатилаётганини унинг ўрнига тимсолий маъноларини қўйиш мумкин бўлади. Масалан, биринчи мисолда “қўй” ва “қурт” сўзларини “мазлум” ва “золим” сўзларига алмашлаш мумкин бўлмаганидек, икки ва учинчи мисолларда “қурт”ни “золим”га, “гала”ни “раият”га, “чўпон”ни “раҳбар”, “бошлиқ”қа алмаштириш мумкин.

Тимсоллар асрлар давомида тимсол асоси бўлган луғавий бирлик англатган тушунчанинг яққол хусусиятлари, одамларнинг нарса, ҳодисаларнинг қайси томонига эътибор қаратишлари натижасида пайдо бўлади. Маълум бир муҳитдаги халқ тасаввурида яққол кўзга ташланган, илғаб олинган хусусият бошқа муҳитдаги (табиий-жуғрофий, ижтимоий-иқтисодий, генетик омилларга боғлиқ равишда) халқ тасаввурида эътиборга олинмаслиги ёки иккиламчи ўринга тушиш, унинг буткул бошқа жиҳатлари бирламчи ўринга чиқиши мумкин. Масалан, кўпгина халқларда ҳийла-найранг, душманлик, мунофиқлик тимсоли саналган илон японларда гўзаллик тимсоли бўлгани каби. Шунингдек, халқ тафаккур тарзи турли омиллар таъсирида ўзгариши натижасида тимсоллар “тақдир”ида ҳам ўзгариш юзага келиши мумкин. Туркийларда бир пайтлари эрксеварлик, мардлик рамзи бўлган бўри тимсоли бунга мисолдир. Ана шунинг тимсоллар шаклланиш ва тараққиёти ҳамиша халқ тафаккур тарзи билан вобаста ўрганилиши лозим.

Юқорида биз кузатган “қурт” – бўри тимсоли кўпгина халқларда ўзбек халқидагига яқиндир. Бунга бир томондан ушбу халқлар тилларида бўри тушунчасини англатган сўзларнинг ўзи генетик жиҳатдан умумийлиги ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги табиий. Сабаби “итсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон” номи *бөры* туркий тилларга эроний тиллардан ўзлашган бўлиши мумкинлиги қайд этилган.[3.221] Кўплаб туркий тилларда, жумладан, олтой, болқор, қирғиз, қорақалпоқ, қумиқ, тува тилларида *бөрү*; бошқирд, татар тилларида *бөрэ*; қозоқ, туркман, уйғурчада *бөрі*; хакасчада *пұр*; ёқутчада *бөрө* шаклларида бўлган бу сўз хусусида Ҳ.Вамбери *бөр* – “кулранг” сўзи асосида пайдо бўлган, деган фикрни ўртага ташлайди.[4,131-132.] *Бөры* сўзининг генетикасини эроний тилларга нисбат бериш дастлаб француз туркологлари ишларида кузатилади.[5,84.] Улар бу ҳайвон номи сўғдчаси *wyrk*, санскритчаси *vikahбөры*га товуш таркиби жиҳатидан яқин бўлганини асос қилиб оладилар. Тўғри, эроний тиллардаги қадимги *w* кейинги тараққиёт давомида *g* (*winas – gunāh* “гуноҳ”) ёки *b*га алмашиши кузатиладиган ҳолат. Лекин “бўри” сўзини Алишер Навоий асарлари тилидаги ҳам мавжуд бўлган форсчаси “гург” этимологиясига назар солсак, бу ўринда ушбу асос ўзини оқламайди. *Гӯрг* گرگ “бўри” маъносида эроний тилларнинг кўпчилигида мавжуд бўлиб, қадимги форс тилида *varkâna*, “Авесто”да *vehrka*, паҳлавийда *gurg*, санскритда *vrka*, кошонийда *var, varg, verg,* мозондаронийда *vurg,* курдчада *varg*, афғон (пушту) тилида *lug*, курд тилида *varg*, балужчада *gvarg*, яғноб тилида *aurak* шаклларига эга. [6]. Агар *в – г* ҳамда *р – л* фонетик ҳодисасини ҳисобга олсак, русча *волк* (бўри), инглизча *wolf*, французча *lout* сўзлари умумий ўзакка эга бўлиб чиқади. Эътибор берайлик: ушбу умумийликка эга ҳеч қайси тилда сўзнинг иккинчи *г* ёки *к* ундоши тушиб қолмаган. Шунга кўра, агар *бөры* ушбу сўзга алоқадор бўлганида ҳеч бўлмаса айрим туркий тиллардагина *бөрұк* ёки *бөрұг* шаклида бўлиши керак эди.

Ҳолбуки, юқорида унинг кўпчилик туркий тиллардаги шаклини кўриб чиқдик. Демак, туркий тилларнинг ҳам, эроний тилларнинг ҳам фонетик қонуниятлари ҳамда ҳар иккала тилдаги асосларнинг бир-бирига қиёси улар алоҳида-алоҳида сўзлар эканини кўрсатиб турибди.

*Бөры*нинг туркий тиллардаги яна бир синоними *қурт* эса айрим, хусусан, ўғуз гуруҳи тилларида шу маънони англатади [5,132.] Масалан, озарбойжонча *гурд*, туркманча *гурт*, турк тилида *kur* [7, 101.] Бу сўзнинг турк тилида ҳам, эски ўзбек тилида, жумладан, Алишер Навоий асарларида ҳам матн мазмунига мувофиқ гоҳ *қурт* (ҳашорот тури), гоҳ *бўри* маъносини англатиши ёки “Девону луғоти ит-турк”даги қўшиқларнинг бирида “қуш, *қурт* қамуғ тирилди” мисрасининг учраши бу сўз дастлаб жониворларнинг умумий номи бўлганидан дарак беради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тимсоллар узоқ даврлар давомида маълум ва маъмул бир тараққиёт босқичларини босиб ўтадилар. Ушбу бўри турли даврларда турли халқларда бир-бирига ўхшаган, айни пайтда буткул фарқланадиган тимсолий маъноларни англатган. Масалан, қадимги Римда бўри улуғлангани, шаҳар тарихи она бўри образи билан боғлиқлиги маълум. Шу билан бирга қадимда бўрининг жинсий фаоллиги(бўрининг бу хусусияти ўзбек халқи орасида айрим жорий удумларда ҳам бор) жиҳатидан фоҳишалар “урғочи бўри” (лотинча *lupae*)деб аталган. Шунга ўхшаб инглиз тилида *wolf* – бўри сўзнинг кўчма маъноларидан бири “хотинбоз”дир. Шунингдек, қадимги Римда Луперия илоҳиға бағишлаб ўтказилган Луперкалии байрами тарихи ҳам бўри билан боғланади.[8.] Жаҳон мифологиясида бўри боғлиқ маълумотлар кўлами анчайин кенг [9,42.]. Туркийларда бўри *тэнгръйи нохой* – само ити, мўғулларда эса *бурханай нохой* – илоҳий ит, ёқут ва ўйротларда *алтан араат* – олтин сўйлоқтишлар деб номланган, тўғрироғи сифатланган.[10.] *Нохой* сўзи олтой тилларида ит маъносини англатиб, ҳозирги мўғул тилида сақланиб қолган. Унинг кўплик шакли – итлар *нохос* шаклига эга.[11,144.] *Бурханай нохой* бўрининг ўз номи бўлмай, сифатидир. Мўғулчада бўри аслида “чано”дир [11,310]. *Қўй* сўзи ҳам тимсол сифатида “халқ”, “мазлум” каби маъноларга қадар катта тараққиёт йўлини босиб ўтган. Халқимизга қўйга муносабати, унинг тимсол сифатидаги тараққиёти, унинг бу маъноларга етиб келиши сўз этимологиясида ҳам кўзга ташланади. Бу сўз М.Кошғарий томонидан *қой, қон* тарзида кўрсатилиб [12,154/155], унинг дастлабки шакллари *қод* ва *қоз* бўлганини тахмин қилиш мумкин. Чунки, “Қутадғу билик”да ҳам бу сўз *қой* шаклида ишлатилса-да, Ҳамал буржининг номи *Қозы* тарзида тилган олинади.[13,298.] Асарда Савр буржининг номи *Уд* тарзида ишлатилгани, шунингдек, *иңак* сўзи билан синонимлик касб этиб, “сигир” маъносини берганига қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, бу сўз кейинчалик “ҳўкиз” маъносида *уй* шаклида ишлатилган [14,623.] Худди шу тарзда бу сўзнинг омоними “бирор маконга

жойлаштирмоқ” маъносидаги феълнинг дастлабки шакли *қод* бўлгани маълум.[15,453.] Демак, *қод // қоз* (“з” тишора ундош) // *қой* қадимги туркий *қо* – “ўрин” сўзига “жойлашиш” маъносидаги *-д//-й* қўшимчасини қўшиш орқали ясалган. Буни мазкур жониворнинг дастлабки уй ҳайвонларидан бўлганини тахмин қилиш, аждодлар томонидан дастлаб хонакилаштирилган жонзотлардан эканини ҳисобга олиш билан асослаш мумкин. Шунга кўра, *-д//-й* ундошлари “жойлашиш” маъносида айни пайтда ҳам от, ҳам феъл ҳосил қилиши аён бўлади. Туркий тилларда от ва феъл ўртасидаги бу тариқа юзага келган омонимлар махсус ўрганилган.[16,271.]. Юқоридаги фикрга яна бир далил сифатида куйидаги лисоний фактга эътибор қаратайлик: Маҳмуд Кошғарий *қой*нинг *й* ундоши *н*га алмашган *қон* шакли ҳам борлигини қўрсатган.[12,154.] Сўзнинг бу шаклини қадимги туркий тилдаги “маълум бир сатҳдан жой олмоқ” маъноидаги *қон-* феълига қиёсласак, ҳар иккала сўзнинг (*қой* ва *қон*) номланиш тамойили бир хил бўлганини кузатамиз. Ҳозирги туркий тиллардан турк тилида *koyun*, озарбойжон, туркман тилларида *ғojun*, олтой, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, нўғой, уйғур, гагауз тилларида *kojun,* тува, хакас тилларида *хоі* бўлган бу сўзнинг олтой оиласига мансуб мўғул тилида *хони(н)*, манжур тилида *хонин*, тунгус тилида *конин* [4,110.] бўлгани ҳам бу сўзнинг нақадар қадимийлигига далолат қилади. Ш.Раҳматуллаев *қойун* ва *қоныи* шаклларидаги *-н* қўшимчасини кичрайтириш-эркалаш маъносини ифодаласа керак, деган мулоҳазани билдиради.[17,583.] Ибн Муҳанна луғатида ҳам ушбу шакл келтирилган.[18,108.]

Шунингдек, бошқа халқларда ҳам ўхшаш ҳолатлар кўзга ташланади. Масалан, қадимги форс тилида қўй аслида инглиз тилига sheep сўзига қариндош фшў сўзи билан ифодалангани бўлишига қарамай, кейинчалик унинг сифати бўлган “эзгу мол” маъносини берувчи *гусфанд* сўзи ишлатила бошлаган.[19,129.] Рус тилида баран сўзининг “гўл”, “овсар” тарзидаги кўчма маъноси [20.], албатта, кейинчалик шаклланганига шубҳа йўқ. Чунки Баранов каби фамилияли зодагонлар хонадони тамғаларида қўй тасвири бўлган [20.]. Инглиз тилида wolf in sheep`s clothing – қўй терисини ёпинган бўри ибораси ҳам мавжуд. Бу тилда очкўзлик қилиб емоқ маъносида to wolf шу тарзда юзага келган. Шарқ мумтоз адабиётида чўпон, бўри ва қўй (сурув, гала) тимсоллари кўп ҳолларда адолат ҳақида гап кетганда ишлатилади. Бунга яққол мисол Низомийнинг “Ҳафт пайкар” асаридаги ҳикоятдир. Шунингдек, Алишер Навоий ижодида ҳам чўпон, бўри, қўй тимсоллари ишлатилган қатор ўринлар бор. Масалан: Бўрини доғи галадин дур қил, /Сув берибон боғни маъмур қил [21,124.]. Биз бу масалада бир қадар кенг тўхталаётганимиз боиси, бўрига нисбатан унинг ижобий жиҳатларини эътиборга олиш кейинчалик ҳам сақланиб қолганлигини айни биз тадқиқи қилаётган манбаларда ҳам кўзга ташланишидир. Масалан, “Фирдавсу-л-иқбол”дан бир-икки парча: “Бекобод ҳокими манқит Ёвбўри нойибким, шижоатда ёв бўриси эрди,..”, “Бўридек қаён ҳамлаким, еткуруб, янглиғ аъдо сипоҳин суруб”.

Шунингдек, солномаларда “гургоштий” (айнан: “бўри яраш”) сўзи учрайдики, у вазият тақазоси билан муросага келиб туриш, ҳийла юзасидан яраршишни англатади. Бу ҳам бўрининг ўзига хос жиҳати – бўйсунмаслиги, инсон қўлига ҳеч қачон ўрганмаслиги кабилар билан боғлиқ.

Хулоса сифати айтиш лозимки, тимсоллар ҳамиша тарбия воситаси бўлиб келган. Солномадаги тимсоллар эса бир вақтнинг ўзида адабий, тарбиявий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий каби қатор вазифаларни ўтагани ва уддалагани билан алоҳида эътибор ҳамда тадқиққа муносибдир.

ADABIYOTLAR

1. Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani/ Ed. in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryaghdi Tashev. – Tashkent-Istanbul, 2012.– P. 25.
2. Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 2-жилд. 1-китоб. Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис, Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Фирдавсу-л-иқбол (Бахт-саодат жаннати). Нашрга тайёрловчилар, кириш ва изоҳлар муаллифлари: Исмоил Бекчонов ва Неъматжон Полвонов.– Тошкент: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2019, – Б. 252.
3. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. –М.: Наука,II. – С. 221.
4. Щербак А. Названия домашних и диких животных в тюркских языках // История развитие лексики тюркских языков. – М.: Издательство АНСССР, 1967. – С. 131-132.
5. Benveniste E. Essai de grammairesogdienne. p. II. Paris, 1929. – P. 236; Gauthiot R. De l’alphabetsogdien // Journal Asiatque. 10 sér. 10. Tom XVII, Paris, 1911. –P. 84.
6. شمس الدين محمد بن خلف تبريزى . برهان قاطع. با اهتمام دكتر محمد معين. تهران. امير كبير. ١٣٨٦ . جلد ٣.ص ١٨٩٢
7. Юсуф Б. Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат. – Тошкент, «Ўзбекистон», 1993. – Б. 101.
8. https://www.newacropol.ru/Alexandria/symbols/vulf/
9. Мифы народов мира. Том первый. – М.: «Советская энциклопедия», 1980. – С. 242.
10. http://akipress.org/kghistory/news:13574/
11. Ринчинэ А.Р. Учебник монгольского языка. –М.; Издательство на иностранных языках, 1952. – С. 144.
12. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. I жилд. – Тошкент: Ўз ФАН, 1960. – Б. 155, 154.
13. Содиқов Қ. “Қутадғу билик”нинг тил хусусиятлари// Ўлмас обидалар. – Тошкент, “Фан”, 1989. – Б. 298.
14. Иброҳимов С., Шамсиев П. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 623.
15. Древнетюркский словарь. – Л.: 1969. – С. 451, 453.
16. Щербак А.М. К вопросу о происхождении глагола в тюркских языках // Вопросы языкознания. – 1975. – №5. – С. 18-29;
17. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 583.
18. Мелиоранский П.М. Арабъфилологъ о турецскомъязыкѣ. – Санктпетербургъ: Типографія императорской академіи наукъ. – 1900. – С. 108.
19. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б. 129.
20. http://runo.ks.ua/narodnayastr/narodntvor/96-simvol.html
21. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 7-том. – Тошкент, “Фан”, 1991. – Б. 124.

Қўнғиротлар даври Хива хонлиги солномаларида тимсоллар таълим-тарбиявий қарашлар ифода воситаси сифатида

Каландарова М.А. Урганч Давлат Университети

Резюме. Мақолада Хива хонлиги қўнғиротлар сулоласи солномаларида тимсоллар тарбиявий қарашлар ифода воситаси вазифасини бажаргани қатор мисоллар ва далиллар билан кўрсатиб берилган ҳамда уларнинг юзага келиш омиллари ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: *солномалар, тимсол, таълим-тарбия, тимсолларнинг тарбиявий вазифаси.*

Символы в летописях периода кунградов Хивинского ханства как средства выражения просветительских взглядов

Каландарова М. А. Ургенческий государственный университет

Резюме. В статье речь идет о символах, отраженных в летописях периода кунградовХивинского ханства, которые служат как средство выражения просветительских взглядов, а также об их происхождении.

Ключевые слова: летописи, символ, образование, просветительская функция символов

Symbols in the chronicles of the Kungrad period of the Khiva Khanate as a means of expressing enlightened views

Kalandarova M. A. Urgench State University

Summary. The article deals with the symbols reflected in the chronicles of the Kungrad period of the Khiva Khanate, which serve as a means of expressing enlightenedviews, as well as their origin.

Key words:chronicles, symbol, education, enlightened function of symbols.

ЎРТА АСРЛАР ФАЛСАФАСИДА ТИЛ ВА КОММУНИКАЦИЯ МУТАНОСИБЛИГИНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Худайберганов Р.Х.

Тошкент давлат транспорт университети

Тил муаммоларининг фалсафий-лингвистик таҳлили дастлаб юнон олимларининг фаолияти асосида ривожлантирилган. Кейинчалик Бағдод, Куфа, Басра каби араб мамлакатларидаги мактаблар фаолияти асосида янада юқори босқичга олиб чиқилган. Қадимги Андалузия филологларининг IX-XII асрлардаги асарлари яҳудий, оромий тилларини аҳамиятини ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этган. Ўрта асрларда тил ва коммуникациянинг ривожи Шарқ мутафаккирлари ижоди билан боғлиқ. Жумладан, араб ва туркий тилларини илмий тавсиф этиш, уларнинг фалсафий-лингвистик тадқиқининг ривожланишида Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари олимларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида араб ва ҳинд тили ўртасидаги фарқ ва ҳинд тилидаги муаммоларга оид қимматли фикрларни билдирган. “Сайдана” асарида номнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини эътиборга олиб, маълум доривор модданинг бир неча тиллардаги номланишини баён қилиш билан бирга ҳар қайси тилдаги маҳаллий номланишига ҳам катта ўрин берган. Мазкур асар бир вақтнинг ўзида ҳам изоҳли, ҳам таржима, ҳам этимологик, ҳам диалектологик луғатнинг илк намунаси ҳисобланади. Олимнинг араб ёзувидаги ноқисликлар ва араб тилига қилинган таржималарда бошқа тиллардаги номларнинг ифодаланиши қийинлиги туфайли кўп номлар ғализ берилиши баён қилинган [1, 96-99].

Тилнинг комплексли характери туфайли унинг ижтимоий маданий жиҳатларини тадқиқ қилишга файласуф, социолог, психолог ва тарихчилар ҳам илмий ёндошиб келган. Тил фалсафаси тил, борлиқ ва онг ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларни, шунингдек, бу алоқадорликни акс эттирувчи ва изоҳловчи назарий-услубий билимларни ўз ичига олади. Умуман олганда фалсафада тил, борлиқ ва онгнинг ўзаро алоқадорлиги доирасидаги муаммолар ҳалигача тўла равишда ўз ечимини топгани йўқ. Шу сабабли ҳам тил ҳақидаги билимлар фалсафанинг бир қисми бўлиб, бугунги кунда у амалий фалсафанинг асосий муаммоларидан бирига айланди.

Юқоридагилардан маълум бўладики, шу кунга қадар инсоннинг пайдо бўлиши, тўғрироғи, инсоннинг яратилиши (айни пайтда тилнинг келиб чиқиши) ҳақида ҳам турли қарашлар мавжуд. Уларнинг икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчидан, инсонни эволюцион йўл билан пайдо бўлганини эътироф этса, иккинчидан бирданига пайдо бўлганини, дунё яратилганлигини тарғиб қилади. Дунёдаги деярли барча диний таълимотлар иккинчи қарашни олға суради. Бу жиҳатдан христиан ва ислом динлари ҳам умумийликка эга. Шунга кўра нутқ, баён қилиш қобилияти Аллоҳ инсонга берган улкан неъматлардан биридир. Айнан ушбу неъмат билан инсон ўзга жонзотлардан ажраб туради. Уларнинг устидан ўз ҳукмини ўтказади. Инсон Аллоҳ ерда яратган жонзотлар ичида мукаммал овоз чиқарадиган ягона жонзотдир.

Алишер Навоий ҳам инсоннинг сўзлаш қобилияти ҳақида алоҳида тўхталиб, инсон комилликка эришмоқ учун ўзини ҳайвоний ҳирслардан тозалаши лозимлигини таъкидлайди. Шоирнинг “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин” мисраси олимлар ўртасида хилма-хил фикрлар юритилишига, турли баҳсларнинг туғилишига сабабчи бўлган [2, 81]. Айрим олимлар Алишер Навоийнинг юқоридаги фикри асосида инсоннинг маймундан пайдо бўлганига ишора қилади, демак, шоир дунёнинг эволюцион йўл билан вужудга келганини, бир турдан иккинчи турнинг келиб чиққанини Ч.Дарвиндан анча олдин эътироф қилади, деган хулосага келадилар. Шунинг учун улар Алишер Навоийни материалист, деб ҳисоблайдилар[3, 17]. Бу билан Навоийни ўзларининг “изм”ларидан бирига туширмоқчи бўладилар. Аслида мутафаккирнинг юқоридаги фикри ислом фалсафасидаги дунёнинг пайдо бўлиши, инсоннинг дунёга келиши ҳақидаги анъанавий қарашларидан бирининг намоён бўлишидир.

Тил туфайли инсониятнинг ижтимоий ҳаёти, унинг наслининг миқдорий жиҳатдан ўсиши ҳам ақл бовар қилмас даражада илгарилаб кетди. Дастлабки одамларнинг илк муомала воситалари ва сўзларидан тортиб, тилнинг бугунги ҳолатига келгунча инсоният бир неча миллион йил масофани босиб ўтди. Тил ривожи ва турли тилларнинг пайдо бўлиши борасида “Фалсафа. Қомусий луғат”ида қуйидаги фикр илгари сурилади.

Хусусан, “Шаклланиш, тараққий этиш ва такомиллашиш жараёнларида тиллар дастлаб, кўпроқ муштараклик ва кенг умумлаштирувчилик вазифасини бажарган, яъни бугунги кунда турли хил тилларда гаплашаётган миллат ва элатлар, аввалларибир-бирини тушунадиган бир тилда гаплашганлар, вақт ўтиши билан турли-туман объектив сабаблар туфайли улар бир-бирларидан узоқлашиб, тиллари ўзаро фарқланадиган шаклга келган. Тилларнинг бундай дифференциация жараёни натижасида кўпчилик учун муштарак алоқа воситаси бўлган бир тилдан кейинчалик бир неча тил юзага келган” [4, 399].

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳам “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида тилларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритар экан, турк, форс, ҳинд халқлари бир аждоддан – Нуҳдан тарқалганини қуйидагича баён қилади: “ ... уч навъ тилдурким, асл ва муътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари била қойилининг адосиға зевар ва ҳар қайсининг фуруи бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаидурки, Нуҳ пайғамбар (салавотуллоҳу алайҳ)нинг уч ўғлиғаким, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур етушур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нуҳ (а.с.) тўфон ташвиридин нажот ва анинг маҳлакасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди. Ёфасники, таворих аҳли Абут-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар Эрон ва Турон мамоликининг васатида воли қилди ва Ҳомники, Абул-ҳинд дебдурлар, Ҳиндистон билодиға узатти. Ва бу уч пайғамбарзода авлод ва атбои мазкур бўлғон мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар” [5, 10]. дея таъкидлайдилар.

Яъни уч тил борки, ҳамма тилларнинг асли ҳисобланади ва бу тилларнинг ҳар бири ўз гапирувчиларининг сўзлашувларига мос. Мазкур тилларнинг шахобчалари жуда кўп, аммо туркий, форсий ва ҳиндий тиллари асл тилларнинг маншаъи*дирки, Нуҳ пайғамбарнинг уч ўғли: Ёфас, Сом ва Ҳомга бориб етади. Нуҳ ва унинг яқинлари тўфон ҳалокатидан қутулганида, дунёда инсон зотидан намуна қолмаган эди.

Тилларнинг бир манбадан келиб чиқиши, уларнинг ўзаро муносабати, сўз маънолари, бир-бирига яқинлиги, ўхшашлигини назарда тутган ҳолда тилларни гуруҳларга ажратувчи генеалогик таснифга мурожаат қилсак, унда бир-бири билан қардош эканлиги аниқланган тиллар оиласи қаторида Хом-сом тиллари оиласини кўришимиз мумкин. Бу тиллар оиласи икки катта гуруҳ: сом тиллари гуруҳи ва хом тиллари гуруҳига бўлинади.

Сом тиллари гуруҳига Миср, Ироқ, Судан, Марокаш, Ливан, Тунис, Иордания, Ливия, Жазоир, Яман, Сурия, Саудия Арабистони каби 22 та араб мамлакатларида яшовчи араблар тили, амхар, айсар тили, ўлик тиллардан ассерия, вавилон, хонаней, қадимги яҳудий ва арамай тиллари киради [6, 157-158].

Шунингдек, у ўз навбатида уч шохобчага бўлинади: жанубий – ҳабаш, араб ва суқотра тиллари; шимолий-ғарбий – аромий, яҳуд (иврит), финикий, маовий, уғорий, аморий; шимолий-шарқий – аққод тили (бобил ва ассурий лаҳжалари билан). Бу тилларнинг кўпи ўлик бўлиб, ҳабаш тили амҳар, курага, ҳарар, тигрэ, тигриня каби лаҳжалар шаклида мавжуд; иврит Исроилда қайта тикланди; Кавказдаги айсор тили ассурий (аққод) лаҳжасининг давомидир [7, 4]. Тадқиқотлар натижаси ўлароқ, исботланган сом тиллари гуруҳига кирувчи тилларга эътибор берадиган бўлсак, юқорида келтирган ривоятимиздаги Сомдан вужудга келган халқлар билан мувофиқлигини кўришимиз мумкин.

Хом тиллари гуруҳига шилх, туарег, кабил, амазирт тиллари, ўлик тиллардан эса ливия, нумид, штул, қадимги миср тиллари киради. Ёфас авлодидан тарқалган халқлар ва уларнинг истеъмолдаги тилларига келсак, туркий тиллар оиласига кирувчи озарбайжон, туркман, ўзбек, қозоқ, қирғиз, татар, уйғур, чуваш, бошқорот, ёқут, балқар, кумиқ, қорачой, тува, хакас, сармат ва яна бир қанча тиллар ҳамда ўлик тиллардан ўрхун, печенет, қипчоқ, қадимги уйғур, булғор ва ҳазар тилларининг ўзаро қардош эканлиги, уларни қиёсан ўрганилганда тиллардаги сўзлар шаклан ўхшамаса-да, маънан бир ўзакдан, яъни бир манбадан эканлиги аниқланган.

Маълумки, Марказий Осиё халқлари юнон ва рим тарихчилари томонидан скифлар деб номланган. Геродотнинг айтишича, сарматлар скиф қабилаларининг бир қисмини ташкил қилган. Шунингдек, туркий халқлар тарихи тадқиқотчиси Ҳасан Ато Абуший сарматларни Туркистондан чиққан Дон ва Волга оралиғида яшовчи элатлар деб таъкидлаган [8, 53]. Бизнингча, турли тилларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг бир-бирига таъсири ва ўзаро яқинлашуви натижасида янги тиллар вужудга келиши ҳам мумкин. Масалан, ҳозирда туркий тиллар деб юритилаётган тиллар бир-биридан фақат узоқлашиш, ажралиш хусусиятигагина эмас, балки, бир-бирига яқинлашиш, бир-бирини бойитиш, ҳатто бир-бири билан бирикиб янги тил ҳосил қилиш хусусиятига ҳам эгадилар.

Хусусан, Б.Каримов, “ўртатурк тилини яратиш концепцияси яна шу фикримизнинг далилидир. Олимнинг фикрича, замонавий усуллар билан туркий тилларни яқинлаштириш “яққалам” қилиш турк дунёси учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки узоқ йиллар давомида бир-бирларидан ажраб қолган туркий халқларни маънавий жиҳатдан яқинлашувида, маданият ривожидаги ворисийликнинг қайта тикланишида, фан-техника ахбороти, адабий ва бошқа маданий қадриятларимизнинг ўзаро алмашинувида ўртатурк тили восита бўлиб хизмат қилиши мумкин” дея таъкидлайди[9.15]. Бунда ўртатурк тилини қандай мақомда қабул қилиш халқларнинг ихтиёрига ҳавола қилинади. Агар бу ғоя амалга ошадиган бўлса ўртатурк тилининг дунёдаги 250 миллионга яқин туркийзабонлар ўртасида воситачилик қилиш имконияти катта эканлиги маълум бўлади.

Шу билан бирга, бирон халқнинг фикр алмашинув воситаси бўлишдан тўхтаган ва унда гаплашувчиларнинг йўқ бўлиб кетиши ёки бошқа тарихий, ижтимоий, маданий сабабларга кўра, муомаладан

чиққан тиллар ҳам мавжуд. Бундай тилларни ўлик тиллар дейилади. Масалан, шумер, лотин, қадимги юнон, санскрит ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида келтирилган диний ва илмий далиллардан маълум бўладики, бутун жаҳон халқлари ва тиллари маънан ва келиб чиқишига кўра қардош ва ўзаро боғлиқдир, дунёдаги барча тилларнинг келиб чиқиш асоси, яъни маншаъи туркий, форс ва ҳинд тилларидир. Ҳар бирининг ўз тили, урф-одати, маданияти, турмуш тарзи, анъаналари кўплаб йиллар, асрлар давомида вужудга келди ва шаклланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Назарова С. Беруний хазинасидаги тилга оид жавҳарлар// Абу Райҳон Беруний мероси ва ҳозирги замон –Т.2011.
2. Нурмонов Абдулҳамид. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Тошкент, “Ўзбекистон” 2002. –Б. 81.
3. Дониёров Х., Санақулов У. Алишер Навоий – тилшунос олим. –Т.: Фан, 1990. –Б.17.
4. Фалсафа. Қомусий луғат. –Тошкент, “Шарқ”нашриёт-матбаа акциядовлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. –Б. 399.
5. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 16-том. –Т.: Фан, 2000. –Б.10.
6. Азизов О. Тилшуносликка кириш. –Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996. –Б.157-158.
7. Талабов Э. Араб тили. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993. –Б.4.
8. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. –Тошкент, “Чўлпон”, 1993. –Б.53.
9. Каримов Б., Мираъзамов К. Миллат равнақи ва тил муаммолари. –Тошкент, “Фан”, 1993. –Б.15.

Ўрта асрлар фалсафасида тил ва коммуникация мутаносиблигининг фалсафий асослари
Худайберганов Р.Х. Тошкент давлат транспорт университети

Резюме. Мақолада ўрта асрлар фалсафасида тил муаммоларининг фалсафий-лингвистик ривожланиши, кейинчалик мамлакатларидаги мактаблар фаолияти асосида янада юқори босқичга олиб чиқиганлиги ҳамда IX-XII асрлардаги яҳудий, оромий тилларини аҳамиятини ёритиб берилган. Шунингдек, ўрта асрларда араб ва туркий тилларини илмий тавсифи, тил фалсафасининг илмий-назарий хусусиятлари очиб берилган.

Таянч сўзлар: Этимология, тил, диалектология, якқалам, коммуникация, генеалогик тасниф, эволюция, фан-техника, ахборот.

Философские основы соотношения языка и коммуникации в средневековой философии
Худайберганов Р.Х. Ташкентский государственный университет транспорта

Резюме. В статье освещается философская и лингвистическая разработка языковых проблем в средневековой философии, которая позже была поднята на более высокий уровень на основе деятельности школ в их странах, а также важность роли еврейского и арамейского языков в IX-XII веках. Также дано научное описание арабского и тюркского языков в средние века, научные и теоретические особенности философии языка.

Ключевые слова:этимология, язык, диалектология, монолог, коммуникация, генеалогическая классификация, эволюция, наука и техника, информация

Philosophical foundations of the relationship between language and communication in medieval philosophy
Khudayberganov R.Kh.. Tashkent State University of Transport

Summary. This article highlights the philosophical and linguistic development of language problems in medieval philosophy, which was later raised to a higher level on the basis of the activities of schools in their countries, and the importance of the Jewish and Aramaic languages in the IX-XII centuries. Also, the scientific description of the Arabic and Turkic languages in the Middle Ages, the scientific and theoretical features of the philosophy of language are revealed.

Key words: etymology, language, dialectology, monologue, communication, genealogical classification, evolution, science and technology, information

---

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК – МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШАЁТГАН ЖАМИЯТ ТАЛАБИДИР

Камолова К. Ғ.

Низоми номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Маълумки, XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучайиши, одамлар онгида демократик тафаккурнинг шаклланиб бориши, замонавий ахборот технологиялари тараққиёти туфайли ҳар қандай янги ахборот сайёрамизнинг исталган жойига яшин тезлигида тарқалиши ва шу каби жараёнларга бой давр бўлди.

Жаҳонда юз бераётган ғоявий ва мафкуравий жараёнлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Ўзбекистонда ҳам ўтиш даврининг айрим қийинчиликларига дош беролмаган ёки тарбияда лоқайдлик қилинган ёшлар турли хил ғоявий ва мафкуравий сиёсат исканжаларига тушишга сабаб бўлди. Дунёда “бой берилган авлод” – “Lost generation” ибораси кўпроқ Европа мамлакатлари учун тегишли бўлсада, афсуски айрим ёшларимиз ҳам бу иборадан четда қолмади. Натижада уларни айрим сиёсий кучлар уларни ўз исканжаларига олиб, турли хил ёвуз ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

Бундай таҳдид ва курашларни ўз вақтида англаб етилган Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбияси, мафкуравий иммунитети, ғоявий дунёқараши, дахлдорлик ҳисси, маънавий баркамоллик даражасини шакллантириш ва бошқаларга алоҳида аҳамият берилди. Мафкуравий кураш тобора мураккаблашиб бораётган, унинг янги усуллари ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда маънавий-мафкуравий таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олиши мумкинлиги ўз исботини топди. Ғоявий таҳдидларга қарши кураш – огоҳликни таъминлашнинг аниқ ва илмий асосланган дастурига айланиб, ҳар бир фуқаронинг озод ва обод Ватан қуриш йўлидаги асосий маёғи бўлиши лозимлиги асосланди. Бунинг учун асосий эътибор кўпроқ ёшларга қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ёшларнинг таълим-тарбия олиши, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига

тўхталиб, шундай ғоя илгари сурилмоқда: “... Фарзандларимиз қобилиятини рўёбга чиқаришга болаликдан эътибор бериб, уларнинг камолоти учун барча имкониятларимизни сафарбар этсак, юртимиздан яна кўплаб берунийлар, ибн синолар, улуғбеклар етишиб чиқади. Мен бунга ишонаман” [1], – дея фикр юритиб, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, ва таълим соҳаси вакилларини ёшларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратишларини таъкидлади. Тарбия таъсир қиладиган кишилар уч тоифага бўлинадилар: Биринчиси – ҳануз оқ билан қорани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик ғубори билан булғанмаган, юраги эса ботил ишлар зулмати билан қораланмаган бўлади. Бундай болага насиҳат тез таъсир қилади. Бундай болани тўғри йўлга осонлик билан ўргатиш мумкин. Иккинчиси – оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг ғалабаси билан яхшилик томонга бурила олмай юрган бўлади. У қилаётган ишининг ёмонлигини билдаи. Нуқсонларини эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ, аммо унга доимий тарбия берилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбехлар бериб борилса, албатта, яхши йўлга кириб кетади.

Учинчиси – оилада ботил ҳаёт ва фосид фикрлар билан ўсиб улғайган киши. У умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга астойдил эътиқод қўйган бўлади. Ёмонлик қилса ҳам уни ўзича яхшилик деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия қилиш жуда оғир. Унинг тарбиясига киришиш – тирноқ билан қудуқ қазиш ёки ҳали қизиб чўққа айланмаган темирни болғалаш билан баробар.

Донолар яхши ёки ёмон хулқли бўлишни оилага боғлайдилар. Уларнинг айтишларича, бузуқ хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди, офтоб музни эритгани ёки сув тузни эритиб юборгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб юборади. (Абулбаракорт Қодирий) [2, 18-19]. Демак, таълим-тарбия ишлари оилада, таълим муассасаларида, жамоада ва бошқа бўғинларда олиб борилар экан, ушбу тизимларнинг барча йўналишлари ва босқичларида баркамол шахсни шакллантириш аниқ - равшан вазифа сифатида қўйилиши лозим. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида”да ҳам ўз аксини топди. Унда асосий урғу тарбияга, айниқса тарбиянинг узвийлигига қаратилди:

“Тарбия жараёнида узлуксизлик, узвийлик тамойилларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ҳомиладорлик даври, гўдаклар, болалар ва ўқувчи ёшларни маънавий тарбиялашнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш; тарбияланувчиларнинг ёши, жинси, психологик, миллий ва шахсий хусусиятларини инобатга олиш; ёшларда ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр оқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни гўдакликдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш; ҳомиладорлик давридан бошлаб 18 ёшгача давом этадиган узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишда ота-она, тарбиячи, ўқитувчи ва бошқа масъулларнинг ўзаро самарали ҳамкорлик ўрнатиш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш; бола тарбиясида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш шаклларини белгилаб бериш; аҳолининг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, узлуксиз маънавий тарбияни жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялари, усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам таништириб бориш; оммавий ахборот воситалари, шу жумладан глобал интернет тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш; узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш” [3], кабилар асосий вазифалар этиб тайинланди.

Ушбу концепция ёрдамида ёшларда маънавий ва мафкуравий таҳдидларга қарши огоҳлик ҳамда мафкуравий иммунитет шакллантирилишида, уларни мустақил фикрловчи, ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида тарбиялашда ҳамда дахлдорлик туйғусини ривожлантирилишда фойдаланилса, маънавий баркамол шахсларни вояга етказишда маълум ютуқларга эришилади. Президент Ш.М.Мирзиёев “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талабалари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз” [4, 349], – дея таъкидладилар.

Ўзбекистонда таълим тизими ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда жаҳон халқларининг тарихий тажрибалари, халқимизнинг бой ва қадимий мероси ҳамда шарқона турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, баркамол инсонни тарбиялаш билан боғлиқ илмий-фалсафий қарашлар ва амалий тажрибаларга таянмоқда. Чунки, тарбия деганда, алломалаларимиз кўз олдимизга келади. Уларнинг неча асрлар айтиб кетган фикрларига, ҳикматли сўзларига беихтиёр таянамиз. Тўғри, тарихнинг турли босқичларида тарбиянинг мақсади ва кўринишлари, таъсир қилиш усуллари ҳам ўзгариб келган. Лекин унинг маъноси ва йўналиши ўзгармаган. Яъни, у “парвариш”, “навозиш кўрсатиш”, “ўргатиш”, “панд-насиҳат”, “тўғри йўлга солиш”, “нотўғри йўлдан қайтариш”, “ўстириш” каби маъноларни беради.

Тарбиянинг юксак босқичи ирода ва жасорат бирлиги, хулқ-ахлоқ, имон-эътиқоди, дунёқараши билан белгиланади. Буюк келажак сари интилувчи мамлакатнинг тарихий вазифаларини фақат юксак ғоявий тарбияли, сиёсий етук, маълумотли, мустаҳкам интизомли, уюшқоқ, ҳеч қандай қийинчилик ва синовлардан қўрқмайдиган кишиларгина шараф билан бажара оладилар. Шундай қилиб, баркамол авлоднинг шаклланиши, кишиларда онглиликни тарбиялаш – амалий ишдир. Кишининг юксак ғоявийлиги ундаги ижодий кучнинг, меҳнат ва курашдаги илҳомнинг манбаидир. Ғоявий тарбия, омманинг онглилиги қанча юқори бўлса,

бунёдкорлик йўлидаги ютуқлар янада кўпроқ ва янада тезроқ амалга ошади. Бу эзгу ишларни амалга ошириш баркамол авлоднинг муқаддас вазифасидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилинган маърузасидан. 2018й 10 декабр
2. Машриқзамин ҳикмат бўстони. “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти. – Тошкент., 1997.
3. https://regulation.gov.uz/oz/document/5179
4. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2019. – 349-б

Маънавий баркамоллик модернизациялашаётган жамият талабидир
Камолова К. Ғ. Фалсафа фани бўйича фалсафа доктори (PhD)

Резюме. Мақолада бугунги глобаллашув даврида юз бераётган турли хил вазиятлар, унинг ёшлар тарбиясига таъсири, таълим-тарбия уйғунлиги ҳамда педагогик масъулият ҳақида сўз юритилган. Маънавий баркамол авлод тарбиясида узлуксизлик тамойили мухим ўрин эгаллаши, тарбия борасида аждодлар меросидан фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтилган.

Таянч сўзлар: “Lost generation”, мафкуравий кураш, тарбия, баркамоллик, таълим тизими, услуб.

Духовное совершенство - требование модернизирующегося общества
Камолова К.Г. доктор философии (PhD) по философии

Резюме. В статье рассматриваются различные ситуации, возникающие в современную эпоху глобализации, их влияние на воспитание молодежи, рассказывается о гармонии образования и воспитании, педагогической ответственности. Обсуждается важность принципа преемственности в воспитании духовно гармонично развитого поколения, использование педагогического наследия в образовании.

Ключевые слова:«Потерянное поколение», идеологическая борьба, воспитание, совершенство, системаобразования, методика

Spiritual perfection is a requirement of a modernizing society
Kamolova K.G. Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy

Summary. This article discusses various situations that arise in the modern era of globalization, their impact on youth education, it is said aboutthe harmony of education and upbringing, pedagogical responsibility. The importance of the principle of continuity in the upbringing of a spiritually harmoniously developed generation, the use of pedagogicalheritage in education were discussed.

Keywords:“The Lost Generation”, ideological struggle, upbringing, perfection, education system, methodology.

ЧЕЛОВЕЧЕСКАЯ ДОБРОДЕТЕЛЬ - ЗАЛОГ РАЗВИТИЯ

Базаров О.
Ўзбекистон миллий университети

Известно, что человек по своей социальной природе управляет своим образом жизни, является самоуправляемым, находится в связи с обществом. Он превращает абстрактные ситуации в реальные через процессы реализации их мыслей, мечтаний и целей. Добро и зло, щедрость и жадность, мужество и трусость, верность и предательство, честность и обман, смирение и гордость, любовь и ненависть и другие подобные качества, и недостатки определяют всю сущность человеческого мира. Другими словами, человек - сложное существо высокого уровня, которое управляет, защищает, направляет и даже формирует себя. Именно это условие требует от каждого стремления к духовному совершенству и постоянного повышения своей духовной чистоты и моральной зрелости.

Много лет назад известный писатель Лев Толстой отметил в своем произведении «Исповедь»: «Всё человечество живёт и развивается на основании духовных начал, идеалов, руководящих его. Эти идеалы выражаются в религиях, в науках, искусствах, формах государственности. Идеалы эти всё становятся выше и выше, и человечество идёт к высшему благу. Я - часть человечества, и потому призвание моё состоит в том, чтобы содействовать сознанию и осуществлению идеалов человечества» [1, 16]. При этом Лев Толстой обратил внимание на необходимость того, чтобы человечество определило направление действий в свете этой ситуации. Направление деятельности связано с духовной зрелостью или духовной неполноценностью в организме человека. В то время как духовная зрелость связана с приобретением человеческих качеств, так духовная порочность определяется пороками и недостатками, а также отклонениями от нормы.

Отсюда «добродетель» и «порок». Пороки иногда называют «отклонениями». Эти понятия имеют особое значение в повседневной жизни каждого человека и определяют отношения человека с обществом. В то время как добродетельный человек впечатляет окружающих своими прекрасными, позитивными человеческими качествами, люди с плохим поведением, напротив, производят негативное впечатление. Более того, чем больше человек приумножает свои качества, тем богаче становится его духовный мир. Это, конечно, важно для роста и развития общества. Добродетели и пороки не оставили наших предков равнодушными с древних времен. Они отметили, что роль этих людей в достижении совершенства, стремлении к совершенству, а также в управлении обществом неоценима. Например, Абу Наср аль-Фараби писал: «Человек не может достичь совершенства в одиночку. Он должен быть на связи с другими с их поддержкой или отношениями». «Человеческие качества делятся на четыре части: теоретические качества, мыслительные качества, творческие качества, возникающие в процессе жизни, и прикладные (профессиональные) качества.

Человек с добродетельными качествами достигает совершенства, а тот, кто достигает совершенства считается счастливым» [2, 38]. Абу Райхан Беруни, размышляя о пороках, которые негативно влияют на воспитание людей, отмечает, что они часто совершаются со злым умыслом. «Чрезмерный гнев ведет к дикости, а несвоевременная мудрость разрушает репутацию» [3, 68], - говорит он. Ибн Сина, с другой стороны, говорит: «Если человек не освободится от мелких разговоров, ссор, скандалов, жалоб, протестов и клеветы, он не сможет избавиться от природы грязи и неполноценности» [4, 43]. Так в чем отражаются человеческие качества? Это сначала появляется в человеческой морали. Мы знаем, что с философской точки зрения этикет состоит из красивых действий, основанных на национальных традициях, которые производят на человека приятное впечатление, но не так важны в жизни общества и человечества. Вежливость также проявляется в сдержанности. Быть вежливым означает способность чувствовать настроение других, понимать их характер и способность относиться к каждому человеку в соответствии с его индивидуальными особенностями.

Кроме того, вежливость проявляется в незнании физических недостатков, которые существуют у других. Хорошо известно, что физические недостатки человека быстро замечаются. Но обращать на это внимание, присматриваться или расспрашивать о недостатке причиняет ему боль, потому что этот взгляд еще более преувеличивает недостаток этого человека. Вежливость проявляется в способности контролировать себя. Только грубый и злой человек отрицательно влияет на свое настроение и окружающих, потому что такой непристойный человек злится на все, ругает других из-за гнева и злит людей. Истинная порядочность проявляется не только в чувстве искренности и благодарности, честности и правдивости, красноречивости, ясности и тщательности, дисциплинированности и аккуратности, чистоте и самообладании, но и в воспитании этих качеств в характере как естественной потребности, повседневной привычке.

Искренность - один из самых прекрасных аспектов человеческой натуры, она выражает невинность, беспристрастность человека. Искренний человек - это тот, кто непредубежден, терпим, ценит работу других и способен выразить благодарность за оказанное ему уважение. Делать добро кому-то и требовать благодарности - значит благодарить, другими словами, за вкус. Делать добро, искренность - это такое высокое благородное достоинство, что его нельзя смешивать с завистью, жадностью, жадностью и эгоизмом. Человек, который говорит, что сделает кому-то добро, не ждет его просьбы. Когда он видит тех, кто нуждается в помощи, он пытается удовлетворить его потребности, даже ищет способы, чтобы нуждающийся сам не узнал. Такая доброта называется искренностью. Чувство искренности неразрывно связано с честностью и правдивостью.

Праведность является признаком порядочности, и только честные и искренние люди могут обладать этим качеством. Честность - это шаг к добру. Махмуд Замахшари говорит о честности: «Честный человек всегда в мире, а человек, который предает и вредит кому-то, обречен» [5, 239]. Тот, кто стремится к истине, достигает совершенства. Искренний, честный человек - это тот, чьи слова и дела едины, а его образ жизни всегда правильный и гладкий. Для такого человека правда, какой бы горькой она ни была, ставится превыше всего.

Человек практичный, хорошо ухоженный, организованный, будет дисциплинирован. Дисциплина человека проявляется не только в процессе труда, но и во взаимоотношениях с людьми. Дисциплина и упорядоченность в каждой работе - это вежливость, а беспорядок - грубость.

По словам известного философа Демокрита (460-370 до н.э.), ни физическая сила, ни материальное богатство не могут сделать людей счастливыми. Истинная и многогранная мудрость ведет людей к истинному счастью. Чтобы быть мудрым, нужно хорошо думать, хорошо говорить и действовать хорошо. Первый обеспечивает душевную свежесть. Хорошее мышление означает правильное суждение о вещах. Второе - это искренность, честность. Третье - это мудрость, которая производит практическое благо. «Вместо того, чтобы красиво говорить о добре, человек должен стремиться к добру» [6, 121].

В заключение, хотелось бы отметить, чтобы быть духовно зрелым, человек должен уметь задать себе несколько вопросов: Во-первых, какова цель жизни? Что такое счастье? Во-вторых, способен ли человек достичь счастья или нет? В-третьих, какой путь лучше выбрать для достижения счастья? (Проблема добра должна учитывать характер и возможности воспитания). В-четвертых, важно знать, что величайшая цель человеческих устремлений - это счастье.

Человек реагирует на каждую ситуацию и событие, которое происходит вокруг него, разными эмоциями. Эта эмоция также возникает из реальных ситуаций и их отражения в уме. Потому что эти явления проявляются в человеческом разуме через определенные мировоззренческие и познавательные процессы. Это позволяет человеку, обладающему знаниями, воображением и идеями, преобразованным в систему ментального сознания, занять достойное место в социальной жизни таким образом, чтобы он имел свой личный образ. Чтобы занять достойное место в общественной жизни, чтобы жить как настоящий человек, каждый должен иметь возможность самообразоваться, стремиться к добру и стремиться только к добродетели в жизни. Только когда в обществе появятся духовно совершенные, гармонично развитые люди, страна будет процветать.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Лев Толстой. Икрорнома. Озод Шарафиддинов таржимаси. –Тошкент, «Маънавият». 1998. – Б -16
2. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент, «Ёзувчи», 2001. – Б. 38.
3. Абу Райҳон Беруний. “Тарвиҳалар. “Жавоҳирот китоби”дан. – Тошкент, «Мерос», 1991. – Б. 68.
4. Абу Али Ибн Сино. Тиббий ўгитлар. – Тошкент, «Меҳнат», 1991. – Б. 43.
5. 111 ватандош алломаларимиз. –Тошкент, «Янги аср авлоди». 2016й.–Б.239.
6. В.Асмус. История античной философии, 121-бет

Человеческая добродетель - залог развития
Базаров О. Ўзбекистон миллий университети

Резюме. Мақолада фазилатлар ва нуқсонлар, уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган. Баркамолликка эришишда инсоний фазилатларни эгаллаш, иллат ва нуқсонлардан четлаб ўтиш лозимлиги ҳақида фикр юритилган. Бундан ташқари, файласуф ва алломаларнинг иқтибослари келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: Фазилат, иллат, одоб, самимийлик, яхшилик, баркамоллик, тубанлик.

Человеческая добродетель - залог развития

Базаров О. Национальный университет Узбекистана

Резюме. В статье освещаются положительные качества и недостатки человека, их роль и значение в общественной жизни. Развивается мысль о необходимости приобретения человеческих качеств, избегания недостатков и пороков для достижения совершенства. Помимо этого, привлекаются мысли философов и ученых по этому вопросу.

Ключевые слова: добродетель, пороки, нравы, искренность, доброта, совершенство, смирение

Human virtue is the key to development

Bazarov O. National university of uzbekistan

Summary. The article highlights the positive qualities and shortcomings of a person, their role and importance in public life. The thought is developed on the need to acquire human qualities, avoiding shortcomings and vices to achieve perfection. In addition, the thoughts of philosophers and scientists on this issue are discussed.

Key words: virtue, vices, manners, sincerity, goodness, perfection, humility

---

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Сабирова Ч.А.

Урганч давлат университети

Замонавий тараққиётнинг постиндустриал босқичга ўтиши жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ижодкор шахснинг мавқеи ва ролини кескин оширди. Бунинг сабаби шундаки, XX ва XXI асрлардаги замонавий техника ва технологияларни самарали ўзлаштиришга фақат яратувчан, муаммога ижодий ёндаша биладиган шахс қодир. Бошқача айтганда, миллатнинг ижодий салоҳияти унинг вакили бўлган ҳар бир шахснинг ижодий шаклланганлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шу каби глобал масалаларга ечим топиш учун таълимни давлат манфаатларидан шахс манфаатлари томон йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, маданий-тарихий ва ижтимоий шароитларнинг ўзгариши натижасида педагогик жараёнларнинг моҳияти ҳам ўзгармоқда. Бу эса ҳозирги замонда мавжуд тажрибаларга эмас, балки кўпроқ янгиликларга, инновацион ёндашувларга таяниш зарурлигини тақозо этади. Айнан шу ғоя ижтимоий-маданий мероснинг асосий бўғини ҳисобланган таълим тизими фаолиятининг бош тамойили ҳисобланиб, таълим жараёнининг мақсадига, унинг мазмунига, шакли ва методларига, педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро алоқаларига, уларнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Таълим жараёнининг тузилишида ижодкор шахснинг шаклланишида асосий ўрин тутган эстетик тарбия масаласи муҳим аҳамиятга эга [1, 12]

Ғарб мамлакатларида изланувчилар хулосаларидаги натижалар эстетик тарбия назарияси ва амалиёти билан солиштирилиши сабабли муҳим аҳамиятга эга. АҚШдаги эстетик тарбиянинг фалсафий асослари ижтимоий-маданий ҳаётнинг пойдеворини ташкил қиладиган фалсафий концепциялар билан чамбарчас боғлиқ (масалан, Дьюнинг прагматизм таълимоти). АҚШ олий таълим тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири фан дастурларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг бир намунага асосланмаганлиги [3, 21]. АҚШда эстетик тарбиянинг фалсафий концепциялари фан ва техниканинг устунлиги билан тавсифланади. Бу устунлик, технократия ва оммавий бир хиллик, ўзликнинг йўқотилиши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Америка маориф арбоблари санъат фалокатдан қутқаради, деб ҳисоблашади. Шу сабабли америка педагогик адабиётларида санъатнинг инсон ҳаётида тутган катта аҳамияти ҳақида сўз юритилади, ҳар бир ўқувчи истеъдодли бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, санъат билан шуғулланиши лозимлиги таъкидланади . АҚШда эстетик тарбиянинг асосий воситаси санъатшунослик машғулотлари ҳисобланади. Бунда бадиий асардан таълим олувчининг бадиий кечинмалари устун. Ҳаётий кузатувлар амалий - бадиий тажриба билан қўшилсагина эстетик аҳамият касб эта бошлайди.

Шунга мувофиқ, АҚШ назариётчиларининг фикрига кўра, шахс ва муҳит ўртасидаги ҳиссий мувозанат ўрнатилиши эстетик тарбиянинг асосий мақсадларидан бири. Ҳиссий мувозанат ғояси Виктор Лоуэрфельднинг “санъат ёрдамида терапия” концепциясида ўз ифодасини топган. Бу концепцияда болалар томонидан ўз фикрларини сўз ёрдамида ифода қила олмасликлари, ўзига бўлган ишончнинг йўқотилиши сабаблари ёритилган. Санъат ёрдамидаги терапияда З.Фрейднинг эстетик тарбия назариясидан ва бихевиористик психология соҳасидан кириб келган атамалар билан бойитилган бўлиб, булар қаторида ўз фикрини ифодалаш (self-expression), ўзини кўрсата билиш (self-realisation), ўзига бўлган ишонч (self-confidence), ўзига баҳо бериш (self-evaluation) каби атамаларни учратиш мумкин. Бундай атамаларни Америка назариясида «personal adjustment», яъни “шахс ва муҳит уйғунлиги” жамловчи атамаси билан номлашади.[2.14]

Франция ва Англия таълим назариётчилари АҚШ таълим тизимини ўзларининг мамлакатлари учун келажак намунаси деб биладилар. АҚШдан фарқли ўлароқ, бу икки мамлакат, айниқса, Франция, эстетик тарбияга нисбатан расмий давлат сиёсати қарашларининг мутаассиблиги билан ажралиб туради. Ўқитувчиларни ёппасига анъанавий санъат таълими тизимларидан мерос бўлиб қолган қоидалар билан танишишга ундайдиган ягона давлат дастурлари (Франция) ва давлат имтиҳонлари тизими (Англия) мавжуд. Ғарб педагоглари бадиий жараённинг назарий таҳлили ва ўқитиш амалиётидаги интуитивликни енгишга

уринишади. Айнан шу вақтнинг ўзида, эстетик тарбия назариётчи ва амалиётчиларининг бир муаммога бўлган қарашлари номутаносиблик касб этибгина қолмай, америка, француз ва инглиз концепциялари ўртасида умумий ўхшашликни учратиш қийин.

АҚШ, Англия ва Францияда бадиий тарбия бўйича мутахассислар ўртасида мулоқот қатор касбий журналлар, шу жумладан, мамлакат ва жаҳон миқёсидаги педагогик жамоалар орқали амалга оширилади. Масалан, АҚШда Бадиий тарбия миллий ассоциацияси, Англияда эса "Санъат воситаси ёрдамида тарбиялаш қироллик жамияти" мавжуд. Бу каби жамиятлар Франция, Италия, Германия ва бошқа давлатларда ҳам фаолият юритмоқда. АҚШ, Англия ва Францияда эстетик тарбия муаммоларига бағишланган махсус йиллик журналлар, кўп ададли китоблар нашр қилинмоқда. Чет эл педагогикаси ва эстетикасининг замонавий йўналишлари фалсафа йўналишлари билан мутаносиб. Ахлоқий-эстетик тарбия бўйича кўплаб изланишларда замонавий фалсафанинг фрейдизм, прагматизм, неотомизм ва экзистенциализм каби йўналишларининг таъсири бўлганлиги сабабли бу изланишлар нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга.

Ғарб мамлакатлари таълим тизимида эстетик тарбиянинг фаол тарбиявий методларига алоҳида урғу беришади. Бу йўналиш тарафдорлари тарбия жараёнида асосийси билим бериш эмас, балки таълимнинг муваффақиятини белгиловчи умумий ривожланишга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблашади. Талаба руҳиятига таъсир ўтказиш уларнинг ақлига таъсир ўтказиш каби муҳим.

Замонавий эстетик тарбия тизимида бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ташаббускорлиги рағбатлантирилади. Мажбурий дастурлар талабалар ўзлаштиришини баҳолаш, имтиҳонлар эскирган деб ҳисобланиб, боланинг ривожланишидаги тизимлиликни таъминловчи "кундалик" методи, сўров анкеталари, ойдинлаштирувчи қизиқишлар каби методларга афзаллик билдирилмоқда. Ўқиш ва ривожланиш, рационаллик ва сезгирлик ёшларда асосий ўқитиладиган фанлар ва билимларни ўзлаштиришда, уларнинг индивидуал ижодий имкониятларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Францияда "эстетик тарбия" тушунчасининг маъноси насбатан торайган бўлиб, ҳозирда у бадиий таълимнинг асосий соҳаси деб тушунилади. Францияда эстетик тарбиянинг фалсафий асослари ҳақида сўз юритиб, бутун француз миллатининг бадиий ёки яхши дидга интилишини унутмаслик лозим. Бу дид барча бадиий сўз усталарининг асарларида, миллий кийим-бошларда ва бошқа элементларда ўз ифодасини топади. Бу дид бутун дунё томонидан Франция маданиятининг ажралмас қисми деб тан олиниб, уни француз халқининг бадиий шаклланиши жараёнида сақлаш ва ривожлантириш лозим деб ҳисобланади, ҳаттоки мамлакат миллий тили унинг санъати даражасида эътироф қилинади [5, 33]. Франция таълим тизимида эстетик тарбияга катта аҳамият қаратилади ва у миллий ривожланиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли ҳам эстетик тарбия масаласи фақатгина иқтидорли талабалар гуруҳига эмас, балки барчасига тегишли.

Таъкидлаш жоизки, Францияда шахс ривожланишида эстетик тарбия қанчалик муҳим бўлса, рассомчилик ҳам шундай аҳамиятга эга. Бу ерда XIX аср охирларида барча таълим муассасалари дастурларига мусиқа, яъни ашула айтиш санъати фани киритилган. Мусиқа таълими жараёнида ҳам рассомчилик дарсларидаги каби анъанавийлик ва барқарорлик кузатилади. Мусиқа бўйича илк дастурлар 1887 йилда яратилган, 1905 йилда улар Маориф вазирлигининг махсус фармойиши билан тасдиқланган, 1938 йилга келиб, бу дастурларга қўшимча кўрсатмалар киритилган. Болалар боғчаларида ашула айтиш санъати бўйича машғулотлар ҳаракатли ўйинлар ва ритмик ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу боғчалардаги байрамларда мусиқа асосий ўринни эгаллаган. Бундан ташқари, мусиқа тинглашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мусиқа бўйича машғулотларнинг асосий мақсади – болаларда эшитиш ва овозни шакллантириш. Бу машғулотлардаги асосий вазифа ва топшириқлар сирасига нафақат қўшиқларни ёд олиш, балки ҳар хил қўринишидаги машқлар, диктантлар ҳам киради. Жўр бўлиб куйлаш босқичма-босқич кичик гуруҳларга бўлиниб, алоҳида куйлашга ўрганиш билан алмаштирилади, мусиқа фани давомида ноталарни ўқишни ўрганишлари асосий талаблардан бири.

Замонавий француз санъати, унинг методологик асослари болаларнинг янги мактабларда эстетик тарбияланишига ижобий таъсир кўрсатади. Изланувчиларнинг эстетик тарбиянинг илмий асослари замонавий психология, фалсафа ва эстетикага, Бергсон, Ницше, Фрейднинг таълимотларига асосланиши керак деб таъкидлаши бежизга эмас. Бадиий тарбиянинг янги тизими асосчиларининг фикрига кўра, ёшларнинг бадиий кўникмаларининг шаклланишида уларнинг ижодий изланувчанлиги ҳамда ташаббускорлиги рағбатлантирилиши лозим. Франция педагогларининг асосий эътибори ёшларнинг бадиий-ижодий ривожланишига қаратилган.

Япония Маориф вазирлиги йўриқномаларида баркамол авлодни вояга етказишда педагог томонидан амал қилиниши лозим бўлган бешта ахлоқий-педагогик қоидалар ўз ифодасини топган: 1. Ахлоқий тарбия асоси – меъёрларнинг бир томонлама сингдирилиши эмас, балки ҳаёт тарзи ҳисобланади. Ўқитувчи талабалар билан кундалик мулоқот қилиш жараёнини самарали бошқариши унинг шахсий намуна кўрсатиши орқали амалга оширилади. 2. Ахлоқий тарбия маълум кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган (ўз феъл-атворини, фикр ва туйғуларини бошқариш; уларнинг оқибатлари учун жавоб беришга тайёр бўлиши, мустақил қарор қабул қилиш, ҳаракат қилиш лаёқати). 3. Ёшларга ўзгаларнинг хоҳиш-истакларини ҳурмат қилиш, унинг жамият ва атрофдагиларга боғлиқлигини англашни ўргатиш лозим. 4. Ахлоқий тарбиянинг асосий шакли – гуруҳий фаолиятни ташкиллаштириш ҳисобланади; унинг самарадорлиги мезони – барча талабаларнинг ишда иштирок этишининг қатъийлиги, ҳаммаси ўзининг ролини аниқ англаши лозимлиги билан белгиланади. 5.

Талабаларни гуруҳ муаммосини ўз шахсий муаммоси деб қабул қилишга ўргатиш, гуруҳ ва жамият меъёр ва қонунларини, уларга амал қилиш лозимлигини уларнинг онгига сингдириш.[6.17]

А-Э тарбия дастурининг асосий мавзуларини шартли равишда 3 гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги мавзулар "миннатдорлик бурчи" тушунчаси билан боғлиқ. Бу мавзулар ўқувчилар ва талабалар томонидан ўз таълим муассасасига тегишлилик ҳиссини тушунишларини мақсад қилиб олади.

Умуман олганда, Японияда инсон ўзини гуруҳнинг (оила, жамоат, фирма) бир қисми дея ҳис қилади. У ушбу гуруҳ фикрларига амал қилишга одатланган ва гуруҳдаги мавқеидан, ўрнидан келиб чиққан ҳолда, ўзини тутиши лозим. У ўз устози, бошлиғидан худди отасидан миннатдор бўлгани каби миннатдор бўлиши, итоат қилишга тайёр бўлиши керак. Айнан шунда "оилавийлик" намоён бўлади. Бу эса мамлакатнинг жамоат ва сиёсий ҳаётида ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, хориж таълим муассасаларидаги ахлоқий-эстетик тарбиянинг фалсафий асослари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, улардаги қатор қизиқарли ва ижобий томонларни таъкидлаш мумкин. Ижобий ва самарали назариялар қаторида Жон Гилфорднинг "ижодийлик" («creativity») назарияси, Чарльз Пирс ва Жон Дьюининг (АҚШ) санъат ёрдамида муаммоларга сифатли ечим топиш назарияси, Герберт Риднинг санъат ёрдамида тарбиялаш назарияси, Альфред Нортон Уайтхеднинг (Англия) санъатнинг ижтимоий роли назарияси, Жаак Маритеннинг (Франция) санъат ёрдамида диний тарбиялаш назариясини айтиб ўтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, хориж таълим тизимида ахлоқий-эстетик тарбия умумий таълимда санъатнинг ўрнини аниқлашга, тор ихтисослашишини енгиб ўтишга, санъатнинг ўқитиш методикасини шакллантиришга, шахс шаклланишидаги ижод омилларини аҳамиятини аниқлашга йўналтирилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Йўлдошев Ж.Ғ Хорижда таълим. – Тошкент, 1995.
2. Imai Yasuo and Wulf Christoph. *Concepts of Aesthetic Education. Japanese and European Perspectives.* European Studies in Education, Volume 24, Waxmann Verlag GmbH, 2007, Munster
3. Gulla A. and Fairbank H.(2007) *Metamorphosis of an idea: The aesthetic education action research faculty development seminar.* New York, Bronx Community College Center for Teaching Excellence
4. Holzer M. (2006) *Teaching and Learning at Lincoln Center Institute.* New York: Lincoln Center for Performing Arts.
5. *Aesthetics and Arts Education.* / edited by Ralph A. Smith and Alan Simpson. Urbana and Chicago: University of Illinois Press, 1991
6. Shusterman, Richard. *Pragmatist Aesthetics: Living Beauty, Rethinking Art*, 2nd edition with a special introduction and a new chapter, (New York: Rowman and Littlefield, 2000).

Бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-эстетиктарбиялаш тизимини такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси
Сабирова Ч.. А. Урганч Давлат университети

Резюме. Бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш тизимини такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда хориж педагог ва психологларинг таълимий, тарбиявий, педагогик қарашлари, ахлоқий-эстетик тарбия борасидаги фикрлари бугунги кун учун нақадар аҳамиятлилиги ушбу мақолада ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: таълим, тарбия, ижодкор шахс, ахлоқий-эстетик тарбия, педагогик жараён, иовацион ёндашув, ўз фикрини ифодалаш, ўзини кўрсата билиш, ўзига бўлган ишонч, ўзига баҳо бериш

Опыт зарубежных стран в совершенствовании системы этического и эстетического образования будущих учителей
Сабирова Ч.А. Ургенческий государственный университет

Резюме: В статье освещается важность опыта зарубежных стран в совершенствовании системы нравственно-эстетического воспитания будущих учителей, а также отмечается ценность воспитательных и педагогических взглядов зарубежных педагогов и психологов в нанравственном и эстетическом воспитании.

Ключевые слова: образование, воспитание, творческая личность, нравственно-эстетическое воспитание, педагогический процесс, инновационный подход, выражение мнения, способность к самовыражению, уверенность в себе, самооценка

Experience of foreign countries in improving the system of moral and aesthetic education of future teachers
Sabirova Ch. A. Urgench State University

Summary. This article highlights the importance of the experience of foreign countries in improving the system of moral and aesthetic upbringingof future teachers, as well as the educational and pedagogical views of foreign teachers and psychologists on moral and aesthetic educationis noted.

Key words: education, upbringing, creative personality, moral and aesthetic upbringing, pedagogical process, innovative approach, expression of opinion, ability to express oneself, self-confidence, self-assessment

ЭКОЛОГИК ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИ – УМУМИНСОНИЙ ЗАРУРИЯТ

Саманова Ш. Б.
Урганч давлат университети

Инсоният ҳамжамияти олдида пайдо бўлаётган кўплаб муммолар орасида толерантлик маданияти энг асосий ўринлардан бирини эгаллайди. XX аср инсониятга катта ижобий ижтимоий-иқтисодий ютуқлар, яъни мустақил давлатлар сонининг ортиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқаро муносабатларининг интеграциялашуви кабилар билан бирга ҳал қилиниши зарур бўлган ижтимоий ва халқаро келишмовчиликларнинг оғир юкини, миллий биқиқлик, буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм ва фундаментализм сингари салбий иллатларни ҳам мерос қилиб қолдирди. Буларнинг

барчаси толерантлик маданиятини умумбашарий қадриятга айлантириш масаласининг қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Толерантлик (лот.tolerantia – чидам, сабр-тоқат), бағрикенглик – ўзгарларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли, чидамли бўлиш. Бу бир-бирига ўхшамаган одамларнинг бирга аҳилликда яшашидир. Яъни толерантлик бу ўзгаларнинг фикри, қарашлари ва хатти-ҳаракатига пассив, табиий равишда буйсунишни англатмайди. Балки алоҳида одамлар, турли гуруҳлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, ижобий ҳамкорлик йўлидаги фаол ахлоқий нуқтаи назар ва психологик ҳамкорликни англатади[4, 416]. Толерантлик ҳар бир инсоннинг ўз фикри, нуқтаи назари, ҳар қандай бошқа маданият, дунёқарашни, эътиқодни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиши, турли миллат ва элат вакилларининг бирга, аҳилликда яшашга интилишидир. Толерантлик маданиятининг тарихий-маънавий негизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Биринчи президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Минг йиллар давомида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди.

Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалари билан, мусулмонлар насронийлар ва яҳудийдар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар... Мовароуннаҳрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз инъикосини топган идеали – Фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизида ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳол эмас”[1, 528-530]. Экологик маданиятнинг асосий вазифаси халқимиз экологик онгини ошириш орқали ҳуқуқий фуқаролик жамияти тамойиллари асосида табиатдан фойдаланишни йўлга қўйиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида, Давлат назорати билан бир қаторда жамоатчилик назоратини кучайтириш, халқимиз онги ва маданиятида она Ватанимиз табиатига бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш, уни асраб-авайлаш ва келгуси авлод учун зарур ҳаётий шароитлар қолдиришимиз кераклигини кўрсатишдир.

Инсон табиатнинг бир бўлаги бўлган ҳолда у билан бўлган муносабат орқали экологик толерантлик шакллана бориши туфайли табиатни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солишда уни бошқариш учун табиат қонунларини кашф қилиб келган. Аммо инсон ўзининг табиатга таъсири орқали ундаги мувозанатни бузди ва табиат ҳодисаларининг даврий мувозанатини издан чиқарди. Ўзбекистонда экологик сиёсатни тубдан ислоҳ қилиш ва уни глобал сиёсатга интеграциялаштириш учун шароит ёратилди ва имкониятлар реаллашмоқда. Бу сиёсий тадбирларини ўтказиш зарурияти мамлакатда экологик хавф реал ҳақиқатга айланганлиги ва дунёда экологик сиёсий муносабатлар глобаллашувидан келиб чиқмоқда. Лекин минтақадаги мамлакатларнинг моддий-техник, молиявий ва информацион ресурслар билан таъминланиш даражаларидаги фарқлар экологик муаммолар ечимига ноанъанавий ёндашувларни, яъни барқарор экологик хавфсизлик сиёсатининг янги “технологиясини” ишлаб чиқишда маънавий-маданий омилга, жамиятнинг интеллектуал салоҳияти потенциалига алоҳида эътибор беришни тақозо қилмоқда. Зеро, глобал экологик сиёсатнинг янги цивилизациялашган неоэкологик модели тарихий шаклланган анъаналарни, маънавий-маданий омилни (масалан, давлатлараро экологик толерантликни) сифат жиҳатидан функционал қайта ташкил қилишга асосланади.

Халқимизда бир мақол бор: «Булоқ суви қуримагунча инсон унинг қадрига етмайди». Дарҳақиқат, неча асрлар давомида инсон ўзининг тараққиёти жараёни билан бирга экология инқирози жараёнини тезлаштирди. Бир сўз билан айтганда, экологик муаммолар аксарият ҳолларда инсоният таъсири остида вужудга келар экан. Ижтимоий онгнинг ўзгариши, қадриятларга нисбатан муносабатларнинг экологик йўналишдаги маънавий маданиятнинг ривожланиши, Ўрта Осиё давлатларининг трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишда келиб чиқаётган ихтилофлар назарда тутилмоқда.сайёрамиз ҳаётига янгича қарашнинг шаклланиши узоқ йиллар давомида ва қийин кечадиган жараён бўлиб, бу ўринда экологик маданият алоҳида аҳамият касб этади.

Экологик билимлар ташвиқоти, аҳолини экологик тарбиялаш ва уларни ўқитиш бўйича ишлар авж олдирилганлигига қарамай, республикамиз олий ва ўрта махсус билим юртларида атроф муҳит муҳофазаси, яъни экология соҳасида бошқа соҳалар каби Давлат нозири сингари мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги кунга қадар йўлга қўйилмаган. Ушбу соҳа учун бу каби мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги кун талабидир.

Инсоният қадимги замонларданоқ табиатнинг бир қисми эканлигини англаб, у ўзининг ҳаракатлари билан табиат ўртасидаги муносабатларни онгли равишда бошқариладиганлигини ҳис қилиб келган. Инсонлар маданияти шаклланиб ривожлана борар экан, табиат инъомлари бўлмиш ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларини бир қанчасини маданийлаштириб, ўзлари учун фойдаланишни амалга ошириш жараёни ҳозирда ҳам давом этаётган жараёндир. Экологик маданиятда инсоннинг экологик этикаси, эстетикасидаги, бадиий ва диний хислатлари ҳам шаклланади. Ана шу этик нуқтаи-назардан ёндашганда табиат умумий уй эканлиги инсоният фаолиятига таалуқли эканлиги унутилмайди [6, 85]. Демак, табиатга маданий — этик жараёндан қараш ҳар бир шахснинг, умуман, инсоннинг бурчидир. Теварак-атрофдаги ҳаётни ҳар бир қиррасининг ўзи қайтарилмас баҳога эга бўлган жараёндир. Экологик маданиятнинг таркибий қисми экологик эътиқоддир. Бу эътиқод табиатга ҳурмат ва иззат билан қараш, натижасида пайдо бўлади. Экологик маданият ҳам кундалик заруриятга айланиши, давлат ривожланиши олдида муваффақият гаровидир.

Толерант хулқ-атворга эга шахсни тарбиялаш масаласига қадимги даврларданоқ, алоҳида эътибор қаратиб келинган. Эркинлик, инсон шахсига ҳурмат, унинг индивидуаллиги каби қадриятлар тизими билан боғлиқликда

мазкур фазилат ноёб ҳодиса сифатида энг қадимги даврлардаёқ, юзага келган. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланган “Авесто”даги ахлоқий тарбиянинг асосини терисининг ранги, тили ва яшаш манзилидан қатъий назар покният, ҳалол, қалбан соф инсонларни тарбиялаш масаласи ташкил этади. Шунингдек, ислом динининг муқаддас манбалари “Қуръони Карим” ва “Ҳадиси Шариф”ларда ҳам инсоннинг бағрикенглиги, меҳр-мурарват кўрсата олиши каби сифатлар улуғланади. Масалан, ҳадисларда бошқа динларга мансуб бўлган кишиларга тазйиқ ўтказиш, қоралаш катта гуноҳ экани айтилиб, одамларни бундай иллатлардан йироқ юришга даъват этилади: “Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан саваланади” [5, 171]. Жамият тарихий тараққиётининг турли даврларида яшаган мутафаккирлар толерантлик ҳодисаси ижтимоий борлиқ барқарор ҳаётийлиги ва ривожланиш истиқболини таъминлашда энг инсонпарвар омиллигини асослаб берганлар.

Шарқнинг машҳур файласуфи, дунёда “иккинчи муаллим” деб ном олган Абу Наср Форобий (873-950) “Фозил одамлар шаҳри” деган асарида толерантлик ҳодисасининг ретроспектив асослари ва генезиси, ҳаракатлантирувчи мотивлари ва механизмлари хусусида: “Баъзилар, одамлар ўртасида табиий ёки ихтиёрий боғланишлар йўқ, ҳар бир одам ўз манфаати учун бошқаларнинг манфаатига зарар етказиши, бири бошқасига бегона бўлиши зарур, мободо улар бирлашсалар ҳам зарурат, мажбурият туфайли бирлашадилар, ўзаро муросага келишсалар ҳам фақат бири ғолиб чиқиб, бошқалари мағлуб бўлганда келишадилар, деб ўйлайдилар.

Бунда улар ташқаридан таъсир этувчи бир куч тазйиқида ўзаро келишувга мажбур бўладилар, агар ана шу куч йўқолса, келишув ҳам йўқолади, яна бегоналашув пайдо бўлади ва улар тарқалиб кетадилар. Инсониятга хос ҳайвоний ақидалардан бири, мана шу ақидадир”[5, 171], деб ёзган фикри мазмунида, умуман ижтимоий ҳодисалар, хусусан толерантлик ҳодисасининг тарихий: объективлиги, абсолютлиги, нисбийлиги, конкретлиги, умуминсонийлиги ва универсаллиги фалсафий мужассамлашган ҳолда ифодаланганлигини кўрамиз.

Турли шакллардаги ва характердаги толерантлик анъаналарининг амалий умумлашган ифодаси Хоразм Маъмун академияси фаолиятида намоён бўлган. Бу даврда Хоразмда мавжуд қулай ижтимоий-маънавий шароит, диний бағрикенглик, сиёсий барқарорлик туфайли табиий ва ижтимоий фанлар ривожланиши учун катта имконият пайдо бўлган. Айниқса, академияда тўпланган йирик олимлардан: Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али Ибн Сино (980-1037), Абу Наср Мансур Ибн Ироқ (X- XI аср), Абу Саҳл Исо ибн Яхъё ал-Масихий (970-1010), Абу-л-Хайр ибн ал-Хаммар (942- 1030) ва бошқа олимлар уюшган жамоаси – турли миллатга мансуб, турли эътиқоддаги кишиларнинг ***илмий толерантлиги*** намунасидир.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилган даврларда турли жабҳаларда ривожланиб, барқарорлашиб бораётган ҳаёт тарзи ўзига хос толерантлик йўналишларини, шунингдек, экологияга нисбатан ҳам толерантлик маданиятини шакллантириш вазифаларини амалга оширилишига асос бўлади. Президентимиз 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлис ва халқимизга қилган Мурожаатномасида ҳам бунга алоҳида тўхталиб: “минтақамизда, бутун дунёда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани бизни жиддий ташвишга солади. Қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттирамиз. Денгизнинг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилаётгани, Оролбўйи ҳудудларида амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободончилик ишлари халқимизни юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишларни янада кучайтирамиз”[3. Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабр, №276] дея таъкидладилар. Бу жараён миллий ўзликни англаш, миллий маданият, миллат келажаги бўлган ёшлар онгида миллийлашув йўналишини таркиб топиши билан боғлиқ. Чунки ёшларимизнинг толерантлик маданиятини англаши аждодларимиздан қолдирилган моддий ва маънавий меросни, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни ўзлаштириш билан бирга, уларда миллий манфаатларни, Ватан тақдири ва мамлакатни хар томонлама тараққиёти учун маъсуллик туйғуларининг мустахкамланишини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабр, №276.
2. Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.260-261; Тарбия: (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). / Тузувчи М.Н.Аминов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.416-417.
3. // Халқ сўзи. 2020 й. 30 декабрь, № 276.
4. Авазов Ш. Экологик педагогика - янга илмий соҳасида –Тошкент, “Ўзбекистон” 1998. 85-б.
5. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” –Тошкент, «Фан». 1993, -Б. 171.

Экологик толерантлик маданияти – умуминсоний зарурият
Саманова Ш. Б. Урганч давлат университети

Резюме. Мақолада, толерантлик маданиятининг тарихий-маънавий негизлари, толерант хулқ-атворга эга шахсни тарбиялаш масалалари ва эркинлик, инсон шахсига хурмат, унинг индивидуаллиги каби қадриятлар тизими билан боғлиқлиги кўрсатилган.

Таянч сўзлар: бағрикенлик, миллий манфаатлар, инсоний бағрикенглик, оилавий бағрикенглик, махаллий бағрикенглик, эл-юрт бағрикенглиги, халклар ва миллатлараро багрикенглик.

Культура экологической толерантности – общечеловеческая необходимость
Саманова Ш.Б. Ургенческий государственный университет

Резюме. В статье рассматриваются исторические и духовные основы толерантности, воспитания человека с толерантным характером и система ценностей таких, как свобода, уважение к человеческой личности и индивидуальности.

Ключевые слова: толерантность, национальные интересы, терпимость человека, терпимость к семье, местная терпимость, терпимость к нации, межнациональная терпимость

The culture of environmental tolerance is a public necessity

Samanova Sh.. B. Urgench state university

Summary. This article deals with the historical and spiritual foundations of tolerance, education of a person with tolerant character, and the system of values such as freedom, respectforhuman personality, and individuality.

Key words: tolerance, national interests,tolerance of a person, family tolerance, local tolerance, tolerancetothe nation, peoples' and nations' tolerance.

АБУ ҲАНИФАНИНГ МЎЪТАДИЛЛИК АХЛОҚИЙ ФАОЛИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Атаджанова Д.У

Урганч давлат университети

Абу Ҳанифанинг илм ва ахлоққа доир фикр мулоҳазалари ҳозирги даврда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган бўлиб, маънавий-ахлоқий, таълим-тарбия масалаларини йўлга қўйишда, баркамол авлодни камол топтиришда ноёб манба вазифасини ўтайди. Абу Ҳанифа ўзининг «ал-Фиқҳ ал-Акбар» асарида бу ҳақида шундай ёзади: «Аллоҳ таоло ўз илми билан доимо билувчидир. Илм азалдан унинг сифатидир. У ўз қудрати ила доимо қодирдир. Қудрат азалий сифатдир. У ўз каломи ила доимо гапирувчидир. Калом азалий сифатдир. У ўз яратиши ила доимо холиқдир. Яратиш азалий сифатдир. У ўз қилиши ила доимо бажарувчидир. Феъл азалий сифатдир. Бажарувчи у – Аллоҳ таолодир. Феъл азалий сифатдир. Бажарилган нарса яратилгандир. Аллоҳ таолонинг феъли яратилган эмас. Унинг азалдаги сифатлари пайдо бўлган эмас, яратилган ҳам эмас. Бас, кимки уларни яратилган ёки пайдо бўлган деса, ёхуд у борада (ҳақ тўхтамга келолмасдан) тўхталиб қолса ё шак-шубҳа қилса, бас, у Аллоҳ таолога кофирдир!» [1,69]. Дарҳақиқат, айнан илм инсон маънавий камолоти, одамийлик ва шу каби ахлоқий фазилатларни қарор топтиришга хизмат қилади, ахлоқийлик, юксак маънавийлик ҳукмрон бўлмаган жамиятда ҳеч қачон адолат ва яхши ишлар, қонунчилик юзага чиқмайди.

Абу Ҳанифанинг ахлоқий қарашларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, инсоннинг фаолиятида ахлоқ-атворида қўлланиладиган мўътадиллик ахлоқий фаолиятнинг йўналиши, кучи, миқдори, унга сарф қилинадиган вақт билан ва қандай қилиб, қаерда амалга ошириш кераклиги билан белгиланиши зарур бўлади. Албатта, бундай меъёрни аниқлаш мушкул бўлиб, шу сабабдан, ислом мутафаккирлари ва алломаларининг бу ҳақдаги фикрлари фақат хос учун бўлиб, авом учун бўлмаган. Ушбу ҳолат фазилат ва иллатларни ажратишда ва баҳолашда турли муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлган. Абу Ҳанифанинг исломий асосларга таянган ахлоқий қарашларининг мустаҳкамлигини Ибн ас-Саббоҳ қуйидагича изоҳлайди: «Абу Ҳанифага бирорта масала келса, саҳиҳ ҳадис бўлса унга эргашарди, агар у саҳоба ёки тобеъиннинг гапи бўлса ҳам. Агар бундай бўлмаса, шундагина қиёс қиларди. Қиёси ҳам қандай чиройли бўларди!» [2,30]. Абу Ҳанифа фиқҳни чукур билиши билан бир қаторда кучли идеал ва маънавий жасоратга эга инсон эди, у ҳақиқатга ишонаман ва биламан деб айтишдан ва у билан курашишдан қайтмаган. У бу йўлда кўплаб қийинчиликларга дуч келган. У Умавийлар ва Аббосийлар даврида халифа ва ҳокимларнинг таъқиб қилинишига қарши очиқчасига қарши чиқади, халифаларнинг совғаларидан ҳеч бирини қабул қилмайди ва уларнинг нотўғри ва адолатсиз муносабатларини маъқулламаслик ва уларга халқ олдида адолатни қарор топтириш учун қийноқлар ва қамоқларга чидашни афзал кўрди. Шубҳасиз, ушбу таклифларнинг рад этилиши Абу Ҳанифанинг жазоланишига сабаб бўлади. Бу ҳақида Абу Ҳанифа: «Агар у менга Васит Масжидининг эшикларини санашни таклиф қилса, мен буни қилмас эдим», деб жавоб берди ва у бу фикри билан умавийлар ҳукуматига бўлган муносабатини аниқ кўрсатади. Унинг ҳукумат билан яхши муносабатлари Аббосийлар халифаси Мансур даврига тўғри келади. Бироқ, у Мансур даврида ҳам худди шундай муносабатда бўлиб, ўзининг адолатсиз ва ўзбошимчалик амалиёти воситаси бўлишдан қатъий равишда қочган ва халифани очиқчасига танқид қилган. Беззазийнинг сўзларига кўра, Мансур Мусул аҳли билан тузган шартномада, Мусул аҳли, агар улар халифага қарши чиқсалар, уларнинг қони ва моллари ҳалол деб қабул қилинишини қабул қилишган. Кейинчалик, Мансур келишувга биноан исён кўтарган ва атрофидаги олимларнинг фикрини сўраган Мусул аҳлини жазоламоқчи бўлди. Улардан баъзилари халифага: «Агар уларни кечирсангиз, сиз мағфират аҳли орасида бўласиз, агар уларни жазоласангиз, улар бунга лойиқдир», деб жавоб берган бўлсалар, Абу Ҳанифа ўз фикрларини қуйидагича баён қилган: «Улар сизга тегишли эмаслигини белгилаб олдилар ва сиз ваколатли бўлмаган нарсани қабул қилдингиз. Чунки мусулмоннинг қони фақат учта нарсадан бири билан ҳалол бўлиши мумкин. Агар сиз уларга қарши қилич ишлатсангиз, бу учта нарсадан ташқари, қонуний бўлмаган ишни қиласиз. Шубҳа йўққи, ҳурмат қилинадиган шартлар Худо томонидан белгиланган шартлардир»[3,50].

Абу Ҳанифа нафақат халифани балки ўз даврининг машҳур олимлари ва қозилари берган нотўғри қарорларни ҳам танқид қилди. Масалан, Абу Ҳанифа шогирдлари билан Куфа Кади Ибн Абу Лайли томонидан берилган фатволарни муҳокама қилган ва унинг хатоларини аниқ кўрсатиб ўтган ва бундан безовта бўлган Ибн Абу Лейланинг халифа томонидан унинг шикояти ва илтимосига биноан фатво бериш тақиқланганлиги айтилади. Ҳақиқатни излашда ва унга эргашишда ниҳоятда самимий бўлган Абу Ҳанифа, бошқаларнинг қарашларига тоқат қилар, ўз ҳукмининг тўғрилигини талаб қиладиган ва уни муҳокама қилишга имкон бермайдиган фанатизмни ўз фаолиятида намоён қилмаган. У ҳар кимга ўз маърузаларида сўзлаш ҳуқуқини берган, қарама-қарши фикрларни тинглаган ва шогирдларини ўз эътиқодларини қабул қилишга мажбурламаган. Муҳокама охирида у хулоса қилиш учун у: «Бу бизнинг фикримиз ва биз эриша оладиган энг яхши фикр. Агар

кимдир бундан яхшироқини топа олса, унинг фикри тўғри эканлигига шубҳа йўқ»[4,90] ва у бошқа қарашларга ҳам бағрикенглик билан қарайди ва бу борадаги илмий изланишларни рағбатлантиради. Бугунги кун олимлари Абу Ҳанифа билим, тақво, сахийлик, одоб-ахлоқ, камтарлик ва жасорат каби фазилатлар нуқтаи назаридан камдан-кам учрайдиган исломшунос олим эканлигини алоҳида таъкидлайдилар.

«Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилганлари 17 (ўн етти)тагина ҳадисга етади, деган бўҳтон илк бор Ибн Халдун раҳимаҳуллоҳнинг ҳамма мақтайдиган, инсоният тарихида жамиятшунослик фанига асос солган «Тарих» асарининг «Муқаддима»сида келтирилган. Энг ажабланарлиси шундаки, Ибн Халдун раҳимаҳуллоҳ китобида келган юқоридаги айбловни баъзи аҳли илмлар ҳам нақл қилиб юришади, гапириб қўйишади. Ҳолбуки, дунё тан олган бир олимга нисбатан ҳақорат бўлган бундай гапни гапириш ҳаромлигига шак-шубҳа йўқ! Фақат уни рад қилиш учунгина гапириш мумкин, холос»[5,80]. Абу Ҳанифа фиқҳ масалаларини ҳал қилишда маълум бир услубни аниқлаган ва уни тизимлаштирган биринчи исломшунос олимдир. Аслида у ўрнатган тизим фиқҳ тарихидаги биринчи мазҳабнинг туғилишига ва биринчи имом деб номланишига олиб келган эди. Абу Ҳанифа муаммоларни ҳал қилишда тўртта далил деб номланган Эдил-и шаръия тушунчасини ўз нуқтаи назаридан қайта тузди. Агар уларни қисқача кўриб чиқсак: Китоб: Абу Ҳанифа ўз фикрини Қуръон оятларининг кўринишига эмас, балки аломатларига қараб билдирди. Унга кўра, ҳар бир оятда ибодат ҳақидаги оятлардан ташқари айтилган фармон ортида сабаб топилиб, шунга мувофиқ равишда фатво берилиши керак. У суннатларнинг ақл ва жамоат манфаатларига мос бўлиши керак деган фикрни илгари суради, чунки у суннатларнинг келиб чиқиши ва қандай қилиб ҳисобот беришига диққат билан қарайди.

Ҳозиргача айтиб ўтилган тўртта асосий далиллар фиқҳ томонидан ушбу масалани ҳал қилишда ва Абу Ҳанифага қадар бўлган олимлар томонидан тортишувсиз фойдаланилган воситалардир. Имом ушбу воситаларни қайта изоҳлайди ва ундан ўзига хос тарзда фойдаланиш йўлларини кўрсатиб ўтади. Ушбу анъанавий далилларга бешдан бирини қўшиб, у бу борада фиқҳ соҳасидаги ўзининг ҳақиқий инқилобий ғояларини илгари суради. Ушбу усулни фиқҳ илмига киритиш орқали Абу Ҳанифа Исломни вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин бўлган шароитларга мослаштиришни мақсад қилган эди. Исломда диний фармонлар асос бўлган манбалар тўртта: китоб, суннат, ижма ва қиёсдан иборат. Бу шари (аҳд далиллар) умумий маънода ислом ҳуқуқшунослигининг муҳим манбалари сифатида қайд этилади. Бошқача қилиб айтганда, аҳд далиллар ҳукм чиқаришда қўлланиладиган тамойиллар сифатида ҳам ифодаланади.

Имом Абу Ҳанифа суннатни аниқ ва эҳтиёткорлик билан ёндашишни мусулмонлар ҳаётининг қонуни сифатида ислом ҳуқуқшунослигининг иккинчи манбаи сифатида қарайди. Бу биринчи навбатда унинг суннатга бўлган самимийлигининг ифодаси эди. Шу билан бирга, шуни ёдда тутиш керакки, ўша кунларда ҳадис илми ҳали тўлиқ ривожланмаган ва саҳиҳ ҳадислар тўпланмаган эди. Бундан ташқари, жамият ҳаётида тобора кучайиб бораётган сиёсий кураш ва диний зиддиятлар шароитида ҳадисларни нотўғри талқин қилиш ва бузиб кўрсатишнинг амалий имконияти мавжуд эди. Маълумки, ижмо муштаҳидларнинг жамоавий бошқаруви сифатида ислом фиқҳининг учинчи манбаи ҳисобланади. Бироқ, ўзининг мустақил ва ҳуқуқий мақомини олиш жараёни жуда мураккаб кечган эди. Чунки бу ҳодиса кучли интеллектуал зиддиятлар шароитида содир бўлди. Шу муносабат билан кўплаб масалалар, аввалambор, ижтиҳод ҳуқуқининг аниқ меъёрлари, бирлаштирилган фазилатлар, фикрлар чегаралари, келишувни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш узоқ мунозараларга сабаб бўлди. Ўз навбатида, ижмо ислом фиққининг кенг қамровли ва самарали ҳуқуқий тизим сифатида шаклланиши ва ривожланишида қимматли тарихий рол ўйнади.

Олимлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ислом тафаккурининг ривожланишига кўмаклашди, яратилиш ва ижод руҳини кучайтирди, ислом фиқҳ тизимининг илмий ва интеллектуал асосларини мустаҳкамлади ва ижод, тараққиёт ва ривожланишни мусулмонларнинг ижтимоий ҳаётининг муҳим йўналишига айлантирди. Шу нуқтаи назардан, Абу Ҳанифанинг ижмога ислом ҳуқуқининг манбаи сифатида мустақил мақом беришдаги ҳиссаси жуда ката ҳисобланади. Бизга маълумки, ислом цивилизацияси IX-X асрларда ривожланиб, исломий жамият етакчи дунё ҳамжамиятига айланди. Шу тарзда ижмодан кенг фойдаланилди ва ижтиҳоднинг «эшиклари» очилди. Жамиятнинг фаол ва қудратли қисми ўтмиш ва ҳозирги замоннинг буюк қадриятларини билиб олди ва етакчи мавқеини сақлаб қолишга интилди. Бироқ, бу ҳақиқатни эътиборсиз қолдириб бўлмайди, чунки жамият муайян визуал ва интеллектуал муаммоларга дуч келди. Биринчидан, диний масалаларнинг устуворлиги туфайли ижмога киришиш жуда қийин бўлган. Айниқса саҳобалар ва уларга эргашувчиларнинг диний ва ижтимоий обрўси юқори бўлган даврда буни амалга ошириш анча мураккаб масала эди. Иккинчидан, консенсус масалалари ва мавзулари доираси нисбатан чекланган эди. Учинчидан, фикр доирасининг кенгайиши ва ғоявий, интеллектуал ва ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кучайиб бориши сабабли ижмоънинг татбиқ этилиши ва амал қилиниши исломий уммат учун бир хил бўлмаган. Тўртинчидан, ижмоънинг ислом ҳуқуқшунослигининг муҳим манбаларидан бири сифатида шаклланиши ғоявий тенденциялар (калом ва фалсафа) ва анъанавий фаннинг муҳим йўналишлари, жумладан тарих, география, астрономия, математика, тиббиёт ва бошқаларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши шароитида содир бўлди. Бу, албатта, жамиятнинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятларига катта таъсир кўрсатди. Бешинчидан, ижмоъ мураккаб ва ноаниқ маънога эга бўлган эволюцияга ва янги ижтимоий ҳодисаларга муносабат билдиришнинг тарихий ва ҳаётий эҳтиёжининг аниқ ифодаси бўлиб, уларни изоҳлашни қийинлаштирди.

Юқорида айтиб ўтилган омилларни ва жамиятнинг тобора ортиб бораётган талабларини англаган ҳолда, имом Абу Ҳанифа ислом ҳуқуқшунослигининг яна бир манбаси - қиёсдан фойдаланишни бошлади. Ушбу фонда таққослаш мантиқий ва рационал далилларни қўллашнинг кенг доирасига айланди. Ўша вақтдан бошлаб

Қуръон ва Суннатдан олинган фиқҳга оид билимларнинг тўртдан уч қисми буюк имомга тегишли эди. Кутилганидек, таққослаш фиқҳ масалаларини ҳал қилишда Қуръон ва ҳадисларнинг кўринишига тақлид қилиш тарафдори бўлган аниқ қарашлар ва догматик ўзига хосликларга эга гуруҳлар ўртасида тортишувлар ва ҳатто келишмовчиликлар мавзусига айланди. Қиёс кўрсатмалар ва фикрлар билан табиий ва мантиқий алоқада бўлган. Аналогияни ечишда фойдаланилган масалалар умумий характер ва мазмунга эга, ўхшаш ва бундан ташқари, ижтимоий амалиётга жуда яқин. Шуни таъкидлаш керакки, таққослашнинг асосий ва асл манбаи бу Қуръон қоидалари ва Пайғамбаримиз ҳадисларидир. Қиёс уларнинг ўзига хос ва принципиал алоқасини сақлаб қолди ва шу билан бирга инсониятнинг ижтимоий тузилишининг ўзига хослиги ва мураккабликларига тобора кўпроқ эътибор қаратди ва унинг мураккаб томонларини тартибга солишда муҳим рол ўйнади. Ислом ҳуқуқшунослигида қиёснинг тобора чуқурлашиб бориши аста-секин вужудга келаётган фиқҳ тизимининг янада кенгроқ хусусиятга эга бўлишига ёрдам берди. Бунинг шарофати билан ислом цивилизацияси катта кучга эга бўлди ва буюк инсоний маданий мерос ва исломий қадриятларни юзага келтирди.

Имом Абу Ҳанифа ўзининг туғма даҳоси ва топқирлиги билан урф-одатлар умуман ҳаётни ва жамиятни тартибга солишнинг самарали манбаи бўлиши мумкинлигини тўғри англаган. Ушбу қадриятлар узоқ йиллик тажрибанинг натижасидир ва инсониятнинг топқирлиги ва ижтимоий бағрикенглиги билан бутун тарих давомида ривожланиб келган. Табиийки, уларнинг тарихий, ижтимоий ва маънавий таркиби мураккаб ва баъзан зиддиятли бўлган. Бу ҳақиқат ҳақиқий ва аниқ инсоний маънога эга. Улар миллатлар ва халқларнинг тарихий мафкураси ва ижтимоий дунёқарашида қимматли ўринларга эга. Уларнинг ўзига хос маънавий-ахлоқий меъёрлари ва қадриятлари кўпинча дунёнинг асосий динлари, биринчи навбатда муқаддас ислом дини тамойиллари ва қадриятларига мос келиши муҳим ҳақиқат эди. Ушбу масалани аниқ англаган ҳолда, буюк имом ушбу самарали ижтимоий институтлардан фойдаланиш ва улардан фойдаланишни кенгайтиришни мақсадга мувофиқ деб билди.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, ислом дини ва Абу Ҳанифанинг ахлоқий қарашлари тарихи шундан далолат берадики, иймон эътиқоди, ахлоқий фазилатлари, маънавияти кучли, миллий масъулият туйғуси қалбда жўшиб турган, маънавий баркамол инсонларга эга давлатнинг мустақиллиги абадий бўлади ва барқарор ривожланиб олади, жаҳон цивилизациясига ўз муносиб ҳиссасини қўша олади. Иккинчидан, ахлоқ ва илм эгаллаш одоби хақида Ислом таълимотида жуда кўп фикрлар баён этилган. Ислом таълимотида баркамол авлод тарбияси бугунги кунда ҳам ёшлар учун ҳаёт мазмунини белгилашда асосий калит вазифасини бажариши, шубҳасиздир.

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Ханифа Нўъмон ибн Собит. “Ал-Фиқҳ Ал-Акбар”.
2. Хатиб Бағдодий. 15-жилд. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 2001. – Б. 466.
3. Bezzâzî, Menâḳıbü’l-İmâmi’l-Aʿẓam (Muvaffak b. Ahmed el-Mekkî, Menâḳıbü 4.Ebî Ḥanîfe içinde), Beyrut 1401/1981, II, 201-202.
4. Hatîb, Târîḫu Baġdâd, XIII, 324-330, 333-334, 352, 360, 368, 416, 421-422.
5. Қаранг; Абдурраҳмон ибн Халдун. Муқаддимату Тарих. 1-жилд. – Байрут: Дор ал-фикр, 2001. – Б. 561.; https://islaminstitut.uz/6817.

Абу Ханифанинг мўътадиллик ахлоқий фаолият тўғрисидаги қарашлари
Атаджонова Д.У. Урганч давлат университети

Резюме. Мақолада**,** Абу Ханифанинг илм ва ахлоққа доир фикр мулоҳазалари, маънавий-ахлоқий, таълим-тарбия масалалари, айнан илм инсон маънавий камолоти, одамийлик ва шу каби ахлоқий фазилатларни қарор топтиришга хизмат қилиши ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Таянч сўзлар: инсон фаолияти, хулқ-атвор, ахлоқий қарашлари, иймон эътиқод, ахлоқий фазилат, маънавият.

Взгляды Абу Ханифы об умеренности и нравственной деятельности
Атаджонова Д.У. Ургенческий государственный университет

Резюме. В статье описываются взгляды Абу Ханифы на науку и этику, духовно-нравственные, образовательные вопросы и идею о том, что наука служит для определения духовной зрелости человека, человечности и аналогичных моральных качеств.

Ключевые слова: деятельность, поведение, нравственные взгляды, вера, убеждения, моральные качества,духовность

Abu Khanifa’s views on moderate moral activity
Atadjonova D.U. Urgench State University

Summary. The article discusses Abu Khanifa’s views on science and ethics, spiritual-moral, educational issues, and the idea that science serves to determine human spiritual maturity, humanity, and similar moral qualities.

Key words: human activity, morality, moral views, faith, convictions,moral virtue, spirituality.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Хасанов У.Ю.
Давлат хавфсизлик хизмати академияси

Маълумки, Ўзбекистонда инновацион технологиялар ютуқларини иқтисодиётнинг барча соҳаларига кенг жалб этиш иқтисодиёт ривожланишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат томонидан инновацион тизимларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, ҳусусан озиқ-овқат саноати корхоналарида ҳам ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий

технологияларни жалб қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда саноат тармоқларига инновацион технологияларни кенг жалб қилиш бўйича республика раҳбарияти ва ҳукумати томонидан бир қатор меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Жумладан, 2019 йил 29 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** ПҚ-4406 сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги **"2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги №526-сонли Қарорлари ва бошқа меъёрий хужжатлар қабул қилиниб, макамлакатимизда иқтисодиётнинг турли соҳаларида жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш саноатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб берилган.[1],[2].

Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилда Қорақалпоғистон Республикасида **14 трлн. 144,8 млрд.** сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, саноат ишлаб чиқаришнинг индекси ўтган йилга нисбатан **104,1 %** ни ташкил этган. Бундан кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми **2 трлн. 127 млрд.** сўмни *(жами саноат маҳсулотлари хажмининг 15,6 % ни ташкил қилган)* ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар ва уй хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса **1 трлн. 180,3 млрд.** сўмни *(8,3 %)* ташкил этган. Саноат соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар 2019 йилда **2 294** тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда уларнингсони **2 884** тага етган *(125 % га ошган)*.

Шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан **7 трлн. 792,9 млрд.** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бунда қўшма корхоналарнинг саноатдаги улуши **55,1** % ни ташкил этган. [3]

Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида йўналишларидан бири бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқариш **2 трлн. 105,2 млрд.** сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2019 йилдагига нисбатан **111,5 %** ташкил қилган. Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ҳисобланган картошка етиштириш **85,7** минг тоннани *(2019 йилга нисбатан 2,4% га ошган)*, сабзавотлар **187,7** минг тонна *(2019 йилга нисбатан 5,1% га ошган)*, гўшт **110,7** минг тонна *(2019 йилга нисбатан 3,6% га ошган)*, балиқ **14 252** тонна *(2019 йилга нисбатан 10,9 % га ошган)*, сут маҳсулотлари **403,8** минг тонна *(2019 йилга нисбатан 4,5% га ошган)* ҳамда тухум **338,4** млн. донани *(2019 йилга нисбатан 5,0% га ошган)* ташкил қилган бўлсада, бироқ аҳоли эхтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида маҳсулотлар республикамизнинг бошқа вилоятларидан олиб келинмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурига асосан, Қорақалпоғистон Республикасида 2020 йилда **35** та *(2019 йилда 10 та)* лойиҳалар амалга оширилиб, натижада **538** та *(2019 йилда 302 та)* янги иш ўринлари яратилган бўлсада, келажакда бу борада кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга эхтиёж мавжуд. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг "Йўл ҳаритаси"га асосан 2020 йилда қишлоқ хўжалигида **21 000** гектар суғориладиган ер майдонларини қайта фойдаланишига киритиш режалаштирилган бўлиб, амалда **11 905** гектар ерлар фойдаланишга олинган *(Беруний тумани- 306 га, Бўзатов-35 га, Кегейли-187 га, Мўйноқ-2 647 га, Нукус-1590 га, Тахиатош-191 га, Тахтакўпир-928 га, Тўрткўл-329 га, Хўжайли-224 га, Қонликўл-1513 га, Қораўзак-349 га, Қўнғирот-1423 га, Чимбой-1154, Шуманай-765 га)* ва **6 715** гектар майдонларга асосий турдаги қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилган. Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат саноатини ривожланиши ўз-ўзидан қишлоқ хўжалигида деҳқон фермер ва томорқа ер эгалари фаолиятининг ривожланишига боғлиқ бўлиб, биринчи навбатда ушбу тизимга замонавий инновацион технологияларни жалб қилиш орқали рентабелликни ошириш, хорижий инвесторлар иштирокидаги агросаноат корхоналарини кўпайтириш, мавжуд қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш учун қулай шароитларни яратиш талаб этилади.

Шунингдек, озиқ-овқат саноатини минтақалар бўйлаб жойлашуви ва ривожланишида табиий-иқтисодий шароит, умумий инфратузилманинг ривожланганлиги, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати ҳамда ишчи кучларининг мос келиши каби омиллар муҳим ўрин тутади. Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда аввало қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, яъни ҳосилдор навларни амалиётга кенг жорий этиш, етиштирилган маҳсулотларни сифатли сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда аграр секторда экспорт салоҳиятини ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда қуйидаги ташкилий тадбирларни амалга ошириш устувор вазифалардан ҳисобланади: пахта ва бошоқли дон экинларини камайтириш эвазига картошка, сабзавот, полиз ва интенсив боғларни кенгайтириш ва оптималлаштириш; қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тармоққа интенсив ва сув тежамкор технологияларни жорий қилиш; қишлоқ хўжалиги экинларини турли касалликлар ва заруркунандаларга чидамли, маҳаллий иқлим шароитларига мослашувчан янги навларини ҳамда чорвачиликда маҳсулдор зотларни яратиш борасида илмий тадқиқотларни жадаллаштириш, ҳар бир агрокластерларни қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий текшириш марказлари билан доимий алоқаларини йўлга қўйиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва экспортини амалга оширувчи агрокластерларни кўпайтириш

ҳамда уларни давлат томонидан имтиёзли қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш ва соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4406 сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №526-сонли Қарори.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси “Статистик ахборотномаси”, 2021 йил январь.

Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг айрим муаммолари
Хасанов У.Ю. Давлат хавфсизлик хизмати академияси

Резюме. Мақолада Қорақалпоғистон Республикасида озиқ овқат саноатини ривожлантиришнинг айирим муаммолари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек мақолада саноат тармоқларига инновацион технологияларини кенг жалб қилиш бўйича талаб ва таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: озиқ-овқат саноати, инновацион технологиялари, деҳқон-фермер хўжаликлари

Некоторые проблемы развития пищевой промышленности в Республике Каракалпакстан
Хасанов У. Ю. Академия службы государственной безопасности

Резюме. В статье рассматриваются некоторые проблемы развития пищевой промышленности в Республике Каракалпакстан. В статье также приведены требования и предложения по широкому использованию инновационных технологий в отраслях.

Ключевые слова: пищевая промышленность, инновационные технологии, фермерские хозяйства

Some problems of the development of the food industry in the Republic of Karakalpakstan
Khasanov U.Yu. State Security Service Academy

Summary. The article discusses some problems of the development of the food industry in the Republic of Karakalpakstan. The article also provides requirements and suggestions for the widespread use of innovative technologies in industries.

Key words: food industry, innovative technologies, farms

ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ АҚШ ВА БУЮК БРИТАНИЯ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Бабакулов З. К.
Тошкент давлат юридик университети

Жаҳонда товар белгилари муносабатларининг ранг-баранг хусусият касб этиб бораётганлиги нуқтаи назардан ҳуқуқий тартибга солишнинг халқаро қонунчилик асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан ҳаммага маълум (бренд) товар белгиларининг иқтисодий сердаромад манбаа эканлигини ҳисобга олиб, унга эгалик қилувчининг моддий манфаатдорлигини халқаро даражада ҳимоя қилишнинг махсус механизмларини ишлаб чиқиш, товар белгиларидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилишнинг самарали ва такомиллашган тартиб-таомилларини жорий этиш, интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасига оид нормативҳуқуқий базани тизимлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириши билан боғлиқ масалаларнинг қонунчилик ечимини кўрсатиш долзарб аҳамиятга эга. Шуни билишимиз керакки, бундан кейинги келажагимиз айнан интеллектуал қобилият ва ғояларга бой бўлган ва уни амалга ошира оладиган инсонлар қўлида бўлади. Чунки, инсон ғояси ва унинг интеллектуал салоҳияти асосида яратилган моддий ва номоддий капитал келажакни мисли кўрилмаган даражада ўзгартириши, ҳаттоки интеллектуал салоҳияти кучли бўлган давлат бошқа давлатларга ўзининг иқтисодий, сиёсий таъсирини ўтказиш имконига ҳам эга. Масалан, Дубай амирлиги қачонлардир дунёда нефт қазиб олишда етакчи бўлган бўлса, ҳозирга келиб ақлли шаҳарлар қуриш, турли инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва уни жорий қилишда тараққий топиб бормоқда.

Дунёда товар белгилари сони ортиб бораётган бир шароитда унга эгалик қилувчи шахснинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилиш асосларини такомиллаштириш масалалари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда 2019 йилда 14,321,800 миллион товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар берилган. 2016 йилда ушбу кўрсаткич 9.768.200 миллионни ташкил қилган бўлиб, 2015 йилга нисбатан 16.4 фоизга кўпдир. 2019 йилда товар белгисини рўйхатдан ўтказишда талабномалар бериш бўйича Хитой (51,4 %), АҚШ (4,5 %), Япония (3,6 %), Европа давлатлари (2,7 %) ва Эрон Ислом Республикаси (2.7 %) етакчи ҳисобланади [1]. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ва унга нисбатан шахснинг мутлақ ҳуқуқларини белгилаш тартиби ва шартлари турли давлатлар қонунчилигида турлича акс этган. Масалан, АҚШ давлатида товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун унинг эгаси ушбу товар белгисидан “амалда”, албатта, фойдаланган бўлиши лозим. Агар шахс ушбу шартга риоя қилмай товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берган бўлса, берилган талабнома кўриб чиқилмайди ва у рад этилади.

АҚШ давлатида 1989 йил 16 ноябрдан сўнг товар белгиларини рўйхатга олиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш Лэнхэм (Lanham (Trademark) Act.) (15 U.S.C.) Федерал қонуни ҳамда Товар белгилари тўғрисидаги амалий Қўлланма (Rules of practice in trademark Cases) билан товар белгилари ҳуқуқий тартибга солиниб келинмоқда. Шунингдек, АҚШнинг ҳар бир штатида товар белгиларини тартибга солиш билан боғлиқ махсус қонунлари амал қилади.

Юқорида таъкидланганидек, АҚШ давлати дунёда товар белгиларини рўйхатдан ўтказишда унинг амалда фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотни талаб қилувчи ягона давлат ҳисобланади [2]. Товар белгисидан фойдаланиш, ушбу давлат қонунчилигига мувофиқ оммалаштириш (жамоат орасида намойиш этиш, радио ва телевидение орқали оммалаштириш тушунилса) амалда реал товар ишлаб чиқариш муносабатларида қўлланилишини тушуниш мумкин [3]. Товар белгисидан реал фойдаланишда шахс маълум белги остида маълум сондаги истеъмолчига маҳсулот сотган ёки ушбу товар белгиси остидаги маҳсулотни сотиб олиш бўйича шартнома тузилганлик факти асосида ўз товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома беришга ҳақли. Иккинчидан, Лэнхэм қонунининг 1065(3)-моддасига кўра товар белгисига нисбатан ҳуқуқий муҳофаза тақдим этилгандан кейин унинг эгаси томонидан товар белгисига нисбатан назорат амалга оширилганлигини ва ундан амалда фойдаланганлигини тасдиқлаши ва рўйхатдан ўтказилгандан сўнг беш йил муддат ўтгач товар белгисидан фойдаланганлиги тўғрисидаги маълумотни эълон қилишга мажбур [4]. АҚШда товар белгилари Асосий [5] ва Қўшимча [6] рўйхатдан ўтказиш тартиби амал қилади. Товар белгисини Асосий реестрда рўйхатга олиш, унга нисбатан шахснинг мутлақ ҳуқуқлари вужудга келганлигини ва ҳуқуқий муҳофаза қилинишини, Қўшимча реестрда рўйхатга олишда эса унинг ҳуқуқи муҳофазаси остига олинмаганлигини англатади. Товар белгисини Қўшимча реестрда рўйхатга олиш, декларатив хусусиятга эга бўлса ҳам товар белгиси эгасига қуйидаги ҳуқуқларни тақдим қилади: белгидан фойдаланганлик факти билан рўйхатга олиш; шахснинг белгига нисбатан ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан Федерал судга шикоят қилиш; белгини кейнчалик маълум ва машҳур бўлиб кетиши натижасида Асосий реестрга киритиш; Асосий ёки Қўшимча реестрга киритилган товар белгиси билан учинчи шахснинг ушбу белги билан бир хил ёки унга ўхшаш белгиларни рўйхатга олишни рад этилишини талаб қилиш.

Шунингдек, АҚШда товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ яна бир ўзига хос жиҳат, шахс товар белгисини рўйхатдан ўтказишда унинг ушбу белгидан қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадининг кўзлангани аниқ кўрсатилиши талаб этилади. Агар белгини рўйхатдан ўтказишга топшириш вақтида ушбу рўйхат кўрсатилмаса: **биринчидан,** берилган талабнома ишлаб чиқарилиши мўлжалланган товар тўғрисида ёлғон маълумот берганлиги оқибатида бекор қилинади; **иккинчидан,** рўйхатда кўрсатилган товарлар учун фойдаланилмаётган олдинроқ рўйхатга олинган товар белгиси учинчи шахс томонидан рўйхатдан ўтказиш учун берилган белги билан бир хиллиги оқибатида рўйхатдан ўтказиш рад этилишига олиб келади.

АҚШда товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун: ундан амалда фойдаланганлик (use in commerce) Лэнхэм қонунининг 1051(3-С)-моддаси; фойдаланиш истагининг мавжудлиги (intent to use) Лэнхэм қонунининг 1025-моддаси; бошқа давлатда рўйхатдан ўтказилганлиги (registration of a mark in a foreign applicant's country of origin) Лэнхэм қонунининг 1026-моддаси; белгини бошқа давлатда рўйхатдан ўтказиш учун берганлиги тўғрисидаги маълумот (claim of priority, based upon an earlier-filed foreign application) (Лэнхэм қонунининг 1026(4)-моддаси) тақдим қилиниши керак. Мазкур асослардан келиб чиққан ҳолда АҚШда товар белгиси учун талабнома топширишида белгининг тегишли давлатда рўйхатдан ўтказилганлиги ёки рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берганлиги асос бўлади. Товар белгисини Асосий реестрда рўйхатга олиш, унга нисбатан шахснинг мутлақ ҳуқуқлари вужудга келганлигини ва ҳуқуқий муҳофаза қилинишини, Қўшимча реестрда рўйхатга олишда эса унинг ҳуқуқи муҳофазаси остига олинмаганлигини англатади. Товар белгисини Қўшимча реестрда рўйхатга олиш, декларатив хусусиятга эга бўлса ҳам товар белгиси эгасига қуйидаги ҳуқуқларни тақдим қилади: белгидан фойдаланганлиги факти билан рўйхатга олиш; шахснинг белгига нисбатан ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан Федерал судга шикоят қилиш; белгини кейнчалик маълум ва машҳур бўлиб кетиши натижасида Асосий реестрга киритиш; Асосий ёки Қўшимча реестрга киритилган товар белгиси билан учинчи шахснинг ушбу белги билан бир хил ёки унга ўхшаш белгиларни рўйхатга олишни рад этилишини талаб қилиш.

Шунингдек, АҚШда товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ яна бир ўзига хос жиҳати шахс товар белгисини рўйхатдан ўтказишда унинг ушбу белгидан қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадининг кўзлангани аниқ кўрсатилиши талаб этилади. Агар белгини рўйхатдан ўтказишга топшириш вақтида ушбу рўйхат кўрсатилмаса: берилган талабнома ишлаб чиқарилиши мўлжалланган товар тўғрисида ёлғон маълумот берганлиги оқибатида бекор қилинади; рўйхатда кўрсатилган товарлар учун фойдаланил-маётган илгарироқ рўйхатга олинган товар белгиси учинчи шахс томонидан рўйхатдан ўтказиш учун берилган белги билан бир хиллиги оқибатида рўйхатдан ўтказиш рад этилишига олиб келади [7].

Буюк Британияда товар белгисини рўйхатга олиш 1994 йилда қабул қилинган "Товар белгилари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу қонунга кўра, товар белгисини рўйхатдан ўтказувчи шахс белгини рўйхатдан ўтказишдан олдин АҚШ давлати товар белгилари тўғрисидаги қонунчилигида белгиланган каби фойдаланган бўлиши талаб этилмайди. Буюк Британиянинг 1994 йилги "Товар белгилари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш бешта босқичдан иборат бўлиб: I босқич – белгини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш. Бунда талабнома берувчи шахс талабномада кўрсатилган белгидан инсофлилик (*bona fide*) тегишли синфнинг қайси турдаги товар маҳсулотлари учун фойдаланишини кўрсатади. Талабнома берувчи амалда қайси турдаги маҳсулотларни реал ишлаб чиқаради ва уни савдога чиқаради мазмунидаги савол сўралади. II босқич – талабномада кўрсатилган белгини излаш ва тўлиқ экспертизадан ўтказиш (бунда белгини нисбий ва мутлақ асослар бўйича рад этиш факти бўйича аниқланади). Белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ мазкур босқичда Буюк Британиянинг товар белгилари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келадими? бундан олдин белгига талабнома

берилган ёки рўйхатдан ўтказилган товар белгиси билан бир хил ёки унга ўхшаш бўлган белги эмасми? каби шартлар асосида белгини рўйхатдан ўтказиш учун берилган талабнома аниқлаштирилади. III босқич – белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ тушунтиришлар ва фикрлар бериш учун оммавий нашрларда эълон қилиш. Берилган эълон бўйича ҳар қандай шахс рўйхатдан ўтказилаётган белги юзасида ўз фикр-мулоҳазаларини бериш ҳуқуқига эга. Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ, ҳар қандай шахс “белги бўйича рўйхатдан ўтказиш мумкин ёки мумкин эмас” мазмунидаги фикрни тегишли далиллар асосида ёзма равишда тақдим этиши мумкин. Патент идораси ушбу фикр-мулоҳазаларни талабнома берувчига тушунтириш бериш учун тақдим этади. Қонуннинг 38(3)-моддасига кўра, талабномада кўрсатилган белги бўйича фикр берган шахс белгини экспертиза ўтказишда иштирок этган тараф сифатида эътироф этилмайди. IV босқич – талабномани қайтариб олиш, чеклаш ёки унга қўшимча ва ўзгартиш киритиш. Мазкур босқичда талабнома берган ҳар қандай шахс ўз талабномасини қайтариб олиши ёки талабномада кўрсатилган товарлар сонини камайтириши ёки кўпайтириши мумкин. Агар талабнома қайтариб олинган, камайтирилган ёки қўшимча қўшилган бўлса, мазкур ўзгартишлар ҳам тенг равишда нашр этилади. Буюк Британия давлати қонунчилигига мувофиқ, “Товар ва хизматларнинг халқаро таснифи Ницца келишуви”нинг тегишли синфида кўрсатилган барча товарлар учун белги товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди. Фақат аниқ товар маҳсулоти учун товар белгиси сифатида рўйхатга олинади. V босқич – талабномада кўрсатилган белгини рўйхатдан ўтказиш. Буюк Британиянинг 1994 йилги “Товар белгилари тўғрисида”ги қонунининг 40-моддасига мувофиқ, талабномада кўрсатилган белгини рўйхатдан ўтказишда қонуннинг 38(2)-моддасида кўрсатилган шарт (ушбу белгини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бошқа шахсларнинг эътирози бор ёки йўқлиги)нинг мавжуд эмаслиги, шунингдек ушбу белгини рўйхатдан ўтказишга эътироз бўлмаса, бундай ҳолда белги товар белгиси сифатида рўйхатдан олинади.

Буюк Британия Европа Иттифоқи давлатлари ичида талабномада кўрсатилган белгини илгари рўйхатга олинган товар белгилари ўртасида ўзаро қарама-қаршиликлар бор ёки йўқлиги юзасидан холис ва атрофлича текшириш ўтказадиган ягона давлат ҳисобланади [8]. Шу маънода, Буюк Британиянинг 1994 йилги “Товар белгилари тўғрисида”ги қонунининг 6(1)-моддасида талабномада кўрсатилган белгини рўйхатдан ўтказишда унинг илгари талабнома берилган белги билан ёки товар белгиси билан ўхшашлик даражасини аниқлаштиришда: кўриб чиқиш учун тақдим этилган белги Европа Иттифоқида, халқаро ва Буюк Британияда ундан илгарироқ топширилган белги ёки рўйхатдан ўтказилган товар белгисининг устуворлиги; Европа Иттифоқида илгари рўйхатга олинган белги билан ўхшаш даражасида бир хиллиги бўйича; Париж конвенциясига мувофиқ, ҳаммага маълум товар белгиси сифатида ҳимоя қилинадиган белгилар бўйича белгини рўйхатдан ўтказиш ҳолати текширилади. Буюк Британияда белгини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ босқичда энг муҳим жиҳат, талабномада кўрсатилган белги билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг илгари устуворликка эга бўлган товар белгиси остидаги маҳсулотнинг бир хиллиги ўрганилади. Бундан мақсад, аввало истеъмолчиларнинг товарни сотиб олишда янглишишга олиб келадиган ҳолатларга йўл қўймасликдан иборатдир.

Европа Иттифоқида товар белгиларини рўхатдан ўтказишнинг ўзига хослиги Иттифоқи доирасида амал қиладиган белгини рўйхатдан ўтказиш бўйича ягона тизимнинг мавжудлигидир. Европа Иттифоқида товар белгисини рўйхатдан ўтказиш 1993 йил 20 декабрдаги товар белгилари қонунчилигини бирхиллаштириш тўғрисидаги 40/94-сонли Директивига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу Директивга кўра товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш босқичлари бўлиб: 1) талабнома бериш; 2) Иттифоқ реестридан мутлақ рад этувчи асослар; уюк Британияда товар белгилари мутлақ асос билан бирга нисбий рад қилувчи асослар бўйича изланади) бўйича излаш; 3) талабномадаги белги бўйича фикр ва эътирозларни билдириш учун эълон қилиш; 4) белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш.

Европа Иттифоқи давлатлари товар белгиларини бирхиллаштириш бўйича қонунчилигига мувофиқ, Европа Иттифоқи давлатлари фуқаролари, Париж конвенциясига аъзо давлатларнинг фуқаролари ҳамда Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлган давлатларнинг фуқаролари товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Европа Иттифоқида товар белгиси товар ва хизматларнинг халқаро таснифи синфида барча товар маҳсулотлари учун рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилиши мумкин. Мазкур ҳужжатнинг 26(c)-моддасида айнан синфнинг қайси товар турлари учун белгини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилганлиги кўрсатиб ўтилмаган. Буюк Британия товар белгилари тўғрисидаги қонунчилигида эса, айни синфнинг қайси товар маҳсулоти учун талабнома берилганлиги аниқ кўрсатилиши шарт. Шу билан бирга, Европа Иттифоқида товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун берилган талабномада ушбу белги остида маҳсулот ишлаб чиқариш хоҳишининг мавжудлигини кўрсатилиши талаб этилмайди. Европа Иттифоқи товар белгилари қонунчилигида Буюк Британия қонунчилиги каби белгининг илгари шундай ва шунга ўхшаш товар белгисига нисбий ўхшаш бўлганлиги учун рўйхатдан ўтказиш рад этилмайди. Агар рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган белги нисбий асос туфайли илгари рўйхатга олинган товар белгисига ўхшаш бўлса, бундай ҳолда ушбу устувор товар белгиси эгасининг рухсати билан рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Жумладан Ўзбекистон қонунчилигида ҳам мазкур тартиб мавжуд. Европа Иттифоқида товар белгисини рўйхатдан ўтказишда белгининг илгари талабнома берилган белги ёки рўйхатга олинган товар белгиси билан бир хиллиги юзасидан текширилади. Шу билан бирга, Иттифоққа аъзо бўлган бошқа давлатларда ҳам худди шунга ўхшаш белги миллий товар белгилари реестрида бор ёки йўқлигини аниқлаштириш учун тақдим этилади.

Миллий реестрда ҳамда Европа Иттифоқи товар белгилари реестрида ўхшаш товар белгиларини аниқлаштириш иттифоқнинг товар белгилари тўғрисидаги Йўриқномасининг 39-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу йўриқноманинг 39-моддаси ҳамда 5-моддаси талабларига мувофиқ, Иттифоқнинг аъзо давлатига белгини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган талабноманинг нусхаси Европа Иттифоқининг бошқа давлатларига Саноат мулки марказий идорасига талабнома нусхаси юборилади. Бунда мазкур талабномада кўрсатилган белги олдин ушбу белгига ўхшаш белгини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширилган ёки топширилмаганлиги юзасидан текширилади. Белгини товар белгиси сифатида рўйхатга олиш учун текширилиш босқичида талабномада кўрсатилган белгини Саноат мулки марказий идорасига талабнома нусхасини юбориш орқали текшириш, аввало талабнома берувчининг қонун бузилиши ҳолатидан сақлаш ҳамда учинчи шахсларнинг эътирозларини камайтиришдан иборатдир.

Товар белгисини мазкур тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳар доим ҳам Европа Иттифоқи давлатлари томонидан тегишли тартибда амалга оширилмайди. Масалан Германия, Франция ва Италия давлатлари товар белгисининг ўхшашлиги бўйича текширмайди, Ирландия ушбу тартибга амал қилишни рад этди. Европа Иттифоқининг айрим янги давлатлари (Кипр, Эстония, Латвия) белгининг ўхшашлик бўйича текширишдан ўтказиш тартибига риоя қилмаслигини маълум қилди [8, 25-30].

Умуман олганда, Европа Иттифоқида товар белгилари рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ шаклланган амалиёт ўзига хослиги сифатида унга аъзо бўлган давлатлар товар белгилари қонунчилигининг бирхиллаштирилганлиги рўйхатдан ўтказиш жараёнини осонлаштириш ҳамда бир-бирига ўхшаш товар белгилари сонининг ортишини кескин камайтириш билан боғлиқ жиҳати ушбу тизимнинг ижобий деб баҳоланишига сабаб бўлса, рўйхатдан ўтказилаётган белгининг Европа Иттифоқи ҳудудида ўхшашлик бўйича қидирувнинг юзаки ўтказилиши, шаклланган амалиётнинг камчилиги сифатида баҳолашимиз мумкин. Назаримизда, ушбу ҳолга йўл қўйилиши Иттифоққа аъзо давлатлар ўзининг ички бозорини ҳимоя қилиши, ўхшаш белгиларни текширишда ўз давлатининг манфаатларини кўпроқ устун кўриши билан боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_943_2019.pdf.
2. § 1 (c) “Trademark Act of 1946”, www.uspo.gov, июнь 2002 г.
3. § 45 “Trademark Act of 1946”, www.uspo.gov, июнь 2002 г.
4. 15 U.S.C. §1065: US Code//http://codes.lp.findlaw.com/uscode/15/22/I/1065; El Creco Leather Prod. Co. v. Shoe World, Inc., 1986 (806 F.2d 392, 395; 1 USPQ2d 1016,1017); Gorenstein Enters., Inc. v. Quality Care-USA, Inc., 1989, 874 F.2d 431, 435.
5. Title I “Trademark Act of 1946”, www.uspo.gov, июнь 2002 г.
6. Title II “Trademark Act of 1946”, www.uspo.gov, июнь 2002 г.
7. Пантюхина А. Особенности регистрации товарных знаков в США // «ИС. Промышленнаясобственность». № 12, 2002 г. – С. 60.
8. Jaeschke L. The Quest for a Superior Registration System for Registered Trade Marks in the United Kingdom and the European Union: An Analysis of the Current Registration System in the United Kingdom, the Community Trade Mark (CTM) Registration System and Coming Changes // E.I.P.R. – 2008. – V. 30. – № 1. – P. 25-33.

Товар белгиларини АҚШ ва Буюк Британия қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш
Бабакулов З.К. Тошкент давлат юридик университети

Резюме. Мақолада АҚШ, Буюк Британия давлатлари қонунчилигига мувофиқ товар белгиларин рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хослиги таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: товар белгиси, талабнома, АҚШ, Буюк Британия, Европа Иттифоқи, Париж конвенцияси, Лэнхэм қонуни, Директив.

Регистрация товарных знаков в соответствии с законодательством США и Великобритании
Бабакулов З.К. Ташкентский государственный юридический университет

Резюме. В статье анализируются особенности регистрации товарных знаков в соответствии с законодательством США, Великобритании.

Ключевые слова: товарный знак, заявка, США, Великобритания, Европейский Союз, Парижская конвенция, Закон Лэннэм, директива

Registration of trademarks in accordance with the laws of the United States and Great Britain
Babakulov Z.K. Tashkent State LawUniversity

Summary. The article analyzes specifics of trademark registration in accordance with the legislation of the United States, the United Kingdom.

Key words: trademark, application, United States, United Kingdom, European Union, Paris Convention, Lanham Act, Directive.

АНАЛИЗ СИСТЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ ДВИЖЕНИЯ НА АО «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

[1]Ибрагимов М.М., [1]Валиев М.Ш., [2]Махкамов А.Х.

[1]Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси.

[2]Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўл маркази

Введение. Для решения основных производственных задач и повышения качества работы железнодорожного транспорта исключительную актуальность приобретает совершенствовани средств обеспечения требуемого уровнябезопасности движения на основе глубокого статистического анализа. Не менее

в обеспечении безопасности движения имеет деятельность персонала непосредственно участвующего в реализации движения поездов, от их профессиональной подготовленности, опыта, способности быстро ориентироваться и принимать правильное решение в сложных ситуациях зависит не только четкая реализация, но главное, безопасность и надежность всего перевозочного процесса.

1. Анализ состояния безопасности движения в хозяйстве организации перевозок

На практике широко применяется, помимо общих показателей (крушение поездов, аварии, особые случаи брака и случаи брака в работе), ряд частных показателей безопасности, определяемых: числом случаев нарушений безопасности движения по виду работы (поездная и маневровая); числом нарушений безопасности движения определенного вида (сходы, столкновения поездов и подвижного состава, проезд запрещающих сигналов и т.д.); числом случаев нарушений по вине конкретного подразделения дороги, категории персонала или посторонних лиц транспорта и др. Исходя из отчетов, информаций был проанализирован состояния безопасности по хозяйству перевозок за период 2013-2018 гг., данные приведены в табл. 1, где по каждому допущенному браку указаны их причины [1].

Исходя из анализа, были выбраны два наиболее часто допускаемых нарушения, такие как «Взрез стрелки» и «Сход подвижного состава» при маневрах». Данные отражены в рис. 1 и рис.2 изменения числа нарушений за рассматриваемый период.



Рисунок 1 – Динамика изменения числа нарушений (взрез стрелки) по хозяйству перевозок



Рисунок 2 – Динамика изменения числа нарушений «Сход подвижного состава при маневрах» по хозяйству перевозок

Допускаемые нарушения безопасности движения свидетельствуют о несоблюдение регламента технологических процессов, недостаточный профессиональный уровень непосредственных участников перевозочного процесса, низкий уровень системных требований к выполнению технологических процессов, планово-предупредительных работ. Нередко при расчете показателей причиной обусловленности в общих чертах рассматриваются группы причин в системе «Человек – техника – среда», а также причины, вызванные ошибочными действиями человека («Человек»), отказами технических средств (Техника») и неблагоприятными воздействиями внешней среды (Среда»). Каждый случай нарушения безопасности движения поездов по хозяйству перевозок за указанный период после определения причин распределены по их характеру и отнесены по факторам: а) человеческий фактор, б) технический фактор. Данные приведены в табл. 1.

Таблица 1 – Количество нарушений безопасности движения по хозяйству перевозок за период 2013-2018 гг. по факторам

№	Виды нарушений	Виды факторов	
		Человеческий фактор	Технический фактор
1	Прием и отправления по неготовому маршруту	+	
		+	
2	Перевод стрелки под поездом	+	
3	Уход подвижного состава	+	
		+	
		+	
		+	
4	Взрез стрелки	+	
		+	
		+	
		+	
		+	
		+	
5	Сход подвижного состава при маневрах	+	
		+	
		+	
		+	
		+	
		+	
		+	

			+
		+	
6	Столкновение при маневрах	+	
		+	
	Всего	**23**	**1**

Соотношения двух критерий показывает, что в основном допущенные браки произошли по человеческому фактору.

Анализируя динамику нарушений по хозяйству перевозок необходимо определить идентичные нарушения и схожие по характеру причины, которые повлекли к нарушениям безопасности движения за период 2013-2018 гг., где допущено 24 брака в работе.

Таблица 2 – Идентичные нарушения по причинам из допущенных браков

№	Наименование причин	Кол-во нарушений
1	Не правильное приготовление маршрута при поездной и маневровой работе	12
2	Нарушения норм закрепления вагонов	6
3	Нарушение регламента переговоров	4
4	Сход при маневрах при нарушении осмотра состоянии технических средств	2

Из таблицы видно, что 24 случая браков произошли по четырём причинам, где основная доля 50% - 12 случаев приходится на повторяемость нарушений «неправильное приготовление маршрута», и 25% повторяемость «на нарушения норм закрепление вагонов», повторяемость из-за нарушения регламента переговоров допущены 4 случая. Все вышеуказанные браки допущены по вине человеческого фактора, которые повлекли к повреждению подвижного состава. Анализ приведенных данных свидетельствует о систематическом снижении показателей за некоторым исключением в отдельные годы. Этому способствовали принимаемые меры организационного характера, а также внедрение современных технических средств во многих хозяйствах железнодорожного комплекса.

2. Организация управления безопасностью движения. Управление безопасностью движения – это совокупность постоянно действующих и разовых мероприятий, направленных на предотвращение нарушений безопасности движения. Выработка управляющих воздействий осуществляется на основании анализа данных о нарушениях безопасности движения, состоянии технических средств и работе персонала. В ходе анализа путем сопоставления имеющихся данных с действующими установленными нормативами выявляются причины нарушений безопасности движения, а также слабые места в организации обеспечения безопасности движения.

Под термином «человек» подразумеваются все ошибки человека, неправильное выполнение или невыполнение предписанных действий, включая нормативно-технических и нормативно-правовых документов, актов и др., регламентирующих требования безопасности, а также действия, обусловившие нарушения безопасности движения. При этом рассматриваются различные аспекты участия человека в перевозочном процессе (погрузке, техническом обслуживании и ремонте подвижного состава, пути, устройств и сооружений, управлении и организации движения). В это понятие включаются работники дороги, грузоотправители, водители автотранспортных средств, посторонние транспорту лица и др.

Понятие «техника» включает неисправности пути, подвижного состава, отказы устройств сигнализации централизации блокировки, связи электроснабжения и приборов безопасности, непосредственно обусловивших или способствующих нарушениям безопасности движения. Под «средой» понимается совокупность неблагоприятных условий, связывающих непосредственное или опосредованное влияние на безопасность движения (метеорологические условия, рельеф местности и др.).

Служебное расследование и анализ случаев нарушений безопасности движения позволяют сделать вывод о наличии четырех групп причин аварийности: *организационных,* связанных с недостатками обучения, контроля, организацией перевозок, несогласованностью действий работников, нечетким определением их функций и обязанностей, неточностями в действиях нормативно-технических документах и т.д.; *технических,* вызванных отказами подвижного состава, пути, устройств и сооружений из-за несовершенства их конструкций, несоответствующих условиям надежности материала, из которых состоят детали и узлы, а также нарушениями в системе технического обслуживания (ТО), ремонте и т.п.; *социально-экономических*, связанных с решением вопросов оплаты труда, жилищно-бытовых условий, торговым, медицинским и культурным обслуживанием железнодорожников, членов их семей и других социальных вопросов; *психофизиологических*, зависящих от физиологических и психических особенностей организма человека; соответствие его здоровья нервной системы требованиям, предъявляемым к соответствующей категории работников, их совместимость к коллективному труду и т.д. Определяются это при медосвидетельствованиях (перед приемом на работу, периодически на протяжении трудовой деятельности, предрейсовыми медосмотрами, психологическим отбором и т.д.).

Заключение. Данные психологических исследований показывают, что любое чрезвычайное происшествие является, прежде всего, следствием проявления каких-то причин, вытекающих из особых свойств человека или особых обстоятельств происшествия.

К особым свойствам человека относятся недостатки профессиональных знаний по безопасности движения (труда); физические недостатки человека (болезнь сердца, желудка, ухудшение зрения и т.д.), психические недостатки (беззаботность, отсутствие ответственности, долга, хладнокровия и т.д.).

А также необходимо развивать систему управления безопасности перевозок и уделять внимание сегодня на заинтересованность работников в качественном и своевременном исполнении технологических процессов, вскрывать нарушения и предотвращать их последствия.

ЛИТЕРАТУРА

1. Анализ состояния безопасности движения на железных дорогах АО «Ўзбекитон темир йўллари» за период 2013-2018 гг. – Ташкент, 2019. – 89 с.
2. Леоненко Е.Г. Техническая эксплуатация железных дорог и безопасность движения, Учебное пособие. –М.; 2017г.
3. Красковский А. Е. Безопасность движения поездов на железнодо-рожном транспорте: учеб.пособие / А. Е. Красковский, С.Я.Ройтман. – СПб.: Петербургский государственный университет путей сообщения, 2013. – 48 с.
4. Лисенков В. М. Безопасность технических средств в системах управления движением поездов. М.: Транспорт, 1992. – 192 с. 3.Безопасность движения на железнодорожном транспорте: учеб. Пособие / А.Е. Красковский, С.Я. Ройтман. СПб.: ПГУПС, 2013. – 48 с.
5. Валиев М.Ш., Махкамов А.Х. Анализ рисков в области безопасности движения поездов на железных дорогах Узбекистана. Universum: Технические науки. –Москва, 2020.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ-да харбий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг тахлили
Ибрагимов М.М., Валиев М.Ш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси.
Махкамов А.Х. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўл маркази

Резюме. Мақолада «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маълумотлари асосида йўл ҳаракати хавфсизлигини бузиш бўйича статистик маълумотлар тахлил қилинган. Поездлар ҳаракати хавфсизлигини бошқариш учун муаммонинг барча таркибий қисмларини хисобга олиш учун комплекс ёндашув зарур. Шахсий шахсларга бўлган эътиборни озгина бўлса ҳам заифлашиши ва уларга таъсир ўтказиш чораларининг йўқлиги сабабли, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимида ноқулай вазият юзага келиши мумкин.

Таянч сўзлар: йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими, йўл ҳаракати хавфсизлигини бузиш, объектив баҳо, тизимли ёндашув.

Анализ системы обеспечения безопасности движения на АО «Ўзбекистонтемирйўллари»
Ибрагимов М.М., Валиев М.Ш. депутаты Законодательной палаты ОлийМажлиса Республики Узбекистан, Комитет по науке, образованию, культуре и спорту
Махкамов А.Х. Дорожныйцентр повышения квалификациии переподготовкикадров

Резюме. В статье проанализированы статистические данные о нарушениях безопасности движения на основании данных АО «Ўзбекистон темир йўллари». Для управления безопасностью движения поездов необходим комплексный подход, позволяющий учесть все многочисленные компоненты проблемы. При ослаблении внимания к отдельным, и отсутствии мероприятий по воздействию на них, может сложиться неблагоприятная ситуация с системой обеспечения безопасности движения.

Ключевые слова: система обеспечения безопасности движения, нарушение безопасности движения, объективная оценка, системный подход

The analysis of safety system of train traffic on JSC “UzbekistonTemirYullari”
Ibragimov M.M., ValievM.Sh. deputies of the Legislative Chamber of the OliyMajlis of the Republic of Uzbekistan. Committee for Science, Education, Culture and Sports
MahkkamovA.Kh. Road Center for professional development and retraining of personnel staff

Summary. The article analyzes the statistical data on traffic safety violations based on the data of JSC “UzbekistonTemirYullari”. To manage the safety of train traffic, an integrated approach is needed to take into account all the many components of the problem. With a weakening of attention to individual, albeit a few, factors, and the absence of measures to influence them, an unfavorable situation may arise with the traffic safety system.

Key words: traffic safety system, traffic safety violation, objective assessment, systematic approach.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Худойбердиев А. Қ.
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Бугунги кунда мамлакатимиз давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан, қонун ижодкорлиги жараёнини сифатли ташкил этиш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъминлаш, қонун лойиҳаларига аҳолининг муносабатини аниқлаш ва уни баҳолашнинг ҳуқуқий мезонлари яратилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни таҳлил қилиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишини таъминлаш ушбу жараёнга рақамли технологияларни кенг жорий этишни талаб қилмоқда. Шу билан бирга қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Дастлаб фан ва техника соҳасида янги яратилган кашфиётларни синовдан ўтказиш учун турли-туман экспертизадан ўтказиш қабул қилинган бўлса, эндиликда экспертиза жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб келди.

Экспертиза сўзи, лотинча “expertus” сўзидан олинган бўлиб, текшириш деган маънони англатади. Экспертиза – тажриба асосида синаш, малакали ва тажрибали мутахассис томонидан муайян масалани таҳлил ҳамда тадқиқ этиш, деган маънони англатади. Экспертиза – фан, техника, санъат соҳасида махсус билим ва тажрибага эга бўлган мутахассис томонидан ўтказиладиган текширув. Баъзан экспертиза муайян масала бўйича мутахассис хулосасини олиш учун таҳлил этилиши, деб таърифланади. Хусусан, экспертизанинг мазмуни

“амалий ва ҳужжат билан асослантирилган натижаси, яъни экспертнинг хулосасида қайд этилишини англатади” [1, 494]. Муаллифлар қонун лойиҳаларини экспертизасининг икки хил турини фарқлайдилар: норасмий ва расмий экспертиза. Жумладан, проф. Х.Т.Одилқоривенинг фикрича, қонун лойиҳасининг дастлабки матни тайёрлангач (қонун ижодкорлик жараёни бошлангунга қадар), у мутахассислар, илмий муассасалар, олимлар иштирокида экспертизадан ўтказилиши мумкин. Бу қонун лойиҳасининг дастлабки *норасмий экспертизасини* ташкил этади. Қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъекти томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритилгандан сўнг Регламентда назарда тутилган тартибда Масъул қўмита (ёки тегишли қўмита) томонидан тайинланадиган ва амалга ошириладиган экспертизалар қонун лойиҳасининг *расмий экспертизаси* ҳисобланади [2,22].

Бугунги кунда қонун лойиҳаларини экспретизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилган. Қонун лойиҳаларини экспретизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари сирасига: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (24.12.2012 й.), «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги (11.10.2006 й.), «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (13.04.2018 й.) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (03.04.2018 й.) ПФ-5395-сонли, «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» (08.08.2018 й.) ПФ-5505-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 29.01.2016 йилдаги қарори билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг **Регламенти** (янги таҳрири), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги (08.04.2018 й.) 284-сонли қарори, ва бошқаларни киритиш мумкин.

Демократик жамиятда қонунлар халқ иродасини ифодалаш воситаси саналади. Қонун ижодкорлик жараёнига халқ оммасини, фуқаролик институтларини кенг жалб этиш, инсонпарвар, адолатли, халқчил ҳамда сифатли қонунлар яратишга қўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқнинг, фуқароларнинг қонунларни яратишда фаол иштирок этишини кафолатловчи нормалар мавжуд. Жумладан, Асосий қонуннинг 9-моддасида таъкидланганидек, “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумхалқ овозга (референдумга) қўйилади”. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этадилар (32-модда); Ўзбекистон фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эгадирлар (34-модда); ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (35-модда); сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар (60-модда).

Юқоридаги конституциявий нормалар мазмунидан кўриниб турибдики, уларга мувофиқ, фуқаролар сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орқали қонун ижодкорлигининг барча босқичларида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўладилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамият ҳуқуқий тизимининг негизини ташкил этади. Конституцияда жамият ривожланишининг устувор йўналишлари, давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўзининг ифодасини топган. Конституцияда қонун ижодкорлиги жараёни ва унинг босқичлари, қонунларни яратишнинг конституциявий механизми белгилаб берилган (76, 78, 83, 84, 87-модда ва бошқ.). Мазкур моддаларда белгиланган қоида, принцип ва нормалар қонун ижодкорлик фаолиятининг конституциявий асосларини ташкил этади.

Ўзбекистон парламенти қонунчилик ижодкорлиги жараёнига Конституциянинг 83-моддасида назарда тутилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларини, сиёсий партияларни (уларнинг парламентдаги фракцияларини), фуқаролик жамиятининг барча институтларини, айниқса, оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этади. Қонун ижодкорлиги жараёнида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамалари якунлари, халқ ижтимоий фикрини кенг миқёсда ифодалаш таъминлаб келинмоқда. Қонун ижодкорлик жараёнида халқ оммасининг, фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш парламент собитлик билан риоя этадиган демократик конституциявий принципдир [3, 23].

Мамлакатимиз қонун ижодкорлиги жараёнида илғор ғояларнинг кириб келиши ишлаб чиқилаётган қонунларнинг сифати ва самарадорлигини оширилишига, аҳоли турмуш тарзи ва орзу-истакларининг мужассам ифодаланишига замин яратади. Шу сабабли, мамлакатимиз парламентининг қонун ижодкорлик фаолиятида қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Ҳуқуқий экспертиза қонун чиқариш жараёнининг ва ҳуқуқ ижодкорлигининг муҳим таркибий қисмига айланиб улгурди.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунида Қонун лойиҳаларини экспретизадан ўтказишнинг тартиби белгилаб берилган. Унда белгиланганидек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт (қонуннинг 18-моддаси). Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда, аввалambор норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади. Қоидага кўра, «ҳуқуқий экспертиза

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади»[4]. «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш **концепцияси» мамлакатимизда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини нисбатан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади. Унда, "м**уайян муаммони ўзга чоралар (маъмурий тартиб-таомиллар, бошқаришга оид қарорлар, судда кўриб чиқиш) ҳал эта олмаса ҳамда давлатнинг тартибга солиш орқали аралашуви зарурлиги етарли даражада, шу жумладан мурожаатларни, жамоатчилик фикри сўрови натижаларини ва амалдаги қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни ўрганиш ва таҳлил этиш негизида асосланган бўлсагина давлатнинг тартибга солувчи аралашувига йўл қўйиладиган тартибга солувчи қарорлар қабул қилиш учун асосларнинг етарлилиги принципининг амалда ишлашини таъминлаш" белгиланди.

Концепциянинг 2 боби "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш" масалаларига бағишланади. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида "сифат, шаффофлик, тизимлилик, келишилганлик ҳамда жамоатчилик жалб этилишини таъминловчи концептуал жиҳатдан янги механизмларни жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг ижросини мониторинг қилиш тартибини такомиллаштириш" мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирга, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан вакилларини жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш; идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, шунингдек, самарасиз тартибга солиш оқибатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари кўрган фойда ва чиқимлардан (шу жумладан зарар ва зиён) келиб чиққан ҳолда баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш кўзда тутилди.

Унда фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат устидан шикоят қилиш ва уни бекор қилишни талаб қилиш тартиб-таомилларини аниқлаштириш, маъмурий судларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мазкур жараёндаги ролини белгилаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш жараёнини аниқлаштириш белгилаб берилган.

Концепцияда алоҳида эътибор норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалаларига қаратилди. Унда, норма ижодкорлиги жараёни (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш, келишиш, киритиш ва ижросини мониторинг қилиш) босқичларини электрон шаклга ўтказишни назарда тутувчи электрон норма ижодкорлиги тизимини ривожлантириш; фуқароларга қонун лойиҳаларини барча босқичларда кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёни ҳақидаги ахборотни монеликсиз олиш имконини берувчи қонун ҳужжатлари маълумотлари билан ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва Олий Мажлис палаталари фаолиятига татбиқ этиш; фуқароларнинг жамоавий ташаббусларини электрон тақдим қилиш («Mening fikrim» веб-портали) тизимини ташаббусни тақдим қилиш учун овозлар сонини хорижий мамлакатлар тажрибасига мувофиқ қайта кўриб чиққан, ҳуқуқ нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга нисбатан фуқаролик ташаббусларини давлат органлари томонидан қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиб-таомилларини аниқлаштирган ва уларни кўриб чиқишга ваколатли органлар доирасини кенгайтирган ҳолда янада такомиллаштириш белгиланди [4].

Концепцияда қонун ижодкорлиги жараёнида мутлақо янгича ёндашув илгари сурилган. Унда «норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш» мезонлари белгилаб берилган. Унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини келишиб олиш ва жамоатчилик муҳокамаси босқичларида муаммони, уни ҳал этиш усулларини, рақобатга таъсирини таҳлил қилиш, тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил этишни назарда тутувчи тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид таҳлилий ҳужжатлар билан мажбурий таъминлаш амалиётини йўлга қўйиш кўзда тутилади [4].

Концепцияда норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Унда, давлат органлари, илмий ҳамжамият ва нодавлат тузилмаларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини, шунингдек, қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича яхлит илмий-назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришни таъминловчи ягона мувофиқлаштирувчи ташкилотни белгилаш кўзда тутилган.

Шу билан бирга қонун лойиҳалари бўйича парламент муҳокамалари жараёнининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини қуйидаги механизмларни жорий этиш йўли билан таъминлаш: қонун лойиҳалари матнларини ва уларга доир таҳлилий материалларни ҳар бир ўқишдан кейин парламентнинг веб-ресурсларида тезкор эълон қилиб бориш; реал вақт режимида таклифлар ҳамда мулоҳазаларни йўллаш имкониятини жорий этган ҳолда мазкур жараёнларни оммавий ахборот воситалари, шунингдек, парламентнинг веб-ресурсларида онлайн трансляция қилиш белгиланган [4]. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларининг тартибга солувчи таъсирини баҳолаш ва қонунчиликнинг тизимли камчиликларини аниқлаш мақсадида суд, ҳуқуқни қўллаш ва назорат

амалиётининг статистик ҳисоби ҳамда таҳлили натижаларини идоралараро ахборот алмашиш механизмларини такомиллаштириш вазифаси қўйилган.

Концепцияда ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида эксперт-ахборот алмашиш масалаларига муҳим эътибор қаратилган. Унда қуйидаги масалалар ўз ечимини топган: *биринчидан,* илмий ва эксперт доиралар вакиллари, олий таълим муассасалари талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабгорларнинг қонунчилик ва ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифларни ўз ичига олган илмий-таҳлилий фаолияти натижаларини, шу жумладан мазкур таклифларни ўз ичига олган онлайн ахборот тизимларини яратиш орқали кенг жалб этиш; *иккинчидан,* эксперт ҳамжамияти билан маслаҳатлашиш ва уларнинг салоҳиятидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланишнинг самарали механизмларини яратиш; *учинчидан,* илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда замонавий иш усулларини ўргатиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизасини амалга оширувчи давлат органлари ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш; *тўртинчидан,* ўтказилаётган ислоҳотларнинг илмий асослантирилганлигини фан ва амалиёт ўзаро ҳамкорлигининг оптимал моделини шакллантириш орқали таъминлаш [4]. Шунингдек, булардан ташқари ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини эксперт-таҳлилий таъминлашнинг самарадорлигига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини эксперт-таҳлилий таъминлаш самарадорлигини ошириш қонунларнинг сифатига ҳамда амал қилиш механизми мукаммал бўлишига таъсир кўрсатади. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қонунчилик органига тақдим этишга масъул бўлган қонунчилик органи ўз фаолиятида эксперт-таҳлилий фаолиятга эҳтиёж сезади.

Айни вақтда, қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш механизмини янада такомиллаштириш ҳуқуқий воқелигимизнинг заруриятига айланди. Аввало, бундай экспертизанинг мақсади, уни ўтказиш тартиби, қонун лойиҳасининг юридик техника талабларига қанчалик жавоб бериши, экспертлик хулосаларига қўйиладиган талаблар, экспертиза ўтказиш муддатлари, экспертлик хулосасидаги фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш мажбурийлиги ёки ихтиёрийлиги каби қатор масалалар ҳали юридик ечимини топганича йўқ. Чамаси, бу ва шунга ўхшаш масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи алоҳида қонунчилик ҳужжати қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Қонун ижодкорлиги жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳам бундан мустасно эмас. Давлат ва жамиятнинг сифатли қонунларни ишлаб чиқиш тизимини яратишга интилиши қонун лойиҳасида жорий этилган баъзи нормаларнинг хилма-хиллигига олиб келди. Бу ҳолат назарий таснифлашни амалга ошириш ва экспертлик фаолияти мажмуасини тематик гуруҳларга ажратиш имконини беради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш соҳаси, кенг маънода, ҳуқуқий, коррупцияга қарши, илмий, криминологик, лингвистик, молиявий, экологик, жамоатчилик экспертизасини ўтказиш билан тавсифланади. Сўнгги бир неча йил ичида жамоатчилик ва айрим илмий муассасалар вакиллари қонун лойиҳасининг сифатини ахлоқий экспертиза сифатида баҳолашнинг бундай турини изчил жорий этиш зарурлиги тўғрисида тобора кўпроқ фикр билдирмоқдалар.

Ҳамон қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг аниқ тизими яратилмаган. Бироқ, ҳатто бундай ҳолатнинг мавжудлиги ҳам, аслида, асосли танқидий фикрларни истисно қилмайди. Кўпгина олимлар ва ҳатто мутахассислар ҳам ҳозирги қонунчилик ҳужжатларида кўпгина камчиликлар, заиф томонлари мавжудлигини таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, тегишли воситалар ва тартиб-таомилларнинг етишмаслиги мураккаб қонун лойиҳаларини сифатли экспертизадан ўтказишга тўсқинлик қилади. Қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий, давлат сиёсатининг стратегик мақсад ва устувор йўналишлари, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа йўналишларига мувофиқлиги текширилади.

Умуман олганда, «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш **концепцияси»**ни амалга оширишдан кутилаётган натижалар қуйидагилардан иборат: «амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга, тадбиркорлик субъектларининг кафолатлари, ҳимояси ва қўллаб-қувватлашини таъминлаш, уларнинг фикрларини тўлақонли ҳисобга олиш ва «Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун» принципини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга қаратилган тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш» [4].

Хулоса қилиб айтганда, «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш **концепцияси»** янгиланиб, ўзгариб бораётган Ўзбекистон жамияти учун ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасини мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Концепция қоидаларининг амалга оширилиши ишлаб чиқилаётган, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва самарадорлигини оширади, уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоячиси бўлишига, мамлакат тараққиёти учун ўта муҳим бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг кафолати бўлишига олиб келади.

Шундай қилиб, бугунги кунда мамлакатимизда қонун лойиҳаларини экспретизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, уларнинг бекаму-кўст ва тўлиқ амалга оширилиши қонунчилик жараёнини такомиллашувига, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва самарадорлигига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқчил ва демократик бўлишига сезиларли таъсир кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Юридическая энциклопедия/ Под ред. М.Ю.Тихомирова.-М.; 2001.-С. 494.
2. Одилқориев Х.Т. Қонун ижодкорлиги ҳуқуқий сиёсатни ифодалаш воситаси // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси. 2015. –Б.22

3. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари
Худойбердиев А. Қ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Резюме. Илмий мақолада қонун лойиҳаларини экспретизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ва уларнинг моҳияти ва ҳуқуқий экспертиза қонун чиқариш жараёнининг ва ҳуқуқ ижодкорлигининг муҳим таркибий қисми эканлиги ҳамда қонунчилик ҳужжатларнинг экспертиза қилишнинг ҳуқуқий жиҳатлари кўриб чиқилади.

Таянч сўзлар: Ҳуқуқий сиёсат, норма ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги, экспертиза, ҳуқуқий экспертиза, концепция, жамоатчилик фикри

Организационно-правовые аспекты процесса экспертизы законопроектов
Худойбердиев А. К. Академии МВД Республики Узбекистан,

Резюме. В статье рассматриваются правовые основы составления законопроектов, их сущность и правовая экспертиза как важнейший компонент законодательного процесса и законотворчества, а также правовые аспекты экспертизы законодательных актов.

Ключевые слова: правовая политика**,** нормотворчество, законотворчество, экспертиза, правовая экспертиза, концепция, общественное мнение

Organizational and legal aspects of the process of examination of draft laws
Khudoyberdiev A. K. Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Summary. The scientific article discusses the legal basis for the preparation of bills, their essence and legal expertise as an essential component of the legislative process and lawmaking, as well as the legal aspects of the examination of legislative acts.

Key words. Law political, lawmaking, examination, legal examination, concept, public opinion.

ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ

Айтмуратов Р. Б.
Қорақалпоқ давлат университети

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барқарор тараққиётга замин яратувчи, фаол ҳаракатда бўлган, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини изчил рўёбга чиқарувчи, “шахс-жамият-давлат” манфаатлари уйғунлиги асосида шакллантирилган ҳамда уларга хизмат қиладиган ҳуқуқий тизимга таянади. Ўз навбатида, бундай шароитда ҳуқуқий тизимнинг негизи сифатида ҳуқуқ (ҳуқуқ нормалари) ва унинг тизимини таҳлил қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир мамлакат пайдо бўлибдики ўзининг миллий қонунчиликини яратади ва даврлар ўтиши билан ривожлантириб борати. Ҳар бир мамлакатнинг ҳуқуқ тизими ўзидаги ижтимоий муносабатларнингг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб келади. Ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг ички тузилиши бўлиб, жамиятдаги мавжуд муносабатларга боғлиқ равишда, ҳуқуқни ташкил этиш тартибини ва таркибий қисмларини жойлашишини кўрсатиб беради. Ҳуқуқ тизими у ёки бу мамлакатдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий мавжудлигини акс эттирувчи ҳуқуқнинг ички шакли сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқ тизимини ташкил қилган нормалар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Ҳуқуқнинг тизимга солиниши ҳар қандай ҳуқуқ типининг ажралмас хусусиятидир. Ҳуқуқ тизимининг мавжудлиги, ҳуқуқнинг турли хил, пала-партиш юридик нормалардан иборат эмаслигини тасдиқлаб, ҳуқуқ тизими бутун бир барқарор тузилма эканлигини исботлайди [1, 570]. Ҳуқуқ тизими бир бутун, ягона асосга эга эканлиги кўпдан-кўп объектив ва субъектив омилларга боғлиқ. Кундалик ҳаётда улар бир-бирини доимо тўлдириб туради. Ҳуқуқ тизимининг объектив характерга эга дейишимизнинг маъноси шуки, мавжуд ижтимоий муносабатлар ва уларнинг реал манзараси ҳуқуқ тизимини белгиловчи омил ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши, янгиланиши ҳуқуқ тизимида ўзининг айнан ифодасини топади, шу жиҳатдан ҳар бир давлат ҳуқуқ тизими, шу жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг инъикоси, ифодаси ҳисобланади.

Ҳуқуқ тизими жамиятда мавжуд бўлган ва доимо ривожланиш жараёнини бошидан кечираётган ижтимоий муносабатларнинг ифодаси бўлиб, у ҳуқуқнинг ички тузилишини, унда ҳуқуқ нормаларининг ҳам умумланиш, ҳам фарқланиш хусусиятларини кўрсатади. Ҳуқуқ тизими қуйидаги хусусиятларга эга: биринчидан, ижтимоий муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқиб объектив равишда шаклланади; иккинчидан, у яхлит тизим сифатида ҳуқуқнинг ички тузи-лишини, яъни бу тизим қандай ички “қурилма”дан иборатлигини кўрсатади; учинчидан, ҳуқуқ тизими уни ташкил этувчи юридик нормаларнинг муайян гуруҳларга бирлашишини ифодалайди; тўртинчидан, ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи юридик нормалар ва улар бирлашган гуруҳларнинг ўзаро фарқланишини кўрсатади; бешинчидан, ижтимоий муносабатларнинг хусусияти ва ўзига хослиги юридик нормаларнинг ҳам маълум даражада ихтисослашувига сабаб бўлади. “Тизимлар назарияси”га кўра, ҳар қандай тизимнинг таркибий тузилиши муайян қоидалар ва мезонлар асосида ташкил топади.

Бирон-бир тизимни чуқурроқ англаш учун тизим асосида ётадиган ушбу мезонларни аниқлаш лозим. Бу ҳуқуқ тизимини ўрганиш учун ҳам зарур бўлиб, унинг натижасида ҳуқуқнинг нималарга асосланиб “қурилганлиги”, ҳуқуқ нормаларининг жамланиши ва гуруҳларга бўлиниши асосида нима ётганлигини билиб

оламиз [2, 337]. Шу мақсадда адабиётларда қатор ёндашувлардан фойдаланилади. Генетик ёндашув асосида бирламчи ва иккиламчи (ҳосила) мезон бўлиб, турли йўллар билан шаклланган ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий тузилмалар, энг аввало, давлат ва жамият ҳисобланади [2, 336]. Тарихий ёндашувга асосан эса ҳуқуқнинг тизим сифатида шаклланишининг бутун ривожланиш йўлини кузатиб таҳлил этиш мумкин, бу жараёнда энг муҳим мезон сифатида ҳуқуқнинг шакли (манбаи) олдинги ўринга чиқади [3, 670]. Ҳуқуқ шаклларини таҳлил этиш орқали, биз у ёки бу ҳуқуқ тизими учун хос бўлган тизим шакллантирувчи асосларни аниқлашимиз мумкин. Тарихий ёндашув Ҳуқуқ тизими нинг генетик алоқаларини очиб бериши билан бир қаторда, тарихий ривожланиш жараёнда ҳуқуқ тизимида бўлган динамик ўзгаришларни ҳам кузатишга имкон беради. Бу аввало инсоннинг ўзининг индивид сифатида, турли ижтимоий-сиёсий тузилмалар аъзоси сифатида, ривожланиши билан боғлиқ. Ундан ташқари, ҳуқуқ тизимига турли диний, этник, ғоявий омиллар ва уларнинг ўзаро таъсири ҳам мавжуд.

Ҳуқуқ тизимига тизимли-тузилмавий ёндашув, унинг ички тузилмасида ҳуқуқ нормаларининг маълум тартибда жойлашганлигини кўрсатади. Ҳуқуқ тизимида жойлашган нормаларнинг тартибга солинганлиги, ўзаро мувофиқлик ва алоқадорлиги ҳамда айни пайтда фарқланиши, ижтимоий муносабатларнинг ҳам худди шундай тузилмавий характери ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг боғлиқлиги билан ҳам белгиланади.

Ҳуқуқ тизими бир неча даражаларни ўз ичига олади. Улардан биринчиси, ўз ички алоқаларга эга бўлган ҳуқуқ **нормасидир**. Шу алоқадорлик сабабли, у конкрет ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Ҳуқуқ нормаси давлат томонидан санкцияланган умуммажбурий юриш-туриш қоидаларидир. Ҳуқуқ нормаси орқали жамиятдаги барча муносабатлар эмас, балки жамият ва инсоннинг фаолиятига доир энг муҳим муносабатлар тартибга солинади [4, 262]. Айни бир муносабат бир неча нормалар билан тартибга солишга, улар ҳуқуқ тизимининг иккинчи даражаси бўлмиш ҳуқуқ **институтига** бирлаштиришга асос бўлади [1, 270] ва бу ҳуқуқ нормасининг ташқи алоқалари натижаси сифатида вужудга келади. Ҳуқуқ институти, ҳуқуқ нормаларининг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда, ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солади. Демак, агар ҳуқуқий норма, ҳуқуқ тизимининг бирламчи элементи бўлса, ҳуқуқ институти эса, унинг дастлабки ҳуқуқий умумлашмасидир [5, 338]. Ҳуқуқ институтлари алоҳида олинган ҳуқуқ соҳалари доирасида мавжуд бўлади ва амал қилади. Яъни ҳуқуқ институти, ҳуқуқ соҳасининг таркибий қисми, бўлаги, бўғини сифатида намоён бўлиб, айни пайтда, муайян мустақил характерга эга, чунки улар маълум даражада мустақил масалаларни тартибга солади. Масалан, Конституциявий ҳуқуқ соҳаси, фуқаролик институти, Президентлик институти ва бошқа шу каби институтлардан, фуқаролик ҳуқуқи соҳаси, фуқароларнинг мажбурият ҳуқуқи институти, олди-сотди институти, шартномалар институти ва бошқа шу каби институтлардан, меҳнат ҳуқуқи соҳаси, меҳнат шартномаларини амалга ошириш институти, нафақани расмийлаштириш институтларини ўз ичига олади.

Амалиётда алоҳида ҳуқуқ соҳалари доирасидаги ҳуқуқ институтларидан ташқари, бир неча ҳуқуқ соҳасининг нормаларини ўзида жамлаган, камдан-кам учрайдиган ҳуқуқ институтларини ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳуқуқ институтлари, илмий-юридик адабиётларда, **аралаш ҳуқуқ институтлари**, деб номланади. Аралаш ҳуқуқ институтларига мисол қилиб, интизомий жавобгарлик институтини келтиришимиз мумкин [6, 223]. Мазкур институт ўз хусусиятга кўра, меҳнат ҳуқуқи соҳасига тегишли. Корхона ёки муассаса маъмурияти айбдор шахсга интизомий жазони қўллаш ҳуқуқига эга. Аммо интизомий жазо олган шахс судга мурожаат қилса, меҳнат низоларини судда кўриш, ҳуқуқнинг бошқа соҳаси – фуқаролик процессуал ҳуқуқ соҳасига тегишлидир. Ҳуқуқ тизимининг анча юқори даражаси, ҳуқуқ тизимининг чўққисида ҳуқуқ соҳалари туради. **Ҳуқуқ соҳаси** – маълум бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқ институтларининг мажмуидир. Ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ соҳаларининг мавжуд бўлиши, унга бўлган объектив зарурат ҳисобланади, давлат эса бу заруриятни ўз вақтида англаб, уни расмийлаштиради холос [1, 570]. Ҳуқуқ соҳаси, қонун чиқарувчи идора томонидан ўйлаб топилмай, балки ижтимоий ва амалий эҳтиёж маҳсули сифатида шаклланади.

Мустақил ҳуқуқ соҳасини ташкил топиши учун қуйидаги шартлар бўлиши лозим: ижтимоий муносабатларнинг ўзига хослиги; бу муносабатларнинг ҳажми ва мураккаблиги; вужудга келган муносабатларни бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормалари ёрдамида тартибга солишнинг имкони йўқлиги; бу муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида усулини қўллаш зарурлиги [5, 340].

Масалан, меҳнат муносабатларига тегишли ҳуқуқ нормаларининг йиғиндиси, меҳнат ҳуқуқи соҳасини ташкил этади; молиявий муносабатлар тааллуқли нормалар тизими, молия ҳуқуқ соҳасини шакллантиради; ерга бўлган муносабатларни тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи ҳуқуқ нормалар, ер ҳуқуқи соҳасини яратади ва ҳ.к. Ҳуқуқ соҳалари, ҳам ўзларининг ҳажми, ижтимоий муносабатларга таъсири ва умуман ҳуқуқий тартибга солишда тутган ўрнига қараб, ҳуқуқ тизимида ўз ўрнига эга. Анъанавий тарзда, ҳуқуқ тизимида етакчи ўринни конституциявий (давлат) ҳуқуқ соҳаси эгаллайди. Шунингдек, маъмурий, молия, меҳнат, фуқаролик, оила, жиноят, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, ер, қишлоқ хўжалик, экология ва бошқа шу каби ҳуқуқ соҳалари мавжуд. Ҳуқуқ соҳалари ва институти ичида, халқаро ҳуқуқ алоҳида ўринга эга. Халқаро ҳуқуқ - халқаро, энг аввало, давлатлараро муносабатларни тартибга солади. Шу сабабли, у бирорта ҳам давлатнинг миллий ҳуқуқ тизимига кирмайди.

Ҳуқуқ тизими тушунчасини, мазкур тушунчага ўхшаш тушунчалар, яъни ҳуқуқий тизим ва қонунчиликни тизимлаштириш тушунчалари билан аралаштириб юбориши керак эмас. Ҳуқуқ тизими деганда, тор маънода “миллий ҳуқуқий, тизим”, деб аталадиган, маълум давлатнинг ҳуқуқи билан бирга, жамият ҳуқуқий ҳаётининг

бошқа қатор таркибий қисмларини ҳам ўз ичига олади. Кенг маънода ишлатиладиган "ҳуқуқий тизим" тушунчаси, қиёсий ҳуқуқшунослик билан боғлиқ. "Қонунчилик тизими", у ёки бу мамлакатда мавжуд норматив - ҳуқуқий актларни (қонунлар, фармонлар, статутлар, декретлар, ҳукуматнинг қарорлари ва ҳ.к.) йиғиндиси бўлиб, улар турли хил мезонлар асосида, сифат жиҳатидан белгилаб қўйиладиган, маълум таркибий қисмларга бўлинади [1, 570].

Шундай қилиб, **ҳуқуқ тизими** – ҳуқуқнинг объектив равишда шаклланган ички тузилиши бўлиб, у ҳаракатдаги, ўзаро бир-бири билан боғланган барча юридик нормалар, институтлар ва ҳуқуқ тармоқларини ўз ичига олади, ички узвийлик ва айни пайтда, тартибга соладиган муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган фарқлар билан тавсифланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. / Масъул муҳаррир Б.Мустафоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б.570.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тультеев ва бошқ. / проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 337.
3. Исломов З.М. Давлат ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. –Б.670.
4. Мелехин А.В. Теория государства и права: учебник. – М.: Маркет ДС корпорейшн, 2007. – Б.262.
5. Новицкий И.Б. Основы Римского гражданского права. – М., 1972. – С.223.

Жәмийеттеги ҳуқық системасы түсиниги ҳәм оның қурамы
Айтмуратов Р. Б. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақала жәмийеттиң ҳуқықый системасы сыпатында ҳуқықый системаның тийкары сыпатында ҳуқықый дүзилмениң концепциясы ҳәм жайласыўы мәселесин көрип шығыўға бағышланған. Ҳуқықый нормалар ҳәм ҳуқықый институтлар ҳуқықый дүзилмениң ажралмас бөлеги сыпатында үйренилген.

Таяныш сөзлер: ҳуқықый система, ҳуқықый нормалар, ҳуқуқий институтлар.

Понятие правовой системы и его структура в обществе
Айтмуратов Р.Б. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Статья посвящена изучению понятия правовой системы как основа правовой структуры общества. В качестве неотделимой части правовой структуры рассматриваются, правовые нормы и правовые институты.

Ключевые слова: правоваясистема, правовые нормы, правовые институты.

The concept and composition of the legal system as the basis of the legal system of society
Aytmuratov R.B. Karakalpak State University

Summary. The article is devoted to the investigation of the problem of notion and lay-out of the legal system as basis of the legal system of the society. Legal regulations and legal institutions are investigated as the inseparable part of legal structure.

Key words: legal system, legal regulations, legal institutions.

ИЗ ИСТОРИИ ФОРМИРОВАНИЯ КРАЕВЕДЕНИЯ КАК ОСНОВЫ НАУКИ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ В 20-30-Е ГОДЫ XX ВЕКА

Кыдырниязов З.
Каракалпакский научно-исследовательский институт гуманитарных наук Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан

Наука является частью общенациональной культуры, формирующая систему достоверных знаний о человеке, природе и обществе в целом. Она стремится к обоснованию и развитию нашего бытия, рационально реконструируя окружающий наш мир путем изучения и выявления его закономерностей. Обычно, наука как социальный институт состоит из ученых, которые сосредоточены в научных учреждениях, к которым относятся научно-исследовательские институты, музеи, библиотеки, заповедники, лаборатории и т.д.

Открытие первых научных учреждении в Каракалпакстане приходится на 20-е годы XX века. Одним из первых является краеведческий музей, открытый в 1929 году в Турткуле [1] и почти 90 лет назад, в 1931 году был открыт Каракалпакский комплексный научно-исследовательский институт.

Этому предшествовала многолетняя работа ученых-исследователей по формированию научного потенциала, материалов и сведений. Первые научные экспедиции в Каракалпакстан состоялись в 1926 году. На II пленуме Каракалпакского областного исполнительного комитета особо отмечалась необходимость серьезного, всестороннего и глубокого изучения КАО, поэтому по прибытии в область студентов Историко-этнологического факультета МГУ Арташира Дэвлета, Алексея Иванова и Николая Баскакова для изучения быта и языка каракалпаков было решено их использовать для научного обследования Чимбайского и Кунградского округов. Студенты были приглашены на заседание областного исполкома, где они предложили свой план этнографического исследования. К.Авезов поддержал их, при этом попросил их обратить особое внимание на хозяйство каракалпаков – скотоводство, земледелие, производство [2]. Научная экспедиция выехала в мае 1926 года по маршруту Турткуль-Чимбай, затем побывали в Караузяке и оттуда выехали в Кунград. В результате поездки удалось собрать некоторые материалы по этнографии и фольклору каракалпаков, оформленные в «Очерках быта каракалпаков» (который, к сожалению, так и не было опубликован), с приложением кратких замечаний по языку каракалпаков и нескольких образцов местных песен с нотными записями [3].

Научные изыскания на территории Каракалпакстана продолжились и в последующие годы. В 1927 году была совершена поездка А.С.Морозовой, в 1928-1929 годах Н.Баскаков продолжил свою работу по изучению основ каракалпакского языка. В 1930 году были организованы научные экспедиции во главе с проф. С.Е.Маловым, при этом к работе были привлечены местные исследователи. В целом, в 1929-1933 годах

научные экспедиций в Каракалпакстан прибывали довольно часто. Как вспоминает К.Айымбетов, в 1928 и 1930 году прибывает руководитель Каракалпакской экспедиции Общества изучения Казахстана А.Л.Мелков, а также здесь работали Н.А.Баскаков, А.С.Морозова, в 1930 году прибывает профессор С.Е.Малов, известный профессор А.А.Соколов, который после выступления К.Нурмухамедова во ВЦИК РСФСР, организовал в 1933 году научную экспедицию в Чимбайском и Тахтакупырском районах [4]. Научные экспедиции организовывались и по изучению полезных ископаемых, например, в 1931 году здесь работала Каракумская комплексная экспедиция, профинансированная правительством республики и Советом по изучению естественных производительных сил Академии наук СССР. Исследователи открыли в низовьях Амударьи запасы многих полезных ископаемых [5]. Научным руководителем Каракалпакской комплексной экспедиции являлся А.И.Шастов. В составе этих экспедиции работали и представители каракалпакской молодежи. Н.А.Баскаков писал, что «значительную роль в создании каракалпакского литературного языка в этот период сыграли каракалпакские научные работники К.Айымбетов. К.Убайдуллаев, Т.Сафиев, Т.Бекимбетов, Б.Ералиев, К.Ерманов, каракалпакские писатели Н.Джапаков, Н.Давкараев, М.Дарибаев, Ж.Аймурзаев, А.Бегимов, Д.Назбергенов и др. научные работники и писатели» [6].

В 1931 году был организован Комплексный научно-исследовательский институт. Это событие состоялось в августе и находилось это учреждение в здании бывшей церкви в г. Турткуле. В состав института вошли секции истории, почвенно-пустынно-песчаная, экономических исследований, методики и планирования массовой краеведческой работы, кабинет энтомологии, гидрометеорологическое бюро, химическая лаборатория, а также в структуру института вошли научно-терминологическая секция отдела народного образования, краеведческий музей, отдел истории областного архива и др. Кстати, в том же году была образовано областное общество краеведения, были созданы ячейки, в том числе и при Каракалпакском комплексном научно-исследовательском институте.

Первый директором Каракалпакского комплексного научно-исследовательского института был назначен А.А.Гненко, который в 1930 году был командирован в ККАССР на постоянную работу [7]. 29 августа 1932 года он выступает на заседании СНК ККАССР, где предложил передать ККНИИ в Академию наук СССР. СНК ККАССР по итогам заседания принимает специальную резолюцию, полностью поддержав это предложение, постановив «войти с ходатайством перед Президиумом АН СССР о передаче Академии наук ККНИИ, сохранив за ним направление и наименование «Комплексный научно-исследовательский институт АН СССР в ККАССР» с 7 секциями [8]. На тот момент выявилась острая необходимость анализа степени научной изученности Каракалпакской АССР, которая с середины 1930 года вошла в состав РСФСР. По итогам работ научных экспедиции, в 1933 году в Ленинграде была созвана Первая конференция по изучению производительных сил Каракалпакской АССР [9]. По завершению конференции Президиум Академии наук СССР создает Каракалпакскую комиссию, которая должна была содействовать изучению и развитию республики. Акад. С.К.Камалов утверждал, что «при содействии данной комиссии в Турткуле был открыт историко-краеведческий музей и создана библиотека Комплексного института [10]. В 1933 году директором института назначается А.П.Тетюшев, в период руководства которого научно-исследовательский институт способствовал не только подбору и подготовке национальных кадров Каракалпакстана, но и приглашению специалистов из так и в центральных научно-исследовательских учреждений. По всем отраслям экономики, науки и культуры в республику прибыли известные в своей области ученые-исследователи, которые начали изучение состояние и развития производительных сил Каракалпакстана. Например, одной из главных задач было составление основ каракалпакского литературного языка, которым вплотную занимались проф. А.А.Соколов и К.Айымбетов. Ими же был подготовлен терминологический словарь по латинизации делопроизводства [11]. В 1935 году А.А.Соколов возглавил секцию языка и литературы, под его руководством была проведена большая работа по подготовке и проведении в июне 1935 года II языковедческой конференции.

В 1935 году в Каракалпакстан прибыл известный тюрколог, проф. В.И.Филоненко. Он заведуя педагогической секцией института, за время своего пребывания в республике провел обследование каракалпакских национальных школ. В программу обследования были включены 10% всех школ с охватом трех типичных районов – Шаббазского, Ходжейлийского и Чимбайского. В работе группы В.И.Филоненко участвовали Богданов и Ж.Урумбаев, а выводы были использованы Наркомпросом ККАССР для улучшения постановки педагогического дела в школах республики.

В 1934 году были начаты подготовительные работы по организации научной экспедиции по изучению перспектив развития животноводства во главе с проф. Жингаревым. Вопросы промышленного развития республики на основе местного сельскохозяйственного сырья и минеральных ресурсов разрабатывались Д.В.Альбановым [12] и инженером-геологом Иващенко. Кстати, геологические исследования в Каракалпакии начались еще в 1932 году. Экспедиционные работы показали ряд важных аспектов геологического строения, в частности ученый-геолог С.Колов утверждал, что «территория Каракалпакии расположена как бы на стыке этих двух горных сооружений и, таким образом, призвана осветить связь двух центров горно-рудной промышленности: уральской и среднеазиатской». «Дальнейшее изучение Каракалпакии должно открыть отсутствующие члены разреза осадочной толщи, а также целиком восстановить непрерывность древних пород, связывающих Урал и Тянь-Шань, указывал докладчик. - Только территория Каракалпакии может пролить свет на единство структуры палеозойских свит запада Азии» [12, 45].

Таким образом, конец 1920 – начало 1930-х годов в контексте научной изученности Каракалпакстана стали ключевыми. Именно в этом период были активизированы научно-изыскательские работы, начиная с

создания научных основ каракалпакского языка и вопросов латинизации алфавита до геологического строения почвы и развития животноводства. Этому способствовали русские ученые-исследователи, при этом заложив основу формирования каракалпакских национальных кадров и науки нашей республики в целом.

ЛИТЕРАТУРА

1. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. – Нөкис, 2003. – 367-б.
2. ЦГА РК, ф.12, оп.3, д.15, л.1047.
3. Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. 2 часть. –Москва, 1952. - С.12.
4. Айымбетов Қ. Өткен күнлерден елеслер. –Нөкис, 2008. – С.169.
5. Есбергенов Х. Государственный деятель, боец культурного фронта, верный друг ученых. // Вестник ККФ АН УзССР, 1973, №4. – С.98.
6. Есбергенов Х., Нуржанов С. Сын Отечества. – Нукус, 2018. – С.78.
7. ЦГА РК, ф.322, оп.1, д.85, л.80.
8. Подробнее см.: Каракалпакия. Труды Первой конференции по изучению производительных сил Каракалпакской АССР. Т. I, II. – Ленинград, 1934.
9. Камалов С.К. О документах Каракалпакской комиссии Академии наук СССР // Вестник ККФ АН УзССР. 1975, №4.
10. Нуржанов С., Кдырниязов З. Латинизация каракалпакского письма и её влияние на общественное развитие // Трансформация социальных установок в каракалпакском обществе: история и практика. Сборник статей. – Нукус, 2020. –
11. Альбанов Д.В. Пути промышленного развития Каракалпакии. — Москва, 1936.
12. Колов С.Н. Геология Каракалпакии // Каракалпакия. Труды Первой конференции по изучению производительных сил Каракалпакской АССР. Т. I. – Ленинград, 1934. – С.45.

XX asrning 20-30-yillarida Qoraqalpog'istonda ilm-fan asosi sifatida mahalliy o'lkashunosikning shakllanish tarixidan.
Kdirniyazov Z. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти

Rezyume. Maqola Qoraqalpog'istonda ilm-fanni va ilmiy salohiyatni tashkillashtirishga bag'ishlangan. 1920-yillardagi dastlabki ilmiy ekspeditsiyalar mahalliy ilmiy kadrlarning shakllanisgiga yordam berdi. Ular tomonidan Qoraqalpog'iston o'lkashunosligi bo'yicha ilk materiallar qayd qilindi. Ilmiy markazning tashkil qilinishi respublikada o'lkashunoslikning bundan keying taraqqiyotiga xizmat qildi. Yirik ilmiy markazlarning fanni rivojlanishidagi roli ko'rsatiligan.

Из истории формирования краеведения как основы науки в Каракалпакстане в 20-30-е годы XX века
Кыдырниязов З. Каракалпакский научно-исследовательский институт гуманитарных наук Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан

Резюме. Статья посвящена организации науки и научного потенциала в Каракалпакстане. Первые научные экспедиции 1920-х годов способствовали формированию местных научных кадров. Ими были зафиксированы первые материалы по краеведению Каракалпакстана. Организация научного центра послужила дальнейшему развитию краеведения в республике. Указывается роль крупных научных центров в развитии науки республики.

Ключевыеслова: научный потенциал, научные экспедиции, краеведение, научные центры.

From the history of the formation of local history as the basis of science in Karakalpakstan in the 20-30s of the 20th century
Kidirniyazov Z. Karakalpak Scientific Research Institute of Humanities of the Karakalpak Branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Summary. The article is devoted to the organization of science and scientific potential in Karaklpakstan. The first scientific expeditionsof the 1920s contributed to the formation of local scientific personnel. They recorded the first materials on the local history of Karalpakstan.The organization of the scientific center contributed to the further development of local history in the republic. The development of large scientific centers in the of science is mentioned.

Key words: scientific potential,scientific expeditions,local history, scientific centers.

КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ МЕХАНИЗМИНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шамшиев Ж. А.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради [1]. Коррупция ва унинг оқибатлари ҳақида кўплаб фактларни келтиришимиз, унга қарши курашишнинг қанчалик долзарблигини хеч бир қийинчиликларсиз исбот қилишимиз мумкин. Аммо, ҳар қандай жамият учун коррупцияга қарши курашувчи самарали механизмларнинг мувжуд бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Коррупцияга қарши курашишда энг самарали механизмлардан бири бу коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ҳисобланади.

Мазкур муносабатлар ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 39-моддасига [2] асосан ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ миллий тергов органлари ва прокуратура органлари ҳамда хусусий сектор ташкилотлари, хусусан молиявий муассасалар билан мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилиши билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради. Ҳар бир иштирокчи Давлат одатда ўзининг ҳудудида истиқомат қилувчи ўз фуқаролари ва бошқа шахслар миллий тергов органлари ва прокуратура органларига мазкур

Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилгани тўғрисида хабар беришларини рағбатлантириш масаласини кўриб чиқадилар.

Коррупция ҳолатлари, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш механизмлари яқин тарихда вужудга келиб қолмаган. Бундай механизмларга узоқ тарихда ҳам эхтиёж бўлган. Тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, мустаҳкам давлатчилик шаклланган вақтларда ҳам подшоҳлар ўз мамлакатларидаги ҳар қандай ҳолатдан хабар топиб туришни сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгилаб олганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Амир Темур салтанатида ҳам мамлакатдаги мавжуд ҳолат (ҳозирги тил билан айтганда криминоген вазият) тўғрисида хабар бериб бориш тизими, ҳаттоки, бирор бир ҳолатни қасддан яширганлик ёки ёлғон маълумот берганлик учун жавобгарлик чоралари ҳам белгиланган.

Амир Темур тузукларида шундай дейилади “Амр қилдимки, ҳар ерда, вилояту шаҳар ва лашкар ўрдусида кундалик воқеаларни ёзувчиларни (хабарнавис) тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўз лашкари ва ёт лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. **Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк**, четдан кирган, четга чиққан ёт кишилар, **ҳар турли мамлакатлардан келган карвонлар**, қўшни подшоҳдар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ҳақидаги хабарлар ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар. Агар бунга хилоф иш тутгудек бўлсалар, (бўлиб ўтган) воқеаларни ёзмасалар, ёзувчининг хабар ёзган бармоклари кесилсин. Агар хабар ёзувчи бирор сипоҳийнинг хизматини яширса ёхуд хабарни бошқа либосга кийинтириб (ёлғон) ёзган бўлса, у ҳолда унинг қўлини кессинлар. Агар ёлғон хабарни туҳмат ёки ғараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар.” [3].

Ҳозирги кундаги давлат бошқаруви тарихий монархия бошқарувидан тубдан фарқ қилса-да, шу вақтларда ҳам хабар бериб бориш механизмига эҳтиёж туғилган. Бугунга ривожланган даврда эса ҳар бир ҳолатни (молиявий, иқтисодий, ижтимоий, саноат ва бошқа соҳаларда), шу жумладан, коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ёзиб бориш, уни таҳлил қилиш, тўғри ёки нотўғри маълумотлар туркумига ажратиш деярли имконсиз. Шу сабабли, шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш эвазига коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишга зарурат мавжуд.

Бевосита коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмларини хорижий тажриб асосида ўрганиб чиқадиган бўлсак, ҳозирда кўпчилик учун маълум бўлган “Whistleblowing” институтига мурожаат қиламиз. Whistleblowing (тўғрисида-тўғри таржимаси “ҳуштакбозлик”) – бу жамоат этиборини ёки ҳокимият вакили эътиборини давлат, хусусий ёки нодавлат секторлари ичидаги нотўғри ҳатти-ҳаракатларга жалб этишдир. Whistleblower эса давлат идораси, жамоат, хусусий ёки тижорат ташкилоти ходимлари томонидан содир этилган қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини фош қилувчи фаол кўмаклашувчи шахс ҳисобланади.

Баъзи манбаларда, Whistleblower атамасини 1970 йилларнинг бошларида АҚШлик ҳуқуқ фаоли Ралф Надер ишлаб чиққан деб айтилган, у аслида “информатор (хабар етказувчи)” каби салбий маънолардан қочиш учун ушбу атамани ижобий таъсир кўрсатиш мақсадида ишлата бошлаган. Бироқ, бу атаманинг келиб чиқиши XIX асрга тўғри келади. Бу сўз жамоатчиликни ёки оломонни жиноят содир этиш ёки ўйин пайтида қоидаларни бузиш каби ёмон ҳолат ҳақида огоҳлантириш учун ҳуштак ишлатиш билан боғлиқ. XIX асрда ҳуштак чалувчи ибора ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига нисбатан қўланилган, чунки улар ҳуштак чалиш орқали жамоатчиликни ёки ҳамкасб полициячини огоҳлантиришган. Ноқонуний ёки қўпол ўйинни кўрсатиш учун ҳуштак ишлатадиган спорт ҳакамлари ҳам ҳуштак чалувчилар деб номланган. 1883 йилда Janesville Gazette газетасида чоп этилган воқеада ўз ҳуштаги ёрдамида фуқароларга тартибсизлик ҳақида огоҳлантирган полициячи ҳуштак чалувчи деб номланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси назарда тутилган коррупция ҳолатлар тўғрисида хабар бериш юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, Буюк Британия, Корея, Қозоғистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми сифатида коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тартиби белгиланганлигини кўриш мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, хорижий мамлакатларда “Whistleblowing” жиноятчилик ва коррупцияни фош қилиш ва уларга қарши курашишнинг самарали усулларидан бири бўлиб, бу каби хизматни амалга оширувчи махсус ходимнинг ишини йўқотишидан ёки унга нисбатан ёмон муносабатда бўлишдан ҳимоя қилиш учун махсус қонунлар мавжуд.

Мисол учун, Америка Қўшма Штатларининг 1986 йилги фирибгарликлар тўғрисидаги федерал қонунига кўра, бюджет маблағларига оид фирибгарлик ҳолатлари ҳақида хабардор бўлган шахслар, давлат манфаатлари учун даъво ариза билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Ушбу ҳолатда даъво берувчи шахс умумий даъво миқдорининг 15 фоизидан 25 фоизигача улуши суд томонидан рағбатлантирилади. Шунингдек, амалдаги қонунларга кўра, молия бозори иштирокчисининг ҳар қандай ҳуқуқбузарликлари ҳақида хабар берган шахс ушбу ҳуқуқбузарлик учун суд томонидан белгиланган жарима миқдорининг 10 фоизидан 30 фоизигача мукофот пулини олиши мумкин.

Сербия Республикасида “Whistleblower”ларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун 2014 йил 25 ноябрда қабул қилинган. Қонун ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларни ҳамда уларга алоқадор бўлган шахсларни ҳам ҳимоя қилади. Қонунда “Whistleblower”ларнинг қуйдаги уч хил тури берилган: ички “Whistleblower”лик иш берувчига тегишли маълумотларни ошкор қилиш; ташқи “Whistleblower”лик ваколатли давлат органига (масалан, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига) маълумот бериш; оммавий “Whistleblower”лик оммавий ахборот воситаларига маълумот бериш.

Қонунга асосан иш берувчилар зиммасига “Whistleblower”лар масаласида махсус мажбуриятлар юкланган. Хусусан, ҳар бир иш берувчи ушбу қонунда назарда тутилган ҳуқуқлари тўғрисида барча ишлаётган шахсларни ёзма равишда хабардор қилиши ва (агар иш берувчида ўндан ортиқ ходим бўлса) ҳуқуқбузарликлар ҳақида ички хабар беришни тартибга солувчи ички актни қабул қилиши шарт. Бундан ташқари, иш берувчилардан қонунбузарликлар ҳақида хабар берганларни ҳимоя қилиш, шунингдек тақдим этилган маълумотларга нисбатан аниқланган қонунбузарликларни ўз ваколатлари доирасида бартараф этиш чораларини кўриш талаб этилади. Шунингдек, иш берувчига “Whistleblower”га қарши фаол ёки ҳаракатсиз равишда зарарли хатти-ҳаракатлар қилиш тақиқланади. Қонун кўра, одатда, иш берувчига ёки ваколатли давлат органига хабар беришдан олдин маълумотни ошкор қилиш ноқонуний ҳисобланади. Иш берувчига ёки ваколатли давлат органига олдиндан хабар бермасдан жамоат хабар берувчиларига (Public whistleblowing) фақат истисно ҳолатларда – агар катта миқдордаги зарар етказилишидан ҳаёт, аҳоли саломатлиги, хавфсизлиги ёки атроф-муҳит учун хавф туғдирса, шунингдек, далилларни йўқ қилиш хавфи юзага келса, йўл қўйилади.

Сербия Республикаси Олий суди раиси Драгомир Миложевичнинг сўзларига кўра [4], мазкур қонун 2014 йил охирида қабул қилиниб, 2015 йилда кучга кирган бўлса, дастлабки икки ярим йиллик аризалар сони барча кутилган натижалардан ошиб кетган ва қонун яхши натижа беришда давом этмоқда. Давлат ҳокимияти органлари “whistleblower”ни жиддий ҳимоя остига олган. 2015 йилда Сербия судларида “whistleblower”лар билан боғлиқ жами 55 та жиноят иши очилган бўлиб, улардан 33 таси якунланган. 2016 йилда 295 та жиноят иши очилган бўлиб, шундан 241 таси якунланган. Гувоҳи бўлганимиздек, мазкур қонун Сербия Республикаси учун коррупция жиноятларини фош этишда самарали механизмларни жорий этишга хизмат қилган.

Коррупцияга қарши курашишда бутун дунёга намуна бўла оладиган Сингапур давлатининг “Whistleblower”ни ҳимоя қилиш борасидаги қонунларининг аксарияти мақсадли маълумот берувчилар гуруҳини ҳимоя қилади. Масалан, “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун коррупция ҳақида хабар берганларни ҳимоя қилади. Шахснинг иш жойидаги умумий ҳуқуқбузарликлар ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар берувчилар “Иш жойидаги хавфсизлик ва соғлиқ тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳимоя қилинади. Шунингдек, гиёҳванд моддалар савдоси, терроризмни молиялаштириш ва рақобат масалалари бўйича махсус хабар берувчиларни ўз ичига олган алоҳида қонунлар мавжуд.

Бошқа хорижий мамлакатларда ҳам давлат ва хусусий секторларида турли хил жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни фош қилиш мақсадида фуқароларни рағбатлантириш услубидан фойдаланилади. Буюк Британия, Германия, Канада, Корея, Руминия, Сербия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми сифатида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартиби белгиланган.

Юқоридаги таҳлиллар ҳамда хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида коррупция тўғрисида хабар бериш механизмларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлар илгари сурилади.

1. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришда кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш. Бунда: Оғир ва ўта оғир коррупцион жиноятлар тўғрисида хабар берганлиги учун уларни ҳуқуқий, ижтимоий, молиявий ва ҳаттоки меҳнат муносабатларидаги ҳимоясини таъминлаш; Ҳар бир давлат бошқарув органларида коррупцион жиноятлар тўғрисида махфий ва махфий бўлмаган тартибда хабар берувчи шахслар тоифасини шакллантириш ва уларни рағбатлантириб боришнинг алоҳида механизмларини ишлаб чиқиш.

2. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришни алоҳида тартибга солиш мақсадида Жиноят-процессуал кодексига коррупция ҳолатлари тўғрисида берилган хабарларни алоҳида тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш, мурожаат/хабарларни тегишлилиги бўйича юбориш муддатини **3 кун** этиб белгилаш, ваколатли органга тегишли бўлмаган мурожаат/хабарлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказишни **таъқиқлаш**, бошқа ҳолат юзасидан олиб борилаётган терговга қадар текширув, дастлабки тергов давомида коррупция ҳолатлари (ундан оғирроқ бўлган жиноят) аниқланган тақдирда тегишлилиги бўйича ваколатли органга барча иш материалларини **зудлик билан** ***(терговга қадар текширув ҳужжатларини 24 соат ичида, жиноят ишини 10 кун муддатдан кечиктирмасдан)*** **юбориш** мажбуриятини юклаш юзасидан қўшимчалар киритиш *(янги нормаларни киритиш)*.

3. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексиниг [5] 322-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан оммавий ахборот воситалари берган хабарлар асосида жиноят иши қўзғатилиши мумкин. Ушбу Кодексинг 327-моддасига асосан муайян жиноят тўғрисида **матбуот, радио ва телевидение, ҳужжатли кинофильмлардаги, шунингдек оммавий ахборот воситаларига** йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади. Шу ўринда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунга [6] мурожаат қиладиган бўлсак, оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари **оммавий ахборот воситаси** ҳисобланади.

Мамлакатимизда рўй бераётган воқеалар ривожи шуни исботламоқдаки, баъзи ҳолларда норасмий ОАВлари, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарлар ҳам ўрганилганда ўз тасдиғини топмоқда. Хусусан “davletovuz” телеграм канали орқали манфаатлар тўқнашувига асосланган бир қанча битимлар тузилганлиги, тендер ўтказиш шартлари қўпол равишда

бузилганлиги тўғрисидаги хабарлар аниқ фактлар билан эълон қилинди. Аммо, жиноят қонунчилигимизга асосан норасмий ОАВлари, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган хабарлар жиноят ишини қўзғатишга асос бўла олмайди.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни инобатга олиш лозим, гарчи норасмий ОАВлари, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган хабарлар жиноят иши қўзғатиш учун асос ҳисобланмаса-да, "davletovuz" телеграм канали орқали 2020 йил 24 декабрдаги "Андижонча тендер" номи билан эълон қилинган хабаралар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Gazeta.uz сайтига Андижон вилоятидаги давлат буюртмалари бўйича эълон қилинган материаллар юзасидан ўрганиш ишлари бошланганлигини маълум қилди [7]. Лекин, мазкур ўрганишнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка расмий маълумот берилмади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кенг жамоатчиликка маълум бўлган жиноят тўғрисидаги хабарлар юзасидан ваколатли ҳуқуқни муҳафаза қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган ўрганиш, терговга қадар текширув, дастлабки тергов натижалари бўйича расмий муносабат бериб бориш тизимининг мавжуд эмаслиги қонунчиликдаги бўшлиқ ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга расмий ва **норасмий** ОАВ, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарларни ўрганиш *(терговга қадар текширув, дастлабки тергов)* ва мазкур иш натижаларини жамоатчиликка эълон қилиш тизимини жорий этиш ҳамда ушбу ҳолатларда жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш *(ЖПКнинг 322-моддаси 1-қисм 3-бандига, 328-330 – моддаларига, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш)* лозим бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. [Электрон манба] URL: https://anticorruption.uz/uzc/item/what-is-corruption
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. 2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк. (БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли Қарори)
3. [Электрон манба] URL: http://temurtuzuklari.uz/uz#
4. [Электрон манба] URL: https://www.coe.int/en/web/corruption/completed-projects/enpi/newsroom-enpi/-publisher/F0LygN4lv4rX/content/whistleblowers-in-serbia-a-model-aw?inheritRedirect=false
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон; 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон)
6. Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон)
7. [Электрон манба] URL: https://www.gazeta.uz/ru/2020/12/24/conflict-of-interests/?utm_source=push&utmmedium=telegram

Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг ривожланиш тарихи ва такомиллаштириш масалалари

Шамшиев Ж. А. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Резюме. Мақолада коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг тарихий таҳлили, хорижий тажрибаси ҳамда соҳани ривожлантириш юзасидан амалий таклифлар ўрин олган.

Таянч сўзлар: коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш, Whistleblowing, Whistleblower, кўмаклашувчи шахс, коррупциянинг олдини олиш.

Вопросы истории развития и улучшения механизма сообщени я о фактах коррупции

Шамшиев Ж .А. Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

Резюме. Статья содержит исторический анализ механизма сообщения о фактах коррупции, зарубежный опыт и практические предложения по развитию отрасли.

Ключевые слова: сообщения о случаях коррупции, Whistleblowing, Whistleblower, информатор, предотвращение коррупции

Problems of history of development and improvement of corruption reporting mechanism

Shamshiev J.A. Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan

Summary. The article contains a historical analysis of the mechanism for reporting the facts of corruption, foreign experience and practical proposals for the development of the sphere.

Key words:reporting facts of corruption, Whistleblowing, Whistleblower, informant, prevention of corruption

---

ОРОЛ ДЕНГИЗИ СУВ ЙЎЛЛАРИ ТАРИХИДАН

Сулайманов С.А, Жангабаев Ж.Ж
Қорақалпоқ давлат университети

Орол денгизи ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да учрайди. «Авесто»да сув ва ҳосилдорлик худоси Ардивиге бағишланган шеърида келтирилган Вурукша денгизи ва унга қуйиладиган Арьянам ҳақида маълумотларни Орол денгизи ва Амударё билан боғлайдиган фаразлар бор.

Антик давр тарихчиси Клавдий Птоломей ҳам Орол денгизи ҳақида маълумотлар қолдирган. У Сўғд тоғларидан оқиб Каспий денгизига қуядиган Окс билан Яксарт дельтасининг оралиғидаги Оксиан кўлини айтади. Кўл унинг харитасида ҳам кўрсатилган [9, 248]. Орол денгизи ҳақида IX-X асрлардаги араб тадқиқотчилари- ибн Хордадбек, ибн Русте, Маъсуди, Истахри, ибн Хавкалнинг қолдирган маълумотлари жуда аҳамиятли. Ибн Хордадбек «Китаби-ал-масалик вал-мамлик» (Саёҳатлар билан давлатлар китоби) номли асарида Амударёни Жайҳун, Орол денгизини Кардар кўли деб атайди. Орол денгизини ҳар томонлама ўрганиш

ва географик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилиш XVI асрдан сўнг бошланди. XVII яшаган Хива хони Абулғози Баҳодирхон ўз асарларида Орол денгизи ҳақида маълумотлар бериб ўтган. У Амударёнинг XVI аср охиригача Каспий денгизига қуйганлиги ҳақида ёзиб қолдирган.

Орол денгизи ҳақида 1627-йили ишлаб чиқилган Москва давлатининг харитасидан ҳам маълумот оламиз. Унда Орол «Кўк денгиз» деган ном билан берилган. XVIII асрдан бошлаб Россия империяси Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларини ўрганиш мақсадида экспедициялар ташкиллаштира бошлади. 1740-1741-йиллари Сирдарё ва Орол бўйларига юборилган И.Муравин бошчилигидаги экспедиция Орол денгизи ҳақидаги маълумотларга бир қанча аниқлик киритади. У дастлаб Орол денгизининг шарқий томонини харитага туширган. XVIII аср давомида М.Бекчурин, Т.С.Бурнашев, А.С.Безносиковлар ўз саёҳатлари негизида денгиз ҳақида маълумотлар берди [2, 79].

Қадимги замоннинг ўзида Орол денгизи кўп элатларга маълум бўлган. Қадимги юнонлар билан римликлар Орол денгизини ўзларига қулай кўриб, уни Каспийнинг «Скифлик чиғоноғи» деб атаган. С.П.Толстов «Каспий денгизининг скифлик чиғоноғи антик муаллифларнинг айтишича ҳозирги Орол денгизи ўрнашган ҳудудни ўз ичига олиб шарққа чўзилиб ётганлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Антик даврдаги адабиётларда «Окс кўли», «Окс ботқоқлиги» деган тушунчалар учрайди. Улар ҳам Орол денгизи бўлиши мумкин» деган фикрни билдиради.

Плиний эса «Окс билан Яксарт Сўғд еридан Скиф чўлиги боғлаб оқиб, скиф денгизига қуяди», - деб ёзган. Илк даврдаги таниқли олим Клавдий Птоломей ҳам Орол денгизи ҳақида бир қанча маълумотларни ёзиб қолдирган. У Сўғд тоғларидан оқиб Каспий денгизига қуядиган (Птоломей шундай тушундирган) Окс билан Яксартнинг ўзакларининг оралиғида ётган Оксиян кўлини айтиб ўтади. Кўл унинг харитасида ҳам акс этган.

Византия элчиси Земарх Килийский турк ҳоқонлигига борган сафарида «Кўлнинг қумли жилғалари билан 12 кун давомида юриб ўтганлигини» ёзган. Рус академиги В.Бартольд бу Орол денгизи бўлиши мумкин деган фикрни илгари суради.

Орол денгизи ҳақида IX ва X асрларда яшаб ўтган араб саёҳатчи олимлари Ибн-Хордадбек, Ибн-Русте, Маъсуди, Истахри, Ибн-Хавкалнинг келтирган маълумотлари жуда қимматли. Бу маълумотлардан шу вақтдаги Орол денгизининг ҳажми билан соҳилларининг тузилиши ҳақида маълумот олишга бўлади. Ибн Хордадбех «Китаби-ал-масаллиқ вал мамлик» (Саёхатлар билан давлатлар китоби») номли асарида Амударёни Жайҳун, Орол денгизини Курдер кўли деб атайди. Ибн-Рустенинг Амударё билан Орол денгизи ҳақида ёзганлари ғоятда бебаҳо бўлиб, унинг маълумотлари бўйича Орол денгизининг ҳажми 80-фарсах, денгизнинг ғарбий соҳилларидаги ороллари Сиякух (қора тоғлар) деб атайди. Ўнг соҳили ботқоқли, унда қалин ўрмон ўсган [6, 234]. Сиякух-Устюртнинг тик қоялари бўлиши мумкин. Сабаби ғарбий соҳили баланд бўлиб, айрим ерларининг баландлиги 190 метрга етади. Ибн-Хавкалнинг Жанкент шаҳри Хоразм кўлига қуядиган ўзагидан бир фарсахтай қочиқликда жойлашган деган манбаси жуда аҳамиятли маълумот бўлиб ҳисобланади. Орол денгизи тадқиқотчиларининг бири академик Л.С.Берг куйидаги фикрни билдиради: «Бу маълумотлар X асрда Орол денгизининг ҳажми билан соҳил тузилиши ҳозиргидек бўлганини далиллайди, чунки Жанкент шаҳрининг қорабоҳаналари ҳозирги вақтда денгиз соҳилидан 50 чақирим олисликда жойлашган».

Л.С.Бергнинг фикрича XIII асрда яшаган араб муаррихи Бекбан X-XII-асрларда Сирдарё билан Амударёнинг соҳиллари ҳозиргига ўхшаш бўлганлиги, денгизнинг соҳили ҳажмини ҳозиргиси билан мос келганини ёзган [3, 349]. Ибн-Рустенинг замондоши ал Маъсуди Орол денгизининг ороларини келтирмасдан, Балха ёки Жайҳун дарёси Термиз атрофидан ўтиб, Хоразмга етганда айрилиб бориб кўлга қўйганини ёзиб қолдирган. Кўл шу ерда ёлғиз бўлган… Бироқ Маъсуди бу кўл (Орол денгизи) катта тармоқлари орқали Каспий денгизи билан бирикган деган нотўғри ҳулосани билдиради.

Араб географи Истахри (961) Орол денгизини «Хоразм кўли» деб атаган ва Сирдарё хақида ҳам маълумотлар келтирган. Сирдарё ҳақида тўғри холис ёзиб, Истахри бундай дейди: «Бу кўлнинг айланаси 100 фарсах. Суви тузли, кўлга Жайҳун, Илаш (Сирдарё) яна бошқа дарёлар қуяди.»

Истахрининг «Иқлим китобида» X асрнинг 19 та харитаси берилган. Унинг 18-19 хариталарида Орол денгизи билан унга қуядиган дарёлар акс эттирилган. Бу хариталар бу ўлканинг бой топономикасинигина кўрсатиб қўймайди, бунда X асрда Амударёнинг фақат бир тармоғигина бўлиб, унинг Орол денгизига қуйганлигини тасдиқлайди [1, 23]. Тарихий манбаларга таяниб, Орол денгизининг ҳажми ўтган минг йилликда катта бўлган. Бу ҳақидаги маълумотлар В.В.Бартольд билан Л.С.Берг асарларида кўп келтирилган. Уларда Оролнинг катта сув ҳавзаси бўлганлиги айтилади. X асрда яшаб ўтган номаълум муаллифнинг форс тилида ёзган «Худуд ал Алам» (шарқдан ғарбгача олам вилоятлари) номли қўл ёзмасида ҳам Орол денгизининг ҳажми 300 фарсахга тенг эканлиги яна соҳилларининг қумли экани ёзилган. XI яшаб ижод етган Шарқнинг буюк мутафаккирларининг бири Ал-Беруний шу замондаги араб географларининг тўплаган маълумотларига таяниб Орол денгизи билан унинг атрофидаги худуднинг тўлиқ тавсифини берган. Унинг чизган харитасида Орол денгизи Хоразм деган ном билан акс эттирилади. XIV асрдан бошлаб Ғарбий Европада янги географик хариталар пайдо бўлди. Улардан бири номаълум муаллифнинг «Каталония харитаси» (1375) бўлиб унда Каспий денгизи ва Орол денгизлари акс эттирилади.

Ўрта асрларда Амударё гоҳида Сариқамишга, гоҳида Орол денгизига қўйиб ўтирган. Бунинг сабаби ҳалигача аниқланмаган. Буни Л.С.Берг ўтроқ халқнинг чорвачилик фаолияти билан, Г.В Лопатин Мўғул босқинчилиги билан боғлайди, чунки улар ўзларининг босқинчилиги вақтида Хоразмнинг суғориш тармоқларини бузиб кетган. Аҳолининг чорвачилик билан шуғулланишининг ўсиши Амударё учун ўрта асрларда кучли бўлди [3, 349]. Таниқли тарихчи олим С.П.Толстов ўзининг «Гузлар шаҳри» деган меҳнатида қорақалпоқларнинг энг қадимги ота-боболари бўлиб ҳисобланган массагетлар конфедерациясига кирувчи

апасиаклар қавми ҳақида ёзиб, булар қадимги вақтлардан буён балиқчилик, деҳқончилик, чорвачилик этиш дастурларини сақловчи ярим ўтроқ қавм бўлган эди… Хўжаликнинг бундай турлари билан шуғулланиш бизнинг эрамызнинг V асрида эфталитларда, X-XI асрларда огуз-печенеглар қавмларида ҳам бўлди»-деб кўрсатади [8, 71].

Хоразм археологик-этнографик экспедицияси аъзоларининг бири бўлган А.В.Виноградов ўзининг Амударё ва Сирдарё қуйида умуман Хоразм воҳасида юргизилган кўп йиллик археологик тадқиқотларининг натижасида «Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғида қадимги овчилар ҳам балиқчилар» деган монография ишида м.а. V-VI асрларда Амударё билан Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаган қадимги қавмларнинг ҳам балиқчилик бўлганлигини археологик тадқиқотлар натижасида топилган кўп сонли ҳайвонларни овлаш ва балиқ овлаш воситаларининг ҳам ҳар хил балиқларнинг расми чизилган тошлар орқали тасдиқлаб беради [4, 137].

Шимолий Хоразмда балиқчилик касбининг катта ўрин тўтганлиги ҳақида IX-XI асрларда яшаган араб географларининг бири ибн-Русте воҳанинг шимолий қисмидаги Халижан деган ер тўғрисида ёзиб: «У ерда балиқчилар қишлоғи яшаб, улар лой билан қамишдан ишланган ер тўлаларда туради, балиқ овлаш воситаси сифатида ҳам шу қамишдан фойдаланади ва уни Хоразмдаги ерларга сотишга чиқаради»-деб маълумот беради [5, 67]. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, археолог, профессор Я.Г.Гулямов юқорида айтилган Халижан деган жойнинг қайси ҳудудда жойлашганлиги ҳақида айтиб, у ерни ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманининг худудига тўғри келади,- деб кўрсатади [6, 126].

Амударёнинг қўйи ва Орол денгизининг шажарасига боғлиқ ёзилган айрим материалларда бундан 1800-2000 йил олдин яшаб ижод қилган машҳур грек олими Клавдий Птолемейнинг “Алмагест” (“Буюк қурилиш”) номли асарида ер шарининг 27 бўлимдан иборат харитасини тузганлиги айтилади. Унинг 22 харитасида ҳозирги Орол билан Каспий денгизи тасвирланган. Зарафшон ва Амударёнинг (Оксус) Каспий денгизига қуйиб турганлиги кўрсатилган. Шу ерда айтиб ўтишимиз керак, 1740-йили англичан олими Томсон ўзининг ёзиб қолдирган ёдгорликларида “Амударёнинг қўйи оқимида қорақалпоқлар яшайди, улар қамиш қайиқлари билан соҳилга яқин ҳаракатланиб балиқ овлайди”-деб ёзади [1, 52]. Бу юқорида келтирилган тарихий манбалардан биламиз, Амударёнинг қўйи оқимида ёки Жанубий Орол бўйларида яшаган халқларнинг қадимги вақтлардан буён яшаш тарзида балиқ овлашнинг, бошқа хўжалик соҳалари билан бир қаторда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрамиз ва бу балиқ овлаш дастури бизнинг вақтимизгача давом этмоқда.

Орол денгизининг янги трансгрессияси XVII асрнинг иккинчи ярмида ўтди. Амударё ўз оқимини Орол денгизига қараб ўзгартиргандан сўнг денгизнинг тўлқини кўтарилди. Трансгрессия даврида Орол денгизининг акваторияси ҳозиргисидан бир қанча улкан бўлган яна соҳиллари кучли яраланган. А.В.Шнитников XIV-XV асрда Оролнинг оқими юқори бўлганини аниқ баёнлайди. Бунинг асосида муаллиф Оғузлар давлатининг пойтахти Жанкент билан Қуандарё бўйидаги бир қанча шаҳарларнинг тарихига боғлиқ маълумотларни ёзиб қолдирган. Тарихий археологик тадқиқотларга қараганда (Лившиц 1832, Толстов 1947, 1948,) Жанкент XIX асрнинг охиригача ҳаёт бўлган. Бундан сўнг ўтроқ аҳоли кўчиб шаҳар бузилмаган ҳолда қолган. Шнитниковнинг башоратига қараганда, Жанкент билан бирга бошқа шаҳарлардан ҳам (Қуйруқ шаҳар, Кескен қуйруқ шаҳар) халқнинг кўчиб кетишига денгизнинг кўтарилиши, офат сув тошқинларининг бўлиши сабабчи бўлган.

Келтирилган тарихий маълумотларни геоморфологиялик материаллар билан қиёсласак, I ва II минг йилликлар оралиғида (бундан 700-800 минг йилликлар олдин) Орол денгизининг сатқи ҳозиргисидан 1,5 м юқори бўлган. Л.С.Бергнинг фикрига қараганда унинг ҳажми ундан ҳам каттароқ бўлган. Орол денгизи шу номни эгаллагангача ҳар хил аталган. Уни саёхатчиларнинг меҳнатларида учрайди. Мисоли учун 865 йили Ибн Хордадбек «Курдер» кўли деб айтса, 243 йили Масуди «Куржани», 961 йили Истахди «Казбин», 1339 йили Хафизи «Абдуда», XVII асрда Бекрон «Джентд» кўли деб ёзган. Бугунги Орол деган ном аслида XVII асрдан бошлаб аталган. Нормандиянинг короли II Рожернинг топшириғи бўйича тарихчи араб Идириси 1154 йили саёхатга чиқиб, ер юзилик харитасини тузган. Бу харитада Сирдарё (Шаш) Амударёга (Жайхун) қуяди деб кўрсатиб кетган. XI асрда ёзилган «История Северных двор» деб номланган китобда милоддан аввалги иккинчи асрдаги «Янцай» давлатининг тарихи ёзилган. Унда Янцай давлатига қараган алан халқи Сирдарёнинг қўйи оқимида кўчиб юрганлиги айтилган [3, 246].

1592-йилларгача «Барсакелмес» оролининг ғарбий томони қуруқликдан бўлиниб кетган. XVI асрнинг охири билан XVII асрнинг бошларида денгиз суви тармоғининг пасайишига боғлиқ «Барсакелмес», «Қасқа қулан», «Көз жетпес» «Уялы», «Бектаў», «Возрождения» ороллари пайдо бўлган. Орол денгизини саёхатчилар ҳар асрда харитага тушириб келган. Чунончи, 1558 йили Антонио Дженкинсон, 1664 йили голландиялик Николай Витсен, 1723 йили Далилия, 1734 йили Кирилов, 1741 йили Муравин, 1834 йили Левшин. Денгиз табиатини тадқиқ қилишда капитан Бутаков билан кобзарь Шевченколар кўп меҳнат қилган [7, 187].

Умумун олганда, асрлар мовайнида халқимизга хизмат қилган Орол дензини ўрганиш масаласи ҳамиша маҳаллий ва чет ел олимларининг диққат марказида бўлган. Бугунги кунда ҳам уни тадқиқ қилиш, мазкур масалага бағишланган тарихий манбаларни ўрганиш тарих илми олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, Орол денгизи нафақат тарихимизнинг бир бўлими, балки, Жанувий Орол ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, савдо аълоқаларида, транспорт коммуникацияси тизимида, ва ҳудуддаги экологик мувозанатни таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга бўлган бойлигимиздир.

АДАБИЁТЛАР

1. Арал тағдыры, Алматы «Қазақстан» 1989.
2. Бейсенова А.С. Исследования природы Казахстана. А.1979.

3. Берг.Л.С. Избранные труды. I том. М.1956.
4. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. Москва, 1987.
5. Гудкова А.В. и Ягодин В.Н. Археологические исследования по городище Ток кала. Общественные науки Узбекистана. №5, 1961.
6. Гулямов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т.1959.
7. Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII – 60-х годах XIX в. К истории взаимоотношений в Россией и среднеазиатскими ханствами. Ташкент, 1968.
8. Толстов С.П. Города Гузов. Журнал. «Советская этнография» М, №3, 1947.
9. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М.1962.

Арал теңизи суў жоллары тарийхынан

Сулайманов С.А, Жангабаев Ж.Ж. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақалада Қубла Арал аймағында транспорт коммуникациясының раўажланыўында Арал теңизиниң тутқан орны ҳәм оның европалы ҳәм жергиликли алымлардың шығармаларына тийкарланған ҳалда үйренилиў тарийхына тоқталып өтилген**.** Бунда Арал теңизи тарийхы, оның әҳмийети ҳәм оның әтирапында жасаған халықтың хожалығы тарийхый дереклер тийкарында үйренилген.

Таяныш сөзлер: транспорт коммуникациясы, халық хожалығы, географиялық қурылысы, илимий экспедиция.

Орол денгизи сув йўллари тарихидан

Сулайманов С.А, Жангабаев Ж.Ж. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада Жанубий Орол ҳудудида транспорт коммуникациясининг ривожланишида Орол денгизининг тутган ўрни ва унинг европали ва маҳаллий олимларнинг асарларига таянган ҳолда ўрганилиш тарихига тўхталиб ўтилган. Бунда Орол денгизи тарихи, унинг аҳамияти ва унинг атрофида яшаган халкларнинг хўжалиги тарихий манбалар асосида ўрганилган.

Таянч сўзлар: транспорт коммуникацияси, халқ хўжалиги, географик турилиши, илмий экспедиция.

Из истории водных путей Аральского моря

Сулайманов С.А, Жангабаев Ж.Ж. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье основное внимание уделяется роли Аральского моря в развитии транспортных коммуникаций в регионе Южного Приаралья и истории его изучения, основанной на трудах европейских и отечественных ученых. На основе исторических источников освещение значение Аральского моря в развитии хозяйства местного населения.

Ключевые слова: транспортное сообщение, народное хозяйство, географическая структура, научная экспедиция.

From the history of the Aral Sea waterways.

Sulaymanov S.A., Jangabaev J.J. Karakalpak State University

Summary. This scientific article was given information about the role of the Aral Sea in the development of transport communications in the South Aral Sea region and the history of its study, based on the works of European and local scientists. In this case, the history of the Aral Sea, its importance and the economy of the peoples living around it are studied on the basis of historical sources.

Key words: transport communication, national economy, geographical structure, scientific expedition.

СПОРТ СОҲАСИДАГИ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА УЛАРНИ ТАЛҚИН ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Тлеумуратов М. Б.
Қорақалпоқ давлат университети

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, аҳолининг барча қатламларида маънан ва жисмонан соғлом муҳитни яратиш, саломатликни мустаҳлкамлаш ғояси илгари сурилган. Шу боис, айни пайтда жисмоний тарбия ва спортга эътибор давлат аҳамиятига молик муҳим ижтимоий сиёсий вазифага айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони [1] ижроси билан боғлиқ ҳолда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юқоридаги чора-тадбирлар ва фармон, қарорлардан кутилган натижаларга эришилмаганлиги, замон руҳига мос келадиган, клублар фаолиятини тартибга соладиган, яъни ҳар бир клуб ўзининг молиявий ва хўжалик фаолиятини ўзи таминлашини ўзида мужассам этган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5368-сон [2, 3578121] ва 2019 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [2, 4631208] ПФ-5887-сон фармонлари қабул қилинди. Уларда истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт заҳирасини шакллантириш, халқаро талаб ва стандартлар асосида футбол бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш каби масалалар ўрин олган.

Республикамизда спортни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ва бу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиб, шунингдек чет эл тажрибасига асосланиб юртимизнинг спорт ҳуқуқи ривожи учун профессионал спортни шартномалари билан тартибга солишнинг қуйидаги муҳим жиҳатлари мавжуд: **Биринчидан,** мазкур мавзуни ҳуқуқшунос олимлар томонидан юқори даражада

ўрганилмаганлиги ва ушбу мавзуни етарлича ўрганиш зарурати мавжудлиги. Бунда спорт шартномаларини тузиш ва бажариш, тарафларнинг зиммаларидаги мажбуриятларини бажаришга оид қоидаларнинг бир томон учун "оғирлаштирилган" тарзда белгиланиши ҳамда шартнома шартларига риоя этиш амалиётининг қатъий эмаслиги кўзга ташланади. **Иккинчидан,** спорт шартномаларининг фуқаролик-ҳуқуқий асослари етарли даражада эмаслиги, ушбу соҳада тузиладиган шартномаларга оид қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги, аралаш ва номланмаган шартнома турларининг кўплиги ҳуқуқий тартибга солишдаги турлича ёндашувларга сабаб бўлмоқда; **Учинчидан,** спорт соҳасида фаолият юритадиган ва асосан спорт билан шуғулланадиган ёшларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг кафолатлит тизимининг мавжуд эмаслиги. Зотан, спорт клубларида фаолият юритаётган спортчилар шартнома орқали ўз клуби шарафини ҳимоя қилади ва шу шартнома қоидаларига боғлиқ равишда ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, бироқ, клубда ўз фаолиятини юритаётган футболчи кутилмаганда жароҳат олса ёки турли хил бахтсиз ҳодисаларга учраса, унинг ижтимоий ҳимояси кафолатланмайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир клуб спортчиларининг жароҳат олганда, ёши улғайиб спортни тарк этишга мажбур бўлганда ва бошқа ҳолларда уларнинг манфаатларини ҳимояловчи ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилиши ва у билан тузиладиган шартномада акс эттирилишига қаратилган ҳуқуқий механизм шакллантирилиши зарурати; **Тўртинчидан,** спорт шартномасидан келиб чиқадиган муносабатларга нисбатан турли соҳа нормаларини қўлланилиши, спорт фаолиятини амалга оширишга кўмаклашадиган ва ташкилий вазифаларни бажарадиган шахсларнинг фаолиятини тартибга солиш масалаларининг ҳуқуқий ечимларини топиш ҳам долзарбдир.

Қолаверса, спорт низоларни ҳал этиш тизимининг мавжуд эмаслиги, турли спорт турларига ихтисослашган федерациялар томонидан низоларни ҳал этишнинг турлича усуллари мавжуд. Масалан, бир спорт федерацияси низоларни ҳал этишни давлат судларига топширса, бошқалар ўзларининг қошидаги апелляция кенгашида, учинчилари эса халқаро спорт ташкилотларида ҳал этишни назарда тутади.

Ҳар қандай шартномалар каби спорт шартномалари учун ҳам асосий масала унинг ижро этилиши билан боғлиқ. Спорт шартномаларининг ижро этилиши, яъни спортчи ва клубнинг зиммаларидаги мажбуриятларининг бажарилиш, бунда шартнома шартларига қатъий риоя этиш ва кўзланган мақсадга эриши орқали таъминланади. Амалиётда тузилаётган шартномаларда, спортчи ва унинг вакили ўртасидаги шартнома, спортчи ва клуб ўртасидаги шартнома шартларига риоя этмаслик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида асосий эътибор мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмаслиги (ФКнинг 237-моддаси), воз кечиш ҳақини тўлаш орқали (ФКнинг 342-моддаси) шартноманинг бекор қилиш воситалари орқали шартнома бажарилишини таъминлашга эришилиши мумкин.

Одатда спортчи ва вакил (айрим ҳолатларда воситачи деб ҳам номланади) ўртасидаги шартномаларда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини шакллантириш борасида муаммолар ҳам учрайди [3]. Масалан, **ООО "DSF-Agency"** номидан, Устав ва шунингдек ФИФА томонидан тасдиқланган "УФАнинг футболчиларининг статуси ва ўгитлари буйича Регламенти" ва УФА, УзПФЛинг бошқа тегишли ҳужжатлари асосида иш юритувчи ва бундан (кейинчалик матинда – Воситачи) деб юритувчи, директор А.Р. билан бундан (кейинчалик матинда – Футболчи) деб юритилувчи Ю.А. ўртасида шартнома тузилган. Шартноманинг предмети бўлиб, Футболчи томонидан Воситачига манфаатларини ифода қилиш ва вакиллик қилиш ҳуқуқини топшириш билан бирга, шунингдек Футболчи манфаатларини қўллаган ҳолда Футболчи номидан ва унинг ҳисобидан юридик ва бошқа ҳарактларни амалга ошириш ҳуқуқни бериш ҳисобланиши белгиланган.

Фикримизча, ушбу шартномада тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг номи ва предмети ўзаро мос келмайди. Чунки, шартноманинг бири тарафи воситачи деб номлангани ҳолда, футболчи билан вакиллик шартномаси тузилмоқда. Чунки, ФКнинг 832-моддасига кўра, воситачи комитент топшириғига кўра, ўз номидан бироқ унинг ҳисобидан бир ёки бир нечта битимларни тузади. Бундан фарқли равишда вакил топшириқ берувчининг номидан [4] ва ҳисобидан юридик ҳаракатларни амалга оширади (ФКнинг 817-моддаси). Шу сабабли юқоридаги шартнома муносабатларини бажаришга оид низо вужудга келганида воситачилик шартномаси, балки топшириқ шартномаси қоидалари қўлланилади. Шу боис бу ҳолатда низо юзага келганида суд шартнома шарҳлаш (ФКнинг 363-моддаси) қоидаси асосида вакиллик шартномаси нормалари татбиқ этади. Зеро, шартномани шарҳлаш орқали уни ҳуқуқий тартибга солишда қўлланиладиган норма аниқланади.

Бундан ташқари, шартномани шарҳлаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки жуда кўп сабаблар билан шартномани шарҳлаш зарурати вужудга келиши мумкин. Бу ҳолат кўпинча шартноманинг шартларини аниқлаштириш жараёнида, шунингдек шартномани тузиш чоғида йўл қўйилган камчилик оқибатида юзага келади. Шунингдек бундай зарурат шартномада фойдаланилган атамалар, иборалар ҳар хил маънога эга бўлганда ва турлича тушунчаларни келтириб чиқарганда туғилади.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашга қаратилган шартномани шарҳлаш таомилига оид қоидалар ФКнинг 363-моддаси белгиланган. Ушбу нормада шартномада шарҳлашда суд нималарга эътибор қаратиши лозимлиги кўрсатилган. Шартномани шарҳлаш ваколатининг фақат судга берилиши фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бир ҳисобланган бузилган ҳуқуқларни суд йўли билан тикланишидан келиб чиқади.

Амалиётда шартнома шарҳлаш, яъни номланган ёки номланмаган бўлсада, ўзида бир нечта шартномани элементларини қамраб олган шартноманинг номини ва унга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ нормаларини аниқлаш борасида бир қатор муаммолар учрайди. Масалан, спорт соҳасида трансфер шартномасини олди-сотди ёки ижара шартномаси эканлиги, футболчи ва клуб, ҳамда мураббий ва клуб ўртасидаги шартномани меҳант

шартномаси ёки ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси эканлиги ўзаро чалкаштириш ва аралаштириб юбориш ҳолатлари учрайди [5]. Бугунги кунда спортни шуғулланиш даражаси ва мақсадидан келиб чиқиб, профессионал ва ҳаваскор спортга ажратиш қабул қилинган. Спортнинг мазкур икки йўналишидаги муносабатларни юзага келтириш учун асос бўлиб шартномалар ҳисобланади. Масалан, ҳаваскор спортчи машғулот залиги қатнаш, бодибилдинг билан шуғулланиши учун фитнес-марказ билан шартнома тузади ва ушбу шартномага асосан, фуқарога залга қатнашга рухсат берилади ҳамда мураббий хизмати кўрсатилади.

Бунда ҳаваскор спортчи билан фитнес маркази ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилади. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда – ФК) 353-моддаси талабларидан келиб чиқиб, тарафлар ўртасидаги ўзаро келишув ҳисобланади. Бу келишув эса айни пайтда тарафларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради. Бунда ҳаваскор шуғулланиш истагида бўлган фуқаро фитнес-марказдан тайинланган мураббий назорати остида машғулотларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлса, марказ бунинг учун тегишли шароитни яратиб бериш ҳамда мураббийни бириктириш мажбуриятини олади. Ҳаваскор спортчи эса бунинг учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Ҳуқуқий табиатига кўра ушбу шартнома ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари туркумига киради. Чунки бунда спортчига фитнес марказа томонидан тегишли шароит яратиб бериш ҳамда мураббий билан таъминлаш хизматлари кўрсатилмоқда. Спортнинг кўп қирралиги қуйидаги йўналишларни ажратиш имконини беради: оммавий спорт (барча учун мўлжалланган спорт); юқори даражали спорт (катта спорт); профессионал (тижорат) спорт. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири спортчининг фаоллиги ва унинг мотивацияси билан ажралиб туради. Ўз ҳаётини спорт билан боғлаган субъект ўз имкониятлари даражасида индивидуал вазифаларни ҳал қилиши талаб этилади.

Профессионал спорт хизматлари, иқтисодий фаолият соҳаси сифатида, профессионал спорт истеъмолчилар учун ажойиб хизматлар шаклида маҳсулот ишлаб чиқаради. Томошабинлар спорт ва кўнгилочар хизматларни истеъмол қилишдан руҳий қониқишади ва шунинг учун уларни тўлашга тайёр. Шу билан бирга, тақдим этилаётган хизматларнинг сифати қанчалик юқори бўлса (рақобатнинг устунлиги билан ифодаланган), уларнинг нархи ҳам шунча юқори бўлади [6]. Профессионал спорт билан таъминланган якка ва оммавий хизматлар ўзларининг ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, уларни ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ўзига хослик, баъзан эксклюзивлик профессионал спортнинг якка ва оммавий хизматларига шоу-бизнес бозорларида тақдим этилган ўхшаш хусусият ва сифатнинг барча бошқа хизматлари билан муваффақиятли рақобатлашишга имкон беради.

Спорт муносабатларини вужудга келиши ва амалга оширилишида спорт шартномалари асосий ҳуқуқий восита ҳисобланади. Чунки, шартнома спортчи ва унинг фаолиятини легаллаштириш ҳамда ҳуқуқий майдон доирасида олиб борилишини таъминлайди. Профессионал спорт маҳсулотининг ўзига хослиги қуйидаги ўзига хос хусусиятлардан иборат: доимий янгилик элементлари. Спорт мусобақалари ҳар доим аввалги, ҳар бир янги бошланғич, дуэл, ўйинни деярли ҳеч қачон такрорламайдиган янги кўринишдир-бу янги очилган томоша, турли миллат ва динларнинг катта массалари эътиборини ўзига тортадиган ажойиб ва унутилмас воқеа; Хизматнинг сақланиши элементларида. Хизмат давом этмаслиги, яъни уни тақдим этиш ва истеъмол қилиш вақти ўз вақтида мос келиши мумкин деб ҳисоблашади. Кўпгина хизмат турлари учун бу баённот тўғри (масалан, транспорт учун). Бироқ, профессионал спортнинг ажойиб оммавий хизматлари ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, улар такрорланувчанлик хусусиятига эга, яъни бир хил спорт томошаси видеофильмда (ёки видео дискларда) ёзилиши ва кейинчалик телевизорда, Интернет ёки мобил телефонлар орқали ижро етилиши мумкин. Ва ҳар сафар эгаси спорт ва кўнгилочар хизматларга бўлган ҳуқуқлар тижорий фойда келтиради; Оммавий, истеъмол коллективлиги. Профессионал спортчиларнинг мусобақалари деярли ҳар доим (махсус жазо шакллари бундан мустасно, ўйинлар томошабинларсиз ўтказилади) кўплаб мухлислар иштирокида ўтказилади, электрон ва босма оммавий ахборот воситаларининг эътиборини тортади бундан ташқари, спорт ўйинлари ва чемпионатлар спорт мухлислари, дўстлар ва ҳамкасблар доирасида фаол муҳокама қилинади.

Бошқача қилиб айтганда, спорт ва кўнгилочар хизматлар истеъмолнинг массивига, яъни кўплаб шахслар томонидан истеъмол қилинадиган органик хусусиятга эга. Бу реклама ишида реклама қилинган товарлар ва хизматларнинг машҳурлиги ва жозибадорлигини кенгайтиришдан иборат иккинчи даражали иқтисодий таъсирларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган профессионал спорт маҳсулотининг ўзига хос хусусияти бўлиб, натижада савдо ва истеъмолни рағбатлантиришдир. Спорт шартномалари тузиш йўли билан спорт, яъни танани чиниқтириш, муайян спорт соҳасида маҳоратни ошириш ва бунинг натижасида муайян ютуққа ва кўрсаткичларга эришишга оид ҳаракатлардан ташкил топадиган муносабат юзага келади. Спорт шартномаларининг тарафлари мана шу мақсадга эришиш учун барча ҳаракатларни бирлаштирадилар ва бунда спортнинг қайси йўналиши бўлиши аҳамиятга эга бўлмайди [7]. Хорижий мамлакатларда шартномани шарҳлашда шартноманинг у ёки бу қоидаларидаги ноаниқликлар мавжуд бўлганда, мазкур ноаниқликлар шартнома матнининг лойиҳасини тайёрлаган томон зиммасида бўлади (contra proferentem шарҳлаш тамойили) [8]. “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенциясининг (Вена, 1969 йил 23 май) 31-моддасида белгиланишича, шартнома шартларини шарҳлашда унинг терминлари билан бирга, унинг матни, объекти, мақсади, шартнома тузиш билан боғлиқ бўлган бир ёки бир нечта иштирокчи томонидан тузилган ва бошқа шахслар томонидан ҳужжат сифатида қабул қилинадиган шартномага алоқадор ҳужжатларни ҳисобга олиши лозим. Умумий ҳуқуқ (common law) мамлакатлари суд амалиётида шартнома шартларининг ноаниқлиги (ambiguity of contract term) тушунчаси шакллантирилган бўлиб, у судларнинг шартномани шарҳлашда эътибор қаратиши лозим бўлган ҳолатларни қамраб олади.

Германия судларида аниқлилик қоидаси (*Eindeutigkeitsregel*) қўлланилади, бу қоида Германия Олий суди томонидан шакллантирилган бўлиб, шартнома шарҳлашда унинг мазмунини нотўғри талқин этилмаслик талабларини ифодалайди [9].

Шу сабабли шартномани спорт шартномаларини шарҳлаш асосида унга нисбатан қўлланиладиган қонун нормаларини қўллаш муаммосини ҳал этиш долзарб тусга эга. Бунда фуқаролик қонунчилигида белгиланган қоидаларни такомиллаштириш тақозо этилади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши ва унинг 1-иловаси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясининг III. Бўлими 3-бандида "шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги механизмларини жорий қилиш, шу жумладан шартнома турларини оптималлаштириш, дастлабки шартнома институтини ривожлантириш, шартнома тузиш эркинлигини кенгайтириш, шартномавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш, шартномавий муносабатларда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишни тартибга солиш" каби долзарб масалалар назарда тутилган бўлиб, ушбу ҳолатлар шартномани шарҳлашга оид фуқаролик қонунчилиги қоидалаини ҳам кенгайтириш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

ООО "DSF-Agency" директор А.Р. билан футболчи Ю.А. ўртасидаги тузилган шартнома бўйича вакил футболчининг спорт карьерасига тегишли бўлган барча соҳаларда, футболчи учун афзал бўлган шартлар асосида, унинг манфаатларини ифодаланади эксклюзив ҳуқуқга эга, хусусан: футболчи манфаатларини футбол трансферт бозорида ифода этади; футболчи ишга жойлашишида унинг учун манфаатан бўлган таклифларни излаш ва ушбу масалалар бўйича музокаралар ўтказиш; футболчи учун унга бўлган тансфер ҳуқуқларининг манфаатли вариантларини излаш билан шуғулланиш [10];

Бунда вакилнинг мажбуриятлари сифатида қуйидагилар назарда тутилиши мумкин: ушбу шартнома шартларига ва эришилган келишувларга қатъий риоя қилиш; ушбу шартнома буйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришда Футболчи манфаатларини доим кўзда тутиш ва ушбу манфаатлар камситилишига қаратилган ҳаракатларин амалга оширмаслик; музокаралар ўтказилганида ва ушбу шартномани бажаришга қаратилган бошқа харажатлар амалга оширилганида махфийликни сақлаш [11]; ушбу шартнома томонлари билан махфий деб тан олинган маълумотларини ушбу шартноманинг молиявий шартларини, ва шунингдек Футболчи томонидан тузиладиган контракт ва шартномаларнинг молиявий шартларини сир тутиш; ўзининг касбий ва бизнес обрўсини юқори даражада ушлаб туриш, ва шунингдек Футболчи манфаатларини юқори профессионал даражада ифодалаш учун ўз билим ва куникмалари даражасини доимий равишда ошириб бориш;

- оммавий ахборот воситаларида футболчининг муваффақатларини тарғиб қилиш [12]. Ушбу шартномани вакиллик шартномаси сифатида эмас, балки агентлик шартномаси сифатида талқин этиш ўринли бўлади. Чунки, бу шартномада футболчи ва агент ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келмоқда.

Qapag‘an qag‘an-Qapag‘an xon Qutlug‘ xoqonning ukasi. 961-716-yillar oralig ‘ida xoqonlik qilgan. O‘rxun-Enasoy obidalarida Qapag‘an xoqon nomi bilan tilga olingan. VII asrda u xoqonlikning mashxur shaxslaridan biri bo‘lgan. *Қапқан қаған Турук сир бодун йəринтə бод йəмə, бодун йəмə киши йəмə иди йоқ əртəчи ərти.* [Tonyuquq, 60], Qapag‘an xoqon Turk sir xalqi yerida urug‘ ham, xalq ham, kishi ham (yerga) ega ham bo‘lmas edi.

Quni san’un-Tabg‘ach davlatining askar boshlig‘i. Tonyuquq bitiktoshi matnlarida uchraydi. *Көруг сабы антаг: тоқуз оғуз бодун уза қаған олурты тəр, Табғачғару Қоны Сангунуг ыдмыш Қытанйғару Тонгра сəмиг ыдмыш: азқынйа турук бодун.* [Tonyuquq, 9], Kuzatuvchining gaplari shunday: To‘quz o‘g‘uz xalqi ustiga bir xoqon hukmron bo ‘ldi, deydi. Tabg‘achga Kuni Sangunni yuboribdi, Xitoyga To‘ngra Semni yuboribdi. Ularga shunday gap yuboribdi: ozgina turk xalqi.

Maqrach-erkaklar ismi. *Он оқ оғлум Тургəш қағанта Мақарач тамғачы. Оғуз Билга тамғачы кəлти, қырқыз қағанта Тардуш ынанчу чор кəлти, барқ этгучи, бəдиз йаратыгма битигташ этгучи Табғач қаған чықаны Чан Сəнгун кəлти.* [Kultegin, 53]; On oq og‘lum Turgas qag‘anta Maqarach tamg‘ani, O‘g‘uz Bilga tamg‘achi keldi. Qirg‘iz xoqondan Tardush inanchu cho‘r keldi. Bino yasovchi, naqsh solinganbitigtosh yasovchi Tabg‘ach xoqonining chiqani Chang Sangun keldi.

Na’n sangun-tabg‘achlarning harbiy qo ‘mondoni nomi. Kultegin yodgorliklarida uchraydi. *Удар сəнгун кəлти, Табғач қағанта Исйи Ликəнг кəлти, бир туман ағы алтун, кумуш кəргəксиз кəлурти. Тупут қағанта болун кəлти. Қурыйа кун батсықдақы Соғд бəрчəкəр, Буқарақ улус бодунта Нəнг сəнгун Оғул тарқан кəлти.* [Kultegin, 52]; Udar sangun keldi. Tabg‘ach xoqondan Isyi Likang keldi. Bir tuman ipak, oltin, kumushni ortiqcha keltirdi. Tubut (Tibet) xoqondan bo ‘lun keldi. Janubda kunbotardagi Sug ‘d barchakar, Buqaraq ulus [va] xalqidan Nang sangun, O‘g‘ul tarxon keldi.

Oquz bilga-erkaklarning ismi. Kultegin bitigtoshida uchraydi. *Он оқ оғлум Тургəш қағанта Мақарач тамғачы, Оғуз Билгə тамғачы кəлти, қырқыз қағанта Тардуш нанчу чор кəлти, барқ этгучи, бадиз яратыгма битигташ этгучи табғач қаған чықаны Чан Сəнгун кəлти*. [Kultegin, 53]; On oq og‘lum Turgas qag‘anta Maqarach tamg‘ani, O‘g‘uz Bilga tamg‘achi keldi. Qirg‘iz xoqondan Tardush inanchu cho‘r keldi. Bino yasovchi, naqsh solingan bitiktosh yasovchi Tabg‘ach xoqonining chiqani Chang Sangun keldi.

Tinasi-erkaklarning ismi. Faqatgina Tonyuquq bitikdoshida uchraydi. *Биз йəмə сулəдимиз, аны иртимиз. Йəнчу öгузуг кəчə, Тинси оғли ятыгма Бəнгилак тағыг…* [Tonyuquq,44]; biz ham lashkar tortdik, uni quvdik. Inju o‘guzni kechib Tinsi o‘g‘li yotadigan Bangligak tog ‘ini…, *Тинси оғли ятыгма тағқа тəгмиш. Иди йоқ ərмиш.* [Tonyuquq,47]; tinsi o‘g‘li yetadigan toqqa yetdi. Egasi yo‘q ekan.

Tonra Sam-aslida Tongra Sam(ig) bo‘lgan. Erkak kishi ismi. Faqat Tonyuquq bitiktoshida uchraydi.

Көруг саби антаг: тоқуз оғуз бодун узə қаған олурты тəр, Табғачғару Қоны Сангунуг ыдмыш Қитанйғару Тонгра сəмиг ыдмыш саб анча ыдмыш: азқинйа турк бодун. [Tonyuquq,9] Kuzatuvchining gaplari shunday: Toquz og‘uz xalqi ustiga bir xoqon hukmron bo‘di, deydi. Tabg‘achg‘a Kuni Sangunni yuboribdi, Xitoyga To‘ngra Semni yuboribdi. (Ularga) shunday gap yuboribdi: ozgina Turk xalqi. Udar Sangun-harbiy qo ‘mondon ismi hisoblanadi. *Удар сəнгун кəлти, Табғач қағанта Исйи Ликəнг кəлти, бир туман ағы алтун, кумуш кəргəксиз кəлурти. Тупут қағанта болун кəлти. Қурыйа кун батсықдақы Соғд бəрчəкəр, Буқарақ улус бодунта Нəнг сəнгун Оғул тарқан кəлти.* [Kultegin, 52]; Udar sangun [Hozirgi qo‘mondan atamasiga to‘g‘ri keladi;] keldi. Tabg‘ach xoqondan Isyi Likang keldi. Bir tuman ipak, oltin, kumushni ortiqcha keltirdi. Tubut (Tibet) xoqondan bo‘lun keldi. Janubda

kunbotardagi Sug‘d barchakar, Buqaraq ulus [va] xalqidan Nang [Bu yerdagi Nang oti forscha nak (lug‘aviy ma’nosi “yaxshi”) ning turkchalashgan ko ‘rinishi deyiladi] sangun, O‘g‘ul tarxon keldi.

Chacha sangun-harbiy generalning ismi; *Култигин йадағин оплайу тәгди. Онг тутуқ ёрчын йарақлыг әлигин тутды, йарақлығды қағанқа анчулады. Ол суг анта йоққышдымиз. Бир отуз яшинга Чача Сәнгункә сунгушдимиз, әнг әлки Тадқан Чорынг боз…* [Kultegin,32]; Kultegin yayov otilib, hujum qildi. Ong tutuq yo ‘lboshchisini yaroqli qo‘li bilan tutdi, yaroqlangan holda xoqonga armug ‘on qildi. U lashkarni o ‘shanda yo ‘q qildik.

To‘nyuquq-Qadimgi turkiy yodgorliklar ichida “To‘nyuquq” bitiktoshi alohida o‘rin tutadi. Bitikda real hayotiy voqealar bilan mifologik-diniy tasavvurlar uyg‘un holatda tasvirlanadi. To‘nyuquq (Tonuquq) ikkinchi turk xoqonligiga asos solgan. Eltarish xoqonning maslahatchisi va sarkardasi bo‘lgan. To‘nyuquq bitigini o‘zi tirikligida 712-716-yillar orasida toshga o‘yib yozdirgan. Bitikda uning oti bilga Tonyuquq deb qayd etilgan bo‘lib, bilga so‘zi uning unvoni “bilimdon alloma” degan ma ‘noni bildiradi. “Bitiktoshning yozilgan sanasi aniq emas. Ba ‘zi olimlar u 712-716-yillarda yozilga deb taxmin qilsalar, ba’zilari 720-yilda, ayrimlari 725-726-yillari yozilgan deb hisoblashadi. Bitiktosh yozilgan vaqt to‘g‘risida olimlar har xil fikr bildirsalar-da, M.Sertkaya matnda kechgan voqealarni tahlil qilar ekan, bitik, taxminan, 732-734-yillar orasida yozilgan To‘nyuquq bu kezlarda 85 yoshlarda bo‘lgan degan xulosaga keladi”[6]. To‘nyuquq antroponimining lug‘aviy ma’nosi haqida turlicha qarashlar bor. R.Kiro bu ism “to:ni yuquq” (kiyim yo‘qlik) degan so‘zdan olingan deydi. B.M. Nadelyaev o‘zining shu masalaga bag‘ishlangan maqolasida bu nom “ tuyuq o‘q” so‘zlaridan iborat deb ko‘rsatadi. Turk olimi Ali Ulvi Elove “Turk tili aralashtirmalari yilligi” (Anqara, 1958) da nashr qilingan “Bir yazi meselesi uzirine” degan maqolasida mazkur ot to‘n (birlamchi to‘ng‘ich) yaq-(yuksal) va uq (ot yasovchi qo‘shimcha) dan iborat deydi. Lelingradlik olim G. Klyashtorniy bu fikrga ikkinchi element “oq saqlamoq”, “qadrlamoq” ma’nosidagi fe’lining o‘zagi deb tuzatish kiritadi va To‘nyuquqning asl lug‘aviy ma’nosi “to‘ng‘ich javhar”degan xulosaga keladi. To‘nyuquq turk zodagonlarining Tabg‘ach (Xitoy) imperotori saroyida garov sifatida ushlab turilgan o‘g‘illaridan biri bo‘lgan. Bunday kishilarga ularga xitoycha nom berishar, xitoycha o‘qitar va xitoyparastlik ruhida tarbiya berishar edi. To‘nyuquqning xitoycha oti Yuanchjen bo‘lib, bu S.G.Klyashtorning fikriga ko‘ra [2, 80], To‘nyuquq so‘zining xitoycha ayni tarjimasidir. To‘nyuquq nufuzi jihatidan Ashin urug‘idan keyin ikkinchi o‘rinda turuvchi Ashida urug‘idan edi: *Bilgə Tonyuquq bən yozum Tabg‘ach əlingə qılıntım. Tvrvk“ bodun Tabg‘achqa körvr ərti*.[To ‘nyuquq, 1] Ya ‘ni: Bilga To‘nyuquq men o‘zim Tabg‘ach davlatida tarbiyalandim!”Turk xalqi Tabg‘achga qarar edi.

Bilga To‘nyuquq, **bo‘yla bag‘a tarxan** - bular barchasi To‘nyuquqning unvoni bo‘lgan. Barcha Tabg‘ach davlati askarlari orasida eng ilmlisi bo‘lgani uchun bu unvon To‘nyuquqqa beriladi: *uduzug‘ma ulug‘ы shad ərti* ayag‘ al tədi, ayag‘masы bən ərtim* -Bilga Tonyuquq, qag‘an-mu qisayын tədim, saqыntым turuk buqalы sәmiz buqalы arqda; [To ‘nyuquq, 5] *Ya ‘ni: uyushtiradigan ulug ‘i shad edi, „Unvon ol!- dedi. Unvon olaligani (unvonbopi)? men edim. - Bilga To‘nyuquq. Xoqonni ham qo‘lga oladin dedim”. O‘yladim: oriq buqa va semiz buqani (birov) tezagidan…*

Xullas, qadimgi turkiylarning etnogenetik, ijtimoiy hayotini, davlatni boshqarish siyosatining ko‘plab aspektlari qadimgi onomastik holatda yetib kelayotgani anglashiladi. Shundan kelib chiqib, istalgan tildagi kishi nomlari qachon bo‘lmasin birdaniga paydo bo‘lmaganligi ko‘rinadi. Ya‘ni ularning o‘ziga xos paydo bo‘lish va taraqqiy qilish yo‘llari mavjud. Bugungi kunda ishlatilayotgan so‘zlarning ko‘pchiligiga xos xususiyatlar qadimgi davrlardan buyon takomillashib kelayotganligi ma‘lum.

ADABIYOTLAR:

1. Sattorov G.H. O ‘zbek ismlarining turkiy qatlami. –Toshkent, 1990-yil,18-bet;
2. Abduraxmonov G ‘., Rustamov A. Qadimgi turkiy til. –Toshkent-1982-yil, 80-bet;
3. Begmatov E., Uluqov N. O‘zbek onomastikasi terminlarining izohli lug‘ati. –Namangan, 2006-yil, 13-bet;
4. Gumilev L.N. Qadimgi turklar. –Toshkent “Fan” nashriyoti, 2007-yil, 240-257 betlar;
5. Muxtorov A, Sanaqulov U. O ‘zbek adabiy tili tarixi . –Toshkent, «O ‘qituvchi», 1995.
6. Soatova G. To‘nyuquq yodnomasidagi Tonyuquq ismining o‘qilishi va ma‘nolari. Til va adabiyot ta‘limi, 2020-yil, 8-son
7. Bitiktoshdagi matnlar satr soni bilan belgilangan. Masalan, maqolada To‘nyuquq, Bilgaxoqon, Kultegin yodgorliklaridagi matnlar satr bo‘yicha tartiblangan. Shuning uchun matnlarni yozganimizda tushinarli bo‘lish maqsadida [To‘nyuquq, 5] shaklida beriladi;

Qadimgi yozma yodgorliklarda antroponimlarning qo ‘llanilishi

Allambergenova M. R. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume. Maqolada eng qadimgi bitiklar hisoblangan O‘rxun-Enasoy obidalarida antroponimlarning qo‘llanilishi haqida gap boradi. Shuningdek maqolada davlat boshqaruvida va mamlakatning siyosiy hayotida o ‘z hissasini qo ‘shgan nufuzli kishilar nomlari tahlil qilinadi va qiyoslanadi.

Kalit so ‘zlar: antroponim, toponim, qadimgi yozma yodgorliklar, qadimgi turkiylar, deshifrovka, onomastika, vatanparvarlik.

Использование антропонимов в древних письменных памятниках

Алламбергенова М. Р. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается использование антропонимов в памятниках Орхон-Энасай, которые считаются древнейшими надписями. В статье также анализируются и сравниваются имена влиятельных людей, внесших свой вклад в государственное управление и политическую жизнь страны.

Ключевые слова: антропоним, топоним, древние письменные памятники, древние тюрки, расшифровка, ономастика, патриотизм.

The use of anthroponyms in ancient written monuments

Allambergenova M.R. Karakalpak State University

Summary. The article examines the use of anthroponyms in the Orkhon-Enasay monuments, which are considered to be the most ancient inscriptions. The article also analyzes and compares the names of influential people who have contributed to the state administration and political life of the country.

Key words: anthroponym, toponym, ancient written monuments, ancient Turks, decoding, onomastics, patriotism.

УДК 811.512.133:59

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА МОРФОЛОГИЯГА ОИД ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Шарипов Ф. Г.

Гулистон давлат университети

Ўзбек тилшунослигининг шаклланиши ва тараққиёти, адабиётларда таъкидланганидек, узоқ тарихга эга. Аслида «туркий тилшунослик» тарзида белгиланган ўзбек тилшунослиги илк даврларда аввал ҳинд, кейинчалик, асосан араб тилшунослиги таъсирида шакллана бошлаганлиги ҳақиқатга яқинроқдир. Илк даврларда ўз тадқиқотларини араб тилида (ва араб ёзувида) ёзган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, улардан яқинроқ Абубакр Саккокий, Ёқут Ҳамавий, Абу Хайён ал-Андалусий, Жамолиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Туркий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ҳамда ўрта асрлар луғатчилигига катта ҳисса қўшган: Алойи бинни Муҳибий, Толи Имоний, Муҳаммад Ризо, Муҳаммад Яъкуб Чингий, Меҳдихон каби қомусий олимлар туркий тилшуносликнинг тамал тошини қўйган дейиш мумкин. Албатта, бу олимларнинг баъзи асарлари араб тилини ўрганишга бағишланган бўлишидан қатъий назар, туркий тилшуносликнинг шаклланишига ҳам туртки бўлган, илмий манба вазифасини ўтаган. Умуман, туркий тилшуносликнинг шаклланиши, манбаларига оид фикрлар хусусида Э.Фозилов, И.Абдуллаев, Х.Жабборов, Ҳ.Ҳасанов ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларини ҳисобга олиш жуда зарур.

Тил тарихига оид қарашларнинг илк намуналари антик даврнинг буюк олими Аристотелнинг асарида кузатилади.[2, 3-49] Асарнинг «Тил ва фикр», «Нутқ бўлаклари», «Отларнинг турлари» каби фасллари бевосита морфологияга оид қарашларни ўз ичига олади. Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, эрамиздан аввалги 170-90 йилларда Александр мактаби вакилларидан бўлмиш Дионисий Фракийский қадимги грек тили учун саккизта сўз туркумини ажратган (от, феъл, сифатдош, артикль, олмош, кўмакчи, равиш, боғловчи). Дионисийнинг сўз туркумларини ажратиш бўйича қарашлари ўзининг аниқлиги билан ажралиб туради: «От турланувчи сўз туркуми бўлиб, тана ёки нарса ва умумий ҳамда хусусийнинг ифодасидир». Сократ 8 та сўз туркумини қайд этиш XVI-XVII асрларда кузатилади (славян тилларида). Бу М.В.Ломоносовнинг машҳур «Российская грамматика» китобига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Кейинроқ сифатдош сифат туркуми билан алмаштирилган (Востоков), ундан кейин эса Р.П.Павский ҳамда Ф.И.Буслаев бу қаторга *сон* туркумини алоҳида киритадилар. XX асрда рус тилшунослигида сўз туркумлари қаторида *юкламалар* ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаб, бу тизим 10 та туркумдан иборат тарзида қатъийлашди [3,8]. Л.Л.Буланин сўз туркумларини ажратиш учун асосларни (критерия) белгилашда маълум таҳлиллардан сўнг (морфологик ва синтактик асосларни биргаликда грамматик асос сифатида бирлаштириб) семантик ва грамматик асосни қайд этади [3, 8-22]. Бунда сўз туркуми маъноси турли хил олимлар томонидан турлича терминлар билан белгиланганлиги қайд этилиб («асосий маъно» - А.М.Земский; «умумий, мавҳум маъно» - А.И.Смарницкий; «умумлаштирилган маъно» - Ҳозирги замон рус тили (1964); «умумлашган - мавҳумлашган маъно» - А.В.Дудников; «лексик-грамматик маъно» - Н.С.Валгина; «категориал маъно» - Грамматика (1970); «таснифловчи маъно» - А.Н.Тихонов; «грамматик маъно» - А.Н.Гвоздев, Стеблин - Каменский) келинганлиги, лекин булардан ҳодиса моҳиятига кўпроқ «лексик маъно» термини танланиши мумкинлиги мақсадга мувофиқ бўлиши тасдиқланди. Шунингдек, таснифлашда морфологик ва синтактик асослар бирлаштирилгани ҳолда грамматик асос сифатида қайд этилиши ҳам тўғри бўлган.

Туркий тилшуносликда морфологияга оид қарашлар араб тилшунослиги таъсирида IX-XI асрларда шакллана бошлаган. М.Қошғарий ўзининг «Девону луғатит турк» [7, 41-71] асарининг катта қисмини «Сўз ясалиши» ва «Морфология»га бағишлаган бўлиб, асарнинг 2-жилди асосан олимнинг морфологияга оид қарашларини ўзида акс эттирган. Аввало, олим сўзларни 3 та туркумга ажратади ва булар ичида феъл ва феъл шакллари бўйича ўз қарашларини билдириб ўтади. Проф.А.Нурмонов таъкидлаганидек, «М.Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари X-XI аср туркий тиллар морфологияси ҳақида тўла тасаввур берувчи қомусий асардир» [8, 48]. Олим асарда феъл замон шакллари, масдар (ҳаракат номи), феъл майллари, сон шаклининг ифодаланиши, ҳурмат шакли, бўлишли-бўлишсизлик, нисбат шакллари ҳақидаги ўз қарашларини баён қилади. Туркий тилшуносликда муаллифи номаълум бўлган ва ёзилган ўрни мунозарали ҳолда турган «Ат-тухфатуз закияту филлуғатит туркия» [13, 3-450] асарининг луғатдан кейин берилган грамматика қисми икки жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади: 1)асарни туркий тилларнинг илк грамматикаси дейиш мумкин; 2)солиштирма (чоғиштирма) грамматиканинг илк намунаси дейиш мумкин (А.Нурмонов). Китобнинг 29-89-бетлари лексик-грамматик очерк тарзида берилган бўлиб, асосий грамматик қарашлар шу қисмдадир.

«Ат-туҳфа» («Ноёб туҳфа») ўзбек тилида С.Муталлибов томонидан 1968 йилда нашр қилинди. Шундан сўнг Э.Фозилов ва М.Зияева томонидан биринчи марта рус тилига таржима қилинди ва қисман шарҳланди. Асарда қипчоқ тили материаллари изоҳлангани айтиб ўтилган. Қипчоқ тили морфологияси ва синтаксиси 64 бобдан иборат грамматика қисмида тавсифланади. Муаллиф туркий тилдаги деярли барча грамматик категория ва шаклларни араб тилшунослиги атамалари воситасида изоҳланганлиги кузатилади. [12, 61-63].

Туркий тил (эски ўзбек адабий тили)нинг морфологиясига оид айрим қарашлар Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асарида учрайди. Асарда *-ш(-иш) ва -т, -чи, -дек, -гач* аффиксларининг вазифалари ҳақида, баъзи кўмакчи феълларнинг қўлланиши хусусида (билакўр, қилакўр, кетакўр, етакўр кабилар),

сифатлардаги интенсивлик ҳақида (оп-оқ, кўм-кўк, қип-қизил...), *-вул* ҳамда -л аффикслариниг вазифалари ҳақида ҳам маълумотлар берилади [1, 116-117]. Албатта, А.Навоий туркий тил морфологияси бўйича махсус асар ёзган эмас. Муаллиф туркий тилларга хос отлар ва феъллариниг баъзи морфологик жиҳатларини қайд этиш билан чекланган. А.Навоийниг тилшунос сифатидаги фаолияти ўрганилган махсус ишда унинг мазкур соҳага оид қарашлари имкон даражасида ёритилганлиги маълум [4, 14-41].

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марказий Осиёнинг маҳаллий аҳолисини тутқунликда сақлаш, улар билан мулоқотда бўлиш мақсадида рус мулкдорларида ўзбек тилини (туркий тилларни) билиш эҳтиёжи туғилди. Шу эҳтиёж туфайли уларни ўрганишга киришилди ва баъзи амалий аҳамиятга эга бўлган грамматикалар яратилди. М.А.Терентьевнинг «Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская» (СПБ, 1876); И.А.Беляевнинг «Руководство к изучению сартовского языка» (вып. 1-4. т., 1906) ва бошқалар шулар жумласидандир. Бироқ бу асарларда илмий морфологиянинг шаклланишини таъминлайдиган даражада маълумотлар деярли йўқ.

Бу давр тилшунослигида (XX аср бошлари) Самарқанд тилшунослик мактабининг шаклланишида хизмати катта бўлган Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат илмий морфология, шунингдек, илмий синтаксиснинг пойдеворини шаклланишидаги дастлабки қадамни қўйди. «Ўзбек тили грамматикаси» («сарф ва наҳв») китобининг «сарф» қисмида илмий морфологиянинг намуналарини келтирди ва бу билан маълум даражада ўзбек илмий грамматикасини яратишни бошлаб берди. Олим морфология ва синтаксиснинг ўзаро зич боғланганлигини кўрсатиб, грамматикани ташкил этишини асослади.

Фитратнинг тилшунос сифатидаги фаолияти, грамматикага, жумладан, морфологияга оид қарашлари ҳам ўзбек тилшунослигида Б.Тўйчибоев, М.Қурбонова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган [5, 4-41; 6, 3-28; 10 24-26]. Шу билан бирга А.Нурмонов ва Н.Маҳмудовларнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» дарслигида Фитратнинг морфологик қарашларига алоҳида эътибор қаратилган [5, 148-159].

Бундан ташқари, XX асрнинг 20-йиллари ўзбек тилшунослигининг морфология тизими ўрганилиши тарихи махсус тадқиқот объекти бўлган. Бу ишда Мунаввар қори, Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннунлар томонидан ёзилган «Ўзбекча тил сабоқлиги» ва қўлланмалар, шунингдек, Фитратнинг «Сарф» асари имкон даражасида таҳлил қилинган ҳамда ана шу давр тилшунослиги ҳолати бўйича 13 пунктдан иборат хулоса берилган. Ана шу хулосалардан бирини келтириш орқали ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш ҳолати ҳақида мантиқий умумлашма чиқариш мумкин. «Ўзбек тили морфологик қурилиши акс этган бу даврдаги асарлар турли савияда яратилган. «Битам йўллари», Элбекнинг «Ёзув йўллари» асарлари дастурий маълумот йўсинида, М.Қори, Қ.Рамазон, Ш.Зуннун асарлари мактаб, курс дарслиги билимлари сифатида ва Фитрат манбалари эса илмий асар сифатида ёритилган». Шу тарзда бешинчи ва олтинчи хулосалардаги фикрларни ҳам келтирсак, ҳолат ойдинлашади: «20-йилларда чинакам ўзбек тилининг илмий грамматикаси (морфологияси яратилмаган эди, ваҳоланки, Фитратнинг асари ҳам бу йўлдаги «тажриба»дир, холос». «Ўзбек тили морфологик қурилишда изчиллик етишмас эди. Сўз туркумларини фарқлашнинг назарий қоидалари бўлмаганлиги боис, 4 тадан 7 тагача сўз туркуми фарқланган. Сўз ва аффикс (қўшимча) маънолари англашилган бўлса-да, аффикслари сўз деб қараш анъанасидан борилган, натижада «белгилар» термини остида барча аффикслар алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилган».

Хулосалардан кўриниб турибдики, асрнинг бошларида «Девони луғатит турк», «Ат-туҳфа...» каби асарлар оммалашмаганлиги сабабли ҳам бўлса керакки, морфология соҳасидаги тадқиқотлар чинакам илмийлик тусини олмаган.

Шундай бўлса-да, алоҳида таъкидлаш керакки, А.Фитрат ҳозирги кунда **концепт** термини воситасида ифодаланаётган «тушунча»га берилаётган изоҳ тарзида сўзга муносабат билдиради. Яъни А.Нурмонов кўрсатишича, у «объектив оламдан унинг умумлашган образининг онгда акс этиши ва бу умумлашган образнинг муайян моддий восита-товушлар силсиласи ёрдамида ифодаланиши нуқтаи назаридан ёндашади». Фитрат сўз ва қўшимчалар ўртасидаги фарқни ажратишга ҳаракат қилади, сўзга таъриф беради, уларни семантик жиҳатига кўра турларга (от, сифат, сон, феъл, олмош ва кўмакчилар) бирлаштиради. Шу тарзда уларнинг энг муҳим хусусиятларини белгилаб, таҳлил қилиб беради. Кўринадики, Фитратнинг «Сарф» асари ўзбек тилининг илмий морфологиясини яратишдаги илк қадам эди.

XX асрнинг 20-40-йилларида Ғози Олим Юнусовнинг «Ўзбек тили грамматикаси» (1936), М.Шамсиев ва бошқ. «Ўзбек тили грамматикаси» (1932), Ҳ.Қаюмий, С.Долимовларнинг «Грамматика» («Сарф» ва «Наҳв» 1933-1934), О.Усмон ва Б.Азизовларнинг «Грамматика (Морфология ва синтаксис, 1938), Е.Д.Поливановнинг «Краткая грамматика узбекского языка» (1926) каби асарлар яратилди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Қаюм Рамазон 1913 йилда Мунаввар қори Абдурашидов ва Шорасул Зуннун билан ҳамкорликда «Тил сабоқлари» дарслигини яратган. Дарсликни ёзишдаги иштироки ҳақида адабиётшунос хотираси Б.Ўринбоев томонидан келтириб ўтилган: «Тил сабоқлари» китобининг вужудга келишида ҳам сўз тузилиши, таркиби-морфология ва товушлар таркибидек оғир бўлимларни Қаюмжон ёзган» - деб таъкидланган [12, 124]. Бу дарслик 20-40-йилларда яратилган ўзбек тили морфологиясига оид ишлар учун манба вазифасини ўтаган бўлиши, табиийдир.

Хулоса қилиб айтганда ўзбек тилшунослигида илмий морфологиянинг шаклланиш тарихи борасида махсус ишларда анчагина кенг маълумот берилган [9, 25-56]. А.Ғуломовнинг айрим асарлари таҳлилидан келиб чиқиб, унинг қарашлари асосида илмий морфологиянинг шаклланишини изоҳлашга, асослашга ҳаракат қилдик. Ўзбек тили илмий морфологиясининг шаклланишида С.Усмоновнинг хизматлари ҳам беқиёс. Чунки олимнинг «Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши» китоби бу борадаги жиддий

тадқиқотлар сирасига кириши барчамизга маълум. Бироқ олимнинг илмий фаолияти, қарашлари алоҳида тадқиқ этилиши зарурлигини назарда тутиб, профессор Ё.Тожиев томонидан билдирилган фикрлар билан чекландик.

Морфологияга оид қарашлар туркийшуносликда анча қадимдан бошланган бўлиб, унинг илк даври М.Қошғарийга бориб тақалади. Кейинчалик яратилган, «Ат туҳфа» («Туркий тил ҳақида ноёб туҳфа») асари муаллифи туркий тиллар морфологиясини ўрганишга эътибор қаратади. Мазкур морфологик қарашлар XX аср ўзбек тилшунослигида морфологияга оид алоҳида ишларнинг яратилиши учун манба ва туртки бўлган, дейиш мумкин. Шу тарзда XX асрнинг бошларида (20-30 йиллар) Қаюм Рамазон, Е.Д.Поливанов, Фитрат, Ҳ.Қаюмий, С.Долимов, М.Шамсиев, Шербек каби олимлар томонидан ўзбек тили амалий, қисман, илмий морфологияси шаклланиб борди. Ушбу муаллифлар томонидан яратилган дарслик ёки қўлланма тарзидаги грамматикалар ўша давр эҳтиёжини қондириш ва тил ўрганувчилар учун кўмаклашиш мақсадини ҳам кўзда тутган. Шунга қарамай, ўзбек тилшунослигида ўзбек тили грамматик қурилишини чуқур илмий тадқиқ қилишнинг бошланиши, ўзбек илмий грамматикасининг яратилиши учун дастлабки ҳаракатлар сифатида ана шу ишлар муҳим аҳмият касб этди. XX асрнинг 40-йилларига қадар туркий тилшуносликда яратилган ишларнинг морфологияга тааллуқли бўлган қисмлари, ҳеч шубҳасиз, ўзбек тилшунослигида кейинги даврда шаклланган морфологияга оид илмий қарашларнинг юзага келишида муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Асарлар. 14-жилд. – Тошкент, 1964, 116-117-Б.
2. Аристотель. Поэтика. –Тошкент, “Адабиёт ва санъат нашриёти”. 1980. 3-149 б.
3. Буланин Л.Л. Трудные вопросы морфологии. –Москва, «Просвещение». 1936. 8 б.
4. Дониёров Х., Санакулов У. Алишер Навоий тилшунос олим. –Тошкент, 1990. 14-41-б.
5. Қурбонова М. Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилшунослиги. –Тошкент, 1997. 4-41-б.
6. Қурбонова М. Фитрат - тилшунос. –Тошкент, 1996. 3-28 –б.
7. Маҳмуд Қошғарий. Девону лугатит турк. –Тошкент, 1960-1963, II жилд. 41-71 -Б.
8. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Тошкент, «Қатортол-Камолот», 2000. 48-б.
9. Тожиев Ё. Ўзбек тили морфологияси тадқиқи тарихидан. Замонавий ўзбек тили. Морфология. –Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2008. 25-56-б.
10. Тўйчибоев Б. Фитрат-тилшунос. –Тошкент, 1995. 24-26-б.
11. Ўзбек тилшунослиги тарихи. 1-қисм. –Тошкент, 2000. 148-159-б.
12. Ўринбоев Б., Қурбонов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Самарқанд, 2006. 61-63-б.
13. Фозилов Э., Зияева М.Т. Изысканный дар тюркскому языку. –Тошкент, “Фан”, 1978. 3-450-б.

Ӧзбек лингвистикасында морфологияға байланыслы илимий бағдардың қәлиплесиў тарийхы

Шарипов Ф.Г. Гулистан мәмлекетлик университети

Резюме. Мақалада өзбек тили лингвистикасында морфологияға байланыслы илимий жантасыўлардың қәлиплесиўинде сөз шақапларының орны ҳәм әҳмийети ҳаққында пикир бериледи. Мәнили, көмекши ҳәм бийтәреп сөз шақапларының анализи, соның менен бирге туўысқан тиллердиң грамматикасына байланыслы мағлыўматлар келтирилген.

Таяныш сөзлер: сөз шақаплары, түбир, тийкар, қосымта.

Ўзбек тилшунослигида морфологияга оид илмий қарашларнинг шаклланиш тарихи

Шарипов Ф.Г. Гулистон давлат университети

Резюме. Мақолада ўзбек тилшунослигида морфологияга оид илмий қарашларнинг шаклланишида сўз туркумларнинг роли ва аҳамияти тўғрисида сўз боради. Мустақил, ёрдамчи ва алоҳида олинган сўз туркумлар таҳлили ҳамда қардош тилларининг грамматикаси доир маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: сўз туркуми, ўзак, негиз, қўшимча.

История формирования научных взглядов, относяшихся к морфологии в узбекском языкознании

Шарипов Ф.Г. Гулистанский государственный университет

Резюме. В статье речь идет о роли и значении частей речи в формировании научных взглядов, относящихся к морфологии узбекского языкознания. В ней дан анализ независимых, служебных и отдельно взятых частей речи, а также сведения о грамматике родственных языков.

Ключевые слова: часть речи, корень, основа, окончание

The history of the formation of scientific views on morphology in Uzbek linguistics

Шарипов Ф.Г. Gulistan State University

Summary.This article focuses on the role and meaningof parts of speech in the formation of scientific views on morphology in Uzbek linguistics. Information is provided on the analysis of independent, secondaryand separate parts of speech, as well as on the grammar of related languages.

Key words: part of speech, root, stem, suffix.

АҲМАДЖОН ТАБИБИЙ МЕРОСИГА ДОИР БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР

Амонов Ш. Н.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

XIX аср охири – XX аср боши нафақат, ижтимоий-сиёсий ҳаётда, балки маънавий-адабий ҳаётда ҳам муҳим из қолдиргани билан аҳмиятлидир. Маънавий-адабий соҳадаги янгиликлар айниқса, Хива адабий муҳитида ёрқинроқ намоён бўлади. Буни бадиий ижод соҳасидаги улкан ютуқлар билан изоҳлаш мумкин. XIX аср охири – XX аср боши миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкорлардан бири Аҳмад Табибийдир. Табибийнинг бешта шеърий девон тартиб бергани маълум. Жумладан, унинг “Туҳфату-с-султон”,

“Мунису-л-ушшоқ”, “Ҳайрату-л-ошиқин” девонлари туркий тилдаги лирик асарлардан таркиб топган бўлса, “Миръоту-л-ишқ” ва “Маҳзару-л-иштиёқ” девонларида шоирнинг форс-тожик тилидаги шеърий асарлари жамланган. Бундан ташқари, шоир “Вомиқ ва Азро” достонининг ўзбекча шеърий вариантини ёзди. Озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг “Ҳафт жом” асарини форсийдан ўзбекчага таржима қилди. Шу таржимаси таъсирида ўзининг “Етти равза” номли асарини ёзиб, Хоразм шоирлари тазкирасини тузди [1, 3].

Аҳмад Табибий ижодий мероси ҳалигача тўлиқ тадқиқ этилгани йўқ. Ҳатто шоир биографиясига оид маълумотларда ҳам бирхиллик кузатилмайди. Бу эса шоир адабий мероси юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Бу борадаги ишларни, аввало, адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида олиб бориш талаб этилади. Чунки Табибий асарлари деярли табдил этилганича йўқ.

Адабиётимиз тарихида атоқли адабиётшунос Ф. Ғанихўжаев Аҳмад Табибий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқот яратди [1, 80]. Олим ўз тадқиқотида Табибийнинг ҳаёт йўли, асарлари, уларнинг манбалари, шоир ижодининг жанрлар кўлами, мавзу мундарижаси, адабий таъсир каби масалалар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Айниқса, олимнинг Табибий асарлари мавжуд 20 дан ортиқ қўлёзма ва тошбосма манбаларни аниқлагани, уларни синчиклаб ўрганган эътиборлидир. Бироқ кейинги олиб борилган тадқиқотлар бу борадаги ишлар давом эттирилиши кераклигини тақозо этмоқда. Жумладан, булар қуйидагилар билан изоҳланади: бешта та девон тартиб берган шоир асарларидан нашрга тайёрланганлари сони элликтага етмайди. Нашр этилган 30 га яқин шеър намуна тарзида берилган; Аҳмад Табибий ҳаёти ва ижодига доир манбалар тўлиқ тўпланган йўқ. Шоирнинг биографиясига доир айрим маълумотлар умумлаштирилиб, уларга аниқлик киритилиши керак; Табибий ижоди намуналари учрайдиган манбалар (тўплам ва баёзлар) тўлиқ ўрганилиб, жамланмаган; шоирнинг туркий девонларидан бири – “Туҳфату-с-султон”нинг тақдири номаълум. Бу борада адабиётшунос олим Ф.Ғанихўжаевнинг қуйидаги маълумотлари эътиборлидир: “Табибийнинг биринчи девони “Туҳфатус-султон” Душанбедаги А.С.Семёнов уй-музейида, қолган тўрт девонининг бир неча қўлёзма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. “Туҳфату-с-султон”нинг сўз бораётган ягона нусхаси 1328 (1910) йилда котиб Муҳаммад Ёқуб Девон ибн Уста Қурбонниёз Хоразмий томонидан кўчирилган. Асар 464 саҳифадан иборат. Шоирнинг “Мунисул-ушшоқ” (Ошиқлар дўсти) номли иккинчи девони ўзбек тилида ёзилган бўлиб, 1327 (1909) йилда котиб Бобожон Тарро ибн Абдулазиз Махсум томонидан кўчирилган. Асар 382 саҳифадан иборат. Шу қўлёзманинг тўла ҳолдаги нусхаси 1328 (1910) йилда Хивада тошбосмада босилган. Табибийнинг учинчи девони “Миръотул-ишқ” (Ишқ ойнаси) эса форс-тожик тилида тузилган. У 1327 (1909) йилда котиб Мулла Иброҳим ибн Домла Қаландарҳожи томонидан кўчирилган. Асар 204 саҳифадан иборат. Қўлёзманинг бу нусхаси ҳам Хивада тошбосмада босилган. Шоирнинг “Ҳайратул-ошиқин” (Ошиқларнинг ҳайратланиши) номли девони ўзбек тилида ёзилган. Уни 1326 (1908) йилда котиб Бобожон Тарро ибн Абдулазиз Махсум кўчирган. Қўлёзма 490 саҳифадан иборат. Табибийнинг “Мазҳарул-иштиёқ” (Иштиёқ макони) номли сўнгги девони форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, у 1327 (1909) йилда котиб Мулла Иброҳим ибн Домла Қаландарҳожи томонидан кўчирилган. Асар 550 саҳифадан иборат. Қўлёзманинг бу нусхаси ҳам Хивада тошбосмада босилган. Табибийнинг бутун адабий мероси, жумладан, унинг девонлари шоир умрининг сўнгги йиллари, яъни 1906-1910 йиллар мобайнида кўчирилиб чоп этилган. Бунга қадар Табибийнинг лирик асарлари ўша даврда тузилган турли баёзларга киритилган. Булардан ташқари, фақат Табибий ғазалларини ўз ичига олган алоҳида тўпламлар ҳам мавжуд эди. Масалан, 1906 йилда котиб Муҳаммад Ёқуб Девон томонидан тузилган қўлёзма тўпламда Табибийнинг 173 та ўзбекча ва тожикча ғазали бор. Шунингдек, 1907 йилда Муҳаммад Шариф Девон Табибийнинг ўзбекча ғазалларидан яна учта тўплам тузган. Уларга шоирнинг 480 шеъри киритилган” [1, 14].

Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган №1127 инвентар рақамли “Баёзи мухаммасот”, №1129 инвентар рақамли “Баёзи мухаммасот”, №1131 инвентар рақамли “Баёзи мухаммасот”, №1133 инвентар рақамли “Баёзи мусаддасот”, №1182 инвентар рақамли “Баёзи ашъор”, №1190 инвентар рақамли “Баёзи ашъор”, №1196 инвентар рақамли “Баёзи ашъор”, №2024 инвентар рақамли баёзларда ҳам Табибий ижодидан намуналар киритилгани аниқланди.

Табибий шеърлари жамланган бир манба ЎзРФА Давлат адабиёт музейида ҳам сақланади. Ушбу қўлёзма баёзнинг сақланиш рақами 243. Қўлёзманинг ҳажми 366 саҳифани ташкил этади. Ушбу баёзнинг котиби Муҳаммад Шариф Девондир. Қўлёзманинг охирида 1325 (1907) йилда котиб Муҳаммад Шариф Девон томонидан ёзиб тугатилгани ҳақидаги маълумот келтирилган. Адабиётшунос Ф.Ғанихўжаев юқорида таъкидланган тадқиқотида бу манбадан истифода этган ўринлар мавжуд. Яъни олим ўз мулоҳазаларини далиллашда бу баёздаги шоир шеърларидан парчалар келтирган [1, 29]. Сўнгги кузатувларимиз ушбу баёздан истифода этилган ўринларни жузъий бўлсада, тузатишга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда. Жумладан, олинган парчаларда матний хатолар, саҳифаларнинг кўрсатилишида айрим номувофиқликлар учрайди.

Ушбу тўплам фақат ғазаллардан таркиб топган. Тўпламда Аҳмад Табибийнинг 200 та ғазали кўчирилган бўлиб, бошқа жанрдаги назм намуналари ҳам, бошқа ижодкор назм намуналари ҳам учрамайди. Ушбу тўпламдаги шеърлар ҳам табдил ва тадқиқ этилмагани боис, мисол тариқасида биринчи ғазал табдилини келтиришни лозим топдик. Жумладан, тўпламдаги биринчи шеър “келур кетур” радифли қуйидаги ғазалдир:

Даҳраро кимса бошиға ранжи ано келур-кетур,
Кўнглига ҳам мунинг киби файзу сафо келур-кетур.

Гаҳи қуёшни партави, гаҳи кеча зулми ҳам,
Аҳли жаҳонға тинмайин субҳи масо келур-кетур.

Айшиға бўлма шифтаи қайғусидин доғи малул,
Гаҳи нашотлар, гаҳи дарди бало келур-кетур.

Улки басе ямон эрур, йўқ эса асру яхшидур,
Бу ики навъ кимса ҳам олам аро келур-кетур.

Ёри вафо вужудиға йўқ эрур эътиборким,
Жавру жафо келур-кетур, меҳри вафо келур-кетур.

Ринд аҳли макр ила фусун дом ила донасин қуруб,
Олам элига айлабон рўю риё келур-кетур.

Хайли ринду сокини дайр бўлуб субҳи шом,
Нўш этиб асру бода руҳи физо келур-кетур.

Некбатининг бақоси йўқ давлатиға ҳам эътибор,
Одам этуб бу икиға умри фидо келур-кетур.

Шодлиғ ила қайғулиғ даҳр аҳлининг аросиға,
Ушбу жаҳонда айлаким боди сабо келур-кетур.

Расми таваккул айлагил пеша мудом ўзингғаким,
Не эса қисмат, эй кўнгул жумла санга келур-кетур.

Йигит Худоға айлабон қилма илож, эй Табибий,
Негаки табъи халқға дарду даво келур-кетур.

Тўпламдаги сўнгги шеър эса “бу кун” радифли ғазал билан якунланган. Ушбу ғазал
Ваҳким ул ой ҳижронидин ранжим фаровондур бу кун,
Ғам касрати бирла манга хотир паришондур бу кун, - матлаъи билан бошланиб:

Сен чек, Табибий, ғам аро беморлиғким ишқ аро,
Лаъли лаби ўзга киши дардига дармондур бу кун, - мақтаъси билан якунланади.

Тўпламнинг сўнгги саҳифасида кўк сиёҳда “бу китобни ўз институтимиз Ўзбекистон академиясининг Адабиёт институтига тақдим қиламан. Ғафур Ғулом. 26/9.57.” деган қайд мавжуд. Ушбу тўпламдаги лирик асарлар таҳлили шеърларнинг аксарияти шаклан ва мазмунан ҳазрат Мир Алишер Навоий асарларига ўхшатмалар тарзида ёзилганини кузатиш мумкин. Кузатувлардан аён бўлишича, Табибий хоразмлик шоирлардан Нишотийга 1 та, Мунисга 8 та, Огаҳийга 12 та, Комилга 2 та, Авазга 2 та, Рожийга 5 та, Мирзога 2 та, Доий ва Ниёзийга 3 тадан мухаммас боғлаган. Шунингдек, шоир Навоийнинг 20 дан ортиқ ғазалига мухаммас боғлаган. Жумладан, Навоийнинг “Ҳикмати”, “Бўлса”, “Айласа”, “Бўлубдур”, “Керак”, “Айларман”, “Оллида”, “Туз”, “Бўлмангиз”, “Ҳануз”, “Сўрмангиз”, “Айлаб”, “Анга”, “Хуррам”, “Бўлмас” каби радиф ва қофиялар билан тамомланадиган ғазалларига мухаммаслар боғлаган [1, 31]. Бундан ташқари, шоирнинг Саъдий, Жомий, Зебуннисо ва Мирзо Ғолиб шеърларига форс-тожик тилида мухаммаслар боғлагани маълум. Шоир ижодини кузатар эканмиз, унинг ижодида ишқ-муҳаббат, ҳақиқат ва адолат, садоқат етакчилик қилади. Бироқ унинг илм-маърифатни улуғловчи ижод намуналари ҳам борки, бу туркум асарлар Муқимий, Фурқат асарларига мазмунан жуда яқин туради [1, 46-47]. Аҳмад Табибий асарлари манбаларини тўлиқ тўплаш, уларни қиёсий-матний тадқиқ этиш, шоир ижодини тўлиқ ўрганиш, лирик асарларини таҳлил этиш, шубҳасиз, бу маълумотларни янада кенгайтиради. Шу ўринда, адабиётшунос Ф.Ғанихўжаев Табибий ҳақидаги тадқиқотида шоирнинг “Мунису-л-ушшоқ” девонида 53 та, “Ҳайрату-л-ошиқин” девонида 114 та, “Туҳфату-с-султон” девонида 14 та, “Миръоту-л-ишқ” девонида 86 та, “Мазҳару-л-иштиёқ” девонида 125 та, жами 5 девонида 518 та мухаммас бор. Булардан 307 таси туркий, 211 таси форсий тилда ёзилган [1, 31], - дея таъкидлайди. Ушбу маълумот, яъни Табибий мухаммаслари сони 518 та экани адабиётшунос С.Маткаримова томонидан ҳам қайд этилади [2, 14]. Бироқ Ф.Ғанихўжаев келтирган мухаммаслар сони 392 тани ташкил этади. Негадир, мухаммаслар сони 518 та деб нотўғри маълумот келтирилади ёки қолган мухаммасларнинг манбалари кўрсатилмайди.

Аҳмад Табибий Феруз кўрсатмасига биноан тазкира тузди. Гарчи шоҳ кўрсатмасига кўра “Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий” тазкираси тузилган бўлсада, мажмуани ёзилишига илҳом бахш этган манба шубҳасиз, “Мажолису-н-нафоис”дир. Жумладан, адабиётшунос С.Маткаримованинг “Дарҳақиқат, кейинги асрларда ўзбек ва тожик тилларида вужудга келган Малеҳонинг “Музаккири асҳоб” (Суҳбатдошлар зикри), Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккир ул-аҳбоб” (Дўстларнинг зикри), Мутрибий Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Возеҳнинг “Туҳфат ул-аҳбоб” (Дўстларнинг туҳфаси), Фазлийнинг “Мажмуаи шоирон” (Шоирлар тўплами) тазкираларида Навоий анъаналари ижодий давом эттирилди. Табибий тузган тазкиралар ҳам бу ворисийликнинг ёрқин намунасидир”, - деган эътирофи ўринлидир.

Табибий ўзининг “Вомиқ ва Азро”, “Етти равза”, “Нозир ва Манзур” асарлари билан ўзбек достончилиги ривожига ҳисса қўшди. Шоирнинг бу асарларида ҳам севги-муҳаббат, Ватанга, ёрга, дўстга садоқат, ўзаро ишонч, давлат ва жамиятда адолатлилик, илм-маърифат, одоб-ахлоқ, тарбия, сабр-қаноат, халқлар дўстлиги каби юксак инсоний фазилатлар тараннум этилади. Табибий достонлари матни билан танишиш беихтиёр Алишер Навоийнинг “Лисону-т-тайр”, “Маҳбубу-л-қулуб” асарларини ёдга туширади. Айниқса, шоир достонлари Навоий “Хамса”си таркибидаги достонларнинг мантиқий давоми сифатида тасаввур уйғотади. Негаки, ушбу достонлар матнида Навоий “Хамса”сидан айнан мисоллар келтирилган ўринларни учратиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Табибий лирик мероси жанрига кўра тасниф этилса, шоир ижодида ғазал, фард, рубоий, қитъа, туюқ, чистон, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, қасида, таржеъбанд, мустазод, даҳрнома, мусамман, соқийнома, ширу шакар, мусаббаъ, мутассаъ, муашшар, баҳри тавил каби намуналар борлиги аён бўлади. Бу эса шоир ижоди кенг кўламли тадқиқотлар олиб боришни кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1.Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. –Тошкент, «Фан», 1978.

2.Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. – Тошкент. 2007. Б.14.

Аҳмаджон Табибий меросига доир баъзи маълумотлар

Амонов Ш. Н. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Резюме. Мақолада XIX аср охири – XX аср боши ўзбек адабиётининг фаол вакилларидан бири Аҳмад Табибийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилади. Шунингдек мақолада Табибий таржимон, достоннавис, тазкиранавис, сифатидаги ижоди урганилган. У мумтоз адабий анъаналарни муносиб давом эттирди, бешта шеърий девонлари тахлил этилган.

Таянч сўзлар: Аҳмад Табибий, қўлёзма, тошбосма, фонд, шоир, шеър, девон, тўплам, баёз, манба, матн, жанр.

Некоторая информация о наследии АхмаджанаТабиби

Аманов Ш.Н. Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

Резюме. В статье рассказывается о жизни и творчестве Ахмада Табиби, одного из самых активных представителей узбекской литературы конца XIX - начала XX веков. В статье рассматриваются работыТабиби как переводчика, достоннависа, тазкиранависа. Он продолжил классическую литературную традицию, дан краткий обзор пяти его девонов.

Ключевые слова: Ахмад Табиби, рукопись, литография, фонд, поэт, стихотвороние, девон, сборник, баяз, источник, текст, жанр

Some information onthe legacy of AkhmadjanTabibi

Amanov Sh. N. Tashkent State University of theUzbek Language and Literature named after AlisherNavoiy

Summary. The article tells about the life and work of AkhmadTabibi, one of the most active representatives of Uzbek literature of the late 19th - early 20th centuries. The article also examines the work of Tabibi as a translator, dostonavis, tazkiranavis. He continued the classical literary tradition,there were analyzedhis five poetic devons.

Key words: Akhmad Tabiby, manuscript, lithography, fund, poet, poem,devon, proceedings, bayaz, source, text, genre.

NEMIS HÁM QARAQALPAQ TILLERINDE JANAPAYLARDIŃ (PARTIKELLERDIŃ) QOLLANILIWI

Taekeeva A.T, Bakbergenov A.
Qoraqalpoq davlat universiteti

Zamanagóy til bilimindegi leksikalıq birlikler sóylewshiniń pikirin tıńlawshıǵa jetkerip beriwde qollanılatuǵın eń tiykarǵı kommunikativlik qural esaplanadı. Bunda sóylewshi óziniń pikirin bir qálipte aytpastan, oǵan hárqıylı sezimlik jaǵdayların bildirgen halda bayanlaydı. Yaǵnıy, gápte belgili bir sorawǵa juwap bermeytuǵın, gáp aǵzası xizmetin atqarmaytuǵın, tek ǵana pútin gápke tásir etip, oǵan qosımsha máni beretuǵın sózlerden de paydalanadı. Kópshilik tillerde bolǵanı sıyaqlı, nemis tilinde de usınday sózler kóp ushıraydı. Sóylewde qollanılatuǵın bunday sózler janapay (partikel) dep ataladı. Janapaylar (partikeller) ádette nemis tilinde sezimlik wazıypanı atqaradı hám kóbinese awızeki sóylewde qollanıladı. Olar kontekst penen tıǵız baylanısli boladı, sonlıqtan, gápte anıq qanday máni ańlatıp turǵanın hám basqa tillerde ekvivalenti ushıramaǵanlıǵı sebepli dál awdarmasın tabıw júdá qıyın. Biraq ta, olardıń gápte atqarıp kelgen xizmetine qaray, yaǵnıy dáneker (konjunktion) bolıp kelse, bul qaraqalpaq tilindegi dánekerler menen sáykes keliwin, al, janapay (partikel) bolıp kelse janapaydıń ayırım túrleri menen atqaratuǵın wazıypası uqsas ekenligin anıqlawǵa boladı. Janapaylar (partikeller) belgili bir áhmiyetli grammatikalıq wazıypa atqarmaydı, sonlıqtan olardı sóylewde qollanıw qatań qaǵıyda emes (túsirip qaldırılsa da boladı).

Janapaylardıń (partikellerdiń) kópshiligi kontekstke baylanıslı hárqıylı mánide keliwi múmkin, yaǵnıy, bir kontekstte ańlatıp turǵan mánisi, ekinshi bir kontekstte pútkilley basqasha mánige aylanıp ketedi. Máselen, tómendegi mısallarda ***aber*** sóziniń gáplerde hárqıylı wazıypa atqarıp kelgeni kórsetilgen: (1) *Ich habe kein Fahrrad,* ***aber*** *wir haben zwei Autos* [8. 1]/ *Meniń velosipedim joq, biraq eki mashinamız bar.* Bul gápte ***aber*** qaraqalpaq tiline *biraq* dep awdarmalanǵan hám óziniń tiykarǵı grammatikalıq wazıypası, yaǵnıy, eki jay gápti biriktirip kelgen qarsılas dáneker wazıypasın atqarıp tur. *(1) Das freut mich* ***aber****, dass du wieder gesund bist.* [9. 1] / *ɯвSeniń táwir bolǵanıńnan quwanıshlıman!* Ekinshi berilgen mısalda bolsa, ***aber*** gápke qosımsha máni berip, sóylewshiniń kútilmegen waqıyaǵa hayran qalıp atırǵanın jetkerip beriwde sezimlik wazıypa atqarıp partikel xizmetinde kelgen. Sonlıqtan, bul gáptegi ***aber*** sózi qaraqalpaq tiline awdarılmaydı.

Basqa tillerge salıstırǵanda awızeki nemis tili óziniń partikellerge bay hám kóp túrliligi menen ajıralıp turadı. Bunda olar sóylewshiniń pikirine janlılıq hám reńlilik beriw ushın keń qollanıladı. Janapaylardı (partikellerdi) qollanıw arqalı ekinshi sóylewshi tárepinen aytılǵan pikirge tańlanıw, qızıǵıw, tastıyıqlaw, gúmanlanıw, boljaw, múlayımlıq bildiriw hám t.b. sezimlerdi bildiriwde isletiledi.

Aber sóziniń tiykarǵı awdarması – *biraq*. *Biraq* sózi mánileri bir-birine qarama-qarsı bolǵan eki jay gápti baylanıstıratuǵın qarsılas dáneker xizmetin atqaradı. Biraq, ol nemis tilinde basqa da xizmetlerdi atqaradı. Máselen,

(1) Du bist ***aber*** *groß geworden!* [8. 2] / *Sen úlkeyip ketipseń!*

Bul gápte ***aber*** sóziniń xizmeti sóylewshiniń tańlanıwın bildiriwde gápke tásirsheńlik beriwden ibarat. Bunda sóylewshi ***aber*** di qollanıw arqalı pikirin tolıq jetkermesten, oǵan óz sezimlerin bildirgen halda bayanlap atır.

(2) Dein Hund ist ***aber*** *klug.* [7. 1] / *Seniń iytiń aqıllı eken!*

Ekinshi berilgen mısalda kompliment, hayran qalıwshılıq sezimlerin bildiriwde gápke ózgeshe sán beriw ushın ***aber*** den paydalanılǵan.

Denn sózin nemis tilinen awdarmalaǵanda *sebebi* degen mánisti bildiredi. ***Denn*** sóziniń gáptegi xizmeti qaraqalpaq tilindegi sebep dánekeri menen sáykes keledi. Ol eki jay gápti sebep mánisinde baylanıstıradı.

(1) Wir haben zwei Autos, ***denn*** *wir mögen Autos.* [8. 3] / *Bizlerdiń eki mashinamız bar, sebebi bizler mashinanı jaqsı kóremiz.*

Bul keltirilgen mısalda ***denn*** kómekshi sóz wazıypasın atqarıp, eki gápti sebep mánisinde baylanıstırıp turǵan sebep dánekeri bolıp kelgen.

Denn sózi nemis tilinde tek ǵana dáneker xizmetinde emes, sonday-aq, ayırım jaǵdaylarda janapay (partikel) bolıp ta keledi. Olar tiykarınan, soraw gáplerde kóp ushıraydı. Nemis tilinde soraw gápler eki túrli boladı:

1. Soraw sózli soraw gáp
2. Soraw sózsiz soraw gáp

Denn sózi soraw gáplerdiń eki túrinde de qollanıladı. Qandayda bir jaǵdayǵa óz pikirin yaǵnıy, tásirleniwin bildiriw ushın paydalanıladı. Sonday-aq, gúman, ókpe-giyne, jıllı júzlilik hám tańlanıw mánilerin bildirip keledi. Máselen, *Hast du* ***denn*** *kein Geld mehr?* [2. 1] / *Basqa aqshań joq pa ne?*

Bul mısalda qandayda bir jaǵdayǵa óz tásirleniwin (pikirin) kórsetip bergen. (2)*Kommt Dennis* ***denn*** *heute?* [8. 4] / *Dennis búgin kele me ózi?*

Úshinshi mısalda bolsa ***denn*** gúmanlanıw mánisinde kelgen. Joqarıdaǵı mısallardan kórinip turǵanınday, **denn** sózi qollanılmaǵan jaǵdayda gáp avtordıń heshqanday sezimin bildirmesten, ápiwayı tekst bolıp qalǵan bolar edi.

Bloß – sózi nemis tilinen awdarmalanǵanda az, kóp emes degen mánilerdi ańlatadı. Máselen,

(1) Ich habe ***bloß*** *5 Euro bei mir, kannst du mir leihen?* [8. 5] / *Menıń 5 evrodan azıraq pulım bar, maǵan azǵantay qarız berip tura alasań ba?*

Bul gápte **bloß** muǵdar-dárejeni bildirip, óz aldına gáp aǵzası bolıp kelgen. Bunnan tısqarı, ol ayırım jaǵdaylarda gápte janapay (partikel) bolıp ta keledi. ***Bloß*** nemis tilinde soraw sózli soraw gáplerde kelse tańlanıw, albırawshılıq sezimlerin soraw mánisinde bildiredi. Máselen, *Was will man* ***bloß*** *von uns?* [3. 1] / *Bizlerden ne qálep tur ózi?*

Bul mısalda sóylewshi óziniń tańlanıw, hayran qalıwın ***bloß*** sózin qollanıw arqalı bildirip tur. ***Bloß*** nemis tilinde buyrıq hám talap etiw mánisindegi gáplerde kelse, qáwip-qáter aldınan eskertiw mánisin ańlatadı: (2)*Komm* ***bloß*** *nicht zu spät!* [2. 2] / *Kesh kelme!*

Doch sózin nemis tilinen awdarmalasaq *sonda da, ne bolsa da, solay bolsa da, biraq* degen mánilerdi bildiredi. Máselen, *(2)-Hast du keine Zeit? -Seniń waqtıń joq pa* [8. 6] / -***Doch****, natürlich habe ich Zeit. – Sonda da waqtım bar, álbette.*

Doch sózi nemis tilinde Modalpartikel (modallıq janapay) bolıp keledi hám gápke ózgeris alıp kiredi. Ol xabar gáplede, tilek hám buyrıq gáplerde qollanıladı. ***Doch*** sózi xabar gápte kelse, ayıplaw, ókpe-giyne sezimlerin bildirip keledi. Máselen, / *Die Männer können* ***doch*** *nicht kochen!* [3. 2] / Erkekler awqat pisire almaydı!

Bul jerde ***doch*** ókpe mánisinde, yaǵnıy mısqıllap sóylew arqalı ókpelew sezimin bildirip kelgen.

Doch sózi nemis tilinde buyrıq meyilde kelip, gápte hayran qalıw hám ashıwlanıw sezimlerin kúsheytedi:

(1) Ich habe dir ***doch*** *gesagt, dass ich es nicht verstehe.* [7. 2] / *Men saǵan onı túsinbeytuǵınımdı ayttım ǵoy!*

Joqarıda keltirilgen mısalda, ashıwlanıw, hayran qalıw sezimleri sáwlelengen. Gáptegi tańlanıwdı kúsheytedi. Sonday-aq, ***doch*** sózi talap etiw, soranıwdı bildiretuǵın gáplerde qatnasıp, múlayımlılıq qosıp keledi. Máselen,

(2) Probier ***doch*** *mal, es schmeckt lecker.* [8. 7] / *Jep kór, mazalı eken.*

Bul gápte ***doch*** sózi gápke múlayımlılıq qosıp tur. ***Doch*** sózi tilek meyilde kelip, tilekti kúsheytip kórsetip turadı. Mısalı, (3)*Wenn er* ***doch*** *bloß gefragt hätte!* [4. 1] / *Eger ol soraǵanda ma edi!*

Eigentlich sózi nemis tilinde ráwish hám kelbetlik wazıypaların atqaradı. Gápte ráwish bolıp kelse, *haqıyqatında da, shınında da, negizinde* degen mánini bildiredi. Al, kelbetlik bolıp kelse, *haqıyqıy, shın* degen mánilerdi bildiredi. Máselen, (1) ***Eigentlich****, darf ich es nicht sagen, aber Ihnen sag ich es.* [3. 3] / *Negizinde, men onı aytpawım kerek edi, biraq saǵan onı aytaman.*

Bul mısalda ***eigentlich*** sózi ráwish xizmetinde kelgen. ***Eigentlich*** nemis tilinde modalpartikel (modallıq janapay) xizmetin atqarıp, kóbinshe tek soraw gáplerde keledi hám sorawda qattı qızıǵıwshılıq túsinigin bildirip keledi. Kópten beri soray almay júrgen nárseni qızıǵıp soraytuǵın bolsaq ***eigentlich*** sózin qollanamız. Mısalı, *Kannst du* ***eigentlich*** *Spanisch?* [8. 8] / *Sen ispansha sóyley alasań ba?*

Bul mısalda kórinip turǵanınday, soraw qızıǵıwshılıq penen soraldı.

Etwa sózi nemis tilinde ráwish wazıypasın atqarıp keledi. Nemis tilinen awdarmalaǵıanda *shama menen, átirapında* degen mánilerdi bildiredi. Máselen, ***Etwa*** *zehn Tage. – Shama menen on kún.* [3. 4]

Bul mısalda shamalıq mánisti bildirip, gápke anıqsızlıq berip tur. ***Etwa*** sózi nemis tilinde modallıq janapay (Modalpartikel) wazıypasın da atqarıp keledi. Kóbinshe tek soraw gáplerde qollanıladı. Soraw gápte sorawdı kúsheytip, onda isenimsizlik, sezimin kúsheytedi. Máselen, *Hast du* ***etwa*** *im Bad das Wasser laufen lassen?* [2. 3] / *Sen vannaǵa suwdı aǵızdıń ba?*

Bunda soraw beriwshi adam juwap beriwshiden berilgen sorawǵa qarama-qarsı juwaptı kútkenlikten, berilgen sorawı isenimsizlik sezimin kórsetip kelgen.

Ja sózi nemis tilinen awdarmalaǵanda awa degendi bildiredi. Soraw berilgende juwp beriwshi wazıypasın atqarıp, bolımlı juwap mánisinde keledi. Máselen, *Kommst du? –* ***Ja!*** [2. 4] / *Keleseń be? – Awa!*

Ja sózi nemis tilinde modallıq janapay (Modalpartikel) bolıp ta qollanıladı. Xabar gápte, talap etiw mánisindegi gáplerde hám buyrıq gáplerde keledi hámde gápti kúsheytip baradı. Mısalı, ***Da*** *ist ja toll! Bul ájayıp eken!* [7. 3]

Bul gápte ***Ja*** sózi buyrıq gápte kelgen, házil (mısqıllaw) yamasa ashıw menen aytıwdı bildirip kelgen.

Ja sózi talap etiw mánisindegi gáplerde kelse, gápte qáwip hám eskertiw sezimin kúsheytip keledi. Máselen, *Komm* ***ja*** *nicht zu spät heim!* [5. 1]. *Úyge kesh qaytpa!*

Bul keltirilgen mısalda ***Ja*** sózi eskertiw mánisinde kelgen. Sonday-aq, ***Ja*** sózi nemis tilinde modallıq janapay (modalpartikel) sıpatında xabar gáp bolıp kelse, gápte ulıwmalıq bilim sáwlelenip, hámme biletuǵın jaǵdaylardı bildirip keledi. Máselen, *Frauen können* ***ja*** *nicht Autofahren!* [6. 1] *Hayallar mashina aydawdı bilmeydi!* Bul mısalda kórinip turǵanınday, hámme biletuǵın fakt haqqında sóz etilgen.

Ruhig sózi nemis tilinde kelbetlik sıpatında qollanıladı hám awdarmalaǵanda *tınısh, arqayın* degen mánilerdi bildiredi. Mısalı: *Peter geht am liebsten im Olimpiapark joggen, weil es dort so schön* ***ruhig*** *ist.* [1. 1] / *Piter Olimpia parkine juwırıwǵa baradı, sebebi ol jer júdá tınısh.*

Summary. This article sets the goals of theoretical understanding of the synonymy of the Russian language, the development of skills for understanding and analyzing the meanings of Russian synonyms, mastering such important lexicological concepts as lexical synonymy, synonyms, the difference between synonymous relations from other relations in vocabulary.

Key words: interchangeability, aspects, linguistic description, synonyms, doublets, monolingual description,identity, differences, distributive approach, absolute synonyms, exact synonyms, quasi-synonyms.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ТИББИЁТ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ҲАҚИДА

Қосимова Ш. С.
Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тиббиёт, медицина, табобат – кишилар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умрни узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимлар ва шу соҳадаги амалий тадбирлар мажмуидир. Тиббиёт терминлари, одатда, тиббиёт соҳасида қўлланиладиган махсус сўзлар ҳисобланади. Тиббиёт терминлари бошка соҳага оид терминлардан фарқли ўлароқ, кенг жамоатчиликка маълум ва ахборот воситаларида тез-тез тилга олинади. Миллатидан қатъий назар барча халқларда, жумладан, корейс халқида ҳам *бош оғриғи* (두통), *қорин оғриғи* (복통), *иситма* (배열), *шамоллаш* (감기), *ичбуруғ* (설사), *қизариш, гиперемия* (충혈) каби тиббиётга оид терминлар кундалик ҳаётда фаол қўлланилади. Шунинг учун ҳар бир лингвожамиятда тиббиёт соҳасига доир терминларни она тилида шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг бўлиши табиий ҳолдир. Бинобарин, Корея Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. Албатта, бу ҳар бир мамлакатда тиббиёт соҳасининг тараққиёти билан боғлиқ.

Замонавий тиббиётнинг келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари қадимий тарихнинг турли даврларида турлича дунёқарашларни ўз ичига олади. Шунингдек, турли касалликларни даволаш, касалликнинг олдини олиш ҳақидаги билимлар кишиларнинг узоқ йиллик тажриба ва кузатишлари асосида шаклланди. Халқ табобатидан мустақил фан сифатида ажралиб чиққан тиббиёт бугунги кунда Корея Республикасида кенг ривожланиб, бу соҳада қатор илмий ютуқларга эришилди. Бу борада Жанубий Кореяда тиббиёт ходимлари ассоциацияси фаол иш юритмоқда. Мунтазам изланишлар ва қўлга киритилган қатор ютуқлар билан бирга, ассоциация ходимлари корейс тиббиёт соҳасида содда, тушунарли ва қўлланишга қулай тиббиёт терминларини амалга тадбиқ этиш устида ҳам самарали ишлар олиб боришмоқда. Бироқ аксарият тиббиёт терминларининг корейс тилига ўзлашган сўзлар орқали кириб келганлиги терминология соҳасида муайян қийинчиликларни юзага чиқармоқда.

Бугунги кунда Кореяда қўлланилаётган тиббиётга оид терминлар, асосан, Ғарб тилларидан кириб келган бўлиб, улар Ғарб тиббиёт терминларининг корейс тилидаги эквиваленти ҳисобланади. Инглиз тилидаги муайян тиббий тушунчани атовчи бирликларнинг корейс тиббиёти терминологиясига кириб келиши ва ўрнашиб қолишида иероглифларнинг ўрни беқиёсдир. Корейс тилининг тиббиёт терминологиясида иероглифлар инглиз тили тиббиёт терминологиясида юнон ёки лотинча терминлар сингари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳозирги кунга қадар Кореяда чоп этилган тиббиёт терминлари луғатлари ёки тиббиёт терминлари тўпламидаги барча терминлар инглиз тилида ўз аксини топган. Терминнинг эквиваленти ёки таржимаси эса корейс тилида

берилган. Шу сабабли ҳам корейс олимлари ҳамда тиббиёт соҳаси ходимлари орасида тиббиётга оид терминларни корейс тилида ифодалаш масаласи мунозарали бўлиб, ўзига хос долзарблик касб этади. Айтилганлар билан бирга, бошқа тиллардан ўзлашган тиббиётга оид терминларнинг корейс тилидаги эквивалентларини қай тарзда беришга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Ўз-ўзидан корейс тилида соф тиббиёт терминлари мавжуд эмасми, деган ҳақли савол туғилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, анъанавий тиббиёт ёки халқ табобатидан ташқари замонавий тиббиёт соҳасида соф корейс тиббиёт терминлари деярли учрамайди. Корейс халқи кундалик ҳаётида кўп қўлланиладиган 머리 아픔 (бош оғриғи), 배 아픔 (қорин оғриғи) 구역질 (кўнгил айниши), 가려움 (қичишиш), 화병 (ғазаб ёки стресс натижасида келиб чиққан руҳий ва ҳиссий танглик) каби тиббиёт терминларини инкор этиб бўлмайди. Келтирилган мисоллар хитой иероглифлари асосига қурилмаган, балки, бу тиббиёт терминлари корейс тилида изоҳ тарзида берилган. Изоҳлар халқ орасида кенг истеъмол қилинадиган сўзлардан ташкил топган.

Узоқ йиллар давомида Япония мустамлакасида бўлган Корея Республикаси 1945 йили озодликка эришгач, бошқа соҳалар қатори тиббиёт соҳасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Даставвал, халқ табобатига паст назар билан қаралди. Лекин бу узоққа чўзилмади, халқ табобати жамиятда расман тан олинди, ҳатто маҳаллий кадрлар ҳам тайёрлана бошлади. Халқ табобати вакилларининг халққа хизмат кўрсатишлари қонун билан белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, халқ табобати билан шуғулланувчилар фаолиятига доир замонавий тизим жорий этилди.

Маълумки, XX асрнинг биринчи ярмида тиббиёт соҳасида мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди. Бу ўз навбатида, тиббиёт соҳасида турли бўлимларнинг юзага келиши ва алоҳида фан сифатида ривожланишига таъсир кўрсатди. Корея Республикасида ҳам тиббиётнинг турли бўлимлари бўйича алоҳида уюшмаларга асос солинди. Албатта, бу жараён билан боғлиқ тиббиётнинг ҳар бир бўлими бўйича янги терминларни шакллантириш ишлари жадал тус олди. 1949 йили Корея офтолмология институти томонидан тиббиёт тармоқлари ичида офтолмология билан боғлиқ терминларни қайта шакллантириш иши биринчилардан қаторида амалга оширилди. Мазкур институт томонидан офтолмология бўлими тиббиёт терминларини соф корейс тилида бериш учун ҳаракат бошланди. Аммо кутилмаганда бошланган фуқаролар уруши ва урушдан кейинги мафкуравий бўлиниш жараёнлари сабаб 1960 йилларга қадар тиббиёт соҳасидаги ишлар тўхтаб қолди.

1976 йилда Корея тиббиёт уюшмаси қошида Тиббиёт терминларини тартибга солиш қўмитаси ташкил этилди. Қўмита тиббиёт терминларини кўриб чиқиш, қайта шакллантириш, тартибга солиш, якка вариантда қўллаш каби масалаларни амалга ошириш фаолияти билан шуғулланди. 1977 йили мазкур қўмитанинг самарали меҳнатлари ўлароқ, илк бор корейс тилида тиббиёт терминлари луғатининг биринчи жилди чоп этилди. Мазкур луғатда тахминан 20 мингга яқин клиник терминлар жамланди. 1978 йили эса мазкур луғатнинг иккинчи жилди нашр этилди. Луғатга тиббиётнинг 25та бўлимига оид 133 мингга яқин термин киритилди. 1983 йил Корея тиббиёт уюшмаси томонидан инглизча-корейсча ва корейсча-инглизча тиббиёт терминлари луғати нашр этилди. Луғат икки томдан иборат бўлиб, биринчи томга 16 минг, иккинчи томга 20 мингдан ортиқ термин киритилди. Шунингдек, луғат таркибига қисқартма сўзлар ҳам киритилди. 1992 йили Корея Тиббиёт уюшмаси томонидан шу даврга қадар нашр этилган тиббиётга оид барча манбалар, яъни тиббиёт терминлари луғатининг 2-жилди, Фан ва техника атамалари луғатидан жой олган тиббиётга доир иккинчи томи ва бошқалар қайта тартибга солинди, 130 мингдан зиёд терминлар тўплами қайта нашр этилди. Тиббиётга оид терминлар бўлимлар бўйича таснифланди. 2001 йили тиббиёт терминларининг 4-жилди нашр этилди. Бу ҳақда Жи Же Гин ўзининг «Корейс тилини тартибга келтириш тарихи ва истиқболи» («국어 순화의 역사와 전망») китобининг «Тиббиёт терминларини тартибга келтириш ҳолати ва муаммолари» бўлимида шундай фикр билдириб ўтган: «*Мазкур тўпламнинг ўзига хос жиҳати уни нашрга тайёрлаш жараёнида мураккаб иероглиф терминлар содда соф корейсча терминлар билан алмаштирилди. Бу жараёнда шу даврга қадар қўлланиб келинган иероглифларнинг тил хусусияти инобатга олинмади ва инсон номлари билан ифодаланган кўплаб терминлар истеъмолдан олиб ташланди. Шунингдек, учинчи томга киритилган тиббиёт бўлимлари номи ҳам олиб ташланди*» [3, 114].

Шу вақтга қадар қўлланилиб келинган қатор терминлар эскирган бирликлар сифатида истеъмолдан чиқариб ташланди. Бундай кескин қабул қилинган қарорлар оқибатида тиббиёт соҳасида қатор тартибсизлик юзага келди. Жумладан, тиббиёт соҳасида илмий тадқиқот иши билан шуғулланувчилар эскирган бирликларга мурожаат қилмай қўйди. Шу билан бирга, илм аҳли орасида кўплаб баҳс-мунозаралар юзага келди.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида тиббиёт терминлари луғатининг навбатдаги 5-жилди нашр этилишидан аввал баҳс-мунозарага сабаб бўлган терминлар, кўп қўлланиладиган терминлар ва шифокорлар учун белгиланган имтиҳон саволлари таркибига киритилган 11 мингга яқин терминлар қайта тартибга солинди. 2006 йили қайта тартибга солинган терминлар асосида «Энг зарур тиббий терминлар луғати» нашр этилди. Шу вақтга қадар қўлланилиб келинган иероглифларда берилган терминларга бўлган эҳтиёж ошиб бориши натижасида 2009 йили тиббиёт терминлари луғатининг 5-жилди нашр этилди. Луғатни нашрга тайёрлаш жараёнида бир тушунчани англатувчи икки хил терминни тенг қўллаш мумкинлиги принципига таянилди.

Илм-фаннинг ҳар бир соҳаси, жумладан, тиббиёт ҳам соҳа мутахассисларининг когнитив фаолияти маҳсули бўлган метатилига эгадир. Мазкур тил тиббий соҳа учун хос бўлган илмий концептларга асосланган когнитив тизимга боғлиқ бўлади. Тиббиёт тили адабий тилнинг бир қисми ҳисобланиб, унда қўлланиладиган

лисоний қоидалар нафақат тил билан, балки профессионал тиббий когнитив тизим билан изоҳланади. Мазкур тизим тиббиёт терминларининг лексик ва синтактик хусусиятларида мужассамланади.

Маълумки, тиббиётда лотин тили профессионал фаолиятда сермаҳсул қўлланилиб, тиббий номларни аниқ ва адекват узатиш имкониятини тақдим этди. «Тиббиёт метатили лексиканинг шаклланиш шартлари (юнон-лотин тиллари асосида), мутахассисларнинг оддий ва профессионал тафаккури ўртасидаги муносабат, лисоний қоидалар ва амалий эҳтиёжларнинг уйғунлиги билан изоҳланадиган бир қатор хусусиятларга эга» [2, 82]. Л.Н. Гушина ўзининг «Рус ва инглиз тилларида онкология соҳасидаги тиббиёт терминларининг қиёсий-чоғиштирма таҳлили» [1.] номли номзодлик диссертациясида тиббиёт терминологиясининг бир қатор хусусиятларини кўрсатиб ўтган: 1. Тиббиёт терминологиясининг асосини юнон-лотинча ўзлашма терминлар ёки бундай термин элементлари ёрдамида ясалган сўзлар ташкил этади. Инглиз тилида тахминан 95% терминлар мумтоз тиллар асосида ҳосил бўлган. Шунингдек, рус тили тиббиёти терминологиясида ҳам мумтоз тилларнинг аҳамияти каттадир. Тиббиёт ўқув юртларида таҳсил олувчи талабаларга «Лотин тили ва тиббиёт терминологияси асослари» курсининг ўтилишига сабаб мазкур йўналиш бўйича пойдевор билимларга эга бўлмасдан туриб, тиббиёт илмини эгаллашнинг имкони йўқлигидадир. Шунингдек, тиббиёт терминологиясининг бир қисми бўлган анатомик, гистологик лексика тўлиқ лотин тили, унинг алифбоси, фонетикаси ва грамматикаси асосига қурилгандир. 2. Юнон-лотин тили терминлари деярли барча Европа тиллари тиббиёт терминологиясининг асосини ташкил қилганлиги сабабли, кўплаб атамалар халқаро лексика саналади. Дунёнинг барча давлати тиббиёт терминологиясида баъзи ифодалар фақат лотин тилида берилади. Жумладан: *ин виво, ин витро, пер ос* ва ҳ.к. 3. Мумтоз термин элементлари асосида янги терминларни фаол тарзда ҳосил қилиш ҳодисаси терминологияга сезиларли таъсирини кўрсатди: тиббиёт терминлари юқори даражада мослашиш хусусиятига эга бўлиб, семантик жиҳатдан софлик касб этди. 4. Терминологиянинг бойиши учун эпонимик номлардан кенг фойдаланилади. С.В.Гринев бу ҳолатни қуйидагича тушунтиради: муайян касаллик ҳар доим ҳам муайян нозологик шаклга эга бўлавермайди. Терминни нотўғри қўллашдан сақланиш учун имкон қадар уни нейтрал қолдирган, яъни касалликка уни таърифлаган тадқиқотчининг номини берган маъқул. Вақт ўтиши билан касалликнинг этиологияси ёки касаллик патогенезининг асосий жиҳатлари ойдинлашгандан сўнг ўша тушунча ҳақида кўпроқ аниқ тасаввур берувчи янги термин ҳосил қилинади. Шу сабабли эпонимик термин олим ҳақидаги хотирада қолади ёки чиқиб кетади. 5. Тиббиёт илмида икки хил лексик система – илмий лексика *(мумтоз атамалар)* ва маиший лексика мавжуд. Тиббиёт табиий фанлар сафига киришига қарамасдан, унда гуманистик моҳият аниқ акс этади, чунки унинг тадқиқот объекти инсон ҳаёти ва фаолияти, касалликлари ҳамда уларнинг профилактикаси ва даволари билан боғлиқ қонун-қоидалар ҳисобланади. Мазкур соҳада номутахассислар орасида фаол қўлланиладиган нопрофессионал маиший тиббий лексикадан профессионал тиббий лексика ажралиб чиқади. 6. Илм-фанда турли йўналишларнинг интеграциялашуви ҳодисаси кўзга ташланади. Замонавий тиббиётнинг тараққиёти кимё, физика, математика каби фундаментал илмларнинг унга қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Тиббиёт билан мазкур фанларнинг чегарасида ген муҳандислиги, космик ва авиация тиббиёти, профпатология, тиббий радиология, ипербарик тиббиёт каби янги тадқиқот йўналишлари ривожланмоқда. Шу муносабат билан тиббиёт терминологияси сўнгги ўн йилликларда бошқа илм-фан йўналишлари терминологиясидан ўзлашган кўплаб лексика ҳисобига бойиди.

Корея билан қўшни давлатлар Япония ва Хитойда ҳам она тилида замонавий тиббиёт терминлари деярли мавжуд эмас. Лекин бу мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб Япония Ғарб тиббиётини амалга тадбиқ этган ва Ғарб тиббиёт терминлари эквивалентларини шакллантирган давлат ҳисобланади. 1800 йилнинг биринчи ярмида Япония Ғарб тиббиётини қабул қилди. Ғарб тиббиёти соҳасида кенг қўлланиладиган юнон ва лотин ёзувидаги тиббиёт терминлари хитой иероглифлари билан алмаштирилди ҳамда амалда япон тилида тиббиёт терминлари шакллантирилди. Тарихдан маълумки, Корея Ғарб тиббиётидаги терминларни тўғридан-тўғри ўзлаштирмади. Тиббиёт терминларини ўзлаштириш япон аннекцияси даврида мажбурий амалга оширилди. Лекин хатто иероглифларнинг келиб чиқиш ватани ҳисобланган Хитойда ҳам махсус тиббиёт терминларини япон иероглифларидан келиб чиққан терминлар асосида қабул қилди. Иероглифлар асосида тузилган япон тиббиёт терминлари даражаси мукаммаллиги сабабли хитой иероглифларидан фойдаланиладиган барча давлатларда кенг қўлланилади.

Мустақилликка эришгач, Кореяда «Корея тиббиёт ассоциацияси» уюшмасига асос солингани юқорида қайд этиб ўтилди. Бу уюшма япон иероглифлари асосида шакллантирилган тиббиёт терминларидан воз кечди. Корейс халқи учун осон ва тушунарли тиббиёт терминларини яратиш учун кўп ҳаракатлар амалга оширилди. Натижада қатор терминлар тартибга солинди. Тиббиёт терминларини тартибга келтириш жараёнида энг мухим вазифа «тартибга келтириш»нинг аниқ мақсадини белгилашдан иборат бўлди. Корейс тили миллий институти маълумотларига кўра, «тартибга келтириш» (순화) сўзини англатувчи 9та иероглиф мавжуд [5]. Шундан, «純化», «醇化», «馴化» каби иероглифлардан терминларни тартибга келтиришда фойдаланиш мумкин. Биринчи «純化» иероглифи «қийин нарсаларни тартибга келтириш»; иккинчи «醇化» иероглифи "номақбул нарсаларни фильтрлаб тартибга келтириш", учинчи «馴化» иероглифи «иқлими ўзгача жойга кўчирилган организмнинг аста-секин шароитга мослашиши» [5] маъноларини англатади. Ҳар уччала иероглиф терминларни тартибга келтиришда муҳимлик касб этади.

Хозирги кунда Корея, Хитой, Япония, Тайвань каби хитой иероглифларидан кенг фойдаланиладиган давлатларда асосий тиббиёт терминларига мисол тариқасида «신경» (神經) асаб, «동맥» (動脈) артерия, «세포» (細胞) ҳужайра кабиларни оладиган бўлсак, улар терминларнинг эквивалентидан ташкил топган. «신경»,

«동맥», «세포» каби сўзларнинг (кўп маъноли сўз) иероглифлари келтирилмаса, керакли концептни ҳосил қилишда қийинчилик туғдиради. Шундай экан, корейс тили тиббиёт соҳасида терминологияни такомиллаштириш жараёнида иероглифларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида унутмаслик керак.

Демак, дунё тиббиёт терминологиясининг асосини юнон-лотинча терминлар ташкил этса, корейс тилида тиббиёт терминларининг бир қисмини инглиз тилидаги сўзлар билан ифодаланган ўзлашмалар, иккинчи қисмини япон тилидан ўзлашган иероглифлар, учинчи қисмини эса қайта тартибга солинган корейс сўзлари билан берилган терминлар ташкил этади. Корейс тилида ҳам тиббиёт соҳаси илм-фаннинг бошқа соҳалари билан мустаҳкам алоқада, янгидан-янги йўналишларнинг шаклланишига хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида илм-фанда янги тадқиқот йўналишлари ривожланиб, тиббиёт терминологияси бошқа соҳа терминологиясидан ўзлашган кўплаб лексика ҳисобига бойишда давом этмоқда. Кореяда тиббиёт терминларининг шаклланиши XIX аср охирларига тўғри келади. Бу Хитойда тиббиёт соҳасида яратилган асарларнинг корейс тилига таржима қилиниши ва шарҳланиши билан боғлиқ жараён. Мустамлака даврида (1910-1945-йй.)да бадиий адабиёт, аниқ фанлар қатори Ғарб тиббиётига доир асарлар япон тилидан корейс тилига таржима қилинди. Бу корейс тиббиётининг кейинги тараққиётига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Корея тиббиёт уюшмасининг таъсис этилиши, мазкур уюшма томонидан корейс тиббиёт терминларининг тартибга солиниши, қайта шакллантирилиши, терминларни яратиш ёки бошқа тилдан корейс тилига қабул қилиш жараёнида эътибор қаратилиши лозим тамойиллар бир қатор илмий ютуқлар асосига айланди. Жумладан, бир неча томлик тиббиёт терминлари луғати нашр этилди, луғатларда корейс тиббиёт терминлари соф корейсча бирликлар билан берилди, мураккаб иероглифлардан ташкил топган терминларнинг қўлланилишига доир муаммолар ўз ечимини топди.

АДАБИЁТЛАР

1. Гушина Л.Н. Сравнительно-сопоставительный анализ медицинских терминов в области онкологии в русском и английском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 2004. Медицинские термины. 2012.
2. Карлова Т.Е. Особенности метаязыка медицинской науки. – Studia Linguistica. 2014. № 8.
3. 지제근. 국어 순화의 역사와 전망. –국립국어원., 2011.
4. 국립국어원 (2001), 표준국어대사전) 두산동아.
5. https://dict.naver.com/

Корея Республикасида тиббиёт терминларини тартибга солишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳақида
Қосимова Ш. С. Тошкент давлат шарқшунослик институти

Резюме. Мазкур мақолада Корея Республикасида тиббиёт терминларининг шаклланиш босқичлари, умумэътироф этилган тиббиёт терминларининг қўлланилиш даражаси, тиббиёт терминларини меъёрлаштириш ва тартибга солиш масалалари тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: *тиббиёт, халқ табобати, тартибга солиш, термин, терминология, ўзлашма, тиббиёт уюшмаси, касаллик.*

О деятельности по упорядочению медицинских терминов в Республике Корея
Касымова Ш.С. Ташкентский государственный университет востоковедения

Резюме.Данная статья посвящена истории формирования медицинских терминов в Корее, уровню использования общепринятых медицинских терминов, а также проблеме создания словаря медицинских терминов, возникшей в результате усилий по упорядочению медицинских терминов.

Ключевые слова: медицина, народная медицина, упорядочение, термин, заимствование, медицинская ассоциация, болезнь.

On efforts to putting in order the medical terms in Republic of Korea
Kasimova Sh.S. Tashkent State University of Oriental Studies

Summary. This article focuses on the history of the formation of medical terms in Korea, the level of use of generally accepted medical terms and also the issue of creating the glossary of medical terms, which emerged as a result of efforts putting in order the medical terms.

Key words: medicine, traditional medicine, ordering, term, loanword, medical association, disease.

МӘДЕНИЙ СӘЎБЕТ КОНТЕКСТИНДЕ ИНГЛИС ТИЛИН ҮЙРЕТИЎ

Менлимуратова Э.А.
Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Шет тилин өзлестириў ушын шет ел мәмлекетиниң мәдениятын үйрениў, жаңаша социал-мәдений курамды өзлестириў керек болады. Шет тилин оқытыў мәдениятлараға байланыстың улыўма өлшеминде мәдениятлардың (ана тили ҳәм шет тили) сәўбети сыпатында қаралады, яғный олардың өзине тән сыпатлары есапқа алынған халда, түрли лингво-мәдений шөлкемлер ўәкиллери арасында тең өз-ара тәсир болып есапланады. [2]

Мәдениятлар сәўбети - бул пикир ҳәм тәжирийбе алмасыў, басқа адамлардың қәдриятлары ҳәм үрп-әдетлерин аңлап түсиниўди билдиреди. Бул жағдай бойынша, шет тилин мәмлекетимиздиң көп мәдениятлы дәстүрлери призмасы арқалы оқытыўдың көп қырлы процесслери болмақта. Мәдениятлар сәўбети шәраятында инглис тилин үйретиў өз халқы ҳәм басқа мәмлекетлер халықлары өтмишиндеги мәдений мийрас байлықларын өзлестирген, олар менен өз-ара түсинисиўге умтылған, инсанларара ҳәм мәдениятларара байланысларды әмелге асырыўға таяр болған, сондай-ақ инглис тили арқалы улыўма инсаный қәдриятларға садық мәденият адамын тәрбиялаўға қаратылған. Мәденият шәраятында оқытыў ҳәм тәрбияны әмелге асырыў оқыў материалларын

жақсырақ өзлестириўге, коммуникатив ҳәм когнитив мотивацияны асырыўға жәрдем береди, тил ҳәм мәдениятқа бир ўақыттың өзинде қатнас жасаў имкәниятын берип, оқыўшылардың эмоционал жағдайына унамлы тәсир көрсетеди ҳәм оларда ҳәр қандай мәдений, диний, этник қәдриятлар ийелерине деген кеңпейилликтиң жаратылыўына, XXI әсир шахсының тәрбиялық қәлиплесиўине үлес қосады.

Шет тиллери бойынша үлги дәстүринде «Орта мектеплерде шет тиллерин оқытыўдың тийкарғы мақсети - үйренилип атырған тилде мәдениятлараралық байланыста қатнасыўға ылайық ҳәм таяр болған, шет тилинде сөйлеў дәрежесин өз бетинше беккемлейтуғын оқыўшы шахсын раўажландырыў» деп белгиленген. [1] Шет тилин үйрениўшилер мәдениятлараралық компетенцияны, оның тийкарғы қураўшы бөлимлерин өзлестириў керек, булар: өз мәдениятын билиў ҳәм түсиниў, өзге социал-мәдений дүньяның көринисин аңлаў, байланыс жасап атырған мәдениятлар арасындағы уқсаслық ҳәм өзгешеликлерин көриў қәбилетин ҳәм мәдениятлараралық байланыс көнликпелерине ийе болыў. [4]

Студентлерге, шет тилин үйрениў процессиниң негизинде, тек ғана көпшилик адамлардың лингвистикалық тәрептен мәдениятын емес, бәлким түрли топардағы адамлардың мәдениятын үйрениў орын алатуғынын түсиндириў зәрүр деп есаплайман. Бул студентлерде заманагөй көп мәдениятлы дүньяда мәдениятлардың биргеликдеги турмысының нормасы сыпатында мәдений рәңбәреңлик идеясын пайда етиў имканиятын береди. Өз нәўбетинде, бул басқа мәденият ўәкиллерине деген кеңпейиллик сезимлерин раўажландырыўға үлес қосады. Мәдениятлар сәўбети заманагөй көп мәдениятлы дуньяда өзиниң бар екенлигин билдириў хуқықын береди. Байланыс әмелиятындағы бақлаўларды анализ қылғанымызда, мәдениятлар байланысында менталитет шегарасы еки тәреп тиң бир-бирин жетерли дәрежеде қабыл етиўине тоскынлық ететуғынын көриўимизге болады. Инглис тилинде сөйлесиўши мәмлекетлердиң күнделикли турмысының түрли өзгешеликлери: билим алыў, бос ўақтын өткизиў, санъат, жумыс, әдебият, телевидение, хобби ҳәм басқа да күнделикли жумыслары ҳаққында кең мағлыўматқа ийе болыў зәрүрлиги бар. Оқытыў сабақлықлары инглис тилинде сөйлесиўши мәмлекетлер турмысының бул тараўлары хаққында информацияларды өз ишине алады: мәмлекетлердиң ҳәкимият дүзилиси; социаллық тәмийнлеў тараўы; географик жайласыўы ҳәм оның турмыс тәрзине тәсири, миллий характердеги айырым өзгешеликлериниң дүзилиси; заманагөй дуньяда жаслардың орны ҳәм хуқықлары.

Социал-мәдений билим ҳәм көнликпелерди өзлестириў нәтийжесинде, студентлер өзлериниң тил үйрениў ҳәм ел таныў бойынша изертлеў жумысларын тили үйренилип атырған мәмлекет, оның илими, мәденияты, күнделикли турмысы, атақлы инсанлары хаққындағы жаңа темалар арқалы байытады. Мәдениятлар сәўбети билимлендириўдиң социал-мәдений бағдарының нәтийжеси сыпатында мәдений аспектти күшейттириўге ҳәм студентлерди тили үйренилип атырған мәмлекеттиң мәденияты менен таныстырыўға, соның менен бирге өз мәмлекетиниң де мәдениятын тереңирек аңлаўға қаратылған. [3] К.Д.Ушинский белгилеп өткениндей «Халқтың характерин үйрениўдиң ең жақсы ҳәм ҳәттеки жалғыз усылы бул оның мәдениятын аңлап жетиў, биз оның мәдениятына қаншама тереңирек үйрениссек, соншама тереңирек оның характерин үйренемиз».

Инглис тилиндеги китапларда ҳәм оқыў қолланбаларда студентлердиң мәдениятлараралық компетенциясын раўажландырыўға үлкен итибар қаратылған. Олар студентлер ушын «Уллы Британия», «Лондон қандай қала?», «Қандай әжайып дүнья!», «Дүньяға нәзер», «Әжайып саяхат» киби атамаларды өз ишине алады. Бундай рубрикалар мәдениятлар сәўбетиниң мәдениятлараралық байланыс принциплерине жуўап береди. Мәселен:

Инглисше варианты	**Қарақалпақша варианты**
The United Kingdom is rich in a lot of "fast good" restaurants, serving hamburger and hot dogs. The life of modern people proceeds at a fast pace, and often there is not enough free time to eat. For such people, this is the only solution in such situations. Therefore, fast food is very popular and such cafes are opened in different places. Usually the menu consists of simple dishes: fried potatoes, salads, hamburgers, cheeseburgers, milkshakes, various sauces. This food is dangerous to health. It does not contain vitamins and nutrients. It includes dye and flavors. It has a lot of fat and calories. The person is disturbed by the metabolism, which leads to obesity.These are popular with young people, but not always popular with their parents. A new "Mc Donald's" restaurant opens somewhere in the world every 14 hours. *1. Are there many fast food restaurants in your country?* *2. What kinds of "fast good" are there in your country?* *3. Do you like them?* *4. Do your parents like them?*	*Бирлескен Патшалық гамбургер ҳәм хот-дог хызметин көрсететуғын ҳәр қыйлы ресторанларға бай. Заманагөй адамлардың турмысы тез пәт пенен өтип атырғанлығы себепли, көбинесе аўқатланыў ушын жетерли бос ўақыт болмайды. Бундай жағдайларда бәнт адамлар ушын фастфуд ең исенимли шешим есапланады. Сол себепли фастфуд яғный тез аўқатланыў орынлары ен жайып көбеймекте. Әдетде меню әпиўайы аўқатлардан қуралған болып, булар: қуўырылған картошка, салатлар, гамбургерлар, чизбургерлар, сүтли коктейль ҳәм ҳәр қыйлы соуслардан ибарат. Бирақ бул азық-аўқатларда пайдалы витаминлер болмағанлықтан, олар ден-саўлық ушын қәўипли есапланады. Олардың қурамы бояўлар ҳәм жағымлы дәм бериўши нәрселер менен толтырып, май ҳәм калория муғдары жоқары есапланады. Булар инсан денесинде метаболик кеселликти пайда етип семириўге алып келеди. Бул ата-аналардан көре, көбирек жаслар арасында ушырасады. Ҳәр 14 саатта дуньяның қайсы да бир мүйешинде жаңа «Макдональдс» ресторы ашылады.* *1. Мәмлекетиңизде фастфуд ресторанлары көп пе?* *2. Сизиң мәмлекетиңизде «тез писириў» тағамларының қандай түрлери бар?* *3. Олар сизге унайма?* *4.Олар сизиң ата-анаңызға унайма?*

Бундай симулятив жағдайларда сәўбет басламасы шет тили мәденияты ўәкиллеринен келип шығады. Шет тилин үйрениўшилер, ол тилде сөйлеўши мәмлекеттиң мәдений хақыйқатлары хаққында мағлыўматлар алыўға жүдә қызығады. Айырым ўақытлары оларды қызықтырып турған «Бизлерде бундай. Ал сизлерде қандай?» киби сораўларын көзлеринен оқыўға болады. Уқсаслықлары ҳәм парқлары табылмақта. Ҳәм де бул парқларды аңлы рәўиште сезиў ҳәм түсиниўге көбирек итибар қаратылған, себеби бақлаўлар нәтийжеси мәдениятлараралық байланыста бәрше қыйыншылықлар реал өмирдеги мәдений парқларға дыққат аўдармағанлықтан келип шығатуғынын көрсетеди. Соны да айтыў лазым, инглис тилинде сөйлесиўши мәмлекетлер мәдениятын үйрениў өз мәдениятын тереңирек аңлаўға ҳәм түсиниўге имкан жаратады. Соның ушын, ҳәмме нәрсе қыяслаў жәрдеминде үйрениледи деп бийкарға айтылмаған. Мағлыўматты салыстырыў ушын «Байланысқан дизим»ди ислеп шығыў жүдә қолайлы, себеби онда үйренилип атырған тема бойынша тили үйренилип атырған мәмлекеттиң ҳәм өз мәмлекетиниң күнделикли турмыс ўақыялары, фактлери, үрп-әдет ҳәм дәстүрлериндеги уқсаслықлары ҳәм парқлары ашып бериледи. Бул мәдениятлар сәўбети ушын мүмкиншилик жаратыў усылларынан бири болып, студентлерди өз мәмлекети, өз аймағы ҳәм басқа мәмлекетлер хаққында билимлерин асырыўға ҳәм беккемлеўге шақырады. Бундай таблицалардың бирин толтырыў мысалын көрсек болады.

	IN BRITIAN	**IN UZBEKISTAN**	**IN KARAKALPAKSTAN**
Symbols	*Plants: a rose, a daffodil, a thistle, a shamrock.* *Union Jack, John Bull*	*A bird Khumo with open wings, octahedron, the crescent and the star.* *The blue color on the flag, the white color on the flag, the depiction of the crescent, the 12 stars*	*The rising sun, Two rivers, wheat, branches of cotton* *The national flag of the Republic is a right-angled colored cloth of three horizontal stripes: blue, white and green, the sky and water, two thin red stripes, new moon, twelve stars.*
Sights	*Trafalgar Square, the Houses of Parliament, Big Ben*	*Silk Road cities of Samarkand, Bukhara, and Khiva. Savitsky Museum in Nukus, Local History Museum in Kokand, "Afrosiyab" Museum in Samarkand, House-Museum of Fayzula Khodjaev in Bukhara and Locomotive Museum in Tashkent.*	*The Karakalpak State Museum of Art named after Igor Savitsky, Muynak: a graveyard of ships, Jambas-Kala, Toprak-Kala Settlement*
People	*Polite, reticent, conservative, great-tea drinkers, have a good sense of humour*	*Hospitable, friendly, patient, have a good sense of humour*	*kind, responsive, talented,hospitable, friendly*
Languages	*English, Scottish, Welsh, Irish*	*Uzbek, Karakalpak*	*Uzbek, Karakalpak*
Food and drink	*Fish and chips, roast beef, Yorkshire pudding, tea.*	*Plov /Pilaf, Manty, Laghman, Samsa, Dimlama, Shashlik, tea.*	*beshbarmak, shavlya, pilaf, shurpa, manty, Zhueri gurtik (dumplings) and may gurtik (oil gurtik), black tea with milk.*

Бундай байланысқан дизимди толтырған материалды анализлеп, көпшилик студентлер үйренилген тема бойынша айырым фактлер, хақыйқатлар ҳәм ўақыяларды дурыс қыяслаўға ериседи деген жуўмақ шығарамыз.

Хақыйқатында да, мәдениятлар сәўбети, пайдалы мағлыўматлар алмасыўы шет тилиндеги тыңлаўға ҳәм оқыўға арналған текстлерди қабыллаў ҳәм түсиниў, өз пикирин монолог ҳәм диалог формасында, сондай-ақ, жазба түрде билдириў қәбилетлери арқалы әмелге асады. Мәдениятлар сәўбети көлеминде билим ҳәм тәрбия, тек ғана билим бериў процессинде емес, ал берилген тема бойынша аудиториядан тысқары жумысларда да әмелге асырылады. Студентлер излениўшилик жумыслары барысында мәдений характердеги темаларды қуўанышлы түрде таңлайды. Мысал ушын, АҚШ ҳәм Өзбекстан мәмлекетлериниң гүл ҳәм қус белгилериниң мәнислерин үйренип шығып, бир топар студентлер инглис ҳәм ана тилинде гүллер атларын қыясый анализ қылды. Адам атларындағы уқсаслықлар ҳәм өзгешеликлер анықланды. Билим бериў дәргайларында усташылық пенен ислеп шығылған сабақлықлар, инглис ҳәм ана тиллериндеги аудиториядан тысқары жумыслардың ислеп шығылыўы ҳәм орынланыўы үлкен әҳмийетке ийе. «Бизиң үрп-әдетлеримиз», «Рождество байрамы мүбәрек!», «Мениң Ўатаным», «Миллий байрамлар» ҳәм басқа да тәдбирлер методистлер тәрепинен жоқары бахаланды. Олардың айтыўынша интегралласқан тәдбирлерди әмелге асырыў процессинде оқытыўшы студентлерди тек ғана шет ел мәденияты менен таныстырып қоймастан, сондай-ақ қыяслаў арқалы олардың миллий мәдениятының өзине тән белгилерин ҳәм өзгешеликлерин көрсетеди. Олар шет тили орталығында өзлериниң миллий мәдениятын көрсете алыў шеберлигине ийе болады.

Демек, аудиторяда ҳәм аудиториядан тысқарыда мәдениятлар сәўбетин шөлкемлестириў бир ўақыттың өзинде инглис тилин жақсы дәрежеде өзлестириў ҳәм тили үйренилип атырған мәмлекет ҳәм өз мәдениятын үйрениў шәрти менен белгиленеди. Шет ел мәмлекетиниң мәдениятының және бир өзгешелиги студентлер ол хаққында көз алдына келтирип қоймастан, еки түрли мәдениятттың улыўма, улыўма инсаный пазыйлетлерин аңлаўға ҳәрекет етеди, салыстырмалы анализ жасайды. Қыясый-салыстырмалы характердеги тапсырмалар тили үйренилип атырған мәмлекеттиң өзине тән белгилерин ҳәм өз халқының мәдениятын жақсырақ түсиниўге үлес қосады.

Жуўмақлап айтқанда, мәдениятлар сәўбети оқыўшылардың көз-қарасын кеңейттириўге имканият жаратады, шет тилине қызығыўшылығын ҳәм мотивациясын арттырады. Булардың бәршеси биргеликте коммуникатив, билимлендириў, улыўма билим бериў ҳәм раўажланыў ўазыйпаларын белгилеўге жәрдем береди ҳәм сабақлықлар сыпатының артыўын тәмийнлейди. Өзине тән этник-мәдений белгилерине ийе инсан ғана этник кеңпейилликке умтылып, күннен-күнге глобалласып баратырған дүньяның заманагөй жәмийетинде өз орнын таўа алады.

ЛИТЕРАТУРА

1. Ózbekistan Respublikası Joqarı xám Orta arnawlı bilimlendiriw ministrligi tárepinen kórsetilgen 2018j. 14 iyundağı "531" sanlı buyrıǵı menen tastıyıqlanǵan «Shet tili pa`ninin` oqiw da`sturi»
2. Бэтти Э. Риэдрон. Толерантность – дорога к миру. Москва, 2001 г.
3. Сафонова В.В. Изучение языков международного общения в контексте диалога культур и цивилизаций. – Воронеж: Истоки, 2005.
4. Цветкова, Т.К. Обучение иностранному языку в контексте социокультурной парадигмы/Цветкова Т.К.//Вопросы филологии. – 2002. - №2. – с

Мәдений сәўбет контекстинде инглис тилин үйретиў

Менлимуратова Э.А. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақалада оқыў материалларын жақсырақ өзлестириўге, коммуникатив ҳәм когнитив мотивациясын асырыўға, шет тилин ҳәм мәдениятын үйретиўге қаратылған тәрбия мәселеси орын алған, бунда тил ҳәм мәдениятқа бир ўақыттың өзинде дыққат аўдарыў имканияты көрсетилип, студентлердиң эмоционал жағдайына тәсири хаққында айтылған. Студентлердиң ҳәр қандай мәдений, диний, этник үрп-әдетлер ийелерине, шахсты тәрбиялаў мәселелерине кеңпейллик сезимлерин раўажландырыў бағдарлары көрсетилген.

Таяныш сөзлер: диалог, мәденият, пикир, шет тили, белги, қыяслаў, уқсаслық, парқы, дуньяқарас, қызығыўшылық, мотивация, тил.

Обучение английскому языку в контексте культурного диалога

Менлимуратова Э. А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается вопрос осуществления обучения иностранному языку и воспитания в контексте культуры, который способствует лучшему усвоению учебного материала, повышению коммуникативно-познавательной мотивации, обеспечивает возможность одновременного обращения к языку и культуре, положительно воздействует на эмоциональное состояние учащихся, способствует формированию толерантности учеников к носителям любых культурных, религиозных, этнических традиций, воспитанию личности.

Ключевые слова: диалог, культура, мысль, иноязычный, символ, сравнение, сходство, различие, кругозор, мир, интерес, мотивация, язык

Teaching English in the context of cultural dialogue

Menlimuratova E.A. Karakalpak State University

Summary. The article discusses the issue of teaching a foreign language and upbringing in the context of culture, which contributes to a better assimilation of educational material, an increase in communicative and cognitive motivation, provides the opportunity to simultaneously address language and culture, has a positive effect on the emotional state of students, contributes to the formation of students' tolerance to carriers of any cultural, religious, ethnic traditions, personality education.

Key words: dialogue, culture, thought, foreign language, symbol, comparison, similarity, difference, outlook, world, interest, motivation, language.

ПАК ВАНСО РОМАНИДА ИККИ АЁЛ ОБРАЗИ

Муродова Д. Б.

Тошкент давлат шарқшунослик университети

1950-1953-йилларда бўлиб ўтган Корея уруши мавзуи бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган долзарб масалалардан бири саналади. Замонавий корейс насрида урушнинг оқибатлари туфайли юзага келган кўплаб янги, мунозарали мавзулар ҳам мавжуд. Кўпинча, ушбу янги мавзулар илмий шарҳловчилар томонидан таклиф қилинади, аммо улар ҳали батафсил ўрганилмаган ва таснифланмаган. Замонавий корейс насрида қуйидаги мавзулар етакчилик қилади: Корея ярим оролининг икки хил мафкуравий ҳудудга бўлиниб кетиши, бунинг бир оилага таъсири масалалари, миллий урф-одат, қадриятларнинг оёқ ости қилиниши, анъанавийлик ва модернизациялар тўқнашуви, ғарб сиёсий ва диний ғояларининг Корея жамиятига таъсири, корейс оиласига кучли капиталистик ҳаракатларнинг таъсири ва ҳ.к.

Ўз ижодида юқорида санаб ўтилган мавзулар етакчилик қилувчи адиба Пак Вансо ҳақида Фултон ва Квонлар қуйидагича фикрларни билдириб ўтишган: «*У ўз ижодида уруш давридаги турли жароҳатларни ёритиб берди... Корея ярим оролининг мафкуравий ва ҳудудий бўлиниши... аёлларнинг жамият, оиладаги роллари ҳамда ўзлигини англашда юз берган ўзгаришлар ҳақида фикр юритди*» [2,95].

Пак Вансонинг асарлари нафақат стандарт мавзуларга, балки корейс адабиётидаги янги мавзуларга ҳам бағишланган. Адибанинг ўзи Корея уруши ва унинг салбий оқибатлари, уруш қурбонлари, йўқотилган ва қўлга киритган ҳудудлар ҳақида фақат оддий тарихий қайдлар эмас, балқи ҳақиқий асарлар яратишни мақсад қилиб қўйган. Пак Вансо уруш оқибатларини оддий «она» тимсолида жуда аниқ ва ёркин очиб беришга муваффақ бўлди. Шу билан бирга романда Пак Вансо корейс миллати орасида қариндошлик алоқаларининг узилиши ёки заифлашишини Ғарбдан индивидуализм ғоясининг кириб келиши билан шарҳлайди.

Оналарнинг ўз ўлчов, ўз оламлари мавжуд. Мазкур оламни фарзандлар улғайиб, вояга етганда англаб етадилар. Оналар фарзандлари билан ҳар доим бирга бўлишни исташади. Ҳаёт шу масалада ҳам оналарга

шафқат қилмайди, фарзандлар вояга етиши билан, гўё учишни ўрганган полапонлардек ҳар ёққа учиб кетишади. Ҳаётда инсонлар яқинларининг кўзига чўп солиши, хиёнат қилиши мумкин. Кўҳна тарих ота-бола, ака-ука, тоға-жиянлар ўртасида тож-тахт учун курашларга гувоҳ бўлган. Фақат она ўз фарзандига ҳеч қачон хиёнат қилмайди. Қанча хунрезликларни кўрган дунёнинг ер юзидан йўқолиб кетишига йўл қўймаган ҳам онадир.

Узоқ Шарқ мамлакатлари Хитой ва Японияда «кунг-фу» ва «самурай» каби бир қатор миллий рамзлар мавжуд бўлса, Кореяда «сеонби» (Чосон сулоласи даврида пул топиш ёки дунёвий лаззатланишни истамаган фазилатли олимларни назарда тутади. Сеонби Кореянинг ажойиб маданий белгиси. Шунга ўхшаш шахслар Хитой тарихида ҳам учрайди) ва корейс онаси каби миллий рамз бор. Америкалик олим томонидан «сеонби» рамзини Кореянинг маданий белгиси сифатида белгилаш таклифи киритилди. Умуман олганда, бу каби рамзлар ўлкамизда ҳам мавжуд: Борлиқ онаси, Шарқий ва ўзга эътиқодлар қоришмаси, она илоҳа ҳайкаллари, Хоразм пантеони, бола ушлаган Она илоҳа, «Хоразмлик мадонна» [1,301].

Корейс халқи қадимдан шарқ мамлакатларига хос оналарга ўзгача меҳр билан қарашган. Она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатга ғарб анъаналари салбий таъсир кўрсатди. Тарихдан маълумки, корейс халқининг энг катта қоғоз пули 50 000 вонда акс эттирилган аёл XVII асрда яшаган таниқли олимнинг онасидир.

Адиба уруш даври ҳақида яратган асарларида уруш, хусусан, бир миллат вакиллари ўртасидаги қондошлар урушининг миллат учун, халқ учун оғир қисмат эканини бугунги кун китобхонга ҳис қилдира олди. Фуқаролар уруши даври воқеаларини ифодалаш Пак Вансо ижодининг муҳим бир йўналишини ташкил этади. Бу йўналиш бўйича кузатишлар ёзувчи ижодидаги изланишлар қанчалик ўзига хослигини намоён этади. Мазкур шароитда, урушнинг айни қайнаган ўчоғида содир бўлган воқеаларни ўзида акс эттирган асарлар нафақат китобхон, балки танқидчилар эътиборини ҳам ўзига жалб этди.

Замонавий корейс адабиётини ўз асарлари билан бойитиб келган, иқтидорли ижодкорлардан бири Пак Вансо ўз кўрган кечирганларини ортиқча бўёқларсиз қоғозга тушурди. Адиба қаламига мансуб аксарият асарлар фуқаролар уруши мавзусига бағишланса-да, аслида фуқаролар уруши асарларнинг марказида шунчаки бир фон вазифани ўтайди. Аслида адиба уруш даврида аёллар, айниқса оналар машаққатли ҳаётининг янада мураккаблашганлигини тасвирлади.

Адиба ўзининг «Тоғ чиндан ҳам ўша ерда бўлганми?» романида фуқаролар уруши даври воқеа ҳодисаларни борича қоғозга туширди. Уруш сабаб Сеул аҳолиси қочқинликка кетган, аммо адиба акаси ярадор бўлганлиги туфайли яшаш жойларини тарк эта олишмади. Оила муҳтожликда қолди, оилани боқиш учун Пак Вансо кечаси ўз келинойиси билан бирга бўш ётган уйларни ўмаришга борарди. Бу унинг учун ўлимдан қаттиқ иснод эди. Аммо онасининг бепарволиги, бўлаётган ишларга лоқайдлиги адибанинг ғазабини қўзғатарди. Илк бор ўз онасига нисбатан нафрат шу ерда туғилди.

«*Бироқ онамнинг келини ҳамда қизи ҳар тун қилаётган уятли ишига нисбатан умуман оғиз очмай юргани аламли ва ачинарли бўлганидан ҳам мен чидай олмасдим. Ҳатто бир оғиз тасалли сўзини ҳам аягани учун фақат ўзигина ўша шармандали ва ифлос ишдан бегуноҳ бўлмоқчидек туйилган вақтлар ҳам бўлганди*» [3,27].

Воқеалар ривожини кузатар эканмиз, она ва қиз ўртасидаги муносабатнинг мураккаблашишига онанинг яродар ўғлига бўлган ғамхўрлиги сабаб бўлди. Лекин қиз билмайдики, онани фарзандидан эрта айрилиш азоби кутмоқда. Оила посбони ва нажоткорига айланган паллада ўғлининг Мулла Муртазо шеъри байтида келтирилгандек «*кўкорган вақти етганда хазон ур*»иши қийнайди.

Аслида она барча фарзандларини бирдек суяди, аммо уруш сабаб халқ бошига тушган мусибат, аввало она учун оғир қисмат бўлди. Чунки уни олдинда янада оғир қисмат – ёлғиз ўғлидан айрилиш фурсати кутмоқда. Она ўғлининг касалманд, оч-юпун бўлса-да, яшаб қолишини истайди, аммо бешавқат тақдир бунга имкон бермайди. Лекин шунга қарамай адиба онанинг ўғлига нисбатан айрича муҳаббатини очиқ-ойдин қоралайди.

Корейс адабиётида аёл, айниқса, она образига ҳамиша эҳтиёт бўлиб ёндашилган. Аслида аёл фаол иштирокчи сифатида гавдаланган асарлар япон аннекцияси давридан кейин, ғарб адабиёти таъсирида пайдо бўлди. Мумтоз даврда аёл садоқат тимсоли, бурчли фарзанд сифатида таърифланган. Япон аннекцияси даври корейс адабиётида аёл маиший ҳаёт фонида тасвирланган бўлса, фуқаролар уруши даври адабиётида ўғлини кутаётган она, эрини кутаётган ёр, акасини кутаётган сингил, укасини кутаётган опа, шу билан бирга фуқаролар уруши қурбони сифатида тасвирланди. Бу ўринда уруш қурбони деганда, бир оила фарзандларининг икки мафкурага асосланиб, муроса қила олмаганлиги сабаб азият чеккан она образи тушунилади.

Пак Вансо ўз романида бир муҳитда мутлақо қарама-қарши характерга эга икки аёл – икки хил она образини ярата олди. Бир вақтнинг ўзида ҳар икки онанинг ўзаро зид қирраларини кўрсатиб беришга муваффақ бўлди. Умуман олганда, адиба ижодида икки аёл мавзуи кўп учрайди. Пак Вансо бу усулдан фойдаланиш орқали романда ички драматизмни кучайтирган ҳамда оғир, мураккаб шароитда инсоннинг асл қиёфасини кўрсатишга интилган: «*Фарзандларининг орасидан ҳар хил одам чиққан: японларнинг айғоқчиси ҳам, туман амалдори ҳам, япон мустамлакасидан озод бўлгандан кейин эса коммунист ҳам, давлат хизматчиси ҳам, коммунистларни ушлайдиган терговчи ҳам чиққан. Нима ҳам қиларди? Ҳар ким ўзи хоҳлаганидек бўлиши керак-ку, ота-она фарзандни туққани билан боланинг ҳаётида нималар бўлишини билмайди*»[3,77].

Жануб мафкурасига хайрихоҳми, шимол мафкурасини қўллаб-қувватлайдими, она учун фарқи йўқ, ҳар иккиси ҳам унинг фарзанди. Аммо улар бир миллат вакиллари, уларни бир-биридан ажратиб, ўзаро қарши қўйиш мумкин эмас. Қишлоғида ўз обрўсига эга онахон ҳеч кимдан қўрқмайди, шу билан бирга ҳеч бир томонга ён босмайди. У учун барча бирдек инсон. Мазкур образ «миллат онаси» мисолида кўз олдимизда

гавдаланади. У ягона Кореянинг рамзи тимсоли. Фарзандлари қай бир мафкурани тўғри деб билмасин, уларни она доим бирлаштириб туради. Пак Вансо фуқаролар уруши оқибатларини кўрсатишда аёллар, жумладан, оналар образидан анча кенг фойдаланган. Она образи орқали ўз асарларининг драматик, фожиавий жиҳатларини алоҳида таъкидлаган.

Адибанинг асарларида акаси яродор бўлганлиги ҳақида айтилади, аммо у қайси фронтда хизмат қилди, ким учун ва нима учун курашди, бу китобхон учун мавҳум. Она учун эса ўғлининг тирик қайтиб келгани муҳим. Адиба айнан мафкура масаласида акаси билан муроса қила олмайди. Шунинг учун ҳам онасининг акасига нисбатан ортиқча ғамхўрлигини қоралайди. Аслида адибанинг ўзи ҳам акасининг яродор бўлиш сабабларини очиқ-ойдин баён этмаган. Чунки тақдир тақозасига кўра у Сеулда, Жанубий Кореяда қолганлиги сабаб бу масалани чуқур ёритмаган. Бу ҳақда адибанинг ўзи хотираларида шундай ёзган: «*Корея урушидан сўнг ярим аср ўтди, аммо мен ўша кунларни объектив ёритиб бериш учун кўрган кечирганларимни четга суриб қўя олмаяпман. Мен у кунларни худди кечаги кундек аниқ эслайман. Вақт ўтиши билан барча хотиралар эскириб унутилади, аммо Корея уруши ҳақидаги хотираларим мени тақиб этиб келмоқда. Мен бундан чарчадим, лекин мен буни ўзгартира олмаяпман. Мен ўзимнинг шахсий тажрибамга, ҳаётимга берилиб, бутун корейс урушининг асл яхлит манзарасини кўрсатиб бера олмайман. Мен Корея урушни тўлиқ шарҳлайдиган беназир асар ёзолмаслигим туфайли истеъфога чиқаман*» [5]. Мафкуравий курашлар натижасида бўлиниб кетган давлатда ижтимоий муносабатлар ўзининг миллий хусусиятини йўқотди, бу оила бирлиги, қадриятларга ҳам салбий таъсир кўрсатди.

«Тоғ чиндан ҳам ўша ерда бўлганми?» романида она ва қиз муносабатида бу масала бўртиб юзага чиқди. Адибанинг назарида онасининг оналик меҳри, фарзандларига бўлган муҳаббати, жонкуярлиги фақат ўғил фарзандга аталган. Конфуцийчилик меъёрларига кўра, ота оламдан ўтгандан сўнг, оилани боқиш тўнғич фарзаднинг бурчи ҳисобланган. Аммо ака бу вазифани ўташ ўрнига яродор бўлиб ётибди. Ҳар кеч ёзилаётган дастурхон кимнинг хизматлари эвазига эканлиги акани ҳам, онани ҳам қизиқтирмайдигандек туюлади: «*Онам билиб туриб ҳам ўзини билмасликка олармиди ёки чиндан ҳам ҳеч нарсадан хабари йўқмиди, хуллас, тўсатдан мўл-кўл ва хилма-хил бўлган дастурхон тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмасди*»[3,27].

Акасига нисбатан мустақил ҳамда аёл киши бўлишига қарамай иродаси мустаҳкам адиба онасининг эътиборидан четда қолди. Бу муносабат ҳатто ака билан сингил орасидаги яқин туғишганлик туйғуларининг дарз кетишига сабаб бўлди. Одатда, ҳаётда қизлар оғир дамларда, ташвишли кунларида оналарига суянадилар, улардан таскин, юпанч берувчи сўзларни кутадилар. Чунки бундай пайтларда оналар овозида киши қалбига руҳан таскин берувчи оҳанг кучли бўлади. Аммо адиба онасининг бундай дамларда лоақал қизидан ҳол-аҳвол ҳам сўраб қўймаслиги унинг турли хаёлларга берилишига сабаб бўлади.

Фуқаролар уруши даврида оддий аҳоли фақат қочқинликка кетиш, жонини омон асраб қолиш ҳақида серхавотир кун кечираётган бир паллада она ўз ёғига қовурилиб ўтирибди, фақат ўғлининг тирик қолиши, ярасининг тузалиб кетиши ҳақида қайғурмоқда. Қизининг ҳаёти, келинининг ташвишлари, атрофида ўйнаб юрган беғубор неваралари ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам ўтирмас эди. Ички дард, кундалик тирикчилик ташвишлари она учун муҳим эмас. Уруш ҳам тугади, ўғил ҳам омонатни топширди. Ўғлини дафн этган онанинг биринчи айтган гапи: « – *Қайнука, бу урушнинг тугайдиган куни бормикин?»*[3.146].

Кутилмаганда она эс-ҳушини йиғиб олганга ўхшарди. Лекин у уруш тугашидан ҳам хавотирга тушганга ўхшарди. Дафн этиш учун жой танланиб, ерни қазий бошлаганда она хўнграб йиғлаб юборди. Аммо бу пинҳона дафнга ўхшарди. Чунки атрофдагилар кўриб қолишса, аввал унинг кимлигини суриштириши мумкин эди.

Она оилада катта келин бўлишига қарамай, фарзандининг ўқишини баҳона қилиб, қишлоқдан кетиб қолгани сабаб аждодларни хотиралаш маросимларини ўтказиш уйдаги иккинчи ўғилнинг аёли зиммасига тушган эди. Аммо ўғил оламдан ўтгач, ой тақвими бўйича янги йилда оилада аждодларни хотиралаш маросими ўтказилди. Бу оилада илк бор ўтказилган маросим эди. Она барча гуноҳларидан фориғ бўлган каби бу маросимни ўтказишди бош-қош бўлди. Ўғлини эслаб, илк бор кучли фиғон чекди. Шундан сўнг она ўзини хотиржам тута бошлади.

Пак Вансо ўз романида қаламга олган икки она образи, яъни биринчи она образида юзага келган муҳит сабаб ўғил фарзандининг қайси армия сафида бўлиб қайтганлигини яшириш учун она кўпчиликдан юз ўгирди, Норон партиясига мансуб уруғдан бўлишига қарамай, оиладан файз кетди. Ҳатто ўз қизига бўлган муносабати, келинига қилган муомалаларида онанинг эътиқоди бўртиб намоён бўлди. Бу образга қарама-қарши адиба иккинчи она «миллат онаси» образини қўяди. Бу она образида турли даврларда – япон мустамлакаси даври, мустақилликка эришган давр, фуқаролар уруш даврида ҳам, оғир, синовли даврларда ҳам ўзининг Ватан, оила, она юрт олдидаги бурчини унутмаган она сиймоси гавдаланади. Бу она учун барча қариндош, шимолий Кореядан келган коммунистлар ҳам, жанубий Кореялик ёшлар партияси вакиллари ҳам. Бомбардимон сабаб боқувчисини йўқотган оила бўлсин, кўнгиллилар сафида хизмат қилиб, яродор бўлиб қайтганлар бўлса бу она бошчилик қилаётган қишлоқда ҳеч ким бир-бирига қўлини бигиз қилмайди, урушмайди ва бир-бирини ўлдирмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳамидулла Кароматов. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т., 2008. Б. 301.
2. Translated by Bruce Fulton and Ju-Chan Fulton. In Modern Korean Fiction:An Anthology, edited by Bruce Fulton and Youngmin Kwon,–New York: Columbia University Press. 2005. P. 95–111.
3. 박완서. 그산이정말거기있었을까: 박완서장편소설. – 웅진출판, 1995.
4. История Кореи. – Сеул, 2000.

5.Literature and Experience. Pak Wan-sohttps://www2.gwu.edu/~eall/ archive/special/Pak_Wan-so1.htm

Пак Вансо романида икки аёл образи

Муродова Д. Б. Тошкент давлат шарқшунослик университети

Резюме. Мақола замонавий корейс насрида фуқаролар уруши, унинг салбий оқибатлари, урушнинг энг аввало оналар учун қанчалик мудҳиш воқеа эканлигини ёритиб бера олган адиба Пак Вансонинг «Тоғ чиндан ҳам ўша ерда бўлганми?» романида она образига бағишланган. Шунингдек мақолада романда елкасига ортилган инсоний бурч – фарзандларини камолга етказишда йиғламаган, ғамга ботмаганлиги тасвирланган икки она образи тахлил қилинган.

Таянч сўзлар: Корея уруши, она, Пак Вансо, тоғ, айғоқчи, жосус, Квон, Ёнг Же, Миртемир, «Тоғ чиндан ҳам ўша ерда бўлганми?».

Образ двух женщин в романе Пака Вансо

Муродова Д.Б. Ташкентский государственный университет востоковедения

Резюме. В статье исследуется тема гражданской войны в современной корейской прозе, ее негативные последствия и насколько ужасной была война, прежде всего для матерей, изображенная писателем Пак Вансо в романе «Была ли гора действительно там?». В статье анализируется образ двух матерей, которые достойно исполняли свой человеческий долг в воспитании своих детей.

Ключевые слова: корейская война, мать, Пак Вансо, гора, шпион, лазутчик, Квон, Йонг Дже, Миртемир, «Была ли гора действительно там?»

The image of two women in Park Wanseo's novel

Murodova D. Tashkent State University of Oriental Studies

Summary. The article examines the civil war in modern Korean prose, its negative consequences, and how terrible the war was, especially for mothers, as portrayed by writer Park Wanseo in the novel "Was the Mountain Really There?". The article also analyzes the image of two mothers who bore their human dutywith dignity in the upbringing of their children.

Key words: Korean war, mother, Park Wanseo, mountain, spy, emissary, Kwon, Yong Je, Mirtemir, «Was the Mountain Really There?»

ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ТИЛЛАРИДА УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ЎХШАТИШ ЭТАЛОНЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ КОННОТАЦИЯСИ

Чо Мин Ёнг

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Ўхшатиш деб "икки нарса ёки воқеа-ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, конкретроқ, бўрттириброқ ифодалаш" га айтилади [1, 114]. Инсон дунёни англашида ва билишида ўхшатиш ва қиёслаш жуда муҳим ўрин тутади. Икки ёки ундан ортиқ нарса-предмет ёки тушунчаларнинг ўхшаш ёхуд фарқли томонларини аниқлаш, таққослашда бевосита ўхшатиш ва қиёслашнинг аҳамияти катта. Ўхшатишлар ташқи дунёни билишнинг энг қадимий усулларидан ҳисобланади. Ўхшатишлар муайян халқнинг илк тафаккур тарзини ва тасаввурларини тамсил этади. Уларда маълум даврда яшаган аждодларимизнинг кечинмалари, тасаввурлари муҳрланган бўлади [2, 97]. Шунинг учун ҳам ўхшатиш ва қиёслаш фалсафа ва филология илмида энг қадимги даврлардан бошлаб турли тадқиқотчиларнинг эътиборида бўлган. Арастунинг қатор асарларида инсон жониворлардан ташқи воқеликдаги предмет ва ҳодисаларни ўхшата олиши билан фарқ қилиши ва ўзининг дастлабки билимларини ўхшатишдан олганини таъкидлаган эди [3, 20]. У ўхшатиш санъатининг қуйидаги уч жиҳатдан фарқланишини таъкидлаб ўтади: 1) тасвирланишнинг турли воситалари билан; 2) тасвирлаш предмети билан; 3) ранг-баранг ноўхшаш усуллар билан [4, 130].

Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида туркий халқлар мулоқотида сермаҳсул қўлланилган ўхшатишлар хусусида қуйидаги қайдларни кузатиш мумкин: "Бирон хотин туққанда доядан: тулки туғдими ёки бўрими деб сўралади. Яъни қизми ёки ўғилми демакдир. Қизлар алдоқчи ҳамда ялинчоқ бўлганликлари учун тулкига, ўғил болалар улардаги ботирликка асосан бўрига ўхшатилади" [5, 404]. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида эса ҳоқонларга хос фазилатларни намоён этадиган қуйидаги ўхшатишлар зикр қилинган: "Ҳоқон... жангда арслоннинг юрагига эга бўлиши лозим... ёввойи тўнғиздек қайсар; бўридек кучли; айиқдек жасур бўлиши керак; ҳўкиздек..., ҳаккадек..., қарғадек..., тулкидек..., туядек..., арслондек... ва бойқушдек... бўлиши лозим" [6, 205-206].

Ўхшатиш ўз моҳиятига кўра икки босқичга эга ҳодисадир. Бунда биринчи босқич дунёни билиш усули, бошқача айтганда, ақлий операция бўлиб, бунда "А" предмет ёки ҳодиса "В" билан ўхшашлигини аниқлаш мақсадида қиёсланади. Кенг маънода, мақсад ўхшашликни аниқлаш эмас, умуман "А"нинг номаълум хусусиятларига "В"га қиёслаш орқали ойдинлик киритиш бўлиши ҳам мумкин. Ушбу босқичнинг натижаси "А" ва "В" ўртасидаги ўхшаш томон – "С" хусусиятнинг аниқланишидир. Агар "С" аниқланса, кейинги – иккинчи босқич амалга ошади. Яъни энди икки қиёсланаётган объект билан бирга, учинчи узвга ҳам катта эътибор қаратилади, ўхшатиш шаклланади. Шу боис ўхшатишда уч асос эътиборга олинади [7, 6].

Кишилар кундалик турмуш жараёнида табиатдаги турли ҳайвон ва паррандаларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиши, уларни инсоннинг ташқи кўриниши, характерига қиёслаши ва тасаввурида ҳосил бўлган ассоциацияларни образли тарзда ифода этиши натижасида зоокомпонентли ўхшатиш эталонлари юзага келади. Зоокомпонентли ўхшатиш эталонларининг ривожланиши инсон ва ҳайвонларнинг узоқ минг йиллик муносабатларига бориб тақалади. Мазкур муносабатлар кўп қиррали бўлиб, улар турфа шаклларда намоён бўлади. Зеро, бугунги кунда ҳам инсон фаолиятининг аксарият соҳалари, хусусан, қишлоқ хўжалиги, саноат,

спорт, илм ва ҳ.к. ҳайвонлар билан боғлиқдир. Бинобарин, тарихий, географик ва ижтимоий омиллар таъсирида ривожланаётган “инсон – ҳайвонот дунёси” муносабати ўз навбатида тилга ҳам таъсир кўрсатади.

Ҳайвонот олами, хусусан, уй ҳайвонлари азалдан инсоният моддий турмушининг ажралмас қисми бўлиб келган. Хусусан, “чорвачилик билан шуғулланган туркий халқлар *қўй, эчки, товуқ, сигир, от, туя, эшак, ит* каби хонаки ҳайвонларнинг тана тузилиши ҳақида бошқа халқлардан кўра кенгроқ анатомик билимларга эга бўлишган [8, 120]. Шу боис мазкур соҳа билан боғлиқ атамалар, хонаки ҳайвонларнинг номи, уларга хос хатти-ҳаракатлар кундалик нутқда, хусусан, ўхшатишларда ҳам ўз аксини топган. Ҳайвон ва парранда номлари кўп халқларда яхшилик, олижаноблик, мардлик, сахийлик, баъзан эса ёмонлик, айёрлик, ваҳшийлик, қўполлик тимсоли сифатида ўхшатишларга ўрнашиб қолган. Ғ.Саломов бу борада шундай ёзади: “…ёмонлик, зараркунандалик тимсоли – илон, чаён; ваҳшийлик тимсоли – бўри; ёввошлик тимсоли – мусича (шунинг учун уни “мусичаи беозор” дейдилар), қўй; меҳнатсеварлик тимсоли – чумоли ва асалари; катталик тимсоли – фил, туя; айёрлик тимсоли – тулки; қўполлик тимсоли – айиқ; бефаҳмлик ва бефаросатлик тимсоли – эшак, чўчқа; тинчлик тимсоли – каптар; гўзаллик тимсоли – товус; хушхонлик тимсоли – булбулдир. Аммо турли халқларда ўхшатиш объектлари... ўзига хос хусусиятга эга бўлиши ҳам мумкин” [9, 29]. Ўзбек ва корейс лингвомаданиятларида қўй, сигир, чўчқа, ит, мушук сингари ўхшатиш эталонларининг сермаҳсул қўлланилиши кузатилади.

Қўй ўхшатиш эталони. Маълумки, қўй азал-азалдан фаровонлик, тўкинлик, барқарорлик ва хотиржамлик рамзи ҳисобланади. Вазминлик, босиқлик, муроса йўлидан бориш унга хосдир. Қирғинбарот урушлар айнан қўй йилида тўхтатилганига тарихдан мисоллар кўп. Одатда, ушбу йилда жуда қулай об-ҳаво кузатилиб, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барорини берган. Айниқса, озиқ-овқат экинларидан баракали ҳосил олинган [10]. Кул тигин битигтошида қўй сурати бор. Бу тасвир орқали туркийлар ўзларининг моддий жиҳатдан фаровон яшаганлигини билдирганлар. Туркийларда қўй – муқаддас ҳайвон эканлигига ҳам ишора бор. Муқаддас саналган ҳайвонлар кўпчилик халқлардан фарқли равишда, истеъмол қилинган [11, 61].

Кўринадики, қўй эталонидаги хотиржамлик ассоциацияси ўзбек маданиятида етакчи ўрин тутади. Шу боис мазкур маданиятда қўй ювошлик тимсоли ҳисобланади. Айнан мана шу ювошлик белгиси ўзбек этномаданий стереотипини шаклланишига асос бўлган дейиш мумкин. Зеро, ҳар қандай маданият ўзининг дунёни идрок қилишига асосланган, ўз тафаккури ва хулқ-атворининг стереотипини юзага чиқаради. Масалан:

Ич-ичимдан кўзимга ёш келар қалқиб, / Балиқдай гунг, ***қўйдек ювош ўзбек халқи!*** */ Сен ҳам бундай қомат кериб юрсанг балки, / Уйингга ўт кетмасмиди, Фарғонажон?.* (М. Юсуф. Халқ бўл, элим).

Қўй эталони кўпинча ижобий муносабат ифодаловчи ўхшатишларда намоён бўлади. Масалан, *Қимизхоннинг эри Усмонжон* ***қўйдек ёввош одам****. Гап сўрамасанг, кечгача ундан садо чиқмайди* (С.Аҳмад. Бир сиқим хандон писта).

Яна “**Ҳукмдорларга панд-насиҳатлар**” **китоби**да қайд этилишича, “барча аёллар 10 хил турда бўладилар, уларнинг ҳар бирининг хулқ-атвори баъзи ҳайвонларнинг хулқ-атворига ўхшаб кетади. Бирлари чўчқага, иккинчиси маймунга, учинчиси итга, тўртинчиси илонга, бешинчиси урғочи эшакка, олтинчиси чаёнга ўхшайди, еттинчиси сичқонга, саккизинчиси қушга, тўққизинчиси тулкига, ўнинчиси қўйга ўхшайдилар... **Қўйга ўхшаган аёллар эса** диёнатлик, қўйдек ювош, у ҳамма нарсалардан фақат фойдаликлар, марҳамат ва шукроналик кўради. У ҳаққоний ва тақводор, эрига, қўшниларига, уйдаги барча оила аъзоларига ва болаларига нисбатан раҳимдил ва шафқатли аёлдир. Бу каби аёллар яхшиликнинг кони ва Ўз Яратувчисининг итоаткоридирлар” [12].

Лингвомаданиятларнинг аксариятида турғун ўхшатишларни образ ва унинг мазмуни жиҳатидан бир-бирига муқобиллиги, муқояса объектларининг ўхшашлигига гувоҳ бўламиз. Бинобарин, корейс маданиятида ҳам қўй эталони ҳотиржамлик, ювошлик, мулойимлик ассоциацияларини ифодалаганини кўриш мумкин:

삼촌은 평소에는 **양처럼** 온순하지만 술만 먹으면 난폭해진다 (표준국어대사전). - Samchonin pyongsoenin yangchorom onsunajiman sulman mogimyon nanpokejinda. *Амаким одатда* ***қўйдек ювош****, лекин ичкилик уни муштумзўр қилади*.

평소에는 순한 **양 같은** 그 사람도 한번 화가 나면 야수로 돌변한다 (표준국어대사전). – Pyongsoenin sunan yang gatin gi saramdo hanbon hwaga namyon yasuro dolbyonanda. *Одатда* ***қўйдек ювош*** *бўлган шу одам ҳам ғазабланганида ҳайвонга айланади*.

Қўй эталонидаги ювошлик, беозорлик белгиси худди ўзбек халқидек корейс этномаданий стереотипини ҳам шакллантирганини кўриш мумкин:

도처에서 **양** 떼 **같은** 어진 백성이 무찔려 죽었으되, 불행히도 그때 이 나라에는 원자탄이 없었습니다 – Dochoeso yang tte gatin ojin bekssongi mujjilyo jugossidwe, burenghido gitte i naraenin wonjatani opssossimnida. *Ҳар ерда* ***қўй подаси каби беозор*** *халқимиз ер тишлаб ётарди, лекин афсуски ўша пайтда бизда қурол йўқ эди*.

Юқорида қайд этилганлар билан бирга, ўзбек лингвомаданиятидан фарқли ўлароқ, корейс лингвомаданиятида қўй эталонидаги ювошлик, мулойимлик ассоциацияси нафақат инсонларга нисбатан, балки табиат ҳодисаларига нисбатан ҳам муқояса объекти сифатида қўлланилганини кузатиш мумкин. Қиёсланг:

간장을 죄는 몇 분이 지나자, 날씨는 삽시간에 잠든 **양같이 온순해진다** (표준국어대사전). – Ganjangil jwenin myoppuni jinaja, nalssinin sapssigane jamdin yanggachi onsunejinda. *Қаттиқ вақт ўтганидан сўнг, об-ҳаво тўсатдан мулойим қўйлар каби тинчиб қолди*.

Сигир ўхшатиш эталони. Ўзбек лингвомаданиятида сигир ўхшатиш эталонидан, асосан, салбий коннотацияни ифодалаш учун фойдаланилади. Мазкур эталон “семизлик”, “гавдалилик”, “дангасалик”, “кўп овқат ейиш” каби салбий баҳолашда кенг қўлланилади. Мисолларга эътибор беринг:

– Туғишни билган, бола боқишниям эплагин-да, ***сигирдек хотин!*** *– деди неварасини Потма келинга узатиб. – Ма, гултожихўроз дамлаб ичир! Томоғига тепки кепти!* (Ў.Хошимов. Икки эшик ораси).

Керагидан ортиқ овқат еб, қорни шишиб, ўзини кўтара олмаслик ҳолатини ифодалаш учун *сигир* эталони *бўкмоқ* феъли билан бирга қўлланилиб, салбий муносабат оттенкасини янада кучайтиришга хизмат қилади:

Олдимда тоғ-тоғ ишлар турсин-у, мен, ***бўкиб қолган сигирдек****, оёғимни узатиб ётайми? (Ў. Умарбеков. Юрак сўзлари)*.

Сигир ўхшатиш эталони компаратив фразеологизмлар ҳосил қилишида ҳам фаол иштирок этади. Жумладан, “текин даромад манбаси” маъносида ***соғин сигирдек соғмоқ*** компаратив фразеологизми қўлланилади:

Айрим ислоҳотларни кўриб, ***мақсад фойда келтириш эмас, балки халқни соғин сигирдек соғишмикан,*** *деб ўйланиб қолади одам*.

Корейс лингвомаданиятида ҳам сигир ўхшатиш эталони гавдали, семиз, кўп овқат ейдиган кишиларни ташқи кўринишини қиёслашда кенг қўлланилади. Масалан, жуда кўп овқат ейдиган кишиларга нисбатан салбий муносабатни англатадиган 소같이 먹다 – sogachi moktta *сигирдек емоқ* компаратив фразеологизми ишлатилади.

Ҳаракат инсон мавжудлигининг муҳим шартларидан бири, унинг ҳаётдаги эҳтиёжларини қондириш воситасидир. Миллий менталитетда турли ҳаракат тарзи ва ёки унинг йўқлигига ижобий ва салбий муносабат ўхшатишлар орқали акс этади. Масалан, оғир меҳнат қилиш, шундай меҳнатга лаёқатлилик *итдек / молдай / девдек / чумолидек / асаларидек / эшакдек ишламоқ* ўхшатишлари орқали акс эттирилса, ишлашдаги бенуқсонлик *автоматдек* ёки *соатдек ишламоқ* ўхшатишлари орқали образли ифодаланади [13, 112].

Корейс лингвомаданиятида **소같이 벌어서**[일하고] 쥐같이 먹어라– Sogachi boroso jwigachi mogora ***Сигирдек ишлаб****, сичқондек енг* мақоли тежамкор бўлиб яшашга ундайди. Унинг таркибида келган сигир ўхшатиш эталони жисмоний ҳаракатни тасвирлашга, яъни жуда қаттиқ, бутун кучини бериб ишлайдиган одамни муқоясалашга хизмат қилган. Ўзбек тилида айни маънони *молдай* турғун ўхшатиши ифодалаб келади:

Эшак-аравада яхтоқ ташиганинг ташиган эди. Ўзинг ҳам ***молдек ишладинг*** (С.Аҳмад. Жимжитлик).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корейс лингвомаданиятида **소같이**sogachi, яъни сигирдек турғун ўхшатишида ўзбек лингвомаданиятидан кузатилмайдиган беозорлик ва беғуборлик каби ижобий оттенка доминант ҳисобланади. Ўзбек тилида беозорлик семаси ***мусичадек*** турғун ўхшатиши воситасида ифодаланади.

***Чўчқа ўхшатиш эталони*. Чўчқа** – туркий халқларнинг анъаналарида салбий ўрин тутади ва унинг гўшти азалдан ейилмай келинади. Чўчқа ёмон руҳларни чақирувчи ҳайвон ҳисобланган ва бундай қараш Исломдан кейин ҳам давом этган [14, 541]. Ўзбек, қирғиз, қозоқ ва бошқа туркий халқларнинг лингвомаданиятларида *чўчқа* сўзи ҳақоратни билдиради [15, 79].

“Уй ҳайвони бўлган чўчқа ўзбек миллати учун фақат салбий коннотацияларга эга. Ўхшатиш эталони сифатида ҳам фақат салбий муносабат ифодаловчи ўхшатишларда намоён бўлади. Масалан: *чўчқадек семирмоқ, чўчқадек ичмоқ, чўчқадек ағанамоқ.* Бунинг бир қатор сабаблари бор, албатта. Бу, биринчи навбатда, ушбу жониворнинг семизлиги, табиатидаги ифлосликка мойиллигидир. Чўчқа у билан солиштириш мумкин бўлган жониворлар сирасида анчайин тез семирадиган, овқат танламайдиган жонивордир. “Семириш”ни ифодаловчи асос шу бўлса, “ичмоқ” учун чўчқадаги исқиртлик сифати ўхшатиш асосидир. Маст одамнинг чўчқага ўхшатилиш сабаби меъёрдан кўп спиртли ичимлик ичган инсоннинг чўчқага ўхшаш ҳолатга тушишидир. Масалан, *Ётибди?.. Ичгандир-да?..* ***Чўчқадай ичди****?! Ухлаб қолдими? Ҳа ичкиликка қирон кесин!* (Х. Дўстмуҳаммад. Масковлик яхши одам). *Тасдиқлаш шарт эмасди, бу ярамаснинг* ***чўчқадек ичгани*** *шундоққина сезилиб турарди* (Р.Йўлдош. Қоплон)” [13, 51-52]. Бундан ташқари “мусулмон халқида бу жониворнинг ниҳоятда ифлослик ҳамда даъюслик сифатлари асосида ҳаром этилганлиги, унинг гўштини истеъмол қилиш ман этилганлиги унга нисбатан муқаррар равишда салбий коннотацияни юзага келтиради” [13, 52]. Бинобарин, “Қуръон”да чўчқа ифлос ва даъюс ҳайвон бўлгани учун унинг гўштини ейиш ҳаром қилинди [16].

Корейс халқининг кундалик турмушида чўчқа 2000 йилдан бери уй ҳайвони сифатида парваришлаб келинади. Чўчқа кўп болалагани учун у туғилишнинг тимсоли ҳисобланади. Кореянинг қадимий давлати саналган Когурё даврида ёзилган “Самгуксаги” китобида чўчқани қурбонлик қилинганлиги ҳақида дастлабки маълумотни учратиш мумкин. Ҳозирги кунда ҳам Кореяда шаманлар томонидан чўчқа қурбонлик қилиниб келинаётганига қараганда чўчқа азалдан корейслар учун муқаддас бўлганини тушуниш мумкин [17]. Умуман, Кореяда чўчқа тўкин-сочинлик, бойлик ва фаровонлик рамзини англатади. Жумладан, Кореяда янги уй ёки машина сотиб олинганда дастурхонга чўчқанинг боши тортилади. Шунингдек, бирон кимса тушида чўчқа кўрса, унга атрофидагилар лоттерия чиптасини сотиб олишни маслаҳат беришади. Чунки чўчқа фаровонлик тимсоли бўлгани учун ҳам қўлга катта миқдорда пул тушишига ишонилади. Шу сабабдан Кореяда чўчқа тасвирли тангадон (копилка)лар кўп тарқалган. Гарчи, юқорида қайд этилганидек, корейс маданиятида чўчқа рамз сифатида ижобий маънога эга бўлса-да, у ўхшатиш эталони сифатида салбий коннотацияни англатиб, семизлик, ифлослик, очкўзлик, дангасалик ва бесўнақайликни ассоциациялаб келади. Масалан: 살이 **돼지처럼** 핑핑 찐 여자가 어울리지 않는 양장에 술이 정도를 넘은 꼴이 구역질이 날 정도였다 (표준국어대사전). - Sari dwejichorom

pingping jjin yojaga ouliji annin yangjange suri jondoril nomin kkori guyokjjiri nal jongdoyotta. ***Чўчқадек семирган аёл*** *ўзига ярашмаган костюм кийиб маст бўлгани жуда ҳам жирканч эди.*

김 씨네 돼지처럼 큰 놈은 처음 본다(표준국어대사전). - Gimssine dwejichorom kin nomin choim bonda. *Жаноб Ким сингари* ***чўчқадек бесўнақай одам*** *кўриганим йўқ.*

Айтилганлар билан бирга, корейс лингвомаданияти вакили фарзандини *sekkiya*[10], яъни *чўчқачам* дея эркалаши мумкин. Ёки рус лингвомаданиятида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Бироқ ўзбеклар учун фарзандини *чўчқачам* деб эркалатиш маданий меъёр ҳисобланмагани учун бу ўринда *қўзичоғим* муқобилидан фойдаланилади. Шундай қилиб, чўчқа эталони турли лингвомаданият вакилларида фарқли белгиларни коннотациялаб келади. Бу эса ҳар бир халқнинг миллий лисоний манзарасидаги ўзига хосликни, индивидуал мажозий фикрлашни кўрсатади.

Ит ўхшатиш эталони. Ит уй ҳайвонлари орасида энг вафодори саналади. У уйни садоқат билан қўриқлайди, эгасига эса бир умр вафодор бўлиб қолади. Шу боис ўзбек халқи итни вафодорлик тимсоли сифатида эъзозлайди. Ҳатто халқ орасида "Ит вафо, хотин жафо" деган нақл ҳам мавжуд. Итдаги садоқат, содиқлик, вафодорлик каби ижобий хислатлар ўхшатишларда ҳам ўз аксини топганини кўриш мумкин. Масалан: *Устози ҳаёт вақтида ипакдай мулойим,* ***итдай садоқатли*** *бўлган бу букри савдогар Райҳонабонуга тажовуз қилган* (О.Ёқубов Кўҳна дунё). *Аввало, хотин акамиз чўнтагимизга қўриқчи* ***итдек вафодор.*** *Бир сўммас, бир тийинни ортиқча сарфлашимга йўл қўймайди* (А. Мухторов. Ноёб хотин).

Ит билан боғлиқ садоқат, содиқлик ва вафодорлик ассоциацияларини *итдай хизмат қилмоқ, итдай эргашмоқ* турғун ўхшатишлари билан ҳам ифодаланганини кўриш мумкин: *Кўнглинг бўлса, уйлан шунга. Яхши нарса лекин, тул қолган-у, бўй қизларга бўй бермайди. Уйлан,* ***итдай*** *хизматингни қилади* (М.М. Дўст. Лолазор). *Зўрласанг-да, қолмайди бу, - Жондош Қоплонга қараб қўйди. –* ***Итдай эргашиб юраверади*** (Н.Норқобилов. Тоғ одами).

Маълумки, ит кўп ва осон болалайди. Шу боис кўп туққан аёлларга нисбатан *итдек болалamoқ* ўхшатиши қўлланилади. Масалан: *Сочларимга бевақт оқлар ораласа, / Эшигимдан гадо ўйлаб мўраласа. / Вужудимда дардлар* ***итдек болаласа, /*** *Айтчи, мени севасанми ўшанда ҳам?!* (М.Салимова. Севасанми ўшанда ҳам?!).

Корейс лингвомаданиятида ҳам шунга ўхшаш ассоциацияни кузатиш мумкин: 임신 중에는 개처럼 순산하라는 뜻으로 떡을 하여 이웃과 나누어 먹는다고 한다 (표준국어대사전). – Imsin jungenin gechorom sunsanharanin ttisiro ttogil hayo iutkkwa nanuo mongnindago handa. *Ҳомиладорлик пайтида* ***итдек осон туғишни*** *ният қилиб гуручли пирог пиширib қўшнилар билан ейди*.

Ҳар иккала тилда ҳам "қийин, оғир аҳволда яшамоқ", "номуносиб турмуш кечирмоқ" маъноларини ифодалаш учун *итдай яшамоқ***개처럼 살다** gechorom salda компаратив фразеологизмидан кенг истифода этилади. Мисолларган эътибор беринг: *Бу ерда на илму фанни, на санъатни, на қўшиқни тушунишади; Ҳаммалари ота-боболаридан қолган катакларда* ***итдай турмуш кечиришади*** (Н.Эшонқул. Момоқўшиқ). 의롭게 죽느냐? **개처럼** 사느냐?' 하고 죽고 사는 기로 속에서 헤매었던 것이다 (표준국어대사전). – Iropkke jungninya gechorom saninya hago jukko sanin giro sogeso hemeotton gosida. *Тўғри яшаб ўламанми?* ***Итдек яшайманми?*** *деб ўйлаб ҳаёт ва мамот ўртасида иккиланиб қолган эдим.* 목숨이 아무리 아깝기로 적장의 장난감이 되어 그렇게 **개처럼 추접스레 살지 말거라!** (고려대 한국어대사전). – Mokssumi amuri akkapkkiro jokjjange jangnankkami dweo giroke gechorom chujopssire salji malgora. *Ҳаётингизни сақлаб қолиш учун душманингизнинг ўйинчоғи бўлиб* ***итдай ифлос ҳаёт кечирманг.***

Инсоннинг ички дунёси бой ва ранг-барангдир. Турли шахслар ҳар хил вазиятларда ўзларининг турли эҳтиёжларини қондириш учун фарқли хатти-ҳаракатларни амалга оширишади. Бундай фарқлилик индивидуал жиҳатлар, тарбия, социомаданий муҳит таъсирида шаклланган характер хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Инсоннинг характери унинг ўзини тутиши, амалий фаолияти, мулоқоти, ўзини ва оламни қабул қилишида акс этади [18, 409]. Шу боис инсоннинг характерини белгилашда ўхшатишлардан кенг фойдаланилади. Бинобарин, ит эталони ҳам инсон характерини тавсифлашда фаол қўлланилади. Масалан: 저런 개 같은 성격으로는 세상 살기 힘들지! (고려대 한국어대사전). – Joron ge gatin songkkyogiro sesang salgi himdilji. *Шунақа* ***итга ўхшаш характери*** *билан яшаш қийин.* 이런 책자를 돈 주고 사서 가지고 다니는 성도착증 환자들 말이야? **개 같은 놈들이** 한둘이라야 말이지 (김원우, 짐승의 시간). – Iron chekjjaril donjugo saso gajigo daninin songdochakjjing hwanjadil mariya? Ge gatin nomdiri handuriyamariji. *Шунақа китобларни сотиб оладиган бузуқ одамларни айтяпсанми?* ***Итга ўхшаганлар*** *бир икки киши эмас*.

Ўзбек тилида итга ўхшаган характери бўлган одамларга нисбатан *ит феъл* ибораси қўлланилади. Масалан:

Ит феъл аёл *эса эри бир нарса дейиши билан унга ташланади, унга бақиради ва гап талашади, унга худди* ***итдек ҳурийди***. *Агар эрининг ҳамёни тилла-кумушларга тўлалигини кўрса, уйида тўкинчилик, бугдой-ун, мевалар бўлса, у эрини яхши қабул қилади ва унга интилиб: «Сизга жонимни бераман. Сиздан Аллоҳ рози бўлсин! Сиз учун ўлишга тайёрман», дейди. Агар эрининг иши юришмаса, илгари айтилгандек, унга* ***итдек ташланади****, ҳақоратларга кўмади. Унинг нафсониятини ерга уриб, уйдан ҳайдайди. Уни бечораликда айблашда бир кун ҳам тўхтамайди.*

[10] Корейс тилида *sekki* сўзи барча жониворларнинг боласига нисбатан қўлланилади, лекин унинг этимологияси *seoki*, яъни "чўчқа боласи" (турк тилида *çocuk*, ўзбек тилида *чўчқа*)дан келиб чиққан.

Кўринадики, ўзбек тилидаги *ит феъл* ўхшатиш кўринишида эмас, балки ибора сифатида ишлатилади. Бироқ айнан ит феъллик характерини очиб беришда *итдек ҳуримоқ* ва *итдек ташланмоқ* сингари салбий коннотацияли ўхшатишлардан истифода этилади.

Қайд этилганлар билан бирга, ўзбек лингвомаданиятида орқа-олдига қарамай, меъёридан жуда ортиқ даражада, кўп спиртли ичимлик истеъмол қиладиган одамларни тавсифлаш учун *итдек ичмоқ* турғун ўхшатиши ишлатилади:

Олдин унақа эмасди, ҳозир ***итдек ичади*** (Ў. Хошимов. Дунёнинг ишлари).

Корейс лингвомаданиятида “ялтоқланмоқ” маъносида 개처럼 꼬리를 흔들다gechorom kkoriril hindilda *итдек думини ликиллатади* компаратив фразеологизми кенг қўлланилади: 권세 있는 자에겐 **개처럼 꼬리를 흔들어** 대고 만만한 자의 돈주머니는 악착같이 긁어 대었다 (홍성암, 큰물로 가는 큰 고기). – Gwonse innin jaegen gechorom kkoriril hindiro dego manmanan jae donjumoninin akchakkachi gilgo deotta. *Ўзидан кучли ва устун одамларга* ***итдек думини ликиллатади****, лекин ўзидан заиф бўлганларнинг пулини қақшатиб олиб қўяди*.

Шунингдек, айрим кишилардаги ажойиб ҳид билиш қобилияти итнинг ҳидни яхши сезиш хислатига муқояса қилинганлигини кўриш мумкин: 내 동생은 후각적 능력이 **개처럼 뛰어나다** (고려대 한국어대사전). – Ne dongsengin hugakjjok ningryogi ttwionada. *Мининг укам* ***ит каби ажойиб ҳид билиш қобилиятига*** *эга*.

Демак, ўзбек ва корейс лингвомаданиятларида ит ўхшатиш эталони “яшамоқ”, “кўп туғмоқ”, “қопмоқ”, “изғимоқ”, “акилламоқ”, “югурмоқ”, “эргашмоқ” сингари умумий ассоциацияларни ўзида мужассамлаштириб келади. Шу билан бирга, ит ўхшатиш эталонининг ўзбек тилида “садоқатли, вафодор”, “ишламоқ”, “ичмоқ”, корейс тилида эса “тарбиясиз, одобсиз”, “ҳидни яхши сезмоқ” каби ўзига хос ассоциациялари ҳам кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек ва корейс лингвомаданиятларидаги таркибида уй ҳайвонларининг номлари иштирок этган ўхшатишлар ижобий ва салбий коннотацияларни ифодалаб келади. Бинобарин, қўй эталони ўзбек лингвомаданиятида ҳам корейс лингвомаданиятида ҳам ҳотиржамлик, ювошлик, мулойимлик каби ижобий ассоциацияларни юзага чиқаради. Мушук ҳар иккала лингвомаданият вакилларининг тафаккур тарзида “писмиқ”, “ичидан пишган”, “ўғри” каби ассоциацияларни ифодалаши билан бирга, корейс лингвомаданиятида кўпроқ айёрлик тимсоли сифатида намоён бўлади. Ўзбек лингвомаданиятида сигир ўхшатиш эталонидан, асосан, салбий коннотацияни ифодалаш учун фойдаланилса, корейс лингвомаданиятида унинг беозорлик ва беғуборлик каби ижобий коннотацияларни ҳам ифодалаб келиши кузатилади. Чўчқа ўзбек миллати учун фақат салбий коннотацияларга эга. Гарчи, корейс маданиятида чўчқа тўкин-сочинлик, бойлик ва фаровонлик рамзини англатса-да, у ўхшатиш эталони сифатида салбий коннотацияни англатиб, семизлик, ифлослик, очкўзлик, дангасалик ва бесўнақайликни ассоциациялаб келади.

Ўхшатиш эталонларининг бир-бирига ҳар жиҳатдан ўхшашлиги аксарият ҳолларда ўзбек ва корейс халқининг кундалик турмуши, урф-одатлари ва мантиқий мушоҳада тарзининг муштараклиги билан изоҳланади. Шунингдек, корейс ва ўзбек тилларининг бир оилага мансублиги, бу тил эгаларининг дунёқараши, менталитети, турмуш шароитларининг ўхшашлиги бир гуруҳ универсал турғун ўхшатишларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Умуман, ўхшатишлар муайян халқнинг миллий тафаккури, дунёқараши, менталитетини ўзида акс эттирадиган, оламнинг лисоний манзарасини яратишда муҳим рол ўйнайдиган лингвомаданий бирликлардан биридир. Турли лингвомаданиятлардаги ўхшатишларни қиёсий ўрганиш дунёни ўзига хос миллий тарзда кўришга, миллий тафаккурни, менталитетларни ўрганишга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент, “Ўқитувчи”, 1983.
2. Usmanova Sh. Tarjimaning lingvomadaniy aspekrtlari. O‘quv qo‘llanma. –Toshkent.; ToshDShI, 2015.
3. Аристотель. Поэтика. – Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2004.
4. Аристотель. Риторика. // Античные риторики. –М.: МГУ, 1978. –С. 130.
5. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). I. –Тошкент, ЎзФА, 1963.
6. Radlov W. Das Kutadku Bilik des Yusuf Chass Hadschib aus Balasagun. –St-Petersburg, 1891-1910.
7. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент.; “Фан”, 1976.
8. Ҳамидов Х. Ўзбекчадан туркчага насрий таржима муаммолари. − Тошкент: ТошДШИ, 2014.
9. Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1961.
10. https://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/3287-omad_va_shodlik"
11. Раҳмон Н. Турк ҳоқонлиги. –Тошкент: “Халқ мероси”, 1993.
12. **Абу Ҳомид Ал-Ғаззолий. Ҳукмдорларга панд-насиҳатлар.** https://savollar.muslimaat.uz/maqola/699
13. 13 Усманов Ф.Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалс. д-ри ... дисс. – Андижон, 2019.
14. Ögel Bahaeddin. Türk Mitolojisi. C. II. –Ankara: Türk Tarih Kurumu Basımevi, 1995.
15. Usmanova Sh. Lingvokulturologiya. Darslik. – Toshkent: ToshDO‘TAU, 2019.
16. 16 https://islom.uz/maqola/3488
17. 17.한국민족문화대백과사전, 한국학중앙연구원, www.aks.ac.kr.
18. 18. Лукацкий М.А., Остренкова М.Е. Психология: учебник. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2013.
19. 19. Т. Малик. Девона. Қисса. www.ziyouz.com

*Чо Мин Ёнг. Т*ошкент давлат шарқшунослик университети

Резюме. Мақолада ўзбек ва корейс корейс тилларида қўй, сигир, чўчқа, ит, мушук сингари ўхшатиш эталонларининг лингвомаданий хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, зоокомпонентли турғун ўхшатишлар билан боғлиқ турли ассоциациялар, улар ифодалаган ижобий ва салбий коннотациялар таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *ўхшатиш, қиёслаш, коннотация, объект, зоокомпонент, уй ҳайвонлари, ижобий, салбий.*

Национально-культурная коннотация стандартов идентификации домашних животных в узбекском и корейском языках

Чо Мин Ёнг. Ташкентский государственный университет Востоковедения

Резюме.В статье исследуются лингвокультурные особенности стандартов аналогии в узбекском и корейском языках, таких как овца, корова, свинья, собака.Также анализируются различные ассоциации, связанные со стабильными аналогиями зоокомпонентов, положительные и отрицательные коннотации, которые они представляют.

Ключевые слова:аналогия, сравнение, коннотация, объект, зоокомпонент, домашнее животное, положительный, отрицательный.

National-cultural connotation of domestic animals identification standards in theUzbek and Korean languages

Jo Min Yong. Tashkent State University of Oriental Studies

Summary. This article talks about the linguocultural features of analogystandardsin Uzbek and Korean such as sheep, cow, pig, dog. It also analyzes the various associations connected with stable analogiesof zoocomponents, the positive and negative connotations they represent.

Key words:analogy, comparison, connotation, object, zoocomponent, domestic animal, positive, negative.

АРАБ - ПАРСЫ ТИЛЛЕРИНЕН ӨЗЛЕСТИРИЛГЕН СӨЗЛЕР

Нажимов А. Ш.

Өзбекстан Республикасы Илимлер академиясы Қарақалпақстан бөлими Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеў институты

Ҳәзирги қарақалпақ тилиниң сөзлик қурамының белгили бир бөлегин араб тилинен аўысқан сөзлер қурайды. Ҳәзирги қарақалпақ тилиниң сөзлик қурамындағы араблық шығысқа ийе сөзлер менен терминлер турмыстиң көпшилик тәреплерин өз ишине алади. Олардың бир қатары диний түсиниклерге байланислы болса, екиншилери саўда ислерине, үшиншилери илим ҳәм мәдениятқа, т.б. байланыслы сөзлер. Олар төмендегилерден ибарат: *медресе, алым, илим, тарийх, муғаллим, мақала, ҳәрип, усил, нама, нағыс, миллет, минбер, нәсил, халық, мақлуқат, руўх, садақа, париз, әзирейил, дуўа, зикир, қуран, сүннет, жин, иблис, шайтан, әўлийе, ақырет, жаназа, ийман, молла, инам, жаббар, аўмийин, ҳайўан, маймыл, пақыр, пикир, ғайрат, қыял, қымбат, қазы, арза, дәреже, шәрият, ўәкил, жәллат, ўәзир, даў, жәмийет, ўатан, зулым, әскер, қарар, есап, мәни, мектеп, мәжилис, әжайып, арза, сапар, ҳалўа, рахмет, несип, аманат, аўҳал, ҳәмир, нәпес, саат, саўал, сүўрет, пән, хызмет, мийнет, хат, аўқат, ҳаял, мәнзил, бәле, пайда, себеп, қәреп, кәрамат, рәҳәт, өмир, дәреже, заман* т.б.

Араб тилинен аўысқан сөзлер, тийкарынан алғанда, атлық сөзлер болып келеди, сийрегирек келбетликлер де ушырайды. Буған жоқарыда келтирген сөзлер дәлил бола алады. Ал, басқа сөз шақаплары бойынша араб сөзлери тилимизде ушыраса бермейди. Сонлықтан да, олардың түркий тиллердеги бул өзгешелигин көрсетип, профессор Н.А.Баскаков араб сөзлериниң аўысыўындағы елеўли белги ретинде олардың түркий тиллерде атлықлар, жеке сийрек келбетликлер түринде гезлесетуғынын, бирли ярым қосарлы фейиллер қурамындағы гейпара сөзлерди есапқа алмағанда басқа атаўыш сөзлердиң түркий тиллер тәрепинен өзлестирилмегенин белгилеп өтеди. Солай етип, қарақалпақ тилинде араб тилинен аўысқан сөзлер әдеўир муғдарда ушырайды. Олардың көпшилиги ҳәзирги күнде түпкиликли сөзлердей болып кеткен, күнделикли сөйлеў ҳәм жазыў тәжирийбесинде аўысқан сөзлер екенлиги сезилмейди. Көпшилик араблық шығысқа ийе сөзлер турмыс мүтәжлигинен айырылыўы нәтийжесинде сөзлик қурамнан шығып та қалды.

Ғәрезсизлик дәўири қарақалпақ тили жәмийетлик-сиясий лексикасында араб тилине тән жәмийетлик-сиясий лексиканың қолланылыўы жийилести. Мысалы: *ўәзир, миллет, ҳүким, ўатан, ҳүкимет, ҳәким, бажы, мүлик* ҳәм т.б. *Миллий мәдений орайлары* - атамасы ғәрезсизлигимизден соңғы дәўирде Өзбекстанда жасап атырған 130 дан аслам халықлардың өз миллий мәденияты, үрп-әдетлерин сақлаў ҳәм үгит-нәсиятлаў мақсетинде дүзилген жәмийетлик шөлкемди билдиреди. Бул орайлардың дүзилиўи мәмлекетлимизде алып барылып атырған миллетлер ара татыўлық, диний кең пейиллик сиясатының көриниси. Мысалы: Республикалық *миллий мәдений орайда* «Ислам-жәҳән ҳәм дослық дини» деген темада илимий-әмелий конференция болды («ЕҚ», 3.10.1998).

Халық қабыллаўханасы – атамасы тилимизде бурыннан бар *халық* ҳәм *қабыллаўхана* сөзлериниң дизбеклесиўи арқалы жасалып, соңғы ўақытлардағы жәмийетлик турмысымыздағы өзгерислерге байланыслы Президент ҳәм Министрлер Кабинети баслығының халық пенен тығыз байланыста болыў, халықтың арза ҳәм мүрәжатларын қабыллаў орнын билдиретуғын мәкеме атамасын билдиреди. Мәкеме хызметкерлери халық ўәкиллерин тек жумыс орнында емес, ал көшпели түрде де шөлкемлестиреди. Мысалы: *Халық қабыллаўханаларының* машқалаларды үйме-үй жүриў арқалы анықлаў ҳәм шешилиўин мәмлекетлик уйымлардың халық пенен тиккелей ислесиўин нәзерде тутатуғын жаңа система еңгизилмекте («ЕҚ», 2.02.2019); Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институтында Нөкис әскерий прокуратурасының басламасы менен ашықтан-ашық пикирлесиў ҳәм *көшпели қабыллаў* болып өтти («ЕҚ», 2.02.2019);

Президент мектеплери – сөзи қарақалпақ тилинде соңғы жыллары пайда болды. Бул сөз де тилимизде бурыннан бар *Президент* ҳәм *мектеп* сөзлериниң дизбеклесиўи арқалы жаңа түсиникти аңлатыў ушын

қолланбақта. Мысалы: *Президент мектеплерин* шөлкемлестириў илажлары ҳаққында Өзбекстан Республикасы Президентиниң қарары («ЕҚ», 23.02.2019); Усы жыл 7-март күни Нөкис қаласынан қурылатуғын *Президент мектебиниң* дәслепки тырнақ тасы қаланды («ЕҚ», 8.03.2019).

«Мәкан пуқаралар жыйыны», «аўыл пуқаралар жыйыны» - сөз дизбеги бурынғы аўқам дәўириндеги «*домком, аўыллық кеңес, поселкалық кеңес*» сөзлериниң орнына, сол түсиниклерди аңлатыў ушын жумсалады. Мысалы: «*Пуқаралар жыйыны* баслығын (Ақсақалын) сайлаў ҳаққында»ғы Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңеси Президиумының қарары («ЕҚ», 28.02.2019); Өзбекстан фермер, дийқан хожалықлары ҳәм қыйтақ жер ийелери кеңеси ҳәм *пуқаралардың өзин-өзи басқарыў уйымларының* жумысын муўапықластырыў бойынша Республикалық кеңесиниң дийқанларға ҳәм қыйтақ жер ийелерине мүрәжаты («ЕҚ», 05.03.2019); Тақыятас районының «Сарайкөл» *аўыл пуқаралар жыйыны* аймағында Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңесиниң Баслығы М.Ерниязовтың пуқараларды көшпели қабыллаўы болды («ЕҚ», 28.03.2019).

Мүрәжат – мәмлекет басшысы, мәмлекетлик шөлкем ҳәм кәрхана баслықлары ямаса мәмлекетлик уйымлардың халыққа қарата билдириў жасаўы, үндеў, шақырық. Мысалы: Өзбекстан Мәмлекетиниң Президенти Шавкат Мирзиёевтың Олий Мажлиске ҳәм сол арқалы пүткил халқымызға, ғалаба хабар қураллары арқалы халықаралық жәмийетшиликке жеткерилген *Мүрәжатында* 2020-жыл ҳәм келеси 5 жыллыққа уллы режелер, мәмлекетимиздиң ишки ҳәм сыртқы сиясатының тийкарғы бағдарлары жәрия етилди («ЕҚ», 04.02.2020).

Мәнаўият – сөзи де тилимизге араб тилинен өзлескен сөзлердиң бири. Бул сөз ғәрезсизликке шекем қарақалпақ тили лексикасында қолланылмайтуғын еди. Ғәрезсизлик жылларында араб тилинен өзбек тили арқалы тилимизге өзлести. Бул сөздиң қарақалпақ тилинде *руўхыйлық* синоними кең қолланылады. *Мәнаўият* сөзи ғәрезсизлик дәўиринде қарақалпақ лексикасында бир неше мәрте өз мәнисиниң тарайыўына ҳәм кеңейиўине ушырады: *Мәнаўият ҳәм ағартыўшылық орайы*. Ал, ҳәзирги ўақытта мәмлекетлик ҳәм жәмийетлик бирлеспелерде *руўхыйлық* сөзи қолланылады, ал *мәнаўият* сөзи публицистикалық материалларда әдебиятларда *руўхыйлық* сөзине синоним (синонимлик қатар) сыпатында жумсалады. Мысалы: *Мәнаўият* ҳәм әдебиятқа итибардың және бир көриниси («ЕҚ». 3.08.2010. №42). Жоқары *мәнаўият*-жеңилмес күш (И.Кәримов).

Мәрипат – бул сөз қарақалпақ тилинде ағартыўшылық, билимлендириў сөзлери менен мәнилес түсиникти аңлатады. Қарақалпақ әдебиятының классиги Бердақ бабамыз өзиниң «Излер едим» қосығында «Мен мәғрыйпат излер едим» деп жазған. Бул сөз «2020-жылдың Илим, мәрипат ҳәм санлы экономика жылы» атамасында да қолланылады. Соңғы ўақытлары қолланыўы жийилести.

Кәмбағал – сөзи жарлы, гедей сөзлерине синоним ретинде жумсалады. Бул сөз бурынғы аўқам дәўиринде, сондай-ақ, ғәрезсизлик жылларында да өткен заманларға байланыслы «*кәмбағаллар*» социаллық қатламын аңлатып келген болса, 2020-жылы январь айында Президентимиздиң халыққа мүрәжатында мәмлекетимизде кәмбағалшылықта жасайтуғын социаллық қатламның бар екенлигин, олар саны жағынан 4-4,5 миллионға шамалас адамды қурайтуғынын, олар халықтың улыўма санының 10-15 пайызы екенлигин ашық-айдын айтқаннан кейин бул сөздиң қолланылыў белсендилиги артты. Өзбекстандағы кем тәмийинленген жарлылықта жасайтуғын қатлам ағзасын аңлататуғын мәниси қәлиплести. Мысалы: Жәҳән банки, Бирлескен Миллетлер Шөлкеминиң Раўажландырыў бағдарламасы ҳәм басқа да халықаралық шөлкемлер менен бирге *Кәмбағаллықты* азайтыў бағдарламасын ислеп шығыўды усыныс етемен («ЕҚ», 28.01.2020); Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2020-жыл 26-март күни ПҚ 5975-санлы Пәрманына тийкар Экономика ҳәм санаат министрлиги орнына Экономиканы раўажланыўдырыў ҳәм *кәмбағаллықты* қысқартыў министрлиги етип қайта шөлкемлестирилди. Демек, сөзлер өзлерине жаңа функционаллық мәнилерди жүклесе, оларда таза мәни келип шығады, олар тиккелей жаңа мәни қабыл етиўи, жаңа мәни қосымталардың қосылыўы арқалы қабыл етилиўи, турақлы сөз дизбеклериниң қурамында келип те жаңа мәни қабыл етиўи мүмкин.

Парсы тилинен аўысқан сөзлер де улыўма алғанда, аўызеки ҳәм жазба түрде тилимиздиң сөзлик қурамынан орын алған. Олардың қарақалпақ тилине аўысыўы тиккелей ҳәм қоңсы халықлардың тиллери, мәселен, өзбек, тили арқалы көбирек иске асқан. Бунда әлбетте, парсы ҳәм ески өзбек әдебий тиллериниң үлеси бар. Қарақалпақ классикалық әдебиятында сол дәўирдеги жазба әдебий тиллердиң тәсириниң болыўы көркем сөз шеберлери тәрепинен өз шығармалары арқалы парсы тилинен тилимиздиң сөзлик қурамына гейпара лексикалық бирликлердиң алып келиўине себепши болды. Олардың басым көпшилигиниң тилимизге ерте ўақытлардан баслап-ақ аўысыўы ҳәм күнделикли турмыста жийи қолланыўы бундай сөзлерди де сөзлик қор бирликлери дәрежесине көтерди.

Ғәрезсизлик дәўиринде миллий қәдириятлардың қайта тиклениўи диний исеним еркинлигине байланыслы бурынғы аўқам дәўиринде ескиликтиң қалдығы сыпатында баҳаланып киятырған диний түсиниклердиң атамалары ғалаба хабар қуралларында жийи қолланылатуғын болды. *Өзбекстан Мусылманлары басқармасы, Қарақалпақстан мусылманлары қазыяты, қазы, қазы орынбасары, Қарақалпақстан мусылманлары қазыятына қараслы районлық имам хатиблери, имам найыбы, Өзбекстан халықаралық Ислам академиясы, Өзбекстан халықаралық Ислам академиясы Қарақалпақстан бөлими, Нөкис Мухаммед Ибн-Ахмад ал-Беруний орта арнаўлы ислам билим журты, ҳажы зияраты, ҳажы, умра зияраты, рамазан, қурбан ҳайт байрамы ҳ.т.б. сөзлер пайда болды. Мысалы: Өзбекстан Мусылманлары басқармасының* 2019-жыл 5-июль Рамазан ҳайыты байрамы сыпатында кеңнен белгилениўин тәмийинлесин («ЕҚ», 01.06.2019); Соңғы жыллары *Қарақалпақстан Мусылманлары қазыяты қазысы* Шамсуддин Баҳаўатдинов тәрепинен уллы уламалардың усындай бийбаҳа мийнетлери оқыўшыларға усынылмақта («ЕҚ», 01.06.2019); Нөкис районындағы «Камал ахун» жәмәәтлик

мешити *имам-хатиби* З.Мнажатдиновтың Ислам тәлийматы қарақалпақ тилинде атлы мақаласы баспадан шықты («ЕҚ», 01.06.2019); «Мүбәрек Рамазан айын мүнәсип өткериў ҳаққында»ғы Президент қарары қабыл етилди.

Сәркарда – сөзи бүгинги күнде әскерий лаўазым болып табылады. Мысалы: Өзбекстан Республикасы Президенти, Қуралды Күшлер Жоқарғы Бас *Сәркардасы* Шавкат Мирзиёев ўатан қорғаўшылары байрамы алдынан 10-январь күни Қуралды Күшлер академиясына барды («ЕҚ», 14.01.2020). Бул сөздиң мәниси кеңейгенин көрсетеди.

Солай етип, ғәрезсизлик дәўири қарақалпақ тили жәмийетлик-сиясий лексикасында ушырасатуғын араб-парсы тиллерине тән сөзлер бүгинги күнде тилимизге өз сөзимиздей сиңисип кеткен олардың айырымларына қарақалпақ тилиндеги аффикслердиң қосылыўы арқалы да жаңа сөзлер жасалады.

Соңғы ўақытларда жәмийетлик-сиясий түсиниклерди атамалары сыпатында өзбек тилинен өзлескен сөзлер жийи қолланылмақта. Мысалы, *Олий Мажлис, Миллий тикланиш демократиялық партиясы, «Олий даражали дўстлик», ордени, Мәҳәлле ҳәм шаңарақты қоллап-қуўатлаў министрлиги, «Эл-юрт умиди» фонды, мәнаўий тәрбия, нураний қоры, Олий Мажлиси Сенати Кенгаши, «Шуҳрат» медалы, Мард уғлон, «Ózbekiston tarixi»* телеканалы. Мысалы: 2019-жыл 15-февраль күни Өзбекстан Республикасы *Олий Мажлиси* Сенаты Кенгашиниң мәжилиси болып өтти («ЕҚ», 19.02.2019); *«Эл-юрт умиди» фондының* гезектеги стипендиялар таңлаўы ушын ҳүжжетлер 2019-жылдың 20-февралнан 20-март сәесине шекем қабыл етилетуғынлығын дағазалаймыз («ЕҚ», 19.03.2019); Жаслардың *мәнаўий тәрбиясын* жоқарылатыў, олардың бос ўақтын мазмунлы шөлкемлестириў бойынша әхмийетли ўазыйпалар белгилеп берилди («ЕҚ», 22.03.2019); Өзбекстан ветеранларының жәмийетлик хызметин қоллап-қуўатлаўшы *«Нураний»* қоры Қарақалапқстан бөлиминиң Қәўендерлик кеңесиниң өткен жылдың жуўмақларына бағышланған мәжилис болып өтти («ЕҚ», 22.03.2019); Өзбекстан Республикасы *Олий Мажлиси Сенаты* Кенгашиниң мәжилиси ҳаққында мәлимлеме («ЕҚ», 30.04.2019); *«Мард ўғлон»* мәмлекетлик сыйлығы менен сыйлықлаў ҳаққында Өзбекстан Республикасы Президентиниң Қарары («ЕҚ», 2.07.2019); Өзбекстан Мәмлекетиниң Президенти Шавкат Мирзиёевтың *Олий Мажлиске* ҳәм ол арқалы пүткил халқымызға, ғалаба хабар қураллары арқалы халықаралық жәмийетшиликке жеткерилген Мүрәжатында 2020-жыл ҳәм келеси 5 жыллыққа уллы режелер, мәмлекетимиздиң ишки ҳәм сыртқы сиясатының тийкарғы бағдарлдары жәрия етилди («ЕҚ», 4.02.2020); «*Олий даражали дўстлик*» орденин шөлкемлестириў ҳаққында Өзбекстан Республикасының Нызамы («ЕҚ», 14.03.2020); «*Шарқ тароналари*» халықаралық музыка фестивалын өткериўге таярлық көриў илажлары ҳаққында Өзбекстан Республикасы Президентиниң Қарары («ЕҚ», 28.02.2019); Көп тармақлы «*Ҳумо Арена*» муз сарайы дүньяға белгили оннан зыят сырт ел фирмалары ҳәм компаниялары менен биргеликте қурылғанлығын атап өтиў керек («ЕҚ», 19.03.2019); АКБ *«Қишлоққурилишбанк»* Сизиң бизнес-идеяңызды әмелге асырыўға көмеклесиў мақсетинде халықаралық финанс институтлары ҳәм сырт елли абырайлы банклер кредит дийяларын усыныс етеди («ЕҚ», 28.03.2019).

Өзбек тилинен өзлестирилген сөзлерди қолланыўда айырым қәте-кемшиликлер де ушырасады. Қарақалпақ тилинде сыңары бола турып өзбек тилинен өзлестирилген сөзлер қолланылады. Мысалы: Миллий тикланиш демократиялық партиясы - Миллий тиклениў демократиялық партиясы, «Адолат» социал-демократиялық партиясы - «Әдалат» социал-демократиялық партиясы, Олий Мажлис Сенатиниң Кенгаши – Олий Мажлис Сенатының Кеңеси, томарқа - қыйтақ жер.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Бегматов Э. Арабча ўзлашма сўзлар қатлами. –Тошкент.: «ФАН», 1981. –Б. 30.
2. Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. I том. Нөкис.: «Қарақалпақстан», 1982, 1984, 1986, 1992.
4. Алишер Навойи асарлари тилининг изоҳли луғати. Т. I. –Тошкент, «Фан», 1983.
5. Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. -1989.
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-жилд. –Тошкент, 2001. -Б.363.

Араб – парси тилидан ўзлаштирилган сўзлар

Нажимов А.Ш. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти

Резюме. Мақалада араб ва форси тилидан алмашган сўзлар, оғзаки ва ёзма турда тилимизнинг сўзлик таркибидан ўрин олган сўзлар ҳақида сўз юритилади. Уларнинг қорақалпоқ тилига алмашиши тўғридан-тўғри ва қўшни халқларнинг тиллари, масалан, ўзбек, тили орқали кўпроқ амалга ошганлиги тахлиллар натижасида аниқланган. Бунда, албатта, форси ва эски ўзбек адабий тилларининг улуши кўп эканлиги исботланган.

Таяниш сўзлар: ижтимоий лексика, сиёсий лексика, ёзма ёдгорликлар, терминология, тилнинг ривожланиш тарихи.

Заимствованные слова из арабско-персидских языков

Нажимов А.Ш. Каракалпакский научно-исследовательский институт гуманитарных наук Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан

Резюме. В статье рассматриваются слова, которые заимствованы из арабского и персидского языков. Анализ показал, что их их переход на каракалпакский язык был более прямым и происходил через языки соседних народов, например, узбекский. Отмечено, что персидский и древне узбекский языки имеют большую долю в каракалпакском литературном языке.

Ключевые слова: социальная лексика, политическая лексика, письменные памятники, терминология, история развития языка

Borrowed words from the Arabic-Persian languages

NajimovA.Sh.. Karakalpak Research Institute of Humanitarian Sciences of the Karakalpak Branch of Academy of Sciences of Republic of Uzbekistan

Summary. The article examines the words that are exchanged between the Arabic and Persian languages, and also the words that are included in the vocabulary of our language in oral and written form. The analysis showed that their exchange for the Karakalpak language was more direct and took place through the languages of neighboring peoples, for example, Uzbek. Of course, Persian and Old Uzbek languages have a large share of literary languages.

Key words: social vocabulary, political vocabulary, written records, terminology, history of language development

---

ТИЛЛАРДА ИРРЕАЛ ЛЕКСИКА ҚЎЛЛАНИЛИШИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ниязова А. А.
Қорақалпоқ давлат университети,

Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг ҳукмронлиги тил бирликлари, унсурлари, категориялари ва бошқа базавий тушунча ва тамойилларига бўлган азалий қарашларни қайта кўриб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. Шу нуқтаи назардан мифологиянинг тилдаги излари ва тилнинг маданиятдаги излари, худди шу йўсинда мифологемаларнинг маданиятдаги излари масаласига бўлган қизиқишнинг уйғонишига туртки бўлди. Аввалари мифлар, яъни афсона, ривоят ва шу кабилар адабиётнинг бир жанр кўриниши сифатида адабиётшуносликда тадқиқ қилинган бўлса, эндиликда тилшунослар афсоналарга халқ маданиятининг инъикос этувчи нутқ маҳсулотлари сифатида қарай бошладилар. [1,78-79].

Мазкур мақолада афсона жанрининг таркибий қисми бўлган ирреал лексиканинг семантикаси, функционал жиҳатлари лингвокультурологик хусусиятлари ва уларнинг шу тилда сўзлашувчи халқ томонидан дунёнинг лисоний тасвирини яратишдаги роли ва ўрни масаласини муҳокама қилиш хақида гап боради.

Тил – бу кишилар ўртасидаги алоқа воситасит бўлиб, инсонларнинг нутқий алоқаси жараёнида уларнинг алоқа фаолиятини белгили усуллар ёрдамида бирлаштиради ва бунда коммуникатив ҳаракатларнинг мослашиши тил системаси ресурслари асосида амалга ошади. Тил нафақат аниқланган нарса ҳақидаги фикрни бермасдан, балки янги аниқланаётган ҳодиса, жараён, предмет ва бошқа фикрларнинг шаклланишида иштирок этади. Тилнинг бу хусусияти инсоннинг билиш фаолиятида акс этади, яъни фикрлашда, динамик шаклланишда ва фикрларнинг тўғри келишидадир. Тил ҳар бир инсон фикрлашининг асоси бўлиб ҳисобланади ва “у ҳаттоки абстракциянинг энг юқори даражасига етган бўлса ҳам доимо вербал шаклларга ўтиб боради” [2,15].

Таржимашуносликда реалиялар асосида нафақат манбалар ҳодисалар ва нарсалар, балки уларнинг номлари ҳам тушинилади. Реалияларни акс эттирувчи тушунчалар миллий характерга эга ва эквивалентсиз лексика даражасига тегишли уларни Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаров бошқа маданиятда ва бошқа тилда мавжуд бўлмаган тушунчаларни ифодалашга хизмат қиладиган сўзлар, айрим маданий элементларга таалуфли сўзлар, шунингдек, сўзларнинг ўзлари тегишли бўлган тилда эквивалентга эга бўлмаган сўзлар каби гурухларга ажратдилар.

Ирреал лексика луғатларда денотати (референти) ҳаёлий, дунёда мавжуд бўлмаган объектлар билдирилади. Ирреал лексикага бундан ташқари ялмоғиз, семурғ, дев, алвасти, иблис, шайтон, сув париси, уч бошли аждар ва бошқа шунга ўхшаган сўзлар киритилади. Инглиз тилида ҳам унинг оғзаки ва ёзма нутқ шаклларида ирреал лексика жуда кўп ва самарали ишлатилади. Уларга одатда devil, hell, paradise, Prometheus , Oedipus, Lucifer ва кўплаб бошқалар киритилади. Бас, шундай экан, биз икки оғиз ирреал лексиканинг кони, макони бўлмиш-афсона жанри хақида гапириб ўтсак. Афсона- халқ оғзаки ижоди жанри бўлиб у ҳаёлот, уйдирма ва тўқимадан иборат бўлса-да, сўзловчи ва тингловчи томонидан хақиқатдек қабул қилинади, тасаввур этилади ва ҳатто бўлиб ўтган даври, макони ҳам кўрсатилади. Афсоналар оғиздан-оғизга, элдан-элга ўтиб келган ифода усули баён тарзида бўлган. [3,109]. Афсона оғзаки ҳикоят бўлиб, у ҳаёлий образ ёки тасаввур асосига қурилади, ҳикоя қилувчилар ва тингловчилар томонидан қачонлардир шундай бўлгандек қабул қилинади. Ривоятдан фарқли ўлароқ афсона заминида албатта мўъжиза, сеҳр-жоду бўлади. Афсоналар Олам-Ер, Қуёш ва бошқа сайёраларнинг юзага келиши хақида, топонимик (Қоф тоғи), (Қўҳи-Қоф) дарё, денгиз, шаҳар,қалъа, қишлоқ, тепалик, (эрам боғи Биҳишт, Жаннат, пулсирот, қил кўприк ва ҳк.), элатларнинг келиб чиқиш, хайвонот дунёси (масалан шер, семурғ, анҳо, аждар, шайтон.)га оид тарихий шахслар (масалан, Тумарис, Широқ, Иван Сусанин, Қирол Артур, Мерлин ва бошқалар.), диний (масалан, Нуҳ пайғамбар, Абу Муслим Жангномаси, Афросиёб, исо Масиҳ, пайғамбар Лут ва бошқалар) ва бошқа турли туман мавзуларда бўлади. [4,63].

Афсоналар ҳам кичик, баён қилиниши содда, бадиий тасвир воситаларидан деярли холи бўлади,тузилишига кўра эртак, нақл, ривоятларга ўхшаб кетади. Афсоналар ёзма адабиётнинг, айниқса, бадиий, фалсафий, динга, тарихга, ахлоққа оид асарларнинг мавзуи, муайян қисми тарзида ғоявий-эстетик вазифани бажарган. Масалан, “ Қутадғу билиг”, “Девону луғотит турк”, А.Навоийнинг “Хамса”, Дантенинг “Илоҳий комедия”, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема”, Эркин Воҳидовнинг “Руҳлар исени”, Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” асарларида афсоналар ва улардаги ирреал лексика асарнинг бадиий-эстетик ва таъсир кучини оширишга, инсон руҳиятини янада чуқур ва тўлақонли тасвирлашга хизмат қилган.

Ирреал лексика қўлланиладиган яна бир жанр масал бўлиб у дидактик адабиёт жанри хисобланади. Таълимий характердаги, аксарият кичик шеърий, баъзан насрий шаклдаги асар-масалда инсонга хос хусусиятлар, жамиятга хос ижтимоий ҳодисалар, муносабатлар қушлар ва ҳайвонлар ўртасидаги муносабатлар ва табиат ходисалари воситасида акс эттирилади. Мазмуни мажоз асосига қурилади, комилликнинг ва

киноянинг, ижтимоий танқид мотивининг устунлиги масалда ҳажвий руҳ бағишлайди. Масалнинг ҳикоя қисми ҳайвонлар хақидаги эртаклар, новелла ёки латифаларга яқин бўлиб, хотимаси, таълимий хулосаси мақол, ҳикматли сўз ва иборалар тарзида бўлади. Масал материаллари аксарият эртак, мажоз, новелла, латифа ва бошқаларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Рамзли ҳикоядан фарқли ўлароқ масалнинг ўз анъанавий образлар ва мотивлар доираси мавжуд бўлади. Худди мана шу анъанавий образлар қаторида ирреал лексикага тегишли сўз ва иборалар фаол иштирок этади. Ҳайвонлар, ўсимликлар, қушлар, муайян тизимдаги одамлар қатори жонлантирилган нарсалар, шахслаштирилган хайвонлар ва ҳоказолар ёрдами сўзловчи айтмоқчи бўлган фикрини тингловчига етказади. [5,131]. Масал жанри жуда қадимий жанрлардан бўлиб Қадимги Ҳиндистонда Камила ва Димна. (Панчататра 3-аср) Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий асарларида тимсол учун ишлатилган. Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари, Қадимги Юнон адабиётида Эзоп (мил. аввал. 6-5 аср), Рим адабиётида Федр (мил.авв.1-аср), Француз адабиётида Лафонтен (17-аср), Испан адабиётида Лопе-де-Вега (17-аср), рус адабиётида И.Крылов, Ўзбек адабиётида Миразиз Аъзам, С.Абдуқаххор, О.Қўчқорбеков, Я.Қурбонов ва бошқалар масал жанрини ривожлантирдилар [8, 498]. Ирреал лексика кенг қўлланиладиган яна бир жанр бу фантастик эртаклар бўлади. У ерда ирреал лексика қаҳрамонлари тўқима ва уйдирмага асосланган сеҳрли саргузашт ва маиший характердаги эпик бадиий асарда ҳикоя қилувчининг коммуникатив мақсади ва ниятига кўра турли образларни гавдалантиришда фаол иштирок этади [6, 47]. Ирреал лексикани билдирувчи сўзлар бу жанрда ҳаёт хақиқатини хаёлий ва хаётий уйдирмалар асосида тасвирланганлиги, тилсим ва сеҳр воситаларига асосланиши, воқеа ва ҳаракатларнинг ажойиб, ғаройиб ҳолатларда кечиши, қаҳрамонларнинг ғайри табиий жасорати билан фольклорнинг бошқа жанрлардан фарқ қилинишини таъминлайди [7, 210]. Бу ердаги уйдирма муҳим мезон бўлиб, сюжет воқеаларининг асосини ташкил этади, сюжет чизиғидаги динамик ҳаракатларнинг конфликт ечимини таъминлайди. Ирреал лексиканинг ёрдамида воқеа ва ҳодисаларни ҳаётда бўлиши мумкин бўлмаган ёки мавжуд бўлган ҳодисалар тарзида тасвирлашда иштирок этади.

Маиший эртак деб аталган жанр ҳам ўз қаҳрамонларига эга. Лекин булар аввалгидан бироз фарқ қилади, масалан, Тоҳир ва Зуҳра, Ойгул билан Бахтиёр, Фарҳод ва Ширин, Квазимодо, Оловиддин, Қоработир, Девбачча кабиларни биз ирреал деб аташимиз жуда ҳам тўғри бўлмаслиги мумкин. Ахир дунёда бунақа одамлар бор-ку, дейиш мумкин. Аммо гап бунақа номли одамларнинг бўлган-бўлмаганлигида эмас, гап айнан шу Тоҳир, шу Зуҳра, шу Фарҳод, Ширин кабиларнинг бўлмаганлигида, референтларнинг йўқлиги, бу уйдирма, одамлар, халқ, турли муаллифлар томонидан яратилганлигидадир. Масалан, Малика Будурни олсак, балки қайсидир бир хонлик, амирлик ёки қиролликда Будур номли малика бўлгандир, лекин ўша малика ўша Аловиддин билган Будур эмас, хамма гап шунда. Демак Будур ирреал қаҳрамон. Ёки бўлмаса инглизлардаги Робин Гуд, реал прототипга эга бўлмаган қаҳрамон, қачон, қаерда туғилганлиги номаълум, чунки унинг туғилиши ва ўлими ҳеч бир черковда қайд этилмаган, холбуки Англияда VII-VIII асрлардан бери барча черковлар ўзининг қарамоғида ҳудудлар фуқаролиги орасида бўлган туғилиш, никоҳ ва ўлимни мунтазам қайд этиб келганлар. Черков ёзувларида Робин Гуднинг номи йўқ экан, демак у тарихда яшамаган шахс, демак нореал, инглиз халқи томонидан ўйлаб топилган, жамоа орзу-ўйларини амалга ошириш учун яратилган ҳаёлий ясама, уйдирма қаҳрамон.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкин-ки: Ирреал лексика барча халқлар тилларида муҳим роль ўйнайди. Масалан Герман мифологиясида Один, Асгард, Вальхалла, Эсир, Балдер, Браги, Фрейя, Игдрасил, Нидогр, Нифлхайм, Сигурд, Зигфрид, Хаддинг, Брунгильда, Эдда, Эльф, Фрей, Локи, Сага, Скальд, Тор. Туркий тилларда: Ялмоғиз, Аямажуз, Широқ, Дев, Иблис, Шайтон, Алпомиш, Баргин, Ёсумон кампир, Аждаҳо ва ҳоказолар нафақат мифологияда балки ҳозирда бошқа жанрга мансуб ёзма ва оғзаки ижод намуналарида ҳам қўллаб келинмоқда. 2. Ирреал лексиканинг реал лексикадан шарқи шуки улар ўз денотатига (ёки референтига) эга эмас. Улар сўзловчи ёки ёзувчининг халқ хотирасида яратилган уйдирма, ўйлаб чиқилган ва туркий халқларнинг барчасининг хотира, тафаккурида кенг ўрин эгаллаган сўзлар сирасига киради. 3. Тиллардаги ирреал лексиканинг структуравий-семантик, функционал ва лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш ўша тиллардаги мифология, мифологемалар ва лингвокультуремаларнинг илмий-назарий масалаларни чуқур таҳлил қилиш лингвокультурологиянинг кўп масалаларига ечим топиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Маслова В.А. Лингвокультурология. –М.; 2008. , 320с.
2. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. Изд. 3-е. –М., 1983.
3. Денисова М.А. О некоторых принципах лексикографического описания без эквивалентных и фоновых слов. // Проблемы учебной лексикографии, -М.РЯ, 1978, сс.107-111.
4. Сафаров Ш.С. Семантика, –Тошкент, “Фан”, 2013.
5. Юлдашев А.Г. Идиоматичность узбекской картины мира- В сб: Вопросы когнитивной лингвистики, –Москва, 2020, №.
6. Расулова М.И. Основы лексической категоризаций в лингвистике. –Ташкент, “Фан”, 2013.
7. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. –М. «Прогресс», 1984.
8. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси – ЎзМЭ, давлат илмий нашриёти, –Тошкент, 2000.

Тиллерде ирреал лексика жаратылыўының лингвокультурологиялық негизлери.

Ниязова А.А. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Мақала тиллердеги ирреал лексика жаратылыўының лингвокультурологиялық негизлерин үйрениў менен өзгешеленеди. Сондай ак, мақалада тиллердеги ирреал лексиканың структуралық- семантикалық, функционал ҳәм лингвлкультурологиялық қәсийетлери илимий әдебиятлар ҳәм дереклер тийкарында анализленген.

Таяныш сөзлер: ирреал лексика, әпсана, аңыз, ертек, реал емес, үйдирме, референт, мифлер, мифология.

Тилларда ирреал лексика яратилишининг лингвокультурологик асослари.
Ниязова А.А. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақола тилларда ирреал сўзлар қўлланилишининг лингвокультурологик асосларини ўрганиш билан ажралиб туради. Шунингдек, мақолада тиллардаги ирреал лексиканинг сртуктуравий-семантик, функционал ва лингвокультурологик хусусиятлари илмий адабиётлар ва илмий манбалар асосида ўрганилган.

Таянч сўзлар: ирреал лексика, афсона, масал, эртак, нореал, уйдирма, референт, мифлар, мифология.

Лингвокультурологические основы функционирования нереальной лексики в языках
Ниязова А.А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье предпринята попытка исследования лингвокультурологических основ функционирования нереальной лексики в языках. В статье также исследуются структурно-семантические, функциональные и лингвокультурологические особенности нереальной лексики в языках на основе научной литературы и научных источников.

Ключевые слова:ирреальная лексика, легенда, басня, сказка, нереальность, вымысел, референт, мифы, мифология

Linguoculturological bases of the functional aspect of unreal lexics in languages
Niyazova A.A. Karakalpak State University

Summary. The article is distinguished by the study of the linguoculturological bases of functioningof unreal lexicsin languages.In the article the structural-semantic, functional and linguoculturological features of unreal lexics in languages on the basis of scientific literature and scientific sources are also investigated.

Key words: unreal lexics, legend, fable, fairy tale, unreality, fiction, referent, myths, mythology

---

ЖУРНАЛИСТИКАДА ДИАЛОГИК ЖАНРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Қулмурадова О.
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Журналистлар ёрқин, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, долзарб мавзудаги ижодий асарларни яратиши учун жамиятнинг реал фаолиятида иштирок этиши, аҳолининг у ёки бу қисмига етиб бориб, одамларнинг онги ва руҳига ижобий ёки салбий таъсир кўрсата олиши жоиз. Шундагина қалам аҳли жамоатчилик аҳамиятига молик “маданий факт”га айлана олади [1,18]. Шунинг учун оммавий коммуникация жараёнини, оммавий ахборот воситаларини яратувчилар ва уларнинг аудиторияси ўртасидаги чексиз мулоқот сифатида кўриш мумкин.

Л.Н.Коган аниқ таърифлаганидек диалог – луғатларда талқин қилинганидек нафақат савол-жавоб шакли ёки маълумотни ўзлаштириш учун муаллиф усули, балки маданиятнинг ижтимоий ҳақиқати ҳамдир [1,18], тор маънога мурожаат қилсак – бу журналистика функцияларини амалга ошириш усулидир. М.М. Бахтин диалог нафақат турли ижтимоий субектлар ўртасида, балки ҳар бир ижтимоий субъект ичида, жумладан ҳар бир инсон онгида ҳам рўй бериши мумкинлигини аниқ кўрсатиб берди [1,18]. У ижоднинг барча турларини “ҳаракат” деб билган. Бу ҳаракат “нафақат ўзи учун, балки бошқалар учун ҳам жавобгардир” [1,19]. XX асрнинг таниқли мутафаккири мутлақо характерсиз, ҳатто моно-мафкуравий ижтимоий ривожланиш тизими учун ғайритабиий ҳодиса сифатида диалогизмнинг энг қисқа формуласини қуйидагича изоҳлайди: “Бу одамни ўзимни ҳам беш қўлдай билишимга қарамай муносабатларимиз ҳақиқатига, иккимиз иштирок этаётган ягона ходиса хақиқати, мулоқотимизнинг асл моҳиятига етишим керак” [1, 19].

Диалог – жамиятда ахборот алмашинуви, оммавий алоқа тизимининг бардавомлигини таъминловчи муҳим атрибутдир. Айнан мулоқотда журналист ёки умуман ОАВнинг позицияси, қарашлари, ҳис-туйғулари, муносабатлари энг маъқул, ўзига хос шаклда намоён бўлади. Аудитория билан алоқа бузилишининг сабаби эса биринчидан, журналистнинг аниқ бир томошабин, радио тингловчи ёки бутун гуруҳнинг дунёқараши, семантик, эстетик ва бошқа позицияларининг мос келмаслиги, иккинчидан, оммавий коммуникация фаолиятининг “вазият фони” деган атамага мутлақо бошқача баҳо берилгани билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Эътибор берилса, замонавий журналистиканинг турли қатламларида турли хил диалог муҳити юзага келганини пайқаш қийин эмас: “ОАВнинг бир тури – аудитория билан ҳамжиҳатликда мулоҳаза юритса, иккинчиси – унинг онгини бошқаришга уринаяпти, учинчиси – бир вақтда ҳам информация ҳам дезинформация тарқатяпти, тўртинчиси – кўнгил очиш функциясини бажаряпти, бешинчиси – жамиятда ўзгармас инстинктарларни уйғотишга хизмат қилаяпти” [2, 119-120].

Журналистиканинг табиий ривожланишида фикрлар хилма-хиллиги зарурий шарт эканлиги ҳақида гапирар эканмиз, унутмаслик зарурки, демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари ва тингловчилар ўртасидаги муносабатлар тамойили сифатида диалогизмнинг асосий хусусиятларидан бири бу – селективлик яъни танлов эркинлигидир. Табиийки, ахборот истеъмолчиси унга мурожаат қилинган газета, журнал, электрон медиа каналида “ўз” журналистларини, баъзи алоҳида асарларни топишга ҳаракат қилади. Журналист ўз аудиторияси билан ҳамжиҳатликда фикрлар, у газетада эълон қилаётган мақолалари, телевидениеда узатилаётган кўрсатуви кенг жамоатчилик қатлами томонидан қандай қабул қилинаётганини таҳлил қилиб ўрганиб борар экан, ўша таҳририятда ахборот сиёсати тўғри йўлга қўйилган, оммавий коммуникация стратегияси ишлаб чиқилганига амин бўлиш мумкин [3, 24]. Ахир ОАВнинг йўналиши, воқеа-ҳодисаларга муносабати, уларни ёритиш услуби, журналистларнинг муаммога ёндошуви таҳлил, талқини аудитория психологиясига жиддий таъсир кўрсатади.

Бу ўринда журналистнинг вазифаси бу нафақат ўз муаллифлик материалларини тарқатиш, балки аудиторияда ўзининг фаол фуқаролик позициясига эга юқори баҳоланган ахборот маданиятини шакллаштиришдир. Чунки ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ахборот товар, яъни буюм тусини олмоқда. Буюм бозорда ўз харидорини топган тақдирдагина у бозордаги рақобатга бардош бера олади, акс ҳолда касодга учраши, синиши яъни банкрот бўлиши муқаррар. Телекўрсатув, радиоэшитттириш бўладими, газета ёки журнал бўладими – буларнинг олдида энг катта муаммо битта: айтилаётган сўзга харидор бор ёки йўқлиги. Бу масала ечимини топмадими, демак, таҳририят ёки нашрнинг иқтисодий асоси заиф, у узоққа бормайди. Зўраки тарғиботлар, ҳатто мажбурий обуна қилиш усуллари ҳам эндиликда иш бермайди [4, 58]. Бундай ҳолатдан чиқишнинг ягона чораси ... "Ҳар кишига сўз айтур бўлсанг қарағил, ул сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса, ул сўзни қўйиб, шундоқ сўз деғилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин" [5, 41].

Журналистлар ва аудитория ўртасидаги алоқа усулларини ўрганиш бугун ўзбек жамоатчилиги ўртасида фаол сиёсий, маданиятлараро ва динлараро мулоқот кечаётган ҳозирги шароитда жуда ҳам муҳимдир. XXI асрда мулоқотнинг энг оптимал кўриниши сифатида интерактивликни кучайгани журналистика жанрлар тизимига ҳам таъсир қилди. Илгари медиадаги диалог фақат интервьюда кўринган бўлса, энди диалогик жанрлар тизими пайдо бўлди ҳамки, бу тизимни ўрганиш зарур. Боиси айнан диалогик жанрлар гуруҳи Ўзбекистон журналистикасини демократлаштиришда фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Диалогик жанрлар гуруҳининг пайдо бўлиши XX асрнинг 80-90 йилларига тўғри келади. Айнан шу йиллар масс-медиа ўз аудиторияси билан фаол алоқа усулларини йўлга қўя бошлади. Ошкоралик, очиқлик принципи кучайиб, жамиятнинг турли қатламларида маданиятлар, динлараро, шахслараро муносабатларда коммуникатив мулоқотнинг кенгайиши кузатилди. Шунингдек, Собиқ иттифоқ таркибидаги Республикалар бошқарувнинг тоталитар тузум моделидан бутунлай воз кечиб, очиқ демократик, фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан боришни танлади. Бу эса нафақат публицистик матн стуктурасини ўзгаришига балки фикр ва услуб жиҳатдан эркин журналистикани кириб келишига, мавзу ва жанрлар кўламининг кенгайишига туртки бўлди [6, 240].

Ҳаммага маълумки, СССРнинг идеологик қуроли бу коммунистик партия эди. Ягона мафкура тарғибот ва ташвиқот учун хизмат қилган жанрлар орқали (мақола, портрет очерки) жамоатчиликка коммунистик меҳнаткашлар қатлами ҳақидаги мақолаларни бериш билан чекланарди. Бу эса хусусан, журналистикада фақат монологик жанрлар тизимини шакллантиришга хизмат қилди. Давлатнинг етакчи ижтимоий-сиёсий нашрлари мафкуравий буйруқларга бўйсуниб, партия қарорларни сўзсиз адо этарди. XX асрнинг 90-йилларига келиб ягона мафкура плюрализм ғояларига алмашди. СССР таркибидаги барча Республикаларнинг бош қонуни Конституциясида цензура бекор қилиниб, ошкоралик, матбуот ва сўз эркинлигига рухсат берилди.

Шу боис, журналистикадаги жанрлар тизимида монологик жанрлар ўрнига замоннинг долзарб муаммоларини муҳокама қилишга йўналтирилган интервью, суҳбат, сўровнома, "қайноқ қўнғироқлар", дискуссия каби диалогик жанрлар кириб келди [6, 242] . Жанрлар тизимидаги трансформация жараёни журналистлар ижодий фаолиятига ҳам таъсир этмай қолмади. Керакли ахборотни топиб уни тезлик билан нашрга тайёрлаб бериш борасида кучли рақобат муҳити юзага келган бир шароитда журналистлар кўпроқ ахборий жанрларга мурожаат қила бошлади. Теле-радиожурналистлар фаолияти билан қиёслаганда маълумотни оператив етказишда газетачилар анча орқада қолаётган эди. Шу боис, журналистлар томонидан янгиликларни эксклюзив янгилик шаклида ёки шарҳ жанри орқали узатишга ўтилди.

Сўнги йилларда замонавий журналистика ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тобора жонланмоқда. У ўз аудиторияси билан диалог режимида ишлашга ўтди. *Теледастурларни жонли эфир пайти томошабинлар билан студияга тўғридан-тўғли алоқа қилиш имконияти берилди, кун мавзуларини кичик сўровнома орқали мухлислар фикрини ўрганиш усули пайдо бўлди.* "Журналистик матнларда бадиий адабиёт элементларидан фойдаланиш кучайди: аудиторияга сўзни экспрессив, эмоционал бўёқдорлик билан етказиш даражаси ортди, янги ахборот технологияларининг тараққий этгани сайин (хусусан, Интернетнинг пайдо бўлиши) жанрларнинг янада соддалашувига, очерк, фельетон каби ҳажман катта жанрларнинг йўқ бўлиб кетишига, *ахборий ва таҳлилий* жанрларнинг устунлигига йўл очди. Даврий нашрлар ўртасида рақобат кучайиши билан журналистларнинг ахборот узатиш тезлигида қуйидаги хусусиятлар қадрланмоқда: *тезкорлик, эксклюзивлик ва шарҳ.* Шу боис, шарҳ жанри матбуот саҳифаларида алоҳида ўринга эга бўлмоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунга келиб замонавий журналистикада анъанавий таснифлаш усуллари анча эскирди. Бугунги кунда публицистикада журналист матн тайёрлаш жараёнида 4 муҳим компонентни қамраб олишга ҳаракат қилмоқда: *а) содир бўлган воқеа ва муаммодан ўқувчиларни хабардор қилиш; б) вазиятни синчковлик билан тўлиқ англаш в) воқеани фрагментар (қисм-қисм шаклида) ёки бутун тафсилотлари билан муфассал ҳолда тарқатиш; г) аудиторияга эмоционал (ҳиссий) таъсир ўтказиш* [7, 153-154]. Демак, ҳозирда журналистлар содир бўлаётган воқеалар силсиласидан аудиторияни нафақат хабардор қилишга, балки ўқувчини газетанинг садоқатли муштарийсига ёки телеканалнинг мунтазам кузатувчисига айлантиришга ҳаракат қилишмоқда.

М.М.Бахтин жанрларнинг ўзаро таъсири ҳақида гапирар экан, баъзи жанрларнинг бошқаларига таъсир қилиш хусусиятига алоҳида урғу беради: "Янги жанр ҳеч қачон мавжуд жанрларни бекор қилмайди ва улар билан ўрин алмашмайди. Ҳар қандай янги жанр эскиларини тўлдиради, мавжуд жанрлар доирасини кенгайтиради. Ахир ҳар бир жанр ўзининг ажралмас қисми бўлган ўзига хос соҳага эга. Аммо шу билан бирга ҳар бир янги жанр бир марта пайдо бўлиб, эскиларининг барча турларига таъсир қилади. Янги жанр эски жанрларнинг имкониятлари ва чегараларини яхшироқ билишга ундайди". [8, 270] М.Бахтиннинг мулоҳазасидан

келиб чиқиб айтиш мумкинки, янги жанрларнинг пайдо бўлиши эски жанрлар ўртасидаги алоқаларга ҳам таъсир қилади. Рус тадқиқотчиси Семён Моис Гуревич журналистикада “жанр” тушунчасини воқеликни тасвирлаш тури, композицияси, услуб, мазмунли-тематик хусусиятларнинг барқарор ўзига хос хусусияти сифатида тан олади. Шу боис, олимнинг жанрларни ажратиш типологияси бошқа назариётчиларникидан бироз фарқ қилади. Гуревичнинг фикрича, “барча журналистика жанрлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: янгиликлар жанри (хабар, ҳисобот, репортаж); Диалогик жанрлар (интервью, диалог, полилог); Вазиятли-таҳлилий жанрлар (шарҳ, корреспонденция, мақола, тақриз, обзор); Эпистоляр жанрлар (хат); Бадиий-публицистик жанрлар (очерк, лавҳа); Сатирик жанрлар (фельетон, памфлет, эпиграмма (қисқа ҳажвий шеър))”. [9, 202-205]

Журналистикада таснифлаш усулининг бойлигига қарамай, журналистлар ва тадқиқотчилар анъанавий таснифлаш усулини афзал кўрадилар. Тўғри, юксак технологиялар ривожланган бир паллада баъзи жанрлар бошқалардан устун кела бошлаганини кузатмоқдамиз. Интернет журналистиканинг ривожлангани сайин ахборий жанрлар тарқалиш даражаси бўйича биринчи ўринга чиқиб олди. Бадиий-публицистик жанрлар тарихда қолиб кетди. Матбуотда ҳозир жуда камдан-кам ҳолларда фельетон ёки памфлетни учратиш мумкин. Тадқиқотчи Виталия Третьяканинг фикрича, ҳозирда замонавий журналистикада фақат хабар, репортаж, интервью ва мақола сингари фақат 4 та мустақил классик жанрлар сақланиб қолган. Қолган барча жанрлар хизматчи жанрлар тусини олди.

Юқорида келтирилган фикримизнинг исботи сифатида айтишимиз мумкинки, XX асрда глобаллашув жараёнлари тезлашган сари ҳозирги телевидениеда жанрлар тизими янгича шакл ва кўринишларга ўзгарди, ҳатто reality show, talk-show, sitcom каби бутунлай янги жанр моделлари шаклланди. Замонавий телевидениеда айниқса, интерактивликка алоҳида урғу берилмоқда. Жонли эфир соатларнинг кўпайгани, студияда кўпроқ қаҳрамонларни гапиртиришга уринишлар, воқеа жойидан узатилаётган жонли репортажлар эфир сифатини янада бойитишга хизмат қилаётир. Шунингдек, кўрсатувлар давр руҳига мос янгича мавзулар билан бойиди. Аҳолининг ижтимоий, психологик талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиб маҳоратли тележурналистлар содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ёритишда ўзига хос оригинал услубни топишга интилаётгани ҳам замонавий телевидениеда тематик кўрсатувлардаги ўзгаришларга яққол мисол бўла олади.

Семён Моис Гуревич «Газета вчера, сегодня, завтра» ўқув қўлланмасида келтиришича, интервью, диалог, суҳбат (полилог) жанрлари публицистиканинг диалогик жанрлар гуҳурини ташкил қилади. *Ушбу жанрлар гуруҳи (мавзу)воқеликни тасвирлашда умумий ва специфик вазифаларга эга бўлиб – ушбу жанрлар ёрдамида журналистлар нафақат воқеалар ҳақида хабар қилади, балки одамларнинг мазкур воқеаларга муносабати, фикри тўғрисида ҳам маълумот етказади. Ушбу жанрлар суҳбатда қатнашаётган иштирокчиар сони, уларнинг роли ва ахборот олиш усуллари* бўйича бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, интервьюга доим икки суҳбатдош: журналист ва респондент жалб қилинади. Бундай мулоқотда журналистни қизиқтирган саволларга жавоб бераётган суҳбатдош, у хабар берган фактлар ва вазиятлар тўғрисидаги фикр ва маълумотлар муҳим роль ўйнайди.

Ҳар қандай суҳбат журналист ва респондент орасида мавзули мақсадга эга бўлган ўзаро диалог, психологик, вербаль – коммуникатив усул сифатида янги маълумотларга эга бўлиш мақсадида олиб борилади. У соф интерактив жараёндир. Интерактив мулоқотда томонларнинг фаоллашуви орқали ахборот алмашиш, ўзаро ўрганиш, ўргатиш, муносабат билдириш, алоқада бўлиш жараёнлари амалга ошади. Бу жараёнда турли хил таъсир воситалари орқали ахборот алмашиш содир бўлса-да, моҳиятан бу жараён тажриба, қобилият, дунёқараш, билим ва малакалар, шунингдек, жамият ва шахс тараққиётининг зарурий ва умумий шартларидан бири ҳисобланган фаолият натижалари алмашинуви содир бўладиган реал ҳодисадир. Ушбу жараёнга М.Бахтин “Ҳақиқат битта бошда туғилмайди. У суҳбатлар асосида юзага чиқади”, дея таъриф беради. Журналистиканинг предмети ижтимоий ҳаёт эканлигини инобатга олиб жамоатчиликка воқеликни бор тафсилотлари билан етказишда, мунозарали вазиятларга ойдинлик киритишда диалогик жанрлар алоҳида аҳамият касб этишини қайд этиш жоиз: Телеканалларда ижтимоий-сиёсий мавзудаги ток-шоулар орқали ҳозирги долзарб масалалар муҳокама қилинади. Бир хил масалалар бўйича турли нуқтаи назарлар ўрганилиб, юз бераётган воқеалар, ислоҳотларни чуқур англаб етишга имкон берадиган мунозаралар олиб борилади. Жамоатчилик онгида баҳс-мунозара қилишга, мулоҳазаларни асослашга, ҳақиқатни излашга ундовчи шубҳалар юзага келтирилади**.** Воқеа-ҳодиса, фактларнинг ички табиати, моҳиятини ўрганиб, танқид орқали уларни обьектив талқин қилиш имконияти берилади. Очиқ дебатлар, мунозаралар ёрдами билан муайян муаммоларга ечим топилади. Бу айниқса йиллар давомида давлат ва жамият ўртасида узилиб қолган коммукатив мулоқот (диалог)нинг қайта тикланишига хизмат қилади.

Диалогик жанрдаги кўрсатувлар замирида томошабинларни ўйлашга, фикрлашга даъват этиш, уларнинг диққат-эътиборини қайсидир масалага қаратиш ёки қаҳрамон шахсини очиш мақсад қилиб қўйилади. Диалогик жанрлардаги кўрсатувларнинг ўзига хослиги турли коммуникация субьектлари ва аудитория ўртасида ижтимоий долзарб бўлган мавзу ва муаммоларни очиқ тарзда бир макон ва замонда муҳокама қилиш, айниқса, журналистиканинг холислик принципидан келиб чиқиб хулосани томошабинларнинг ўзига қолдирилиши билан белгиланади. Бу эса юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ислоҳот учун эмас, инсон учун эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Шунингдек, аҳолининг телевидениега бўлган қизиқиши ва ишончини орттиришга хизмат қилади. Ҳозирги интервьюлар икки кишининг фақат савол-жавоби, пинг-понг шаклида эмас, телевизион кўрсатувларда журналистиканинг бошқа жанрлари ҳам учраб турипти. Айнан замонавий интервью жанри ҳам

ўзгаришлар ва янгиланишлар ҳисобига анъанавий интервьюлардан бир қатор фарқли жиҳатларни намоён этмоқда.

Хусусан, бундай янгиликлардан энг кўзга ташланувчи жиҳати бу – журналист қаҳрамонни биринчи ўринга қўйяётгани, кадрда фақат қаҳрамонни гапиртираётганидир. Саволлар эса кадр ортида қолган. Маълумки, интервьюда савол яхши бўлмас экан, жавоб ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Бугунги телекўрсатувларда қаҳрамонлар ва тасвирлар умумий уйғунликда гапиряпти, кадрда журналист образи деярли кўринмайди. Сунъийликдан чекиниб, табиийликка интилиш кучайган. Айрим суҳбатлар эссеистик жанр элементларини намоён қилаётгани ҳам ҳақиқат. Ахборот коммуникация технологияларининг ривожлангани боис, энди суҳбатдошни студияга таклиф қилиб у билан соатлаб мулоқот қилишга эҳтиёж қолмади. Шахсий экран воситалари узоқ масофалардан туриб ҳам сунъий йўлдош орқали журналист билан алоқа ўрнатиш, маълумот бериш имконини беради. Хорижлик журналистлар София Шеварнадзе, Ларри Кинг, Владимир Познерлар ўз кўрсатувлари қаҳрамонлари билан суньий йўлдош (sattelite) орқали масофадан туриб мулоқот қиладилар. Бу эса ахборот олишнинг янги замонавий усули пайдо бўлганини кўрсатади. Бугунги шошқолоқ томошабин, тингловчини зерикарли суҳбатлар билан ушлаб қолишнинг иложи йўқ. Жонли эфирдаги жонли мулоқотгина томошабинда жамият ҳаётидаги янгиликларга қизиқиш уйғотади, унинг фикри бошқалар учун қизиқлиги, “тўғридан-тўғри” эфир вақтида овоз беришга яратилган техник шароит у ёки бу кўрсатувга қизиқтириши мумкин. Зеро, сўзимиз аввалида таъкидлаганимиздек, таҳририят ва аудитория ўртасида интерактив алоқа каналлари йўлга қўйилмас экан, оммавий ахборот воситаларининг ички тизимида ижобий ўзгаришлардан умид қилиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР

6. Учебное пособие для курсов «Основы журналистики» и «Основы творческой деятельности журналиста» электрон ресурс: https://dogmon.org/uchebnoe-posobie-dlya-kursov-osnovi-jurnalistiki-iosnovi-tvorc.html?page=8
7. Сидоров В. А. Проблема теории журналистики: в поисках новой прадигмы//Роль СМИ в достижений социальной толерантности иобщественного согласия. С.119-120.
8. Зиновьев И. В. Диалогизм М. М. Бахтина и современная теория журналистики / И. В. Зиновьев // Известия Уральского федерального университета. Сер. 1, Проблемы образования, науки и культуры. — 2012. — № 2 (101). — С. 24-31.
9. Дўстмуҳаммедов Х. Ахборот жозиба, мўжиза, фалсафа. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2013. –Б. 58
10. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент, “Иқтиқлол”, 1994. –Б 41.
11. Ким М.Н, Пак Е. Жанры печатных и электронных СМИ. Учебник для вузов. Санкт-Петербург. 2002. – С. 240-245.
12. Кройчик Л.Е. Основы творческой деятельности журналиста: Система журналистских жанров. Глава 5 – М.: 2000.
13. См.: Бахтин, М.М. Проблема речевих жанров // Бахтин эстетика словесного творчесвто. –М.: «Исскуства», 1986. С. 270.
14. Гуревич С.М. ГАЗЕТА: ВЧЕРА, СЕГОДНЯ, ЗАВТРА. Учебное пособие для вузов. –М.: «Аспект Пресс», 2004. Источник: http://evartist.narod.ru/journ.htm
15. Месеняшина Л.А. Диалогический жанр? // Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 22(203).

Журналистикада диалогик жанрларнинг ўзига хослиги ва ривожланиш босқичлари
Қулмурадова О., Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Резюме. Мақолада замонавий журналистика жанрлар тизимида юз бераётган модификацион ўзгаришлар диалогик жанрлар тизими орқали тадқиқ қилинади. Муаллиф ишда диалогик жанрларнинг ривожланишига бевосита таъсир этган муҳим омил сифатида XX асрнинг 90- йилларида ижтимоий-сиёсий тузумнинг ўзгариши ва ахборот жамияти шароитида комммуникатив мулоқот ва интерактивлик жараёнларининг кучайгани билан изоҳлайди.

Калит сўзлар: диалог, диалогик жанрлар, интервью, суҳбат, ток-шоу, дебат, интерактивлик, телевезион таъсир механизмлари, журналист ва жанрлар.

Специфика и этапы развития диалогических жанров в журналистике
Кулмурадова О. Узбекский университет журналистики и массовых коммуникаций

Резюме. В статье исследуются модифицирующие изменения, происходящие в системе жанров современной журналистики через систему диалогических жанров. Автор указывает как на важный фактор, оказавший непосредственное влияние на развитие диалогических жанров в 90-е годы XX века, так и на изменение социально-политического строя и усиление коммуникативного диалогизма и интерактивности в информационном обществе.

Ключевые слова:диалог, жанры диалога, интервью, беседа, ток-шоу, дебат, интерактивность, телевизионные влияния, журналист и жанры

Specificity and stages of development of dialogic genres in journalism
Kulmuradova O.Uzbek University of Journalism and Mass Communications

Summary. The article examines the modifying changes taking place in the system of genres of modern journalism through the system of dialogic genres. The author points out as an important factor that had a direct impact on the development of dialogical genres in the 90s of the twentieth century, so the change in the socio-political system and the strengthening of communicative dialogism and interactivity in the information society.

Keywords:dialogue, dialogue genres, interview, conversation, talk show, debat, interactivity, television influences, journalist and genres.

Б. СЕЙТАЕВ ДӨРЕТИЎШИЛИГИНДЕ МИЛЛИЙ РУЎХ ҲӘМ ХАЛЫҚЛЫҚ МОТИВЛЕР

Смамутова Ш. А.
Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Ғәрезсизлик – халыққа тек жәмийетлик-сиясий еркинлик берип қоймастан, руўхый дүньясының да азатлық, еркинлик алыўына жол ашты. Қарақалпақ халқы да өз тарийхы менен әдебиятына қайтадан үңилип, әййемнен киятырған үрп-әдет дәстүрлерин, миллий қәдриятларын, мәдениятын тиклеп, миллетимизге тән

болған қәсийетлеримизди қайта жаңғыртыўға имканият алды. Дәўирлер алмасып, жәмийетте өзгерислер болса, бул сөзсиз көркем әдебиятта сәўлелениўин табады. Себеби көркем әдебият халықтың руўхый интеллектуал мәдениятының анық белгилериниң бири екенлигин билемиз. Өз гезегинде жәмийет пенен сиясаттың да көркем әдебиятқа басым өткизиў жағдайлары болатуғынлығын кешеги кеңеслик аўқам мысалында көрип отырмыз. Бирақ әдебиятқа еркинлик керек, олсыз әдебият өзлигин жойтады. Көркем әдебият– жәмийеттиң мәденияты менен руўхына тәсир етиўши тийкарғы күш. Себеби хақыйқый талант қәлеминен дөреген ҳәрқандай шығарма адам психологиясы, сол адам өмир сүрген жәмийет, тәбият, сиясаттан анық мағлыўматлар берип турады. Егер ол бурмаланып берилсе, буның астарында да өзиншелик сыр бар екенлигин аңлаўға болады. Халықтың өзине тән менталитети, руўхый дүньясы, социаллық жағдайларын көркем әдебияттан таба аламыз. Кешеги "қызыл империяның" әдебиятқа басымы күшейип турған дәўирде де нағыз поэзия дөреди, бирақ оларда миллий руўх жетиспегенлиги байқалады.

Ғәресизлик халыққа усы миллий руўхын қайтарып берди. Қанымызда бар қайсарлық, ҳақыйқатшыллық, усы жолда ҳешбир қыйыншылықтан қорқпайтуғын мәртлик сыяқлы миллий қәсийетлеримиз бенен табыстық. Бул шайырларымыз дилинде оянып, тилинде қосық болып өрилди. Шайыр халқы, улыўма дөретиўши инсанлар миллионлар дәртин, өз қәлбинен өткизип, оған өзиниң муҳаббаты менен мехрин, дәртин қосып халықтың өзине қайтарып бериўши тулғалар. Ғәрезсизилик дәўириндеги қарақалпақ поэзиясын бақылап отырсақ, қосықлардағы жетекши идея − әўладтан-әўладқа өтип киятырған халықлық поэзиядағы миллетимиздиң бәлент руўхы сезиледи. Әдебиятымызға 70-80-жыллары араласып, ғәрезсизлик дәўиринде жәмийет пенен халық турмысындағы ҳақыйқатлықты жырлап, халықлық дәстүрлерди жаңа әсир поэзиясында қайта жанландырған шайырлардың бири – Базарбай Сейтаев.

Аўыз әдебиятының әжайып үлгилерин пайдалана отырып, халықтың ертеден киятырған әпсана, рәўиятлары тийкарында дөреген дөретпелери, нақыл-мақаллары, ибаралары менен жаңа дәўирди жаңа пафос пенен жырлады. Бурынғы кеңес ҳүкимети дәўиринде басқаша көзқарас болған тарийх бетлерине қайтадан үңилип, пикирлеринде демократия, халықшыллық идеялар күшейе түсти. Х.Дәўлетназаровтың "Ўатан тәшўиши", "Халқың жылаўдарың болсын, тайыншақлар!", "Дәртли теңиз туўралы толғаў", "Халық ушын перзентлер туўмақ керек-дур" ҳәм т.б; Б.Сейтаевтың "Қарақалпақпан", "Ўатан", "Туўылған жерге", "Теңиз толғаныслары", "Ҳүждан шақырығы"; О.Сәтбаевтың "Жарылыс", "Жаны сызлар екен дарақлардың да!", "Таўдағы муз қосығы", "Қуйын" қосықларынан көриўимизге болады. Б.Сейтаев: //Жыллар бойы шийеленисип атырған//, Дүзеталмай ҳәлекпиз бузғанымызды//. Ғаплет уйқысында қалғып жатырған,// Оятып алайық ҳүжданымызды...//[1, 12]. Шайыр жәмийеттеги инсапсызлық пенен ашкөзликтиң кесиринен, ғаплет уйқысында қалғып атырған хүжданды оятыўға шақырады, қарабастың, қулқынның ғамын ойлайтуғын топаслыққа қарсы гүресиў ўақты келгенлигин айтып, турмыстың ашшы ҳақыйқатын ортаға таслайды. Х.Дәўлетназаровтың "Әдалат журтының патшасы инсап" қосығында: Қубылып минези, шатасып сөзи,// Бул дүнья қаяққа баратыр өзи,// Мийрим булағының жылтырап көзи,// Дәрдесерге түсип ҳаўлығар инсап// [2, 23]. Инсап болмаса инсанның усқынсыз мақлуқат екенлигин, күйгелек қус киби кеўиллер есигин қағып жүрген инсапты алысқа қуўмай, жанымызға шақырмасақ ертең кеш болатуғынлығына тәшўишленеди.

Б.Сейтаевтың "Қорқыныш" қосығында халқымыздың аўыз әдебиятында бурыннан бар нақыл-мақалларды жәмийеттеги жат иллетлерди әшкаралаўда, ҳүкимет исенген, хәмел гүрсисинде отырған инсапсызлардың "қатығын ишкенди қутқарып, жўқ жалағанларды тутып"отырап хәрекетин сынға алыўда орынлы қолланады. Қырқып-қырқып сөйле − деп,// Даўагерлер шағынар.// Қәтере бар, жүз бар −деп,// Ширенеди қазылар.// Жоқтай мисли ғәрези,// Қатық ишкен қутылар.// Аўып кетсе тәрези,// Жўқ жалаған тутылар…[3.96]. Шайыр тилиндеги "қазы" сөзи де ҳәзирги сөз қолланыўда актив болмағаны менен халық тилинде бурыннан бар сөз. Мысалы турмыслық ертеклерде даўды шешиў ушын қазыға барып жүгиниў қусаған жағдайлар көп ушырасады. Шайыр бул қосығында ҳәзирги жәмийеттеги әделатсызлықтың, инсапсызлықтың сағасы қай жерге барып тирелетуғынлығын тартынбастан ашық айтады, лекин бул анық фактилердиң жумсарып турыўына халық аўзында бурыннан киятырған сөзлер, нақыл-мақаллар жәрдемге келеди ҳәм қосыққа поэзиялық күш береди.

Аўыз әдебиятымыз халық тилиниң байлығы менен айрықшаланса, баслы белгилериниң бири – оның юморға, жумсақ ҳәзилге бейимлиги. Қарақалпақ халқы садалығы, шоқлығы менен де басқа халықтан өзгешеленип турады. Қуўанышлы күнин былай қойғанда, әпиўайы күнлеринде де жүрген жерин ҳәзил-дәлкек пенен байытып, бир-бириниң руўхын көтерип отырады. Халық аўыз әдебиятындағы усы көтериңки руўх, жумсақ ҳәзилге бай юмор, сондай-ақ өткир сатира − ғәрезсизлик дәўири шайырларымыздың дөретиўшилигинде жоқары дәрежеде раўажланыўын тапты.

Б.Сейтаевтың "Ушырма сөздиң устасы" қосықлар дүркининде белгили журналист, ушырма сөздиң наятый шебери, "ушардан дәл урған" астарлы илме-қармақ ҳәзиллери менен көпшиликтиң ядында қалған марқум Дошымбай Доспанов ҳаққында жазылған. "Дошекең айықтырыўханада", "Шымбайға шекем ағам"-деп", "Арзан туфли саўдасы", "Дошекеңниң тышқан аўлаўы", "Фундаменттен басқасын..." қосықлары жумсақ юморға қурылған, тили жеңил болғаны менен астарында өмирдиң ашшы ҳақыйқатын да ашып береди. Елимиз ғәрезсизлик алған дәслепки он жыллық − базар экономикасына өтиў дәўириндеги халық турмысындағы қыйыншылықлар Дошымбайдың ис-ҳәрекети, сөзлери, тәшўишлери арқалы шебер сәўлеленеди. Дошымбай образы миллийлик сыпатқа ийе десек те болады, себеби бойындағы садалық, ашық кеўиллик, ушырма гәпке усталық, бийғамлық ҳәм т.б. қәсийетлер халқымыздың бойынан көп табылады. //Ишпей-жемей қыйып пайынан.// Аманатқа салып қояды.//. Жамғыр өткен сайын жайынан,// Үш лотерея алып қояды.// Ҳәпте сайын шақырық тайын,// Пул аўысып қалмас қасына. Шифрлайжақ бес қабат жайын, Утыс шықса лотореясына//[3.97].

Дүнья жүзилик әдебиятта ишки дебдиў, арпалысқан сезим ҳаққында жазбаған шайыр-жазыўшы жоқ. Б.Сейтаев – сезим тәбиятына байланыслы өзиниң ойшыллық, психологиялық характерин айрықша көрсете билген шайыр. Тәбият қублыслары сияқлы, инсан сезими де жасырын услаўды, қупыяны қәлемес екен. Басқа барлық нәрсени жасырған менен ҳақыйқый сезимди жасырыў мүмкин емеслиги, адамның ықтиярына көнбейтуғын диалектикалық қубылыс екенлигин дәлийллеп кеткен шайыр – Базарбай Сейтаев болды десек қәте болмас.//Нәмәртлер нақолай қол силтеп кетсин//, Қолламай-ақ қойсын, бунымды ҳешким//, Ғыйбат тасларына қалқандур көксим//, Сүйенип жасайман ҳақыйқатлыққа...//[3.34]. Жаман жазатуғын шайырды кешириўге болады, лекин жалған, өтирик жазатуғын шайырды ҳасла кешириўге болмайды. Дөретиўшиниң шығармасында шеберликтиң жоқлығы, тәсирсизлиги, оның көркемлик сапасының төменлигин ғана емес, жазғанларының өтирик жалған екенлиги менен байланыслы екенлигинде. Шайыр өзи айтып турған нәрсесине өмирде өзи әмел қыла алыў керек. Б.Сейтаевтың ҳақыйқатлыққа сүйениип жасаўы, ғыйбат тасларына көксин қалқан қылыўы шайырдың азаматлық позицияның баслы бир атрибуты ойлаў мәдениятының тереңлигинен дерек береди. «Әдебияттағы азаматлық дәстүрге ҳадаллықтың көрниси – сүўреткерлик парасатлылық болса, оның раўажланыўының алдыңғы шәртлериниң бири азаматлық байрағын жоқары услаў. Ҳақыйқатлық пенен адамгершилик пазыйлетлерин улығлаў, азаматлық белсендиликтиң жарқыраған алмас жүзине тот түсирмеў болып табылады» [4.127].

Б.Сейтаевтың “Еки жүрек – бир пүтин алма”, “Шақырық”, “Сүйенип жасайман ҳақыйқатлыққа», “Ҳалат”, сыяқлы қосықларында қарақалпақ халқына тән болған поэтика тәбийяты көринип турады. Турмыстағы жақсы-жаман ўақыяларға баҳа бериў арқалы, ҳәрбир инсанның ишки руўхый дүньясын байытыў, эстетикалық қарасларын раўажландырыў сыяқлы идеялар менен суўғарылады. Шайырдың муҳаббат лирикасының бояўы қанық, сырлы, темпераментли болып келеди. Кеўилди толғандыратуғын суўретли теңеўлер, көркемлик куны жоқары болып келетуғын уйқаслар, оқыўшысының жүрек тарын шертип, жанлы картиналарды көз алдымыздан өткизеди. Базарбай Сейтаев қосықларында бай фольклорлық мийрасларымыздан, халық шайырларынан көбирек үйренетуғынлығы, Мақтымқулы жолына садықлығы бирден көзге тасланады. Сондай-ақ ол батыс ҳәм шығыс деп аталған дүнья әдебиятынан хабардар болыў менен бирге Өзбекстан каҳарманы Абдулла Арипов ҳәм Өзбекстан халық шайыры Мухаммед Юсуптен, туўысқан қазақ поэзиясының ири тулғалары Қадир Мырзалиев пенен Мухтар Шахановлардан көбирек үйренетуғынлығы айрықша сезилип турады [1]. ...Не деген хошырей қылығың//, Жүрислер буншелли сыйдамлы!// Шекеңде бир жуп тал тулымың//, Қытықлап ойнайды сырғаңды…// [1].

Шайырдың муҳаббат лирикасында халықлық поэзияға тән адамгершилик (гуманистлик) ырғақлар, дидактикалық мотивлер алма − гезек жырланады. Сонлықтан да шайыр қосықлары окыўшысының жүрегине жылы тийеди, оны толқытып, йошландыра алады. …Қумай көзлер барар яндырып//, Тақат қашшан менен безгени//. Ой тарнаўын дегиш алдырып//, Абыржыйды ышқы сеңлери…//. Тарнаўдың дегиш алыўы, Абыржыған сеңлер сыяқлы салыстырыўларды, муҳаббаттың дәрьясына жүзген ашықтың ҳалатын бериўде де миллий сыпатларымызды көриў қыйын емес. Бурқасынлы, тасқынлы дәрьяның әтирапында өмир сүрген халқымыздың тилинде де усындай салыстырыўлардың болыўы тәбийғый нәрсе. Ой тарнаўын дегиш алып, ышқы сеңлери абыржыўы, қумай көзлердиң тутқыны болған ашықтың психологиялық аўҳалынан дерек берип, оқыўшысын да бийпарқ қалдырмайды.

Базарбай Сейтаев қосықлары қурғақ ўаз, кесте – схемадан жырақ турады, ярдың қумай көзлерине бенде болған ашықтың ой тарнаўын дегиш алып, ышқы сенлери абыржып, өз ақылына жуўап бере алмаслық дәрежеде толқыўы муҳаббат қудиретинен дерек берип тур. Б.Сейтаевтың “Еки жүрек – бир пүтин алма”, “Сен киятырсаң…”, “Әжайып қызсаң”, “Бир поса бер, Ҳүкимдарым!..,” “Жар жағасындағы гүл”, “Ҳалат”, “Қәлбим тутап, от есер жаным!..”, “Лалазарда қулпырған шәмен”, “Хош қылықлы сулыў-сымбатың!..” ҳәм т.б. лирикалық қатарларда мухаббаттың тилсимли күшине қанық болсаң ҳәм соны жоқары пафоста жырлай билген шайыр таланты менен сезим тазалығын мойынлайсаң. Себеби, жоқарыда рус шайыры А.Межиров айтқандай муҳаббатты басынан өткермеген адам тәсирли жаза алмайды. Хафиз Ширазий сулыўдың қош қалы ушын Самарқанд ҳәм Бухараны инам еткен болса, бизиң шайырымыз Хафиз де де сақый шығады. Б.Сейтаев: − Жаяў гезсем қайылман мен//, Сен деп әлем дөгерегин//, Қаймағына ләблериңниң//, Жети ықлымды берер едим//. (112б)

Арыў жананының ләбиниң қаймағы ушын әлем дөгерегин жаяў гезип, ол ушын жети ықлымды бериўге қайыл сақыйлық, тек ҳақыйқый ышқы мәжнүнлерине тән қәсийет. Жан тазалығы, сезим азадалығын дерек береди. Ўатан, ел-журт алдындағы перзентлик ўазыйпасы, миллетиниң тәғдирине жан күйдириў, қарақалпақ халқының көп қәсийетлери менен мақтаныў, туўылған елге болған пидайылық, ата-анаға деген ҳүрмет-иззет, сүйген ярға болған муҳаббат, жуўапсыз сезимнин ҳижран азаплары жоқары шеберлик пенен жырланады. Халықтың дәртин жүреги менен қабыллап, ел тәшўиши менен сан мыңлаған машқалаларын көркемлеп айтыўы – шайыр поэзиясындағы миллий руўхтың раўажланыўына тийкар болады.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Сейтаев Б. Алма гүллеген пасыл. – Нөкис, “Билим”, 2007.
2. Дәўлетназаров.Х Ашық болып жасаң. – Нөкис, “Қарақалпақстан”. 2012 Б-34
3. Сейтаев. Б. Шынлыққа шегинис. – Нөкис, “Билим”. 2017
4. Әшимбаев С. Азаматтыққа адалдық. –Алматы, «Раритет». 2007.−Б. 329.
5. Жәримбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қасийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы. –Нөкис, «Билим». 2004ж
6. Турдыбаев Қ. Ғәрезсизлик дәўириндеги қаракалпақ поэзиясы. –Нөкис, «Қарақалпақстан», 2011ж.

7. Юсупов И. Шайырдың шыңланыў шағы. –Нөкис, «Билим», 2007.

Б. Сейтаев ижодида миллий рух ва халкчил матив
Смамутова Ш. А. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада Б.Сейтаев шеъриятининг услубий хусусиятлари таҳлил қилинган. Шоир шеърларида миллий ва фуқоралик мотивлари очиб берилган. Шоирнинг юксак тафаккур маданияти, тафаккур интенсивлиги, инсонпарварлик мақсадларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, унинг поэтик маҳоратидан дарак беради.

Таянч сўзлар: мустақиллик даври шеърияти. Сейтаев шеърияти. Услубий хусусиятлари. Миллий ва фуқоралик мотив. Шоирнинг тафаккур интенсивлиги. Инсонпарварлик мақсадлари.

Национальный дух и народные мотивыв творчестве Б.Сейтаева
Смамутова Ш. А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье анализируются стилистические особенности поэзии Б.Сейтаева. Раскрываются национальные и гражданские мотивы в стихах поэта. Высокий уровень культуры мысли поэта. защита и поддержка гуманистических идей наглядно демонстрируют поэтическое мастерство поэта.

Ключевые слова: поэзия периода Независимости, поэзия Б.Сейтаева, стилистическая оригинальность, национальный, гражданский мотив, напряжение мысли поэта, гуманистические идеи.

National spirit and folk motive in B.Seytaev's work
Smamutova Sh. .A. Karakalpak State University

Summary. The article analyzes the stylistic features of B. Seytaev's poetry. Reveals national and civil motives in the poet's poems. High level of culture of the poet's thought. protection and support of humanistic ideas, clearly demonstrate the poet's mastery of the poet.

Key words: poetry of the Independence period, B.Seytaev's poetry, stylistic originality, national, civic motive, the poet's tension of thought, humanistic ideas.

ҲОЗИРГИ КУНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

Турсунова Ш.
Урганч давлат университети

Оммавий ахборот воситалари инсон ҳаётида муҳим ўрин тутади. Зеро, инсон ахборотлар билан тирикдир. Ҳозирги кунда ҳаётимизда оммавий ахборот воситаларининг матбуот, радио, телевидение ва энг замонавий ахборот манбаи Интернет муҳим ўрин тутади. Ахборот – (лотинча «information» - тушунтирмоқ, баён этмоқ) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ эса ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган маълумотдир[1, 73]. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсонлараро, инсон-автомат, автомат-автомат ўртасидаги маълумот ҳамда ҳайвонлар ва ўсимликлардаги сигнал алмашинуви, ҳужайрадан ҳужайрага муайян белгиларнинг узатилиши ва шу кабиларни англата бошлаган.

Ижтимоий ҳаётга татбиқан ахборот – кишилар, предметлар, фактлар, ҳодисалар, жараёнлар ва шу кабилар ҳақидаги маълумотларни англатади. Ахборотлаштириш – ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобига фуқаролар, давлат ҳокимияти ва ўз – ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг ахборот соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида оптимал шароитларни яратиш учун ташкил этиладиган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёнлар мажмуи. Матбуот - барча босма маҳсулотлар мажмуи; тор маънода даврий нашрлар, асосан, газета ва журналарни ифодалайди (синоним - пресса). Матбуот ижтимоий онгнинг ўткир ва таъсирчан воситаси сифатида кишилик жамиятида доимий ва фаол таъсир кўрсатади, жамоатчилик фикрини шакллантиради, омма онгига муайян қарашларни сингдиришга қудратли ғоявий омил ҳисобланади. Матбуот жамият ҳаётини турли (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий техникавий ва бошқа) йўналишларида ёритади. Матбуот XV асрнинг ўрталарида Европада таркиб топган. Қарийб беш аср мобайнида (оммавий ахборот воситаларнинг бошқа турлари-радиоешиттириш ва телевидение пайдо бўлгунга қадар) кишилараро оммавий мулоқотнинг, билим ва ғоялар тарқатишнинг асосий воситаси саналган. Дастлабки босма нашрлар, китоб, босма, китоб, рисола ва варақлардан иборат бўлган. XVII асрнинг бошларида газеталар кейинроқ эса журналлар ташкил топди; XIX асрнинг ўрталарида матбуот агентликлари вужудга кела бошлади. XX асрда оммавий ахборотнинг радиоешиттириш ва телевидение сингари турларининг пайдо бўлиши ва тараққий қилишига қарамай, матбуот ҳамон кишилик жамиятидаги ўз ўрни ва мавқеини тобора кенгайтириб боряпти, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва фаолиятнинг ҳамма томонларига доимий ва самарали таъсир кўрсатаяпти. Бутун дунёда матбуотнинг муттасил кенг тарқалиб бораётган бунинг исботидир.

Истиқлол туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши, тафаккури, ҳуқуқий онги ва маданиятида туб ўзгаришлар юз берди. Бугун Ўзбекистонда бошқарувни либераллаштириш давлат ва жамиятни модернизация қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари ОАВ фаолиятига янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Ҳар бир оммавий ахборот воситалари аудиторияга ўзига хос таъсир этиш кучига эга. Интернетгача уларнинг ичида энг самаралиси телевидение эди, чунки у томошабинга уч йўл билан ахборот етказади: тасвир, овоз ва мантиқ. Шунинг учун телевидение оммавий равишда тарқалганидан кейин беш-ўн йил ичида беш юз йиллик тарихга эга бўлган матбуотдан ўзиб кетди. Радиога ҳам катта кучга эга, чунки у икки канал орқали таъсир кўрсатади овоз ва мантиқ. Унинг афзаллиги – жонли овоз ёрдамида аудитория билан мулоқот қилиш, бундай усул ахборот манбаи билан тингловчи ўртасидаги масофани

йўқотади. Инсон овози, уни юракдан чиқиши, ундаги ҳаяжон ва самимийлик радионинг имкониятини кескин оширади.

Эътиборли жиҳати – ҳозир дунёда турли йўналишдаги газета ва журналлар миқдорининг сезиларли ўсиши кузатилмоқда. Масс-медиа бўйича машҳур мутахассис Майкл Коннифф айтган эди: "XX аср охирларидаёқ Америка кунлик газеталарининг даври тугагандек туюлганди. Лекин бундай бўлмади. Газеталар электрон-ахборий революциянинг асосида туради. Улар истеъмолчиларга янгиликлар тасмаси, савдо-сотиққа оид ахборот маҳаллий телефон абонентлари фойдалана оладиган аудиоматнлар ва хатто, жуда кўп ахборий воситалар хизматини таклиф этмоқдалар. Бугун анъанавий вақтли нашр билан бир қаторда якка тартибли журналистика юзага келиб, самарали ривожланмоқда. Ривожланган мамлакатларда жамият фикрини шакллантириш жараёнига тобора кўпроқ таъсир ўтказаётган ўнлаб электрон газета ва журналлар мавжуд.

Интернет оммавий коммуникатсия таъсирини энг баланд поғонага кўтарди. Сайтга жойлаштирилган маълумот бирдан бутун дунё бўйича тарқалиб кетади. Унинг адади (тиражи) эса чексиз. оммавий ахборот воситаларининг роли интернетгача ҳам кучли бўлган, энди эса уларнинг таъсири тасаввур қилиб бўлмайдиган даражага етди, оммавий ахборот воситаларидан ташқари интернет реклама, маълумотлар етказиш, электрон почта хизматларини ҳам бажаради. Энг қулайи шундаки, интернетдаги маълумот жуда кўпу арзон ва ўта тезкор. Интернетни кўп мутахассислар ҳарбийларнинг ихтироси деб айтади. Аслида эса дастлабки босқичда уни АҚШдаги тўртта университет кашф этди. Мазкур университетлар компютерларини бир тизимга бирлаштириб, ўзаро кутубхоналаридан фойдалана бошладилар. Пентагон эса бундан тез хабар топди. Ва иҳтиронинг имкониятларини ўрганиб, ундан ҳарбий қумондонликни такомиллаштириш мақсадида олимларни жалб этиб, уларга барча шароитларни яратиб, арпанетни (интернетнинг биринчи номи) ўз мақсадларига йўналтирди. Узоққа бормай ундан журналистлар ҳам фойдалана бошлади. Натижада интернет журналистикаси пайдо бўлди.

Бугун компьютер ва мобиль телефон журналистга у қаерда бўлишидан қатъий назар, ҳатто одам яшамайдиган оролда ҳам, ўз материалини газета ва журналларга саноқли дақиқаларда етказиш, агар гап телевидение ёки радио ҳақида кетар экан, тўғридан-тўғри эфирга чиқиш, интернет орқали эса халқаро тармоқнинг деярли барча фойдаланувчиларига ахборот узатиш имкониятини беради. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирда замонавий технологияларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга жорий этилиш суръати (айни шу кўрсаткич-белгиловчи хусусият)га тенг тезлик йўқ. Социологларнинг эътироф этишича, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ахборотлар қанча кўп тўпланса, жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ўсиши шунча тезлашади. Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир қилиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамиятига боғлайди. Натижада янги бозорлар (капитал, валюта бозори, суғурта бозори ва ҳоказо), янги воситалар пайдо бўлади (турли ахборот тизимлари, интернет, уяли алоқа)[5, 358]. Модомики, журналистика шу турдаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тартибга солиш, таҳлил қилиш билан шуғулланар экан, шундай хулоса чиқариш мумкин: журналистиканинг сифати қанчалик юқори бўлса, у ўзига юкланган вазифани шунчалик тўлиқроқ бажаради, жамият шунчалик самарали ва тез ривожланади, давлат институтлари ва ҳокимият бошқарув вазифасини тўлиқроқ бажаради, жамият ривожи, истиқболини олдиндан айтиб, унинг режаларини ишлаб чиқади.

Бу жараён келгусида янада кучга киради. "Майкрасофт"нинг ташкилотчиси Билл Гейтс эътироф этганидек, яқин келажакда компьютер ва интернет барча учун баравар бўлади ва уни сотиб олиш дарсликдан арзонроқ ва қулайроқ бўлиб қолади." Янги ахборот технологиялар бизнинг ҳаётимизда сўзсиз ижобий роль бажариш чоғида нопок кишилар қўлида бузғунчилик ғояларга ҳам хизмат қилиши мумкин. Жамиятни модернизациялаш ва унинг инновацион ривожланишини таъминлаш ижтимоий тараққиёт талабидир. Ўз тараққиётини ўйлаган жамият мудом модернизациялаш ва инновацияга эҳтиёж сезади, уларни ўз ҳаётига жорий этиш механизмлари ва воситаларини яради. Тоталитар тузумдан халос бўлган мустақил Ўзбекистон учун модернизациялаш жараёнлари 1991 йилдаёқ бошланган. Баъзи файласуфлар фикрига кўра, Ўзбекистонда модернизациялаш 1990 йил июнда қабул қилинган Мустақиллик Декларацияси билан бошланади. Чунки "ушбу ҳужжат халқимиз иродаси орзу-истакларини ифода этиб, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ижтимоий тараққиётни янги этносиёсий парадигмага мувофиқ таъминлашни бошлаб берди". [1, 5] Модернизация моҳиятан инновация томон йўл, жамият ҳаётини, кишилар тафаккурни янгилаш томони йўналтиришдир. бу жараёнлар инсон капиталини, тафаккурни ривожлантириш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрда қабул қилинган "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида мамлакатнинг хплқаро миқёсидаги рақобатдошлилиги даражасини инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш бош мақсад экани қайд этилган [3, 90]. Мазкур ҳужжатда инновацион ривожлантириш таълим сифати ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш, инновацион тафаккурни тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари роли катта экани уқтирилади. Унда инновацион ривожланишни таъминлаш Оммавий ахборот воситалари (ОАВ), илмий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларни жалб этишга боғлиқлиги кўрсатилади. Демак, инновацион ривожланиш илмий-техник ишланмаларга қанчалик боғлиқ бўлмасин, ушбу ишланмаларга қодир тафаккурни ҳаракатга келтириш ва унинг ижодий потенциалидан самарали фойдаланиш ҳам шунчалик муҳимдир. ОАВ эса айнан шундай тафаккурни шакллантиришни ўзининг бош функционал хусусияти деб билади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Ўзбекистон халқи ўзининг ижтимоий фикрини ОАВ орқали билдиришга ва шакллантиришга одатланган. Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кишилар ўзларини

қизиқтирган ёки ўзлари дуч келган муаммолар билан махсус идораларга, органлар вакилларига эмас, энг аввало ОАВ га мурожаат этадилар" [3 91]. Демак, ОАВ нинг жамият билан, ижтимоий фикрни шакллантириш билан барқарор воқелик сифатида сақланиб қолмоқда. Айнан ушбу омил, алоқа ОАВ га инновацион тафаккурни шакллантиришнинг энг таъсирчан, самарали восита сифатида қарашга ундайди. "Инновацион тафаккур" ижтимоий онгдаги янгиликка бўлган интилишни ифодаловчи тушунчадир. У ижтимоий онгни янгилик излашга, янгиликни инсон фаолияти ва фикрлаш тарзига айлантиришга қаратилган субъетив ҳодисадир. Барча тафаккур, онг шакллари каби инновацион тафаккур ҳам оламни, ён-атрофни ва улардаги янгиликларни идрок этиш ҳисобланади. Инъикос билан боғлиқ бу жараён инсон психикасига тааллуқлидир. Унинг негизида "ахборотли инъикос" ётади. Фалсафа фанлари доктори, профессор М.Хажиеванинг ёзишича, "ҳозирги пайтда ахборотли инъикоснинг ўзи тирик табиатнинг ҳар бир даражасида янада мураккаблашиб, ўзига хослик касб этади. Шундай мураккаблашув жараёни психик инъикоснинг шаклланишига замин яратади. Воқеликка фаол муносабат айнан психик инъикосдаражасида шаклланади, инъикоснинг илгарилаб бориши эса, ўз навбатида, унинг ўзига хос, юқори шакли бўлган онгнинг пайдо бўлишига, унинг инсоният ҳаётида оддийдан мураккабга томон боришга имконият яратади" [4, 40].

Демак, инновацион тафаккурга ҳам, субъектив воқелик тарзида, оддийдан мураккаб томон бориш жараёни хос. Бу жараён инновацион тафаккурга тайёр қоидалар, схемалар, хулосалар сифатида эмас, балки оддийдан мураккаб томон борадиган мураккаб субъектив воқелик сифатида қарашни тақозо этади.

ОАВ ўзининг маърифий функциясига мувофиқ инновацион ишланмалар ҳақида хабарлар, маълумотлар, ахборотлар тарқатади. Улар ҳар доим ҳам инновацион тафаккурнинг юқоридаги психик, субъектив жиҳатини назарга олавермайди. Бу жиҳатдан махсус журналлар ва асарларда ёритилади. Аммо ОАВ даги оперативлик, оммавийлик ва ҳозиржавоблик хабарларни таъсирчан, долзарб қилади.Ўзимиз ўтказган савол-жавоблар натижаларидан маълумки, илмий-техник ишланмалар ва изланишлар билан шуғулланувчи мутахассисларнинг деярли 62% асосий ғоя, фикр ва муаммоларини илмий адаабиётлар, газета ва журналлар, информацион моҳиятига эга учрашув, фикр алмашувва бюллетенлардан олади. Уларнинг фикрича, ОАВ даги ижтимоий фикрлар, таклиф ва тавсиялар инновацион изланишларга йўналиш беради, у ёки бу соҳага янгилик олиб киришга етаклайди. Респондентларнинг 38 % мутахассислар, олимлар чиқишини уюштирадиган махсус журналлар ва конференциялар, мазкур конференциялар тўпламлари, информацион бюллетенлари бугун илмий-техник ишланмаларга йўналиш бермоқда, мутахассисларнинг диққатини инновацион изланишларга қаратмоқда. Қизиқарли жиҳати шундаки, инновацион изланишларга ғоявий, илмий ва маънавий жиҳатдан тайёр мутахассисларнинг 71% ни ўттиз бешгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу ҳол кўрсатадики, ёшлар, янгиликка қалби, ўйи ва фикри мойил ёшлар инновацион ғояларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини кўрсатишади. Мазкур ёшларнинг аксарияти, яъни 86% махсус илмий-техник маълумотга эга, баъзилари эса илмий-техник ихтиролари учун патентҳам олишган. "Халқ сўзи" газетасида, 2019 йил мобайнида ана шундай изланишлар ҳақида 28 та, "Туркистон" газетасида 81 та, "Маърифат" газетасида 64 та, "Ишонч" газеталарида эса 48 та мақола чоп этилган. "Тафаккур" журналида инновацион ишланмаларга оид 2018-2019 йиллар мобайнида 6 та, "Шарқ юлдузи" журналида 2 та, "Санъат" журналида 2 та мақола берилган. Тўғри баъзи мақолаларда инновация ва инновацион изланишлар ҳақида маълумотлар сарлавҳада эмас, балки матн ичида келади. Лекин савол-жавобимизда қатнашган респондентларнинг 79% инновацион тафаккурни шакллантиришда замонавий ахборот воситалари, айниқса, интернет, махсус сайтлар, блогерлар етакчи ўринда туради. Интернетдаги "Ғаройиб дунё" сайти жаҳондаги инновацион ишланмалар, гоҳо одатий ҳолларни ихтирога айлантирган янгиликларни эълон қилиши билан илмий-техник ижодга қизиқиш уйғотиб келади.

Инновацион тафаккур янги-янги ахборотларга, илмий-техник ишланмаларни ёювчи ОАВ га эҳтиёж уйғотади.Унинг янгилик изланишга ўчлиги инсонни мудом янгилик топишга ундаб туради. Ҳатто ОАВ даги арзимас хабар ёки мақола ҳам йирик, инновацион кашфиётларга етаклаши мумкин.

Хуллас, ОАВ нинг инновацион ривожлантиришдаги ўрни кишилар онгида, тафаккурида янгиланишга эҳтиёж уйғотиш, илмий-техник кашфиётларга жамият тараққиётининг самарали воситаси сифатида қарашни шакллантиради. Айнан шу жойда ОАВ нинг ҳозиржавоблик, оммавийлик, маърифий функциялари билан инновациянинг янгиликка ўчлиги ўртасида диалектик боғлиқлик мавжуд.

АДАБИЁТЛАР

1. Атауллаев М. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий қадриятларнинг ўрни (Фалсафий –ҳуқуқий жиҳатлари). Пахрутдинов Ш. Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. –Т.: "Akademiya", 2006, 73-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"//Халқ сўзи, 2018, 22-сентябрь.
3. Нишонова Н.Р. Давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти (фалсафий таҳлил). –Тошкент; "Фан", 2013, 91-бет.
4. Хажиева М.С. Ўзбекистонда толерантлик жараёни. –Тошкент: ABU MATBUOT –KONSALT; 2008, 40-бет.
5. Фалсафа асослари. –Тошкент. «Ўзбекистон» Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларининг замонавий ахборот манбалари
Турсунова Ш. Урганч давлат университети

Резюме. Мақолада ахборот ва ахборотнинг ижтимоий аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг турлари ва фаолияти, шунингдек уларнинг жамият ижтимоий ҳаётида ахборот тарқатиши билан боғлиқ вазифалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ахборот хавфсизлиги, ахборот технологиялари, оммавий ахборот воситалари, интернет, жамият.

Современные источники информации в СМИ сегодня
Турсунова Ш. Ургенческий государственный университет

Резюме: В статье анализируется социальная значимость информации, виды и деятельность СМИ, а также их роль в распространении информации в социальной жизни общества.

Ключевые слова: информационная безопасность, информационные технологии, СМИ, Интернет, общество

Modern sources of information in the massmedia today

Tursunova Sh. Urgench State University

Summary. This article analyzes the social significance of information, the types and activities of the massmedia, as well as their role in the dissemination of information in the social life of society.

Key words: information security, information technology, mass media, Internet, society.

НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЕ СВОЕОБРАЗИЕ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ С КОНЦЕПТОМ «ЧЕЛОВЕК» В КОРЕЙСКОЙ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЕ МИРА

Ҳакимова Б. Ҳ.

Ташкентский государственный Университет востоковедения

Одной из наиболее интересных и трудных проблем, исследуемых современными гуманитарными науками, является концепт «человек». В XX в. пришло осознание того, что феномен человека может быть осмыслен не только через гуманитарные и естественные науки, искусство, но и через язык, который одновременно является отражением реальности и средством ее создания. Образ человека в языковой картине мира включает в себя как общие представления о человеке, единые для разных культур, так и специфические, отражающие черты национального мировосприятия и понимания человеческой природы.

Концепт «человек» представляет собой сложнейшую систему, которая, в свою очередь, состоит из множества подсистем, имеющих свою собственную структуру и взаимодействующих друг с другом внутри этой системы. В каждом национальном языке образ человека предстает в трех измерениях: 1) человек вообще; 2) определенный тип человека; 3) конкретная личность, отличающаяся от всех других индивидов. При восприятии человека Ю.С. Степановым выделяются три наиболее «естественных параметра»: 1) человек в отношении к «Миру» и к «Богу»; 2) человек в отношении к себе подобным, к своему роду или племени, к «своим» в их отличии от «чужих»; 3) человек в отношении к обществу – «Личность» [6, 552]. Несомненный интерес представляет изучение реализации концепта «человек» во фразеологическом фонде корейского языка. Интерес объясняется тем, что большинство фразеологических единиц, репрезентирующих концепт «человек», благодаря своей образности, не только обозначают конкретные номинации человека, но и отражают историю, культуру, быт, социально-экономическую жизнь, менталитет, образ мышления корейского народа, особенности его языка. «Фразеологический состав языка – это зеркало, в котором лингвокультурная общность идентифицирует свое национальное самосознание», именно фразеологизмы как бы навязывают носителям языка особое видение мира, ситуации [1, 156].

Фразеологизмы-наименования человека по социальным свойствам составляют многочисленный разряд в языке и обладают максимальной степенью антропоцентричности, так как они непосредственно направлены на человека, отражают его во всем многообразии проявлений и свойств. С развитием когнитивного направления в лингвистике приобрел значимость конкретный процесс исследования человека в его взаимодействии с окружающим миром. Значение многих слов может не только отражать объективную действительность, но и выражать отношение к ней, которое называют эмоциональной окраской: уважение, восхищение, нежность или, наоборот, презрение, отвращение. Эмоциональная окрашенность может быть связана с приятными или неприятными ассоциациями, например, ласковые обращения: 강아지 – *щенок*, 꽃돼지 – *поросенок*. 토끼 같은 자식 – *детки, как кролики*; грубые выражения: 개 같은 놈 – букв. *некто, похожий на собаку*, 개 새끼 – *щенок*; пренебрежительные: 우물 안 개구리, 곰 같다, 청개구리 – *зеленый лягушонок* и т.д.

Фразеологизмы могут характеризовать человека со стороны его внешнего вида, умственных способностей, поступков, поведения, называть черты характера. Свинья ассоциируется с образом грязного, неопрятного человека, а также характеризует человека, который много ест, обжору: 돼지 같다 – *как свинья*, 되지는 흙인 물을 좋아한다 – *свинья любит мутную воду*.

Следует указать на различные эмоциональные оттенки значения: от иронического и пренебрежительного до очень грубого. С учетом оттенка необходимо подбирать и вариант перевода. Например, тигр ассоциируется у носителей языка с *очень строгим, грозным, страшным (относительно поведения или выражения лица) человеком:* 몹시 사납고 무서운 사람, 호랑이 같다 – *как тигр.*

В составе компонентов ФЕ корейского языка можно встретить передачу концепта «человек» через образ дикого гуся 웨기러기, который, как и в поэзии, выступает символом одиночества. Например, 짝 잃은 웨기러기 – *как одинокий гусь, потерявший свою подругу*, 물이 잃은 웨기러 기 – *как гусь, отставший от стаи* (об одиноком).

В качестве символа света и светлой жизни в корейских фразеологизмах употребляются 양지 – *солнечная сторона*. 흐르는 물 – *проточная вода* и 구르는 돌 – *катящийся камень,* посредством которых передается образ деятельного человека: 흐르는 물은 썩지 안는다 – *проточная вода не тухнет*.

Во многих изречениях в обобщенном виде раскрывается социальное положение простого человека, картина его полного обнищания, нужды: 집도 절도 없다 – *ни дома, ни палочек для еды*, 열 놈이 죽 한 사발 – *на десятерых одна миска похлебки* и т.д.

Фразеологические единицы корейского языка, использующиеся для передачи концепта «человек», могут включать в свой состав наименование окружающих его предметов обихода, денежных единиц, названий игр, меры измерения и т.д., которые входят в основной словарный фонд корейского языка, отражают характерные для языка процессы и его национальную специфику. Например: 삿갓 (большая камышовая шляпа от солнца и дождя) – 삿갓을 쓰이다 (букв.: Одевать кому-л.) – «наносить ущерб кому-либо»; 저고리 (традиционная куртка с узкими длинными рукавами) – 바지 저고리 (букв.: Брюки и чогори) – пустое место (о человеке).

Большую роль играют фразеологизмы, отражающие культуру, быт, традиции корейского народа, связанные с приемом пищи. Например: 콩밥 (рис, сваренный вместе с соевыми бобами) – 콩밥을 먹다 (букв.: Есть конг пап) – «сидеть в тюрьме»; 국수 (корейская лапша) – 국수를 먹다 (есть куксу) – «жениться»; 김치 (корейское национальное блюдо из капусты, редьки и т.д.) – 파김치가 되다 (букв.: Становиться кимчи из лука) – «сильно устать»; 김치국부터 마시다 (начинать пить сок кимчи) – «распределять прибыль еще от неосуществленного дела»;

밥 (пресная рисовая каша), 떡국 (новогодний суп, с кусочками отбивного рисового хлеба), 떡 (корейский рисовый хлеб) – основные национальные блюда корейцев, поэтому многие фразеологические единицы имеют их в своем составе. Например: 기름 밥 먹다 (букв.: Есть масляный рис) – работать на заводе; 밥을먹다 (букв.: Есть рис) – жить нормально, зарабатывать деньги.

В корейском языке во фразеологии при передаче концепта «человек» используются видовые понятия 푼 (мелкая денежная корейская единица, вышедшая из употребления) и родовое 돈 (деньги). Например:

푼 –한푼의 가치도 없다 (букв.: Не стоит ни одного пхуна) – «никуда не годиться, не имеет никакой ценности, никакого значения»; 돈 (деньги) – 돈을 부리다 (букв.: Бросать деньги) – «зря тратить, расходовать»; 돈이 양반 (букв.: Деньги, что янбан) – «о важной роли денег в жизни человека» и т.д.

Во фразеологизмах, передающих концепт «человек», находит отражение специфика культовых обрядов, религиозных воззрений и ритуальных форм корейской народной культуры. Например:

동티가 나다 (букв.: Возникает донгти) – «навлечь на себя беду» (донгти – по корейским поверьям, если человек копал землю и передвигал камни в неподходящем месте и в неподходящее время, то духи умерших могли рассердиться); 고기맛 본 중 (букв.: Буддийский монах, попробовавший мясо) – «немолодой человек, испытавший запретные радости, не может уже остановиться»; 비라리를 치다 (букв.: Делать бирари) – попрошайничать, выпрашивать Бирари – обряд жертвоприношения совершался для умилостивления духов умерших предков.

Особый интерес представляют сравнительные устойчивые ФЕ. Они способствуют раскрытию особенностей жизни и быта корейского народа, представляя собой «превращенную форму деятельности», характерной для данной общности, и вскрывают оценочные эталоны той или иной лингвокультурной общности. Так, например, эталоном упрямства в корейской ментальности выступает «бык»: 소같은 고집 (букв.: Упрямство как у быка). Глупость олицетворяет медведь: 꼼처럼 미련하다 (букв.: Глупый как медведь).

Посредством компаративных ФЕ передаются физические характеристики человека. Например: 돼지같이 뚱뚱한 (букв.: Толстый как свинья); 멸치 같은 (букв.: Как японский анчоус) – «худой, тощий»; 양귀비 같다 (букв.: Как янъквиби) – «красавец».

Наряду с этим с помощью указанных ФЕ раскрываются черты характера человека, его умственные способности. Денотатом в такой группе ФЕ является название животного. Например: 여우같다 (букв.: Как лиса) – «хитрый»; 용 못된 무기같다 (букв.: Как питон, не ставший драконом) – «зловредный человек»; 맹꽁이 같다 (букв.: Как пузатая лягушка) – «тупой».

Таким образом, на основе анализа фразеологических единиц, передающих концепт «человек», можно утверждать, что ФЕ современного корейского языка содержат в своей семантике национально-культурный компонент, предопределенный национальной культурой прошлого.

Следует подчеркнуть, что национально-культурный аспект исследования языковых единиц позволяет углубить и расширить содержательную сторону богатейшего фразеологического материала современного корейского языка, в котором заложено своеобразие восприятия мира через призму языка и национальной культуры.

Достаточно часто при передаче концепта «человек» используются фразеологические обороты с абсолютной семантической слитностью частей, целостное значение которых не выводится из значений составляющих их слов, т.е. фразеологические сращения. Например, фразеологизм 성도 외장사 употребляется для обозначения человека, упустившего выгоду из-за своей жадности. 우물 안 개구리 – обозначение ограниченного человека. Выражение 파김치가 된다 означает «устать до изнеможения». Из этого примера видно, что ФЕ здесь обозначает явление действительности, аналогичное тому, что наблюдается в словах с непроизводной основой, в которых уже не чувствуется признак, положенный в основу названия. Этот признак как в непроизводных словах, так и во фразеологических оборотах может быть вскрыт лишь путем этимологического анализа [7, 24–30].

В корейском языке многочисленны семантически неделимые и целостные фразеологические обороты, значение которых мотивировано значениями составляющих их слов – это обороты фразеологического единства. Если рассматривать такие фразеологические единства, как 전철을 밟다 – «идти той же дорогой» (горбатого

могила исправит); 입이 가볍다– «легкий рот» (обозначает разговорчивого человека); 나무에 가서 물고기 찾기 – «искать рыбу на дереве» (о заведомо бесполезном предприятии или искать иголку в стоге сена), то их значения являются мотивированными и вытекают из значений образующих их компонентов.

В корейском языке множество фразеологических единиц являются образными выражениями, понимание смысла которых связано с пониманием той внутренней образности, на которой они строятся. Именно это отличает их от омонимичных свободных сочетаний слов. Такие сочетания слов, как 퇴를 내다 – быть сытым по горло (в прямом и переносном значениях); 가슴이 찡하다– бьется сердце; 팔짱만을 끼고 있다 – закрываться, отстраняться, одинаково возможны и как фразеологические единства (тогда это образные выражения), и как свободные сочетания слов.

Фразеологические сращения и единства, выступающие чаще всего как эквиваленты слов, нередко объединяются в одну группу. В таких случаях их называют идиомами или идиоматическими выражениями. Например: 귀등으로 들다 – пропустить мимо ушей (безразличный человек); 약방에 감초 – всюду совать свой нос (любопытный человек).

Расширенное представление о языковой картине мира корейского народа дают антропоцентрические фразеологизмы корейского языка, которые являются отражением способа мировидения. Человек являет собой центральную фигуру в картине мира, которую рисует язык. Одна из главных составляющих внешнего облика человека – голова.

Корейские фразеологизмы с компонентом «голова» обозначают различные функции этой части тела и через эти функции передают такую характеристику человека, как:

1. *Мыслительная функция мозга*: 머리를 쓰다 – думать головой; 머리를 쥐어 짜 다 = 머리를 싸매다 = 머리를 썩이다 – ломать голову; 머리를 굳다 (букв.: твердая голова) 1) иметь плохую память; 2) быть несообразительным, слабо соображающим, недогадливым; 똑똑한 머리보다 얼떨떨한 문서 – Важная бумажка, лучше умной головы; 머리 좋다 (букв.: хорошая голова) – быть умным, смышленым; 머리가 돌다 (букв.: голова кружится) – быть сумасшедшим, безумным.
2. *Возраст человека*: 머리가 굵다 (букв.: крупная голова) – взрослый; 머리에 피도 안 말랐다 = 머리에 피도 안 마르 다 (букв.: кровь на голове не обсохла) –молодой, несмышленый.
3. *Состояние преклонного возраста*: 검은 머리 파뿌리 되도록 – Черная голова становится белой, словно головка лука (т.е. сильно постареть), или 머리에 서리가 앉다 – 머리에 서리가 내리다 – 머리에 서릿발을 이다 – Голова инеем покрылась (о седой голове).
4. *Поведение, манера держаться, социальное положение, образ жизни:* 머리가 수그러지다 (склонить голову) – выражать почтение; 머리를 숙이다 (букв.: опустить голову) – вести себя скромно; 머리 검은 고양이 귀치말라 = 검은 머리 가진 짐승은 구제 = 머리 검은 짐승은 남의 공을 모른다 – Животное с черной головой не знает других заслуг; 머리 꼬리 없다 – (букв.: без хвоста на голове) – употребляется в отношении того, что не имеет порядка, последовательности; 헌 머리에 이 박이듯 – Как вши на паршивой голове [8, 261].
5. *Состояние страха*: 머리 공중으로 올라간다 – Волосы вверх встают (Волосы дыбом встали), невезения**:** 내 머리 깍으니 모기 생긴다 – Как только подстригся, комары появились.

В системе соматизмов, обозначающих голову и ее части, особого внимания заслуживает лицо. Эта часть тела в корейском языке выражается с помощью следующих слов: 낯 – лицо; честь; репутация; достоинство и 얼굴 – лицо; лицевой.

Под действием испытываемых индивидом чувств рождаются скоординированные сокращения и расслабления различных лицевых структур, которые определяют выражение лица, отражающее переживаемые эмоции. При этом положительные эмоции – радость, удовольствие и т.п. – передаются, как правило, с помощью глаз. А отрицательные, такие как печаль, стыд, отвращение, выражаются в целом всем лицом. Особой эмоциональной выразительностью отличается цвет лица. Например, лицо краснеет: 낯을 붉히다 – 1) от злости; 2) от стыда; 낯바닥이 홍지 같다 – Лицо как лист красной бумаги (от стыда) [8, С. 287]; 얼굴이 홍당무가 되다 (букв.: лицо становится морковкой) – испытывать чувство стыда; белеет от злости: 얼굴이 파래지다. 낯 색이 없다 – С лица цвет сошел; 얼굴이 하얘지다 – лицо побелело, лица нет – от страха [9].

Лицо в корейской фразеологии является своего рода символом репутации человека, его имиджа, отсюда: 얼굴에 똥치 (букв.: обмазать дерьмом лицо) в значении «испытывать позор»; 얼굴값 을 한다 (букв.: оценить лицо), по отношению к человеку симпатичному внешне, но неприятному по поведению (ср.: По одежке встречают, по уму провожают), 얼굴에 침 뱉는다 (букв.: плюнуть в лицо) – оскорбить, обидеть.

По лицу видно настроение человека: 얼굴을 찌푸 리다 (букв.: с хмурым лицом); 낯(이) 간지럽다 (букв.: щекотать лицо) – мозолить глаза, чувствовать себя неловко; 두 개의 얼굴 (два лица) – говорит о двуличности человека. Лицо может быть показателем известности человека, например: 얼굴을 팔리다 (букв.: проданное лицо).

Важнейшую часть лица человека составляют глаза. Стилистически нейтральное слово «глаза» обозначает орган зрения любого живого существа. По данным корейских лингвистических исследований, основной пласт фразеологизмов содержит именно этот компонент. Посредством данных фразеологизмов подмечается необычная способность глаз отражать внутреннее состояние человека:

눈만 깜박이다 – только моргать глазами (с пустой головой, без одной мысли; о глупом человеке); 눈 앞이 깜깜하다 (캄캄하다) – замутненный взгляд (от отчаяния, безнадежности); 눈 앞에 보이 는 것이 없다 – ни в одном глазу (бесстрашный, без страха); 눈을 돌리 다 (букв.: повернуть глаза) – заинтересоваться; 눈이 화가 마가 되였다 – Глаза

как раскаленный котелок; 눈에 불이 돈다 – В глазах огонь горит; 눈보다 동자가 더 크다 – Зрачки больше, чем глаза (о различении главного и второстепенного); 눈이 통사발 – У страха глаза что латунные чашки и т.д. [8, 58].

Глаза – это орган познания, получения информации о мире. Фразеологизм 눈은 있 어도 동자가 없다 – Глаза есть, да без зрачков (ср. Зряч, да не зорок) указывает на ограниченность, необразованность; 눈 뜬 소경이다 – Незрячий с открытыми глазами (о неуче) [8, 250].

Фразеологизмы с компонентом «глаз» могут обозначать определенные стереотипы отношений, поведения: 눈에 넣어도 아프지 않다 – Хоть в глаз воткни, больно не будет (очень сильно любить – обычно о единственном ребенке в семье, которому многое прощается из-за чрезмерной любви) [8, 153].

Ряд фразеологизмов с компонентом «глаза» обладает негативной коннотацией: 눈에 흙이 들어가다 = 눈을 감다 – закрыть глаза (умереть); 눈에 가시 – заноза в глазу; 눈 허 리가 시다 – глазам кисло (ср. Не мозоль глаза) [8, 153]. Очень большая занятость выражается также через глаза: 눈을 떠야 별을 보지 – Чтобы увидеть звезды, надо поднять глаза (а некогда) [8, 230]; 눈 코 사이 (букв.: маленький промежуток или отсутствие промежутка между носом и глазами) – крутиться как белка в колесе. С помощью лексемы «глаза» может быть выражено отрицательное отношение к окружающему миру: 눈감으면 코 베여 먹을 세상 – Жизнь такая, что закрой глаза – и носа не оставят (т.е. всюду обманут) [8, 318]; 눈뜨고 도적 맞는 다 – На глазах грабят [8, 318].

Фразеологизмам с главным компонентом «глаза» отражают различные типы эмоционально-психологического состояния человека, такие как удивление: 눈이 나오다 – глаза вылезли (сильно удивиться); состояние невозмутимости: 눈도 깜짝 안 하다 = 눈썹도 깜짝 안 하다 – даже глазом не моргнуть; несбыточное желание: 눈은 높고 손 은 낮다 – Глаза высоко, а руки низко (т.е. не достать, не дотянуться); сильное ожидание: 눈이 빠 지게 기다린다 – Так ждет, что глаза вылезают; отвращение: 눈을 흘기디 – (букв.: скосить глаза) не нравиться, быть не по душе; надежду: 눈 앞에 보 이다 – думать, что цель почти достигнута, интерес: 눈이 맞다 – приглянуться друг другу [9]. Таким образом, психологическое состояние человека во фразеологизмах корейского языка зачастую передается с помощью метафорических словосочетаний, описывающих необычное, ненормальное состояние глаз. С помощью глаз можно передать и физическую боль. Например: 눈에서 닥장 벌레가 왔다 갔다 한 다 – В глазах жучки бегают; 눈에서 불꽃이 떨어진 다 – Из глаз искры посыпались; пространственную близость: 눈 앞에 두다 (букв.: находиться перед глазами) – находиться рядом.

Анализ показал, что фразеологизмы в своем большинстве основаны на образно-метафорическом смысле, поэтому активно принимают участие в формировании языковой картины мира и отражают лингвокультурологические ценности корейского народа.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – 288 с. Teliya V.N. Russkaya frazeologiya: semanticheskiy, pragmaticheskiy I lingvokulturologicheskiy aspekti. –M.: Shkola “Yaziki russkoy kultury”, 1996. –228 s.
2. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М., 1987. Karaulov Yu.N. Russkiy yazik I yazikovaya lichnosti. – M., 1987.
3. Красных В. В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология. Курс лекций. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2002. – 232 с. Krasnyh V.V. Etnopsiholingvistika i lingvokulturologiya. – M.: ITDGK «Gnozis», 2002. – 232 s.
4. Маслова В. А. Введение в лингвокультурологию. – М., 1997. – С.87. Maslova V.A. Vvedeniye v lingvokulturologiyu. – M., 1997. – S.87.
5. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. –М., 1990. – С.63.Vereshagin E.M., Kostomarov V.G.Yazik i kultura. – M., 1990. – S.63.
6. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1997. Stepanov Yu.S. Konstantyi. Slovary russkoyu kultury. Opit issledovaniya. –M.: Shkola “Yaziki russkoy kultury”, 1997.
7. 7.Мелерович А.М. Номинализация фразеологических единиц в художественном тексте//Проблемы семантики и функционирования языковых единиц разных уровней. – Иваново, 2000. Melerovich A.M. Nominalizasiya frazeologicheskih edinis v hudojestvennom tekste//Problemy semantiki funksionirovaniya yazikovih edinis raznyh urovney. –Ivanovo, 2000.
8. 8.Лим Су. Золотые слова корейского народа. –Спб.: Изд-во СпбГУ, 2003. – 357 с. Lim Su. Zolotiye slova koreyskogo naroda. –Spb.: Izd-vo SpbGU, 2003. – 357 s.
9. n’세대도 궁금한 우리 속담 풀이. 원 영 섭 엮음. 서울: 세창미디어 = [Толкование интересных пословиц] / Сост. Вон Енъ Соп. –Сеул: Сэчханъ мидио, 2000. – 449 с. Tolkovaniye interesnyh poslovis/Sost. Von En Sop. – Seul: Sechhany midio, 2000. – 449 s.

Корейс лисоний манзарасида “инсон” концептли фразеологик бирликларининг миллий-маданий хусусиятлари

Ҳакимова Б. Ҳ. Тошкент давлат Шарқшунослик университети

Резюме. Мақолада “инсон” концепти тушунчасининг намоён бўлиши фразеологик бирликлар орқали ёритиб берилган. Корейс тилида “бош” компонентли фразеологик бирликлар тана аъзосининг турли функцияларини англатиш билан бирга ва бу функциялар орқали инсоннинг фикрлаши, ёши, хулқ-атвори, ижтимоий ҳолати, яшаш тарзи, кўрқув ҳолати кабилар ҳам берилади.

Таянч сўзлар: тил, “инсон” концепти, корейс маданияти, лингвокультурологик концептлар, тарихий ва маданий мерос, фразеологик бирликлар, лисоний манзараси, маданият компонентлари, лексик компонент.

Национально-культурное своеобразие фразеологических единиц с концептом «человек» в корейской языковой картине мира

Хакимова Б.Х.Ташкентский государственный университет востоковедения

Резюме. В статье рассматривается отражение понятия концепта «человек» через фразеологические единицы. Корейские фразеологические единицы с компонентом «голова»обозначают различные функции этой части тела и через эти функции передают такие характеристики человека, как мыслительная функция мозга, возраст человека, его поведение, социальное положение, образ жизни, состояние страха.

Ключевые слова: язык, концепт «человек», корейская культура, лингвокультурологические концепты, историческое и культурное наследие, фразеологические единицы, языковая картина мира, компоненты культуры, лексический компонент.

National and cultural originality of phraseological units with the concept of "human" in the Korean language picture of the world
KhakimovaB.Kh. Tashkent State University of Oriental Studies

Summary. This article examines the reflection of the concept "human" by the phraseologicalunits. Korean phraseological units with the "head" component denote various functions of this bodypart and through these functionsconvey such characteristics of person as the mental function of the brain, person's age, behavior, social status, lifestyle, state of fear.

Key words: language, concept "human", Korean culture, linguoculturological concepts, historical and cultural heritage, phraseological units, language picture of the world, components of culture, lexical component.

ПАРОНИМИЯ ВА СИНОНИМИЯ

Нафасова В. Т.
Қарши давлат университети

Паронимия фонологик-фонетик ва маъновий хусусиятлари билан синонимия ҳодисаси билан муносабатдош, ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатларга эга. Тилда мавжуд бўлган барча лексик бирликлар ўзаро синонимик ва паронимик муносабатга кириша олмайди. Тил бирликларининг ўзаро синонимик ва паронимик муносабатлари чегараланган ва чекланган. Синонимлар ва паронимлар, гарчи тилда универсал ҳодисалар ҳисобланса ҳам, уларнинг муносабатга киришуви учун лексик бирликлар мазмун ва ифода жиҳатларининг маълум бир меъёр, принцип ва талаблари мавжуд. Паронимлар тилда шаклий ва маъновий категориялардан бири бўлганлиги сабабли паронимлар ва синонимларнинг ўзаро лисоний, нутқий, экстралингвистик (маърифий-маънавий, этнологик, психологик ижтимоий-сиёсий, ҳудудий-шевавий, профессионал-касбий) хусусиятлари, муносабати, ўхшаш ва фарқли белгилари назарий ва амалий жиҳатдан қиёсий усулда ўрганиб чиқилмаган. Ўзбек тили синонимлари билан паронимларини қиёслаб қуйидаги ўхшаш ва ноўхшаш хусусиятларини қайд қилиш мумкин. 1. Синонимлар, одатда, очиқ лексик тизим. Паронимлар эса ёпиқ лексик тизим. Синонимик қатор ҳосил бўлиши учун энг камида иккита лексик бирлик талаб қилинади. Паронимияда ҳам худди шу талабга амал қилинади. Энг кам аъзоли синонимик қаторда иккита лексема иштирок этса (*ёрдамчи – кўмакдош, каникул – таътил*), энг кўп аъзоли синонимик қаторда эса ўндан ортиқ лексема бўлаверади: *уятсиз, беномус, номуссиз, беҳаё, ҳаёсиз, бетсиз, юзсиз, орсиз, андишасиз, шарманда, шармсиз, бешарм, беибо, ибосиз, бетавфиқ*.[9; 308] Синонимик қатор таркибида чекланиш ва чеклаш йўқ. Паронимик жуфтлик таркибида чеклаш ва чекланиш мавжуд. Паронимик қатор таркиби, асосан, икки лексемали, баъзан уч лексемали ҳам бўлиши мумкин: *баён – баян – боён; дафн – дафна – дафина, кофе – кофи – кафе; паланг – фаланг – фаранг; сара – сира – сийра; талон – таллон – тарлон; хўп – хўб – хоб; қирол – қарол – қурол; қарсак – қарсоқ – қурсоқ.* Уч лексемали паронимик қаторлар миқдори ўзбек тили лексикасида нисбатан кам миқдорни ташкил қилади.

2. Синонимик қаторда лексемаларнинг талаффузи бош омил, бирлаштирувчи хусусият ҳисобланмайди. Паронимик жуфтликда лексемаларнинг талаффузи, айтилиши бош, етакчи омиллардан бири саналади. Паронимик жуфтлик аъзоларининг фонологик-фонетик тузилиши паронимик муносабат юзага келишида бирламчи фазилат эканлиги тилшунослар томонидан алоҳида таъкидланган. Паронимларнинг товушлари ўхшаш [5; 60], ўхшаш қилиб айтиладиган [2; 72], талаффуздош, айтилишида ўхшашлик бўлган [4; 87], ўхшаш қилиб айтиладиган [3; 4], айтилиши яқин, лекин айнан бир хил бўлмаган, талаффузи яқин [1; 236.] лексемалар қатори сифатида талқин қилиш паронимлар табиатида лексеманинг фонологик-фонетик тузилишида бош белги, меъёр эканлиги билан изоҳланади: *бал – балл, божа – бажо, борлик – борлиқ, бормоқ – бармоқ, ёт – ёд, йиғим – йиғин, кўммоқ – кўнмоқ, охир – охур, сиқим – сиғим, эгалламоқ – эгарламоқ, қормоқ – қармоқ, ғазо – ғоза*.

3. Синонимик қаторда мазмун жиҳат бирламчи, энг етакчи, бош омилдир. Тилни, нутқни мазмун бошқаради. Фалсафий нуқтаи назардан ҳамма нарсада, жумладан, тилда ҳам, нутқда ҳам, лексемаларда ҳам, сўз бирикмасида ҳам, гапда ҳам мазмун бирламчи, ифода шакл иккиламчидир. Синонимик қаторда лексемаларнинг бирлаштирувчи маъноси бир хил, умумий бўлади, ҳар бир лексема қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби бир қатор хусусиятлари билан фарқланади [9; 3]. Паронимик жуфтлик аъзоларининг мазмун жиҳатида ўзига хос бир неча хусусиятлар мавжуд: а) бир асосдан ясалган, ясамалиги билан шаклий умумийликка эга бўлган, ясовчиси билан фарқланадиган паронимик қаторларда маъновий умумийлик, бирлаштирувчилик мавжуд: *болалик – болали, илгак – илмак, оталик – оталиқ, чинқироқ – чинқириқ, ўпқон – ўпқин, қия – қиё, қопағон – қопонғич;* б) асос қисми ҳар хил бўлган паронимик қаторларда маъновий ҳар хиллик бўлади, маъно жиҳатдан фарқли хусусиятга эга бўлгани сабабли улар омонимларга яқин туради: *артмоқ – аритмоқ, асир – аср, томмоқ – тонмоқ, тунамоқ – тўнамоқ, шох – шоҳ, эгалламоқ – эгарламоқ, эгмоқ – экмоқ, элтмоқ – элитмоқ, қасир – қаср;* в) асос қисми бир хил бўлиб, шакл ясовчиси билан фарқланадиган, шакл ясовчиси туфайли маъно таркибида ҳам ўзгариш юз берган паронимик жуфтликлар: *атанмоқ – аталмоқ, бўшанмоқ – бўшалмоқ, ечинмоқ – ечилмоқ, тутинмоқ – тутилмоқ, ютинмоқ – ютилмоқ, ўтинмоқ – ўтилмоқ;* г) асос қисми ва маъноси ҳар хил бўлса ҳам, ясовчиси бир хил паронимик жуфтликлар: *ёйиқ – ёзиқ, жазилламоқ – жизилламоқ, зўриқмоқ – зориқмоқ, кўнчилик – кончилик, оқма – оғма, сиқма – суқма, тузум – тизим, туссиз – тузсиз.*

4. Бир синонимик қаторга кирувчи лексемалар сирасида бир лексема бош лексема вазифасини бажариб, барчаси учун умумий бўлган маънони аниқ ифодалайди [9; 5]. Паронимик жуфтликда икки лексема бири бирига нисбатан мазмун жиҳати билан эмас, ифода-айтилиш жиҳати билан бош лексемага ўхшаш бўлган фонетик вазифани бажаради. Паронимик жуфтликнинг биринчи аъзоси бошқарувчилик мақомида бўлади, иккинчиси эргашувчи, унга ўхшатиб айтилувчи мақомида бўлади. Бу таркибида ясовчиси бўлган барча

паронимик жуфтликлардан бошқа паронимларга хос бўлган умумий хусусиятдир: *абзал – афзал, адип – адиб, азим – азм, арпа – арфа, аҳил – аҳл, ганч – ганж, мурабба – мураббо*.

5. Таҳлиллар синонимик қатор ва паронимик жуфтлик таркиби таҳлили мустақил ва ёрдамчи туркумга мансуб лексик бирликлардан иборатлигини кўрсатди. Бу жиҳати билан синонимик қатор ва паронимик жуфтлик таркибида умумийлик мавжудлиги аниқланди, паронимик жуфтликда ундов ва тақлид лексемалар иштирок этади. Синонимик қаторда эса бу икки туркум лексемалари, деярли, учрамайди. Энг муҳими синонимик қатор ва паронимик жуфтлик таркибининг ўзаро туркумлараро нисбатидир. Синонимик қатор ўзбек тилида, асосан, бир туркум лексемаларида воқе бўлади. Турли туркумга мансуб лексемалар ўзаро синонимик муносабатга киришмайди. Паронимик жуфтликда бир туркум лексемалари орасида ҳам, икки туркум лексемалари орасида ҳам паронимик муносабат юзага келаверади. а) бир туркум доирасидаги паронимик жуфтликлар: *ваҳ – воҳ; саноат – синоат; ола – аъло; тузмоқ – тизмоқ;* б) турли туркум лексемалари доирасида: *ахир – охир – охур, бад – баъд, бирда – бирга, буламоқ – буламиқ, гаҳ – гоҳ, дудоқ – дудуқ, кофи – кофе, халос – холос, чакка – чекка, четки – чертки, эгали – эгалик, қабул – қабил.*

6. Паронимларга хос бир нутқий, ҳатто лисоний ҳолат мавжудки, бу ҳолат синонимик қатор бирликларини ёзма ва оғзаки нутқда қўллашда кузатилмайди. Ёзма ва оғзаки нутқда паронимларни қўллаш билан боғлиқ нутқий хатолар, янглишликлар кўп учрайди. Буни қуйидаги паронимик жуфтликларни қўллашда кузатиш мумкин: а) *кўргилик – кўргулик*: Музейда *кўргилик* нарсалар кўп. (Сўзл.); б) *шахт – шаҳд*: – Кетдик, – деди қози хизматкорига ва илгаридек *шаҳд* билан от чоптириб кетди. (З. Аълам). Ушбу гапда *шахт* лексемаси қўлланиши керак; в) *омухта – омихта*: Ўз қорнини ўйламай, Ўйлаган сўз қадрини, Унга *омухта* қилиб, Хушбўй кўнгил атрини. (М. Жалил). *Омихта* (аралаш, қоришиқ) лексемаси бўлиши лозим; г) *алфоз – алпозда*: Шу *алфозда* уч-тўрт жумла айтганди. (З.Аълам). *Алпозда* лексемаси қўлланса, тўғри бўлади; д) *қулп – қулф*: Боғлари *қулф* урди. Боғлар гуллади. (Т.Тўла). Бу гапда *қулп* лексемаси бўлгани маъқул; е) *-лик ва -ли* ясовчили паронимлар: *Болалик* уй бозор, боласиз уй мозор. (Мақол) *Оталик* ўғил – *эгалик* қул. (Мақол). *Болали* уй, *отали* ўғил, *эгали* қул бирикмаси қўлланса, мазмун тўғри ифодаланарди. ё) *қатъий – қатъи (назар)*: ..қачон кўришдан *қатъий* назар жазолашга мутлақ ҳуқуқи бор. (З.Аълам); ж) *чангал – жангал*: *Чангал* ўзини боғ санар. (Мақол) "*Жангал* ўзини боғ санар" мақоли – мантиқан тўғри.

Паронимларни нутқда қўллашдаги хато ва янглишликлар нутқ эгаларининг субъектив фаолияти билан боғлиқ деб қараш ўрнига тилнинг табиатига, тил лексикаси тизимининг ўзига хослиги билан боғлиқ деб қараш лозимлигини талаб қилади. Шуни таъкидлаш мумкинки, "ҳар қандай паронимик жуфтликнинг ҳар бир компоненти нутқда хато қўлланиш, алмашиниб истеъмол қилиниш имкониятига эга" [1; 14].

7. Синонимик қатор ва паронимик жуфтликларга (ҳамма паронимик жуфтликларда эмас, баъзиларида, хусусан, асосдош, асоси бир хил бўлиб, таркибидаги ясовчи бирлиги билан фарқланадиган паронимик жуфтликларга) хос бўлган бир умумий, ўзига хос хусусият мавжудки, улар "тушунчанинг белгисини турли даража билан ифодалаши мумкин" [9; 4]. Синонимик қатор аъзоларига хос қўшимча маъно нозикликлари паронимик жуфтлик бирликларида ҳам ифодаланади. *Қопағон* (қопиб, тишлаб оладиган, қопиш, тишлаш одати бор бўлган) ит – *қопонғич* (ўзидан ўзи қопаверадиган) кучук [8; 333, 335], *сузағон* (сузишга одатланган) сигир – *сузонғич* (тўғри келганни сузаверадиган) мол [7; 582, 584]. *Қопағон – қопонғич, тепағон – тепонғич* каби паронимик жуфтликларда синонимлик хусусияти ҳам мавжуд, лекин синонимликдан кўра, паронимлик белгиси кучлироқ. *Қопағон, сузағон* лексемаларидан кўра, *қопонғич, сузонғич* лексемаларида маъно бўрттириш кучлироқ, бу икки лексеманинг фаоллик даражаси кучсиз, кам қўлланади, услубий хосланган, кўпроқ оддий сўзлашув нутқида қўлланишга мослашган. Синонимик қатор ва паронимик жуфтликларга хос бўлган умумий маъновий хусусият *илжаймоқ – иржаймоқ, ишшаймоқ – иржаймоқ* лексемаларида ҳам мавжуд. Бу икки жуфтлик *жилмаймоқ, кулимсирамоқ, тиржаймоқ* феъллари билан бир синонимик қаторни ташкил этади [9; 97]. *Илжаймоқ – иржаймоқ* жуфтлиги – пароним. Мийиғида кулмоқ маъносининг ижобий ҳолати – *илжаймоқ*, салбий ҳолати – *иржаймоқ*. Маъновий зидланиш, антонимик маъно ҳам мавжуд. Асосий маъносига кўра, бир-бири билан синонимик муносабатда бўлиб, синонимик қатор таркибида лексик бирлик мақомига эга бўлган айрим ясама ва туб лексемалар англатган маъносининг ўзига хослиги, нозиклиги, ижобий ё салбий баҳо ифодалаши нуқтаи назаридан паронимик муносабатга киришиб, паронимик қатор ташкил қилар экан, уларни синонимик паронимлар деб қараш мумкин. *Илжаймоқ – иржаймоқ* каби туб паронимларда, *севикли – севимли, суюкли – суюмли* ясама паронимларда синонимик муносабат ҳам мавжуд [9; 34].

8. Синонимик қатор таркибидаги лексик бирликлар этногенетик жиҳатдан: 1. Бир тилга мансуб: *хат, мактуб* – арабча+арабча; *тергамоқ, кутмоқ* – ўзбекча+ўзбекча; *чапак, қарсак* – форс-тожикча+форс-тожикча лексемалардан иборат бўлганидек, турли тилларга мансуб лексемалар ҳам ўзаро синонимик муносабатга киришиб синонимик қатор ҳосил қилади. Бу ҳолат паронимик жуфтликларга ҳам хос. 1. Бир тил лексемаларидан иборат паронимик жуфтликлар: арабча (*алифбе – алифбо, жазм – жазб, танқис – тансиқ, ҳасрат – ҳазрат)*, форс-тожикча (*бас – баст, пайдор – пойдор, пайкал – пайкар, пилла – палла, пой – пай, поча – пойча, якбора – якпора, ялла – ялло*), русча ва рус тили орқали ўзлашган лексемалар (*адресант – адресат, дипломант – дипломат*). 2. Турли тилларга мансуб: *бўғот – боғот, товон – тавон, ора – оро* (ў+ф.т.), *аския – акция* (а+р.), *қат – қад, қисим – қисм, солиқ – солиҳ* (ў+а.), *сероб – сироп, тос – тост, ёд – йод, кон – конь* (ф.т. +р.), *шўро – шўра, вали – вале* (а+ф.т.).

9. Паронимлар ҳам, худди синонимлар сингари эмоционал бўёқдорлиги ё шундай хусусиятга эга эмаслиги, нутқнинг бирор услубига хосланганлиги ё хосланмаганлиги, эскирган ё эскирмаган лексема бўлиши, терминологик ё соҳавий лексика, шевавий ёки адабий тил бирлиги бўлиши ёки бўлмаслиги нуқтаи назаридан

баҳоланиши мумкин. Аксарият паронимик жуфтликлар адабий тил лексемаларидан ташкил топган. Паронимларда ҳам синонимларга хос бўлган юқорида зикрланган хусусиятларнинг барчаси мавжуд: 1) *йўқча* (*с.н*.: ниҳоятда кам, жуда оз, озгина, йўқдек) – *йўқчи* (*фольк*.: йўқловчи, сўровчи, излаб юрувчи). *Йўқча* гуруч ош бўлур, Меҳмон кўнгли хуш бўлур (Мақол). *Йўқчи* онасининг қўйнидан излар (Мақол); 2) *сарт* (*ф.кам қўлл., тар*.: чор Россияси ҳукмронлиги даврида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги маҳаллий халққа европаликлар томонидан берилган ном) – *сард* (*этн. кам қўлл*. роман тилларидан бири). Ҳозир тегишли ишларда улар кўпинча 12 та деб кўрсатилади: испан, галиси(я), португал, каталан, окситан (провансаль), француз, итальян, *сард*, ретороман, румин, молдаван ва 19-асрдан ўлик ҳисобланган далмат тиллари. (ЎзМЭ). Наҳотки *сарт* одам бўлмаса? Гуноҳим нима экан, ахир! – деб ўйлади Ботирали. (С.Аҳмад); 3) *гўл* (*ф.с.н*.: ҳар нарсага ишонаверадиган; содда, анойи) – *гол* (*инг*л. спорт. Футбол, хоккей ўйинида рақиб команда дарвозасига киритилган тўп, шайба). *Гўлни гўл* дейди, гулни гул дейди. (Газетадан); 4) *гулламоқ* (гул очмоқ, яшнамоқ, гулзор бўлмоқ) – *гурламоқ* (*поэт*. гур-гур тарзида овоз чиқармоқ) *Гулласин, гурласин* бу чаман, Сенинг меҳнатингдан очиб гул. (Т.Тўла); 5) *таассуб* (*а. эск.с.н*.: бирор кимсага ёки нарсага тақлид қилиш; эътиқод, маслак) – *таассуф* (*а.кт*. афсусланиш, руҳий эзилиш ҳисси). "*Таассуб* уйи" ер билан яксон бўлди, Бўлди кенг дунё торгина зиндон. (Ҳ.Олимжон) *Таассуф* қилган билан иш битмайди, Яхшиси ўзингиз келинг. (Газетадан); 6) *қизиқ* (кишини ҳайрон қолдирадиган; қизиқарли) – *қиззиғ* (*поэт*. қизиган, юксак ҳароратли). Бордир халқимизда бир *қизиқ* масал. (Ё.Исҳоқов) Офтобнинг *қиззиғ* тафти Шудгорнинг сиртида. (Ҳ.Олимжон); 7) *чалоб* (*с.н*.: сузмадан тайёрланган чанқовбосди ичимлик) – *чалов* (*бот*. ем-хашак бўладиган кўп йиллик ёввойи ўсимлик). Ёзда *чалоб* ичсанг, чанқовинг босилади. (Сўзл.) Ўрта Денгиз соҳилларида *чалов*, чўл пиёзи, наъматак, янтоқ ва бошқалар бор. (ЎзМЭ)

9. Паронимлар бир маъноли ва кўп маъноли лексемалардан ташкил топиши мумкин: 1) *адил* (1 Тўғри, эгилмаган, букилмаган, тикка. 2 Бурилмаган, тўпа-тўғри) – *адл* (адолат, одиллик).

2) *кўммоқ* (1 Ковланган ерга жойлаб, устини беркитмоқ; 2 Тупроқ, шағал, қум, тош, кесак, хашак каби нарсалар билан қоплаб беркитмоқ. 3 Ўликни гўрга қўймоқ, дафн этмоқ. 4 Чуқур ерни тўлдирмоқ, ер билан текисламоқ. 5 *кўчма* Жуда ортиқ даражада таъмин эмоқ; тўкиб, ёғдириб ташламоқ) – *кўнмоқ* (1 Бирор иш, илтимос, шарт, талаб ва ш.к.ларга рози бўлмоқ; хўп демоқ, унамоқ. 2 Қаноат қилмоқ, кўникмоқ. 3 Йиғи, хархашадан тўхтамоқ; овунмоқ) [6; 456, 462]. Келтирилган *адил – адл, кўммоқ – кўнмоқ* паронимик жуфтликларида, кўпинча, сўнгги лексема биринчи лексема сингари *адил, кўммоқ* тарзида айтилади. Оғзаки нутқда ифодавий тенглик, бир хиллик устун ҳолга эга деб айтиш мумкин. Лекин мазмун жиҳатидан бундай деб бўлмайди.

10. Паронимик жуфтлик бирликлари таркиб жиҳатдан содда ва ясама лексемалардан иборат бўлиши мумкин: а) содда лексемалар: *қирол – қарол, адаш – одош, алам – аълам, артмоқ – аритмоқ, асир – аср, ая – оя, йиқмоқ – йиғмоқ, тамбур – танбур;* б) содда ясама лексемалар: *бежон – бежол, босқончи – босқинчи, ўпқон – ўпқин, қучоқ – қочоқ, беназар – беназир, болали – болалик, бўшлик – бўшлиқ, бўшоқ – бошоқ, эмчи – энчи, йиғим – йиғин, четки – чертки, ёлламоқ – ёдламоқ, ўртача – ўртанча, ҳарбий – ҳарфий;* в) қўшма ясама лексемалар: *хумкалла – хомкалла, қўшхона – қушхона*.

Синонимияда содда лексема билан қўшма лексема синонимик қатор ҳосил қилиши мумкин: *жирканмоқ, ҳазар қилмоқ, йирганмоқ* [9; 99]. Паронимияда содда лексема билан қўшма лексема паронимик муносабатга кириша олмайди. б) Синонимияда туб ва содда ясама, баъзан қўшма ясама лексемалар синонимик қатор ташкил қилаверади: *катта, улуғ, буюк, зўр, азим, азамат, улкан, баҳайбат, ҳайбатли, йирик, гигант* [9; 119]; *касал бўлмоқ, касалланмоқ, бетоб бўлмоқ, бетобланмоқ, оғримоқ* [9;118]. Паронимияга бундай ҳолат хос эмас. Содда, ясама лексемалар ўзаро паронимик муносабатга кириши мумкин: *сутхўр – судхўр*. Лекин содда, содда ясама лексемалар қўшма лексемалар билан ҳеч қачон паронимик муносабат ҳосил қила олмайди.

Паронимлар билан синонимларнинг ўхшаш ва фарқли белгилари

№	Ўхшашлик ва фарқланиш белгилари	Паронимлар	Синонимлар
1	Маъновий ҳар хиллик	+	+
2	Маъновий яқинлик	+	+
3	Фонологик-фонетик яқинлик	+	–
4	Фонологик-фонетик мослик	–	–
5	График тенглик	–	–
6	Турлича бирикувчанлик	+	+
7	Вазифавий мустақиллик	+	+
8	Турли туркумлар доирасида	+	+
9	Бир туркум доирасида	+	+
10	Ясовчи бирликларнинг иштироки	+	+
11	Бир тилга мансуб лексемалар доирасида	+	+
12	Турли тилларга мансуб лексемалар доирасида	+	+
13	Миқдорий нисбатда чекланиш	+	–
14	Услубий хосланиш	+	+
15	Тиллараро байналмилаллик	+	–

Паронимларнинг тузилишига хос бир хусусиятни алоҳида таъкидлаш мумкинки, паронимик қаторнинг лексик бирликлари бир-бирига фонемаларнинг сони жиҳатидан тенг келади, улар ўртасидаги фарқ ±1 даражасида бўлади. Бўғинларнинг, ҳатто асос ва ясовчиларнинг ифодавий шакли ҳам мос келади: *ота – ато, омухта – омихта, охир – охур; хол – ҳол, шох – шоҳ; гал – галл, бал – балл, ҳумо – ҳимо, хирс – ҳирс, ҳазил –*

ҳазин, обрў – абрў, таллон – тарлон, хушбахт – хушвақт, таҳайюр – таҳайюл, ўтказмоқ – ўтқазмоқ, жаранглamoқ – жирингламоқ. Шу боис паронимлар шеъриятда кўп учрайди. Кўпинча, қофия вазифасида қўлланади. Оҳангдорликни таъминлаш, турли хил бадиий санъатлар яратиш учун паронимлардан фойдаланиб, парономазия, поэтик аттракция, мувозана санъати намуналари яратилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Вишнякова О.В. Паронимы современного русского языка. (Под ред. Д.Э. Розенталя. -2-е изд., перераб. и доп.) – М.: Русский язык, 1987. – 281 с.
2. Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. – М., 1965. – С.72.
3. Колесников Н.П. Паронимия в современном русском языке//Русский язык в школе. – М.: Просвещение, 1961. – №3. – С.4.
4. Колесников Н.П. Парономазия как стилистическая фигура// Русский язык в школе. – М.: Просвещение, 1973. – №3.
5. Пешковский А.М. Вопросы методики родного языка, лингвистики и стилистики. – М. – Л., 1930. – С.60.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2-жилд, 2006, – 672 бет; 4-жилд, 2008, – 606 бет. 5-жилд, 2008, – 592 б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 3-жилд, 2007.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 5-жилд, 2008.
9. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

Паронимия ва синонимия

Нафасова В. Т. Қарши давлат университети

Резюме. Мақолада паронимия ва синонимия ҳодисасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари изоҳланган. Паронимлар ва бир хил асосли синонимларни яқинлаштирадиган ҳолат тузилиш жиҳатидан ўхшашлигидир. Синонимларнинг маъноси яқин, паронимларнинг маъноси эса ҳар хил, ноўхшаш. Асосдош паронимларда эса маъновий яқинлик мавжудлиги қайд этилган. Паронимларда биринчи лексеманинг бошқарувчи мақомида бўлиши, синонимларда эса бир лексема бош лексема вазифасини бажариши келтирилган.

Таянч сўзлар: параним, синоним, паронимия, синонимия, паронимик қатор, паронимик жуфтлик, паронимик муносабат, синонимик қатор, синонимик муносабат.

Паронимия и синонимия

Нафасова В.Т. Каршинский государственный университет

Резюме. В статье раскрываются сходства и различия феномена паронимии и синонимии. Обосновывается, что ситуация, сближающая паронимы и синонимы одного и того же основания, заключается в их структурном сходстве. Значения синонимов близки, а значения паронимов разные. Основные паронимы указывают на духовные сходства. В паронимах указывается, что первая лексема имеет большой статус, а в синонимах одна лексема выступает в качестве основной лексемы.

Ключевые слова: параним, синоним, паронимия, синонимия, паронимический ряд, паронимическая пара, паронимическое отношение, синонимический ряд, синонимическое отношение

Paronymy and synonymy

Nafasova V.T.Karshi State University

Summary. The article reveals the similarities and differences between the phenomenon of paronymy and synonymy. The situation that brings paronyms and synonyms of the same base closer together is in their structural similarity. The meanings of synonyms are close, but the meanings of paronyms are different. Basic paronymsindicate spiritual similarities. In paronyms, it is indicated that the first lexeme has a large status, and in synonyms, one lexeme acts as the main lexeme.

Key words: paronym, synonym, paronymy, synonymy, paronymicrow, parony mic pair, paronymic relation, synonymous row, synonymous relation.

УДК: 894.375:416.3

ШЕЪРИЯТДА АНЪАНА ВА БАДИИЙЛИК (Абдулла Орипов шеърлари мисолида)

Райхонова М. М.

Қарши давлат университети

Абдулла Орипов қалами ўткир шоир. Унинг ҳар бир мисраси қалб торларимизни чертиб, ажойиб тароват бахш этади. Шоир ўз шеърларида олам ва одам муносабатларининг янги модели, янгича концепсиясини илгари сурди. Бадиий ижод- ўта мураккаб ҳодиса. Абдулла Орипов фалсафанинг асосий масаласи бўлган оламнинг яратилиши ва унинг тузилиши, борлиқда инсоннинг ўрни ва унинг вазифалари каби муаммоларнинг бадиий талқинини ўзига хос тарзда куйлаган шоир. Аслида, Абдулла Орипов шеъриятидаги ўзига хослик ҳам, унинг назмимизга киритган янгилиги ҳам шунда кўринади:

*О, қанчалар севар эдим **инсон** зотини,* *Бугун тўниб, атрофимга қарайман секин,*
Қандай буюк муҳаббат-ла севар эдим мен. *Ўт беролмас қалбга энди у ёшлик дамлар. (*1-жилд. *116- бет)*

Адабиётшуносликнинг бош вазифаларидан бири инсон қалбининг гўзаллиги учун курашдир. Зеро, инсон қалбини барча ижобий хислатлар гўзаллаштиради. Инсон қалбида икки куч доим кураш олиб боради. Ёвузлик ва яхшилик. Шу иккаласи таъсирида инсон шайтоний йўлдан узоқлашиб, рахмоний йўл сари қадам босади. Бу йўл инсонни гўзаллаштириб, уни иймон-эътиқодини мустаҳкамлайди. Ўзбек шеъриятида инсон қалбидаги мураккаблик, зиддиятлар, ҳақ-ноҳақликларни, адолат, разолатни теран ва ҳаққоний, айниқса ўзига хос бетакрор куйлаган ижодкор ўқувчини мантиқий фикрлашга чорлайди.

***Инсон** туғилади асли белибос,* *Лекин ўртадаги умрчи-умр....*
Бир парча эт бўлиб келар жаҳонга, *Ўчмас тамға бўлиб қолгай то абад.*
Либосу ҳашамдан бўлгай у халос, *Балки ёғар унга раҳмат деган нур,*
Кетар чоғида ҳам сўнгги маконга. *Балки кўмар уни маломат, нафрат. (2-жилд, 120-бет).*

Абдулла Орипов ўзбек адабиётида янгича бадиий тафаккур йўсинларини олиб кирди. Унинг ижоди таг-томиригача миллийлик руҳи билан суғорилган. Бу миллийлик маҳдудлик, биқиқлик, фақат ўзинигина ўйлаб, ўзгаларни менсимаслик ёхуд ҳақорат қилиш асосига қурилган эмас. Бу миллийлик замирида ўзбекона бағри кенглик, тантилик, олижаноблик ва инсониятнинг бахт-саодатига, меҳр-мурувватига бўлган куюнчаклик ҳиссининг уйғунлиги ётади. Шоир бир мисрасида инсониятни улуғлаб:

*Мен **инсон**ни бир **инсон**дай севардим, лекин* *Қайлардадир ҳамон кезар зулмат тимсоли,*
*Нечун кўпдир ҳалигача разил **одам**лар.* *Қайлардадир ҳамон тинмай оқмоқда-ку қон.*

(1-жилд. 116-бет) -дейди, мен инсонларни севдим, қўлимдан келганча яхшилик қилдим, зеро, ёмонликни тугатолмадим. Шу мисрада шоир инсонлардан ёмонликни қандай тугатмоқ керак? Нима учун инсонларнинг қони бекорга оқмоқда? Бунинг учун нима қилиш кераклигини сўрайди. Шоир мисраларида инсонни ҳазрати инсон деб кўкларга кўтаради. Шу ўринда ўқувчини бир савол қийнайди, наҳот ҳазрати инсон қўлидан фисқу-фасод, ҳасад, хусумат, қотиллик келса...

Кўзларимга гоҳ кўринар телба мисоли *Қайлардадир фисқу фасод, ҳасад, хусумат,*
Мен бир вақтлар сажда қилган ҳазрати инсон. *Инсоният фарзандларин тортмоқда дорга.* (1-жилд. 116-бет).

Халқ донишмандлиги донолигининг шеърий мисралар қатига маҳорат билан сингдирилиши ҳам халқона поэтик тафаккур тамойилларидан саналади. Абдулла Орипов мутафаккир шоир сифатида халқ қалбини, минг йиллар давомида ўзбек халқи ҳаёт тажрибаларидан ўтиб, маънавий қолиплашган ҳикматлар, мақоллар, маталлар, ҳикоят ва ривоятларни жуда яхши билади. Шоир халқимиз яратган маънавий хазинага, халқ қалбининг дилтортар оҳангларига шунчаки эргашмайди; унинг мазмун-моҳиятини тўла ўзлаштириб, ўз бадиий тафаккури мезонлари, ўзи яшаётган давр муаммолари, ҳамнафас ватандошлари ва миллатдошлари кўнгли билан боғлайди. Шоир “Созим” номли шеърида- Мен инсон бўлиб туғилганимдан хурсандман, аммо ҳақсизликларни кўрганимда инсон бўлиб келганимга пушаймон ейман, дод солиб йиғлайман,- дейди,

Мен куйладим ушбу оламда Мен куйладим баъзан аламда
Инсон бўлиб туғилганимни. Йиғлаб-йиғлаб бўғилганимни. (1-жилд. 127-бет).

Ўзбек халқининг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини ўз ташвишидек бадиий таъсирчан бўёқларда бетакрор тасвирлашга эришади. Шундай вазиятлар бўладики, бутун дунё ташвишини ўйлайди, ўзи мансуб бутун бир халқ ғам-ташвишларини “тоғдай оғир юкни” зиммасига олиб, “Қушдай енгил бўлиб юради шоир”. Табиийки, бу шоир қисмати. Бу ҳам Абдулла Ориповнинг ижодкорлик тақдиридир. Шоир руҳан, маънан, жисман ўзини бунёд этган халқ билан, киндик қони тўкилган Ватан билан бирга ҳис этади. Ортиқча сўзамоллик, ноўрин ғийбату машмашалар унга ортиқча. У инсонга шундай савол беради:-Сен қачон кимгадир беминнат яхшилик қиласан?-дейди:

Кимнинг иши доимо аталар экан савоб? *Қай бир хилқатни **инсон** беминнат айлар таваб?*
Ким фалакни қуёшдай мангу қилгай томоша, *Ҳақсизликдан мазлумни ичга сиғмаса дарди.(1-жилд 165-бет)*

Инсон қалбини гўзаллаштириш, инсонни комил кўриш, “эртанинг ташвиши” – шоирнинг бош ташвишидир. Шоир англаб етган ҳикмат шуки, ўтмиш турфа хил, бугун ўтиб бормоқда. Халқимиз томонидан қурилган бетакрор обидалардан, яратилган асарлар ва умуман барча маънавий-моддий қадриятлардан баҳраманд бўлиш осон иш. Бироқ келажак учун, келажакдаги шу улкан йўлдан ўтадиган йўловчилар ташвишини чекиб, эрта бир кун баҳайбат чинор бўлиб етишишини ўйлаган ҳолда “бир ниҳол экдингми”, деган бағоят ўринли ва ҳамма замонлар учун муҳим бир саволни қўяди.

Чинор соясидан баҳраманд бўлиб, *Ўзинг ҳам эртанинг ташвишин қилиб,*
Турфа хил эртаклар тўқимоқ осон. *Қайдадир бир ниҳол экдингми, **Инсон.*** (2-жилд, 268-бет).

Инсон ўйлайди. Зероки, бу тўртликдаги ҳикмат, ҳаётнинг турфа соҳаларига ҳам мос келадиган доно фикр халқ бисотидан олинган. XX аср ўзбек адабиёти қаҳрамонларининг олами Абдулла Орипов шеъриятидаги лирик қаҳрамонлар ҳисобига янада бойиди ва ривож топди. Бу қаҳрамонларда уларни яратган муаллифнинг руҳий-маънавий қиёфаси, тафаккури ва идроки, дунёқараши ва тарбия топган муҳити, орттирган билимлари салмоғи ҳамда ўзига хос алоҳида шахс сифатидаги ўзлиги белгиларининг жамул-жами намоён бўлади.

Бироқ, бу Абдулла Орипов шеърларидаги лирик қаҳрамон муаллифнинг ўзидир, деган маънони англатмайди. Бу қаҳрамонлар шоир ҳаётда кўрган, билган, эшитган, идеалда кўришни истаган кишиларнинг ўз тафаккури ва қалби орқали ўтган инъикосидир. Шу боис шоир асарлари қаҳрамонларида ҳаётий реаллик билан бир қаторда муаллиқнинг ўзи ва идеалидан ўтган сифатлар оз эмас. Айни вақтда лирик қаҳрамон моҳият эътибори билан, асосан шоирнинг ўзидан иборат бўлган шеърлар ҳам талайгина. Бундай ҳолларда ҳаётда кўпчиликка хос бўлган ҳис, туйғу, фикр,қараш, хусусият ва бошқалар шоир сиймосида уйғунлашади:

Азизим, пайт келди, кўнглим ёраман, *Отинг қамчилама ўзгирман дея,*
***Инсон**ман, сен ҳорсанг, мен ҳам ҳораман.* *Сен борган у жойга мен ҳам бораман.(2-жилд, 48-бет).*

“Бадиий асар бизнинг кўз олдимизга руҳ ва эркнинг олий манфаатларини намоён этиши зарур” [3, 286]. Ҳозирги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси Абдулла Ориповнинг бой ижодий мероси ўзининг теран мазмундорлиги, ниҳоятда серқирралиги билан ажралиб туради. Шоир шеърларида инсон бу дунёнинг гултожи эканлиги куйланади. Унинг “Умр” деб номланган шеърида инсон қадри ҳақида сўз боради:

***Инсон!** Сенинг учун ҳақиқат-қуёш,* *Афсуски, бошинг хам, кўзларингда ёш,*
Ўзингни тириклик шоҳи санайсан. *Қачон қуёшингга сен тик қарайсан?....(2-жилд. 80-бет).*

Абдулла Орипов илк изланишлариданоқ халқ қалбидан ўрин олди, халқимиз назарига тушди; миллий руҳ хусусиятларини, ўзбек халқи дилидаги орзу-армонларни бадиий тасвирлаб, инсон руҳиятини жами мураккабликлари билан ифодалаш йўлидан борди. Абдулла Орипов шеърларида шахс ва жамият руҳияти, олам ва одам ғам-ташвишлари, орзу-умидлари, бахт-саодати куйланади. Шу боисдан ҳам шоир асарларида эзгулик,

адолат, гўзаллик сингари умуминсоний қадриятлар талқини асосий ўрин тутади. Шоир ўз истеъдодини миллат ва Ватан манфаатлари учун хизмат қилишга қаратади. Хусусан, инсонсеварлик, ватанпарварлик ғоялари ўзаро муштарақликда шоир ижодиётининг негизини ташкил этади. Зеро, Абдулла Орипов шеърияти она халқи ва Ватанига бўлган оташин муҳаббатнинг ёрқин кўринишидир. Ушбу жараёнда халқона поэтик тафаккур, миллийлик руҳи бадиий-эстетик пафос сифатида бўй кўрсатади. Бунинг замирида инсонга муҳаббат – инсонпарварлик туйғулари ётади. Зеро, Абдулла Орипов шеъриятида, барча буюк адиблар ижодида бўлгани каби, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашиб, яхлит бир бутунликни ташкил этади. Унинг "Ҳасрат" шеърида инсоннинг салбий ҳолатлари акс эттирилади:

Қочган ҳам, қувган ҳам Аллоҳим дейди ***Инсон****-чи, то ҳануз ёвуз ва ғаддор,*
Қочган ҳам, қувган ҳам эмасман дўстим. *Бир-бирин тинимсиз тортади чоҳга.*
Мининг изтиробим шул ***Инсон*** *эди,* *Бундайин қисматга кўникмоқ душвор*
Инсон*дан ўзгани демасман, дўстим.* *Нетай, ҳасратимни дейман Аллоҳга. (2-жилд, 188-бет).*

Халқона поэтик тафаккур тамойиллари негизини халқ манфаатларини, дард-аламини ва сурурини, ўша халқ истиқомат қиладиган муқаддас макон – гўзал Ватан улуғворлигини теран, самимий, содда, мазмундор, фалсафий тарзда бадиий маҳорат билан акс эттириш ташкил қилади. Халқона поэтик тафаккур асослари бадиий адабиётнинг жамиятда адо этадиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий вазифалари билан чамбарчас боғлиқ, албатта. Шоир инсон руҳи ва вужудини ларзага соладиган туйғуларни қаламга олди. Унинг шодлиг-у қувончини, ғам-у ташвишини ўз шеърларида акс эттирди. Айниқса, Инсон номининг улуғлигини ўзининг "Инсон" номли шеърида исботлай олди:

Таважжуҳ айлади Тангри таоло, ***Инсон****ни эътироф этмаган асно*
Муқаддас саналди ***Инсон*** *деган ном.* *Иблис ҳам қувилди Аршдан батамом. (2-жилд, 203-бет).*

Шоирнинг меҳр-муҳаббати, халқининг забун аҳволи учун инграётгани яққол кўзга ташланади. Мисралар моҳиятига жам бўлган зидлов, туйғуларнинг ўзаро қаршиланишида майдонга келган фалсафий мазмун ва оҳанг шоир тафаккур тарзининг ўзига хос сифат даражаларини, миллий руҳ қувватини кўрсатади. Зеро, бу ҳолат бадиий матннинг барча қатламларига ҳаёт бағишловчи бадиий-эстетик тафаккур табиатидан келиб чиқади. Бу эса, ўз-ўзидан миллий руҳ ва онг-шуур орқали зоҳир бўладиган миллий маънавиятнинг бадиий асар жисмига нечоғлик сингдириб юборилганига дахлдор ҳодиса. Миллий руҳ деганда маълум бир миллатга хос маънавий-ахлоқий маданият белгилари: инсоф, ҳалоллик, ҳақгўйлик, орият, вафо, ор-номус каби эзгу ҳислат-фазилатлар кўзда тутилади. Эзгулик, адолат, гўзаллик сингари башарий қадриятларни ўрганиш ва баҳолашдаги миллат ва Ватан манфаатлари бадиий тафаккур табиатига ўрнашган бўлади. Демак, бадиий асардаги миллий руҳ - ижодкорнинг халқ билан алоқаси, халқ оммасининг ҳаёти, кураши, ғоялари, ҳиссиёти ва интилишлари, манфаатлари ва мақсадларининг адабиётдаги поэтик ифодасидир. Ўзига хос хусусиятларга эга бўлган халқона поэтик тафаккур ва миллий маънавият тушунчалари ўзаро узвий яхлитликка эга бўлган тушунчалардир. "Шахс ва миллат руҳияти маънавият билан туташ бўлиб, асосий фарқларидан бири – руҳият мураккаб воқелик сифатида ўзида ҳам раҳмоний, ҳам шайтоний хислатларни, ҳам фазилат, ҳам қусурларни, ҳам табиий, ирсий, ҳам атроф-муҳит таъсиридаги ҳолатларни акс эттирса, маънавият шахснинг, миллатнинг инсоний фазилатларини, унинг қалбидаги илоҳий нур инъикосини намоён қилади" [3, 286]. Демак, ижодкор талқинида икки ёқлама зиддиятли табиатга эга бўлган руҳият ва маънавият тушунчалари бир вақтнинг ўзида бир-бирини тақозо қилади: яна инкор ҳам этувчи ҳодисалар сифатида бадиий аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек шеъриятида инсонийлик фалсафаси, инсон ва унинг гўзал қалб тароватини тараннум этиш устуворлик қилади. Абдулла Орипов шеъриятида инсон ва унинг бадиий олами, ижодкор ва шахс муносабатлари, шунингдек, илоҳий ва ижтимоий муносабатнинг бадиий тасвир поэтикаси билан алоқадорлиги акс этган. Ўқувчи ундан озиқланади ва борлиқда инсоннинг ўрни ва вазифаларини англаб етишида шоир ижоди ёрқин мисол бўла олади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.62.
2. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.62.
3. Гегель Г.В.Ф. Сочинения. Т.XII. – М., 1938. – С.286.
4. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.168.

Шеъриятда анъана ва бадиийлик (абдулла орипов шеърлари мисолида)
Райхонова М. М. Қарши давлат университети

Резюме. Мақолада Абдулла Ориповнинг индивидуал услуби, у яратган образлар тизими одам ва оламга дахлдор воқеликни, қалбдаги нозик инсоний туйғуларини ўзига хос услубда ифода қилиш жараёни акс этган. Шоирнинг ҳозирги давр ўзбек шеъриятида инсон қалбидаги мураккаблик, зиддиятлар, ҳақ-ноҳақликларни, адолат, разолатни теран ва ҳаққоний, айниқса ўзига хос бетакрор куйлаганлиги шарҳланган.

Таянч сўзлар: Глобал, мезон, ўлчов, кечинма, ижод, поэтик тафаккур, миллийлик руҳи, бадиий-эстетик пафос

Традиция и искусство в поэзии (на примере стихов Абдуллы Арипова)
Райхонова М.М. Каршинский государственный университет

Резюме. В статье анализируются индивидуальный стиль Абдуллы Арипова, отмечается, что в созданных им образах поэт глубоко и правдиво воспел противоречия, несправедливость, справедливость, порочность человеческого сердца.

Ключевые слова:глобальность, критерии, измерение, опыт, творчество, поэтическое мышление, национальный дух, художественно-эстетический пафос

Tradition and art in poetry (on the example of the poetry of Abdulla Aripov)
Raikhonova M.M. Karshi State University

Summary. The article analyzes the individual style of Abdulla Aripov, the system of images he created, subtle human feelings, it is noted that the poet deeply and truthfully sang contradictions, injustice, justice, depravity of the human heart.

Key words:globality, criteria, measurement, experience, creativity, poetic thinking, national spirit, artistic and aesthetic pathos

---

ЛАКУНЫ КАК ДЕТЕРМИНАНТЫ СПЕЦИФИКИ ЯЗЫКА И КУЛЬТУРЫ В КАРАКАЛПАКСКОЙ И АНГЛИЙСКОЙ КУЛЬТУРАХ

Жумамуратова Р.

Каракалпакский государственный университет

В данной статье речь идет о языковых лакунах и находящейся с ними в отношениях корреляции безэквивалентной лексике в английском и каракалпакском языках. Невидимые изнутри, но выявляемые при сопоставлении двух лингвокультур, лакуны и безэквивалентная лексика являются фиксаторами их специфики и в процессе преподавания заслуживают особого внимания, так как несут и себе богатую информацию о культуре изучаемого языка и менталитете его носителем. Лакуны в самом общем их понимании фиксируют то, что есть в одной локальной культуре и чего нет в другой. В этой связи встает вопрос о соотношении специфического и универсального в отдельных культурах.

Лакуны как инструмент исследования понимания инокультурного текста. В рамках одного из подходов к теории лакун рассматривается существование лакун с точки зрения лингвистических и культурологических универсалий. Некоторые феномены культуры/языка, обладая статусом универсальности, могут при этом не быть предоставленными обязательно во всех локальных культурах. Иными словами, для некоторых культур такие феномены оказываются лакунизированными. В рамках другого подхода понятие “лакуна” интерпретируется в терминах инварианта и варианта некоторого вербального и невербального поведения, присущего той или иной локальной культуре. Под инвариантом понимается вся совокупность вербального и невербального поведения homo sapiens, которое, реализуясь в определенном лингвокультурном варианте, обладает некоторыми различиями и совпадениями по сравнению с другим лингвокультурным вариантом поведения.

Лакуна, следовательно, - это понятие, фиксирующее национально-культурную специфику сопоставляемых языков и культур. Лакуны сигнализируют о специфике лингвокультурной общности с разных сторон: они характеризуют специфику реалий, процессов, состояний, противоречащих узуальному опыту носителя того или иного языка, культуры. Согласно подходу, предложенному Ю.А. Сорокиным, лакуны существуют в тексте (главным образом в художественном). Проблему существования лакун в текстах можно интерпретировать с точки зрения несовпадения национально-культурных типов реципиентов текста. Свойственный каждой локальной культуре комплекс знаний в соединении с психическими особенностями и национальным характером носителей той или иной культуры формирует определенный тип реципиента/читателя, на который обычно ориентируется автор художественного произведения. Установление лакун в инокультурном тексте, следовательно, есть выявление того, в чем не совпадают национально-культурные типы реципиентов, принадлежащих двум различным культурам. Ю.А. Сорокин предлагает рассматривать тип реципиента/читателя как этнопсихолингвистический тип, понимаемый как интеллектуально-эмоциональный тип личности со специфической структурой речевого (и неречевого) коммуникативного поведения, определяемой культурными особенностями того общества, к которому данная личность принадлежит. Все интерпретируемое реципиентом как ошибочное, непонятное, странное, является специфическим сигналом присутствия в тексте языковых феноменов и/или наличия внеязыковых коррелятов, соотнесенных с понятийной структурой и психическим типом, неидентичными соответствующим характеристиками реципиента. Случаи такой интерпретации являются сигналом эксплицитного наличия в данном тексте лакун того или иного вида.

В узком понимании лакуна - это отсутствие в лексической системе языка слова для обозначения того или иного понятия. Это языковые лакуны, которые Ю.С. Степанов называл пробелами, «белыми пятнами» на семантической карте языка [1, 120]. Они существуют в каждом языке и незаметны изнутри, но выявляются при сопоставлении. Ю.С. Степанов предложил различать абсолютные и относительные лакуны. Абсолютные лакуны осознаются при составлении переводных словарей как слова, не имеющие эквивалента в виде слова в данном языке. Другими словами, абсолютные лакуны — это отсутствие лексической единицы в одном языке при ее наличии в другом, в результате чего значение данной единицы может быть передано только описательно. Так, например, абсолютными лакунами для английского языка являются каракалпакские слова айран, ботакоз, аребек. Относительные лакуны - это слова, употребляемые в языке редко и при особых обстоятельствах.

Относительными лакунами для английского языка можно считать каракалпакские слова шолмек, киймешек, балдыз, которые являются для каракалпакского языка и культуры ключевыми словами. Деление лакун на абсолютные и относительные поддерживается, однако, не всеми исследователями. По мнению Д. Б. Гудкова, сам термин «относительная лакуна» не представляется удачным, поскольку, как он отмечает, «не может быть относительного пробела» |[2, 79]. В широком понимании термин «лакуна» употребляется для сопоставления не только языков, но и других аспектов культуры. Некоторые исследователи предлагают определить лакуны как пробелы, «белые пятна» на семантической карте языка, текста или культуры,

являющихся способами существования национального сознания [3, 4]. Они также выявляются при сопоставлении, которое имеет место в условиях межкультурного общения. И.В. Томашева предлагает называть лакунами «национально-специфические элементы культуры, нашедшие соответствующее отражение в языке носителей этой культуры, которые либо полностью не понимаются, либо недопонимаются носителями иной культуры и языка в процессе коммуникации» [4, 49].

Лакуны в самом общем понимании фиксируют то, что есть в одной культуре и чего нет в другой, т.е. они являются сигналом специфики языка и культуры. Лингвисты, рассматривающие лакуны в широком понимании кроме языковых лакун они выделяют еще и культурологические лакуны. Они считают такой подход целесообразным и методологически оправданным, поскольку, с одной стороны, такое расширение понятия «лакуна» опирается на реально существующую взаимосвязь языка и культуры; с другой — может способствовать установлению некоторых конкретных форм взаимосвязи языка и культуры.

В зависимости от выделяемых различий и оснований предлагаются различные классификации лакун. В этнопсихолингвистике выделяются следующие их типы: 1. языковые лакуны (лексические, стилистические и грамматические); 2. культурологические лакуны (этнографические, психологические, поведенческие и кинесические); 3. текстовые лакуны. Если сравнивать английский и каракалпакский языки, то примером лексических лакун в английском языке могут, например, быть каракалпакские слова шубат, жийен, дайы. Грамматической лакуной в английском языке является категория рода. Стилистическими лакунами, выделяемыми на основании отсутствия слова со сходной стилистической окраской в одном из сопоставляемых языков, в английском языке являются каракалпакские слова *шалап, такыя, тобелик* и др.

Этнографические лакуны непосредственно связаны с внеязыковой реальностью, Их существование обусловлено отсутствием реалий, характерных для одной культуры, в другой культуре. Например, такими лакунами для английского языка являются каракалпакские слова *тары, онирмоншак, ашыган*. Поскольку этнографические лакуны занимают промежуточное положение между лингвистическими и экстралингвистическими, некоторые авторы предлагают называть их не культурологическими, а лингвокультурологическими [3, 98]. Психологические лакуны связаны с различиями в национально-психологических типах участников коммуникации (примером такой лакуны может быть, например, каракалпакская добродушность и нерасторопность сравниваемая с английской сдержанностью).

Поведенческие, лакуны представляют собой несовпадение правил повседневного поведения у различных, народов. Выделяются лакуны этикета общения и рутинные. Так, например, пожелание приятного аппетита, принятое во многих европейских культурах, может быть названо поведенческой лакуной для английской культуры. Текстовые лакуны обычно связывают с прецедентными текстами.

Выделяются также эмотивные лакуны, которые тесно взаимосвязаны с языковыми и культурными. Лакунарность в сфере эмоций ощущается как в их номинации, так и в средствах выражения. Лакунарными для английского языка являются, например, каракалпакские обращения с уменьшительно-ласкательными обращением (бозлагым)в каракалпакском языке к лакунам относятся английские обращения sweetheart. honey.

По внеязыковой обусловленности выделяют мотивированные и немотивированные лакуны. Мотивированные — это лакуны, которые объясняются отсутствием соответствующего предмета или явления в национальной культуре, немотивированные лакуны не могут быть объяснены отсутствием явления или предмета — соответствующие предметы и явления в культуре есть, а слов для их обозначения нет. Так, например, слова каракалпакского языка тарлама балалайка, ботакоз являются мотивированными лакунами в английском языке, поскольку они называют не существующие в английской культуре реалии, а слова айран, жури аребек, — немотивированными.

При изучении лакуны мы непременно сталкиваемся с безэквивалентной лексикой, и это не случайно Безэквивалентные единицы и лакуны всегда выявляются «в парах», т.е. если в одном языке есть лакуна, то в сопоставляемом языке — безэквивалентная единица, и наоборот [1. С. 207]. По сути, лакуны и безэквивалентная лексика рассматривают одно и то же явление, но с разных позиций: говоря о лакунах, мы обращаем внимание на факт отсутствия той или иной единицы в одном языке , говоря о безэквивалентной лексике — на факт ее наличия в другом языке и возможности ее соотнесения с первым языком .

Безэквивалентная лексика — лексические единицы одного языка, не имеющие равнозначных соответствий в другом языке, т.е. это единицы одного языка, которые противостоят лакунам в другом. Это прежде всего специфические для конкретной культуры реалии и понятия, наименования предметов и явлений традиционного быта, также историзмы, фразеологические единицы и др. Примерами безэквивалентной лексики, называющей специфичные реалии, в каракалпакском языке являются слова шалап, шубат, кымыз, айран, бәдик, в английском -— beefeater, pint, double- decker. - Безэквивалентными могут быть и слова, называющие существующие в другом языке реалии и понятия, но не имеющие в нем своих наименований (в каракалпакском языке нет эквивалентов английским словам sibling, grandparents, neighbourhood, fortnight и др.).

Данные примеры подтверждают мнение исследователей о том, что отсутствие в языке некоторого слова не означает отсутствие соответствующего понятия [Стернин.И.А.]. Находятся другие слова и выражения, при помощи которых оказывается возможным хотя бы приблизительно передать соответствующее значение, однако наличие специального слова в языке свидетельствует об особой его значимости для данной культуры.

Английское слово friend, по данным словарей, это тот, кого ты знаешь и кто тебе нравится, но не является членом семьи (‘someone you know and like, that is not, a member of your family’). Слово friend — это не только *дос* в понимании каракалпаков, но также таныс билис. В результате количество друзей у англичан может

доходить до сотни. В английской культуре друзья существуют для приятного времяпрепровождения, их нельзя обременять проблемами, в отношениях с ними необходимо соблюдать дистанцию. Этому учат и английские пословицы: A Hedge between keeps friendship green (Забор между друзьями способствует дружбе) Friends are like fiddle-strings and they must not be screwed too tightly (Друзья как струны скрипки, и их нельзя натягивать слишком крепко). Сравните с каракалпакскими душпаннын ишиндеде бир достын болсын (везде нужны свои люди. Знакомые). Дос басына ис тускенде билинеди – друга познаешь в беде.т.е у каракалпаков и радость и проблемы делятся с друзьями.Это связано у каракалпаков сохранением родоплеменных отношений. Друзья могут быть и названными братьями. Каракалпакское слово дослык и английское friendship не являются эквивалентами. В каракалпакском языке *дослык* — «это близкие отношения, основанные на взаимном доверии, привязанности, общности интересов», это такая дружба, что «арасынан кыл отпес» и «топором не разрубишь». В английском языке friendship ----- 'a relation between people who are friends', т.е. отношение (именно в единственном числе) между людьми, которые являются друзьями. О том, что эти отношения у каракалпаков и англичан разные, свидетельствуют и другие языковые факты. В английском языке нет глагола дружить, т.е.; это слово для английского языка является языковой лакуной. Словари переводят его как be friends или keep company. Однако в английской компании каждый человек — отдельная личность, на независимость и индивидуальность которой нельзя посягать. В такой компании нельзя забывать о дистанции, которая в англий-ской культуре является гарантом хороших отношений (hedge between keeps friendship green). Друзей не обременяют проблемами, они нужны для приятного времяпрепровождения.

Таким образо лакуны являсь специфичными для каждого языка отражают ментальную и культурную самсобытность народа. Расхождения в их семантике часто касаются. зафиксированных в слове ценностей конкретной культуры Лакуны, как и безэквивалентная лексика, выявляются при сопоставлении языков и культур и отражают их особенности.

ЛИТЕРАТУРА

1. Антипов Г.Л., Донских О.А., Марковина И.10., Сорокин Ю.А. Текст как явление культуры. –Новосибирск: 1989.
2. Богданова Л.И. Проблема лакун в процессе взаимодействия языков и культур // Humaniora: Lingua russica. Труды по русской и славянской филологии. Лингвистика IX. Взаимодействие языков и языковых единиц. — Tartu: 2006. С. 27—37.
3. Быкова Г. В. Лакунарность как категория лексической системологии. — Благовещенск: 2003.
4. Сорокин Ю.А. Теория лакун и оптимизация межкультурного общения.// Семантика и прагматика текста. –Барнаул, 1998.

Лакуналар қорақалпоқ ва инглиз маданиятларида тил ва маданиятнинг узига хос хусусиятларини белгиловчи сифатида
Джумамуратова Р. Қорақалпоқдавлатуниверситети

Резюме. Мақолада лингвистик бўшлиқларва улар билан мос келадиган муқобил бўлмаган сўз бирликларининг ўз-оро боғлиқлиги хақида сўз боради. Ичкаридан кўринмас аммо иккита лингвомаданиятни таққослаганда аниқланган лакуналар ва эквивалент бўлмаган сўз бирликлари, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқловчи омил ҳисобланади.

Таянч сўзлар: лакуналар, муқобилсизлексикалар, лингвомаданият, нисбий лакуналар

Лакуны как детерминанты специфики языка и культуры в каракалпакской и английской культурах
Джумамуратова Р. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье обсуждаются языковые пробелы и их взаимосвязь с соответствующими безальтернативными словарными единицами. Лакуны и неэквивалентные словарные единицы, невидимые внутренне, но идентифицируемые при сравнении двух лингвокультур, являются определяющим фактором их специфики.

Ключевые слова:лакуны, безальтернативная лексика, лингвокультура, относительные лакуны

Lacunas as determinants of the specificity of language and culture in Karakalpak and English cultures
Djumamuratova R. Karakalpak State University

Summary. This article deals with linguistic gaps and their correlation with relevantnon-equivalent lexical units. Invisible from within, but revealed when comparing two linguocultures, lacunas and non-equivalent lexical units are determining factor of their specificity.

Key words: lacunas, non-equivalent lexics, linguoculture, relative lacunas.

ЭВФЕМИЯ ВА УНГА НУТҚИЙ ЁНДОШ ҲОДИСАЛАР

Шамсиева Ш. К.
Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тил бирликларининг шакл ва маъно муносабати ўртасида юзага чиқадиган ҳодисалар жуда кўп. Уларнинг тилшуносликда дастлаб ўрганилганлари омонимия, синонимия, паронимия, антонимия кабилардир. Тил шунчалик ўзига хос табиатлики, унинг воситасида яна кўплаб ҳодисалар, нутқий фигуралар юзага келади. Ҳар бир нутқий фигура маълум бир тил бирлиги ёки бирликлари иштирокида ҳосил бўлганлиги учун тилшунослик фанининг ҳам ўрганиш объекти бўла олади.

Эвфемик воситалар иштирокида юзага чиқадиган ҳодиса – эвфемия ҳодисаси ҳисобланади. Мазкур ҳодисанинг юзага чиқиш омилларининг дастлабкиси табуланган сўзлар ўрнида бошқа бир сўз (ёки ибора)ни ишлатиш бўлади. Стилистика ёки риторика (нотиқлик санъати)да ҳам сўз ва ибораларни алмаштириб қўллаш ҳолатлари ўрганилади. Рус тилшуноси В.П.Москвин эвфемияга ўхшаш ҳодисалар сифатида псевдоэвфемия (ёлғон эвфемия), криптология, эзоп тили, дезинформация, образли ифодаларни кўрсатиб ўтган[1;262]. Ўзбек тилшунослари А.Омонтурдиев ва Х.Қодирова ҳам тилимиздаги эвфемизмларнинг лисоний табиатини тўлиқ тавсифлаш учун унинг ёндош ҳодисаларга бўлган муносабатини ҳам кўриб чиқиш зарур, дейди[2;47]. Шу

муносабат билан Х.Қодирова табу, қанотли сўзлар, парафраза, дисфемизм, жаргон, арготизм, вулгаризмларни келтиради ҳамда уларни эвфемизм билан парадигматик муносабатда текширилгандагина эвфемизмнинг лисоний қиймати юзасидан хулосага келиш мумкинлигини айтади. Бу ҳодисаларни тақиқланганлик/рухсат этилганлик белгиси асосида кўриб чиқади[3;46-48]. Фикримизча, ушбу лингвистик тушунчаларнинг аксарияти ёндош ҳодиса бўлолмайди. Ёндош ҳодиса бўлиши учун эвфемия сингари ёки унга қисман бўлса-да, ўхшаш ҳолатда табуланган тушунчани алмаштириши ёки тушунчани юмшатиши керак. Шундагина эвфемияга ёндошлик касб этади. Шундан келиб чиқиб, биз эвфемияга ёндош ҳодисалар сифатида *ишора қилиш семантикаси, ирония, нутқий энантиосемия*ни тушунамиз.

Ўзбек тилшунослигида "ўзбек тилидаги эвфемизмларни вужудга келтирувчи қўрқув, ирим, ижтимоий-сиёсий, шахсий омиллар сирасида яшаш тарзи, келиб чиқиш, шахс сифати, диди, савияси, ёши кўриниши, жисмоний-ақлий салоҳияти ҳамда маданий даражалар – нутқ одоби, ўзини тутишнинг устувор эканлиги" [4;8] борасида фикрлар бор, бироқ ишора қилиш семантикасининг эвфемия ҳодисасига муносабати очиқлигича қолган. Зеро, турли нутқий вазиятларда эвфемизмларга ўхшаш вазифа бажарувчи ҳодисалардан бири ишора қилиш семантикаси бўлиб, бу ҳодиса ҳақида дунё тилшунослигида бир қатор фикрлар айтилган. Биз бу ўринда эвфемиянинг ишора қилиш семантикасига муносабатини – унга ўхшаш бўлган, шунингдек, қайсидир жиҳатлари билан фарқ қиладиган томонларини мавжуд тавсифларни келтириш ва уларга муносабат билдириш асносида ёритишга ҳаракат қиламиз. Нега деганда, "ишора қилиш семантикаси эвфемизациянинг базавий категорияси ҳисобланади. Эвфемияни ифодаловчи барча воситалар ишора қилиш семантикасининг таркибий қисмига киради. Бироқ ишора қилиш семантикасининг айрим кўринишлари эвфемизм бўлолмайди. Чунки эвфемизмнинг денотати ҳар доим негатив баҳоли ёки коннотацияли предмет ёки ҳодиса бўлади. Бу жиҳат эвфемизацияда муҳим, аммо ишора қилиш семантикасининг воқеланиши учун мажбурий эмас. Демак, ишора қилиш ва эвфемия ўзаро бутун ва қисм муносабатида"[5;4], унинг айрим кўринишлари эвфемик вазифада келади, эвфемистик вазифада келмайди. Шундан келиб чиқиб, ишора қилиш семантикаси бутун, эвфемия қисм мақомида бўлади.

Рус тилшуноси Е.П.Сеничкинанинг фикрича, "ишора қилиш семантикаси (русча манбаларда бу терминнинг сўзма-сўз таржимаси *жим қолиш семантикаси* (семантика умолчания)га тўғри келади, аммо ўзбек тилшунослигида жим қолиш семантикаси термини остида кўп нуқта орқали фикрнинг қолган қисмини ифодаламаслик тушунилади. Шу боис биз *ишора қилиш* семантикаси деб атадик) воситалари сигнификатив вазиятни ёлғондакам ноаниқ қилиб етказади: бундай ҳолатда сўзловчи аслида гап нима ҳақида кетаётганини билиб туради. Пировардида сигнификатив вазият (предмет, белги, бирор ишнинг ҳолати)нинг бундай ёлғондакам ноаниқлиги фактик аниқликни намойиш этади [6;33]. Е.П.Иваняннинг таъкидлашича, ишора қилиш семантикаси ҳар бир тилда учрайди ва турли хил тил бирликлари билан юзага чиқади. Ишора қилиш семантикасининг ифода плани сигнификатив вазиятни атайин сохта ноаниқликда етказади, чунки адресант нима ҳақида гап кетаётганини билиб туради. Шубҳасиз, бунда сигнификатив вазият (гапнинг нима ҳақида кетаётганлиги) моҳиятан нутқ иштирокчиларига аниқ бўлади. Ишора қилиш семантикаси – атайин маълум қилинмаётган мазмуннинг семантик инварианти уч семали компонентдан таркиб топади: 1) танлаб олиш имкониятининг мавжудлиги (ё у маънони, ё бу маънони тушуниш мумкинлиги); 2) ўзаро тенг келмаслиги (назарда тутилаётган нарсаларнинг бирини танлаш мумкин бўлса-да, ҳар икки нарсанинг моҳиятан тенг бўлмаслиги); 3) аниқ, лекин айтилмаган маълумот (адресант ҳам, адресат ҳам ишора қилинаётган тушунчани билиб туради, лекин очиқ айтилмайди) [7;34].

Ишора қилиш семантикаси ва эвфемия ёндошлиги уларнинг нутқий ҳолатлари учунгина хос, соф луғавий ҳолатларда улар ёндошлик касб этмайди. Биз буни қуйидаги матн асосида тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрамиз:

– Шу киши бирав билан уришадирларми? – деди Зайнаб, – икки йилдан бери менга бир оғиз қаттиғ сўз айтканларини билмайман...

*– Тўғри айтасиз, – деди Кумуш, – бу киши эмас, мен уришкан эдим... Бу кишида сира гуноҳ йўқ ва аразимизга **бир тўнғуз** сабабчи бўлган эди.*

– Ким бало экан ул? – деди Зайнаб.

*– Бизнинг шаҳарнинг энг ярамаси, – деди Кумуш ва Отабекдан сўради, – сиз эшитдингизми, яқинда ўшани бир **бек** ўлдирибдир?*

Отабек кулимсиради: – Эшитдим...

*– Ўша **бек**нинг ҳақига эшиткан кунимдан бери дуо қилиб келаман...*

Кумуш нутқидаги "аразимизга сабаб *тўнғуз"* деганда Ҳомидни ҳам, Зайнабни ҳам тушуниш мумкин. Шунингдек, *бек* сўзи Отабекка ишора қиляпти. Ишора қилинаётган тушунчалар бу матнда адресант (Кумуш) ва адресат (Отабек) учун маълум, аммо бошқа бир адресат (Зайнаб) учун номаълум. Ишора қилиш семантикаси айнан шу сўз ўйини учун ҳосил қилинган. Қолаверса, ишора қилиш семантикасининг бу кўриниши ўзида эвфемияни намоён этмайди.

– Қани, мен кучлиманми, ё Худоми? – деди Кесакполвон унга заҳарли нигоҳини қадаб.

Пахмоқсоқол бошини эгиб ўтираверди, жавоб бермади.

– Нимага ундай қилдинг? – деди Асадбек, машинага ўтиришгач.

– Ҳаромидан ўчимни олдим, – деди Кесакполвон сигарет тутатиб.

– Ким у? (Тоҳир Малик. Шайтанат)

Ушбу контекстда у олмоши олдинги гапдаги ҳароми деган сўзни алмаштириб келган. Бунда адресант ҳам, адресат ҳам у олмоши орқали *ҳарому*га ишора қилинаётгани маълум.

Яна қиёсланг: – *Поччам ҳам* ***юрадиларми****? – деб сўраган эди бир аёл.*

– ***Юрмай*** *ўлсинми? Ўйнашдан келганини шундай билиб тураман.*

– *Сиз ҳам* ***биттасини*** *топа қолмайсизми?*

– *Топаман* (Тоҳир Малик. Шайтанат).

Мазкур контекстда *юрадиларми*, *юрмай* сўзлари “зино қиладиларми” ўрнида, *биттасини* сўзи эса “ўйнаш” тушунчасига ишора қилиб келган. Нутқ эгалари мулоқот маданияти талаби билан атай шу сўзларни танлаган. Ҳар икки контекстдаги ажратилган сўзлар ўзида ишора қилиш семантикасини намоён этади ва ишора қилиш семантикасининг мазкур кўринишилари олдингисидан фарқли равишда ўзида эвфемиклашувни намоён этади.

Ўзбек тилида гумон олмошлари аниқ нарса ҳақида хабар бермайди. Бироқ алоҳида нутқий вазиятларда уларнинг айримлари шундай вазифани бажаради. Масалан: *Кумуш Отабекнинг елкасига қўлини ташлади: – Ўшал вақтларда ҳамроҳсиз ухлаганим тўғри, – деди, – чунки* ***бирав****лардан бутунлай умидим кесилган, ҳамроҳим менга ҳамиша умидсизликгина берар, даҳшатимнигина ортдирар эди* (Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар); *Кўринган гилос ёғочларининг остида бир вақтларда кимдир* ***бирав*** *уни кутиб олар эди, энди-чи... Энди кимни кутар экан?– деган савол миясини шипириб кетди...* (Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар); *Қочсангиз қочиб кўрингиз, аммо мен бу кундан бошлаб* ***бирав****ларни қувишқа бел боғладим: отам билан онам рафоқатларида хизматингизга – чўрилиқингизга эрта-индин юраман, суйганингиз кундошим олдида қадру-қийматимнинг нима бўлишини ҳам биламан...* (Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар)

Ушбу уч жумладаги *бирав* гумон олмоши гумон маъносида келмаган, аниқ маънони билдирган. Биринчи жумлада Отабек, иккинчи жумлада Кумуш, учинчи гапда Зайнаб назарда тутилган. Ёзувчи гумон олмошини атай шундай маънода қўллаган. Ёзувчига ҳам, ўқувчига ҳам билиб туриб билмасликка олишнинг бундай ифодасида нима назарда тутилаётганини контекстдан англаб туради.

Биз кузатган мисолларга кўра ҳам, мазкур ҳодиса тилнинг лексик, фразеологик ва грамматик сатҳ бирликлари билан ифодаланиши мумкин, айниқса, реклама матнлари, савдо-сотиқ ходимлари нутқида лисоний айёрлик мақсадида кўп қўлланилади. Эвфемия ҳам тилнинг кўрсатилган сатҳдаги бирликлари билан юзага чиқа олади ва ушбу ҳолат ҳар икки лингвистик категориянинг ёндошлигини, ўхшашлигини яна бир бор исботлайди.

Хитой ва ўзбек тилларида қулай нутқий шароитларда коммуникация мақсадига кўра сўз ва иборалар киноя олиб, эвфемик вазифада воқеланади. Маълумки, киноя “яширин мазах ёки пичинг қилиш мақсади билан сўзларни тўғри маъносига нисбатан қарама-қарши маънода қўллашга асосланган троп” дир [8;185]. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бўлса киноя “бадиий асардаги инкор этиш усулларидан бири бўлиб, бирор шахс ёки нарса устидан кесатиқ, қочириқ воситасида яширин кулишдан иборат услубий восита” деб изоҳланади. Хитой ва ўзбек тилшуносликларида киноянинг қўлланиш шароити, бажарадиган вазифалари монографик планда ўрганилган [9;118].

Ҳозирги хитой тили интернет лексикасини ўрганишга бағишланган тадқиқотда шундай мулоҳаза учрайди: Агар инсоннинг ташқи кўриниши жозибали бўлмаса, унда 长得很丑 (zhǎng de hěn chǒu – жуда хунук) демасдан, 长得很温柔 (zhǎng de hěn wēnróu – жуда нозик”) деб қўя қоладилар. Бу ифода Чжао Чуаннинг 我很丑，可是我很温柔 (Wǒ hěn chǒu, kěshì wǒ hěn wēnróu – “Мен чиройли эмасман, аммо жуда ёқимлиман”) номли қўшиғидан кейин оммалашган. Ёки гигиеник нормаларга жавоб бермайдиган, бадбўй ҳид анқиётган эркаклар хонаси ҳақида 三味书屋 (sān wèi shūwū – уч хил ҳиди бор хона) дейилади [11;22]. Бизнингча ҳам, ҳар икки ҳолатда – *жуда нозик* ва *ёқимлиман* ифодаларида ирония иштирок этган.

Хитой тилида ҳид билдирувчи сўзларнинг киноя тортилиши ва тескари маънода қўлланиши, яъни антифразис бўлиб келиши учрамаслиги ҳақида Сунь Хуэйцзе тадқиқотида қайдлар мавжуд [10;114]. Бизнинг фикримизча, бундай бўлмаса керак, чунки ҳамма тилда киноя бўлади. Киноя бор экан, исталган сўз киноя тортилиши мумкин. Бу ҳақда тадқиқотларда кўп айтилади [9;85]. Тадқиқотчи бадиий услубга доир асарларга диққат қаратмаган кўринади. Биздаги маълумотларга кўра, хитой тилида ҳам сўзлар киноя таъсирига берилиши ва ўзининг узуал маъносига тескари маънода қўлланиши мумкин. Рус тадқиқотчисининг айтишича, 讽刺 fěngcì сўзи (сатира, сарказм, ирония) хитой тилида 幽默 yōumò (юмор) сўзидан олдин пайдо бўлган. Бу терминнинг ишлатилиши ҳақидаги биринчи ёзма далил эрамиздан аввалги 501–502 йилларга тегишли 文心雕龙 wén xīn diāo lóng (Адабий фикрнинг нақшинкор аждаҳоси) (刘勰， 1900) асаридир [12;24].

Киноя орқали муайян тушунчанинг юмшатилиши ва киноя олган сўзнинг эвфемик вазифа бажариб келиши қуйидаги мисолда яққол ифодаланган.

Кузатинг: 我觉得世界上就只有两种人能吸引人，一种是特漂亮的一 种就是你**这样的**。Wǒ juédé shìjiè shàng jiù zhǐyǒu liǎng zhǒng rén néng xīyǐn rén, yī zhǒng shì tè piàoliang de yī zhǒng jiùshì nǐ zhèyàng de. *Ўйлайманки, бу дунёда фақат икки тоифадаги одамлар бошқаларнинг эътиборини жалб қилар экан, биринчи тоифадагилар жуда гўзал инсонлар бўлса, иккинчи тоифадагилари эса сизга ўхшаганлар.* Мазкур жумлада 这样的 zhèyàngde (ўхшаганлар) бирлиги киноияли қўлланган ва “хунук” деган маънони ифода этган, хунук дегандан кўра киноияли қўллашда дағаллик бўлмайди.

Юқорида келтирилган мисолда киноя олган сўзнинг эвфемик вазифаси туфайли сўзловчи ўз фикрини маданий нутқ талабларига кўра етказа билган. Шунингдек, сўзловчини тингловчи олдида ноқулай аҳволга тушиб қолишдан қутқарган. Албатта, сўзловчи шундай нутқ тузиши учун унда тил малакаси етарли бўлиши, тил бирликларининг қандай маъноларни намоён эта олиши мумкинлиги бўйича лисоний лаёқатни эгаллаши

лозим. Керакли лисоний лаёқатга эга бўлмаган сўзловчи ўз фикрини бирмунча очиқ ёки қўпол ифода этиб қўяди ва тингловчи(лар) олдида ноқулай аҳволга тушади. Демак, киноядан унумли, ўринли фойдаланиш нутқнинг зарурий коммуникатив сифатларини юзага чиқаради.

Ёки қуйидаги гапда 素质 sùzhì (соғлом) сўзи ҳам киноявий мазмунда қўлланган бўлиб, айнан "носоғлом, аҳмоқ" маъноларини ифодалаб келмоқда.: 那个有 "素质" 的人正在随地吐痰。 Nàgè yǒu"sùzhì"de rén zhèngzài suídì tǔ tán. *Анави "соғлом" киши ҳар ерга туфлаяпти.* Зеро, маънан соғлом одам дуч келган жойда туфламайди, маънан носоғлом одамгина ушбу хатти-ҳаракатни қилади. Бу ўринда сўзловчи тўғридан-тўғри "аҳмоқ" демасдан, тушунчани юмшатиб, яшириб ифодалаши орқали ифоданинг таъсир кучи ҳам ошган, чунки ноодатий ифодалар ҳар доим тингловчида алоҳида қизиқиш уйғотади. Таъсирчанликнинг оширилиши коммуникациядан кўзланган мақсаднинг амалга ошишини таъминлайди.

Ўзбек тилидаги мақтов сўзларининг аксарияти кинояли интонация билан айтилганда эвфемик вазифа бажариб келади. Чунончи: *Гўшт кўтариб йўлакдан кирган Солиҳ махдумнинг кўзи Раънонинг шу ҳолига тушди: – **Балли,** Раъно, ана жиннилик! – деди махдум. – Атлас кўйлак сенга ҳайф, сенга бўздан бошқаси, албатта, ҳайф!* (Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён) Ушбу гапда *балли* мақтов сўзи кинояли интонация олган. Бу ўринда сўзловчи тўғридан-тўғри танбеҳ бермай, мақтов сўзини кинояли талаффуз қилмоқда ва бу билан юмшатилган, яширилган танбеҳ, сўкиш ифодаланмоқда.

Баракалла ва *балли* сўзлари ҳам кинояли интонация билан айтилганда юмшатилган танбеҳни билдиради. Масалан: *Дарвозаси қаёқда экан бу антиқа қўрғоннинг, деб аланглаб турсам, қурувчи-бузувчи тушмагурлар тепани шу ергача суриб келиб, хайҳотдек дарвозани азза-базза тўсиб қўйган эканлар. Кирадиган одам деворга қисилиб, зўрға ўта оларди.*

*– Э, **баракалла**, кўмиб юбора қолларинг бировнинг уйини!*

Изимдан келаётган акам ҳам ажабланди.

*– Шунгача ҳам миқ этмабдими? **Балли**! Тоға чиндан қарибди* (Мурод Мансур. Жудолик диёри).

Ўзбек тилидаги *офарин, тасанно, қойил* сингари мақтов сўзлар ҳам кинояли интонация олиб, эвфемик вазифада келади. Масалан: *Қизиғи шундаки, узоқ йиллар мобайнида иккала кундош бир-бирининг боридан бехабар ўтган эмиш! **Офарин**-э, Акобир Мирзаевич, худо сизга юракдану куч-қувватдан қўша-қўша қилиб берган экан!* (Эркин Аъзам. Байрамдан бошқа кунлар). Мазкур сўзларнинг эвфемик вазифа бажариши сўзловчининг коммуникатив мақсади ва киноядандир, чунки нутқ эгаси мақтов сўзларга киноя юклашни мақсад қилмаганда, эвфемик вазифа бажарилмаган бўларди.

Эвфемияга нутқий энантиосемия ҳам ёндош, ўхшаш ҳодисадир. Энантисемия нутқда ҳосил бўлганга, баъзан эвфемик хусусият касб этиши мумкин, яъни эвфемик усулда юзага чиқади. Ўзбек тилшунослигида бу масалага Ё.Одиловнинг тадқиқотида тўхтаб ўтилган. Масалан, унинг ёзишича, "*Умри жонингизга худо барака берсин" деб у юзимдан, бу юзимдан ўпди. Ўпаётганда оғзимдан келган "муаттар" ҳиддан хиёл чимирилди-ю, сездирмади* (Ў.Ҳошимов. "Аждар"нинг тавбаси) жумласидаги *муаттар* сўзи "сассиқ", "қўланса" деган маънони эвфемик йўл билан ифодалаган, унда ҳам эвфемия, ҳам зид маъно воқеланган. Бунда ҳам сўзловчи ўзининг салбий муносабатини билдиришда эвфемик йўлдан борган, яъни фикрини дағал шаклдаги *бадбўй* ёки *сассиқ* сўзи билан эмас, маданий мулоқот талабига мос *муаттар* сўзи орқали етказишни мақсад қилган" [13, 53]. Яна "шундай қўлланишлар ҳам борки, уларда ҳам бу ҳодисаларнинг ёндошлиги кўзга ташланади. Масалан, сўзлашув нутқидаги *"Оёғингдан намунча ширин ҳид келяпти"* жумласида "бадбўй" маъносининг *ширин* сўзи билан ифодаланишида энантиосемия ва эвфемиянинг тенг келиб қолиши кузатилади. Мазкур мисолдаги маъно унинг луғатдаги бирор маъносига тўғри келмайди. Демак, бу – окказионал маъно. Бунда сўзловчи тингловчига бўлган субъектив муносабатини юмшатилган ҳолда яширин ифода этган, сўзни узуал маъносига мутлақо қарама-қарши окказионал маънода қўллаган. Мазкур ҳолатни икки омил асосида тушунтириш мумкин: 1) сўзловчининг нутқ объектига бўлган норози муносабатини очиқ ва дағал шаклда ифодаламай, юмшатилган тарзда етказишни мақсад қилиши; 2) сўзловчининг нутқий таъсирчанликка эришиш мақсадида ўз субъектив муносабатини ўзига хос йўсинда ифода этишга интилиши. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, *ширин* сўзининг муайян мақсад асосида қарама-қарши маъно намоён этишида эвфемия восита бўлиб хизмат қилган" [13, 52].

Тилшунос Ё.Одиловнинг фикрича, бундай зидлик эвфемия ҳодисасининг табиатидан келиб чиқиб, бирор дағал, қўпол тушунчанинг эвфемик йўл билан берилишидагина туташади, бошқа ҳолатларда эса бу алоқадорлик кузатилмайди. Қолаверса, энантиосемия учун эвфемик маъно билан бирга сўзнинг тўғри маъноси ҳам бўлиши керак, чунки энатиосемия ана шу тўғри ва эвфемик маънолар ўртасидаги зиддиятда кўринади. Эвфемия эса сўзнинг битта юмшатилган ифодасида пайдо бўлади. Бу иккала ҳодисанинг ўртасидаги лингистик фарқлари ҳисобланади.

Хитой ва ўзбек тилларида эвфемиклашув лексик ва фразеологик бирликлар доирасида юзага чиқади. Ушбу тилларда алоҳида эвфемик бирликлар билан бирга, маълум бир маъноси билан эвфемик вазифа бажарадиган сўзлар ҳам бор. Мазкур тилларидаги эвфемик бирликларнинг шакл ва маъно муносабати ўртасида синонимия кузатилади. Тилда эвфемияга ёндош, баъзи функциялари билан яқин келадиган ҳодисалар ҳам мавжуд. Бизнинг фикримизча, ишора қилиш семантикаси, киноя, нутқий энантиосемия эвфемияга ёндош ҳодисалар ҳисобланади, аммо айнан эвфемиянинг ўзи эмас. Ва, албатта, уларнинг ёндошлиги, яқинлиги маълум бир контекстларда, алоҳида қўлланишлардагина кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Москвин В.П. Эвфемизмы в лексической системе современного русского языка. Изд. 2-е. – М.: ЛЕНАНД, 2007.
2. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 46-48
3. Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати. Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 46-48
4. Рустамова Д. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспектлари: Филол. фан. б. фалс. д-ри. дисс. автореф. – Фарғона, 2017. – Б. 8
5. Андреев В.В. Средства выражения семантика умолчания в произведениях З.Н. Гиппиус: Автореф. …дисс. канд. филол. наук. – Самара 2007. – С. 4.
6. Сеничкина Е.П. Семантика умолчания и средства её выражения в русском языке: Автореф. …дисс. д-ра. филол. наук. – М., 2003. – 33 с.
7. Иванян Е.П. Репрезентация семантики умолчания в современном русском дискурсе // Балтийский гуманитарный журнал, 2015. №1 (10). – С. 34.
8. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969. – С. 185
9. Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланшининг усул ҳамда воситалари. Филол.фан. номз... дисс. – Фарғона, 2001. – 118 с.
10. Сбоев А.Н. Структурно-семантический и лингвокультурный аспекты интернет-лексики современного китайского языка: Дисс. ...канд. филол. наук. – Владивосток, 2018. – 220 с.
11. Хуэйцзе С. Принципы номинативного структирования семантического поля (на примере средств обозначения запаха в русском и китайском языках: Автореф. канд. филол. наук. – Волгоград, 2011. – 22 с.
12. Косинова Л.В. Китайский комический дискурс (на примере жанров «сяншен», «куайбань», «анекдот»): Дисс. ...канд. филол. наук. – Волгоград, 2014. – 190 с.
13. Н.Маҳмудов, Ё.Одилов. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б. 53.

Эвфемия ва унга нутқий ёндош ҳодисалар

Шамсиева Ш. К. Тошкент давлат шарқшунослик университети

Резюме. Ушбу мақолада эвфемия ва унга нутқий ёндош ҳодисалар - *ишора қилиш семантикаси, ирония, нутқий энантиосемиялар,* уларнинг хитой ва ўзбек лингвомаданиятидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: Эвфемизм, эвфемия ҳодиса, ирония, киноя, нутқий энантиосемия, ишора қилиш семантикаси.

Эвфемия и ее речевые события

Шамсиева Ш.К. Ташкентский государственный университет Востоковедения

Резюме. В статье исследуются эвфемизмы и связанные с ними явления - семантика знаков, ирония, речевая энантиосемия, их сходства и различия в китайской и узбекской лингвокультурах.

Ключевые слова: эвфемизм, феномен эвфемизма, ирония, вербальная энантиосемия, знаковая семантика

Euphemia and its speech events

ShamsievaSh.K.Tashkent State University of Oriental Studies

Summary. The article examines euphemisms and related phenomena - the semantics of signs, irony, speech enantiosemia, their similarities and differences in the Chinese and Uzbek linguocultures.

Keywords: euphemism, the phenomenon of euphemism, irony, verbal enantiosemy, sign semantics.

КОРЕЙС ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА ТЕЛЕФОН МУЛОҚОТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Юсупова Г. А.

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Муомала маданияти инсон фаолиятининг энг мураккаб жараёни бўлиб, у кишиларнинг ижтимоий ва сиёсий, маънавий ва маърифий, иқтисодий ва ҳуқуқий дунёқараши йиғиндиси ҳисобланади ҳамда инсон тафаккури ва руҳиятида йиллар давомида шаклланади. Муомала маданиятида этикетнинг барча турига хос бўлган умумий қоидалари мавжуд. Уларга риоя қилиш нафақат ҳар бир инсоннинг, балки у мансуб бўлган жамият, миллат, халқнинг умумий маданият даражасидан далолат беради. Инсоний муомаланинг таркибий қисми бўлган нутқий мулоқотнинг турлари кўп бўлиб, улар турли вазиятларда, ҳар хил мавқе ва ёшдаги одамлар ўртасида амалга оширилади. Ана шу жараённинг муҳим бир тури – телефон орқали сўзлашиш бўлиб, у маданиятни юксак даражага кўтариш зарур бўлган ҳозирги кунда ўзига хос долзарблик касб этади.

ХХ асрдан бошлаб телефон жамият ҳаётига чуқур кириб борди ва телефон орқали суҳбатлар замонавий кишилар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кунда ҳаётни телефон алоқасисиз тасаввур қилиш қийин. Шу билан бирга, телефон орқали мулоқотда бўлиш муомала жараёнининг энг фаол турига айланди. Бугунги кунда мазкур коммуникация турининг имкониятлари ғоятда кенгайди.

Анъанавий телефон, факс, уяли мулоқот қилишда энг қулай воситага айланиб бормоқда. Хат жўнатиш ёки учрашувларни белгилашда бу алоқа операторларидан кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, уяли телефон алоқаларининг вужудга келиши – хизматнинг бу тури қамрови ғоятда кенг эканлигини кўрсатди. Хизмат ва мобиль телефон функцияларининг беқиёс кенгайиб бориши ташкилот ва муассаса ходимлари, қолаверса, жисмоний шахслар олдига муомала маданияти бўйича ўзига хос талабларни қўймоқда.

Ишхонада, кўпчиликка тааллуқли бўлган хизмат телефонидан фойдаланишда ўзига хос талаблар бор. Чунки кимдир сизнинг ишхонангизга қўнғироқ қилолмай қийналаётган бўлиши ёки сиздан кейин кимдир қўнғироқ қилишни кутиб турган бўлиши мумкин. Фақат ўзингизга тегишли бўлган шахсий гапларни атрофдагиларга эшиттириш ҳам шарт эмас. Бундай ҳолатлар аниқ ва лўнда қилиб фикр алмашишни тақозо

этади. Хуллас, хизмат телефонидан мумкин қадар қисқа фойдаланиш лозим. Фикрни қисқа, ихчам баён қилиш, суҳбатдошнинг вақтини олмасликка интилиш замонавий кишининг фазилати саналади. Айниқса, ҳозирги кунда оммавий тус олган мобиль телефондан фойдаланишнинг қонун-қоидалари нафақат маданий-маънавий, балки ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шунга кўра, уяли ёки мобиль телефон орқали гаплашиш умуммаданият қоидаларига амал қилишнинг таркибий қисмига айланди ва бу жараёнда одоб қоидаларига риоя қилиш ижтимоий соҳа ходимлари учун хизмат вазифаси, ўқувчи ва талабалар учун эса ички тартиб меъёрлари сифатида расмий ҳужжат мақомига ҳам эришди. Турли хил корхона ва ташкилотларда ўрнатилган ички алоқа орқали музокаралар ходимлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тезлаштирмоқда. Тадбиркорнинг кўп турлари ёки фуқароларнинг тегишли давлат органларига мурожаатлари ҳам телефон орқали амалга оширилмоқда. Иқтисод ва жамият нуқтаи назаридан олиб қараганда телефон орқали музокаралар олиб бориш имкониятининг мавжудлиги инсон ҳаётида қулайликлар яратилиши каби қаралади.

Замонавий шахс телефон орқали мулоқотга кўп вақт сарфлайди. Аммо тажрибалар шуни кўрсатадики, барча ҳам телефон орқали мулоқот одобига амал қилмайди. Иш фаолияти телефон билан боғлиқ баъзи бир инсонлар турли хил ҳолатларга дуч келишади. Жумладан, суҳбатдош ўзини кўриб турмаганлиги боис, суҳбат жараёнида ҳаддан ташқари ўзини эркин тутиши мумкин. Аммо шуни ёдда тутиш лозимки, агарда жисмоний шахс қандайдир корхона ёки ўзининг шахсий хизматларини тавсия қилаётган бўлса, корхона обрўйи унинг мижоз билан қайси оҳангда гаплашаётганига боғлиқ бўлади. Агарда реал ҳаётда «либос»га эътибор берилса, телефон орқали мулоқотда «либос» гаплашиш оҳанги билан алмаштирилади. Айнан сизнинг нутқингиз суҳбатдошда ижобий таассурот қолдириши ёки, аксинча, сиз билан ҳамкорлик қилишдан воз кечишига таъсир кўрсатиши мумкин [8]. Замонавий илм ва техника телефондан фойдаланиш учун кенг шароитлар яратмоқди. Уяли алоқа ёки бошқа радиотелефон тадбиркорлар, молиячилар, журналистлар ва бошқа соҳа одамлари ҳаётига чуқур кириб бормоқда. Аммо шу билан бирга, телефон орқали мулоқот бошқаларга халақит бермаслиги керак.

Телефон орқали мулоқот одоби – бу доимий ўзлаштириладиган кўникмадир. Битта шаҳар, минтақа, мамлакат ва ҳатто хорижий давлатларнинг турли бурчакларида туриб ҳам суҳбатдошни ишонтира олиш хусусиятига эга инсонлар кам учрайди. Энг аввало, телефон гўшагини кўтаришдан олдин, навбатдаги суҳбат чоғида талаб қилинадиган телефон орқали мулоқот одобини ўрганиш керак [8]. Кутилаётган суҳбатнинг қай даражада ўтиши саломлашишга боғлиқ. Телефон гўшагини кўтаргандан сўнг, айтиладиган биринчи сўз бу энг кўп тарқалган: «алло», «лаббай», «эшитаман»дир. Бу сўзларнинг барчаси ҳамма учун бирдек қаратилган бўлиб, гўшакни ким кўтариши аҳамиятсиз. «Алло» сўзи универсал, интернацонал. Ҳар қандай хорижлик, бегона юртга ташрифи чоғида телефонда таниш «алло» сўзини эшитса, ўзини уйдагидек ҳис қилади. «Лаббай» сўзи таржимани талаб қилади – чунки хорижлик ўзбек тилини билмаслиги мумкин.

Баъзи бир жуда ҳам банд инсонлар гўшакни кўтариб: «Суҳбат учун икки дақиқа ажрата оламан. Эшитаман» деб жавоб беради. Суҳбатнинг кутилмаган даражада ноодатий бошланиши баъзи бир одамлар учун ноқулайлик туғдириб, ҳатто улар ўзларини йўқотиб қўйишлари мумкин. Аслида суҳбатни бошлашдан олдин, телефон орқали мулоқот одобига кўра ҳар бир шахс ҳатто овози таниш бўлса-да, аввал ўзини таништириши керак. Маълумки, сўз эмас, балки сўзлашиш оҳанги инсонга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Гўшакни кўтарганда қаттиқ бақириб ёки ҳаддан ташқари паст овозда гапириш мумкин эмас. Овоз паст, аниқ ва етарли даражада эшитилиши лозим. Агарда инсон табиатан тез гапиришга одатланган бўлса, телефон орқали мулоқотда нутқ темпини ўзгартириш, яъни, секин, бир текис ва ишончли тарзда гапириш талаб этилади Тезкор нутқ асабийлашаётган ёки ўзига нисбатан ишончсиз инсон ҳақида тасаввур уйғотади. Шунингдек, суҳбатдош нутқининг темпига ҳам мослашиш лозим.

Илтифотлилик – телефон одобининг яна бир жиҳати ҳисобланади. «Марҳамат», «Агарда малол келмаса», «Мен учун қимматли вақтингизни ажратганингиз учун миннатдорман» каби иборалар ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Суҳбат сўнгида, албатта хайрлашиш лозим. Баъзи бир инсонлар керакли маълумотни олгач, гўшакни илиб қўядилар. Бу иккинчи суҳбатдошда қайта мулоқот қилиш истагининг йўқолишига сабаб бўлади.

Жамоат жойларида, хусусан, театр, концерт ёки музейларга ташриф чоғида телефон қўнғироғи овозини пасайтириб, имкон бўлса, телефонни умуман ўчириб қўйган маъқул. Деярли барча телефонларда бундай имконият мавжуд. Муҳим учрашув, мажлис ёки ишга доир ҳамкорлар билан тушлик чоғида бўлган қўнғироқларга қуйидаги тарзда жавоб қайтариш лозим: суҳбатдошдан ўз телефон рақамини қолдиришини сўраш; унга кечроқ телефон қилишни ваъда бериш; ёки узр сўраш орқали қисқа суҳбат қуриш.

Биз бир кунда бир неча марта телефон орқали саломлашамиз ёки ваъдалашамиз. Шунинг учун телефон кундалик ҳаётни осонлаштирадиган восита эканига шубҳа йўқ. Лекин телефондан нотўғри фойдаланилса, у инсоннинг кайфиятини бузадиган восита бўлиб қолади. Телефон гўшагини кўтарганда ёки телефон қилганда амал қилиш керак бўлган телефон орқали мулоқот маданияти бугунги куннинг муҳим ахлоқ қоидалари қаторидан ўрин олди.

Кореяда кенг тарқалган телефон алоқаси шароитида уяли телефон корейс халқи ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Чет элликлар учун телефон орқали суҳбатлашиш ўзига хос қийинчиликлар туғдиради. Бу нафақат телефон орқали мулоқот жараёнида, балки мулоқотда керакли ва тўғри ибораларни қўллаш каби қийинчиликлардир. Шуни эсда тутиш керакки, телефон орқали мулоқотда суҳбатдошлар бир-бирларини кўрмайдилар, шунинг учун мулоқот ўрнатиш янада қийин кечади. Илтифотли корейс халқи учун фақат мулойим муомала, суҳбатдошнинг ҳар бирига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, суҳбатни тўғри бошлаш ва тугатиш муҳимлик касб этади. Кўрсатилганлардан келиб чиқиб, телефон орқали мулоқотда қўлланиладиган

этикет қоидаларини тизимлаштириш ҳамда тушунишга қулай бўлиш учун абонент ва қўнғироқ қилувчининг этикет қоидаларини билиш зарурияти туғилади.

Телефон қўнғироғига жавоб беришда бутун дунё бўйлаб этикет қоидаларига мувофиқ суҳбатни бошлаш муаммоси юзага келади: баъзи мамлакатларда абонент биринчи навбатда суҳбатни бошласа, бошқа мамлакатларда қўнғироқ қилувчи суҳбатни биринчи бошлайди. Кореяда қабул қилинган этикет қоидаларига кўра, абонент гўшакни кўтариб, суҳбатни бошлайди. Агарда у мулоқот жараёнида уйда бўлса, қўнғироқ қилувчига «여보세요» Yeoboseyo – «Алло!» сўзи билан суҳбатни бошлайди. Бундай саломлашиш ҳамма ҳолатларда универсалдир.

«여보세요» – 하자 전화기 안에서 김형태가 물었다. Yeoboseyo. Haja jeonhwagi aneso Kim Hyeongtaega murotta [1.318].

Гўшакнинг иккинчи томонидан: «Алло!» – деган Ким Хёнгтхенинг овози эшитилди.

Уйда телефон орқали мулоқотда қуйидагича жавоб бериш керак:

А. 여보세요. Yeoboseyo.

Б. 여보세요,정진 구역입니다. Yeoboseyo, Jeongjin guyeogimnida.

В. 여보세요, 정실 집입니다. Yeoboseyo, Jeongsil jibimnida.

Г. 네, 사직 구역입니다. Ne, Sajik guyeogimnida.

네, 보람 집입니다. Ne, Boram jibimnida.

А. Алло.

Б. Алло, Чонгжин тумани.

В. Алло, Чонгшил хонадони.

Г. Ҳа, Сажик тумани.

Ҳа, Пўрам ҳонадони.

«Алло» энг кўп ишлатиладиган ифода. А, Б, Г каби мисолларда «Алло», «Ҳа» деган қисқа жавобдан кейин туман ёки хонадон номи ҳамда телефон рақамини қўшиб айтса бўлади. Бундай хушмуомалага йўғрилган жавоб қўнғироқ қилган одамга нисбатан самимийлик ва сокинлик туйғусини уйғотади.

Иш жойида қўнғироққа жавоб беришда, 네 Ne, + ташкилот номи+ 입니다 imnida, яъни «Ҳа, ташкилот (номи)», тарзида жавоб бериш қабул қилинган меъёрий этикет қоидаси ҳисобланади. Баъзи ҳолларда эса фақат ташкилот эмас, балки бўлим номи ва бўлим бошқарувчисининг тўлиқ исми-шарифи айтилади, жумладан: 네 Ne, ташкилот номи + 회사 hoesa бўлим номи + 총무과 chongmugwa абонентнинг исми-шарифи + 입니다 imnida. «Ҳа, ташкилот (номи), умумий ишлар бошқарув бўлими, абонентнинг исми-шарифи». Шунингдек, «감사합니다» gamsahamnida ибораси, ташкилот номи +입니다 imnida «Раҳмат, ташкилот номи» ҳам қўлланилади. Бунда «감사합니다» gamsahamnida «Раҳмат» сўзи «네» Ne «Ҳа» сўзига нисбатан ҳурматлилик даражасини англатади.

Қўнғироқни йўналтиришда одатда: 네, 잠시/ 잠깐 / 조금 기다려 주십시오, 바꾸어 드리겠습니다. Ne, jamsi/jamkkan/jogeum gidaryeo jusipsio, bakkueo deurigessimnida.

«Ҳа, бир дақиқа кутиб туринг, ҳозир гўшакни узатаман» тарзида жавоб берилади. Бундай ҳолда, қўнғироқ қилувчи ўзини таништирганлиги англашилади. Акс ҳолда:

누구 (시) 라고 전해 드릴까요 (여쭐까요)? Nugu (si)rago jeonhae deurilkkayo (yeojjulkkayo)?

«Кечирасиз, илтимос, ўзингизни таништиринг» (сўзма-сўз: «Ким қўнғироқ қиляпти деб айтай? ») деб сўралади.

Абонент уйда ёки иш жойида бўлмаса: 지금 안 계십니다. 뭐라고 전해 드릴까요? Jigim an gyesimnida. Mworago jeonhae deurilkkayo?

«Улар ҳозир йўқлар. Нима деб айтиб қўяй?» деб жавоб берилади. Вазиятга қараб, такрорий қўнғироқнинг вақтини айтиш мумкин: 20 분 후에 걸어 주시기 바랍니다. 20 bun hue georeo jusigi baramnida.

«Илтимос, 20 дақиқадан кейин қайта қўнғироқ қилинг».

Агар қўнғироқ қилувчи рақамни нотўғри териб, адашиб тушган бўлса, янада хушмуомалалик билан жавоб бериш талаб этилади.

아닌데요 (아닙니다), 전화 잘못 걸렸습니다. Anindeyo (Animnida), jeonhwa jalmot geollyesseumnida.

«Йўқ, рақам нотўғри терилди».

Ҳозирда, «전화 잘못 거셨습니다» Jeonhwa jalmot geosyeosseumnida «Сиз рақамни нотўғри тердингиз» ибораси кенг тарқалган. Аммо кореялик мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай иборани қўллашдан чекланиш керак, чунки бундай ибора қўнғироқ қилувчига нисбатан қўпол муносабатни билдиради ва унинг рақам териш вақтидаги ҳаракатининг нотўғрилигини кўрсатади.

Абонент учун этикет қоидалари

Ҳолат	**Жой**	**Жавоб**
қўнғироққа жавоб берганда	Уйда	여보세요, Yeoboseyo, от입니다 imnida. 네 Ne, от입니다imnida.
	Ишда	네 Ne, ташкилот номи +입니다imnida.
қўнғироқни йўналтиришда	Уйда	(네)잠시/잠깐/조금 기다려 주십시오. 바꾸어 드리겠습니다. (Ne), jamsi/jamkkan/jogeum gidaryeo jusipsio, bakkueo deurigessimnida.

	ишда	(네), 잠시/잠깐/조금 기다려 주십시오. 바꾸어 드리겟습니다. (Ne), jamsi/jamkkan/jogeum gidaryeo jusipsio, bakkueo deurigessimnida.
қўнғироқ қилинаётган шахс йўқ бўлганда	Уйда	지금 안 계십니다. 들어오시면 뭐라고 전해 드릴까요? Jigim an gyesimnida. Mworago jeonhae deurilkkayo?
	Ишда	지금 안 계십니다. 들어오시면 뭐라고 전해 드릴까요? Jigim an gyesimnida. Deureosimyeon mworago jeonhae deurilkkayo?
рақам нотўғри терилганда	Уйда	아닌데요(아닙니다), 전화 잘못 걸렸습니다. Anindeyo (Animnida), jeonhwa jalmot geollyesseumnida.
	Ишда	아닌데요(아닙니다), 전화 잘못 걸렸습니다. Anindeyo (Animnida), jeonhwa jalmot geollyesseumnida.

Қўнғироқ қилувчи учун этикет қоидалари қуйидагича:

Абонент қўнғироққа жавоб бергандан сўнг, саломлашиши ва ўзини таништириш одат тусига кирган:

«안녕하십니까? 저는 / 여기는 Annyeonghasimnikka? исми-шарифи +입니다 imnida. Исми-шарифи +씨 계십니까?/ si gyesimnikka? исми-шарифи+ 씨 좀 바꿔 주시겠습니까?» si jom bakkwo jusigesseumnikka?

«Ассалому алайкум! Менинг исмим (фамилия, исм). (Фамилия, исм) бормилар? /Илтимос, (фамилия, исм) чақириб беринг».

Агар телефон қўнғироғига ёш бола жавоб берса, одатда дўстона услуб қўлланилади. Буйруқ гап шаклидан фойдаланиш ҳам одатий ҳисобланади, жумладан:

아빠 / 엄마 계시나? Appa/ omma gyesina?

Даданг/ ойинг уйдамилар?

아빠 / 엄마 바꿔 줘 Appa/ omma bakkwo jwo.

Даданг / ойингни чақириб бер!

Агар қўнғироқ қилувчига абонентнинг телефон рақамини ёки манзилини аниқлаштириш керак бўлса, тасдиқловчи ёки инкор маъносида жавоб бериш мумкин бўлган савол берилади, жумладан:

안녕하십니까? Annyeonghasimnikka? фамилия, исм + 댁입니까? daegimnikka?

Ассаламу алайкум! Бу фалончининг уйими (фамилияси, исми)?

Аммо “거기가 어디죠” Geogiga eodijyo? «Қаерга тушдим?» тарзида этикет қоидаларига зид тарзда мулоқотга киришилмайди. Оператор орқали телефон мулоқотида аввал салом берилади, кейин керакли абонент билан боғлаб бериш сўралади:

안녕하십니까? 325 번 좀 부탁합니다. Annyeonghasimnikka? 325 bon butaghamnida.

Ассалому алайкум, илтимос, 325 рақам билан улаб беринг.

Агар абонент йўқ бўлса, қўнғироқ қилувчига оид маълумотларни етказиш сўралади:

죄송합니다 (미안합니다) Joesonghamnida (mianhamnida), исми-шарифи +한테서 전화 왔다고 전해 주시겠습니까? hanteseo jeonhwa watdago jeonhae jusigessimnika?

Кечирасиз, фалончи+га қўнғироқ қилганимни айтиб қўя оласизми?

Ёки қайта қўнғироқ қилиш илтимос қилинади:

전화 해 달라고 전해 주시겠습니까? Jeonhwa hae dallago jeonhae jusigesseumnikka?

Илтимос, менга қайта қўнғироқ қилсинлар, етказиб қўйинг.

Бундай ҳолларда буйруқ гап шаклидан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Айрим пайтларда, иш жойида битта инсон номидан қўнғироқ қилиш тақозо этилганда:

안녕하십니까? Annyeonghasimnikka? исми-шарифи + ***님의*** 전화인데요, nimui jeonhwaindeyo исми-шарифи +씨를 부탁합니다 ssireul butaghamnida.

«Ассалому алайкум, мен фалончи номидан қўнғироқ қиляпман, илтимос фалончини мумкинми?» тарзида мурожаат қилинади. Корейс этикет қоидаларига кўра, ***님-nim*** хурмат маъносини англатувчи қўшимчани тушириб бўлмайди.

Муваффақиятли уланишда абонентга ўзини таништириш ва уни учинчи шахс билан улаш қуйидагича амалга оширилади: 안녕하십니까? Annyeonghasimnikka? 저는Jeoneun ташкилот номи + 회사 hoesa бўлим номи + 과 gwa исми-шарифи + 입니다 imnida. Исми-шарифи + 님의 전화인데요, 바꿔 드리겠습니다 nimui jeonhwaindeyo, bakkwo deurigesseumnida.

«Ассалому алайкум. Менинг исмим (исми-шарифи), ташкилот номи, бўлим номи. Мен фалончи номидан қўнғироқ қиляпман, ҳозир сизни улаб бераман».

Агар рақам нотўғри терилган бўлса, гўшакни қўполлик билан ташламасдан, шунчаки хушмуомалалик билан: 죄송합니다 (미안합니다) 전화가 잘못 걸렸습니다. Joesoghamnida (mianhamnida) jeonhwaga jalmot geollyeossimnida.

Кечирасиз, рақам нотўғри терилди, деб узр сўраш керак.

Қўнғироқ қилувчи учун этикет қоидалари:

ҳолат	жой	Савол
абонент жавоб берганда	уйда	안녕하십니까? 저는/여기는 Annyeonghasimnikka? Jeoneun/ yeogineun] фамилия, исм+ 입니다 imnida. фамилия, исм +씨 계십니까? ssi gyesimnikka?

	ишда	안녕하십니까? 저는/여기는 Annyeonghasimnikka? Jeoneun/ yeogineun фамилия, исм +인데요 indeyo. фамилия, исм + 씨 좀 바꿔 주시겠습니까? si jom bakkwo jusigesseumnikka? (оператор орқали мулоқотга чиққанда) 안녕하십니까? Annyeonghasimnikka? 325번 좀 부탁합니다. 325 beon jom butaghamnida.
абонент жойида бўлмаганда	уйда	죄송합니다만 Joesoghamnidaman, исм +한테서 전화 왔다고 전해 주시겠습니까? hanteseo jeonhwa watdago jeonhae jusigessimnika? 말씀 좀 전해 주시겠습니까? malsseum jom jeonhae jusigessimnika?
	ишда	죄송합니다만 Joesoghamnidaman, исм+한테서 전화 왔다고 전해 주시겠습니까? hanteseo jeonhwa watdago jeonhae jusigessimnika? 말씀 좀 전해 주시겠습니까? Malsseum jom jeonhae jusigessimnika?
учинчи шахс томонидан қўнғироқ қилинганда	ишда	안녕하십니까? Annyeonghasimnikka? фамилия, исм +님의 전화인데요nimui jeonhwaindeyo, фамилия, исм +씨를 부탁합니다 ssireul butaghamnida. (улангандан кейин) 저는 Jeoneun фамилия, исм +회사 hoesa фамилия, исм + 입니다 imnida. фамилия, исм +님의 전화인데요., 바꿔 드리겠습니다. nimui jeonhwaindeyo, bakkwo deurigesseumnida.
Рақам нотўғри терилганда		죄송합니다 (미안합니다), 전화가 잘 못 걸렸습니다 Joesoghamnida (mianhamnida) jeonhwaga jalmot geollyeossimnida].

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, турли маданиятларга мансуб ва ҳар хил тилда сўзлашадиган инсонлар мулоқотини англаш хорижий тиллар, жумладан, корейс тилини ўргатиш жараёнида билан боғлиқ равишда зарурий ҳисобланади. Бугунги глобаллашув, интеграциялашув жараёнида, фан ва техника тез ривожланаётган бир вақтда ҳам корейс тилига асрлар давомида таъсир ўтказган конфуцийчилик муносабатларининг этик меъёрлари телефон орқали мулоқотда ҳам ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Бунга боғлиқ равишда тилдаги лексик ва грамматик мазмун ҳам ўзгариши боис, телефон орқали мулоқот сўзларини ўрганиш ўзига хос аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур мавзуни тадқиқи тилларараро ва маданиятларараро мулоқотда юзага чиқадиган бошқа муаммоларни бартараф этишда ҳам муҳим саналади.

АДАБИЁТЛАР

1. 정유정. 칠 년의 밤. –서울: 은행나무, 2011.
2. 표준 언어 예절. –서울: 국립국어원, 2011.
3. 채화영.존댓말 사용 설명서. –서울: 파란정원, 2015.
4. Абрамова Н. В., Гайнуллина Е. Ю. Некоторые особенности корейского делового этикета // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2016. – № 5 (май).
5. Ли Е. В. Особенности функционирования фамильярных форм обращений в современном корейском языке. Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2017. № 12(78)
6. Каплан Т.Ю., Дерюгина Т.С. Речевой этикет современного корейского языка. –Владивосток. 2003.
7. Симбирцева Т. М. Корея на перекрестке эпох. – М.: Муравей-Гайд, 2000.
8. Kang Bong-Kyu. Traditional Korean Lifestyles. Kwangju: History of Korean Culture. 1991.

Корейс лингвомаданиятида телефон мулоқотининг ўзига хос хусусиятлари
Юсупова Г. А. Тошкент давлат шарқшунослик университети

Резюме. Мақолада корейс лингвомаданиятида телефон мулоқотининг ўзига хос ўрни, телефон орқали сўзлашиш маданияти, этикет қоидалари, қўнғироқ қилувчи ва унга жавоб берувчи шахслар ўртасида поғонавий муносабатларни акс эттирувчи ифодалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *телефон, мулоқот, маданият, одоб, этика, муомала, ахлоқ, қоида.*

Особенности телефонной коммуникации в лингвокультуре корейского языка
Юсупова Г.А. Ташкентский государственный университет Востоковедения

Резюме. В этой статье анализируется особая роль телефонного общения в корейской лингвокультуре, культура телефонного общения, правила этикета, выражения, отражающие иерархические отношения между звонящим и отвечающим ему человеком.

Ключевые слова: телефон, общение, культура, нравы, этика, обращение, мораль, правила

Peculiarities of telephone communication in Korean linguoculture
Yusupova G.A. Tashkent State University of Oriental Studies

Summary. This article analyzes the specific role of telephone communication in Korean linguoculture, the culture of telephone communication, etiquette rules, expressions that reflect the hierarchical relationship between the caller and the person answering it.

Key words: telephone, communication, culture, manners, ethics, treatment, morality, rule

---

РОЛЬ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

Жумамуратова М. Р.
Каракалпакский государственный университет

В стране карантин, а это значит почти все учебные заведения переходят на дистанционную форму обучения, в связи с необходимыми мерами по предотвращению распространения коронавирусной инфекции и

защиты здоровья людей, на период действия ограничений. Для создания виртуальной среды для общения с учениками учителя используют дистанционные образовательные технологии.

Дистанционные образовательные технологии – это технологии, реализуемые, в основном, с применением информационных и телекоммуникационных технологий при опосредованном (на расстоянии) или не полностью опосредованном взаимодействии обучающегося и преподавателя [1]. В статье мы рассмотрим роль дистанционных уроков английского языка в школе. Прежде всего мы отвечаем на вопрос зачем нужен английский язык?

Английский язык – неотъемлемая часть современного мира. Каждая сфера жизни в той или иной степени связана с ним: работа, учеба, путешествия, отдых, общение и т.д. Английский стал международным языком, знание его, перед вами открывает многие двери и новые возможности, изучение английского языка с каждым годом становится все более популярными.

Для школ, в начале карантина, необходимость перейти на дистанционное обучение оказалась серьёзной проблемой. Так как,в дистанционном групповом обучении достаточно сложно организовать работу в парах или мини-группах, выполнять привычные игровые задания и включать в урок двигательные активности, которые типичны для современных методик обучения иностранным языкам. Однако в настоящее время существует огромный набор инструментов и образовательного контента, которые помогут педагогу в вопросе организации дистанционного обучения. Нам известно, практически во всех школах уже давно введена система дистанционного обучения, с помощью которых ученики получают задания. В основном учителя дают домашние задания, которые нужно вовремя высылать через специальный чат в электронной форме. Иногда учителя организовывают видеоуроки. Каждый день по телевидению проводятся онлайн уроки по школьной программе. Это показывает что дистанционные обучения не даст школьникам возможности расслабиться. Современные технологии позволяют перевести почти все этапы учебного процесса на дистанционное обучение.

Использование информационно-коммуникационных технологий на уроках английского языка является неотъемлемой частью современности. А Интернет-ресурсы, являясь основным источником информации для современного ученика, являются неисчерпаемым источником материала и для учителя.

Используя информационные ресурсы сети Интернет, можно, интегрируя их в учебный процесс, более эффективно решать целый ряд дидактических задач, в частности, на уроке английского языка[2]: а) формировать навыки и умения чтения, непосредственно используя материалы сети разной степени сложности. б) совершенствовать умения восприятия иноязычной речи на слух на основе аутентичных звуковых текстов сети Интернет, а также подготовленных учителем текстов. в) совершенствовать умения монологического и диалогического высказывания на основе проблемного обсуждения, представленных учителем или кем-то из учащихся материалов сети; г) совершенствовать умения письменной речи, индивидуально, в письменной форме составляя ответы партнерам, участвуя в подготовке рефератов, сочинений, других видов переписке в процессе совместной деятельности партнеров; д) совершенствование лексико-грамматических навыков, путем тренировки при помощи программ, игр, текстов [2].

И хотим отметить, что несмотря на многочисленные положительные моменты применения дистанционных образовательных технологий, имеется ряд отрицательных сторон:

Недостатки

- Необходимость самостоятельного изучения материала – высокий уровень самодисциплины есть далеко не у всех учеников, а онлайн уроки также подразумевают выполнение заданийдляусвоению информации;
- Нет возможности «живого» общения;
- Эффективность онлайн уроков зависит только от учеников, учитель поможет выбрать оптимальную методику изучения материала, предоставит всю необходимую информацию в электронном виде;
- Возможны технические неполадки: плохое соединение интернет, слабые технические характеристики компьютера или телефона и т.д.

Преимущества

- Разумная альтернатива в период карантина;
- Удобный график занятий. Можно полностью сосредоточиться на освоении материала, посвятив этому свободное время;
- Фиксированный график – поможет компенсировать недостаток самодисциплины;
- Комфортная обстановка. Может находиться в любом месте;
- Скорость обучения и объем домашнего задания будет регулироваться индивидуально;
- Повышешие образовательного уровня без поездки к месту учёбы;
- Повысить качество обучения за счёт применения современных средств, объёмных электронных библиотек и т.д.

Как мы видим, способ обучения английского языка в дистанционной форме имеет свои плюсы и минусы, которые необходимо учитывать. Так как, они довольно относительны. Ведь то, что для одного хорошо, для другого – плохо и наоборот.

Ситуация с карантином в стране в целом должна многому нас научить. Современные технологии дают больше возможностей провести вынужденные ограничения передвижения с пользой, расширить свои знания и навыки. Главное не бояться обратиться за помощью к специалистам, ведь каждому из нас на том или ином этапе обучения требуется человек, который направит, поможет преодолеть образовавшийся барьер и сделать новый рывок.

Система дистанционного обучения английскому - это именно то, что помогает не останавливать процесс обучения, а оставаться на связи учителям со своими учениками. Стоит обратить ситуацию в свою пользу, посвятив освободившееся время на карантине эффективному времяпрепровождению.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Лебедева М.Б. и др. Дистанционные образовательные технологии: проектирование и реализация учебных курсов. – СПб: БХВ-Петербург, 2010. – 336 с.
2. Расулова М.Д. Использование информационно-коммуникационных технологий на уроках английского языка. – Материалы междунар.науч.конф. г. Санкт-Пертербург, ноябрь 2012 г.). – СПб: Реноме, 2012 – VIII, 232 с.
3. https://spravochnick.ru/pedagogika/obrazovatelnye_tehnologii/
4. www.intuit.ru
5. www.englishteachers.ru
6. www.ziyonet.uz

Инглиз тилини масофадан ўқитишнинг роли
Жумамуратова М.Р. Қарақалпақдавлатуниверситети

Резюме. Мақолада инглиз тилини масофадан ўқитиш ҳусусиятлари ўрганилади, шунингдек масофавий таълимнинг ижобий ва салбий томонлари очиб берилади.

Таянч сўзлар: масофавий таълим, масофавий таълим технологиялари, инглиз тили, ахборот-коммуникацион технологиялари

Инглис тилин аралықтан оқытыўдың роли
Жумамуратова М.Р. Қарақалпақмәмлекетликуниверситети

Резюме. Мақалада инглис тилин аралықтан оқытыўдың өзгешеликлери үйрениледи, сондай-ақ аралықтан оқытыўдың унамлы ҳәм унамсыз тәреплери ашып бериледи.

Таянышсөзлер: аралықтан оқытыў, аралықтан оқытыў технологиялары, инглис тили, информациялық-коммуникациялық технологиялары

Роль дистанционного обучения английскому языку
Жумамуратова М.Р.Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье исследуются особенности дистанционного обучения английскому языку, а также раскрываются достоинства и недостатки дистанционного обучения.

Ключевые слова:дистанционное обучение, технологии дистанционного обучения, английский язык, информационные и коммуникационные технологии

The role of distance learning of English
Djumamuratova M. R. Karakalpak State University

Summary. The article explores the features of distance learning of English, as well as reveals the advantages and disadvantages of distance learning.

Key words: distance learning, distance learning technologies, English, information and communication technologies

---

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК ТИЛИДА “МАРДЛИК” ФРЕЙМИНИНГ ТУРЛИ ХИЛ КОНЦЕПТУАЛ БЕЛГИЛАР БИЛАН ИФОДАЛАНИШИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Халиллаев А. К.
Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети

Айтиш жоизки, ҳозирги пайтда «фрейм» термини кўплаб тадқиқотчилар томонидан қўлланади, аммо бир хил таърифга эга эмас. У ўзига кўп қиррали тушунчаларни ҳосил қилувчи ҳамма аспектларни қамраб олади. Шу муносабат билан филологик тадқиқотларнинг ўта долзарб масаласи – бу фреймларни ўрганиш йўлларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Мазкур ҳолат объектларнинг когнитив-лингвистик таҳлилининг мураккаблиги, уларнинг кўп сатҳли структураси, уларнинг мазмуни лисоний воситалар орқали очиб берилиши мумкинлигини айтиш жоиз бўлади. Қолаверса, ўз қарашларимиз билан айтадиган бўлсак, концепт билан фрейм орасида етарли даражада мустаҳкам ўзаро боғлиқлик мавжуд деган фикрдамиз. Биринчидан, иккала тушунча инсон онгидаги билимлар базасини ифодалайдиган сатҳга тегишли бўлса, иккинчидан, ментал тузилмалар сифатида уларнинг онтологик умумийлиги ҳисобланади. Шунга қарамасдан биз уларни бир хил деб таҳлил ўтказа олмаймиз.

Демак, концепт билимлар базасини ифодалашда структура, гештальт ва кичик (бўлинмайдиган) бирликда турли лисоний сатҳ маъно бирлиги сифатида бўлиши мумкин. Фрейм – доим структурага эга ва семантик бўлиниш хусусиятига эга бўлади.

Ҳозирги вақтда когнитив тилшуносликда кенг тарқалган методлардан бири фрейм семантикаси ҳисобланади. Лингвокогнитологияга кўра, ҳар қандай матн маълум бир фрейм ифодасидир[1,112]. Фрейм назариясини яратган олимлардан бири М.Минский унга шундай таъриф беради: “....фрейм – стереотип вазиятларни намоён қилиш усулларидан бири ҳисобланиб, ҳар қандай фреймда кўп қиррали ахборотга ўзаро боғланган бўлади”[2,289]. Бинобарин, фрейм у ёки бу типик вазиятнинг кенг ҳажмли прототипи бўлиб, матн яратилиши жараёнида когнитив контекст вазифасини бажаради. Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, матн яратилиши тадқиқида когнитив структуралардан бири бўлган гештальт ҳам муҳим ўрин тутади.

Таъкидлаш лозимки, Ш.Сафаровнинг “фрейм” атамаси ҳақидаги фикрлари, назарий қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. Унинг фикрича, “Инсоннинг ҳар қандай ахборотни эгаллаши бевосита унинг хотирасида сақланаётган олдинги тажрибаси ва билими доираси миқёсида амалга ошади. Ҳар бир инсон хотирасида маълум миқдордаги билимлар структураси заҳирасида сақланади ва айнан шу заҳира ахборотни қабул қилиб идрок этиш воситаси ролини ўтайди. Бошқача айтганда, ҳар бир шахс онгида «фреймлар тўри тўплами» мавжудки, ушбу тўплам билим ва идрок фаолиятини маълум кўринишдаги «андоза»лар асосида амалга ошишини таъминлайди [3, 25-46]. Мазкур тадқиқотда мисоллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фрейм – бу кўп

компонентли, ҳажми катта бўлган концепт, у энг юқори даражада семантик майдон тушунчаси билан боғлиқ. Ж.В.Никонова фрейм таҳлил хусусиятини нутқ фаолияти сифатида кўрар экан, фреймлар структур тузилишини бешта принципга ажратади: *биринчи фреймлар хусусияти* ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳолда бир-бирига ўтиш қобилиятига эга; *иккинчи хусусияти* инсоннинг диққат маркази фреймнинг ҳохлаган қисмига қаратилиши; *учинчи хусусияти* фреймнинг фикрлаш жараёнини бевосита динамикага киритиш лозимлиги; *тўртинчи хусусият* фреймлар динамик моҳияти билан боғлиқ ҳолда очиқ билимлар структурасини ҳосил қилади, шунингдек бир типдаги объект ва воқеликлар ҳақида тасаввурга эга бўлади; фреймларнинг *бешинчи хусусияти* уларнинг формал структураларига тегишли. Юқори сатхлардаги фрейма ўз белгиларига эга ва нарсаларга(предмет ёки воқеликлар) мос келади [4, 224-228]. Когнитолог олим Ш.Сафаровнинг айтишича, билимни жамлаш ва сақлаш учун ўзлаштирилган билим когнитив моделга биноан ихчамлаштирилиши зарур. Когнитив моделлар (концепт, образ) бўйича билимни ихчамлаштириш учун шу концептуал тизим бирликлари (фрейм, скрипт, сценарий, гештальт кабилар) тусини олиши даркор. Биз мазкур мақоламизда фрейм терминнинг моҳияти ва унинг қўлланиши ҳақида кенг назарий таҳлил қилганмиз. Қуйида биз юқоридаги олимлар назарияларини инобатга олган ҳолда “мардлик” семантик майдонининг бошқа лексемалар билан ўзаро узвий боғланиши нуқтаи назаридан фрейм таҳлилини беришга ҳаракат қиламиз.

Мардлик бу нима? Мардлик – бу керак бўлса муқаддас ватан учун ўзини қурбон қилишлик, йўлбарсларча – душманни янчиб ташлашга қарата олишликдир **(**Ҳошимов 2012**).** Биз “мардлик” концептини ёритишда ўзбек ёзувчиларининг, жумладан, А.Қодирий(2016), Ў.Ҳошимов(2018) ва бошқа ёзувчиларнинг(2012) асарларига мурожаат қилдик.

Ўзбек тилида мисоллар таҳлили шуни кўрсатдики, “Мардлик” фреймини 10 та семантик гуруҳга ажратдик. Биз қуйида “мардлик” лексемасининг семантик майдонининг маъно гуруҳларининг слотлар(уя, катакчалар) орқали ифодаланган жадвалини бердик.

“Мардлик” концептининг структураси ва унинг фрейм таҳлили.



Юқоридаги “мардлик” концептининг структурасидан кўриш мумкинки,биз ушбу концептнинг тилда турли лисоний воситалар билан ифодаланишини кузатдик. Натижада лисоний бирликлар инсоннинг ички ҳолати, психологик қобиляти ва физиологик кўриниши ва ўзининг тутиши тилда сифат, равиш ва от каби сўз туркумлари билан келиб, шахснинг характерини очиб бериши маълум бўлди.

Жумладан, “мардлик” концепти ўзбек тилида ўнта семантик гуруҳга ажратилди ва мазкур концепт 44 та лексема ёрдамида турли хил лисоний воситалар билан берилиши маълум бўлди.

Улар қуйидагилар:

I. Мардлик, мард, мардон, мардона, *мардонавор,* мардлардай, мардларча(рвш), мардлик, мардоналик, мардчасига каби лексемалар.

Биз юқорида “мардлик” фреймини англатувчи концептуал белгиларини қуйидаги мисоллар таҳлилида кўришимиш мумкин: Генерал сукут сақлаб, унга бироз тикилиб қаради.**Бу мардлик,** - деди генерал ниҳоят, - мен бу одамни қатл этолмайман... Машинамни олиб уни чегарага элитиб қўйинглар. Мен сени ҳурмат қиламан сенор, чунки **бир жасур эркак бошқа бир жасур эркакни** ҳурмат қилиши керак [5,183]. Яқинда фарзанд кўрасан! - Абдувоҳид машинкаланган қоғозни овоз чиқариб ўқиди – да, кулиб юборди. Бунисини ўзимам биламан, **номард! –** деди пиёниста фолбинга қараб. Хотиним туғай деб турибди [6,76]. Нима, урмоқчимисан? – деди Элмира унга ўгирилиб. – **Ур, номард!** Сенларнинг ҳаромингга шерик бўлгандан ўлган яхши! Жавобимни бер! Бер **жавобимни, номард**! [6,156]. Шунданми, уни кўришим билан яна юрагим шувиллаб кетди, **қўрқа бошладим**, шекилли – да [5,101]. Юқоридаги берилган мисолларда “мардлик” лексемасининг концептуал белгилари қўрқишни билмайдиган, қўрқмас, ботир, айтганининг устидан чиқадиган, қийинчиликларни мардларча енгадиган, мард кишиларга хос иш, ҳатти –ҳаракат қиладиган инсонларнинг ҳолатини англатиб келмоқда. Аммо 3,4 мисоллардаги мисолларда эса “мардлик” концепти инкор маънода **номард** лексемаси ва **қўрқа бошладим** феъли орқали инкор маънода ифодаланганини кўрмоқдамиз.

Қуйидаги мисолларда эса “мардлик” концепти сифат ва от сўз туркуми билан келиб, субъектнинг қобилятига баҳо берилмоқда. Рауф Абдуллаевичнинг ўйчан кўзларида бирдан тағин ўша чўғ ёниб кетди.Мана бу – **мардона гап**! Ўзингиздан бошласангиз яна яхши! [6, 95]. Бундан безори чиққан Тоғай пешонамга заррабин билан ичкуёв деб ёздирсаларинг ҳам уйга қайтмайман, ўлсам, ўлигим шу ердан чиқади, болам бўлмаса, бирорта

мард чиқар мени кўмгани, дегач, авлодимиздан ҳали бундай исноти чиқмаган, дея опалар укасини қарғай – қарғай, уйларига тарқашди [5,113]. Санамнинг гинаси ўзида экан, боплади: **Марднинг қилгани** бошқа иши йўқми? Санам, Санамжон! Қирқ ўрим билан иккаланг бир биринг учун яралгансан. Қовоқ – тумшуқ қачонгача? Яхшиси, айт, тўлиқ ёзармиди ёки чалакам – чатти? Тўлиқ, албатта, - Санам ичимдигигни топиб айтишга айтди – ю, кейинги гапидан хунобим ошди, - Сен чалакам – чаттиниям эвлап ёзолмасанг керак! Бу билан **“Қурқоқликка ҳам ярамайсан”** демоқчи эдими? Гулсара пиқиллаб кулиб юборди [5,129]. Ҳормангла р – ҳормангла р! – деди у олдимизга етиб келиб, **мардона овоз** билан ва пастроқ овозда қўшиб қўйди, - Ойгулой, сизда озгина гапим борийди – да [5,98]. Аниққи, бундай **азамат йигит** ушлаган нарсасини, агар хоҳласа, ҳеч ҳам чангалидан чиқармайди [5,253]. Борди – ю, бирон киши мени чин дилдан севиб қолгудек бўлса, барибир, у қўлимдаги манави ҳалқани кўрибоқ дарров худди қора ўлатга йўлиқишдан **қўрққандай,** тирақайлаб қочиб кетади [5,261].

Берилган мисоллардан шуни англаш мумкинки, “мардлик” концепти гапларда *мардона гап, мард чиқар* каби концептуал белгилар, билан келмоқда. Аммо баъзи ҳолларда гап таркибида “мардлик” лексемаси бўлмасада, ушбу концепт тилда яширин ҳолда қўлланиш мумкин. Масалан, 9- гапдаги ***азамат йигит*** лексемаси “мардлик” маъносини англатиб, синонимик вариант шаклида акс этган. Шундай қилиб, юқорида таҳлилга тортилган мисоллар шуни англатмоқдаки, ўзбек тили “ мардлик” концепти турли лисоний воситалар билан ифодаланишини кузатдик.

Айтиш жоизки, мардлик қалбнинг буюк фазилатидир. Кимда шу фазилат бўлса, у фахрланса арзийди. Мардлик одамларни улуғвор ишларга ундайди. Мард одам, албатта, жасур бўлади. Мардлик қўрқувдан жирканиш, шармисор бўлишдан қўрқишдир. Мард одам доимо сўзида туради. «Давлатингдан айрилсанг - кўп нарса йўқотасан, номусингдан айрилсанг - кўп нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилганинг - ҳамма нарсани йўқотганинг», - дейдилар. Инсон уч нарса билан хушнуд, бири ақл, бири ростгўйлик, бири жавон мардликдир. Жавонмард одам жасур, мард, сабр-матонатли, ваъдага вафо қилувчи, пок дил ва пок забон одамдир. У ёмонларнинг ёмонлигини яхшилардан йироқ тутади. Доноларимиз шундай маслаҳат берадилар: «Мардлик улдирки, ҳар ким сенга ёмонлик қилса, ўрнига яхшилик қил! Ваҳар ким сендан узилса, ёпишғил! Ваҳар ким сени ноумид қилса, анга эҳсон қил!»

Қасдолгандан кўра мардонавор кечирган маъқул! Мардлик мангуликка дахлдор туйғудир. Бу фазилат соҳиблари ҳар бир ишни журъат ва жасорат билан адо этади. Боболаримиз мардликнинг йигитлик вақтида содир бўладиганини футувват - жавонмардлик, комил инсон бўлиб етишганда қилинадиганини мурувват - эрлик, мардлик деб атаганлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентрик тадқиқи. –Тошкент: 2013. – Б. 112.
2. Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XIII: Когнитивные аспекты языка. – М.: 1988. – С. 289.
3. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах.:Сангзор, 2006.– Б. 25-46.
4. Никонова Ж.В. Основные этапы фреймового анализа речевых актов(на материале современного немецкого языка) / Филология. Искусство ведение вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского, 2008, № 6, с. 224–228.
5. Муҳаббатнинг мангу эртаги. Севги ҳикоялари. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-манбаа ижодий уйи. Тошкент – 2017.
6. Ҳошимов Ў. Нур борки, соя бор. –Тошкент , Янги аср авлоди., 2018.

Ҳозирги замон ўзбек тилида “мардлик” фрейминг турли хил концептуал белгилар билан ифодаланишининг семантик хусусиятлари

Халиллаев А. К. Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети

Резюме. Ушбу мақолада ҳозирги замон ўзбек тилида “мардлик” фрейминг турли хил концептуал белгилар билан ифодаланиши ва қўлланиш кенг назарий таҳлил қилинган. Мақолада “мардлик” семантик майдонининг бошқа лексемалар билан ўзаро узвий боғланиши нуқтаи назаридан фрейм таҳлили кўрсатилган. Фрейм – доим структурага эгалиги ва унинг семантик бўлиниш хусусияти очиб берилган.

Таянч сўзлар: *фрейм, концепт, концептуал таҳлил, семантик гуруҳ, семантик майдон, жасурлик, лексема, мардлик, довюрак, ядро, сема, эмоция.*

Семантические особенности выражения фрейма «мужество» в современном узбекском языке с различными концептуальными особенностями

Халиллаев А.К. Узбекский государственный университет мировых языков

Резюме. В статье представлен анализ выражения и использования фрейма «мужество» в современном узбекском языке с использованием различных концептуальных символов. В статье анализирован фрейм-анализ с точки зрения взаимосвязи семантического поля «смелость» с другими лексемами. Фрейм всегда имеет свойство структуры и ее смыслового деления.

Ключевые слова: фрейм, концепт, концептуальный анализ, семантическая группа, семантическое поле, мужественность, храбрость, ядро, сема, эмоция

Semantic features of the expression of the frame “courage” in the modern Uzbek language with various conceptual features

Khalillaev A.K. Uzbek State University of World Languages

Summary. The article provides a comprehensive theoretical analysis of the expression and use of the “courage” frame in the modern Uzbek language using various conceptual symbols. The article presents frame analysis from the point of view of the relationship of the semantic field “courage” with other lexemes. A frame always has the property of structure and its semantic division.

Key words: *frame, concept, conceptual analysis, semantic group, semantic field, manhood,courage, nucleus, seme, emotion*

CONSCIOUS REGULATION OF EMOTIONS AS AN INTEGRAL PART OF EFFECTIVE LANGUAGE LEARNING PROCESS

Ismailov A. R.

Samarkand state institute of foreign languages.

The ability to manage your emotions and the emotions of others is an important factor in the effectiveness of learning activities in a foreign language classroom. Language learners' working capacity increases dramatically when experiencing positive emotions during lessons. Emotionality underlies about one-third of the factors that form students' attitudes to classes. However, in order to be able to effectively utilize components of emotional intelligence in the classroom setting, foreign language educators should first understand the notion of emotional intelligence and its relation to cognitive processes in general.

The ability to manage emotions is an important indicator of the level of development of emotional intelligence (EI) in general. A developed form of emotional intelligence corresponds to the knowledge of how to change your negative mood to a positive one. Although an emotionally gifted person is able to freely express his feelings, he always feels when such behaviour would be inappropriate and can keep himself from an uncontrollable surge of emotions. An individual with a high level of EI takes responsibility for his emotional state" [2, 232].

In people with a low level of emotional intelligence, negative emotions that they have experienced in the past continue to dominate their thoughts and determine a generally negative attitude towards events in the surrounding reality. Such people, therefore, have a low level of ability to strengthen their positive emotions and use them as a basis for self-mobilization to develop a positive attitude towards life, which means that they have a low level of conscious self-regulation of emotional experiences. The level of the ability to get rid of negative emotional states and to control their occurrence increases with an improvement in the level of emotional intelligence.

Controlling your emotions is preceded by their cognition. In order to manage your own emotions, you need to know how they work, what mental processes generate them and why they continue to exist even when we want to get rid of them. Managing emotions and feelings primarily involves their awareness and control over the form of their manifestation.

Awareness of emotion helps to establish some degree of control over the emotional process, as is the case when a person consciously decides to restrain or suppress facial expressions of emotion. This decision itself and the subsequent suppression or weakening of emotional expression can reduce the intensity of the subjective experience of emotion. The person initiates and maintains the cognitive or motor activity necessary to suppress the expressive component of emotion, and this activity eliminates the very subjective experience of emotion through feedback. Controlling emotions, i.e. the ability to foresee their development and understand the factors on which their strength, duration and consequences depend is possible precisely at the level of awareness. The synthesis of emotion and thinking is especially clearly traced in the awareness of feelings because we do not just feel – we perceive the feeling as jealousy, anger, resentment, insult [3, 228]. At the same time, some emotional phenomena may not be realized. Among them are emotional processes that arose and were formed in early childhood, feelings that have become habitual for people with whom there is a close connection, emotional reactions and states that are not accepted (condemned) in a given culture and weak or insufficiently organized emotions [5, 230].

Emotions cannot be controlled directly, but this can be done indirectly through an object, need, sign. For this reason, managing emotions is impossible without their awareness and verbalization. The initial moment of feeling control is the splitting of the monolithic undifferentiated effect (I-feeling) into the subject and his feeling, more precisely, it is the isolation of the feeling as a separate object, and not a property of the external world. The first stage involves awareness of oneself as a subject of experience and awareness of the presence of this experience as an object of analysis. The next stage of emotion management after awareness, associated with understanding emotions, is referred to as naming. Verbalization of our emotional state plays a double role: on the one hand, it informs our partner about the feelings we are experiencing and reduces his stress, on the other hand, it helps to regulate our emotional stress, i.e. being named, the emotional experience loses its intensity and power over the person.

Expressing emotions on a verbal level allows the use of the so-called "I-messages" of three components, for example, "I feel gratitude, resentment, disappointment". There are also several ways to verbally express the level of intensity of an emotion: to strengthen feelings with a modifier ("I am completely excited," "I am very sad"); to choose certain words from the list of existing emotions ("I feel angry, sadness); evaluate the strength of emotion on a ten-point scale. It is interesting that practically every basic emotion distinguished in psychology is represented in language by at least two terms, the differences between which can be interpreted in terms of the presence or loss of voluntary control. The ability to control decreases with increasing intensity of emotions, when joy turns into ecstasy, anger into a rage, and fear into a panic.

The next step in emotion management is to expand or limit the flow of emotional information. Thus, a defensive strategy that limits emotional experience is accompanied by thoughts such as "Don't think about it," "It doesn't deserve my attention," "I don't respond." On the contrary, such thoughts as "Learn more about it", "Open yourself to this feeling", etc., testify to the openness of consciousness to the stream of emotional experiences. When a person prefers a strategy of openness to emotional events, then he is able to show empathy to a greater extent than if the mechanism for managing emotional experience acted in the direction of its limitation [8, 433-436].

When the need to control emotions is indicated, we are not talking about the total suppression of negative emotions and, as a result, the intensification of the intensity of positive emotions. There is no vital need for this both for psychological and physiological reasons.

Emotional outbursts are not always detrimental to relationships. Sometimes they bring some benefit if they do not drag on for a long time and are not accompanied by mutual, and especially public, insults. However, the emotional coldness will never benefit the relationship. It is unpleasant in social-role, classroom setting, business communication as a demonstration of indifference to what is happening, and in intimate-personal communication, it is simply unacceptable since it destroys the very possibility of mutual understanding between close people.

In real life, emotion management is carried out not at the level of internal experience, but at the level of the external manifestation of emotions. However, the habit of suppressing expressive manifestations of negative emotions is detrimental to mental and physical health. It was found that people inclined to experience negative emotions, due to a higher degree of control of emotional expression, significantly less often express negative emotions, "masking" their experiences with the expression of positive emotions. If the expression of emotions is limited (for example, by upbringing or a social role), then after a while a person will feel them less clearly, he may "forget" how to feel.

The ban on emotions makes reflection – the main means of human self-knowledge and self-regulation – meaningless and ineffective which is of an intellectual nature. Only by understanding one's real feelings is truly effective introspection possible. Otherwise, a person moves further and further from himself, from his problems and contradictions, which are presented to him in his experiences, as a result of which his choices and decisions turn out to be false. Avoiding strong emotions, we come to the desacralization of most of the personal values and excessive intellectualization of our own life. At the same time, a positive argument can be made for suppressing emotions. This way of regulating emotions allows you to improve your well-being and increase the adaptive abilities necessary for subsequent change in attitudes and problem-solving. A person's conviction that he can at least partially control his feelings contributes to feelings of security and well-being.

An analysis of the psychological literature makes it possible to single out at least two ways of controlling emotions: controlling the intensity of emotions and controlling their extensive component - emotiogenic situations [1, 216-219]. Methods for controlling the intensity of emotions using cognitive regulation involve the use of attention and thinking to suppress unwanted emotion and establish control over it. They are quite diverse: disconnection (distraction), which requires volitional efforts, is the ability to think about anything, except for emotional circumstances; switching is associated with the focus of consciousness on some interesting business or the business side of the upcoming activity; a decrease in the significance of the upcoming activity or the result obtained is carried out by reassessing the significance of the situation or decreasing the significance of the event.

In order to manage emotional states, it is useful to develop the ability to "get out of the situation" while remaining physically in it. A person looks at what is happening as if from the sidelines, from the auditorium, at the stage of the performance, in which he and his familiar faces participate. The ability to move away from the situation helps to escape from the grip of your own emotions. If you are experiencing, for example, frustration, you should not fight it, but try to "separate" it from yourself, then observe yourself from the outside, find and analyze the cause of its appearance. This allows you to see how small and frivolous it is.

This is the name of suppressed or incorrectly perceived emotions that did not appear, were not expressed and, as a result, contribute to the disruption of the energy balance in the body. Emotions should not be suppressed, since even the most unpleasant of them is a warning signal that directs a person's attention to his behaviour or perception of the world and contributes to change.

One of the ways to manage emotions is integration – the recognition of a feeling or sensation without an emotional burden. In other words, we admit that we are experiencing a certain feeling and consciously, intentionally receive a warning signal from our subconscious. Next, you need to take responsibility and act in accordance with the information received. This approach allows one to be relaxed and concentrated at the same time.

At first glance, it may seem that being defenseless in front of emotions is dangerous, but this quality, in fact, is tantamount to self-awareness. This is a state of openness and connection with your deepest essence: understanding yourself and working on yourself without any fears. To achieve this state, it is necessary to weaken the action of the defense mechanisms. By defending against emotions, a person, on the contrary, contributes to his chronic tension. Resistance only energizes and reinforces what is undesirable. A person does not yet have time to realize his feelings, as they bring him into a state of tension. He has to expend a lot of energy to hide his inferiority complex, to disguise his self-doubt. At the same time, blocked emotions are violently manifested for any reason from time to time.

Obviously, controlling emotions involves developing the ability to evoke desired emotions. For this purpose, you can actualize emotional memory: remember situations from your life, which were accompanied by strong feelings. At the same time, not only one's memories of the positive experience of overcoming difficult situations are effective, but also the appeal to the experience of other people [4, 45-47]. It is useful to anticipate certain emotiogenic situations by imagining not speculatively in advance, but emotionally the whole picture of achievements. In other words, you should "celebrate" from beginning to end the program that needs to be implemented, while enjoying your successes and rejoicing in your achievements.

We can regulate our mood by associating with people who are successful in areas that matter to us – this, for example, allows us to manage envy. Individuals tend to maintain positive attitudes and avoid negative ones by reinforcing information that promotes their positive self-image. A. Tesser called this motive "self-assessment

reinforcement". In order to cope with your own negative emotions, you can actively act for the benefit of others. Such "help in a negative emotional state" is viewed as a motive for altruistic behaviour [7, 775-777].

Although many aspects of mood regulation take place automatically, a certain meta-experience of emotional states is recognized and open to exploration. The meta-experience of experiencing moods, generalized from many situations provides a person with data for building an implicit theory about those situations that can cause certain moods. For example, if a pleasant mood arose during the singing, then singing with someone may cause the same mood again in the future. Mood metaexperience can influence the choice of emotional states through a positive increase in overall inner experience.

In addition to controlling the intensity of emotional states, it is possible to control their extensive component. It is connected with the fact that emotions do not arise spontaneously, they are attached to situations and turn into stable states when an emotiogenic situation persists for a long time. The general emotionality of a person can be taken as a constant. Based on this, if you concentrate all emotional resources in one situation or one area, the intensity of emotions will be extreme. With an increase in the number of emotiogenic situations, the intensity of emotions in each of them will decrease. Taking into account the law of constancy, it is possible to master the methods of managing an extensively component of general emotionality - emotiogenic situations.

There are several ways to extensively manage emotions. The distribution of emotions consists of expanding the range of emotiogenic situations which leads to a decrease in intensity in each of them. Concentration is necessary for those circumstances when the conditions of activity require the full concentration of emotions on one thing that is decisive in a certain period of life. In this case, one should deliberately exclude from the sphere of one's activity a number of secondary emotional situations in order to increase the intensity of emotions in those situations that are most important. Switching is associated with the transfer of emotions from emotional situations to neutral ones. In the case of so-called destructive emotions (frustration, rage, aggression), it is necessary to temporarily replace real situations with illusory or socially insignificant ones.

The ability to manage emotions is a necessary component of communication culture. The restrictive strategy probably plays an important role in creating the necessary self-motivation, restraining impulsive behaviour. However, moderation is needed here too. So, if the lack of control of emotional expression complicates interpersonal communication, then the constant restraint of emotions can contribute to the emergence of psychosomatic diseases.

Emotion management is facilitated by certain personality characteristics. For example, a special type of emotional stability, so-called affective tolerance, the essence of which is the ability to cope with emotional stress, tolerate painful experiences and anxiety without suppressing or distorting them. Another aspect of this type of tolerance is associated with a tolerant attitude towards various emotional manifestations of other people. Developed affective tolerance allows a person to become more aware of both his emotional processes and the experiences of other people, without getting annoyed and attributing negative meaning to them [6, 145].

However, not all emotions can be effectively managed. There is no means of controlling the so-called "emergency" emotions, which serve as emergency signals related to the benefits or harm, or events vital for a person's existence. Such emotions are uncontrollable because vital needs (self-preservation, procreation) outweigh other needs and motives on the scales of adaptation.

Thus, each of the structural components of emotional intelligence: discrimination (identification) and expression of emotions, assimilation of emotions in thinking (using emotions to increase the efficiency of thinking and activity), understanding (comprehending) emotions and conscious regulation of emotions make a significant contribution to its holistic functioning and affects the adaptability and efficiency of human life in a certain way. Therefore, the improvement of all these components of emotional intelligence contributes to the productivity and efficacy of the foreign language learning process.

LITERATURE

1. Андреева И.Н. Эмоциональная компетентность в работе учителя. // Народное образование. – № 2, 2006. – С. 216 – 223.
2. Власова А.И. Психология социальных способностей: структура, динамика, факторы развития: монография. – Киев: Издательско-Полиграф. центр «Киевский университет», 2005. – 308 с.
3. Выготский Л.С. Психология. – М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2000. – 1008 с.
4. Киселёва Н.В. Стресс: диагностика и преодоление (на примере подростков): учеб.-метод. Пособие. – Минск: БГПУ, 2006.
5. Куницына В.Н., Казаринова В.М., Погольша В.М. Межличностное общение. – СПб.: Питер, 2001. – 544 с.
6. Goleman D. Emotional Intelligence: Why it can matter more than IQ. – Bantam Books, 1995. – 386 p.
7. Mayer J.D., Paolo M., Salovey P. Perceiving affective content in ambiguous visual stimuli: a component of emotional intelligence. // Journal of Personality Assessment. – № 54 (3-4), 1990. – P. 772 – 781.
8. Mayer J.D., Salovey P. The intelligence of emotional intelligence. // Intelligence. – N.Y.: Elsevier, 1993. – P. 433 – 442.

Hissiyotlarni ongli ravishda tartibga solish chet tillarini samarali o'rganish jarayonining zaruriy qismi sifatida
Ismailov A. R. Samarqand Davlat Chet Tillar Instituti.

Rezyme. Maqolada emotsional kompetensiya tushunchasi, uning chet tillarini o'rganishdagi o'rni va hissiy intellekt bilan hissiy kompetentsiya o'rtasidagi bog'liqlik ko'rsatilgan. Shuningdek, ushbu ishda o'quvchilarda hissiy kompetentsiya tarkibiy qismlarini shakllantirish bo'yicha ko'rsatmalar berilgan. Bundan tashqari, maqolada o'quvchilarda emotsional kompetensiyani yuqori darajada rivojlantirish o'quv jarayoni samaradorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatishiga e'tibor qaratilgan.

Kalit so'zlar: hissiy intellekt, o'quv jarayoni, samaradorlik, chet tillari, talabalar, kompetensiya.

Сознательное регулирование эмоций как необходимая часть процесса эффективного изучения иностранного языка
Исмаилов А.Р. Самаркандский государственный институт иностранных языков

Резюме. В статье рассматривается концепция эмоциональной компетентности, описывается ее роль в обучении иностранным языкам, а также акцентируется взаимоотношение между эмоциональным интеллектом и эмоциональной

компетентностью. В работе даны рекомендации по формированию компонентов эмоциональной компетентности у учащихся.

Ключевыеслова: эмоциональный интеллект, учебный процесс, эффективность, иностранные языки, студенты, компетентность.

Conscious regulation of emotions as an integral part of effective language learning process

Ismailov A.R. Samarkand State Institute of Foreign Languages

Summary. The article discusses the concept of emotional competence, defines its role in teaching foreign languages, and outlines the connection between emotional intelligence and emotional competence. Also, this work provides recommendations on the formation of components of emotional competence ofstudents.

Key words: emotional intelligence, learning process, effectiveness, foreign languages, students, competence

---

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ПАРОНИМИЯ ВА СИНОНИМИЯ ҲОДИСАЛАРИ

Сабирова Н.К.

Ўзбекистон миллий униаерситети

Паронимлар, синонимлар, омонимлар ва полисемия ҳодисалари тил лексик тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, улар ушбу тизимда алоҳида ўрин тутади. Паронимиянинг кўпгина назарий масалалари ҳали якуний ечимга эга эмас. Бундан ташқари, тилшунослар паронимиянинг моҳиятини тушунишда турлича қарашларга эга бўлиб, улар, албатта, луғатларда ўз аксини топган. Паронимлар, синонимлардан фарқ қилади. Паронимия билан ўзакдош сўзлар маъноларидаги тафовут, одатда, шу қадар аҳамиятлики, ундаги бир сўзни бошқасига алмаштириш мумкин эмас. Бироқ синонимлар, маъно оттенкалари билан фарқ қилиши мумкин бўлса-да, муаллифга маъно бўйича энг мос сўзни танлаш ва ўзаро алмашинувчанлик имконини беради [4, 29]. Паронимлар таърифидан англашиладики, бу нафақат омонимия ва полисемия билан, балки синонимия билан ҳам қиёсланадиган алоҳида семантик ҳодисадир. Синонимия бир хил даражадаги, фақат маънонинг нозик фарқларида, экспрессияда, услубий тегишлиликдаги фарққа эга бўлган тил бирликларининг (сўзларнинг, морфемаларнинг, сўз бирикмаларининг) асосий маъноларининг тўлиқ ёки қисман мос келишидан иборатдир.

Инглиз тилшунослигида паронимия ҳодисаси ҳақида У. Коутс (1968), Д. А. Круз (1986), А. Рум (1979, 2000), Р. К. Хартманн ва Г. Джеймс (1998), В. Фромкинларнинг(1973) илмий ишларида маълумотлар мавжуд. Ўзбек тилшунослигида ушбу ҳодиса М.Миртожиев (1981), Б.Қиличев (1997), Р.Шукуров (1973), А.Ҳожиев (1974), И.Тошалиев, М.Жўрабоевалар (1976) томонидан ўрганилган. Рус тилшунослигида паронимия муаммосини ўрганишда О. В. Вишнякова (1981, 1984), Н. П. Колесников (1973, 2005), Ю. А. Бельчиков (2008), А. А. Евграфова (1975), И. Н. Кузнецова (1977), В. П. Григорьев (1977, 1992), Ф. А. Литвин (1976, 2005), Л. Н. Федотова (1989, 1990, 1991, 1994), З. К. Ишкильдина (2006), С. С. Иванов (2009), М. И. Фомина (1973, 1983, 2001) ва бошқа тилшунослар катта ҳисса қўшганлар. Рус тилшуноси О.П.Антипинанинг фикрича, “Фонетик жиҳатдан кўпчилик синонимлар фонетик хилма-хил сўзлардан иборат”. Масалан, fat [fæt], stout [staut], heavy ['hevɪ], plump [plʌmp], chubby ['tʃʌbɪ], overweight [əuvə'weɪt], obese [əu'bi:s], fleshy ['fleʃɪ], portly ['pɔtlɪ], corpulent ['kɔ:pjuləntˌ]. Бироқ бу ерда ҳам истиснолар бўлади масалан, wait [weɪt] - await [ə' weɪt]; kind [kaind] - kindly ['kaɪndlɪ] [1, 61]. Мисолларда келтирилган синонимлар фонетик жиҳатдан ўхшаш, оҳангдош сўзлар ҳисобланади, аммо бу каби синонимларнинг сони ҳозирги инглиз тилида кўпчиликни ташкил қилмайди, бу эса уларнинг ўзига хослиги ҳақида сўз юритиш имконини беради. Паронимлар учун эса ифода планида ўхшашлик шарт, белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади.

Тилнинг мустақил лексик категориялари бўлган синонимия ва паронимия мазмун планида бир-бирига боғлиқ бўлади. Битта синонимик қаторнинг бўлаклари ўртасидаги семантик ўхшашлик паронимларга қараганда кучлироқдир ва у тизимли (тилга оид) характерга эга, чунки улар ифода қилаётган тушунчаларнинг умумийлигига асосланади. Шундай қилиб, синонимлар учун маъноларнинг айнан бир хиллиги (тушунчаларнинг умумийлиги) релевант семантик белги ҳисобланади, у луғат таърифларида, шунингдек синонимларнинг қисман бир-бирини алмаштиришларида, яъни айрим контекстларда бир-бирига мос келишларида ҳамда бошқаларида мос келмасликларида намоён бўлади. Мисол учун, *rotten* ва *addled* сифатлари *egg* оти билан бирга қўшилганда синонимикдирлар, аммо *brain* ёки *head* билан бирга қўшилганда синонимик эмас [1, 61] .

Вақт ўтиши билан сўзларда янги маънолар юзага келади ва эскилари йўқолиб боради. Баъзан янги маънолар шу даражада “кутилмаган, ғайриоддий” бўладиларки, улар эскилари билан кўпроқ синонимия сифатида қўлланила олмайдилар. Масалан, илгари синонимик бўлган, “муғомбирлик, айёрлик, мунофиқлик, сохтакорлик, риёкорлик, ясамалик, жазавага тушиш, сунъий ҳаяжон” умумий маъноларига эга ***“affection” ва “affectation”*** сўзлари, ҳозирги инглиз тилида бошқа маъноларда қўлланиладилар: ***affection*** *“севги, яқинлик (дўстлик, меҳрибонлик ёки муҳаббат) туйғуси, садоқат; меҳрибонлик, муҳаббат, меҳр”,* ***affectation*** *“муғомбирлик, айёрлик, мунофиқлик, сохтакорлик, риёкорлик, ясамалик*”. Демак, тахмин қилиш мумкинки, илгари тилда синонимлар бўлган ***affection*** ва ***affectation*** каби сўзлар, бошқа ҳолатга, паронимларга ўтадилар. Бу асосан алоҳида морфологик структура билан характерланадиган, бироқ аффикс ифода этаётган лексик маъно билан фарқланувчи аффиксал бир ўзакли паронимларга тегишлидир, масалан, ***masterful*** *“моҳир, уста, маҳоратли, устаси фаранг”//***masterly** “ҳукми (сўзи) ўтадиган, ихтиёрли, ҳуқуқли; сўзини ўтказадиган, ҳукмини*

юргизадиган, амр-фармон, шаддод", ***appetitive*** *"иштаҳаси, нафси бор"//****appetizing*** *"иштаҳани қўзғатадиган, сўлакни оқизадиган, ейишли; ҳавасни келтирадиган, кўзни ўйнатадиган, ёқимли"*[1, 63].

Ю.Д.Апресян синонимларни таърифлашда синонимик қаторнинг бўлакларида битта типнинг валентлиги мезонини, яъни дистрибуцияни ажратиб кўрсатади [1,62]. Инглиз ва ўзбек тилларида синонимик қаторларнинг бўлаклари билан қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: ***She likes playing piano. "У пианино чалишни яхши кўради"// She loves playing piano. "У пианино чалишни жуда яхши кўради"// She adores playing piano. "У пианино чалишни севади"***. Хилма-хил учта мулоҳазаларда қўлланилган барча синонимлар, "севмоқ" умумий тушунчасини ва унинг маъновий нозик фарқларини, хусусан ҳиссиётнинг интенсивлигини ифодалаб, бир хил валентликка эгадирлар.

Шундай қилиб, паронимларни ва синонимларни табақалаштириш учун ҳам фонетик, ҳам семантик жиҳатлар зарур. Паронимларда фонетик ўхшашлик синонимларга қараганда кўпроқ намоён бўлади, синонимларда эса, аксинча, семантик ўхшашлик фонетик ўхшашликка қараганда кўпроқ бўлади. Шунга қарамай, *economic//economical, classic//classical* кўринишидаги бир ўзакли паронимлар битта контекстда бир-бирини алмаштира олиши сабабли уларни синонимлар дейиш мумкин.

Паронимларнинг бир негизли синонимлардан фарқи сўзлар алоқасининг турли йўналишдалигидан иборат. Синонимларни семантик яқинлик фонида чоғиштиришда бир хил ўзакли сўзларнинг маъносида фарқловчи компонент очиқ-ойдин намоён бўлади, паронимия эса, аксинча оҳангдош сўзлар маъносининг умумий элементларини ёритади.

А. А. Евграфова бир хил ўзакли синонимларнинг ва паронимларнинг чегараланишини қуйидагича изоҳлайди: " бир хил ўзакли сўзларни, агар улар битта тушунчани ифодаласа, бир хил лексик валентликка эга бўлса, битта сўз туркумига тегишли бўлса синонимлар деб ҳисоблаш керак. Бир хил ўзакли сўзларни, агар улар турли тушунчаларни ифодаласа ва яқин, бироқ ҳажми бўйича ҳар хил маънога эга бўлган сўзларни паронимлар деб ҳисоблаш керак" [6, 10]. В.Т.Нафасова ўзбек тилидаги синоним ва паронимларни таққослаб қуйидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни қайд этади [9, 6]: Синонимиянинг паронимиядан фарқи шундаки, паронимия лексик бирликларнинг шаклий яқинлигига, қисман ўхшашлигига асосланади. Синонимияда эса шаклий яқинлик, ўхшашлик бўлмайди. Синонимлар каби паронимлар ҳам, айниқса, бир хил асосли паронимлар маъновий жиҳатдан бир-бирига яқин лексемалардир. Аммо паронимларда маъновий бир хиллик, айнанлик, тўла ўхшашлик бўлмайди, синонимларда эса маъно жиҳатдан мослик мавжуд бўлади, хусусан, бу хусусият лексема маъносининг қисмларида, таркибида, элементларида кузатилади. *Сезгир, зийрак, туйғун, ҳушёр, сергак, тийрак* – синонимлар. *Зийрак* (сезгир) – *зирак* (сирға тури), *тийрак – терак* (дарахт тури). Булар – паронимик муносабатдаги лексема паронимлардир. Синонимлар нутқда ёнма-ён ёки жуфт лексик бирликлар сифатида қўлланиши мумкин: *бало-офат, безак-ҳашам, куч-қувват, чанг-ғубор, шовқин-сурон, шод-хурсанд.* Бир гап таркибида синонимик қатор аъзолари-нинг икки ва ундан ортиқ қўлланиши нутқнинг нуқсони ҳисобланмайди. Паронимлар эса жуфт сўз сифатида матнда қўллана олмайди. Лекин бир матн, кўпинча шеърий матнларда паронимик қаторнинг икки аъзоси маълум бир услубий, мантиқий ёки бошқа хил лисоний-нолисоний мақсадлар учун қўлланиши мумкин. Парономазия нутқнинг, матннинг безаги саналади. Баъзан бир гап таркибида паронимик қатор ёнма-ён бўлиши мумкин: *Отасига* ***қуйиб қўйгандек*** *ўхшайди. Қўлига сув* ***қуйиб қўйди.*** Биринчи гапда отасига ташқи кўриниши жиҳатдан жуда ўхшашлиги ифодаланса, иккинчи гапда қўлини ювиш учун сув қуйилгани ифодаланган. Синонимик парадигмаларда лексемаларнинг талаффузи асосий омил ҳисобланмайди. Паронимик парадигмаларда талаффуз етакчи омил ҳисобланади. Синонимларда лексемалар умумий маънога эга бўлиб, ҳар бир лексема қўшимча нозик маъно билан ажралиб туради. Паронимик парадигма аъзоларининг мазмун планида бир неча хусусиятлар мавжуд: а) паронимлар, бир хил илдиз билан бирикиш орқали ҳосил қилинган умумий маънога эга: ***болали*** (боласи, фарзанди бор) – ***болалик*** (одамнинг ҳали вояга етмаган даври, болалаларга хос ҳатти ҳаракат, қилиқ), ***оталик*** (отанинг ўз фарзандига бўлган муносабатлари ва шу муносабатларга боғлиқ ҳолатлар)- ***оталиқ*** (моддий, маданий ёки бошқа хил ёрдам кўрсатиш, шундай ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олган киши); б) бир хил илдизга эга бўлган паронимлар турли хил маънога эга: ***асир*** (тутқин, банди) – ***аср*** (юз йиллик давр), ***эмоқ*** (ўсимлик уруғини ерга сепмоқ, ўсимлик кўчатини ўтқазмоқ) - ***эгмоқ*** (тўғри, тик ҳолатидан бирор томонга тортмоқ, қайирмоқ, ўз измига итоат эттирмоқ). Синонимик парадигмалар таркибидаги лексик бирликлар этно генетик жиҳатдан бир ёки бир неча тиллардан иборат бўлиши мумкин. Паронимик лексемалар битта ва иккита тилга тегишли бўлиши мумкин: *алифбе – алифбо* (араб), *афсун – афзун* (форс), *эгалламоқ – эгарламоқ* (ўзбек), *дипломат – дипломант* (рус), *бўғот – боғот* (ўзбек+форс), *аския – акция* (араб+ рус), *қисим – қисм* (ўзбек+араб), *сероб – сироп* (форс+рус). Синонимик парадигмада ҳам, паронимик парадигмада ҳам лексемалардан бири доминанта вазифасини бажаради.

Шак-шубҳасиз, паронимия ва синонимия ҳодисалари айрим соҳаларда бир-биридан ажратилмаган бўладилар, балки, аксинча, кесишадилар масалан, ***gourmand "овқат шинавандаси"//gourmet "овқат шинавандаси, мазахўр".*** И.Н.Кузнецованинг фикрига кўра, паронимик жараён лексик интерференциянинг бир кўриниши сифатида гавдаланади, уни у "битта ёки ҳар хил тилларнинг иккита ёки бир неча бирликларининг дастлаб шаклан, шунингдек семантик ўхшашлик билан бир-бирига боғлиқлиги уларнинг (ифода ва мазмун планида) икки томонлама ўзига тортишиши", деб таърифлайди. Бу икки томонлама ўзига тортишиш тил нормасининг ғайриихтиёрий (янглиш) ёки ихтиёрий (стилистик) бузилишига олиб келади [7,19].

Инглиз ва ўзбек тилларидаги синонимлар ва паронимлар умуман, ўхшашга қараганда кўпроқ фарқ қилувчи жиҳатларни кўрсатадилар. Бу фарқ қилувчи жиҳатларни қуйидагича ифодалаш мумкин: а) Семантик

жиҳатдан синонимлар яқинлашиб, бир-бирини барча позицияларда алмаштиришлари (ўрнини тўлдиришлари) мумкин (абсолют синонимлар): *чўпон – подачи, типография — босмахона; whin - furze;* паронимлар эса, аксинча, семантика нуқтаи назаридан бир-бирининг ўрнини ҳеч қачон тўлдирмайдилар, шунинг учун контекстда паронимнинг маъносини бузмасдан алмаштириш жуда кам, фақат бир ўзакли айрим рекуррент бирликларда кузатилади. б) Паронимлар, қоидага кўра, икки бўлакли гуруҳларни ҳосил қиладилар: *палак//фалак, савсар//сафсар, alternate//alternative, funeral//funereal* гарчи уч бўлакли паронимлар ҳам учраб туради: *девон//диван//довон, соб//сон//соф, delude//allude//illude, decumbent//incumbent//recumbent*. Синонимлар эса баъзан сўзларнинг жуда узун қаторини намоён қилувчи синонимик қаторни ҳосил қилади, масалан: *кўп, анча, талай, беҳисоб, мўл, сероб, бисёр; deliberate, intended, purposeful, willful*. Бироқ, баъзан синонимик қатор қисқа ҳам бўлиши мумкин. в) Вақт ўтиши билан синонимик қатор паронимик қаторга қараганда лексик тизимнинг ривожи билан боғлиқ турли хилдаги ўзгаришларга кўпроқ дуч келади; бунда маълум даврларда синонимик муносабатда бўлган сўзлардан бири истеъмолдан чиқиши ёки улардан бирининг синонимик муносабат ҳосил қилувчи маъноси йўқолиши, ва аксинча тилда янги-янги синонимик муносабатли сўзлар, синонимик қаторлар пайдо бўлиши мумкин [8, 246]. г) Паронимик жуфтликларни ҳосил қилувчи сўзлар хилма-хил синонимик қаторларни ҳосил қилишлари мумкин. Мисол учун, *касб//кашф* паронимик жуфтликнинг ҳар бир бўлаги ўзларининг синонимларига эгадир: ***касб*** *— ҳунар, соҳа, ихтисос*; ***кашф*** *— ихтиро, яратмоқ, очмоқ, топмоқ; адил//адл:* ***адил-*** *тик, тўғри*; ***адл-****одил, адолатли*. Инглиз тилида паронимик жуфтликнинг ҳар бир бўлаги ҳам турли синонимларга эга бўлишлари мумкин, масалан: ***dominate*** (conquer, overpower) // ***nominate*** *(designate, entitle*). Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, жуфтликнинг битта компоненти синоними бошқасининг синоними ҳисобланмайди. д) Синонимлар, паронимлардан фарқли равишда нутқда аниқлаштириш ёки конкретлаштириш вазифасини бажаришлари мумкин. Бир-бирини тўлдириб, улар муаллифнинг ҳиссиётини тўла ва ифодали етказиш имконини берадилар: *Ношуд, тажрибасиз энди ёзишни бошлаган ёзувчи, ўз ишини тезрок тугатишга шошилади: у унга чек қўйишга, асарни тугатишга, имзо чекишга шошилмоқда.* (А.Озеров); *Бизда сиз билан шусиз ҳам дуэл, узлуксиз олишув, доимий жанг.* (А.Островский); (Муаллиф таржимаси). *The customer asserted that she would use, utilize, employ, and exercise all rights due to her under law; His financial problems were great obstacles and impediments to paying his monthly bills.*

Хулоса қилиб айтганда, инглиз ва ўзбек тилларидаги паронимия ва синонимия ҳодисаларини бир – бири билан таққослаш шуни кўрсатадики, аввало, паронимия – бу тил ҳодисасидир, чунки тил воқелигида семантик жиҳатдан оҳангдош ва муносабатдор бирликлар мавжуд бўлиб, улар паронимик майдоннинг ядросини ифода қиладилар. Шунга қарамай, бундай бирликларнинг нутқий характерини ҳисобга олмаслик мумкин эмас, чунки айнан нутқда маълум шароитларда улар бу билан паронимия ҳодисасини келтириб чиқариб, ихтиёрий ёки ғайриихтиёрий тўқнашишлари мумкин.

Умуман олганда паронимлар ва синонимлар ўзаро фарқ қилувчи жиҳатларга эга бўлиб, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин: Семантик жиҳатдан синонимлар ўзаро яқинлашиб бир – бирининг ўрнини тўлдиришлари мумкин. Паронимларда эса бундай ҳолат кузатилмайди; Одатда, паронимик қатор аъзолари икки, баъзан эса уч бўлакли гуруҳларни ҳам ҳосил қиладилар. Синонимик қаторни ҳосил қилувчи сўзлар эса баъзан узун қаторни ташкил қилади. Нутқни конкретлаштириш вазифасини синонимлар бажаришлари мумкин. Бу эса матннинг экспрессивлигини ошириб, муаллиф ҳиссиётини тўлалигича очиб бериш имконини беради.

Кейинги тадқиқотлар паронимиянинг тил умумий тизимидаги ўрни ва мавқеини аниқлашга қаратилади, чунки паронимияни ажратишнинг аниқ мезонларини белгилаш, кейин эса ушбу мезонлар асосида паронимия ва у билан яқин бўлган омонимия, полисемия ҳамда парономазия ҳодисалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва боғлиқликлари ҳақида маълумотлар тўплаш ва уларни тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Антипина О.П. Сопоставительный анализ паронимов русского и английского языков: Дисс. ... канд.филол.наук. – Уфа: 2012. - 61 с.
2. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. - М.: Наука, 1974. - 223с.
3. Галаванова Г.П. К вопросу о роли взаимозаменяемости при выделении и определении синонимов // Синонимы русского языка и их особенности. - Л.: Наука, 1972. - С. 112-115.
4. Голуб И.Б., Розенталь Д.Э. Секреты хорошей речи. - М. Международные отношения, 1993 . – 29 с.
5. Демидова Е.Н. Проблема дифференциации паронимии, синонимии и вариантности в научной речи // Вестник Челябинского государственного университета. 2011. № 8. Вып. 51. - С. 47-49.
6. Евграфова А.А. Паронимия в современном русском языке: Автореф.дисс. …канд.филол.наук.- Киев, 1975.-10 с.
7. Кузнецова И.Н. О семантической классификации паронимов // Вестник Московского университета. - 1977. - № 4. - С. 19.
8. Миртожиев М. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра типлари//Ўзбек тили лексикологияси –Тошкент: Фан, 1981.
9. Нафасова В.Т. The place of paronyms in the lexical system of the Uzbek language// Актуальные научные исследования в современном мире. VI Международная научно-практическая интернет-конференция.- Переяслав-Хмельницкий: 2015.
10. Cruse D.A. Lexical Semantics. Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1986. - 313 p.
11. Fromkin V.A. The Non-Anomalous Nature of Anomalous Utterances // Speech Errors as Linguistic Evidence. - Mouton, 1973.
12. Hartmann R.R.K., James G. Dictionary of Lexicography. - London: Routledge, 1998.- 176 p.

Инглиз ва ўзбек тилларида паронимия ва синонимия ҳодисалари
Сабирова Н.К. Ўзбекистон Миллий университети

Резюме. Ушбу мақола инглиз ва ўзбек тилларидаги паронимия ва синонимия ҳодисаларининг ўрганилишига бағишланган бўлиб, унда паронимия ва синонимия муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Паронимларнинг тил тизимидаги ўрни ва синонимия билан боғлиқ ҳодисаларга нисбатан ҳолатини аниқлашни англатади. Паронимия лингвистик ҳодиса сифатида нафақат омонимия ва полисемия билан балки, синонимия билан ҳам таққосланадиган семантик ҳодисадир.

Таянч сўзлар: Паронимия, синонимия, синонимик қатор, паронимик қатор, фонетик ўхшашлик, семантик ўхшашлик.

Явления паронимии и синонимии в английском и узбекском языках
Сабирова Н.К. Национальный университет Узбекистана

Резюме.Данная статья посвящена изучению феноменов паронимии и синонимии в английском и узбекском языках, в которой анализируются особенности паронимических и синонимических отношений. Определяется роль паронимов в системе языка и их состояние по отношению к явлениям, связанным с синонимом. Паронимию как языковое явление можно сравнить не только с омонимией и полисемией, но и с синонимией.

Ключевые слова:паронимия, синонимия, синонимический ряд, паронимический ряд, фонетическое сходство, семантическое сходство

Phenomena of paronymy and synonymy in the English and Uzbek languages
Sabirova N.K. National University of Uzbekistan

Summary. This article is devoted to the study of the phenomena of paronymy and synonymy in the English and Uzbek languages, which analyzes the features of paronymic and synonymic relations. This determins the role of paronyms in the language system and their state in relation to the phenomena associated with the synonym. Paronymy as a linguistic phenomenoncan be compared not only with homonymy and polysemy, but also with synonymy.

Key words: paronymy, synonymy, synonymic row, paronymicrow, phonetic similarity, semantic similarity

---

УДК: 372.881.111.1

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЁЗМА НУТҚ КЎНИКМАСИНИ ОШИРИШДА ВА БАҲОЛАШДА ИНГЛИЗ ТИЛИ КОРПУСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тошпўлатова М. Қ.
Термиз давлат университети

Жаҳон амалиётида талабаларнинг инглиз тилида ёзма нутқ кўникмасини шакллантириш, замонавий ёндашувлардан фойдаланиб,таълим жараёнини самарадорлигини ошириш зарур. Олий таълим муассалари талабалари ёзма нутқ кўникмалари ва малакаларини шакллантириш кўплаб муаммоларга дуч келади.XX асрнинг ўрталарида корпусга асосланган ёндашувнинг пайдо бўлиши, инглиз тилида талабаларнинг ёзма нутқ кўникмасини такомиллаштиришга катта таъсир кўрсатди.

Инглиз тилини ўқитишда корпусдан фойдаланиш 1980 йиллардан бошланган ва асосан инглиз тилини ўқитишда кенг фойдаланилган. Корпус сўзи ўзи сўзи лотин тилида “corpus” сўзидан олинган бўлиб кўплик шакли (corpora), компьютерда сақланган, муайян табиий матнлар жамланмасидир. Корпус терминига тилшунос олимлар Ж.Синклер, Т. МакЭнери, М. МакКарти, Д.Бибер, С.Конрад, Р.Реппин каби олимлар турлича таърифларни беришган. Масалан Америкалик олим Р.Реппин корпус терминига қўйидагича таъриф беради “corpus as a large and principled collection of naturally occurring texts (written or spoken) stored electronically” [8, 5].

Ушбу таътифни изоҳлайдиган бўлсак, бунда табиий матнлар гапда, реал, ҳаётий, мавжуд манбалардан олинган, табиий тилнида ёзилда ёзилган аутентик контекстлар, суҳбатлари, хатлар, китоблар, синфдаги мулоқот матнларини ўз ичига олади.

Тил корпусини яратиш ва компьютер технологияси ёрдамида корпус тузишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш билан корпус лингвистикаси шуғулланади. Корпус лингвистикаси компьютер лингвистикасининг жадал ривожланаётган соҳаси бўлиб ,нафақат корпус яратиш, балки методологик ёндашув сифатида ҳам ривожланган [5, 20]. Р.Реппиннинг таъкидлашича, корпус лингвистикаси компьютерга асосланган бўлиб, тилни ўрганиш учун ҳақиқий матнларнинг тайёр манбасини таъминлаш воситасидир [8, 10].

Корпус воситалари лингвист тадқиқотчилар ва ўқитувчиларга ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, синф машғулотларини мукаммалроқ тузишга имконини беради Корпус лингвистикаси асосида корпусга асосланган ёндашув юзага келган. Корпус лингвитикаси ва инглиз тилини ўқитиш ўртасидаги боғлиқлик юзасидан корпусшунос олимларидан Ж.Синклер, С.Конрад, У.Ромер, Лееч, Боуртонлар тадқиқот олиб борган.

Ёзма нутқ кўникмаларини ҳосил қилиш жараёнини осонлаштириш ва уни такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.Ушбу тадқиқотларда улар асосан ёзма нутқда ишлатиладиган сўзларнинг сони, талабаларнинг ёзиш кўникмаларига нисбатан мотивацияси, ёзиш қобилиятини ўстириш юзасидан муаммолар ўрганилган [2, 128]. Лингвистик таҳлил учун корпусдан фойдаланишнинг иккита асосий афзаллиги бор, яъни улар табиий нутқнинг катта эмпирик маълумотлар баъзасини тақдим этиб, таҳлиллар асосан ҳақиқий натижани акс эттирмайдиган сезги йўли билан эмас, балки табиий равишда пайдо бўлган структура ва фойдаланиш усулларига асосланади [2, 140]. Иккинчиси тадқиқотчиларнинг илгари ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларини ҳал қилишга имкон беради. Бу компьютерга асосланган матн корпуси бўлиб, автоматик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш мумкин. Бундай таҳлиллар орқали аксарият ҳолларда матнларни, катта матнларни, лингвистик хусусиятларни ва лингвистик хусусиятлар ўртасидаги ўхшашликларни ўрганиш мумкин. Корпусга асосланган ёндашув бу каби муаммоларни тадқиқ қилишга ёрдам беради [2, 145]. Инглиз тилида ёзилган ёзма ишларни текширишнинг анъанавий усулларидан фарқли равишда, ўқитувчилар учун маълумотларни компьютерга жамлаган ҳолда, талабаларнинг ёзма ишларини баҳолашининг замонавий усуллари мавжуд. Зао Лилининг таъкидлашича инглиз тилида ёзма ишларни баҳолашнинг тезкор системаси мавжуд бўлиб, улар талабаларнинг ёзма ишларини автоматик тарзда, талабаларнинг ёзма ишларида учрайдиган грамматик, лексик, орфографик ва пунктуация каби хатоларини аниқлайди. [9.78] “Juku” автоматик баҳолаш системаси орқали баҳолаш жараёнлари қуйидаги усулда амалга оширилади. Ёзма нутқ кўникмалари фани дарси учун

талабаларнининг топшириқларини баҳолаш режалаштирилади ва ёзма иш топшириғи талаблари ва муддати белгиланиб системага жойлаштирилади. Иккинчи навбатда талабалар томонидан ёзма иш топшириқлари системага белгиланган муддатида жойланади ва жойланган ёзма иш топшириқлари юзасидан камчиликларга ўз изоҳини қолдириши мумкин.

Ушбу системанинг эффектив таъсири шундаки, ўқитувчиларнинг ёзма иш топшириқларини текширишга сарфлайдиган вақтини камайтириб, талабаларнинг ёзиш қобилиятини такомиллаштириши мумкин. Автоматик тизимни анъанавий усул билан таққослаганда қуйидаги фарқли хусусиятлари кўринади [9, 82]. А) Талабаларнин гёзма иш топшириғидаги хатоларни автоматик равишда таний олади ва қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар беради. Б) Талабаларнинг топшириқларига тезликда муносабат билдиради ва иншоларини баҳолаши мумкин. С) Ҳатоларнинг қайта қайта таҳрирлашнинг ҳожати бўлмайди ва чунки маълумотлар олдиндан сақланган бўлади. Д) Лексик, грамматик ва синтактик ҳатоларни кўрсатади ва қайта кўриб чиқиш тегишли тавсияларни беради. Е) Ўқитувчилар учун плагиатни аниқлашга ёрдам бериб жуда фойдали маълумотнома бўлиб хизмат қилади. Ф) Система талабаларнинг ёзиш қобилиятини ҳақида умумий маълумот беради. Талабанинг индивидуал камчиликларни билиб олишга ёрдам беради.

Юқоридаги тавсияларга қўшимча қилиб, автоматик тарзда баҳолаш системаси талабаларнинг ёзиш маҳорати бўйича статистик маълумотни олиш имконини ҳам яратади, чунки барча ёзма ишлар система хотирасида сақланиб туради ва умумий ўзлаштириш даражасини билиб олишга ёрдам беради. Г. Беннит ўзининг “Using corpora in language learning classroom” монографиясида Инглиз тилида ёзма ишларни баҳолашда компьютер ёрдамида амалга ошириладиган усуллардан яна бири “computer aided error analysis” дастуридир. “CEA”(компьютер ёрдамида хатоларни текшириш) дастуридан фойдаланишни 4 категорияга лексика, грамматика, прагматика ва дискорсга ажратган. Асосий эътибор эса ушбу ишда грамматик хатоларни аниқлашга қаратилади деб таъкидлаган. Олимлардан яна бири Д.Феррис эса ёзма ишларни текширишда грамматик хатолар категориясини 6 турга: *феъл, от, артикл, сўз қуллаш, гап структураси ва ифодалашга* ажратган [7, 126]. Бунда ўқитувчи ўзи учун категориялардан баҳолаш рубрикасини аниқлаб олиб текшириши мумкин. Ушбу категориялар талабаларнинг ёзма иш тошириқларини баҳолашда барча турдаги гурухларда фойдали ҳисобланади. Л.Лиуснинг таъкидлашича лексика- грамматик хатоларни 6 турга: *артикл, сўз бирикмалари, предлоглар, регистр, эга кесим мослиги, сўз қуллаш хатолари*. Шунингдек ушбу категориялар ҳам уз афзалликка эга бўлиб,талабанинг ёзма нутқ қобилиятини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳозирда ўқитувчилар учун талабаларнинг ёзма иш топшириқларини текширишда “computer assessted error correction” (компьютер ёрдамида хатоларни тўғирлаш) дастури ривожланган [3, 55].

Compleat Lexical Tutor [lextutor.ca] дастури инглиз тили ўқитувчилари, ўрганувчилари, тадқиқодчилари учун корпусга асосланган восита ҳисобланади. Воситанинг асосий йуналиши лексикани ривожлантиришга қаратилган бўлиб, сўзлар ўртасидаги муносабатларга (сўзлар рўйхати, сўз туркумлари, сўз бирикмалари ва бошқалар) қаратилган ва ушбу дастур ўзида 25 дан ортиқ корпусларни жамлаган. Compleat Lexical Tutor дастурида ўқитувчилар фойдаланиш мумкин бўлган кўплаб воситалар мавжуд бўлиб, асосан VocabProfile воситаси дарсларни самарали ташкил қилишга ёрдам беради. LexTutor дастурининг воситалари сўзлар ўртасидаги муносабатни, руйҳат бўйича сўзларни таснифлайди, турлари ва типларига кўра таҳлил қилади. Юқорида келтирирлан дастурларнинг функсияларидан келиб Э.Фригинал бир қанча тавсияларни берган.

1.Барча дастурлар билан танишиб чиқиш ва ўзининг синфига мосини танлаш; 2. Талабаларинг ўрганиш мақсадини ва нимани ўқитишини аниқлаш; 3. Дастурландан фойдаланишда контексга тегишли нарсаларга этибор қаратиш; 4.Талабаларнинг ушбу дастур ҳақида таништириш ва кейин дарс жараёнида қуллаш; 5.Дастур орқали илмовий хатоларни аниқлаш [6, 178]. Деярли барга методологик кўрсатмалар ўз вазифасига эга, ўқитувчилар учун иш жараёнини осонлаштиришга ва объектив ва субъектив омилларнинг таъсир кўрсатишини камайтириди деб уйлаймиз.

Ўқитувчилар ёзма ишга қараб категорияларни танлаш имкони мавжуд. Бошқа конкорданс дастурларидан бири TextSTAT бўлиб, талабаларнинг ёзма ишларида тез тез учраб турадиган ҳатоларини аниқлайди. TextSTAT дастурида ҳам матн киритилади ва автоматик тарзда корпус воситаларидан фойдаланиши мумкин.

Хулоса ўрнида корпусга асосланган ёндашув талабаларнинг тил маҳоратларини оширишда илмий тадқиқотлар олиб боришга асос бўлади. Корпус янги статистик маълумотларни беради ва инглиз тилини ўқитиш соҳасида корпусга асосланган ёндашувдан фойдаланиб янги дастур, материаллар тузиш, баҳолаш жараёнида фойдаланиши мумкинлиги кўрамиз. Бунинг эффектив таъсирини замонавий инглиз тили дарсларида қўлланиладиган матнлар, дарсликлар, грамматик китоблар, луғатлар, силлабус тузишда ишлатиилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Bennett, G. (2010). Using corpora in the language learning classroom. Ann Arbor, MI: University of Michigan Press.
2. Biber, D., Conrad, S., & Leech, G. (2002). A student grammar of spoken and written English. London, UK: Longman. Biber, D., Conrad, S., & Reppen, R. (1998). Corpus linguistics: Investigating language structure and use. Cambridge, UK: Cambridge University Press.
3. Cobb, T. (2016). Compleat Lexical Tutor v.8 [website]. Retrieved December 9, 2016 from http://lextutor.ca
4. Coxhead, A. (2002). The academic wordlist: A corpus-based word list for academic purposes. In B. Kettemann & G. Marko (Eds.), Teaching and learning by doing corpus analysis (pp. 73–89). Amsterdam: Rodopi
5. Eric Friginal Joseph J. Lee • Brittany Polat Audrey Roberson (2017) Spoken English Learner Language Using Corpora.
6. Friginal.E (2018) Corpus Linguistics for English teachers. First published 2018 by Routledge 711 Third Avenue, New York, NY 10017
7. Liu, D., & Lei, L. (2017). Using corpora for language learning and teaching. Annapolis Junction, MD: TESOL Press.

8. Reppen, R. (2010). Using corpora in the language classroom. Cambridge: Cambridge University Press
